




ЖАЛДЫЗ АДАБИЯТТЕР КҮЛӨКМӨНӨЗӨТҮ

АГАТА КРИСТИ
Лорд Эжуорнинг
ўлими



ЧАРЛЬЗ ВИЛЬЯМС
Ажал нафаси



821.111-31- 2016/157

K-81

10838

Крестов А.

Лета - 2016

2016/157
10838

АГАТА КРИСТИ
Лорд Эжуорнинг
ўлими

роман



ЧАРЛЬЗ ВИЛЬЯМС
Ажал нафаси

роман

Қайта нашр



УЎК: 821.512.133
КВК 84(4Вел)
К81

Рус тилидан
Тўлқин АЛИМОВ
таржимаси

Кристи, Агата.

К81 Лорд Эжуорнинг ўлими: роман / Агата Кристи. Ажал нафаси: роман / Вильямс Чарльз; рус тилидан Т. Алимов тарж. (Қайта нашр). — Т.: Ўзбекистон, 2014. — 320 б. — (Жаҳон адабиёти кутубхонаси).

1. Чарльз, Вильямс. Ажал нафаси.

ISBN 978-9943-01-557-9


Ҳурматли ўқувчи! Қўлингиздаги ушбу китобдан жаҳон адабиётининг йирик вакиллари бўлмиш Агата Кристининг «Лорд Эжуорнинг ўлими» ҳамда Чарльз Вильямснинг «Ажал нафаси» романилари ўрин олган. «Лорд Эжуорнинг ўлими» романида бойлик деб учта бегуноҳ инсонни ўлдириб, заррача виждони қийналмаган гўзал хоним Дейннинг аянчли тақдири ҳақида ҳикоя қилинса, «Ажал нафаси» асарида аёллар макрига учраб, ўлим билан рўбарў бўлган солда йигит Скарборо Лининг бошига тушган оғир мусибатлар тасвирланади.

Ҳар икки асарда ҳам пул, мол-давлатга ҳирс қўйиш инсон руҳиятини таназзулга буриб, уни йўлдан оздириши ишончли лавҳаларда акс этади.

УЎК: 821.512.133
КВК 84(4Вел.)

ISBN 978-9943-01-557-9

© «O'ZBEKISTON» NMIU, 2010, 2014



АГАТА КРИСТИ
Лорд Эжуорнинг
ўлими

роман



Биринчи боб

ТЕАТР ТОМОШАСИ

Одамзоднинг хотираси қисқа бўлади ўзи. Эжуорнинг тўртинчи барони Жорж Альфред Сент-Винсент-Маршнинг ўлими билан боғлиқ ҳодисалар унутилиб, эндиликда ўтмишга айланиб кетди. Бунинг ўрнини матбуотда берилаётган янги шов-шувли воқеалар эгаллаб олди.

Шу иш билан боғлиқ бўлган менинг дўстим Эркюль Пуаронинг номи ҳам мутлақ тилга олинмай қолди. Шунини айтишим керакки, дўстимнинг ўзи ҳам шундай бўлишини хоҳлаган эди. Пуаронинг айтишича, бу иш унинг ҳаётида муваффақиятсиз ишлар қаторига кираркан. У доим қасам ичиб таъкидлардики, кўчадаги ўткинчининг тасодифий танбеҳи уни жиноятни очишда тўғри йўлга солиб юборган экан.

Нима бўлганда ҳам бу жиноятни очишда унинг илоҳий истеъдоди, чинакам тадбиркорлиги иш берган. Агар Эркюль Пуаро бўлмаганда, уни фош этиш амримаҳол эди.

Шунинг учун, назаримда, ҳамма гашни очиқ-ойдин айтишнинг энди мавриди келди. Бу иш бўйича бор гап ипидан-игнасигача менга маълум.

Шуниям эслатиб қўйишим керакки, буни айтиб жуда гўзал бир хошимнинг истагини бажо келтирган бўламан.

Мен миқтидан келган, паст бўйли дўстим мўъжазгина меҳмонхонада гилам пойандознинг йўли бўйлаб бориб-келиб бу ишнинг ажойиб сирларини айтиб берган кунни тез-тез хотирлаб тураман. Мен ҳам ҳикоямни дўстим каби ўтган йил июнь ойида Лондон театрида бўлган концертдан бошламоқчиман.

Ўша пайтларда Лондонда Карлотта Адамс ҳамманинг оғзидан тушмай қолган эди. Бундан бир йил олдин у икки марта кундузи концерт берган ва жуда катта муваффақиятга эришган эди. Бу йил уч ҳафталик томоша кўрсатишга келган эди. Биз унинг сўнгги концертидан олдингисига тушдик. Карлотта Адамс америкалик аёл. У сахнада бир ижрочига мўлжалланган

ва пардоз-андозсиз, безакларсиз томоша кўрсатар эди. Афтидан, у бир нечта тилда бемалол сўзлаша оларди. Унинг томошаси хориж меҳмонхонасида жуда мароқли ўтарди. Томошабинлар кўз олдидан бирин-кетин навбат билан америкалик сайёҳлар, инглиз бойлари, ҳар хил шубҳали хонимлар, камбағаллашиб қолган рус зодагонлари ва меҳнатдан эзилган халқ ўтишаверарди.

Унинг томошаларида хурсандчилик хафачилик билан, қувонч қайғу билан дам-бадам алмашиб турар, ижросидаги касалхонада жони узилаётган чех аёли ҳолатини кўриб томошабинлар йиғлаб юборишдан зўрға ўзларини тутиб туришса, дам ўтмай тиш доктори беморнинг тишини суғураётганидаги долашини кўриб ичаклари узилар даражада кулишарди.

Томоша Карлотта Адамснинг ўзи «Пародия» деб атаган тақлид билан тугарди.

У яна ҳаммани қойил қолдирди. Унинг қиёфаси бир зумда ясан-тусансиз машҳур бир сиёсий арбобнинг ёки катта истеъдодли артистнинг қиёфасига айланди. У ўша одам қиёфасида худди ўзига ўхшатиб нутқ ирод қилди. Нутқ жуда топиб ёзилган, қисқа ва танқидий руҳда бўлиб, ўша одамнинг нозик жойини фош этарди.

Энг охирида у ёш америка актрисаси Дейн Уилкинсоннинг қиёфасида чиқди. Дейн Уилкинсоннинг обрўси Лондонда жуда юқори эди. Унинг бу тақлиди ҳам муваффақиятли чиқди. Томошабинлар худди кўз олдидарида Дейннинг ўзини кўргандек бўлишди. Унинг хирқироқ, одамни мафтун қилувчи овози айниқса, аҳамият касб этди. Карлотта Адамс унинг жисмоний гўзаллигини яратиш даражасига ҳам етган эди.

Мен ўзим Дейн Уилкинсоннинг мухлиси эдим. Унинг истеъдодига шак келтирувчилар билан эринмасдан баҳслашардим.

Шунинг учун Дейн Уилкинсонга хос бўлган хатти-ҳаракатларнинг ўша бўғиқ овоз билан саҳнада тақлид қилиб кўрсатиб берилиши менга ёқимли кўринмасди. Айниқса, кескин ҳаракат қилиб сочларини орқасига ташлаб юборишлари худди ўзи. Дейн драматик асарлар саҳнасида кўпинча шундай қиларди.

У саҳнадан воз кечиб, бир-икки йилдан кейин яна саҳнага қайтиб келаверадиган артистлар сирасига кирарди. Уч йил муқаддам бир бой лорд Эжуорга турмушга чиқди, кейин уни ташлаб кетди, деган миш-мишлар тарқалди. Ҳар ҳолда турмушга чиққандан кейин бир ярим йил ўтиб Дейн Голливудда

кинога туша бошлади. Бу йил Лондонда яна янги пьесада сахнада пайдо бўлди.

Карлотта Адамснинг зукко ва замирида жиндай жаҳлни чиқарадиган тақлидларини кузатарканман ўз-ўзимга тақлид қилинаётганлар бунга қандай қараркин, уларга бу кутилмаган рекламалар ёқармикан, ёки ўзларининг нозик сирларини ошкор қилганидан улар дарғазаб бўлмасмикан деб савол берардим. Ахир Карлоттанинг томошаси: «О, бу қадимги найранг, ҳозир мен сизларга бу найранг, ҳийланинг қандай амалга оширилишини кўрсатиб бераман», дейдиган найрангбознинг роль ижросига ўхшайди-ку.

Агар буниинг ўрнида мен бўлганимда хафа бўлардим, деб қўйдим. Албатта, буни очиқ-ойдин билдирмасдим, лекин барибир менга ёқмаган бўларди. Ҳамманинг олдида бундай майна қилишни кечириш ё уни тўғри қабул қилиш учун одам боласи катта салоҳиятга ва ҳазилни тушуниш қобилиятига эга бўлиши керак.

Шундай деб ўйлаб турувдим ҳамки орқамда хандон ташлаб кулган бўғиқроқ овоз эшитилди.

Шартта ўгирилдим. Нақ орқамда кўпроқ Дейн Уилкинсон номи билан машҳур бўлган тақлид қаҳрамони Эжуор хонимнинг ўзгинаси ўлтирарди.

Мен хаёлимга келган гаплар нотўғрилигига ишонч хосил қилдим. Эжуор менга қараб сал эгилиб қўйди, унинг кўзларида қувонч порлаб турарди.

Тақлид тугаши билан, у қаттиқ қарсақ чала бошлади. Кейин ёнидаги грек худоларига ўхшаш баланд бўйли, чиройли шеригига кулиб қўйди. Уни танидим, у машҳур кино артисти Брайен Мартин эди.

У Дейн Уилкинсон билан бирга бир нечта кинофилмларда ўйнаган эди.

— Жуда зўр аёл-а, тўғримми? — деди леди Эжуор.

Йигит кулиб юборди.

— Дейн, жуда ҳаяжонланиб кетдингиз-а?

— Ахир жуда қойилмақом қилиб ўйнади-ку. Мен кутганимдан ҳам анча яхши чиқди.

Мен Брайен Мартиннинг жавобини эшитмадим. Карлотта Адамс энди бошқа одамни тақлид қилишга ўтган эди.

Театрдан кейин Пуаро иккаламиз кечки таомга «Савое»га кетдик.

Қўшни столда леди Эжуор, Брайен Мартин ва менга нота-ниш бир нечта киши ўтирарди. Мен Пуарога қўшни столда

ўтирганларни кўрсатиб турувдим, шу он эшиқдан иккитаси кириб келиб, биздан сал наридаги столни банд қилишди. Аёлнинг юзи менга танишдек кўринди, аввалига кимлигини эслай олмадим.

Кейин бирдан унинг ҳозиргина саҳнада кўрганим Карлотта Адамс эканлигини билиб қолдим. Шериги нозик, лекин юзлари беўхшов мен танимайдиган бир эркак эди. Бунақа одамларни жиним суймайди.

Карлотта Адамснинг эғнида оддийгина қора кўйлак. Унинг юзлари ҳаммани ўзига жалб қиладиган ёки дарров таниб олиш мумкин бўлган одамларнинг юзларига ўхшамасди. Бу юзлар ўзгарувчан, бир зумда бошқа шаклга кириш санъатини маромига етказган юзлар эди. У ўзгалар қиёфасини осонгина ўзлаштириб олар, ўзида эса, тайинли қиёфа йўқ эди.

Мен ўз фикрларимни Пуаро билан ўртоқлашдим. У гапларимни диққат билан эшитди-ю, қўшни иккита столга назар ташлади.

— Леди Эжуор шуми? Ҳа, мен унинг томошаларини кўрдим. Чиройли аёл экан.

— Бунинг устига яхши артист ҳам.

— Эҳтимол.

— Назаримда, бунга ишонмаётганга ўхшайсиз.

— Менимча, дўстим, ҳамма нарса вазиятга боғлиқ. Агар у драманинг марказий ролини ўйнаётган ва жами воқеалар унинг атрофида содир бўлаётган бўлса, унда яхши бўлиши мумкин. Лекин у кичик бир роль ёки эпизодни ўйнаса, уни қойилмақом қилиб ўйнашига шубҳам бор. Менинг назаримда, у фақат ўзини ўйлайдиган, ўзини яхши кўрадиган аёллар тоифасига кирадиганга ўхшайди. — Пуаро жим бўлиб қолди-да, кейин кутилмаганда қўшиб қўйди: — Бунақа одамлар ҳаётда кўп хавф-хатарга дуч келишади.

— Хавф-хатарга дейсизми? — ажабланиб сўрадим.

— Сизни тушунаман, дўстим, бу сўз сизни ҳайрон қолдирди. Чунки бунақа аёллар ҳаётда фақат ўзини кўради. Улар атрофларидаги манфаатлари қарама-қарши, алоқалари, зиддиятлари ҳар хил бўлган миллионлаб одамларни сезишмайди. Ҳа, улар фақат ўз шахсий ҳаётлари, тажрибалари билан яшайдилар, ҳаётда ўзларидан бошқа ҳеч кимни сезишмайди, оқибатда эртами кечми бошларига оғир мусибатлар тушади.

Пуаронинг фикрлари мени қизиқтириб қолди. Тан олишим керак, бундай фикрлар ҳеч қачон калламга келмаган.

— Мисс Адамс-чи? — деб сўрадим. — Қандай?

Пуаро у ўтирган столга қаради.

— У ҳақда нима дейишимни сўраяпсиз? — деди у кулиб.

— Каллангизга келган нарсани.

— Мен ниятга қараб фол очадиган қисмат фолчиси эмасман.

— Ҳар ҳолда сиз буни бошқалардан кўра яхшироқ айтиб бера оласиз.

— Гастингс, сизнинг менга бўлган эътиқодингиз, албатта, таъсирли. Лекин, азиз дўстим, биз иккаламиз ҳам инсон ҳаётининг сўқмоқларидаги икки хил эҳтирос ва хоҳишга эга бўлган одамлар эканлигимизни тушуниб етмадингизми? Албатта, бу тўғрида тафаккур қилиб бир фикр билдиришимиз мумкин, лекин ўнта фикрдан тўққизтаси ёлгон чиқади.

— Фақат Эркюль Пуаронинг фикрларида эмас, — дедим кулиб.

— Ҳатто Эркюль Пуаронинг фикрларида ҳам! О! Мен жуда яхши биламан, мени ҳамма вақт ўзига бино қўйган одам деб ҳисоблайсиз. Аслида эса, сизни ишонтириб айтаманки, мен жуда камтар, хоксор одамман.

— Сиз хоксормисиз?

— Худди шундай. Тўғри, тан олишим керак. Гоҳида мўйловим билан озгина мақтаниб ҳам қўяман. Лондонда ҳеч кимда ҳали бунақа мўйловни кўрганим йўқ.

— Ҳеч қачон кўрмайсизам, хотиржам бўлаверинг, — дедим қуруққина қилиб. — Шундай бўлса-да, бирон нима деб Карлотта Адамс ҳақида фикрларингизни баён қилишга таваккал қилмайсизми?

— У актриса! — деди Пуаро. — Шунинг ўзи ҳамма гапни айтиб турибди, тўғримасми?

— Ҳар ҳолда ҳаётида уни бирон хавф-хатар кутиб турибдими?

— Бу нарса ҳаммамизнинг ҳам бошимизга тушиши мумкин. — Жиддий қилиб деди Пуаро. — Мисс Адамс ҳақида гапирадиган бўлсак, йўли ёрур, омадли аёл. У жуда удабурон ва ақлли. Сиз, албатта, унинг яхудий эканлигини сезган бўлсангиз керак?

Шуни сезмабман. Пуаронинг гапидан кейин унинг ташққи қиёфасидаги сомиёларга хос белгиларга эътибор қилдим.

— Ҳаётда унинг муваффақиятларга эришиш гарови замирида мана шу ётади, — деди Пуаро. — Бунинг замирида биз сиз билан гаплашган бошқа хатар ҳам яширинган.

— Нимани назарда тутяпсиз?

— Пулга бўлган ўчлик, пулга ҳирс қўйиш. Бу одам боласини йўлдан оздиришга олиб келади.

— Бу ҳол ҳаммамизнинг бошимизга тушиши мумкин, — дедим.

— Лекин сиз билан мен бошимизга тушиши мумкин бўлган хатарни, ҳар ҳолда, бошқалардан кўра, олдинроқ илғаб олган бўлардик. Биз бунинг «яхши» ва «ёмон» томонини фарқлаб олишимиз мумкин. Одам боласи пулни жонидан ҳам яхши кўрса, унинг кўзига пулдан бошқа нарса кўринмайди.

Унинг жиддий қилиб гапиришига кулиб қўйдиму, гашига тегдим.

— Лўлилар шаҳзодасининг бугун жуда шашти балаңд эканда, дейман.

— Одамзоднинг табиати жуда ғалати бўлади — давом этди Пуаро гапимга парво қилмай. — Жиноятнинг асл сабабини одамнинг табиатини, феълени ёхуд унинг ички дунёсини аниқ билмасдан туриб текшириш мумкин эмас. Гап фақат қотилликдагина эмас, қотиллик қандай омиллар асосида содир қилинганлигида. Сиз, Гастингс, менинг юритаётган мулоҳазаларимга қизиқиб қолдингиз-а? — Мен бошимни қимирлатдим. — Шуни кузатдимки, Гастингс, — деди Пуаро. — Биз бирга ишлаган чоғимизда, мени ҳар доим жисмоний ҳаракат қилишимга ундайверасиз. Бармоқ, оёқ изларини, сигарет қолдиқларини текширишимни хоҳлайсиз. Мен ўриндиқда суянганча кўзимни юмиб ўтирганимда ҳар қандай муаммонинг ечимини осонроқ ва тезроқ топишимни тушунмайсиз. Бу пайтда мен миямни кўзим билан кўра бошлайман.

— Йўқ, — дедим. — Мен эсам, ўриндиқда кўзимни юмиб ўтирганимда фақат битта нарса хаёлимда бўлади.

— Буни сезганман, — деди Пуаро. — Бу жуда ғалати. Бундай пайтларда мия уйқуга берилмасдан жон-жаҳди билан ишлаши керак. Ақлий меҳнат жудаям завқли, одамни ҳаяжонга солувчи иш. Миянинг жуда кичик, кулранг ҳужайралари ишга тушганда одамга лаззат бағишлайди. Шуларгина, ҳа, худди мана шу ҳужайраларгина одамни ҳар хил хатоликлар, адашишлардан асраб, ҳақиқат сари олиб чиқади.

Пуаро ўзининг кичкина кулранг мия ҳужайралари ҳақида гап бошлаганда менда мавзуни ўзгартириш одат тусига кириб қолгани учун ҳар сафар чўчиб тураман. Унинг бу ҳақдаги ваъзларини кўп марта эшитишга муяссар бўлганман.

Бу сафар қўшни столдагиларни кузата бошладим. Пуаронинг узундан-узоқ гаплари ниҳоясига етгандан кейин дедим:

— Обрў-эйтиборингиз жуда баланд-да, Пуаро. Гўзал леги Эжуор сиздан кўзини узолмай қолди.

— Ҳм, у мен ҳақимда эшитган бўлиши аниқ, — деб жавоб берди дўстим.

— Менимча мўйловингиз учун сизни ёқтиришса керак, — дедим. — унинг ёқимлилиги мафтун қилиб қўйган.

Пуаро аста мўйловини силаб қўйди.

— Тўппа-тўғри, мўйловим ноёб, — қўшилди у. — Дўстим, сизникига ўхшаш «тиш чўткаси» деб аталадиган яккам-дуккам мўйловни қўйиш нодонлик. Бу табиат ато қилган инъомга нисбатан илтифотсизлик бўлади. Бундай қилиб қўйманг мўйловни дўстим, қириб ташланг, илтимос қиламан.

— Шунга яна бир карра ишонч ҳосил қилдимки, шу хонимнинг сиз билан гаплашгиси келяпти, — дедим унинг гапига эйтиборсизлик билан. — Ана, ўрнидан туряпти, Брайен Мартин тўхтатиб қолмоқчи, лекин унинг гапига кирмаяпти.

Дейн Уилкинсон шахт билан ўрнидан турди-ю, бизнинг столга келди. Пуаро ўрнидан туриб таъзим қилиб қўйди, мен ҳам турдим.

— Адашмасам мсье Эркуль Пуаро бўлсангиз керак? — деди у ўзига хос паст овоз билан.

— Хизматингизга тайёрман.

— Мсье Пуаро, сизда гапим бор эди.

— Марҳамат, хоним ўтиринг.

— Йўқ-йўқ, бу ерда эмас. Юқорига кўтарилиб менинг хонамга чиқамиз.

Олдимга Брайен Мартин келди. У қаршилиқ кўрсатди:

— Бироз шошилманг, Дейн. Ҳали таомни еб бўлмадик. Мсье Пуаро ҳам.

Лекин Дейн Уилкинсон билан баҳслашиб бўлмасди.

— Нима бўпти, Брайен? Кечки таомни хонамга олиб чиқиб беришларини илтимос қиламиз. Бу ҳақда келишиб олинг, майлими? Кейин...

У Мартин билан нари кетиб унга ниманидир уқтира бошлади, Мартин қовоғини солиб эйтироз билдирди, лекин охири таслим бўлди.

Сухбат давомида Дейн бир-икки марта Карлотта Адамс ўтирган стол тарафга қараб қўйди. Қизиқ, америкалик аёлда нима иши бор экан?

Ўз сўзини ўтказгандан кейин чехраси ёришиб қайтиб келди.

— Ҳозир тўппа-тўғри менинг хонамга кўтариламиз, — деди у бизга ширин табассум ҳадя қилиб қўйиб, тузиб қўйган режаларига биз кўнамизми йўқми, бу нарса унинг калласига кириб чиқмагандай туюларди. — Сизни бу ерда учратганим, мсье Пуаро, омадим юришганининг белгиси, — деди у лифт томон кетаётганимизда.

— Қизик, бугун ишларим жуда ўнгидан келяпти. Эндигина нима қилсам экан деб ўйлаб турувдим, бошимни кўтарсам, қарангки, қўшни столда сиз ўтирибсиз-да. Кейини ўзимча: «Мсье Пуаро жўяли маслаҳат берса керак», деб қўйдим. — У лифт бошқарувчига мурожаат қилди: — Иккинчи қаватга.

— Агар сизга ёрдам бериш қўлимдан келса ба... — гап бошлади Пуаро.

— Ишончим комил, қўлингиздан келади. Эшитганман. Сиз дунёдаги энг ажойиб одамсиз. Ахир, мен тушиб қолган ўргимчак тўридан чиқиб олишим учун кимдир ёрдам бериши керак-ку. Сезиб турибман, бунинг уддасидан фақат сиз чиқасиз.

Иккинчи қаватда лифтан чиқдигу, у бизни «Савое» даги энг ҳашаматли хоналардан бирига бошлаб кирди.

Артист елкасидаги оқ мўйнали ёпинчигини ўриндиққа, қимматбаҳо тошлар қадалиб тикилган сумкачасини столга ташлади-да, ўтириб қувонганидан шўх-шодон шундай деди:

— Мсье Пуаро, қандай қилиб бўлмасин мен эримдан қутулишим керак!

Иккинчи боб

КЕЧКИ ТАОМ

Бир дақиқа ҳайратдан кейин Пуаро ўзига келди.

— Лекин, хоним, — деди у. — Эрдан ажратиш менинг мутахассислигимга кирмайди.

— Тўғри, биламан буни.

— Сизга ҳуқуқшунос керак.

— Ана шу ерда сиз ноҳақсиз. Улардан безор бўлганман. Менинг уларнинг ҳалолigiaям, фирибгаригаям ишим тушган, лекин бирортасидан тузукроқ наф кўрмаганман. Ҳуқуқшунослар фақат ўз қонунларини биладилар, холос. Лекин уларда тўғри фикр юритиш қобилияти йўқ.

— Буни менда бор деб ўйлайсизми?

У кулиб юборди.

— Мен сизни итдай исковуч деб эшитганман, мсье Пуаро.

— Нима? Искович? Тушунмадим.

— Нималар деяпсиз, сиз энг мукаммал инсонсиз.

— Хоним, менинг каллам борми, йўқми, агар гап шунга келиб тақаладиган бўлса, ўзимни, яшириб нима қилдим, калласи зўр ишлайдиган одам деб биламан. Лекин сизнинг мана-ви арзимас ишингиз менинг соҳамга кирмайди.

— Негалигини тушунмаётибман. Ахир, бу ҳал бўлиши зарур бўлган муаммо-ку!

— О, муаммо!

— Ҳа, муаммо бўлгандаям жуда чигал муаммо, — давом этди Дейн Уилкинсон. — Лекин менимча, сиз қийинчиликлар оддида болп эгиб кетадиган инсонлар тоифасидан эмассиз.

— Зийраклигингиз билан қутлайман, хоним. Лекин барибир мен қўйди-чиқди ишлари борасида текширув олиб бормайман.

— Азизим, мен сизни жосуслик қилинг демоқчи эмасман. Бу, албатта, ёқимсиз иш. Мен бу одамдан нима бўлмасин қутулишим керак. Бу ҳақда сиздан жуда жўяли маслаҳат чиқишига ишонаман.

Пуаро жавоб беришдан олдин бир муддат сукутга толди. У гапирганда овозидан қандайдир норозилик оҳанглари сезилиб турарди.

— Биринчидан, хоним, менга айтинг-чи. Нима сабабдан сиз лорд Эжуордан «қутулмоқчи» бўляпсиз.

У бу саволга олдиндан тайёргарлик кўриб қўйгандек, шу заҳоти жавоб берди.

— Чунки мен бошқа эрга тегмоқчиман. Бундан бошқа ниям сабаб бўлиши мумкин?

Унинг йирик-йирик феруза кўзларида самимият учқунлари порлаб турарди.

— Унда талоқ олишнинг унчалик муаммоси йўқ-ку.

— Сиз менинг эримни билмайсиз, мсье Пуаро. У... У... — Шундай деб Дейн қалтираб кетди. — Буни сизга тушунтириб беролмайман. У... жуда ғалати одам... Ҳамма одамларга ўхшамаган. — Бироз тин олиб давом этди: — У ҳеч кимга ўлганолмаган бўларди. Нима деяётганимни ўзим ҳам билмаяпман. Уни тасвираб беролмайман. Унинг биринчи хотини уч ойлик чақалоғини ташлаб қочиб кетган. Эрим ундан қонуний ажралмаган, шўрлик чет элда хор-зор бўлиб ўлиб кетган.

Кейин менга уйланди. Мен буларни кечира олмадим. Бу даҳшатли эди. Уни ташлаб Америкага келганман. Ажраш учун менда асос йўқ эди, асос бўлганда ҳам у бунга заррачаем эътибор қилмаган ва ажрашга розилик бермаган бўларди.

— Американинг баъзи бир штатларида талоқ олишингиз мумкин эди-ку, хоним.

— Лекин бу мени қониқтирмайди, мен Англияда яшамоқчиман.

— Англияда яшамоқчимисиз?

— Ҳа.

— Кимга турмушга чиқмоқчисиз?

— Герцог Мертонскийга.

Мен дамимни чиқармадим. Герцог Мертонскийдан ҳамма қариндош-уруғлари қўлини ювиб қўлтиққа уришган. Йигитча роҳибликка мойил, ўтакетган католик. Айтишларича, бешафқат герцогиня бўлмиш бева онасининг чизган чизигидан чиқмайдиган ва таркидунё қилган йигит. У хитой чинниларини йиғар ва гўзаллик шайдоси экан. Кейин аёл зотини жини суймас экан.

— Уни бутун вужудим билан севаман, — деди кўнгилчанлик билан Дейн, — мен шу вақтгача учратган бирортаям эр-какка ўхшамайди, Мертонларнинг қўрғони ҳам ажабтовур чиройли. Умуман олганда, бу жуда фаройиб саргузашт. Герцог жудаям гўзал йигит... унча-мунча роҳибларга ўхшамаган. — У бироз тин олиб деди: — Унга турмушга чиқиб саҳнани ташлайман. Театрга қизиқмай қўйганман.

— Ҳозир эса, — қуруққина қилиб деди Пуаро, — бу хаёлий орзулар амалга ошишига лорд Эжуор тўсқинлик қилаётган экан-да!

— Ҳа, бу менинг руҳимни чўктиряпти, — деди у юмшоқ курсига суянаркан. — Албатта, биз Чикагода бўлганимизда уни ўлдиртириб юборган бўлардим. Лекин бу ерда ёлланма қотилларнинг хизматидан фойдаланишмас экан.

— Бу ерда, — деди Пуаро табассум билан, — биз ҳар бир инсоннинг яшаш учун ҳаққи бор, деб ҳисоблаймиз.

— Бу борада кўп нарсани тушунмайман. Менимча, сизларда баъзи бир сиёсий арбобларнинг йўқотилиши ҳеч нимага халақит қилмайди, айниқса Лорд Эжуордан қутулиш эса унчалик катта йўқотиш бўлмайди.

Эшик тақиллаб қўлида талинка билан официант кириб келди. Дейн Уилкинсон унга эътибор қилмай гапини давом эттирверди.

— Мсье Пуаро, уни сиз ўлдиришингизнинг менга ҳожати йўқ.

— Мерси, хоним.

— Мен, у билан маслаҳатлашиб, ажрапиш учун розилигини оларсиз деб ўйлагандим. Ишончим комилки, сиз бунинг уддасидан чиқасиз.

— Назаримда, сиз менинг имкониятларимга ортиқча баҳо беряпсиз.

— О, лекин сиз, албатта, ўйлаб бирон иложини топа olasиз, мсье Пуаро. Ахир сиз менинг бахтли бўлишимни хоҳлайсиз-ку, тўғрими?

Дейннинг овози юмшоқ ва ёқимли чиқди.

— Менга қолса, сизгина эмас, ҳамма бахтли бўлишини истардим, — деди Пуаро гапни чалғитиб.

— Ҳа, тўғри, мен ҳаммани ўйлаётганим йўқ. Ҳозир фақат ўзимнигина ўйлаяпман.

— Назаримда, сиз ҳар доим фақат ўзингизни ўйласангиз керак, хоним.

Пуаро кулиб қўйди.

— Сиз мени худбин деб ўйлаяпсизми?

— О! Бундай деганим йўқ, хоним.

— Лекин аслидаям шундайман. Мен мутлақо бахтсиз бўлишни истамайман. Бу нарса саҳнадаги ўйинларимга ҳам катта таъсир қиляпти. Агар эрим ажрашишни истамаса, мен ўзимни бир умр бахтсиз яшаган ҳисоблайман. Умуман, — деди у ўйланқираб, — эрим ўлиб кета қолганда, жа омади иш бўларди. Бунда бир умр ундан қутулган бўлардим, — шундай деб Дейн Пуарога қараб қўйди. — Сиз менга ёрдам қўлини чўзасиз-а, тўғрими, Пуаро? — У ўрнидан туриб юмшоқ курсига ташлаб қўйган ёпинчиғини олди. Шу он эшик ярим очик бўлгани учун йўлақда шовқин эшитилди. — Агар ёрдам бермасангиз... — деди Дейн Уилкинсон.

— Унда нима бўлади, хоним?

У кулиб юборди.

— Унда такси билан бориб ўзим ўлдириб келишимга тўғри келади.

Дейн кулганча қўшни хонага кириб кетди. Шу пайтда Брайен Мартин Карлотта Адамс, унинг шериклари ва Дейн Уилкинсон билан бирга тамадди қилган икки кишини олиб хонага кириб келди. Уларни менга мистер ва миссис Уидберн деб таништиришди.

— Хелло! — деди Брайен. — Дейн қани? Берган топширини бажарганимни маълум қилмоқчиман.

Дейн қўлида лаб бўёқ ушлаганча эшиқда пайдо бўлди.

— Бошлаб келдингизми? Жуда яхши, мисс Адамс, томошангизни кўриб бошим кўкка етди. Сиз билан яқинроқ ташишмоқчиман. Бу ёққа киринг, сал ўзимни тартибга келтиргунимча гаплашиб ўтиринг. Афти ангорим жуда бадбашара бўлиб кетибди.

Карлотта Адамс ётоқхонага кирди. Брайен Мартин юмшоқ курсига чўқди.

— Шундай қилиб, мсье Пуаро, — деди у, — қўлга тушдингиз, Дейнимиз ўз байроғи остида хужумга ўтишингизга кўндиргани аниқ-а? Эртами, кечми буни амалга оширишингиз керак. У «йўқ» деган сўзни билмайди. Ҳали ҳаётнинг қийинчилигини кўрибдими, мўйчинак тишламаган, деб шунақа одамларни айтади.

— Дейннинг табиати жуда ғалати, — деди артист оромкурсига ўзини ташлаб тепага сигарет тутунини пуфларкан. — Унинг учун ҳеч нарса ман этилмаган. Жумладан, ахлоқ ҳам, мен уни ахлоқсиз демоқчимасман, албатта, йўқ. Ниҳоятда эркатой ва шаддот, ҳа, шундай деса тўғрироқ бўлади, — ҳаёт унинг учун фақат ўз хоҳишини қондиришдан иборат. — Шундай деб у кулиб юборди. — Ҳеч қандай ўйлаб-нетиб ўтирмай бориб одамни шартта ўлдириши мумкин. Ана шундан кейин уни тутиб осмоқчи бўлишса, ўзини таҳқирланган, ҳамияти лат егандай ҳис қилади. Унингча осишмаса. Мутлақо фаросат йўқ. Бировни ўлдириш керак бўлса, ўша одамнинг уйига боради, ичкари кириб мақсадини айтади-да, шартга отади-қўяди.

— Қизик, Дейн ҳақида бундай гапларни гапиришга сизни нима мажбур қиляпти? Унинг қанақалигини жудаям яхши биласизми, мсье?

— Ҳа, — Брайен Мартин шундай деб яна кулиб юборди. Лекин бу сафарги кулгусида қандайдир захархандалик бор эди. — Гапларимга қўшиласизларми? — деб сўради у бошқаларга ўтирилиб.

— О, ҳа, Дейн худбин, — унга қўшилди миссис Уидберн. — Лекин ҳақиқий артист ўз шахсиятини намоён қилиши керак бўлса, ана шундай бўлиши керак.

Пуаро ҳеч нима демади. У Брайен Мартинга тикилиб қолган, назаримда, ўзича нима ҳақидадир фикр юритарди.

Шу пайт ётоқхонадан аввал Дейн Уилкинсон, кетидан Карлотта Адамс чиқиб келди. Афтидан, Дейн ўзини анча «тар-

тибга келтириб» олган эди. У менга аввалгидан ҳам жозибали кўринди. Кечки таом иштирокчиларини қандайдир занжир боғлаб тургандай бўлса ҳам, кеча хушчақчақ ўтди.

Дейн Уилкинсоннинг кимлигини кўринишиёқ мана ман деб айтиб турибди. Бу ёш аёл ўз истаklarининг қули эди. У Пуарони ҳадеб гапга тортарди, ва у бунга эришди ҳам. Энди чехраси очилиб кетди. Кечки таомда Карлотта Адамсни кўриш истаги унинг инжиқлигидан бошқа нарса эмасди. Бирон нима талаб қилиб инжиқланган бола истаги амалга ошгандан кейин суюниб кетгандай уям хурсанд бўлиб кетди. Йўқ, бу залжирнинг бир учи Дейн Уилкинсонга, афтидан, тааллуқли эмас эди. Унда кимга тааллуқли?

Мен меҳмонларни бир бошдан кузата бошладим, Брайен Мартинми? У ўзини жуда хотиржам ва табиий тутарди. Лекин сохта уятчанлик кино юдузларига хос ўйинмикин?

Карлотта Адамс жуда хотиржам ўтирарди. Бу овози паст мулойим қиз, шубҳасиз ёқимли, ёқимлилиги хийла ўзига хос, ҳеч кимга ўхшамайди. Ташқи қиёфаси ҳам шундай. Сочлари қоп-қора, силлиқ, сўлғин кўзлари кўм-кўк, юзи рангпар, оғзи чиройли. У ҳаммага ёқиши мумкин, лекин иккинчи бор бошқа кўйлак кийиб чиққандан кейин уни таниб бўлмади қолади.


Дейн уни яхши қабул қилиб чиройли мулозамат қилгандан кейин назаримда мутлақо бошқача... Шу ондаёқ у ҳақдаги фикримни ўзгартирдим.

Карлотта Адамс мезбон Пуаро билан суҳбатлашаётган пайтда унга қараб турди. Унинг бу тикилиши ғалати, синчков, шу билан бирга унда қандайдир адоватни ҳам сезиб олиш мумкин эди.

Эҳтимол, менга шундай туюлганмикин? Ё унинг замирида бахиллик, ичи қоралик яширинганмикин? Дейн Уилкинсон ҳаммага машҳур артист, Карлотта бўлса эндигина шуҳрат пиллапоясидан кўтарилаётган эди.

Мен келган учта меҳмонга ҳам назар ташладим. Мистер ва миссис Уидбернлар кимлар ўзи? Улар ўзларини театр шинавандаси, санъатни жонидан севувчи қилиб кўрсатишди. Улар театрдан бошқа ҳеч нима ҳақида гапириша олмади. Чет элларда узоқ қолиб кетганим боис, инглиз театрлари ҳақида кўп маълумотта эга эмасман. Ниҳоят театр ҳақида кўп гапиролганим сабаби ҳамсталим миссис Уидберн мени унутиб, бошқа ёққа қараб олди.

Кечки таомнинг сўнги иштирокчиси Карлотта Адамснинг шериги кулча юзли, қувноқ йигит эди. Аввалига у менга жуда



камгандай туюлган эди. Шампан ичиб олгандан кейин очилиб кетди.

Афтидан, уни оғир ғам юки эзиб ташлагандай кўринган эди. Кечки таомнинг биринчи ярмида жуда ғамга ботиб ўтирди, иккинчи ярмида мени эски кадрдонидай ҳисоблаб бутун дардини тўкиб солди.

— Йўқ оғайни, — деди у. — Бу бари осон эмас... нима деяётгандим? Ҳа, дейлик, сени бир севганинг бор, мен унга бир оғиз гап ташламаганман... У бунақа қизлар тоифасиданмас. Тушуняпсанми? Аждодларимиз одобли, сипо бўлишган. Яъни, «Мейфлауэр», ана шунақа, қисқаси виждошли қиз. Хуллас, шуни айтмоқчийдимки... Нима деяётгандим?

— Булар ҳаммаси осонмас, деяётгандинг — деб эслатдим.

— Ҳа-ҳа, тўғри, тушурдим барига. Мен мана бу кечки таомга тикувчимдан пул қарз олишимга тўғри келди. Жуда ҳожатборор йигит тикувчим. Мен ундан кўп қарздорман. Биз шартнома тузганмиз. Оғайни, буни ҳеч ким билмайди, фақат сен ва мен биламан буни, сену мен биламиз. Ҳа, фақат сен билан мен. Айтмоқчи, исминг нимайди?

— Фамилиям Гастингс.

— Бўлиши мумкин эмас! Қасам ичиб айтаманки, Спенсер Жонс ҳақида гапиряпман, оғайним Спенсер Жонс. У билан Итоңдаям, Харроуддаям учрашганман. Ундан бешталикни қарз олганман. Юзларимиз ҳам ўхшаш деяпман-ку. Агар хитой бўлганимизда бизни ҳеч ким ажрата олмаган бўларди.

У афсусланиб калласини сарак-сарак қилиб қўйди. Кейин шампандан ҳўплади.

— Ҳар ҳолда — деди у. — Мен негр эмасман. — Бу фикр унинг кайфиятини кўтариб юборди. — Ҳаётнинг яхши, ёруғ томонини ўйлайлик, болакай, — деди у. — Бир кун бориб 75 ёшларга кирганимда мен ҳам бой бўлиб кетаман. Амаким ўлгандан кейин, ўшанда тикувчимдан олган қарзимни тўлайман.

У бу фикрдан рухланиб табассум қилиб қўйди.

Йигитчанинг нимасидир одамга ёқарди. Кулча юзларини беўхшов қора мўйлови безаб турарди.

Карлотта Адамс йигитчага бир қараб қўйди-ю, кейин хайрлаша бошлади.

— Сўзимни ерда қолдирмай келганингиздан миннатдорман. — деди Дейн. — Бирон ишни ҳеч ким кутмаганда амалга оширса жуда зўр чиқади, тўғримасми?

— Йўқ, — деди мисс Адамс, — мен ҳамма вақт қиладиган ишимни олдиндан пухта режалаб қўяман. Бу мени ортиқча ташвишлардан қутқаради.

— Нимаям дердик, ҳар ҳолда пироварди натижа сизга шуҳрат келтиради, — кулди Дейн, — мен умримда шу оқшомдагидай ҳеч қачон роҳат қилмаганман.

Бу сўздан америкалик аёлнинг юзидаги ифода кўпнади.

— Сиздан жуда миннатдорман, — деди у самимият билан, — менга мадад, суянчиқ керак.

— Карлотта, — деди қора мўйловли йигит, — ҳамманинг қўлини сиқиб қўй, шундай кечки таом учун Дейн холамга миннатдорлик билдир.

У эҳтиётлик билан эшикка йўналди, унинг ортидан Карлотта ҳам чиқди.

— Мени Дейн хола деган йигит ким? — деб сўради Дейн. — Уни илгари кўрмаган эканман.

— Азизим, — деди миссис Уидберн, — унинг гапларига эътибор берма. Лондоннинг ажойиб йигитларидан. Унинг ишлатган иборасига қўшилиб бўлмайди, тўғрими? Ақлли, қобилиятли одамлардан бирон гап чиқмагандан кейин... Бўшти, Чарльз билан биз ҳам турайлик энди.

Уидбернлар Брайен Мартин билан бирга қўзғалишди.

— Хўш, мсье Пуаро? — деди Дейн Уилкинсон.

Пуаро унга қараб кулиб қўйди.

— Хўш, леди Эжуор?

— Худо ҳаққи, мени Эжуор деб атаманг. Бу номни унутишимга изн беринг. Агар сиз Европада энг юраги тош одам бўлмасангиз.

— Йўқ, асло юрагим тош эмас.

Мен Пуаро шампан виносидан кўп ичиб қўйдими деб ўйладим, балки керагидан бирозгина ортиқча ичган бўлса бордир.

— Нима бўлгандаям, у билан кўришаман, — ҳушёр тортиб деди Пуаро.

— Бирон натижа чиқаролмасангиз, барибир жўяли фикр айтарсиз. Сизни бутун Англия бўйича энг ақлли одам, дейишади, мсье Пуаро.

— Хоним, мепинг тошюраклигим бутун Европа миқёсида маълум. Ақллидигим тўғрисида эса, сиз бутун Англия бўйича ягона деяпсиз.

— Агар мушкулимни осон қилсангиз, бутун коинот бўйича ақлли инсон деб жар соламан.

Пуаро эҳтиёткорлик билан қўлини кўтариб қўйди.

— Хоним, мен бирон нима ваъда қилолмайман. Унинг ички оламини ўрганиб чиқиш учун у билан учрашишга уриниб кўраман.

— Истаганингизча ўрганинг. Бу нарса балки унга фойда берар. Лекин мени ҳурмат қилсангиз — ишни ҳал қилиб беришингиз керак. Мен ишқий муносабатларимни ниҳоясига етказишим керак, мсье Пуаро. — У шундай дея ўйланқираб қўшиб қўйди. — Бу қандай ажойиб ва нарвойиб шов-шувларга сабаб бўлишини кўз олдимга келтиряпман.

Учинчи боб

ТИЛЛА ТИШЛИ ОДАМ

Орадан бир неча кун ўтиб нонушта қилиб ўтирувдик. Пуаро эндигина келган ва конверти ҳали очилган хатни менга узатди.

— Хўш, дўстим, — деди у, — бу ҳақда фикрингиз қандай?

Мактуб лорд Эжуордан келган ва эртага соат 11 га учрашув белгиланган эди.

Мен ҳайрон бўлдим. Назаримда, Пуаро леди Эжуорга ўйла-масдан ваъда бериб юборгандай туюлди. Унинг талабларини бажариш учун амалий қадамлар ташлаб қўйиши калламга келмаган эди.

Пуаро кўнглимга келган гапни сезди-ю, кўзлари ўйнаб кетди.

— Дўстим, гап фақат ичилган шампан виносида эмас, — деди.

— Буни назарда тутаётганим йўқ.

— Йўқ-йўқ, сиз ўзингизча: «Шўрлик, кечки таомда кайфи жуда баланд эди. Мастлик билан бажармайман деган ишига ваъда бериб юбормаганмикан», деб ўйлаяпсиз. Лекин дўстим, Эркюль Пуаро, мабодо ваъда берадиган бўлса, бу нарса унинг учун энг муқаддас бўлади.

У сўнги сўзларни гапирганда виқор билан қаддини тиклаб қўйди.

— Биламан буни, биламан албатта, — дедим шоша-пиша, мен қандайдир... босим остида бир қарорга келиб қўймаган-микинсиз, деб хавотирлангандим.

— Менда биронтасининг тазйиқи билан қарорга келиш одатлари йўқ, Гастингс. Энг офатижон аёл — бу энг яхши

шампан виюси бўлади. Бошқа ҳеч нарса Эркюль Пуарони бир фикрга келишига ундай олмайди. Йўқ, азиз дўстим, шундоққина қизиқиб қолдим, холос. Бор гап шу.

— Дейн Уилкинсоннинг севги саргузаштларигами?

— Бунгаяммас, бу гўзал аёлнинг ўз обрўсини ошириш йўлидаги яна битта сийқа поғона, холос. Агар герцог Мертонскийнинг унвони, бойлиги бўлмаганда хаёлпараст роҳиб гўзал ледини ўзига жалб қилмаган бўларди. Йўқ, Гастингс, мени бу ишнинг руҳий ҳолати, характерларнинг ўзаро муносабати қизиқтиради. Лорд Эжуор билан танишиш менга қувонч бағишлайди.

— Назарингизда буни муваффақиятли бажараман, деб ўйлаяпсизми?

— Нега бажара олмас эканман?

— Ҳар бир одамнинг заиф томони бўлади. Гастингс, кишининг руҳий ҳолати билан қизиқиш топшириқни бажаришга монелик қилади, деб ўйламанг. Мен ўз кашфиётларимни амалда қўллашни яхши кўраман.

Мен Пуаро яна миянинг мўъжаз кулранг тўқималари ҳақидаги гапларини бошламайдими деб хавфсирай бошладим.

— Демак, биз эртага эрталаб Рижен-Гейтга жўнарканмизда? — деб сўрадим.

— Биз деяпсизми? — деди кулимсираб чап қошини кўтариб Пуаро.

— Пуаро! — деб юбордим ўктам овозда, — мени бу ерда қолдиришга уринманг. Сизни кузатиб юришга ўрганганман.

— Агар бу қандайдир сирли иш бўлганда майлийди. Бунақа ишлар доим сизни қизиқтиради. Лекин бу энг оддий ишлардан-ку!

— Бошқа баҳона қилманг, — дедим. — Бирга бораман, вассалом.

Пуаро кулиб юборди. Худди шу вақтда уни қандайдир бир жентльмен сўраётганини айтишди.

Шуниси ҳайратланарли бўлдики, уни сўраётган одам Мартин Брайен бўлиб чиқди.

Кундуз у ёшига нисбатан каттароқ кўринганди. Келишган, чиройли эди, лекин ҳозир унинг чиройи унчалик сезилмади. Миямга Мартин қора дори истеъмол қилмасмикин деган фикр келди.

— Салом, мсье Пуаро, яхши ётиб турдингизми? — деди у. — Ҳозир унчалик банд бўлмасангиз керак, деб ўйлайман?

Пуаро унга қараб жилмайди.

— Йўқ, — деди у. — Ҳозир қўлимда унчалик шошилиничиш йўқ.

— Наҳотки! — кулиб юборди Брајен. — Скотленд-Ярддан ҳеч қанақа топшириқ олмадингизми? Қироллар оиласига муносиб бирон-бир қалтис тергов ишларини олмадингизми? Ишониш қийин.

— Сизни ишонтириб айтаманки, ҳозирги пайтда ишсизлар учун бериладиган нафақага яшамасам-да, мутлақо бекорман, — деди Пуаро.

— Демак, омадим чошибди, — деди Брајен. — Ундай бўлса, балки менинг ишим билан шуғулланарсиз.

Пуаро йигитга ўйланқираб тикилди.

— Сизда мен ечиб беришим мумкин бўлган қандайдир муаммо борми? — сўради Пуаро.

— Шундайроқ, дейиш мумкинки, бор ҳам, йўқ ҳам. — Йигит ўзини зўрлаб кулди. Пуаро уни диққат билан кузатиб туриб ўтиришга жой кўрсатди. У ўтирди.

— Энди, — деди Пуаро, — нима гапингиз борлигини эшитайлик-чи.

Брајен Мартин тараддудланди.

— Сизга нима деб тушунтиришимни билмай турибман. Тушунтиришим қийин. Биласизми, ҳаммаси Америкадалигимда бўлган.

— Ҳм, Америкада.

— Поездда кетаётганимда бир йигитча диққатимни тортди. Яхшилаб қиринган, тилла тишли.

— Ҳўш, тилла тишли.

— Худди шундай. Ҳамма гап шунда.

Пуаро бир неча бор калласини ирғаб қўйди.

— Англай бошладим. Давом этинг.

— Ўшанда Нью-Йоркка кетаётгандим. Орадан ярим йил ўтиб ўша йигитни Лос-Анжелесда яна кўриб қолдим. Ҳозирча бу борада ҳеч нарса деёлмайман.

— Давом этинг.

— Бир ойдан кейин Сейтлга борувдим, ўша таниш одамни тагин учратиб қолдим, фақат бу сафар соқол қўйиб олган эди.

— Жуда ғалати.

— Тўғрисиям-да. Албатта, ўша пайтда бунинг менга дахли борлигини ҳали ўйлаб кўрмагандим. Лекин Лос-Анжелесда яна кўриб қолганимдан кейин қизиқиб қолдим. Бу сафар соқоли йўқ эди.

— Бу табиий.

— Ниҳоят шуни тушуниб етдимки, — буни сизларда нима деб атайди? — билсам мени у хуфёна кузатиб юрган экан.

— Жудаям ғайри оддий ҳолат.

— Тўғрисиям шунақа, кейинроқ бунга ишонч ҳосил қилдим. Қаерга бормай, у менинг ортимдан соядай эргашиб юрарди, ҳа, ҳар сафар бошқа кийимда. Бахтимга, уни тилла тишидан таниб олардим.

— Тилла тиши сизга қўл келибди.

— Ҳа.

— Узр Мартин, сиз ўша одам билан гаплашиб кўрмадингизми? Унинг тинимсиз таъқиб қилиб юриши сабабини сўрамадингизми?

— Йўқ, — деб артист тараддудланди. — Бир-икки марта гаплашсаммикан деб чоғландим, лекин ботинмадим. Гаплашсам сезиб қолади, деб ўйладим. Агар ўзимни билдириб қўйсам, улар орқамдан мен таний олмайдиган бошқа бир одамни қўяди, деб қўйдим.

— Мартин, сиз «улар» деган сўзни ишлатдингиз. Кимларни назарда тутяпсиз?

— Бу сўз оғзимдан чиқиб кетди. Бундай ҳолатнинг тагида, негадир «бировлар» бордай туюлган эди, назаримда.

— Бундай ишончга келишингизга бирон асос борми?

— Ҳеч қандай асос йўқ.

— Сизни ким ва кимлар таъқиб қилишларини билмайман демокчисизми?

— Ҳа. Тўғри, бир тахминим бор.

— Тахмин, мсье, баъзан жуда ғалати ҳодисаларга сабаб бўлиши мумкин.

— Бу Лондонда икки йил олдин содир бўлган бир ҳодиса билан боғлиқ бўлиши мумкин. Айтишга ҳам арзимайдиган воқеа, лекин ўша вақтда мен буни тушунтириб беролмаган бўлардим.

— Эҳтимол, мен тушунтириб берарман.

— Ҳа, лекин биласизми, — Брайеннинг овозида қандайдир хижолатпазлик сезилгандай бўлди. — Бу ҳақда ҳозир сизга гапириб беролмайман. Балки, бирон кун гапириб беришим имкони туғилар. Биласизми, бу бир қиз билан боғлиқ.

— Ҳм, шундай денг! Инглиз қизми?

— Ҳа, қаердан билдингиз?

— Жуда оддий. Ҳозир буни менга гапириб беролмайсиз, лекин бир ё икки кундан кейин бир бошдан айтиб беришин-

гизга ишонасиз. Бу сиз аввал ёш ледининг розилигини олишингиз керак, деган маънони англатади. Шундай қилиб, қиз Англияда яшайди.

— Менга айтинг-чи, мсье Пуаро, қизнинг розилигини олсам, менинг ишим билан шуғулланасизми?

Орага жимлик чўқди. Афтидан, Пуаро бу иш ҳақида фикрга чўмган эди. Ниҳоят у:

— Нима учун сиз қизнинг розилигини олмасдан бурун менинг оддimgа келдингиз? — деб сўради.

— Мен унинг гап нимадалигини ойдинлаштириш учун ишонтиришим керак. Агар сиз буни текшириб аниқлаб берсангиз, ҳеч ким билмайди, тўғрими?

— Аниқ бир нима деёлмайман.

— Бу билан нимани назарда тутяпсиз?

— Мабодо иш жиноят билан боғлиқ бўлса...

— О! Бу ҳеч қандай жиноятга алоқадор эмас.

— Қаердан биласиз? Балки алоқадордир.

— Ахир сиз бизга ёрдам бериш учун бутун имкониятни ишга солмоқчисиз-ку?

— Ҳа, албатта, — Пуаро бир дақиқа тўхтаб кейин кулиб қўйди: — Айтинг-чи, ўша сизни таъқиб қилиб юрган одам неча ёшларда?

— У жуда ёш, ўттизларда.

— Шунақа денг-а! — деди Пуаро. — Бу жуда ғалати.

Мен Пуарога ажабланиб қарадим. Брайен Мартин ҳам. Унинг бу гапи биз иккимизниям ҳайратга солди.

— У мен чамалагандан каттароқ ёшда бўлишим мумкин, — деди Мартин. — Гарчанд, мен бундан ортиқ ёш беролмасам-да.

— Йўқ-йўқ, мсье Мартин, чамангиз мутлақо тўғрилигига аминман. Қизик, жудаям қизик.

Пуаронинг жумбоқди гапларидан эсанкираб қолган Брайен Мартиннинг тилига сўз келмай қолди. Кейин мавзуни бошқа ёққа буриб гапни кечаги ўтиришдан очди.

— Дейн Уилкинсон дунёда энг эркатой ва бебош аёл-да, — деди.

— Ҳа, — деди Пуаро кулиб қўйиб, — ҳаётда у ўзидан бошқани кўрмайди.

— Ҳамма вақт у сувдан қуруқ чиқиб кетади, — деди актёр. — Одамларнинг бунга қандай қилиб чидаб юрганига ҳайронман.

— Гўзал аёлларнинг айрим қусурлари доим кечириб келинган, биродар. Агар унинг сочи паҳмоқ, ранги сариқ ва бурни пучуқ бўлганда сувдан қуруқ чиқмаган бўларди.

— Тўғри, — маъқуллади Брайн, — лекин бир кунмас бир кун у мени ақдан оздиради. Барибир баъзан ақдини еб қўйган-дек туюлса ҳам мен унинг мухлисман.

— Аксинча, менимча, у нима қилаётганини жуда яхши билади.

— Мен буни назарда тутмаяпман. Ўз манфаати йўлида ниятини амалга ошириш учун унинг олдига тушадигани йўқ, бу борада у жуда зукко. Мен ишнинг маънавий жиҳатини назарда тутгандим.

— Э-ҳа, маънавий денг.

— У, маънавий бузук. Унинг учун «яхши» ва «ёмон» деган нарса йўқ.

— Ҳм, кеча зиёфатда бу тўғрида нимадир деганингиз ёдимга тушди.

— Биз ўшанда жиноят ҳақида гаплашгандик...

— Шунақами, биродар?

— Гап бундай, агарда Дейн бирон-бир жиноятта қўл урса, ажабланмаган бўлардим.

— Ахир унинг табиатини ўзингиз яхши биласиз-ку, — ўйланқираб деди Пуаро. — Иккалангиз кўп кинода бирга ўйнагансиз, тўғрими?

— Ҳа, унинг табиатини яхши биламан. Шуниям яхши биламанки, агар хоҳласа бировни тап тортмай ўлдириб қўйиши ҳам мумкин.

— Демак, табиати лов этиб ёниб кетадиганлар хилидан экан-да?

— Йўқ, ундай эмас. Оғир вазмин. Бироқ бирон кимса йўлида тўғаноқ бўлса, осонгина ўлдириб қўя қолади. Бу ҳолда уни жила қурса ахлоқий жиҳатдан айблаб бўлмайди. Эътиқоди шундайки, кимда-ким унинг кўзига чўп соладиган ёки йўлига тўғаноқ бўладиган бўлса, йўқолиши керак, тамом-вассалом.

Брайннинг сўнгги сўзларида алам ўти зуҳур этиб турарди.

— Сизнингча, у одам ўлдириши мумкинми? — деб сўрадим.

Пуаро актёрни диққат қилиб кузатиб турарди.

Брайн чуқур хўрсинди.

— Қасам ичиб айтаманки, ўлдиради! Эҳтимол, тез орада гапимнинг исботини топиб қоларсиз ҳам... Тушуняпсизми, мен уни жуда яхши биламан. Одам ўлдириш унинг учун бир пиёла чой ичгандай гап. Мсье Пуаро, мен шуни айтиб қўймоқчи эдим.

Брайен Мартин ўрнидан турди.

— Ҳа, — деди хотиржамлик билан Пуаро, — нима демоқчи бўлаётганингизни тушундим.

Брайен Мартин мавзуни ўзгартирди.

— Мен қўзгаган иш ҳақида гапирадиган бўлсам, мсье Пуаро, сизга бир неча кундан кейин хабар бераман. Шу иш билан шуғулланасиз-а, ишонсам бўладими?

Пуаро бирмунча вақт унга сўзсиз тикилиб турди.

— Ҳа, — деди ниҳоят. — Шуғулланаман. Жуда қизиққа ўхшайди.

Пуаронинг сўнгги сўzlари қандайдир маънодор эшитилди.

Мен актёрни кузатиб чиқдим. Эшикка чиққанда Брайен шундай деди:

— Пуаро ҳалиги йигитнинг ёшини сўраганини тушундингизми? Нимага сўраганига ақлим етмади.

— Менинг ҳам ақлим етмади, — деб тан олдим.

— Балки, мени калака қилмоқчи бўлдимикан?

— Йўқ, — дедим. — Пуаро ҳеч қачон бунақа қилмайди. Шундай дебдими, демак, унинг замирида бир маъно бўлиши керак.

— Майли, ўша аблах кўриниши билан тепа сочим тик бўлиб кетади, менинг ўрнимда сиз ҳам шундай ҳолга тушган бўлардингиз. Менга тентақдай қарашларига чидолмайман.

Брайен кетди. Мен дўстимнинг олдига қайтиб кирдим.

— Пуаро, — деб сўрадим. — ўша таъқиб қилиб юрган йигитнинг ёшини нега сўрадингиз?

— Тушунмадингизми? Ҳа, бечора Гастингс-а! — у калласини сарак-сарак қилиб қўйди. — Умуман бўлиб ўтган суҳбатимиз ҳақида фикрингиз қалай?

— Бир нарса деёлмайман. Суҳбат қисқа бўлди. Агар мулоқот узоқроқ давом этганда...

— Шу қисқа суҳбатданам ҳеч нимани англаб етмадингизми, дўстим?

Шу он телефон жиринглаб қолди-ю, ҳеч нимани тушунмаганимни тан олиб шармандам чиқишдан асраб қолди. Гўшакни кўтардим.

Бурро-бурро аёл овози эшитилди.

— Лорд Эжуорнинг котибасиман. Лорд Эжуорнинг мсье Пуаро билан эрталабга белгиланган учрашувини қолдиришига тўғри келганлигини афсусланиб маълум қиламан. Гап шундаки, у киши эртага зудлик билан Парижга учиб кетадиган бўлиб қолди. Агар мсье Пуарога қулай бўлса, лорд бугун соат

бирдан чорак ўтганда бир печа дақиқа вақт ажратиши мумкин.

Мен Пуаро билан маслаҳатлашдим.

— Албатта, дўстим, бугуноқ борамиз.

Унинг гапини гўшакка такрорладим.

— Жуда яхши, — деган ўктам овоз эшитилди. — Бугун соат бирдан чорак дақиқа ўтганда.

Аёл шундай деб гўшакни қўйди.

Тўртинчи боб

УЧРАШУВ

Мен Пуаро билан бирга лорд Эжуорнинг Рижен-Гейтдаги уйига қандайдир хавотирли орзиқиш билан кириб келдим. Пуаронинг киши руҳиятига бўлган қизиқишига унчалик эътибор бермадим, лекин леди Эжуорнинг эри қанақалигини тасвирлаб бергани ўзига жалб қилди.

Эжуорнинг уйи ҳашаматли, чиройли, шу билан бирга қандайдир файзсиз эди.

Уйнинг ташқи кўринишига қараганда унда ҳурматга сазовор киши эшик ораси бўлиши керак эди. Лекин мен кутганимга тескари ўлароқ эшикни ёшгина хушбичим бир йигит очди. Йигит новча, келишган, кўринишидан Апполон ёки Гермеснинг ҳайкалини яшаш учун ҳайкалтарош олдида савлат тўкиб туриши мумкин. Лекин гавдасига тескари ўлароқ овози фирт хотинчалиш эди.

Уни яқин орада кўргандай бўлиб, кимгадир ўхшатдим. Бироқ кимлигини эслолмадим.

Ундан лорд Эжуорни сўрадик.

— Илтимос, буёққа юринг.

У бизни зинапоя ёнидаги эшикка бошлади. Даҳлизга қарама-қарши томондаги эшикни очиб, менда кўнгилсиз таассурот қолдирган ёқимсиз овозли йигит ичкарига биз келганимизни маълум қилди.

Биз кирган хона, афтидан, кутубхона эди. Девордаги жавонга китоблар тахланган, мебеллар қоп-қора, кўриб кўнгил қандайдир хира тортади, лекин чиройли эди.

Лорд Эжуор баланд бўйли, элик ёшларда, сочларига оқ оралаган, лаблари табассумга мойил эркак экан.

У қандайдир баджаҳл ва тажанг кўринар, лекин ўзини расмий қиёфада тутарди.

— Мсье Пуаромисиз? Сиз капитан Гастингс бўлсангиз керак?

Марҳамат, ўтиринглар.

Биз ўтирдик. Хона совуқ экан. Қўшни хона деразасидан хира ёруғ тушиб турарди. Бу ним қоронғилик хонани янада совуқроқ кўрсатарди.

Лорд Эжуор дўстимнинг қўли билан ёзилган хатни олди.

— Сизнинг фамилиянгиз, мсье Пуаро, менга таниш албатта. Сизни кимлар танитайди? — Пуаро хушомадгўйликка таъзим қилиб қўйди. — Лекин бу ўйинга сизнинг нима алоқангиз борлиги менга қоронғи. Гапингиз бўйича сиз мен билан ... хотиним номидан учрашмоқчи экансиз. У сўнгги сўзларни таъкидлаброқ гапирди.

— Ҳа, шундай. — деди дўстим.

— Лекин сиз билишимча жинойтлар бўйича иш олиб борардингиз чоғи, мсье Пуаро?

— Бир муаммо чиқиб қолди, лорд Эжуор. Шундай муаммолар бўладики, бир чеккаси жинойтга бориб тақалади. Бошқачалариям бўлиши мумкин.

— Эҳтимол. Сиз гапирган муаммо қандай экан?

Эжуорнинг гапида қандайдир менсимаслик оҳанглари бор эди. Пуаро бунга аҳамият бермади.

— Мен сизга леди Эжуор номидан мурожаат қилишга мурассар бўлиб турибман. У, ўзингиз билсангиз ҳам керак, сиз билан ажрашмоқчи.

— Буни жудаям яхши биламан, — совуққина қилиб деди лорд Эжуор.

— Хотинингиз бу масалани сиз билан мен ҳал қилишимни хоҳлаяпти.

— Буни муҳокама қилиб ўтиришнинг ҳожати йўқ.

— Демак, сиз ажралишга рози эмассиз?

— Розимасман? Йўғ-е.

Пуаро бунақа жавобни кутмаган эди. Мен дўстимнинг бундай эсанкираб қолганини жуда камдан-кам ҳолларда кўрганман. У жуда ноқулай аҳволга тушиб қолди.

— Нималар деяпсиз? — жўшиб кетди у. — Қарши эмасман деяпсизми?

— Бу қадар ажабланганингизни тушунолмай турибман, мсье Пуаро.

— Демак, сиз хотинингиз билан ажралишга розисиз-а?

— Албатта. Буни унинг ўзиям жуда яхши билади. Хатимда бу ҳақда батафсил ёзганман.

— Бу ҳақда хат ёзганмидингиз?

— Ҳа, ярим йил муқаддам.

— Тушунмадим. Ҳеч нарса тушунолмаёйман, — лорд Эжуор индамади. — Тушунганимча, сиз ажрашиш ҳақидаги ақидаларга қаршисиз.

— Мсье Пуаро, менинг ақидаларим сизни қизиқтирмаслиги керак, деб ҳисоблайман. Тўғри, мен биринчи хотиним билан қонуний ажрашмаганман. Виждоним йўл бермади. Тан олишим керак, иккинчи бор уйланишим хато бўлган. Хотиним ажрашайлик деб таклиф қилганда бунга сабаб тополмай розилик бермагандим. Орадан ярим йил ўтгандан кейин менга яна хат ёзиб ўз сўзида туриб олди. Кейин бошқа эрга тегмоқчи деб ўйладим. Афтидан, бир актёрга турмушга чиқмоқчи бўлган. Бу вақтга келиб менинг ҳам фикрим ўзгарди. Кейин бу ҳақда Голливудга хат ёздим. Энди яна сизни олдимга воситачи қилиб юборибди, ақлим етмай турибди. Эҳтимол, гап бу ерда пулда бўлса керак. — Шу сўзларни айтиб у заҳархандалик билан кулиб қўйди.

— Жуда ғалати бўлди-ку, — минғирлади Пуаро. — Жуда ғалати. Бу ерда мен нималарнидир тушуна олмаёйман.

— Гап пулга келиб тақаладиган бўлса, — давом этди лорд Эжуор. — Бу борада бир битимга келолмайман. Хотинимни мен ҳайдаганим йўқ, ўзи мени ташлаб кетди. Агар бошқа эрга тегмоқчи экан жавобини бераман. Бунинг учун унинг мендан пул талаб қилишига ҳеч қандай ҳаққи йўқ.

— Пул ҳақида гапирмасаям бўлади.

Лорд Эжуор қошини чимирди.

— Демак, Дейн бой-бадавлат одамга тегмоқчи бўлаётган экан-да, — деди у бадҳоҳлик билан.

Пуаро гарангсиб қолган эди.

— Бу ерда ниманингдир тагига етолмаяпман, — деярдди у ҳадеб. — Леди Эжуор ҳуқуқшунос орқали бир неча бор мурожаат қилган экан.

— Ҳм, шундай бўлувди, — деди у қуруққина қилиб, — қанақанги муттаҳамлар келиб кетмади олдимга дейсиз. Охиروقибат у менга эслатганимдек, хат жўнатди.

— Бунгача розилик бермаганмидингиз?

— Ҳа, шундай бўлган эди.

— Унинг хатини олганингиздан кейин қарорингизни ўзгартиргансиз. Нега бундай бўлди, лорд Эжуор?

— Хат сабаб бўлмади бунга, — кескин жавоб берди у, — менинг у ҳақдаги фикрларим ўзгарди. Бунга батафсил гапириб бермоқчи эмасман.

Лорд Эжуор суҳбат тугаганини маълум қилиш учун ўрнидан турди. Хайр-маъзур қилаётганимизда унинг такаббурлиги анча пасайган эди.

— Учрашувимизни ўзгартирганим учун мени маъзур тутасиз, мсье Пуаро. Эрталаб Парижга учиб кетишим керак бўлиб қолди.

— Ҳечқиси йўқ, ҳаммаси жойида.

— У ерда санъат асарларининг олди-соттиси бўларкан. Жуда ажойиб, макабр услубидаги бир ҳайкалча кўргандим. Бу услубнинг шайдосиман, дидимга ёқади.

У шундай деб ғалати қилиб кулиб қўйди. Мен яқинимдаги китоб жавонига назар ташладим. Казиноларнинг хотира-мемуарлари, Маркиз де Саднинг жилдлари, ўрта асрдаги жазолашларга оид асарлар тахланиб турарди.

Кейин Дейн Уилкинсон эрини эслаганда қандай қалтираб кетгани хотиримга келди. Ҳа, Жорж Альфрид сент-Винсент Марш — тўртинчи барон Эжуор жуда ғалати одам эди.

У биз билан назокатни ўрнига қўйиб хайрлашди. Эшикка йўналдик. Даҳлизда бизни греклар худоси қиёфасидаги эшик оғаси кутиб турарди. Кутубхонанинг эшигини ёпарканман, тасодифан орқага ўтирилдим, ҳайратдан ихраб юборишимга бир баҳя қолди.

Лорд Эжуорнинг ҳалиги назокатли қиёфаси мутлақо ўзгариб кетган эди. Лаблари иржайган, тишларини фижирлатиб турар, кўзларида сўнгсиз ғазаб учқуни ялтирарди.

Лорд Эжуорни иккала хотиниям нега ташлаб кетгани мени бошқа ажаблантирмай қўйди. Мени бу одамнинг темир иродаси ҳайратга солган эди. У биз билан суҳбатни шунақанги ширинсуханлик, шунақанги одоб билан олиб бордики, ҳайрон қоласиз!

Кўча эшикка яқин келганимизда, ўнг томондаги эшик очилди-ю, остонада бир қиз пайдо бўлди. У бизларни кўриб ўзини бир қадам орқага олди.

Мен унинг чеҳрасини кўриб қолишга улгурдим. У ранг-пар, қора сочи, ориқдан келган, новча эди. Унинг ҳайратдан қотган кўзлари менга жовдираб боқарди. Кейин орқага ўтирилди-ю, ичкари кириб эшикни ёпди.

Кўчада Пуаро такси тўхтатди. Биз «Савое» га бордик.

— Хўш, Гастингс, — деди Пуаро менга кўзлари ўйнаб, — учрашув мен кутганчалик бўлиб чиқмади.

— Албатта, лорд Эжуор деганлари жуда ажабтовур одам экан.

Мен унга кутубхонада орқага ўгирилганимда кўрганларимни айтиб бердим. Пуаро ўйланқираб калласини қимирлатиб қўйди.

— Менимча, Гастингс, бу одам телбанамо экан.

Назаримда, у кўп фисқи фужур ишларни урчитганга ўхшайди. Ўзини оғир-вазмин кўрсатиши замирида чексиз шафқатсиз туйғулар томир отган.

— Иккала хотиниям ташлаб кетгани бежиз эмас экан.

— Мутлақо тўғри.

— Пуаро, эшиқдан чиқаётганимизда рўпара бўлган қизни сездингизми? Қора сочли, юзлари рангпар.

— Ҳа, кўрдим, дўстим.

— Ким бўлиши мумкин, нима дейсиз?

— Эҳтимол, қизидир. Ахир унинг қизи бор-ку.

— Бу хонадон шундай навниҳол қиз яшаши учун мос эмас.

— Ҳа, албатта. Мана, етиб ҳам келдик, дўстим, энди хонимни ёқимли янгиликлар билан таништирамиз.

Дейн Уилкинсон яшайдиган хонанинг эпигини пенсне таққан, ёши ўтиб қолган ва сочларини бежирим қилиб турмак-лаб олган оқ сочли аёл очди. Ётоқхонадан Дейннинг овози келди.

— Элис, мсье Пуаро келдими? Илтимос қилинг, ўтириб турсин. Устимга бирон нима илиб олай, чиқаман.

Унинг «илиб олгани» шу қадар юпқа эдики, баданини беркитишдан кўра, очиб кўрсатиб турарди. У хонага югуриб кирди-ю: «Хўш, нима бўлди?» деб сўради.

Пуаро туриб таъзим қилиб қўйди.

— Гапнинг индаллосини айтсам, хоним, ҳаммаси рисоладагидек бўлди.

— Бу гап билан нимани назарда тутдингиз?

— Лорд Эжуор ажрашишга рози.

— Нима?

Унинг юзларида зоҳир бўлган ажабланиш ё ростакам эди, ё бўлмаса сохта эди.

— Мсье Пуаро! Эпладингизми? Дарров-а? Йўқ, сиз даҳосиз. Худо ҳаққи, қандай қилиб кўндирдингиз?

— Хоним, арзимайдиган хизматим учун бунчалик миннатдорлик билдиришингизга сазовор эмасман. Ярим йил муқаддам эрингиз ажрашга розилик билдириб хат жўнатган экан сизга.

— Нималар деяпсиз? Менга хат ёзибдими? Қаёққа?

— Тушунишимча, Голливудга.

— Мен унинг хатини олмаганман. Афтидан, қаердадир йўқолган бўлса керак. Уни қаранг-а, мен ярим йилдан бери ақлдан озай деб ит азобида яшасаму...

— Лорд Эжуор, назарида сизни қандайдир бир актёрга турмушга чиқмоқчисиз, деб ўйлабди.

— Ҳм, тўғри, мен унга шундай дегандим. — у кулиб қўйди. Кейин чеҳрасида хавотирлик аломатлари зоҳир бўлди. — Мсье Пуаро, унга мен билан герцог ҳақида ҳеч нима демаган бўлсангиз керак.

— Йўқ-йўқ, ишонаверинг. Мен тилимни тийиб юришни биламан. Бу ҳақда гапиришим жоиз эмасмиди?

— Биласизми, у разил одам. Мертонга турмушга чиқишим мен учун бахт. Буни эшитса, фириб бериши, йўлимга тўғаноқ бўлиши мумкин. Киноактёр билан муносабатимизга келсак, бу бошқа масала. Барибир мен, ҳайратдаман. Сен-чи, Эллис?

Бу пайтда оқсоч юшоқ курси устида тартибсиз ётган бекасининг кўйлақларини йиғиштириб юарди.

Шуни англаб етдимки, оқсоч унинг маҳрами экан.

— Албатта, ҳайрон қоларли бўпти, хоним. У зот биз сўнгги бор кўрганимиздан кейин жудаям ўзгариб кетган бўлса керак, — нафратланиб деди оқсоч.

— Эрингизнинг ўзини тутиши сизни ҳайрон қолдирди-ми? — сўради Пуаро.

— Ҳа, ҳар ҳолда мен энди бу ҳақда бошқа қайғурмайдиган бўлдим. Уни фикрини ўзгартиришга нима мажбур қилганининг энди аҳамияти йўқ. Шуниси муҳимки, унинг фикри ўзгарибди.

— Бу сизни қизиқтирмаса ҳам хоним, мени қизиқтиради. Дейн бунга эътибор бермади.

— Муҳими, мен эркинман.

— Жа унчаликмас, хоним.

У нима деркин дея чидамсизлик билан менга имлади.

— Нима бўпти, барибир эркин бўламан. Бунинг фарқи йўқ.

Пуаро, менимча бундай деб ўйламаётган эди.

— Герцог Парижда, — деди Дейн. — Ҳозирча унга телеграмма жўнатиш керак. Онаси, эҳтимол, дарғазаб бўлиб кетса керак.

Пуаро турди.

— Хоним, ишингиз олдинга босганидан хурсандман.

— Хайр, мсье Пуаро. Сиздан жуда миннатдорман.

— Ҳали миннатдор бўладиган иш қилганим йўқ.

— Барибир яхши хабар келтирдингиз.

Биз Дейн Уилкинсоннинг хонасидан чиққанда Пуаро шундай деди:

— Бу аёл фақат ўз фойдасини ўйлайди. Ҳатто у хат нима учун қўлига келиб тегмагани билан ҳам қизиқиб кўргани йўқ. Сездингизми, Гастингс, у ҳамма нарсага ҳушёрлик, зийраклик билан қараяпти, лекин ишнинг натижасига келганда мутлоқ бепарқлиги сезилиб турибди. Нимаям дердик, худо таоло, ҳаманиям мукамал қилиб яратмаган.

— Эркюль Пуаро ҳамма керакли маълумотларни билиб олди, — дедим муғомбирлик билан.

— Мени гижгижламанг, дўстим — хотиржамлик билан деди Пуаро. — Келинг, бироз соҳил бўйлаб юрайлик, фикрларимни жамлаб тартибга солиб олишим керак.

— Ҳалиги хат ҳақидаги гап мени қизиқтириб қўйди, — дарё қирғоғи бўйлаб юрарканмиз Пуаро фикрларига яқун ясади. — Бу муаммонинг тўртта ечими бор, дўстим.

— Тўртта?

— Ҳа. Биринчиси — хат почтада йўқотилган. Тез-тез бўлмаса-да, бундай ҳолат унда-бунда учраб туради. Агар адрес нотўғри кўрсатилган бўлганда у Эжуорнинг ўзига қайтиб келган бўларди. Лекин мен бу ҳолатни ҳисобдан чиқариб ташлайман.

Иккинчи ечим. Бизнинг офатижон ледимиз хатни олманман деб алдаяпти. Мафтункор леда ўзининг фойдасини кўзлаб худди ёш болалардай ёлғон гапиряпти, дейлик. Лекин, Гастингс, бундай қилса, унинг учун бу ерда ҳеч қандай фойдани кўрмаяпман. Агар эри ажралишга рози бўлиб ёзган хати қўлига теккан бўлса, бизни эрининг олдига юборишдан унга нима наф бор? Бундан маъни йўқ.

Учинчи ечим. Лорд Эжуор алдаётган бўлиши мумкин. Агар улардан бири ёлғон гапираётган бўлса, хотинидан кўра эрининг алдаётгани ҳақиқатга яқинроқ. Лекин унинг алдашидаям бирон-бир маъни кўрмаяпман. Ярим йил олдин ёзмаган хатни ёздим дейишининг нима зарурати бор? Гарчанд ўз қарорини ўзгартиришга мажбур қилган сабабни тушуниб ололмаган бўлсам-да, хатни ёзганига кўзим етиб турибди.

Шундай қилиб тўртинчи ечимга келдик. Бунда кимдир хатни олиб қўйган. Худди мана шу ерда, Гастингс, ажойиб

фикрлар учун олдимизда кенг яланглик очилади. Чушки хат Англиядаям, Америкадаям ушлаб қолинган бўлиши мумкин.

Хатни ким ушлаб қолган бўлса ҳам бу уларнинг ажрашишини хоҳламаган одам бўлади, Гастингс. Мен бу ишнинг замирида яшириниб ётган сабабни билиш учун ҳеч нарсани аямаган бўлардим. Бу ерда нимадир бор. Сизга қасам ичиб айтаманки, бу ерда нимадир бор. — Шундай деб у жимиб қолди, кейин қўшиб қўйди: — Ҳозирча эса мен «нимадир»нинг миямда фақат бир лаҳза ярқ этган шуъласинигина кўриб қолдим.

Бешинчи боб

ҚОТИЛЛИК

Эртаси куни ўттизинчи июнь эди.

Соат тўққиз яримда инспектор Жеп бизни йўқлаётганини маълум қилишди.

Скотленд-ярдлик инспектор билан кўришмаганимизга бир неча йил бўлган.

— Ҳа, — деди Пуаро. — Бизни нега кўргиси келиб қолибди.

— Ёрдам сўрайди-да, албатта, — дедим жиддий. — Иши чигаллашиб қолган бўлса керак.

Мен Жепга Пуарога бўлгандай ҳурмат билан муносабатда бўлмасдим. У Пуаронинг ишбилармонлигидан фойдаланарди. Сўнг ўзини билмаганга солиб риёкорлик қилиши, ишни Пуаро қилиб, ўзини қаҳрамон кўрсатиши менинг жаҳлимни чиқарар эди. Мен тўғри, ҳалол одамларни ёқтираман. Пуарога шундай дегандим у кулди.

— Итларнинг булдог зотини сиз инглизлар ихтиро қилгансизлар-а, Гастингс? Лекин сиз бечора Жеп ўз обрўсини сақлаб қолишга уринишини доим эсда тутишингиз керак. Бунинг учун у хийла муғомбирлик қилишга мажбур бўлади. Бу табиий ҳол.

Мен буни тентаклик деб ўйладим. Бу ҳақда Пуарога айтганимда фикримга қўшилмади.

— Бировнинг ташқи қиёфаси ҳеч нимани англамайди, лекин одамлар бунга катта маъно беришади. Бу нарса одамнинг нуфузини сақлаб қолишга имкон беради.

Шахсан менга, Жепнинг бироз овсарлиги ҳам унга зиён қилмайдигандай туюлди. Лекин ҳозир унга бу ҳақда гапи-

ришдан маъни йўқ. Бундан ташқари унинг бу гапларни эшитишини ўзим ҳам истамасдим.

Жеп кириб келди-ю, иккаламиз билан самимий сўрашди.

— Кўриб турибман нонушта қилмоқчи бўлиб турибсизлар, ҳали сиз учун тўрт бурчак тухум қиладиган товуқнинг тухумидан чиққан жўжани олиб келишмадими, мсье Пуаро?

Тухумнинг шакли ҳақидаги гап Пуаронинг мукамаллик ҳақидаги туйғуларини пастга уришга қаратилган шама эди.

— Ҳозирча йўқ. — деб жавоб берди Пуаро. — Лекин сизни эрталабдан ҳузуримизга келишга мажбур қилган нарса нима?

— Мен учун бу вақт эрталаб эмас. Ўрнимдан туриб ишга тушганимга икки соат бўлди. Мени бу ерга келишга мажбур қилган нарса—қотиллик.

— Қотиллик?

Жеп бошини ирғади.

— Кеча кечқурун лорд Эжуор Рижент-Гейтдаги уйда ўлдириб кетилган. Ўзининг хотини пичоқлаб ташлабди.

— Хотини?

Шу заҳоти Брайен Мартиннинг кечаги айтган гаплари ёдимга тушди. Бу башорат бўлмаганмикин?

Яна Дейннинг енгилтаклик билан эримни ўлдираман деган ваъдаси-ю, Брайен Мартиннинг уни ахлоқсиз деб айтганини эсладим. Ҳа, Дейн мана шунақа одамлар сирасига киради. Қалби тош, худбин, тентак. Шундай деб таърифлаганда Брайен Мартин нақадар ҳақ бўлган экан-а!

Бу гаплар бир зумда ярқ этиб хаёлимдан ўтди.

Жеп гапини давом эттирди:

— Ҳм, Дейн Уилкинсон машҳур актриса. У Эжуорга уч йил муқаддам турмушга чиққан. Турмушлари келишмади, у эрини ташлаб кетди.

Пуаро жиддий тортди.

— Нима учун сиз уни фақат хотини ўлдирган деган қарорга келдингиз?

— Бунга шубҳа бўлиши мумкин эмас. Уни танишибди. Ундан ташқари, ўзиям яширинмаган. Таксида келиб...

— Таксида, — ихтиёрсиз такрорлаб юбордим. Унинг «Савое»даги гаплари эсимга тушди.

— ...эшиқда қўнғироқ қилиб лорд Эжуорни сўрабди. Соат кечқурун роппа-роса ўн экан. Эшик оғаси ҳозир чақираман, дебди «керакмас, чақирманг, — дебди у хотиржамлик билан. —

Мен леги Эжуорман. У ҳозир кутубхонасида бўлса керак». Шундай деб кутубхонага кириб эшикни ёпибди.

Эшик оғасига бу бироз шубҳали туюлибди-ю, лекин ҳеч нарса қилмай хонасига кириб кетибди. Орадан ўн дақиқалар ўтгандан кейин кўча эшик очилиб ёпилибди. Хуллас, аёл узок вақт қолмаган. Эшик оғаси соат ўн бирда ҳамма эшикларни ёпиб оларкан. У кутубхонага кирибди. У ерда қоронғи бўлгани учун хўжайин ухлашга ётган деб ўйлабди. Эрталаб мурдани оқсоч кўриб қолибди. Пичоқ гарданига санчилган.

— Бирон-бир қичқириқ эшитилибдими?

— Айтишларича, ҳеч нима эшитилмабди. Кутубхонанинг эшиклари қалин залворли. Ундан ташқари, кўча шовқинлари кўп. Пичоқ худди шу ерга урилганда одам тезда, ҳатто бир зумда жон беради. Миянинг марказий асаб толалари зарарланади.

— Бунинг учун қаерга уришни аниқ билиш лозим. Унда тиббиёт билимларидан пухта хабардор бўлиш керак.

— Тўғри. Бу нарса Дейннинг фойдасига хизмат қилиши мумкин. Лекин бу ўндан бир ҳолатда учрайдиган тасодиф. Унинг зарбаси тасодифан эрининг нақ шу ерига тўғри келиб қолган. Биласизми, баъзи бир одамларга омад кулиб боқаверади.

— Бунда баъзи бир одамларни дор тагига етакласа, буни омад демайди, дўстим, — деди Пуаро.

— Тўғри келиб ўз номини айтгани, бефаросатлиги.

— Ҳм, бу жуда ғалати.

— Балки, ёмон ниятда келмагандир. Гаплашиб ўтириб жан-жаллашиб қолган, кейин қаламтарошни тикиб олган бўлиши мумкин.

— Қаламтарош тикиб олибдими?

— Врачнинг гапига қараганда, шунга ўхшаган — ўткир бир нарса биланмиш... Ҳар ҳолда уни олиб кетган.

Пуарога бу гап ёқинқирамай калласини қимирлатиб қўйди.

— Йўқ, дўстим, бундай бўлиши мумкин эмас. Мен бу ледини яхши баламан. У алам устида бундай қотиллик қилишга қодир эмас, бундан ташқари, у пичоқниям олиб кетолмайди. Баъзи бир аёллар бунга қодирдир, лекин бу иш Дейн Уилкинсоннинг қўлидан келмайди.

— Мсье Пуаро, сиз уни яхши биласизми?

— Ҳа, баламан.

Пуаро бошқа ҳеч нима демади Жеп унга синовчан назар ташлади.

— Мсье Пуаро, сиз бирон нимани яширмаяпсизми? — деб сўради у ниҳоят.

— Менинг олдимга келишдан мақсадингиз нима? — сўради Пуаро. — Ҳар ҳолда эски дўстлар билан бир пиёла чой устида валақлашиб ўтириш учун келмаган бўлсангиз керак. Ҳа, шундай. Бу ерга қотилликда кимдандир шубҳаланиб келганингиз аниқ. Қандайдир сабаб... айтмоқчи, қандай сабаб бўлиши мумкин бу ерда?

— Бошқа эркакка турмушга чиқмоқчи бўлгани. У бу ҳақда бир ҳафта муқаддам гапирган. Эрига таҳдид қилганини эшитгансиз. Айтишларича, таксида бораман-да, шартта ўлдираман-қўяман деганмиш.

— Жуда яхши маълумот беришибди сизга, — деди Пуаро, — кимдир холис хизмат кўрсатибди.

Пуаронинг кўзларида савол аломати зоҳир бўлди. Лекин Жеп унга жавоб бермади.

— Мсье Пуаро, биз зарур маълумотларни тўплашимиз керак, — деди у.

Пуаро калласини қимирлатиб қўйиб, кундузги газетага энгашди. Газетани Жеп, афтидан, эшигимиз олдида кутиб турганда очган бўлса керак. Пуаро очиб ўртасига қаради. Кўзи газетада эди-ю, хаёли қаерлардадир узоқ-узоқларда кезарди.

— Барибир менинг саволимга жавоб бермадингиз, — деди у. — Ҳамма иш рисоладагидай кетаётган бўлса, менинг ҳузуримга нега келдингиз?

— Сабаби, кеча кечқурун сиз Рижент-Гейтда бўлибсиз деб эшитдим.

— Тўғри эшитибсиз.

— Буни эшитиб, «Бу ерда қандайдир бир сир бор», деб қўйдим ўзимча. Жаноб учрашайлик деб сизга одам жўнатибди. Мсье Пуарони нега чақирган? Нимадан шубҳаланган? Нимадан қўрққан? Бирон иш қилишдан олдин сизнинг олдингизга келиб икки оғиз гапингизни олгим келди.

— Нима иш қилмоқчи бўлгандингиз, ледини ҳибсга олмоқчидирсиз?

— Худди шундай.

— Унинг ўзини ҳали кўрганингиз йўқми?

— Йўқ, кўрдим. Аввал «Савое»га бордим, Қўлдан чиқариб юбормай дедим.

— Э! — деди Пуаро. — Демак, сиз... — шундай деб у гапдан тўхтаб қолди. Газетага паришонхотирлик билан қараб турган кўзларида энди бошқа маъно зуҳур этди. У бошини кўтариб,

мутлақо бошқа оҳангда деди: — Леги сизга нима деди? А, барибир, у нима деди?

— Мен унга қотиллик содир бўлганини маълум қилдим. Буни инкор этишга ҳар қандай уриниши ўзига қарши далил сифатида ҳисобга олинишини маълум қилдим. Ҳар ҳолда сиз инглиз полицияси ландовур деёлмасангиз керак.

— Менимча, мана бу эҳтиёт чораси қип-қизил тентаклик бўлибди. Хўш, давом этинг. У нима қилди?

— Нима қиларди, жазавага тушди. Ўзини уёқ-буёққа ташлаб талвасага тушди, қўллариини силтади. Кейин ерга ётиб олди. О, муғомбирликниям роса ўрнига қўйди.

— Демак, сизнингча, — деди Пуаро, — унинг жазаваси ёлфондакам экан-да?

Жеп менсимай қошини чимириб қўйди.

— Сиз нима деб ўйлайсиз? Мени алдаб бўпти. Ҳушидан кетгани йўқ. Ҳийла ишлатмоқчи бўлди, холос. Онт ичаманки, бундан ўзиям роҳат қилди.

— Ҳм, — деди Пуаро ўйланқираб. — Бўлиши мумкин. Яна давом этинг.

— Хўш, кейин ўзига келди... тўғрироғи, ўзига келгандай тутди. Додлаб, йиғлай бошлади. Оқсочи эса уни ўзига келтириш учун сув ичирди. Кейин адвокат чақириб, адвокатсиз бир оғиз ҳам гапирмаслигини маълум қилди. Уни қаранг, аввал жазавага тушди, кейин адвокат талаб қилди. Бу хаттиҳаракати, айтинг-чи, табиийми?

— Мен мана шу ҳолатда буни мутлақо табиий деб ҳисоблайман, — деди Пуаро хотиржамлик билан.

— Чунки у айбдорми?

— Ҳечам. Мен унинг табиатини, феъл-атворини назарда тутаяпман. Аввалига олдингизда эри ўлган хотиннинг ролини ўйнаган. Сўнгра айёрлик маҳоратини қойилмақом қилиб намойиш қилгандан кейин адвокат ёллаган. Саҳнада жазавага тушганидан роҳат олгани унинг қотиллигини исботлаб беролмайди, балки туғма истеъдод эгаси бўлган артистлигини кўрсатади.

— Лекин у айбдор-ку. Бу аниқ.

— Бироқ ҳали у ҳеч нарса дегани йўқ деяпсиз-ку.

— Ҳа, адвокатсиз лом-мим демади. Оқсочи адвокатига қўнғироқ қилди. У ерда иккита одамимни қолдирдим-да, ўзим сизнинг олдингизга югурдим.

— Ҳар ҳолда унинг қотиллигига ишончингиз комилми?

— Ҳа. Қанча кўп далил топилса, шунча яхши. Биласизми, бу мамлакатда катта шов-шувга сабаб бўлади. Ҳамма газета-

ларда чоп этилади. Ахир газета деган нарса нималигини ўзингиз яхши биласиз-ку...

— Айтмоқчи, газета ҳақида, — деди Пуаро. — Мана бунга нима дейсиз, дўстим. Назаримда, кундузги газетани диққат билан ўқимаган кўринасиз.

У энгашиб газетанинг янгиликлар берилган жойини бармоғи билан кўрсатди. Жеп овоз чиқариб ўқиди.

Унда сэр Монтегью Корнер Чизвикдаги уйда берган кечқурунги зиёфат ҳақида маълумот берилган. Зиёфатда иштирок этганлар қаторида сэр Жорж ва леди дю Фисс, театр танқидчиси Жеймс Платт, «Овертон» киностудиясидан сэр Оскар Хаммерфельд, мисс Дейн Уилкинсон (леди Эжуор) ва бошқаларнинг номи зикр қилинарди.

Бир сония Жеп эсанкираб қолди. Кейин ўзини қўлга олди.

— Хўш, нима бўпти? Мақола агентликдан олдинроқ жўнатилган. Ҳали кўрасиз, бизнинг леди у ерда бўлмагани, ёки бўлсаям соат ўн бирдан кейин бўлгани маълум бўлади. Шайтон урсин, матбуотга Евангелияга ёпишиб олгандай ёпишиб бўлмайди. Бу нарса мендан кўра кўпроқ сизга маълум бўлса керак.

— О, ҳа. Бу қизиқарли кўринади, холос. Бор гап шу.

— Бунақа ўхшашликлар онда-сонда бўлиб туради. Энди, мсье Пуаро, менга айтинг-чи, лорд Эжуор сизни нега чақирган экан.

Пуаро калласини сарак-сарак қилди.

— Лорд Эжуор мени чақиргани йўқ. Учрашайлик деб ўзим таклиф қилдим.

— Шунақами? Нима сабабдан?

Пуаро бир дақиқа тараддудланди.

— Саволингизга, — чайналди у, — бунга ўзим билганимча жавоб бераман, — Жеп ихраб юборди. Ичимда Жепга ачиниб кетдим. Пуаронинг қилиқларига баъзан одам чидаб бўлмай қолади. — Жавоб беришдан олдин, — давом этди Пуаро, — сиздан илтимос қилардим, бир одамни чақирсак-да, шу ерга келса.

— Ким у одам?

— Брайен Мартин.

— Киноактёрми? Унинг бу ишга нима алоқаси бор?

— Ўйлашимча, — деди Пуаро. — у бугун бизга бир фойдали нарсаларни гапириб беради. Гастингс, илтимос, кўнғироқ қилинг.

Мен телефон китобчасини олдим. Актёр Сен Жеймс бофидан узоқ бўлмаган ерда яшарди.

— Виктория 49499.

Орадан бир дақиқа ўтиб Брайен Мартиннинг уйқу аралаш овози эшитилди.

— Алло, ким?

— Нима дей? — дедим гушакнинг оғзини қўлим билан беркитиб.

— Айтингки, — буюрди Пуаро, — лорд Эжуор ўлдирилган, мен у билан гаплашмоқчиман, агар зудлик билан шу ерга етиб келса, ниҳоятда миннатдор бўлардим.

У нима деган бўлса ҳаммасини аниқ-тиниқ айтиб бердим. Нариги томонда ажабланиш, ҳайрат овозлари эшитилди.

— Э, худойим-ей! — деди Мартин. — Демак, у сўзининг устидан чиқибди-да! Ҳозироқ етиб бораман.

— У нима деди? — сўради Пуаро. Мен унинг сўзини так-рорладим.

— Аҳа! — деди Пуаро хурсанд оҳангда. — «Демак, у сўзининг устидан чиқибди-да». Шундай дедими? Ўзим ҳам шундай бўлади, деб ўйлагандим. Ҳа, шундай бўлади, дегандим.

Жеп унга ажабланиб қаради.

— Сизни тушунмай қолдим, мсье Пуаро, аввалига ўзингизни бу аёлнинг қўлидан қотилик келмайди деб ўйлагандай тутандингиз, энди эса, ўзим ҳам шундай бўлади, деб ўйловдим, дейсиз. Буёғи қандоқ бўлди энди.

Пуаро бунга фақат кулиб қўя қолди.

Олтинчи боб

БЕВА

Брайен Мартин сўзининг устидан чиқди. Орадан ўн дақиқалар ўтмаёқ келиб бизга қўшилди. У келгунча Пуаро уёқ-буёқдан гаплашиб ўтирди.

Биз маълум қилган янгилик уни ташвишга солиб қўйди. Юзлари оқариб жонсарак бўлиб қолди.

— Э худойим-эй, мсье Пуаро — деди у биз билан қўл бериб кўришар экан, — даҳшатли воқеа бўлибди-ку. Юрак-юрагимдан ачиниб кетяпман, нима бўлмасин, айтишим мумкинки, бундай бўлишини ҳечам кутмагандим. Доим шунга ўхшаш бирон кор-ҳол бўлмасин деб хавфсираб юрардим ўзимам. Эҳтимол, кеча айтган гапим эсингиздадир.

— Албатта, — деди Пуаро. — Кечаги гапингиз ҳозиргидай қулоғим тагида янграб турибди. Инспектор Жепни сиз билан таништиришга рухсат этинг. Бу киши шу ишни тергов қилади.

Брайен Мартин Пуарога таъна аралаш қараб қўйди.

— Бундан хабарим йўқ, — дея минғирлади у. — Аввалроқ огоҳлантириб қўйсангиз бўларди. — У лаблари қисилиб инспекторга совуқ назар ташлаб қўйди. — Бу ерга, — деди у, — мени нима учун таклиф қилганингизни тушунмай турибман. Бу воқеанинг менга сираям алоқаси йўқ.

— Менимча, аввалам бор, — деди Пуаро — Гап қотиллик ҳақида кетганда шахсий майл, хайрихоҳликларни аралаштирмаслик, улардан воз кечиш керак бўлади.

— Йўқ-йўқ. Мен Дейн билан роль ўйнаганман, холос. Уни яхши биламан. Тўғриси айтиладиган бўлсам, у менинг дўстим.

— Шундай бўлса-да, лорд Эжуорнинг ўлганини эшитиб, уни шунга ўлдирган деган қарорга келдингиз, — қуруққина қилиб деди Пуаро.

Актёр чўчиб тушди.

— Демокчисизки, мен ноҳақман... — шундай деб унинг кўзи шокосасидан чиқиб кетай деди. — Нима, у бунга ўхшаган ишларни қилмаганми?

Шу пайт гапга Жеп қўшилди.

— Йўқ, мистер Мартин. Буни у қилган.

Шу сўздан кейин йигит хотиржам бўлди.

— Мен бирон ишқал иш қилиб қўйибманми деб ўйлабман.

— Мана бундай ишларда дўстлик сизга ўз таъсирини ўтказиши мумкинлигини ёддан чиқармаслик керак, — қатъий қилиб деди Пуаро.

— Барибирам, лекин...

— Биродар, сиз ростдан ҳам қотилликка қўл урган аёлнинг тарафини оялсизми? Қотиллик — бу инсоннинг энг жирканч ишларидан бири ҳисобланади.

Брайен Мартин хўрсинди:

— Сиз тушунмайсиз. Қотиллик унинг учун писта чақишдек гап. Ҳаётда яхшилик нима, ёмонлик нима — бу ҳақда унинг умуман тушунчаси йўқ. Тўғриси айтиладиган бўлсам, ҳатто у жиноят нималагини тушунмайди, яъни жиноят қилиб, қилган жинояти учун ўзини масъул ҳисобламайди.

— Буни ҳақамлар ҳал қилади, — деди Жеп.

— Шошманг, — деди Пуаро. — Дейн айбдор деб тан олинган, демак, сиз айбловчи ҳисобланмайсиз. Лекин у ҳақда нимани билсангиз очиқ-ойдин айтиб беришингиз лозим. Сизнинг, йигитча, жамият олдидаги бурчингиз бор.

Брайен Мартин хўрсинди.

— Эҳтимол, сиз ҳақдирсиз, — деди у. — Сизларга нимани гапириб беришим керак?

Пуаро Желга қаради.

— Сиз бирон-бир вақт леди Эжуор, — келинг, яхшиси, миссис Уилкинсон дея қолайлик, — ўз эрини дағдаға қилиб қўрқитганини эшитганмисиз? — деди Жел.

— Ҳа, бир неча марта.

— Нималар деган ўшанда?

— Агар ажралишга розилик бермаса, ўлдираман деган.

— Бу ҳазил тариқасида айтилган гап бўлмаганми?

— Йўқ, менимча у жиддий гапирган. Бир куни такси олиб бораман-да, шартта ўлдириб келаман деган. Бу гапни сиз ҳам эшитгансиз, шекилли, мсье Пуаро.

Пуаро калласини қимирлатиб қўйди.

Жел сўроқни давом эттирди.

— Мистер Мартин, эридан талоқ олиш бу аёлга бошқа бир одамга тегиш учун керак бўлган. Кимга тегмоқчи бўлган?

— Герцог Мертонскийга.

— Герцог Мергонский! Фу, — изкувар ҳуштак чалиб юборди. — Балад дорга осилмоқчи бўлибди-да, а? Айтишларича, у Англиядаги энг бой-бадавлат одамлардан бири экан.

Брайен гангиб бошини қимирлатиб қўйди.

Мен Пуаронинг ўзини галати тутиб ўтиришини тушунолмай қолдим. У ўриндиққа суяниб олган, севган мусиқасини мириқиб эшитаётган одамдай калласини бир маромда қимирлатиб ўтирарди.

— Эри ундан ажрашмоқчимиди?

— Йўқ, ажралишдан мутлақо бош тортган.

— Буни аниқ биласизми?

— Ҳа.

— Энди Жел, бу ўйинга қачон аралашганимни тушуниб етгандирсиз, — деди Пуаро. — Леди Эжуор эри билан учрашишни ва ундан ажрашиш учун розилик олишимни мендан илтимос қилган эди. Мен у билан кеча эрталаб учрашган эдим.

Брайен Мартин калласини қимирлатди.

— Фойдаси бўлмаган, — деди у ўзига ишонч билан. Эжуор бунга ҳеч қачон розилик бермайди.

— Сиз шундай деб ўйлайсизми? — деб сўради Пуаро унга қараб.

— Ишончим комил. Дейннинг ўзиям буни биларди, шунинг учун сизнинг бу ишни уددалашингизга ишонмаган. У бундан умидини узган эди.

Пуаро кулиб қўйди. Бирдан унинг кўзлари мушукнинг кўзидай ялтираб кетди.

— Галингиз ноўрин, йигитча, — деди у юмшоқлик билан. — Кеча мен лорд Эжуор билан учрашгандим. У ажралишга розилик билдирган эди.

Бу янгилик Мартин Брайнени бутунлай эсанкиратиб қўйди.

— Сиз... сиз у билан кеча кўришганмидингиз? — бу сўзлар унинг оғзидан бўлиниб-бўлиниб зўрға чиқди.

— Соат бирдан ўн беш дақиқа ўтганда, — аниқ қилиб айтди Пуаро.

— У ажралишга рози бўлдимиз?

— Ҳа, рози бўлганди.

— Буни шу заҳоти Дейнга маълум қилишингиз керак эди, — деди йигитча гина қилиб.

— Буни айтганман, мсье Мартин.

— Айтганмидингиз? — Мартин билан Жеп баравар ҳайқириб юборишди.

Пуаро кулиб қўйди.

— Демак, шундай қилиб унинг эрини ўлдиргани ўз исботини топмади, — деди у. — Энди мсье Мартин мана бунга қараб қўйинг.

У актёрга газетадаги мақолани кўрсатди.

Брайн уни беҳафсалалик билан ўқиб чиқди.

— Бундан бирон гап чиқиши даргумон, — деди у газетани йиғиштириб. — Дейн бу зиёфатга бормаган.

— Буни қаердан биласиз?

— Ёдимда йўқ. Кимдир шундай деган эди.

— Афсус, — деди Пуаро ўйланқираб

Жеп ҳайратланиб Пуарога қаради.

— Сизни тушунолмай қолдим, мсье Пуаро. Энди сиз назаримда леди Эжуор айбдор бўлишини хоҳламаяпсиз, шекилли?

— Йўқ-йўқ, Жеп, мен унинг ёнини олмоқчи эмасман. Лекин тўғриси айтсам ишнинг бориши ақл-идроққа қарши чиқяпти.

— Менинг идроқим бўйича қарши чиқмаяпти, — деди Жеп. Пуаро бир нима деб ёмон гап айтиб юборишдан зўрға ўзини тўхташиб қолди.

— Ёш аёл ўз эридан қутулмоқчи. Бу ҳолатга эътирозим йўқ. Менга бу ҳақда ўзи очиқ-ойдин айтган. Хуллас, буни қандай амалга оширмоқчи? Бир неча марта кўпчиликнинг гувоҳлигида эрини ўлдирмоқчилигини писанда қилган. Кейин у

таксига миниб эрининг уйига келади, номини айтиб чақиради, пичоқ санчиб ўлдиради-да, бемалол кетади. Биродар, буни қандай изоҳлайсиз? Шу ақлга тўғри келадиган ишми?

— Албатта, бундай қилиш аҳмоқлик бўларди.

— Аҳмоқлик? Бориб турган аблаҳлик.

— Нимаям дердик, — деди Жеп ўрнидан қўзғалиб, жинотчилар хато қилса, полицияга фойда бўлади. Энди мен «Савое»-га кетишим керак.

— Сизни кузатиб қўйишимга рухсат берасизми?

Жеп рухсат берди. Ҳаммамиз меҳмонхонага жўнадик. Брайен Мартин биз билан хушламайгина ажрашди. Бирон гап бўлса, маълум қилинглар деди.

— Йигитча асабийроқ кўриняпти. — деди Жеп.

Пуаро маъқуллади.

Биз «Савое»да эндигина келиб турган адвокат билан учрашиб қолдик. Кейин биргалашиб Дейн Уилкинсоннинг хонаси томон кетдик.

— Хўш, нима гаплар? — деди Жеп ўз шеригига.

— Дейн қўнғироқ қилмоқчи бўлди.

— Кимга? — хушёр тортди Жеп.

— Магазинга. Мотам муносабати билан.

Жеп минғирлаб сўкиниб юборди. Дейннинг хонасига кирдик.

Энди ўзини бева ҳисоблаган леди Эжуор кўзгунинг олдида бошига шляпа қўндириб кўраётган эди. Эгнида чиройли қора кўйлак, бизни ёқимли табассум билан кутиб олди.

— Мсье Пуаро, келганингиз жуда яхши бўлди-да. Бу мистер Моксон, — у адвокатта мурожаат қилди. — Жуда хурсандман. Ёнимга ўтиринг, айтинг-чи, мен қандай саволларга жавоб беришим керак. Манави одам назаримда бугун эрталаб мени ўз эримни ўлдирган деб ўйлаяпти.

— Кеча кечқурун, хоним, — тўғрилади Жеп.

— Сиз эрталаб дегандингиз-ку. Соат ўнда.

— Мен кеча кечқурун соат ўнда дегандим.

— Бўпти, эрталаб дегандингизми, кечқурунми, эсимда йўқ.

— Соат эндигина ўн бўлди, — деди жиддий туриб инспектор.

Дейннинг кўзлари ҳайратдан катта-катта очилиб кетди.

— Мерси, — деб минғирлади у. — Бунақа вақтли турганимни алақачонлар унутиб юборганман.

— Бир дақиқа, инспектор, — деди Моксон адвокатларга хос шижоат билан. — Бу машғум ҳодиса... қачон содир бўлганди.

— Кечкурун ўнларга яқин, сэр.

— Унда ҳаммаси жойида. — кескин деди Дейн. — Бу вақтда мен зиёфатда эдим... О! Балки, бунақа дейишим жоиз эмасдир.

У адвокатга ёлворгансимон боқди.

— Агар сиз леди Эжуор соат ўнда зиёфатда бўлган бўлсангиз, бу ҳақда инспекторга маълум қилишингиз керак. — деди адвокат.

Мен Монтегью Корнернинг Чизвикдаги уйида овқатланаётган эдим.

— Қай вақтда у ерга келгансиз?

— Зиёфат саккиз яримларда бошланди.

— «Савое» меҳмонхонасидан қачон чиққансиз?

— Саккизда. Келатуриб Штатларга кетаётган дугонам миссис Ван Дьюзен билан хайрлашиш учун «Пикадилли-Палис» меҳмонхонасига кириб ўтдим. Чизвикка чоракам тўққизда етиб келдим.

— У ердан қачон чиқиб кетдингиз?

— Соат ўн бир яримларда.

— Тўппа-тўғри шу ерга келдингизми?

— Ҳа.

— Таксида келдингизми?

— Йўқ. «Даймлер»дан машина ёлламан.

— Зиёфат давомида ташқарига чиқмадингизми?

— Бу... ҳалиги...

— Демак, зиёфатдан ўзингиз кетгансиз?

Жеп ўзини худди қуён қувган тозидай тутарди.

— Нимани назарда тутаётганингизни тушунмаяпман. Зиёфат вақтида биров телефон қилиб қолди.

— Ким қўнғироқ қилди?

— Билмайман, биронтаси ҳазиллашган бўлса керак. Қандайдир овоз «Бу леди Эжуорми?» деб сўради. «Ҳа, шундай», дедим. Кейин телефон қилган одам кулиб юборди-ю, гўшакни илиб қўйди.

— Сиз ўзингиз қўнғироқ қилгани чиққанингиз йўқми?

— Йўқ, албатта.

— Столдан қанча вақт туриб кетдингиз?

— Бир ярим дақиқалар.

Буни эшитиб Жепнинг руҳи тушиб кетди. У Дейннинг бирорта гапига ишонилади. Шу билан бирга унинг гапини инкор қилиш учун ҳам биронта далили йўқ эди.

У Эжуорга совуққина миннатдорчилик билдириб хонадан чиқди.

Биз ҳам чиқмоқчи бўлган эдик, Дейн Пуарони бир дақиқа қолишини илтимос қилди.

— Мсье Пуаро, сиздан бир нимани илтимос қилсам, йўқ демайсизми?

— Йўқ, хоним.

— Менинг номимдан герцогга Парижга телеграмма жўнатсангиз, дедим. У «Крийон» меҳмонхонасига жойлашган. У бу ҳодисалардан хабардор бўлиши керак. Ўзим телеграмма жўнатгим келмаяпти. Бошига қайғу тушган бева қиёфасида бўлишим керак. Икки ҳафта.

— Хоним, телеграмма жўнатиш тўғри келмайди, — деди Пуаро. — Яхшиси, хат ёзганингиз маъқул.

— Жуда доносиз-да, мсье Пуаро. Тўғри, телеграммдан кўра хат яхши. Мен ўзимни бошига мусибат тушган бева аёллик шаънини ва урф-одатини сақлашим керак. Менингча, орхидея гулидан гулчамбар жўнатишим лозим. Дафн маросимига боришим керақдир. Нима дейсиз?

— Аввал сиз, хоним, терговга боришингиз керак.

— Эҳтимол, сиз ҳақдирсиз, — деди у бир дақиқа ўйлаб, — Анув скотленд-ярдлик инспектор менга ёқмади, қўрққанымдан ўтакам ёрилиб кетаёзди, мсье Пуаро!

— Шунақа денг?

— Зиёфатга бормайман деб ўтиргандим. Эҳтимол борганим яхши бўлгандир.

— Нималар деяпсиз, хоним? Бормоқчимасмидингиз?

— Ҳа. Кеча кечқурун ёмон бошим оғриган.

Пуаронинг оғзига сўз келмай қолди.

— Бу ҳақда ҳеч кимга гапирмадингизми? — сўради у ниҳоят.

— Йўқ. Кўп одамлар билан чойхўрлик қилдим. Мени коктейл ичишга таклиф этишди. Бошим оғрияпти деб рад этдим, ҳатто зиёфатга бормасам ҳам керак дедим.

— Нима учун тагин борадиган бўлиб қолдингиз?

— Эллис ваъда берганингдан кейин бор, деб қўймади. Сэр Монтегьюнинг катта-катта танишлари бор, ундан кейин у жуда кўнглига оғир оладиган одам. Тўғри, Мертонга турмушга чиқадиган бўлганимдан кейин бунинг аҳамияти йўқ. Лекин жуда эҳтиёткор аёл-да. У ҳали никоҳ ҳақида бирор қарорга келинмаган, деди. Шунга ўхшаган гаплар. Ниҳоят унинг гапида жон бор дедим-да, боришга қарор қилдим.

— Хоним, сиз Эллисдан бир умр миннатдор бўлишингиз керак. — деди Пуаро жиддий қилиб.

— Эллис, менга қара! — деди Дейн.

Хонага оқсоч кирди.

— Мсье Пуаро кечаги зиёфат учун сенга миннатдорчилик биддиришим кераклигини айтди.

Эллис зўр-базўр Пуарога қаради.

— Ваъдага вафо қилиш керак-да, хоним, — сал зарда аралаш деди у. — Одамлар субутсизликни кечиришмайди.

Дейн шляпани қўлига олиб яна кийиб кўра бошлади.

— Қора кийимни ҳечам ёқтирмайман-да, — қайғу билан деди у. — Ҳеч қачон киймайман. Лекин мотам кунларида ба-рибир кийишимга тўғри келади... Бу шляпанинг турқини қара, Эллис. Бошқа шляпа магазинига қўнғироқ қил. Менга мос келадиган бошқасини топ.

Пуаро билан аста-секин хонадан чиқиб кетдик.

Еттинчи боб

КОТИБА

Жеп бизникига икки соатдан кейин келди. Келиб шляпасини столга ташлади-ю, ўзим аблаҳман, деб юборди.

— Маълумотларни тартибга солдингизми? — деди Пуаро унга ҳамдардлик билан.

Жеп маъюс бошини силкиб қўйди.

— Камида ўн тўрт киши зиёфатда бўлганлигини тан олди, — деди у. Кейин давом этди: — Бир қараганда, мсье Пуаро, иш оддий бўлиб кўринади. Лорд Эжуорни ўлдириш учун унинг хотинидагина асос бор.

— Мен бундай демаган бўлардим. Давом этинг, — деди Пуаро.

— Назаримда, бу атайлаб уюштирилганга ўхшайди. Ахир бу артистлар гуруҳини яхши биласиз-ку, бири учун иккинчиси жониниям беради. Мана бу ерда иш умуман бошқача. Кечаги зиёфатда қатнашган зотларнинг ҳаммаси обрўли одамлар, бошқалари умуман бир-бирини танишмайди. Уларнинг кўрсатмалари ҳақиқатга яқин. Шунинг учун зиёфат чоғида Дейн бирон ярим соатта бўлсаям ташқарига чиққанмикин деб ўйловдим. Чиқмабди. Фақат телефонга жавоб бериб келибди, холос. Унинг оддида эшик оғаси бўлган.

Айтмоқчи, бу гаплар аввалги гапларга тўғри келади. «Ҳа тўғри, леди Эжуорман», деган. Кейин нариги томонда гўшак осиб қўйилган. Тўғрисини айтсам, бошим қотиб қолди.

— Қизик. Қўнғироқ қилган аёл эканми, ё эркак?

— Аёл бўлса керак.

— Келинг, ишнинг моҳиятига кўчайлик, — чидамсизлик билан деди Жеп. — Ҳаммаси худди леди Эжуор айтгандек бўлган ҳам дейлик. У Монтегью Корнерга чоракам тўққизда келган, у ерда ўн бир яримгача ўтирган, уйига чоракам ўн иккида келган. Мен уни олиб келган ҳайдовчи билан ҳам гаплашдим. Ундан ташқари «Савое» меҳмонхонаси назоратчиси унинг келган вақти тўғрилигини тасдиқлаяпти.

— Менимча, бу ишонарли.

— Унда Рижент-Гейтдаги одамларнинг кўрсатмалари-чи? Дейннинг соат тўққизда келганини эшик оғасигина эмас, лорд Эжуорнинг котибасиям тасдиқлаяпти.

— Эшик оғаси анчадан буён ишларканми?

— Ярим йилдан бери. Айтгандай, хушрўйгина йигит.

— Ҳа. Агар у ярим йилдан буён ишлаётган бўлса, леди Эжуорни кўрмаган. Шундай бўлгач, таний олмайди ҳам.

— Уни газетадаги расмидан таниган. Котиба бўлса, ўзини кўрган. У лорд Эжуор билан беш ё олти йилдан буён бирга ишлайди.

— Мана шу котибани бир кўрсам бўларкан, — деди Пуаро.

— Унда мен билан бирга боролмайсизми?

— Ташаккур, дўстим, таклифингизни жоним билан қабул қиламан. Бу таклиф дўстим Гастингсга ҳам тааллуқли деб умид қиламан.

Жеп кулиб қўйди.

— Айтишади-ку, ахир, эгаси қаерда бўлса итиям шу ерда деб.

Жеп баъзан жудаям қўпол бўлиб кетарди.

Рижент-Гейтга кетаётиб йўлда шундай деди:

— Бу менга Элизабет Каттингнинг ишини эслатади. Эсингиздами? Камида йигирматача гувоҳ лўли қиз Мэри Сквайсни бир вақтнинг ўзида Англиянинг икки чеккасида кўрганман деб қасам ичишганди. Барибир сир очилмай қолиб кетган. Мана бу ишдаям хийлагина шунга ўхшаш ҳолат бор.

— Унда унинг унвони кимга ўтади? — сўрадим.

— Қариндоши Рональд Маршга. Айтишларича, ўтакетган саёқмиш.

— Врач ўлган вақтини аниқлаганми? — қизикди Пуаро.

— Мурдани ёриб кўриш ишлари тугашини кутиш керак, еган овқати қаеригача борганикин. — Жеп лутф билан гапиришдан анча йироқ одам эди. — Ҳозирча кеч соат ўнда деган

фараз билан кифояланиб тураверамиз. Уни соат тўққизлар атрофида кўришган. Бу вақтда у кечки таомни еб бўлган ва эшик оғаси кутубхонага содали виски олиб кириб берган. Эшик оғаси соат ўнбирларда ухлашга ётганда кутубхонада чироқ ўчиқ бўлган. Бу вақтда у ўлдирилган. Чунки тирик одам қоронғида ўтирмайди.

Пуаро ўйланқираб калласини қимирлатиб қўйди. Биз етиб келдик. Энди деразадаги пардалар туширилган эди. Эшикни бизга хушбичим эшик оғаси очди.

Уйга биринчи бўлиб Жеп, кейин Пуаро ва мен кирдик. Эшик оғаси Пуарони биз даҳлизга кирганда кўрди. Уни кўрди-ю, кўзларида кўрқинч аломатлари зоҳир бўлди. Бу ҳол менинг назаримдан четда қолмади. Мен бунга ҳисобга олиб қўйдим, чунки у кейин бизга қимматбаҳо далил сифатида хизмат қилиши мумкин.

Жеп меҳмонхонага кириб эшик оғасини чақирди.

— Элтон, ҳаммасини бошқатдан яна аниқлаб олмоқчиман. Леди бу ерга соат ўнда келганмиди?

— Хонимми? Ҳа, сэр, ўнда.

— Уни қандай қилиб танидингиз? — сўради Пуаро.

— Ўз исмини айтиб таништирди. Ундан ташқари, расмини газетада кўргандим, театрда ўйнаган спектаклига ҳам тушганман.

Пуаро имлаб қўйди.

— Қанақа кийимда эди?

— Қора қийимда, сэр. Устида қора хирқа, бошида шляпа. Бўйнида бир тақим маржон. Қўлида яшил қўлқоп эди.

Пуаро Жепдан леди Эжуор Чизвикдаги зиёфатда қанақа кийимда эди, деб сўради.

— Эгнида оқшомги оқ шоҳи кўйлак ва елкасида енгил камзул, — жавоб берди қисқа қилиб инспектор.

Эшик оғасининг кечаги зиёфат ҳақидаги гаплари Жепнинг гапларига мос тушарди.

— Ўша кечаси хўжайинингизнинг олдига бошқа биров ҳам келдими? — деб сўради Пуаро.

— Йўқ, сэр.

— Кўча эшик қандай ёпилган эди?

— Америка қулфи билан, сэр. Одатда, мен ётиш олдидан эшикни тамбалаб қўяман. Соат ўн бирларда. Лекин кеча Жеральдина театрда борган эди. Шунинг учун эшик тамбаламган эди.

— Эрталаб турганда қандай ёпиғлиқ турган экан?

— Тамбаланган экан, сэр. Театрдан келгандан кейин Жеральдина тамбалаб қўйган.

— Унинг қачон келганини биласизми?

— Менимча чоракам ўн иккиларда.

— Демак, соат чоракам ўн иккиларгача эшикни ташқаридан калит билан очиш мумкин бўлган. Эшикни ичкаридан туриб лўкидонини бураб очиш мумкинми?

— Ҳа, сэр.

— Кулфнинг нечта калити бор сизда.

— Биттаси хўжайинда бўларди, сэр. Иккинчиси эса, одатда даҳлиздаги қутичада турарди. Уни кеча кечқурун мисс Жеральдина олган эди.

— Уйда ҳеч кимда бошқа калит йўқмиди?

— Ҳеч кимда, сэр. Мисс Кэрролл доим қўнғироқ қиларди.

Шундан кейин биз котибани сўроқ қилишга тушдик. Мисс Кэрролл қирқ беш ёшлардаги аёл эди. Унинг малла сочларига оқ оралаган. Пенсне ортидан кўм-кўк кўзлари бизга тикилиб қаради. У гапга тушганда телефонда шахдам-шахдам гапирган аёл шу эканлигини сездим.

— Мсье Пуаро — деди у, — лорд Эжуорнинг сиз билан учрашмоқчи бўлганлигини сизга мен маълум қилганмидим?

— Тўппа-тўғри, мадемуазель.

Менимча, у Пуарода яхши таассурот қолдирди. Тўғриси-ям-да, шахдам-шахдам аниқ гапиришда унга етадигани йўқ эди.

— Мисс Кэрролл. Кеча кечқурун бу ерга леди Эжуор келганига аниқ ишончингиз комилми?

— Буни мендан учинчи бор сўраяпсиз. Албатта, ишончим комил. Уни ўзим кўрдим.

— Уни қаерда кўрдингиз, мадемуазель.

— Даҳлизда. У эшик оғаси билан гаплашди-да, кейин кутубхонага кириб кетди.

— Кўрган пайтингизда қаерда эдингиз?

— Иккинчи қаватнинг зинасидан пастга қараб турдим.

— Шу тўғрими? Адашмаяпсизми?

— Мутлақо тўғри. Унинг юзларини аниқ-тиниқ кўрдим.

— Адашиб бировни унга ўхшатмаяпсизми?

— Ҳечам-да. Дейн Уилкинсоннинг юз тузилиши ҳеч кимга ўхшамайди. Бу худди ўша эди.

Жеп. «Хўш, кўрдингизми» дегандай Пуарога назар ташлади.

— Лорд Эжуорнинг душманлари бормиди? — деб сўраб қолди Пуаро тўсатдан.

— Бўлмаган гап. Унда душман нима қилсин, — деди мисс Кэрролл.

— Нега бўлмаган гап дейсиз?

— Душманмиш! Бизнинг замонамизда одамларнинг душмани йўқ!

— Лекин лорд Эжуорни бировлар ўлдирган-ку, ахир.

— Уни хотини ўлдирди, — деди мисс Кэрролл.

— Бу гайритабиий ҳодиса. Мен бунга ўхшаган ҳодисани ҳеч қачон эшитмаганман, — ўз доирамизда, албатта.

Мисс Кэрролл одамларнинг ичкиликка муккасидан кетган паст табақалари вакиллариинигина бировни ўлдиришга қодир деб ҳисобларди.

— Кўча эшикнинг нечта калити бор?

— Иккита, — дарров жавоб берди мисс Кэрролл. — Бирини лорд Эжуор доим ёнида олиб юрарди. Иккинчиси биров кеч келадиган бўлса, ҳар эҳтимолга қарши даҳлиздаги қутичага ташлаб қўйиларди. Учинчи калит ҳам бор эди. Лекин уни капитан Марш тушириб қўйган. Жудаям бепарво, пала-партиш йигит.

— Капитан Марш бу уйга тез-тез келармиди?

— Уч йил олдин шу ерда яшаган.

— Нима учун кетиб қолган? — сўради Жеп.

— Билмайман. Афтидан, амакиси билан чиқишмай қолган.

— Менимча, мадемуазель, сиз гапингизга қараганда кўпроқ нарса биладиганга ўхшайсиз, — деди Пуаро юмшоқлик билан.

— Мен чақимчи эмасман, мсье Пуаро.

— Лекин сиз лорд Эжуор билан жияни ўртасидаги жиддий қарама-қаршилиқларни батафсил айтиб беришингиз керак.

— Бу қарама-қаршилиқни у қадар жиддий деб ҳам бўлмасди. Умуман, лорд Эжуор билан тил топишиш жуда қийин эди.

— Ҳатто сизгаям-а? Лекин капитан Маршга келганда... — Пуаро мисс Кэрроллни очик гапиришга ундаб индамай қолди.

— Марш қарзга ботган эди. Бундан бошқа кўнгилсиз ҳодисаларгаям аралашиб қолган, нималарга аралашганини аниқ билмайман. Кейин иккаласи уришиб қолипти-ю, лорд Эжуор уни уйдан ҳайдади. Бор гап шу.

Мисс Кэрролл лабларини юмиб олди. Маълум бўлдики, бошқа ҳеч нима демоқчимас.

Бу суҳбат бўлаётган хона иккинчи қаватда эди. Хонадан чиққанимизда Пуаро мени тўхтатди.

— Бир дақиқа шошманг, Гастингс. Сиз шу ерда тура туринг, мен Жеп билан пастга тушаман. Биз кутубхонага киргунимизча буни кузатиб туринг. Кейин пастга тушинг.

Мен Пуарога «Нега?» деб савол бермасликка анчадан буён кўникиб кетганман. Мина қўювчи аскар буйруққа бўйсунди-ю, мина билан бирга ўзиям портлаб кетади қабилида. Бахтга иш ҳали бунгача етиб боргани йўқ.

Мен панжара олдида уларга қараб турдим. Пуаро билан Жеп менга кўринмай аввал кўча эшикка боришди. Кейин қайтиб даҳлизга келишди. Уларни кутубхонага кириб кетгунча тепадан кўриб турдим. Кейин бориб уларга қўшилдим.

Бу вақтда, албатта лорд Эжуорнинг мурдаси хонадан олиб чиқиб кетилган, дераза пардалари туширилган эди. Чироқ ёнигли турарди.

— Бу ерда ҳеч нима йўқ, — деди Жеп.

Пуаро табассум билан жавоб берди:

— Афсус! Сигарет кули ҳам, ботинка излари ҳам, на аёллар қўлқопи, на атир-упа иси — ҳеч вақо йўқ. Детектив романларда тез-тез учраб турадиган излардан ҳеч нима кўзга чалинмади.

— Бунақанги романларда полициячилар кўршапалакнинг ўзи бўлади-қўяди. Ҳеч нимани кўришолмайди, — кулди Жеп.

— Бунга анча бўлди, бир ишни очишнинг калитини топгандим, — ўйланқираб деди Пуаро. — Лекин калитнинг узунлиги тўрт сантиметр эмас, тўрт фут¹ бўлиб чиқди. Бунга ҳеч ким ишонмаганди.

Мен бу воқеани эслаб кулиб юбордим. Кейин ўзимга топширилган вазифани эсладим.

— Ҳаммаси жойида бўлган, Пуаро, — дедим. — Орангиздан ҳеч ким жосуслик қилмаган эди.

— Дўстим Гастингснинг кўзи ўткир, — енгил табассум билан деди Пуаро. — Айтинг-чи, дўстим, тишларимда қизил гулни кўрганмидингиз?

— Тишимнинг орасидаги қизил гулни демоқчимисиз? — Ҳайрон бўлиб сўрадим. Жеп кулгисини яшириш учун ўгирилиб олди.

¹ Бир фут 30 сантиметргача келадиган инглиз ўлчови.

— Пуаро, сиз мени кулдиравериб ичагимни узмоқчисиз, шекилли, — деди у. — Чангак қилиб қўясиз. Қизил гулмиш! Ё тавба!

— Калламга Карменни тасаввур қилиш фикри келиб қолди, — деди мутлақо хотиржамлик билан Пуаро. Уларга қўшилиб мен ҳам ақлдан озмаганмиканман деб ўйладим.

— Хўш, Гастингс, сезмадингизми? — таъна аралаш сўради Пуаро.

— Йўқ, — дедим — мен оғзингизга қараганим ҳам йўқ, қараганимдаям ҳеч нимани кўрмаган бўлардим.

— Бари бир.

У хотиржам бошини қимирлатиб қўйди.

Нима, улар менинг устимдан кулишяптими?

— Хуллас, — деди Жеп, — бу ерда энди менинг қиладиган ишим қолмади. Мен Эжуорнинг қизи билан кўришмоқчи эдим.

Хизматкор чиқиши билан орадан бир дақиқа ўтиб мисс Кэрролл кирди.

— Жеральдина ухляпти, — деди у, — жуда руҳан толиққан. Уйқу дори бердим. Чамаси икки соатлар ухласа керак.

— Эшик оғаси ҳақида фикрингиз қалай? — деб сўради ундан Пуаро.

— У менга ҳечам ёқмайди, — деди мисс Кэрролл, — нимагалигини ўзимам билмайман.

Биз кўча эшикка келдик.

— Сиз кеча кечқурун хув анув ерда тургандингиз-а, мадемуазель, — деб сўради Пуаро зинани кўрсатиб.

— Ҳа. Нимайди?

— Ўша ерда туриб леди Эжуорнинг кутубхонага кириб кетганини кўрдингизми?

— Ҳа.

— Унинг юзларини аниқ кўрдингизми?

— Албатта.

— Лекин сиз мадемуазель, унинг юзларини кўролмасдингиз. Сиз турган жойдан унинг бўйнигина кўринади.

Мисс Кэрроллнинг жаҳди чиқди, кейин қизариб кетди. У кўққисдан эсанкираб қолган эди.

— Гардани, овози, юришлари худди унинг ўзи эди! Бунинг аҳамияти йўқ. Адашаётганим йўқ. Бу Дейн Уилкинсоннинг ўзгинаси эди. Дунёдаги энг қабиҳ аёл у.

У шундай деди-ю, ўтирилиб зинадан юқорига чошиб чиқиб кетди.

Саккизинчи боб

ТАХМИН

Жеп биз билан хайрлашиб кетди. Пуаро билан мен «Ри-жент-пари» боғига бориб, бўш ўриндиқ топдик.

— Тишингизнинг орасидаги қизил гул ҳақидаги гапингизнинг маъносига энди тушундим, — дедим кулиб. — Бу гапни биринчи бор эшитганимда, ақлдан озмадингизмикин деган хаёлга борган эдим.

Пуаро парижонлик билан бошини ирғаб қўйди.

— Гастингс, сездингизми, бу котиба жуда хавфли гувоҳ. Хавфлилиги шундаки, далиллари ноаниқ. Келган аёлнинг юзидани аниқ кўрдим деб туриб олди. Мен ўзимча, бундай бўлиши эҳтимолдан йироқ, деган хаёлга бордим. Кутубхонадан чиққан одамни бемалол кўриш мумкиндир. Лекин у ерга кириб кетаётган одамнинг юзи бу ердан кўринмайди-ку. Шунинг учун сизнинг ёрдамингиз билан бир тажриба қилиб кўрдимда, уни тузоққа туширдим. Кўрдингизми, шу заҳоти у ўз кўрсатмаларидан қайтди.

— Лекин ўз ишончидан қайтгани йўқ, — дедим. — Умуман олганда, Дейнни овозидан, юришидан ҳам таниб олиш мумкин.

— Йўқ-йўқ, асло.

— Нима учун, Пуаро? Менимча, овоз, юриши одамни таниб олиш мумкин бўлган ўзига хос белгилардан бири бўлади.

— Фикрингизга қўпиламан. Лекин буларни ўхшатиб қилиш мумкин.

— Демак, сиз ўйлайсизки...

— Хаёлан бир неча кун муқаддам бўлиб ўтган воқеани ўйланг. Театрдаги зиёфатни эсланг.

— Карлотта Адамсними? Ахир у жуда қойилмақом қилган эди. Машҳур одамни тақлид қилиш жуда осон. Лекин у кучли истеъдод эгаси эканлигини тан оламан. У ўз тақлидларини саҳна-насиз, ҳеч қандай тўсиқсиз ҳам бажара оларди.

Кутилмаганда калламга ярқ этиб бир фикр келди. Наҳотки шундай қилиш мумкин бўлса деб ўйладим. Йўқ, бу мутлақо тасодифан тўғри келиб қолган.

— Булар бари, Гастингс, кишининг ниятига боғлиқ. Маълум бир вазиятларда бу умуман мос келмайди.

— Лекин лорд Эжуорни ўлдириш Карлотта Адамсга нима учун керак бўлиб қолибди. Ҳатто уни танимасди ҳам.

— Буни қаердан биласиз? Ҳаммасини аввалдан ҳал қилиб қўйманг, Гастингс. Булар орасида бизга маълум бўлмаган қандайдир ҳолатлар бўлган бўлиши мумкин. Менинг назарияларимга мос келмайдиган.

— Демак, сизнинг назариянгиз ҳам бўлган экан-да.

— Ҳа. Карлотта Адамсни бу ишга жалб қилиш эҳтимоли борлигини мен бошдан оқ билиб олган эдим.

— Лекин, Пуаро...

— Шошилманг, Гастингс. Менга бу фактларнинг ҳаммаси бир ерга бориб боғланишини тушунтириб беришга ижозат беринг. Леди Эжуор эри билан муносабати ёмонлигини, ҳатто чегарадан чиқиб кетганлигини, бир кунмас бир кун бориб уни ўлдириш нияти борлигини очиқ-ойдин айтиб берди. Буни фақатгина сиз билан мен эшитганим йўқ. Официант, унинг оқсочи, Брайен Мартин ҳам эшитди, ҳатто Карлотта Адамс ҳам эшитган бўлиши мумкин. Ундан ташқари, улар буни ўз танишларига айтган бўлиш эҳтимоли йўқ эмас. Кимдир Карлотта Адамснинг Дейнга қилган тақлиди жуда зўр чиқди деди. Лорд Эжуорни ўлдириш нияти кимда бор эди? Албатта унинг хотинида-да. Унда яна бошқа биров лорд Эжуорни йўқотиш ниятида юрган бўлиши мумкин, деб тасаввур қилайлик. Ана шу нарса ўша одамга қўл келган. Дейн Уилкинсон бошим оғриятти, зиёфатгаям боролмайман деганини эшитиб ўз режасини амалга оширган-қўйган.

Шунинг учун кимдир леди Эжуорни Рижент-Гейтдаги уйга кирганини кўргандек бўлиши керак. Кейин ўзини Дейнга ўхшатиб кўрсатган. Ҳатто у ўз номини айтиб қуюшқондан ташқарига ҳам чиқиб кетган. Бу нарса ҳар қаандай ҳушёр одамда ҳам шубҳа туғдирмаслиги мумкин.

Яна бир чизги, балки жуда кичикдир. Лорд Эжуорнинг уйига келган аёл қора кийимда экан. Дейн Уилкинсон ҳеч қачон қора кийим киймайди. Бу тўғрида ўзининг айтган гапларини ўзимизам эшитдик. Кеча уйга келган одам Дейн Уилкинсон эмас, деб тахмин қилайлик. У аёл ўзини Дейнман деб атади, деб ҳам билайлик. Лекин лорд Эжуорни худди шу аёл ўлдирганмикин?

Ё бўлмасам уйга кириб келган ва лорд Эжуорни ўлдирган учинчи бир одам йўқмикин? Агар шундай бўлса, у одам тасаввур қилаётганимиз уйга леди Эжуордан олдин ё кейин кириб олмаганмикин? Агар у одам кейин кирган бўлса, анув аёл лорд Эжуорга нима деб маълум қилганикин? Келган одам нима мақсадда келганини қандай тушунтирганикин? Эшик оғаси-

ни алдаш осон, чунки уни ҳечам кўрмаган, лекин ўз эрини алдаш мақсадида келган эмас. Ё бу вақтда лорд Эжуор хонада ўлиб ётган бўлганми? Эҳтимол лорд Эжуор у киришдан олдин соат саккиз билан тўққизининг орасида ўлдирилганмикин?

— Шошманг, Пуаро! — ҳайқириб юбордим. — Худо ҳаққи, бошим айланиб кетди.

— Йўқ, азизим. Биз фақат тахминларни солиштириб чиқаямиз, холос. Бу худди магазинга кириб кўйлак кийиб кўраётгандай гап. «Мана бу тўғри келдими?» «Йўқ, елкаси буришиб турибди». «Мана бу-чи?» «Ҳа, буниси анча дуруст, лекин сал катта». Бошқасини «кичик» дегандай. Хуллас, биз мутлақо мос келадиганини топгунимизча ўлчаб кўраверамиз, шундай қилиб охири ҳақиқатнинг тагига етамиз.

— Бу суиқасдада ўзи кимдан шубҳаланаётибсиз? — деб сўрадим.

— Бу хусусда гапиришга вақт эрта. Лорд Эжуорни ўлдирдиш кимга керак бўлган, деб ўз-ўзимдан сўраб олишим керак. Унга меросхўр бўлган жияни бор ҳали. Кейин душманлари бўлиши мумкин. Лорд Эжуор, мен билишимча, ўзига осонгина душман орттирадиган одам бўлган.

— Бу тўғри, — унинг фикрига қўшилдим.

— Лекин у ким бўлишидан қатъи назар, ўзини хатардан холи сезган. Эсингиздами, Гастингс, Дейн Уилкинсон сўнги дақиқаларгача зиёфатта боргиси келмаган. «Савое»даги хонасида қолмоқчи бўлган. Агар шундай қилганда эрини ўлдирмаганлигини исбот қилолмасди. Уни ҳибсга олишган, суд қилиб осиб юборишган бўлишарди.

Мен чўчиб кетдим.

— Уни қотилликда айбашлари тушунарли, — давом этди Пуаро. — Лекин бир нарсага гаранг бўлиб турибман. Унда телефон қўнғироғи-чи? Кимдир Чизвикка телефон қилиб, унинг зиёфатда иштирок этаётган-этмаётганлигига ишонч ҳосил қилмоқчи бўлибди. Кейин гўшакни осиб қўйгани-чи? Бу бирон режани амалга ошириш учун кимгадир керак бўлмади? Қўнғироқ қилган қотил бўлиши мумкин эмас. Чунки қотил ўз режасини Дейннинг зиёфатда бўлмаслиги асосига тузган. Унда бу ким бўлди?

Мен калаванинг учини йўқотиб, бошимни қимирлатиб қўйдим.

— Эҳтимол, қўнғироқ тасодифийдир? — тахмин қилдим.

— Йўқ, ҳамма нарса тасодифий бўлавермайди. Ярим йил олдин лорд Эжуорнинг хатини тутиб қолишган. Бу ерда таги-

га етолмайдиган нарсалар анчагина. Булар барини боғлаб турадиган бир нималар бўлиши керак. — Пуаро бир хўрсиниб давом этди: — Брайен Мартин гапириб берган воқеалар...

— Бу саргузаштнинг ишга умуман алоқаси бўлмаса керак.

— Кўзингиз кўр, Гастингс. Наҳотки бу ҳодисаларнинг бари бир бутун мақсадга йўналтирилган режа асосида қилинаётганлигини кўролмаётган бўлсангиз? Бу шундай режаки, аста-секин ўзини намоён этиб боради...

Менимча, Пуаро бу чигал жуда енгиллик билан ечилади, деб ўйлаётгандай эди. Лекин менга эса ҳеч қачон тагига етиб бўлмайдиган жумбоқдай туюларди.

— Барибир мен қотиллик Карлотта Адамснинг қўли билан амалга оширилганига ишоналмайман, — дедим. — У менда жудаям ёқимтой, мулойим қиз каби таассурот қолдирди.

Шу он Пуаронинг пулни севиш, пулга ҳирс қўйиш ҳақидаги гаплари эсимга тушди. Бу қабиҳликнинг замирида мана шу нарса ётмаганмикин? Ўша куни Пуаро жуда очилиб кетди. Ҳатто у Дэйрни табиатидаги худбинлик бошига кўп шўришларни солиши мумкин, деб башорат қилди. У ҳатто пулга бўлган ўчлик Карлоттани йўлдан оздиради, деди.

— Менинг назаримда, Гастингс, у ўлдирмаган. Бундай масалада у ниҳоятда вазмин ва бу ишга ноқобил. Эҳтимол, унга эрининг ўлдирилиши ҳақида айтмаган бўлишлари ҳам мумкин. Лекин унда... — Пуаро гапдан тўхтаб қовоғини солиб олди. — Энди у қотилликка шерик бўлиб ўтирибди. Демокчиманки, бутун унинг қилиғини билади-да, тушуниб... — Бирдан бўғилиб қичқириб юборди: — Тезроқ, Гастингс, тезроқ! Мутлақо эсимдан чиқарибман-ку! Тезроқ такси ушланг!..

Мен ҳайрон қолиб унга қарадим. У қўлини кўтарди. Ёнимиздан бир такси ўта бошлади. Пуаро уни тўхтатди ва биз тезда ўтирдик.

— Адресини биласизми?

— Карлотта Адамсними? — деб сўрадим. — Йўқ.

— Унда театрга кетдик.

Театрда Карлотта Адамснинг адресини зўрға беришди. Словян боғига яқин жойда тураркан. Ўша ёққа жўнадик. Пуаро чидамсизликдан ёрилиб кетай дерди.

— Фақат кечикмасак бўлгани, Гастингс!

— Намунча шошиласиз, тушунмаяпман? Нима гап ўзи?

— Гап шундаки, кечириб бўлмас даражада анқов эканман. Кўриниб турган галварс. Э худойим, улгурайлик-да, ишқилиб.

Тўққизинчи боб

ИККИНЧИ ҚОТИЛЛИК

Пуаронинг ҳовлиқиши сабабини тушунмадим. Лекин унинг табиатини, ўзини яхши билганимдан сездимки, бирон жиддий сабаб бўлмаса, бунчалик ҳовлиқмасди.

Биз Карлотта Адамснинг уйига етиб келдик. Иккинчи қаватда яшар экан. Пуаро тез-тез зинадан кўтарилиб қўнғироқ тутмасини босди. Эшикни йиғлаган кўзлари қизарган бир ёши ўтинқираган аёл очди.

— Бизга мисс Адамс керак эди, — деди Пуаро.

— Эшитмадингизларми? — сўради аёл. Мен шу онда Пуаро қўрққан нарса содир бўлганини тушундим. — У оламдан ўтди. Ухлаб ётиб ўлиб қолибди, шўрлик.

Пуаро эшикка суяниб қолди.

— Кечикибмиз, — дея минғирлади у.

— Сэр, мени кечиринг, сиз унинг дўстимисиз?

— Доктор кўрдими? Нима деди? — деб сўради Пуаро жавоб бериш ўрнига.

— У меъёрдан кўпроқ уйқу дори ичиб юборибди. Эсиз, жудаям ёқимли ёш леди эди. Дориям ҳадеб фойда беравермайди. Врач веронал¹ ичган экан, деди.

— Олдига киришим керак, — деди Пуаро амр қилгандай. — Мен изқуварман. Хоним, қандай қилиб ҳалок бўлганини текширишим лозим.

Аёл бизни хонага қўйди.

Пуаро терговни бошлаб юборди.

— Қулоқ солинг, мен сизга нима дейдиган бўлсам, бу ниҳоятда сир, ҳеч ким билмаслиги керак, — аёлни огоҳлантирди. — Ҳамма мисс тўсатдан ўлиб қолди деб ўйлаши керак. Илтимос, менга кўрган врачнинг фамилиясини ва адресини беринг.

— Доктор Хит. Карлайл-стрит кўчаси, ўн еттинчи уй.

— Сизнинг фамилиянгиз?

— Беннет. Элис Беннет.

— Билишимча, мисс Беннет, сиз мисс Адамсга анча боғланиб қолган экансиз.

— Ҳа, сэр. Бир йилдан буён унинг уйида ишлайман. Унга бошқа биронтаям актриса ўхшамасди. Ҳақиқий леди эди.

¹ Уйқу дори.

Пуаро унинг гапларини хайрихоҳлик билан эшитди. Бу унинг ўзига керакли маълумотларни билишнинг энг яхши усули эди.

— Унинг ўлими сизга ёмон таъсир қилибди, — деди унинг кўнглини кўтариб камтарлик билан.

— Жудаям сэр. Одатдагидай эрталаб соат тўққиз яримда хонасига чой олиб кирдим. У тўшақда ухляпти, деб ўйладим. Кейин пардани тортиб оча бошладим. Унинг битта ҳалқаси илгакка илиниб қолди-ю, қаттиқ тортиб юбордим. Парда шарақлаб кетди. Ўтирилиб қарасам, шовқиндан уйғонмабди. Ҳайрон бўлдим. Ётиши аллақандай ғайритабиий эди. Бориб қўлини ушлаб кўрдим. Биласизми, сэр, қўли музлаб қолган эди, кейин бақириб юбордим.

Аёл жимиб қолди, унинг ёноқларидан ёш оқа бошлади.

— Ҳа, ҳа тушунаман, — деди Пуаро унга таскин бериб. — Жуда кўрқиб кетган бўлсангиз керак. Мисс Адамс уйқу дорини тез-тез ичиб турармиди?

— Баъзан боши оғриганда пимадир ичарди. Лекин кеча, врачнинг гапига қараганда, бошқа бирон нима ичибди.

— Кеча кечқурун унинг олдига биров келдими?

— Йўқ, сэр. Кечқурун уйда бўлмади. Соат еттиларда кетган эди.

— Қаерга кетаётганини айтганмиди?

— Йўқ, сэр.

— Қанақа кийим кийган эди?

— Қора кўйлак, қора шляпа, сэр.

Пуаро менга қаради.

— У қимматбаҳо нарсаларни тақиб юрармиди?

— Ҳамма вақт бир ип маржон тақиб юрарди, сэр.

— Қўлқопи қанақайди — яшилмиди?

— Ҳа, сэр. Қўлқопи яшил эди.

— Энди менга унинг кайфияти ҳақида гапириб беринг. Ушшакчақмиди? Ё ғамгинмиди?

— Менинг назаримда, сэр, нимадандир хурсанд кўрингандай бўлувди. Негадир ўзича кулиб-кулиб қўярди.

— Қачон қайтиб келди?

— Кечаси соат ўн иккидан кейин, сэр.

— Келиб ўзини қандай тутди? Уйдан чиқиб кетаётганда қандай бўлса шундайми?

— Ҳаддан зиёд ҳолдан тойган эди, сэр.

— Ташвишланмасмиди? Ҳаяжондамасмиди?

— Йўқ, сэр. Менимча нимадандир хурсанд эди, лекин жуда чарчаган эди. Кейин ўтириб кимгадир кўнғироқ қилди.

Пуаронинг кўзлари ҳаяжондан чақнаб кетди-ю, олдинга энгашиб қолди.

— Кимга телефон қилганини эшитмадингизми?

— Йўқ, сэр. У рақам терди-ю, жавоб кута бошлади. Кейин бошқа кутолмайман деди-ю, гўшакни осиб ечина бошлади.

— Сиз кўнғироқ қилган телефон рақамини эслаб қололдингизми?

— Йўқ, сэр. Мен фақат рақам «Виктория»дан бошланганини эслайман.

— Мисс Адамс, уйқудан олдин бирон нима еб-ичдимиди?

— Ҳар кунгидай бир стакан сут ичди.

— Уни ким тайёрлаган?

— Ўзим, сэр.

— Уйга ҳеч ким келмадимиди?

— Ҳеч ким. Адамс нонуштаниям, чойниям уйда ичгани йўқ. У соат олтида қайтиб келган.

— У кечқурун ичган сутни қачон олгандингиз?

— Сут янги эди. Бир бола уни соат тўртда эшикка ташлаб кетган эди. Ишончим комилки, сэр, сут жуда яхши эди. Ўзимам бугун эрталаб ўша сут билан чой ичдим. Врач бу дорини ўзи ичган деб аниқ айтди.

— Балки мен ноҳақдирман, — деди Пуаро. — Мен врач билан учрашишим керак. Биласизми, мисс Адамснинг душманлари бор эди. Америкада ҳамма нарса бошқача...

Пуаро иккиланиб қолди. Лекин шу онда кўнғилчан Эллис қармоққа илинди.

— Биламан, сэр. Чикаго ва гангстерлар ҳақида газетада ўқигандим. Бу ёмон мамлакат бўлса керак. Полиция нима иш қилади у ерларда?

Эллиснинг тор тушунчаси Пуарони кейинги тушунтиришлардан қутқарди.

Унинг кўзи стулда ётган чамадончага тушиб қолди.

— Мисс Адамс манави чамадончани кеча олиб кетганмиди?

— Уни эрталаб олиб кетганди, сэр. Лекин соат олтида уйга келганда қўлида йўқ эди. Уни кечаси олиб келди.

— Уни очиб кўришга рухсат этасизми?

Эллис Беннет шу топда нима хоҳласа шунга рухсат берадиган ҳолда эди. Бунақа кўнғилчан хотинлар кўп учрайди. Уларнинг кўнғилига йўл топсанг бас, ҳеч нарсани аяшмайди, осонгина ишингни бажариб кетаверасан.

Чамадон қулф эди. Пуаро очди. Мен унинг ичига Пуаронинг елкаси оша қараб турдим.

— Кўряпсизми, Гастингс, буни қаранг-а? — деди ҳаяжонланиб Пуаро.

Чамадоннинг ичи ғалати нарсалар билан тўла. Унда бўйни новча қилиб кўрсатиш учун туфли пошнасининг остига қўйиладиган тағламалар ва бир жуфт қора қўлқоп бор эди. Ундан ташқари, қорозга ўралган тилларанг ясама соч ҳам ётарди. Сочнинг ранги Дейн Уилкинсоннинг сочи рангига ўхшар, парқи ҳам уникадай тўғри очилган ва чаккаси гажакдор эди.

— Гастингс, сиз ҳалиям шубҳаланяпсизми? — деб сўради Пуаро.

— Шу пайтгача ишонмай турган эдим, энди шубҳам қолмади. Пуаро чамадонни ёпиб оқсочга ўтирилди.

— Кеча мисс Адамс ким билан тушлик қилганини билмайсизми?

— Йўқ, сэр.

— Ким билан чой ичгани-ю, ким билан нонушта қилганини-чи?

— Ким билан чой ичганини билмайману, назаримда мисс Драйвер билан нонушта қилган бўлса керак.

— Мисс Драйвер дедингизми?

— Ҳа, мисс Драйвер яқин дугонаси. Унинг Моффат-стрит кўчасида шляпа магазини бор. Номи «Женевьева».

Пуаро унинг адресини врачнинг адреси остига ёзиб қўйди.

— Хоним, яна бир нарса. Эслай олмайсизми, соат олтида келгандан кейин мисс Адамс бирон нима демадими?

Оқсоч бироз ўйлади.

— Йўқ, ҳеч нима деёлмайман, сэр. — Кейин шундай деди: — Мен ундан чой ичдингизми, деб сўрадим, у, ҳа ичдим, деб жавоб берди.

— Демак, у ичдим деб жавоб берди, — такрорлади Пуаро. — Давом этинг.

— Кейин кетгунга қадар ўтириб хат ёзди.

— Хат ёзди? Кимга?

— Нью-Йоркдаги синглисига. У синглисига ҳар ҳафта мунтазам равишда икки марта хат ёзарди. Хатни ўзи олиб кетди-ю, лекин почтага ташлашни унутиб қайтариб олиб келибди.

— Демак, хат шу ерда экан-да?

— Йўқ, сэр. Мен жўнатвордим. Ухлашга ётаётиб эслаб қолди. Мен ўзим жўнатаман деб ваъда бердим-да, бориб почтага ташлаб келдим.

— Бунга қўп вақтингиз кетдими?

— Йўқ, сэр. Почта бўлими шундоққина муюлишда.

— Эшиқдан чиқаётиб эшикни қулфлаганмидингиз?

Беннет ҳайратланиб Пуарога қаради.

— Йўқ, нари-бери ёпиб кетгандим.

Пуаро яна бир нима демоқчи бўлган эди, ўйланиб қолди.

— Балки, мурдани кўрарсиз, сэр? — деди оқсоч йиғламси-раб. — Худди ўлмагандай чиройли бўлиб ётибди.

Биз ётоқхонага кирдик.

Карлотта Адамс «Савое»даги зиёфатда кўринганидан ҳам чиройли бўлиб кетганди. У худди ўйнаб-ўйнаб чарчаб ухлаб қолган болага ўхшаб ётарди.

Унга қараб Пуаронинг юзларида қандайдир ғалати ифода зухур этди. Мен унинг чўқиниб қўйганини кўрдим.

— Мен қасам ичдим, Гастингс, — деди дўстим, биз зинадан тушаётганимизда.

Мен унинг нима учун қасам ичганини сўрамадим. Буни ўзим ҳам тушуниб етгандим.

Орадан бир дақиқа ўтиб Пуаро шундай деди:

— Жиллақурса, битта айб мешинг бўйнимдан соқит бўлди. Мен уни асраб қололмадим. Мен лорд Эжуорнинг ўлимини эшитган пайтимда Карлотта ҳам ўлган бўлган. Бу менга таскин беради. Ҳа, жуда таскин беради.

Ўнинчи боб

ЖЕННИ ДРАЙВЕР

Бизнинг навбатдаги учрашишимиз керак бўлган одам оқсочдан адресини олган врач бўлди.

У ҳовлиқмароқ, озгина паришонхотирлик аломатлари кўриниб турадиган қари врач бўлиб чиқди. Пуаро ҳақида эшитган экан, у билан учрашишдан мамнун эканлигини маълум қилди.

— Сизга қандай ёрдам беришим мумкин, мсье Пуаро? — деб сўради кўришиб бўлиши билан.

— Бугун эрталаб, мсье доктор, сиз Карлотта Адамснинг тўшагига чақирилган экансиз.

— О, ҳа! Шўрлик қиз. У жуда истеъдодли актриса эди. Унинг томошасига икки марта борганман. Минг афсус, умри қисқа экан. Нега энди шундай қизлар наркотик моддаларни истеъмол қилишаркин-а, тушунолмаيمان.

— Демак, сиз уни нашаванд бўлган деб ўйлайсизми?

— Ҳа, энди, шундай деб аниқ айтиш қийин, албатта. Ҳар ҳолда у ўзига укол қилмаган. Терисида игна излари йўқ. Чама-си, уни овзидан истеъмол қилган. Оқсочнинг гапига қараганда жуда яхши ухлабди. Лекин бунақанги оқсочлар ҳеч қачон бир нарсани аниқ билишмайди. Менимча, у веронални кечасига ҳар куни ичмаган. Лекин маълум вақтларда оралатиб ичиб турган.

— Нимага таяниб шундай деб ўйлаяпсиз?

— Ҳозир тушунтириб бераман. Шайтон урсин, қаерга қўйдим-а, уни? — Врач чамадончасини титкилай бошлади. — Э, мана-е. — У қора сумкача чиқарди. — Бу албатта ҳали терговда асқотади. Оқсоч унга бурнини тикмасин деб олиб келдим.

Врач сумкачани очиб ундан олтин қутича чиқарди. Унинг қопқоғига қизил ёқут билан «К.А.» деб ўйиб ёзиб қўйилган эди. Жуда қимматбаҳо нарса. Врач уни очди. Ичи оқ кукун дори билан тўла эди.

— Бу веронал, — деди у қисқа қилиб. — Энди ичига қаранг, нима деб ёзиб қўйилганини кўрасиз.

Қутичанинг ич томолига «К. А.га Д.дан. Париж. 10 ноябрь. Яхши тушлар кўринг», деб ўйиб ёзилган эди.

— 10 ноябрь, — деди Пуаро ўйланқираб.

— Ҳа. Бунинг тагида бир гап борми? Айтмоқчи, нега бу сизни қизиқтириб қолди, деб сўрамоқчи эмасман. Билишимча, сизда бунинг учун жиддий асосингиз бор. Эҳтимол, ўзини ўзи ўлдирганмикин демоқчи бўлаётган бўлсангиз керак-а? Бу ҳақда сизга фойдали бир гап айтолмайман. Бошқа ҳеч ким ҳам бирон нима деёлмайди. Оқсочнинг маълум қилишича, у кеча жуда яхши кайфиятда бўлган. Менимча, бахтсиз ҳодиса. Веронал — бу одам ишонадиган дори эмас. Уни кўп истеъмол қилиб одам тирик қолиши мумкин, лекин жиндай ичиб ўлиб қолиш ҳам ҳеч гапмас. Бу жудаям хавфли дори.

— Тергов «Ўлим бахтсиз ҳодиса сифатида юзага келган», деб хулоса чиқаради, — деб қўшиб қўйди врач. — Бунга шубҳам йўқ. Сизга бошқа ҳеч қандай ёрдам беролмайман.

— Мадемуазелнинг сумкачасини очиб кўрсам бўладими?

— Албатта, албатта.

Пуаро сумкачанинг ичидаги нарсаларни олиб ташлади. Ундан четига «К. А.» деб ёзиб қўйилган юпқа дастрўмол, упу, лаб бўёғи, озгина чақа пул ва пенсне чиқди.

Пенсени Пуаро жуда қизиқиб томоша қилди. Кўзойнакнинг гардиши тилладан, жуда гўзал қилиб ясалган эди.

— Қизик, — деди Пуаро. — Мен мисс Адамс пенсне тақишини билмас эканман. Балки бирон нима ўқиганда тақармикан?

Врач пенсени қўлига олди.

— Йўқ, унинг ойналари узоқни кўриш учун ясалган — деди у. — Жуда ўткир ойналар. Ким тақсаям кўзлари анча хиралашган экан.

— Сиз билмайсизми, мисс Адамс...

— Мен уни илгари муолажа қилмаганман. Мени оқсочи қақирганди. Мисс Адамсни кўрганимда кўзида пенсне йўқ эди.

Пуаро врачга миннатдорчилик билдирди, биз тапқарига чиқдик. Дўстимнинг юзларида ҳайрат аломатлари сезилиб турарди.

— Эҳтимол, бу хатодир, — деди у.

— Сиз Дейн Уилкинсонга қилган тақлидини назарда тутяпсизми?

— Йўқ, менимча, бу шубҳасиз. Унинг ўлимини назарда тутяпман. Шуниси аниқки, унинг ихтиёрида фақат веронал қолган. Эҳтимол, кеча кечқурун асабийлашган, чарчагандир. Кейин мириқиб ухлаш учун веронал ичгандир. — Шу ол Пуаро бирдан тўхтаб, чапак чалиб юборди. Ўткинчилар ҳам унга ҳайрон бўлиб қараб қолишди. — Йўқ, йўқ! — деди у қатъий қилиб. — Бахтсиз ҳодисага буриш жуда қўл келган. Бу ҳеч қачон бахтсиз ҳодиса бўлмаган. У ўзини ўлдирмаган. У тақлид қилиб ўзига ўлим ҳукмини ўқиган. Шунинг учун веронални баҳона қилишяптики, у буни илгари истеъмол қилиб юрганини билишган. Агар шундай бўлса, қотил буни яхши билган бўладими? Ким бу «Д.» дегани? Унинг кимлигини билсам, Гастингс... Унинг кимлигини билиш учун ҳеч нимани аямаган бўлардим.

— Пуаро, — дедим у гапдан тўхтатганда, — юриб гаплашсак яхши бўлармиди? Бўлмаса, ўткинчилар бизга қараб-қараб қўйишяпти.

— А? Балки, сиз ҳақдирсиз, гарчанд менга улар мутлақо халақит қилишмаётган бўлишса ҳам.

Мен унинг фикрига қўшилмадим. Бировларнинг менга зътибор қилишларига чидаб туролмайман. Пуаро бўлса ортиқча намниям, иссиқниям, совуқниям ёқтирмасди. Чунки бу унинг маълум ва машҳур мўйловига таъсир қиларди.

— Такси олайлик, — деди Пуаро ва ўтиб кетаётган машинага қўлидаги асони кўтарди.

Биз машинага ўтирдик. Ҳайдовчига Моффат-стрит кўчасига олиб бориб ташлашини айтдик.

«Женевьева» корхонасининг биринчи қаватида тасвирга қалам ожиз бўлган чиройли шляпалару, шарфлар витриналарда ўзини мана ман деб намоёиш қилиб турарди. Лекин уларни бунёдга келтирадиган иш жойи иккинчи қаватда бўлиб, у ерга қўланса ис босиб ётган зинапоядан чиқиларди.

Зинадан кўтарилишимиз билан қаршимизда «Женевьевага кираверинг» деб лавҳа осиб қўйилган эшикка дуч келдик. Эшикдан ўтиб, шляпалар билан тўла мўъжазгина хонага кирдик. Қаршимизга семизгина малла сочли аёл чиқиб Пуарога шубҳали назар ташлаб қўйди.

— Бизга мисс Драйвер керак, — деди дўстим.

— Билмадим, хоним сизни қабул қилармикин. Нима ишингиз бор эди?

— Мисс Драйверга дугонангиз мисс Адамсинг дўсти сиз билан гаплашмоқчи экан, деб айтинг.

Лекин малла сочли аёл илтимосни бажаришига ҳожат қолмади. Қора духобали қалин парда қимирлаб, ортидан маллақизғиш сочли нозиккина қиз чиқиб келди.

— Нима гап? — деб сўради у.

— Сиз мисс Драйвермисиз?

— Ҳа. Карлоттага нима бўлди?

— Қайғули ҳодисани эшитмадингизми? Мисс Адамс кеча кечаси уйқусида ўлиб қолибди. Веронал деган уйқу дорисини меъеридан ортиқ ичиб юборибди.

— Қандай даҳшат! — ҳайқириб юборди у. — Шўрлик Карлотта. Ишонини қийин. Нега энди, кечагина шўх-шодон юрувди-ку.

— Мен сизга бўлган гапни айтдим, мадемуазель, — деди Пуаро. — Ҳозир соат бир. Бизга мурувват кўрсатсангиз-да, дўстим билан бирга нонушта қилишга рози бўлсангиз. Сизга берадиган бир нечта саволим бор.

Қиз Пуарога бошдан-оёқ назар ташлаб чиқди. Жуссаси кичик бўлса ҳам шаддодроқ кўринди.

— Ўзингиз кимсиз? — тўғридан-тўғри сўради у.

— Мени Эркюль Пуаро дейишади. Дўстим — капитан Гастингс.

Мен таъзим қилиб қўйдим. Қизнинг назари биримиздан иккинчимизга ўтди.

— Сиз тўғрингизда эшитганман, — деди у ниҳоят. — Бўпти, кетдик.

Қиз малла сочли аёлга мурожаат қилди.

— Дороти?

— Ҳа, Женни.

— Миссис Лестер шляпасини олгани келади. Тепасига бошқа уқа ўрнатиб қўйинг. Бўпти, ҳозирча хайр, мен тезда қайтаман.

У қора шляпа кийиб, бир чаккасига қўққайтирди, юзига упу суриб Пуарога қаради.

— Мен тайёрман, — деди киноя қилиб.

Орадан беш дақиқа ўтиб биз Довер-стритдаги кичкинагина ресторанда ўтирардик. Официант олдимишга коктейль қўйиб буюртмани олди-да, нари кетди.

— Буни қандай тушунса бўлади? — сўради Женни Драйвер. — Карлотта нималарга аралашиб қолганикин?

— Бирон нималарга аралашиб қолганмиди?

— Шошманг, саволни мен бераманми ё сизми?

— Назаримда мен берсам керак, — кулиб жавоб берди Пуаро. — Менга маълум бўлишича, сиз билан мисс Адамс қалин дугона экансизлар.

— Тўғри.

— Унда, мадемуазель, сиздан илтимос, нима қилмоқчи бўлаётган бўлсам ҳаммасини дугонангизнинг манфаатини кўзлаб қиляпман деб тушунинг. Сизни ишонтириб айтаманки, худди шу мақсад билан олдингизга келганман.

Орага жимлик чўқди. Бу вақт ичида Женни Драйвер Пуаронинг гаплари маъзини чақиб олди. Ниҳоят у бошини силкиб қўйди.

— Сизга ишонаман. Нимани билмоқчисиз?

— Менга маълум бўлишича, мадемуазель, кеча сиз дугонангиз билан нонушта қилган экансизми?

— Ҳа.

— У сизга кечқурунги режалари ҳақида гапирганмиди?

— У кеча кечқурунги режалари ҳақида бирон нима дегани йўқ. Лекин баъзи бир гапларнинг учини чиқардики, бу сизни ҳам қизиқтирса керак.

— Ниманинг учи экан?

— Мен буни ўз сўзларим билан гапириб беришга ҳаракат қиламан. Биласизми, Карлотта жудаям ҳаяжонда эди. Бундай ҳолат унда камдан-кам содир бўлади. Феъли шундай. Нима қилмоқчи эканлигини аниқ айтгани йўқ. Бу иш ҳақида бировга айтмайман, деб ваъда берган экан. Лекин гапларидан унинг қандайдир қинғир ишда қатнашмоқчи эканлигини тушундим.

— Қинғир иш дейсизми?

— У шундай деди. У менга бу қинғир иши қачон ва қаерда содир бўлишини маълум қилгани йўқ. Кўряписизми, — гапини давом эттирди Женни қовоғини уйиб. — Карлотта, қўпол ҳазил қиладиган, одамларни мазах қилувчи одамлар тоифасига кирмасди. Менинг назаримда кимдир уни мана шу қинғир ишга жалб қилган. Ўзича буни қилмаган бўларди. Назаримда... унинг ўзи худди шундай деб айтмаганини ҳисобга олиб қўйинг...

— Йўқ, йўқ, тушуниб турибман. "Назаримда", деб нима демоқчи бўлаётган эдингиз?

— Маълум даражада бу пул билан боғлиқ бўлса керак. Пулга келганда Карлотта ўзини томдан ташлайди. Табиати шундай. Пул деса — жонини беради. Пул, пул бўлгандаям жуда катта пул уни бу қадар ҳаяжонга солиши табиий.

— Ўзи сизга бу ҳақда гапирганмиди?

— Йўқ. Қандайдир қинғир ишларни амалга ошироқчиман деб қўя қолди. Ундан ташқари, Америкадаги синглизини чақиртироқчилигини, у билан Парижда учрашмоқчи эканлигини айтди. Унинг синглизини мусиқа борасида жуда истеъдодли, лекин касалманд. Карлотта уни жуда яхши кўрарди. Менга маълум нарсалар мана шулар. Бу гаплар сизга асқотадими?

Пуаро калласини қимирлатиб қўйди.

— Ҳа, бу гаплар менинг хаёлимдан кечган нарсаларни тасдиқлайди. Тўғри, сиздан бундан ҳам кўпроқ гапларни эшитиш умидида келгандим. Биламан, мисс Адамс сизга буларни ҳеч ким билмасин деб роса уқтирган. Лекин энг яқин дугонаси бўлмиш сизга буни барибир оғзидан гуллаб қўяди, деб умид қилгандим.

— Мен ҳам айтиб беришини хоҳловдим, — жавоб берди Женни. — Сўрасам, кулиб қўйди-ю, кейин биласан, деди.

— Лорд Эжуор деган одамни танийсизми? — деб сўради Пуаро.

— Ҳалиги ўлдириб кетилган одамми?

— Ҳа. Мисс Адамс шу одам билан танишмиди, йўқми?

— Таниш эмасди-ёв. Йўқ, танишмасди. Бир дақиқа шопмай туринг... кечқурун уни ёмон сўзлар билан оғзига олганди. Бундай қаҳри қаттиқ одамлар яхши одамларнинг ҳаётини барбод қилишига йўл қўйиб қўймаслик керак, деган эди. Тагин бунақа кимсаларнинг ўлими кўп одамларнинг ҳаётини асраб қоладиям, деганди.

— Бу гапни қачон айтганди сизга, мадемуазель?

— Менимча, бир ой муқаддам.

— Нима сабаб бўлиб бу мавзуда гап очилганди?

Женни Драйвер бир неча дақиқа ўйга ботди. Лекин ҳеч нимани эслолмади.

— Лорд Эжуорнинг номи кутилмаганда тилга олиниб қолди, — деди у. — Эҳтимол, газетада кўзи тушгандир. Ҳар ҳолда Карлотта номаълум одам ҳақида куйиб-ёниб гапира бошлади, менга шунақа туюлди.

— Бу ғалати, албатта, — унинг фикрига қўшилди Пуаро. — Сиз унинг сумкасида «К.А.» деб ёзилган ёқут кўзли олтин қутичани ҳеч кўрганингиз борми?

— Олтин қутича дейсизми? Йўқ, ҳеч қачон кўрмаганман.

— Сиз ўтган йили ноябрь ойида мисс Адамс қаерда бўлганини билмайсизми?

— Эслаб кўрай-чи. Ноябрьнинг охирида у Штатларга қайтиб келганди. Бунгача Парижда бўлган.

— Бир ўзимми?

— Албатта бир ўзи. Узр, балки сиз буни назарда тутмагандирсиз. Тушунолмаيمان, қачон Париж номи тилга олинса, қандайдир бошқа маъно келиб чиқаверади. Ахир, бу жуда гўзал, ҳашаматли шаҳар-ку. Лекин Карлотта Адамс баъзи қизларга ўхшаган айш-ишрат қилишга мойил қизлар сирасига кирмасди.

— Энди мадемуазель, мен сизга муҳим бир саволни бермоқчиман. Бирон-бир эркак мисс Адамсни қизиқтириб қолганмиди?

— Йўқ, — деди Женни — менга маълум бўлишича, Карлотта тун-кун иш ва сингисининг ташвиши билан банд бўлган. У оила бошлиғи сифатида ўзининг мавқеига жиддий муносабатда бўлган. Хуллас, жиддий қилиб айтганда, «Йўқ» деб жавоб бериш мумкин.

— Жиддий қилиб айтмаганда-чи?

— Яқин ораларда Карлоттани биронта эркак қизиқтириб қолибди деб эшитсам, бунга ажабланмаган бўлардим.

— Э-ҳа, шунақа денг-а!

— Бу менинг тахминим, шуни ҳисобга олиб қўйинг. Мен унинг ўзини тутишидан шундай деяпман. Сўнгги пайтларда қандайдир бошқача — хаёлпараст бўлиб қолди... Бунини тушунтириб беришим қийин. Лекин аёлнинг ҳолатини аёл ҳис қилади... Албатта, мен хато қилаётган бўлишим мумкин.

Пуаро калласини қимирлатди.

— Ташаккур, мадемуазель. Яна бир нарса — мисс Адамснинг «Д» ҳарфи билан бошланадиган биронта дўсти борми?

— «Д», — ўйланиб туриб жавоб берди Женни Драйвер — «Д» ми. Йўқ. Кечирасиз, эслолмаяпман.

Ўн биринчи боб

ХУДБИН

Ўйлашимча, Пуаро саволига бошқача жавоб олишини ҳам кутмаганди.

— Энди, — деди Женни Драйвер. — Мен сизлардан билганингизни гапириб беришингизни сўрайман.

— Мадемуазель, — деди Пуаро, — аввало, сизга бир хушомад қилиб қўйишимизга ижозат этинг. Берган саволларимга жавобларингиз жуда ўринли бўлди. Каллангиз ишлар экан, мадемуазель. Бу иш ҳақида гапириб беришимни сўраяпсиз. Мадемуазель, мен сизга фақат баъзи бир тафсилотлар ҳақида гапириб бера оламан.

Кеча кечқурун ўз кутубхонасида лорд Эжуор ўлдириб кетилган. Кечаси соат ўнларда леди, яъни сизнинг дўстингиз бўлган мисс Адамс Рижент-Гейтдаги уйга келиб ўзини леди Эжуор деб атаган. Леди Эжуор сизга яхши маълум бўлса керак, бу Дейн Уилкинсон. Мисс Адамс (агар шу бўлса) уйда бир неча дақиқа бўлган. У бу ердан соат ўндан беш дақиқа ўтганда чиққан. Лекин ўз уйига ярим кечада қайтиб келган. Уйга келибоқ кўп миқдорда веронал деган уйқу дорисини ичиб ухлашга ётган. Мадемуазель, мен нега бунақа саволларни бериб бошингизни қотирганимни энди тушунган бўлсангиз керак.

Женни хўрсинди.

— Ҳа, энди тушундим, — деди у. — Карлоттани суриштирганингиз бежиз эмас экан. Кеча у келиб мендан янги шляпа олиб кетган эди.

— Шляпа янгимиди?

— Ҳа. Айтдики, менга мана шунақа юзнинг чап томонини беркитиб турадигани керак, деди.

Шу ўринда мен ўқувчиларга баъзи бир нарсаларни тушунтириб қўйишим керак. Ўша замонларда тўнкарилган талинкаларга ўхшаш шляпаларни кийиш расм бўлган эди. Бунақа шляпалар бошнинг бир томонига соя солиб туриш учун кийиб юриларди.

— Бу шляпалар, одатда, бошнинг ўнг томонига қўққайтириб кийиб юриладими? — сўради Пуаро.

Ёш чевар бошини қимирлатди.

— Лекин биз бошнинг бошқа томонига ҳам қўйиб киядиган бир нечта фасонларни тикиб турамиз, — тушунтирди у. — Шунақа аёллар тоифаси ҳам борки, юзининг чап томонини эмас,

ўнг томонини кўрсатиб юришни хуш кўришади. Карлотта худди мана шунақа шляпани сотиб олди. Юзининг чап томонига соя солиб юришида Карлоттанинг қандайдир мақсади бўлганмикин?

Шу пайт Рижент-Гейтдаги уйнинг эшиги чап томондан очилишини эсладим. Эшик оғаси кўча эшикни очганда меҳмонни ўнг эмас, чап томондан кўради. Ундан ташқари, Дейн Уилкинсоннинг чап кўзи устида (буни кеча кўргандим) холи борлиги ҳам хаёлимга келди.

Шу заҳоти бу ҳақда Пуарога гапирдим. У маъқуллаб, бошини бир неча бор силкиб қўйди.

— Гапингиз мутлақо тўғри, Гастингс. Шляпа сотиб олиш ҳам худди мана шу билан изоҳланади.

— Мсье Пуаро, — деди бирдан Женни. — Гарчи лорд Эжуор ҳақида Карлотта ёмон гапларни оғзига олган бўлса ҳам, унинг қотили Карлотта деб ўйламаётибсизми, ишқилиб.

— Бундай деб ўйламаётибман. Барибир унинг лорд Эжуор ҳақида бундай дейиши ғалати. Бунга асос бўладиган у ҳақда нималарни билганикин?

— Буни билмайман... Лекин уни бу ўдирмаган. У ниҳоятда нозиктабиат, бундай ишга мутлақо қўли бормаиди.

Пуаро бошини қимирлатди.

— Ҳа, ҳа, тўғри таърифладингиз. Бу руҳият билан боғлиқ фикрингизга қўшиламан. Бу қотиллик руҳият билан эмас, илмият билан боғлиқ бўлган.

— Илмият?

— Бир урганда одамнинг калласидаги асаб толалари тугуни ишдан чиқишини яхши билган қотилнинг иши бу.

— Бунинг учун врач бўлиш керак, — деди ўйланқираб Женни.

— Мисс Адамс биронта врач билан танишмиди?

— Англияда таниши йўқ.

— Яна битта савол. Адамс пенсне тақармиди?

— Йўқ, ҳеч қачон тақмаган.

Пуаро қовоғини уйди.

Кўз ўнгимда катта пенсне таққан ва сассиқ карбол кислотасига эгилиб турган врач гавдаланди. Тентакликни қаранг!

— Айтмоқчи, мисс Адамс киноактёр Мартин Брайенни танирмиди?

— Ҳа, уни болалигидан яхши билади. Лекин улар сўнгги йилларда тез-тез учрашиб турган деб айтолмайман. Менга уни жуда димоғи кўтарилиб кетган деганди.

Женни соатига қаради-ю, питирлаб қолди.

— Э худойим, зудлик билан кетишим керак. Ҳар ҳолда сал бўлсаям ёрдамим тегдими, мсье Пуаро?

— Ҳа. Тез кунда сиздан яна ёрдам сўраб қоламан.

— Хизматингизга тайёрман. Биров мана бу даҳшатли фожиани амалга оширган. Унинг кимлигини, албатта, аниқлашимиз шарт.

У тез-тез қўлимизни сиқиб қўйди-ю, бир табассум ҳады қилиб жўнаб қолди.

— Ажойиб қиз экан, — деди Пуаро ҳисоб-китоб қилиб.

— Менгаям ёқди, — дедим.

— Ёқимли одамлар билан суҳбатлашиш ҳамма вақт кайфиятни кўтаради.

— Барибир дийдаси қаттиқ экан. Дугонасининг ўлими таъсир қилиши керак эди.

— Тўппа-тўғри. У дийдиё қилиб йиғлаб ўтирадиганлардан эмас, — деди Пуаро қуруққина қилиб, фикримга қўшиларкан.

— Ундан ишимизда асқотадиган бирон нима билиб олдингизми?

Пуаро калласини сарак-сарак қилди.

— Йўқ. Мен ундан Карлоттага олтин қутича юборган «Д» деган жумбоқли одамнинг ечимига калит топаманми, деб умид қилгандим. Умидим пучга чиқди. Бахтга қарши, Карлотта писмиқ, ўз дўстлари, севги саргузаштлари ҳақида бировга ёрилмайдиган қиз бўлиб чиқди. Иккинчи томондан, уни ишга солган одам мутлақо дўсти бўлмаслиги ҳам мумкин. У оддий бир танишу, бу ерда орага пул аралашган бўлиши ҳам эҳтимолдан холи эмас. У одам Карлоттанинг қўлида олтин қутичани кўргану, ичида нима борлигини билмоқчи бўлган.

— Унда уйқу дорини ичишга уни қандай мажбур қилган бўлиши мумкин? Кейин қачон?

— Унинг эшиги бирмунча вақт очиқ қолган. Оқсоч хатни почтага ташлагани кетганда. Бу тахмин, албатта, мени қониқтирмайди. Бу ерда катта таваккалчилик бор. Келинг, энди ишга киришайлик. Жумбоқни ечиш учун қўлимизда яна иккита калит бор.

— Қандай?

— Биринчидан, «Виктория» рақами билан телефонда бўлган суҳбат. Карлотта Адамс ўз муваффақияти ҳақида уйига қайтаётиб қўнғироқ қилган бўлиши мумкин. Иккинчи томондан, у соат ўн билан ўн икки орасида қаерда бўлгани ноаниқ. Бу

вақт орасида у ўз шериги билан учрашгандир. Унда биронта бошқасига қўнғироқ қилиш мумкин.

— Иккинчи ечим-чи?

— О, бу бир умид, истак холос. Синглисига ёзилган хат. Эҳтимол, бу фақат тахмин, синглисига бор гапни очиқ ёзган бўлиши мумкин.

— Унда-ку, жуда ажойиб бўларди-я?

— Гастингс, бунга катта умид боғлаш мумкин эмас, бу бир илинж холос, бошқа нарса эмас. Биз ишни иккинчи томонидан бошлашимиз керак.

— Иккинчи томонидан деб нимани назарда тутяпсиз?

— Лорд Эжуорнинг ўлими, жиндай бўлса-да, кимларга қўл келиши мумкин бўлса, ўша одамларни синчиклаб ўрганишимиз керак.

Мен елкамни қисдим.

— Хотини билан жиянидан ташқари...

— Унинг хотинига уйланмоқчи бўлган одамдан ҳам, — қўшиб қўйди Пуаро.

— Герцогми? У Парижда.

— Тўппа-тўғри. Лекин сиз унинг бундан манфаатдор эканлигини инкор этмасангиз керак. Кейин Эжуорнинг уйидаги эшик оғаси, оқсоч. Улар Эжуорнинг қандай қилиқларидан норози бўлиб юрганини ким билади? Ҳар ҳолда энди олиб борадиган суҳбатимизнинг навбатдаги нуқтаси Дейн Уилкинсон бўлиши керак. У бизга яхши маслаҳатлар бериши мумкин.

Биз яна, «Савое»га йўл олдик, бориб ледини қутилар орасида кўрдик. Ҳамма юмшоқ курсиларга чиройли мотам кўйлаклари осилган. Дейн бўлса, яна битта шляпани кийиб кўзгу олдида ўзига оро берарди.

— О, мсье Пуаро келипти-да, ўтиринг. Элис, илтимос, биронта юмшоқ курсини бўшат.

— Хоним, жуда очилиб кетибсиз.

— Менга иккиюзламачилик қилманг, мсье Пуаро, лекин одоб сақлашим, урф-одатга риоя қилишим керак-ку. Айтмоқчи, Париждаги герцогдан телеграмма олдим. Албатта, сўзлар хушёрлик билан битилган, лекин мисралар зиммасидаги маънони уқиб ола билдим.

— Табригимни қабул қилинг, хоним.

— Мсье Пуаро. — Дейн қўлларини сиқиб овозини пасайтирди. Шу онда у ўзининг илоҳий фикрларини баён қилмоқчи бўлаётган фариштага ўхшаб кетди. — Бўлиб ўтган воқеалар, менга мўъжизага ўхшаб туюляпти. Энди бутун ташвишларим

ортда қолди. Ажрашаман деб қайғута ботиб юрмайман. Йўлим очик, бутун режаларим амалга ошади. Бу нарса қалбимда диний ҳиссиётларни уйғотиб юборяпти.

У нафасини ичига ютди. Пуаро калласини бир томонга қийшайтириб Дейнга қараб турарди. У мутлақо жиддий гапирмоқда эди.

— Хоним, шундай қилиб, каллангизга нималар келди.

— Кутилмаганда ҳамма муаммоларим ечим топди, — деди Дейн қандайдир ёқимли шивирлаб. — Мен сўнгги вақтларда лорд Эжуорнинг ўлимини тилаб юргандим — мана у энди ўлди. Худди илтижоларим худога қабул бўлгандай.

Пуаро йўталиб олди.

— Мен эса, бунга бошқача қарайман. Эрингизни ўлдиришиди.

— Ҳа, албатта.

— Наҳотки уни ким ўлдиргани сизни қизиқтирмаса?

Дейн Пуарога ажабланиб қаради.

— Нима, бунинг аҳамияти борми? Герцог билан мен уч-тўрт ойдан кейин турмуш қурамыз.

Пуаро ўзини зўр-базўр тутиб қолди.

— Хоним, буни биламан. Бундан ташқари, наҳотки сиз эримни ким ўлдирган экан, деб ўзингизга-ўзингиз савол бериб кўрмасангиз?

— Йўқ.

У афтидан, бундай фикрлардан ҳайрон қолганга ўхшарди.

— Наҳотки буни билишнинг сизга қизиғи бўлмаса? — деб сўради Пуаро.

— Қизиғи йўқ, деб ўйлайман, — деди у. — Уни полиция топади.

— Буни мен ҳам топишга ҳаракат қилиб кўраман. Сиз бунга эътироз билдирмасангиз керак-а? — Пуаро шундай деди-ю, кўзлари чақнаб кетди.

— Ҳа, албатта. Бу борада сизга катта омадлар тилайман.

— Хоним, менга омад тилашингизнинг ҳожати йўқ. Менга сизнинг фикрларингиз керак.

— Фикрларим? — эътиборсиз бир оҳанг билан сўради Дейн елкаси оша қараб. — Қандай фикр?

— Нима дейсиз, лорд Эжуорни ким ўлдирганикин?

— Бу ҳақда заррачаю тасаввурга эга эмасман.

— Хоним! — бу сафар овозини кўтариб, маъноли қилиб деди Пуаро. — Эрингизни ким ўлдирган, фикрингиз қалай?

Энди Пуаронинг гапи Дейнга етиб борди. У Пуарога ажабланиб қаради.

— Эҳтимол, Жеральдина ўлдиргандир.

— Ким у Жеральдина?

Лекин Дейннинг диққати бошқа нарсага чалғиб кетди...

— Эллис, ўнг елкамни тортиб қўй. Шундоқ. Хўш, мсье Пуаро, нима деяётгандик? Йўқ, Эллис, ўнг елкамни. Шунақа, яхши. О, мсье Пуаро, кетар вақтингиз бўлиб қолдимиз? Ҳаммаси учун сиздан ниҳоятда миннатдорман. Ажрашишим учун қилган ҳаракатларингиздан, гарчанд энди аралашингизга ҳожат қолмаган бўлса ҳам.

Кейин-кейин Дейнни эслаганимда унинг ўзини бутунлай ясан-тусанга ургани, шу билан бирга қотилни тахмин қилганда оғзидан чиққан эътиборсиз сўзлари кўз ўнгимда гавдаланарди. Унинг мана шу сўзлари Пуаронинг кейинги хатти-ҳаракатларига катта урғу берган экан.

— Фаройиб, — деб юборди ҳайратланиб Пуаро Стренд кўчасига чиққанимизда.

Ўн иккинчи боб

ҚИЗ

Уйга келсак, хат келибди. Пуаро уни ўқиб кулиб юборди.

— Бунга қаранг, Гастингс.

Қўлидан хатни олдим. Хатнинг юқори қисмига ўзига хос хусниҳат билан «Рижент-Гейт, 17» деб ёзиб қўйилган.

«Мухтарам сэр.

Мен эрталаб инспектор иккалангиз уйимизга келганингизни эшитдим. Сиз билан гаплашиш имкониятига эга бўлмаганим учун узр сўрайман. Агар бугун кундузи мен учун бир неча дақиқа вақтингизни ажратсангиз сиздан ғоят миннатдор бўлардим.

Сизга самимий ҳурмат билан: Жеральдина Марш».

— Қизиқ, нима сабабдан биз билан учрашмоқчи бўлибди? — деб сўрадим.

— Дўстим, ҳозироқ жўнаймиз, — деди Пуаро шляпасини силкиб гўё чангини қоққандай.

Жеральдинанинг отасини ўлдириши мумкинлиги ҳақидаги Дейннинг тахмини менга мутлақо бемаъни бўлиб туюлганди. Буни фақат умуман мияси йўқ одамгина тасаввур қилиши мумкин. Буни Пуарога айтдим.

— Миялик, миясиз. Бу сўзларнинг замиридан нимани идрок қиламиз. Инглиз ибораларидан фойдаланиб айтиш мумкинки, Дейннинг мияси қуённинг миясига ўхшаш, шундайми? Бу ифодада одамни таҳқирлайдиган маъно бор. Лекин бир дақиқа қуённинг ҳаётиниям ўйлаб кўрайлик. Қуён ҳаётда мавжуд, у кўпаяди. Ҳаётда унинг учун бошқа нарса мавжуд эмас. Бу табиат нуқтаи назаридан қараганда ақлий устунликдан дарак беради. Гўзал Эжуор на тарихни, на географияни, на мутафаккирларни — ҳеч вақони билмайди. Лио Цейни Пекин лайчаси, Мольерни эса — модалар уйи деб идрок қилади. Агар гап келиб кўйлакни кийиб кўришга, эр танлашга, мансабга тақалганда мияси ишлаб кетади. Мени файласуфнинг лорд Эжуорни ким ўлдиргани ҳақидаги гаплари қизиқтирмайди. Лекин леди Эжуорнинг фикрлари менга жуда катта ёрдам бериши мумкин, чунки унинг нуқтаи назари тор манфаатпарастлик, одамзод табиатининг энг тубан, энг разил томонлари асосига қурилган.

— Эҳтимол, сиз ҳақдирсиз, — унинг фикрига қўшилдим.

— Ана етиб келдик ҳам, — деди Пуаро машинадан тушаркан. Кейин бориб қўнғироқ тугмасини босди.

Бизни юқори қаватдаги кенг меҳмонхонага олиб киришди. Орадан икки дақиқа ўтиб Жеральдина Марш кириб келди.

Бу келишган, баланд бўйли қиз менга ўзига хос феъл-атворга эгадай бўлиб кўринди. У ниҳоят даражада офир-вазмин эди. Лекин мана шу офир-вазминлиги замирида қандайдир кучли асабий таранглик яширинганлиги сезилиб турарди.

— Мсье Пуаро, дарров етиб келганингиздан жуда мамнунман, — деди у. — Бугун эрталаб сиз билан кўришолмаганим учун узр.

— Дам олаётганмидингиз?

— Ҳа, мисс Кэрролл — отамнинг котибаси қўймади. Улар менга ўзларича жуда меҳрибонлар-да.

Менга унинг овозидаги кесатиқ оҳанги ёқмади.

— Мадемуазель, сизга қандай ёрдамим тегиши мумкин? — деб сўради Пуаро.

У бир дақиқа иккиланиб турди. Кейин шундай деди:

— Отамнинг ўлимидан бир кун олдин сиз унинг ҳузурида бўлганмидингиз?

— Ҳа, мадемуазель.

— Нега? Одам юбориб чақиртирганмиди?

Пуаро бирон нима деб жавоб бермади. Афтидан, у нима дейишини ўйлаётган эди. Тушунаман. У гапирадиган гапани етти ўлчаб бир кесарди. Пуаро қизнинг шошқалоқлигини, тезроқ гапиришга зўрлаётганини тушунганди.

— Отам биронтасидан қўрққан эканми? У сизга нима деди? Гапиринг тезроқ, мен буни билишим керак.

Мен қизнинг ўзини ёлғондакам хотиржам тутаётганлиги ҳозир барбод бўлишини сезиб турардим.

Пуаро бошини қимирлатди.

— Лорд Эжуор билан орамизда бўлиб ўтган гаплар сирлигича қолади, — деди оҳиста Пуаро.

— Эҳтимол, бу гаплар оиласига тааллуқли бўлса керак, — деди Жеральдина. — Сиз менга ҳаммасини бир бошдан гапириб беришингиз керак.

Пуаро калласини сарак-сарак қилди.

— Мсье Пуаро! — қиз ўзини тўғрилаб олди. — Мен унинг қизиман. Отам ўлишидан бир кун олдин нимадан хавотир олганини билишим шарт. Мен бундан беҳабар қолмаслигим керак.

— Демак, бундан чиқди, сиз отангизга содиқ экансиз-да? — юмшоқлик билан сўради Пуаро.

Жеральдина илон чаққандек сапчиб тушди.

— Унга-я? — шивирлади у. — Мен-а? — Кутилмаганда у ўзини қўлга ололмай қолди. Ўриндиққа ястаниб олди-ю, жазавага тушиб кула бошлади. — Жуда қизиқ гап бўлди-ку, — деди у зўр-базўр. — Қизини шундаки, бу гапни сизнинг оғзингиздан эшитдим.

Унинг кулгиси ташқаригаям эшитилди. Эшик очилиб мисс Кэрролл кириб келди. У жуда хотиржам ва жиддий қиёфада эди.

— Бас Жеральдина! Қўйинг, азизам! Ҳозироқ тўхтатинг.

Унинг қатъий туриб айтган гапи таъсирини ўтказди. Жеральдина кулгидан тўхтади. У кўзларини артиб, тўғриланиб ўтирди.

— Узр, — деди у. — Ҳеч қачон бундай ҳолга тушмаганман. Мсье Пуаро мендан, отангизни яхши кўрармидингиз, деб сўради. Қизиқ, тўғрисини айтайми ё алдайми? Менимча, тўғрисини айтиб қўяқолганим маъқул. Мен отамни яхши кўрмаганман. Ундан жирканардим!

— Жеральдина, азизам...

— Муғомбирлик қилишнинг нима ҳожати бор? Сиз у билан хотиржам гаплашардингиз, чунки сизга теголмасди! Сиз дунёда у даҳл қилолмайдиган камдан-кам одамлар қаторига кирасиз.

Сиз учун у маош тўлайдиган хўжайин. Унинг зардалари, газабга минишлари-ю, шубҳаомиз қарашлари сизга заррачаюм таъсир қилмасди, уларни кўнглингизга олмасдингиз. Сиз кучли иродага эга одамсиз. Ундан ташқари, ёқмасга хоҳлаган вақтингизда уни ташлаб кетаверишингиз мумкин эди. Мен эса, бундай қилолмасдим. Унга тобе эдим.

— Жеральдина, бу нарсаларни дoston қилиб ўтиришнинг кераги йўқ. Ҳозирги замонда оталар билан қизларнинг чиқиш-масликлари бўлиб турадиган ҳолат. Менимча, қанча кам гапирсангиз шунча яхши.

Жеральдина унга орқасини ўгириб олди. Энди у Пуарога мурожаат қилди.

— Мсье Пуаро, мен ўз отамни ёмон кўрардим! Унинг ўлганини эшитиб суюндим. Унинг ўлими мен учун эркинлик тимсоли — эркинлик ва мустақиллик. Отамнинг қотилиши қидириш мени мутлақо қониқтирмайди. Биров қотилликка қўл урган экан, бунинг учун унда етарли асос бўлган.

Пуаро диққат қилиб унга тикилди.

— Мана шундай ақида билан яшаш ёмон оқибатларга олиб келади, мадемуазель.

— Агар қотилни топиб, осиб юборишганда отам тирилиб келармиди?

— Йўқ, — деди Пуаро қуруққина қилиб. — Лекин бу бошқа одамларнинг ҳаётини асраб қолади. Бир одамни ўлдирган кимса бошқаларниям бирин-кетин ўлдираверади.

— Ақли бор одам бундай қилмайди.

— Илк бор одам ўлдиришда эҳтимол қаттиқ виждон азобида қоврилар, лекин бу унинг бутун ҳаётини ўзгартириб юборади. Иккинчиси енгил кечади, унчалик виждон азобига тушмайди. Учинчиси ундан ҳам енгил ўтади, нари-бери виждони қийналади. Кейин аста-аста бу билан ғурурлана бошлайди. Ва ниҳоят, одам ўлдириш унга лаззат бағишлайди.

Қиз қўли билан юзларини беркитиб олди.

— Даҳшат. Гапингиз тўғри!

— Отангиздан кейин иккинчи қотиллик ҳам рўй берганини айтсам, бунга нима дейсиз. Қотил ўзини хатардан сақлаб қолиш учун иккинчи қотилликка қўл урмаганмикин?

— Наҳотки, мсье Пуаро, — ҳайқириб юборди мисс Кэрролл. — Яна битта қотиллик амалга оширилган бўлса? Қачон? Ким?

Пуаро калласини қимирлатди.

— Буни сизга маълум қилиб қўйиш учун айтдим, холос. Узр.
— Тушунаман. Мен ўйловдимки... Жеральдина валдирашни тўхтат.

— Афтидан, сиз мен томондага ўхшайсиз, — деб қўйди Пуаро ярим таъзим қилиб.

— Мен одамни қатл қилишларига қаршима, — деди тез-тез мисс Кэрол. — Шунинг учун сизнинг томонингиздаман. Жамоатни ҳимоя қилиш керак бўлади.

Жеральдина тўғриланиб, сочини силаб қўйди.

— Кечирасизлар, — деди у, — ўзимни бемаъниларча тутдим, шекилли. Барибир отам сизларни нима мақсадда чақиртирганини айтмоқчи эмасмисиз?

— Мсье Пуарони чақирган эканми? — ҳайрон бўлиб сўради мисс Кэрол.

— Мисс Марш, сиз гапларимни тушунмабсиз. Бир мижозимнинг илтимоси билан отангиз бизларни қабул қилишини ўзим илтимос қилгандим.

Қизнинг юзларида ғалати ўзгариш пайдо бўлди. Аввалига буни мен тушкунликка тушиш аломати деб ўйладим, кейин билсам, бундан у енгил нафас олган экан.

— Мадемуазель, сиз қотилликни леди Эжуор амалга оширганига ишонасизми? — сўради Пуаро.

Жеральдина бошини сарак-сарак қилди.

— Йўқ. У бундай қилолмайди. Бу ишга қўл уришга қобил эмас.

— Мен эсам бундай ишни ундан бошқа ким амалга оширганини кўз олдимга келтиролмаяман, — деди мисс Кэрол. — Бундай хотинларнинг жиндай бўлса-да, маънавий фазилатга эга бўлишларига кўзим етмайди.

— Балки, қотилликни бошқа одам қилгандир, — деди Жеральдина. У отам билан бирор масалада гаплашиб олиш учун уйга келгандиру, унинг кетидан кўчада юрган биронта жинни келиб ўлдириб кетгандир.

— Ҳамма қотилларнинг ақли қисқа бўлади, — деди мисс Кэрол. — Бунга ички секреция безларининг нотўғри ишлаши сабаб бўлади.

Шу он эшик очилди-ю, хонага бир йигит кириб келди. У ўзини ноқулай сезиб тўхтаб қолди.

— Узр, — деди у. — Бу ерда бировлар борлигини билмовдим.

Жеральдина дарров уни бизга таништиришга тушди.

— Бу амакиваччам лорд Эжуор, мсье Пуаро. Рональд, ташвишланма. Бизга халақит қилмайсан.

— Шунақами, Дина? Қалайсиз, мсье Пуаро? Сизнинг кулранг ҳужайраларингиз энди оиламизнинг хуфяларини очиш билан банд бўлган экан-да?

Мен бу кулча юзларни, халта қовоқ кўзларни, бетартиб мўйлов эгасини қаерда кўрган эканман, деб эслай бошладим.

Э, бу ўша-ку! Дейн Уилкинсон хонасида зиёфат берганда Карлотта Адамснинг ёнидаги йигит-ку.

Капитан Рональд Марш. Энди лорд Эжуор.

Ўн учинчи боб

ҚАРИНДОШ

Янги лорд Эжуор анча зийрак экан. Менинг ҳайрон бўлганимни дарров сезди.

— Дейн хонимнинг зиёфати эсингиздадир, — мулоимлик билан деди у. — Ўшанда кайфим ошиб қолган эди, тўғрими? Лекин буни ҳеч ким сезмади.

Пуаро хонимлар билан хайрлаша бошлади. Рональд бизни кузатиб қўймоқчи бўлди. Зинадан тушарканмиз оғзи гапдан бўшамади.

— Ҳаёт қизиқ нарса-да. Кечагина мени бу уйдан улоқтириб ташламоқчи эди. Бугун эса, шу уйнинг соҳибиман. Бевақт вафот этган амаким уч йил муқаддам мени бу ердан қувиб юборган эди. Булар эҳтимол сизга маълум бўлгандир, мсье Пуаро.

— Ҳа, бу ҳақда эшитгандик, — хотиржам жавоб берди дўстим.

— Эшитасизам-да. Ҳақиқий изқувар бунақа нарсаларни эшитмай бўладими? — У кулиб меҳмонхонанинг эшигини очди. — Кетиш олдидан жиндай ичмайсизми? — Биз хонага кирдик, лекин ичишни рад этдик.

Йигит ўзига ичкилик қуйиб олди-да, гапини давом эттирди:

— Айтмоқчи, қотиллик ҳақида. Бор-йўғи бир кун олдин қарзга ботган одам эртасига тижоратчиларнинг энг ишончли одамига айланиб ўтирса-я. Кеча хонавайрон бўлиш арафасида эдим, бугун эса, еганим олдимда, емаганим кстимда. Э худойим, Дейн холамини ўзинг асра, — у стаканни бўшатди. Кейин гап оҳангини ўзгартириб, Пуарога юзланди: — Умуман, жиддий

гаплашайлик, мсье Пуаро, сиз бу ерда нима қилиб юрибсиз? Тўрт кун муқаддам Дейн холам ҳаяжон билан: «Мана шу золимдан ким мени қутқараркин», деб нола қилган. Лекин, кўриб турибсизки, у қутулибди. Бунда, албатта, сизнинг қўлингиз йўқмикин? Яъни, собиқ изқувар Эркуль Пуаронинг.

Пуаро кулиб қўйди.

— Мен бугун бу ерга мисс Жеральдина Маршнинг келишимни илтимос қилиб ёзган хатига биноан келдим.

— Жуда ўринли жавоб бердингиз, а? Йўқ, мсье Пуаро, бу ердан нимани қидиряпсиз ўзи? Нима учун амакимнинг ўлиши сизни қизиқтириб қолди?

— Мени ҳамма вақт қотилликлар қизиқтириб келган, лорд Эжуор.

— Лекин қотилликни сиз амалга оширганингиз йўқми ўзи? Сиз жуда эҳтиёткор одамсиз. Эҳтиёткорлик борасида Дейн холамдан сабоқ олсангиз бўларди. Бу энг зўр ниқоб. Дейн хола деб атаётганим учун мени маъзур тутасиз. Шундай десам, кўнглим кўтарилади. Ўша зиёфатда хола деганимда унинг башарасидаги ҳайронлик ифодасини кўрганмидингиз? Менинг кимлигим ҳақида тарикчаям тасаввурга эга бўлгани йўқ.

— Шунақами?

— Ҳа. Мени у бу хонадонда пайдо бўлишидан уч ой муқаддам ҳайдаб чиқаришганди. — Унинг юзларидаги тентакона кўнголчанлик ифодаси бир дақиқа йўқолди. Кейин ўша енгилтаклик билан сўзини давом эттирди: — Гўзал аёл. Лекин беҳаё. Унинг гаплари ҳиссиз, а?

Пуаро елка қисиб қўйди.

— Эҳтимол.

Рональд Пуарога қизиқсиниб тикилди.

— Афтидан, уни айбдор эмас деб ўйлаётганга ўхшайсиз. Демак, у сизниям кафтида ўйнатаётган эканда-а?

— Мен ҳамма вақт гўзаллик қаршисида таъзим қиламан, — деди Пуаро хотиржам. — Шу билан адолат, ҳақиқат қарши-сидаям.

— Ҳақиқат деяпсизми? — сўради суҳбатдоши.

— Эҳтимол, леди Эжуорни бу ерда кўрдик деб тахмин қилинаётган вақтда, ҳа, худди шу вақтда у Чизвикдаги зиёфатда ўтиргани ҳали сизга маълум эмасдир.

— Балки, барибир ўша ерга борган экан-да! — ҳайқириб юборди Рональд. — Аёллар макри. Соат олтида у ерга бормайман, ҳеч қандай куч мени боришга мажбур қилолмайди, деган эди. Кейин, афтидан, ўн дақиқа ўтар-ўтмас фикридан

қайтибди-да! Бировни ўлдирадиган бўлсанг ҳеч қачон хотиннинг гапига ишонма. Йўқ, мсье Пуаро, мен ўзимни айблаётганим йўқ. Каллангизга қандай фикр келганини тушундим. Кимдан шубҳа қилиняпти? Ҳаммага отнинг қашқасидай маълум бўлган бадахлоқ жиянидан-да. — У қаҳ-қаҳ уриб ўриндиққа суянди. — Мен сизнинг кулранг хужайраларингизни ортиқча ташвиш тортишдан халос қиламан. Мсье Пуаро, мен Дейн холам Чизвикка зиёфатга мутлақо бормайман, деган гапини эшитгандим. Энди сиз ўз-ўзингиздан, шошмай туриш, кеча кечкурун бошга малла ясама соч билан Париж шляпасини қўндириб мана шу йигит келмаганми, деб сўрашингиз қолди. — У орада пайдо бўлган вазиятдан роҳатлангандай бизга бир-бир қараб чиқди. Пуаро бўлса, калласини бир томонга қийшайтирганча унинг гапларини диққат билан тингларди. — Мен сизга ҳозир жуда муҳим маълумотни бераман. Менда амакимни ўлдириш учун ҳамма асос бор эди. Уни кўриш учун кеча эрталаб келган эдим. Нега дейсизми? Озгина пул сўрамоқчи эдим. Бу ердан бир пақирсиз чиқиб кетдим. Худди шу куни лорд Эжуор ўлдирилди. Зўр сарлавҳа-а! Тўппа-тўғри китоб дўкони пештахтасига осиб қўйиш мумкин. — У гацдан тўхтади, лекин Пуаро индамади. — Сизнинг гапларимни диққат билан тинглаётганингиздан мамнунман, мсье Пуаро. Капитан Гастингс бўлса, кўзига арвоқ кўринаётгандай қиёфада ўтирибди. Хотиржам бўлинг, оғайни. Хўш, қаерда тўхтагандик? Ахлоқсиз жияннинг қилмишлари ҳақида гап кетаёттанди. Бу жиян ўз вақтида ҳаваскорлик саҳналарида аёллар ролини ўйнаб машҳур бўлган ва актёрлик санъатида юқори чўққига кўтарилган. Овозини хотинларникига ўхшатиб ўзини леди Эжуор деб атайди ва бу ҳеч кимда шубҳа туғдирмайди. Кейин менинг севимли амакижоним «Дейн» — деб чақиради, мен «Жорж!» деб жавоб қайтараман нозланиб. Уни қучоқлаб туриб гарданига аста пичоқ санчаман. Қолган тафсилотлар тиббиётга алоқадор. Сохта леди энди саҳнадан тушади-да, кўнглидагини қойилмақом қилиб бажаргандан кейин уйига бориб маза қилиб ноз уйқуга кетади. — У шундай деб шарақлаб кулиб юборди, кейин қадахни олиб ўзига содали виски қуйди. Сўнг яна ўриндиққа чўқди. — Шубҳага ўрин қолмайдиган қилиб амалга оширилган қотиллик-а, тўғрими? Энди ишнинг моҳиятига назар ташлайлик. Ана шунда умидимиз пучга чиқади, мсье Пуаро. Далилларга мурожаат қилайлик-чи! — у стакандаги ичкиликни кўтариб юборди. — Менга доим далил келтириш ёқади. Детектив романлардаги далил келтирилган саҳифаларни мен доим

маза қилиб ўқийман. Менда жуда зўр далил бор. Буни сизга мистер ва миссис Дортхаймерлар тасдиқлаши мумкин. Улар жуда бой ва мусиқани жон-дилидан севадиган одамлар. «Ковент-Горден»да уларнинг ўз ложалари бор. Улар мени — келажаги порлоқ бир ёш йигитни ўша ерга таклиф қилишди, мсье Пуаро. Ўзим операни ёқтираманми? Тўғриси айтсам, йўқ. Аввал «Гросвенор-сквер»да маза қилиб овқатландик. Спектакль тугагандан кейин улар билан яна кечки таомни паққос туширдим. Рэчел Дортхаймер билан рақс тушишдан чўчиладим. Чунки ундан кейин икки кун қўлим оғриб юради. Ана шунақа гаплар, мсье Пуаро. Амакимдан тирқираб қон оқаётган пайтда мен «Кевонт-Гарден»нинг ложасида Рэчел Дортхаймернинг қулоридаги бриллиант қадалган ғаройиб зиракни мақтаб оғиз кўпиртираётган эдим. Энди, мсье Пуаро, нима учун бор гапни очиқ-ойдин гапириб бераётганимни тушуниб етгандирсиз. — У олдинга эгилди. — Валдирашларим билан жонингизга тегмаган бўлсам керак деб ўйлайман. Бирон нима сўрамоқчимисиз?

— Сизни ишонтириб айтаманки, зерикканим йўқ, — деди Пуаро. — Ўзингиз илтимос қилаётган экансиз, битта савол беришимга ижозат этинг.

— Марҳамат.

— Лорд Эжуор, мисс Адамсни анча вақтдан буён биласизми? Йигитча бундай саволни кутмаган эди.

— Буни билишингиз шартми? Сиз гапираётган гапга бунинг нима алоқаси бор?

— Буни билишим керак, бор гап шу. Аввалги мавзу бўйича сиз батафсил айтиб берган гаплар ҳақида сўраб ўтиришнинг ҳожати йўқ.

Рональд унга тез қараб олди. Пуаронинг мулоимлиги унга ёқмагандек туюлди. Назаримда, дўстим ўзига қандайдир катта шубҳа билан қарашни кутгандек эди.

— Карлотта Адамсми? Танишганимга бир йилдан сал ошди.

— Уни яхши биласизми?

— Жуда яхши биламан. У ҳамма билан дарров ош-қатиқ бўлиб кетадиган қизлар тоифасидан эмас. Жуда «ичимдагини топ» дейдиганлар хилидан.

Рональд Пуарога ажабланиб қаради.

— Нега у сизни бу қадар қизиқтириб қолди? Наҳотки ўша зиёфатда у билан бўлганим шунча аҳамиятли бўлса? Ҳа, менга ёқади. Негаки, у суҳбатдошининг гапларини жон қулоғи билан тинглайди.

Пуаро бошини қимирлатди.

— Тушунаман. Демак, сиз унга ачинаркансиз-да?

— Ачинаман? Нимасига?

— Чунки у оламдан ўтган.

— Нима?! — Рональд ҳайратдан ирғиб туриб кетди. — Карлотта ўлдими? — Бу гапни эшитиб у донг қотиб қолди. — Сиз, мсье Пуаро, мени лақиллатаяпсиз. Уни охириги марта кўрганимда ўзини жуда яхши сезарди.

— Қачон кўргандингиз?

— Менимча, ўтган куни. Лекин аниқ айтолмайман.

— Ҳа, у оламдан ўтди.

— Тўсатдан ўлган бўлса керак? Бирон кўчада ҳалокатга учрабдими?

— Йўқ, у меъеридан ортиқ веронал ичиб қўйган.

— О, шўрлик. Жуда ёш кетибди-да, афсус. Энди обрў қозониб бораётган эди. Сингласини олиб келмоқчи бўлиб юрувди. Ҳар хил режалар тузаётганди. Жуда ачинарли иш бўпти-да.

— Ҳа, — деди Пуаро. — Энди ҳаётга кўз очиб боқаётган ёшларнинг ўлиши жуда ачинарли.

Рональд унга қизиқсиниб тикилди.

— Фикрингизни унчалик тагига етолмадим, мсье Пуаро.

— Шунақами? Эҳтимол, мен фикримни ҳаддан ортиқ баён қилгандирман. Лорд Эжуор, ёшлар ўз йўлини тўсиб ўзларини ўлимга маҳкум қилишлари менга ёқмайди. Сизларга муваффақият тилайман.

— Хайр.

Рональд гаранг бўлиб қолган эди.

Меҳмонхонадан чиқишимиз билан мисс Кэрроллга дуч келдик.

— Э, мсье Пуаро, менга ҳозир сизни ҳалиям шу ерда деб маълум қилишди. Сизда икки оғиз гапим бор эди. Бирров менинг хонамга кириб чиқинг, десам эътироз билдирмайсизми?

— Жеральдина ҳақида гапирмоқчийдим, — деди у аёллар хонасига кирганимиздан кейин ортимиздан эшикни ёнар экан.

— Хўш, мадемуазель, нима гапингиз бор эди?

— Бугун сизларга у жудаям бемаза гапларни вайсаб юборди-да.

— Жеральдина жуда руҳан толиққан, — деди Пуаро.

— Очигини айтсам... У жуда бебахт қиз. Лорд Эжуор болалар тарбиясида жуда уқувсиз эди. Жеральдинага қаттиқ зулм қилган.

Пуаро бошини қимирлатди.

— Менам шундай деб ўйлагандим.

— Ундан бировлар кўрқиб турса, роҳатланарди. Бундан у ғайритабиий озик оларди. Лорд Эжуор ниҳоятда ақлли ва кўп ўқиган одам эди. Шунга қарамасдан, гарчанд менга озор бермаган бўлса-да, жуда қаттиққўл одам эди. Иккинчи хотини ташлаб кетганда бунга ажабланмаган эдим. Менга леди Эжуор ҳеч қачон ёқмаган. Лекин лорд Эжуор билан турмуш қургандан кейин керагидан ортиқ таъзирини еган. Жеральдина уйни тарк этиб кетолмади. Бирмунча вақт отаси уни эсдан чиқариб ўз ҳолига ташлаб қўйди. Кейин яна қизи борлигини эслаб қолди. Баъзан ўзимча ўйлаб қўяман, буни гапирмасаям бўлади...

— Гапираверинг, мадемуазель, гапираверинг.

— Баъзан мен лорд Эжуор мана шу қаттиққўллиги билан олдинги хотини учун ўч олмаётганмикин деб ўйлаб қоламан. У жудаям юмшоқ табиатли, мулойим аёл бўлган. Унга ачинаман. Агар тентак Жеральдина бугун ёниб гапирмаганда бу ҳақда эслатмаган ҳам бўлардим. Бу нарсаларни билмаган одамга Жеральдинанинг ўз отасига нисбатан бундай дарғазаб бўлиб гапириши ғайритабиий туюлиши мумкин.

— Катта раҳмат, мадемуазель. Менинг назаримда, лорд Эжуор умрбод уйланмай ўтадиган одамлар сирасига кираркан.

— Худди шундай.

— Учинчи марта уйланаман деб ўйлармиди?

— Қанақасига уйланарди? Хотини тирик бўла туриб.

— Ажрашгандан кейин боши очик бўларди-ку.

— Менимча иккитасининг ўзи шунча ташвиш орттирди-ку, — деди мисс Кэрол ғамгин.

— Демак, сиз учинчи бор уйланиши ҳақида гап бўлиши мумкин эмас эди, демоқчимисиз? Биронта кўзлагани йўқмиди? Яхшилаб ўйлаб кўринг, мадемуазель. Ҳеч ким йўқмиди?

Мисс Кэрол асабийлашганидан қизариб кетди.

— Нега унинг яна уйланиш-уйланмаслиги ҳақида бунчалик сўрайверганингиз сабабини тушунолмай турибман. Албатта, биронтасини кўзлагани йўқ эди.

Ўн тўртинчи боб

БЕШТА САВОЛ

Мен Пуародан:

— Нима учун сиз мисс Кэролдан лорд Эжуор учинчи марта уйланиши мумкинмиди, деб сўрадингиз?

— Шундай фикр калламга туйқусдан келиб қолди, дўстим, — деди у.

— Нега келди?

— Лорд Эжуор нима учун ажрашишга қарор қилиб қолди. Бунинг тагида қандайдир бирон сир йўқмикин, дўстим.

— Бўлиши мумкин, — дедим ўйланқираб.

— Биласизми, Гастингс, лорд Эжуор бизга хоним айтиб берган гапларни тасдиқлади. Дейн унга ажрашиш учун жуда кўп ҳуқуқшуносларни жўнатган ва у ҳаммасигаям рад жавобини берган экан. Кейин бирдан ажрашишга рози бўла қолган.

— Фақат ориздагина рози бўлгандир, — дедим.

— Худди шундай, фикрингиз тўғри, дўстим Гастингс. — Унинг ҳақиқатан ҳам хат ёзганлиги ҳақида қўлимизда далил йўқ. У бизни алдади, дейлик. Унда бизни нима мақсадда алдаган бўлади? Буниси қоронғу. Лекин тахмин қуйидагича бўлиши мумкин: агар у хат ёзган бўлса, уни бунга мажбур қилган бирон сабаб бўлиши керак. Тасаввур қилиш мумкинки, у биронтасини топган ва унга уйланмоқчи бўлган. Ана шунинг учун мен мисс Кэрроллга шундай савол берган эдим.

— Лекин у буни қатъиян рад этди-ку. — дедим.

— Ҳа, мисс Кэрролл... — деди ўйланқираб Пуаро.

— Унда нимани илинтирмоқчисиз? — сўрадим асабийлашиб унинг гап оҳангидаги шубҳаланишига ишора қилиб. — Хонимнинг алдашидан ҳеч қандай наф йўқ.

— Биласизми, Гастингс, унинг кўрсатмаларига унчалик ишониб ҳам бўлмайди.

— Уни ёлғон гапираяпти деб ўйлайсизми? Нега алдайди?

— Баъзан дудмол билан айтилган рост гапдан бирон мўлжални кўзлаб қилинган ёлғонни ажратиб олиш қийин бўлади.

— Бу билан нима демоқчи бўляпсиз?

— Бирон мақсадни кўзлаб қилинган ёлғон — бу бошқа нарса. Айрим тафсилотлари ўз маъносини йўқотган далилларнинг тўғрилигига ишонч ҳосил қилиш — мутлақо бошқа нарса. Бу, дўстим, айрим, айниқса ҳалол, тўғри одамларга хос бўлган хусусиятдир. Сездингизми, мисс Кэрролл бизни бир марта алдади? У бизга Дейн Уилкинсонни кўрдим деди, лекин уни кўриши мумкин эмасди. Бу қандай содир бўлди? У тепадан туриб Дейн Уилкинсонни кўрган. Буни у деб билган. Мисс

Кэрол Дейннинг юзини кўрдим деб тасдиқлаяпти. Уни кўргани рост, энди бошқа тафсилотлар ўз аҳамиятини йўқотади. Бошқалар сен унинг юзини кўролмагансан деб эътироз билдиришяпти. Нима бўпти? Агар бу ҳақиқатан Дейн Уилкинсон бўлса бўлди-да, унинг юзини кўрди нима, кўрмади нима, барибир эмасми? Бошқа саволларга ҳам худди шундай аниқ қилиб жавоб бераверади. Унинг учун ҳаммаси тўғри, буни билади. У саволларга бирор далил билан эмас, ўзининг билими, дунёқараши доирасида жавоб бераверади. Ўзига ишонган гувоҳ, дўстим, маълум шубҳа-гумонларни фойш қилиб ташлайди. Ўзига ишонмаган гувоҳ эса, бир дақиқа ўйлаб туради-да, ҳа, эсимга тушди! — дейди. Кейин мана бундай бўлган эди, деб сайрайди.

— Дўстим, Пуаро, — дедим, — гувоҳлар ҳақида сизга берган саволларимдан ранжибсиз-да.

— Мисс Кэролга лорд Эжуорнинг яна уйланиши мумкинлиги ҳақидаги берган саволим валати бўлди, чунки унга бунақа савол берилиши етти ухлаб тушига кирмаган эди. Менинг хаёлимга келган фикрнинг бутун тафсилотларини ўйлаб тагига етолмадим. Бинобарин, бу савол бўйича ўша фикрдан қайтганимиз йўқ.

— Назаримда у Дейн Уилкинсоннинг юзини кўра олишингиз мумкин эмасди, деганингизда унчалик ҳам юрагига гулгула тушгани йўқ, — дедим ўйланқираб.

— Ҳа. Шунинг учун ҳам мен уни бирор мақсадни кўзлаб ёлғон гапирадиган одамлар сирасига эмас, ҳалол, лекин воқеалар тафсилотини тўғри айтиб беролмайдиган одамлар қаторига киритишга қарор қилдим, агарда у... Мана бу фикрчи!

— Қайси фикр? — деб сўрадим.

— Лекин Пуаро калласига келган фикрни баён қилишдан бош тортди.

— Жеральдина Марш ҳақида нима дейсиз, Гастингс? — деб сўради у.

— Унга менинг жудаям раҳмим келади.

— Жуда таъсирчансиз, дўстим. Мусибатга дучор бўлган гўзаллик юрагингизга қаттиқ таъсир қилади.

— Унинг бошига тушган мусибат сизга таъсир қилмадими?

— Таъсир қилди, бахти қаро қиз.

— Ҳар ҳолда — дедим мен. — Дейн Уилкинсоннинг Жеральдина ўз отасини ўлдирган деган тахмини нақадар бемаъни эканлигини тушуниб етган бўлсангиз керак.

— Эҳтимол, Дейн менга бу ҳақда гапириб бермаган бўлса ҳам, унинг гапларида жон бўлса керак.

— Азизим Пуаро, наҳотки сиз у билан гаплашгандан кейин ҳам далил қидираётган бўлсангиз?

— У билан гаплашиб қандай натижага эришдик? Билганимиз шу бўлдики, оғир ҳаёт кечирибди, ўз отасидан жирканаркан ва унинг ўлганидан хурсанд бўлибди. Шунини билиб туриб ҳам сиз бошқа далил керакмас дейсиз-а!

— Бор гапни очиқ айтгани унинг ютуғи-ку! — дедим.

— Очиқ-ойдин гапириш бу оилага хос бўлган нарса. Янги лорд Эжуор қандай кибр-ҳаво билан кўнглидагини яширмай тўкиб ташлаганини қаранг.

— Ҳа, — дедим кулиб, — ўзига хос усул бу.

— У — буни нима дерди, — бизни кўтариб урди.

— Тўғри, — қўшилдим унинг гапига, — жуда кулгили аҳволга тушиб қолдик.

— Балки, дўстим Гастингс, сиз кулгили аҳволга тушиб қолгандирсиз, мен эса йўқ, — деди Пуаро. — Аксинча, ўзим уни кулгили ҳолга тушириб қўйдим.

— Сиз-а? — дедим унинг гапига ишонқирамай.

— Ҳа. Вайсашларини эшитиб турдим-турдим-да, кейин гапларига алоқаси бўлмаган саволни бердим. Бу, агар сезган бўлсангиз, доворак жанобни эсанкиратиб қўйди.

— Мен унинг ўйланқираб қолганини Карлотта Адамснинг ўлганидан ачинганига йўйгандим, — дедим. — Лекин буни оқилона ўйлаб топилган ўйин десангиз керак.

— Ачингани тўғри, бунига қўшиламан.

— Нима учун амакиси ҳақидаги кўнглидаги гапларни бу қадар сурбетлик билан очиб ташлади, нима деб ўйлайсиз? Юрагини бўшатиш учунми?

— Бундай бўлишиям мумкин. Сиз инглизларда, юмор ҳақида мана шунақа ғалати тасаввур бор. Гарчанд, хатти-ҳаракатни аниқлашда танланган йўл мана шунақа деб изоҳламоқчи бўлсангиз-да, очилмаган жиноятлар шубҳали, очилганлари эса, унчалик аҳамият касб этмайди.

— Масалан, йигитнинг амакиси билан эрталабки жанжалини назарда тутяпсизми?

— Худди шундай. Бу фактлар эртами-кечми юзага қалқиб чиқишини у жуда яхши биларди. Шунинг учун буни ўзи оддинроқ айтиб қўя қолди.

— У биз ўйлаганимизчалик аҳмоқ эмас, шекилли.

— О, мутлақо аҳмоқ эмас. У ўзини қайси ҳолатда турганини жуда яхши билади. Шунинг учун сирини очиқ-ойдин айтиб қўя қолди. Гастингс, сиз ўзингиз ҳам бриж¹ ўйнайсиз-а. Бриж-да картани қай вақтда очади, айтиб беринг-чи?

— Ўзингиз ҳам ўйнайсиз-ку, — дедим кулиб. — Картани қачон очишни жуда яхши биласиз, қолган карталар паст бўлиб, сизники баланд бўлгандан кейин вақтни тежаш учун картани сузиш мақсадида йиғиштириб оласиз.

— Ҳа, дўстим, тўғри. Лекин баъзан бунга бошқа сабаб ҳам бўлиши мумкин. Мен хонимлар билан ўйнаганимда бунга бир-икки марта гувоҳ бўлганман. Ўшанда хоним, «Қолган карталар ҳам меники», деб ўз картасини ташлаб юборади. Кейин карталарни чаплаштириб бошқатдан суза бошлайди. Гоҳо тажрибасиз ўйинчилар шундай бўлибди-да, деб рози бўлиб қўя қолишади. Карта кейинги сафар сузилганда ўйинчилардан биронтаси: «Ҳа, хоним фишт валетни ташлаши керак эди, кичкина чиллак билан босардим-да. Ҳамма картани йиғиштириб олган бўлардим», — деб ўйлайди.

— Мен бунини, биродар, одатдан ташқари қизиқарли ҳол деб биламан. Хуллас, энди тушлик қиладиган вақт ҳам бўлиб қолди, деб ўйлайман. Тухум қуймоққа тобингиз қалай? Ундан кейин соат тўққизда яна биттаси билан учрашишим керак.

— Ким билан?

— Аввал овқатланиб олайлик, Гастингс. Ундан кейин бир пиёла қаҳва ичмагунча ишдан бир оғиз ҳам гап очин йўқ.

Биз дўстимни яхши танишадиган Сохо ресторанчасига кирдик. Пуаро жудаям хуш кўрадиган тухум қуймоқ, балиқ ва яхшилаб пиширилган жўжалар билан маза қилиб тушлик қилдик.

Кейин ўтириб қаҳва ичдик. Пуаро менга майин табассум қилиб қўйди.

— Азиз дўстим, — деди у. — Мен сиздан хоҳлаганимдан ҳам кўра кўп нарсани ўргандим.

Кутилмаган бу мақтовдан ҳам хижолат чекдим, ҳам қувониб кетдим. Илгари у менга бунақа гапларни гапирмасди. Баъзан юрагимнинг тубида Пуаро менинг ақлий имкониятларимга бефарқ муносабатда бўлгандай туюлар ва бундан ичимда оғринардим.

— Ҳа, — ўйланқираб деди у. — Назаримда, сиз менга тўғри йўл кўрсатган пайтларингизни ўзингиз ҳам доимо тушуниб етавермасангиз керак.

¹ Карта ўйини.

Буни эшитиб ўз қулоқларимга ишонмадим.

— Тўғри, Пуаро, — дедим тутилиб. — Сиздан бу гапни эшитиш жуда мароқли. Менимча, сиз эмас, мен сиздан кўп нарсаларни ўргандим.

Пуаро калласини сарак-сарак қилди.

— Йўқ, азиз дўстим, сиз ҳеч нарса ўрганганингиз йўқ.

— О! — ҳайратланиб кетдим.

— Одам боласи бировдан бирон нимани ўрганмайди. Ҳар ким ўз имкониятлари доирасида ривожланиб ўсиб боради. Мен сизни Пуаронинг иккинчи ёмон нусхаси бўлишингизни ҳечам истамаган бўлардим. Яхшиси, энг доно Гастингс бўлиб етишинг! Сиз кўз олдимда етарли меъёрдаги ақл-идроққа эга бўлган одам қиёфасида гавдаланасиз.

— Ўзим ҳам бировдан кам бўлмаган ақл-идроққа эга бўлсам керак деб ўйлайман, — дедим озгина дилим ранжиб.

— Сиз соғлом фикрли инсон тимсолисиз. Наҳотки мен учун худди мана шундай одам ҳаводай зарурлигини тушуниб етмаган бўлсангиз? Бирон одам жиноят қилганда дарров қандай қилиб алдаб жиноятдан қутулиб кетсамикин деб ўйлайди. Кимни алдамоқчи бўлади? Тасаввурида оддий ва содда бўлган одамни-да. Бу одам, албатта, математика каби аниқ фанларга ўхшаш эмас. Лекин сиз кўпроқ худди мана шундай одам тимсолига яқин келасиз. Сиз оддийликдан мўътадилликка юқори кўтарилган пайтингизда жуда очилиб кетасиз. Шундай пайтлар бўладики (мени кечиринг), ўз даражангиздан пастга тушиб ҳам кетасиз. Лекин, умуман олганда, ҳайратланарли даражада мўътадил одамсиз. Бу ҳолатда менга қандай фойда келтирасиз деб ўйлаш мумкин. Жиноятчининг менга ишониш пайтини сизнинг миянгида худди кўзгуда кўргандек кўриб тураман. Бу ҳол мен учун жуда муҳим.

Назаримда, Пуаронинг мен ҳақимда айтган гапларини мақтов ёки хушомад деб ўйлашингиз мумкин эмасди. Бироқ у нима демоқчи бўлаётганини дарров тушунтириб берди.

— Фикримни очиқ баён қилолмадим, — деди у. — Сизда жиноятчиликнинг руҳий оламига шундай усталик билан кириб бориш қобилияти борки, худди мана шу нарса менда йўқ.

— Кириб бориш, — дедим ўйланқираб, — ҳа, эҳтимол бўлса бордир.

Мен Пуарога қарадим. У ингичка сигарасини чекиб туриб кулиб қўйди.

— Азиз дўстим, Гастингс, — деди у, — Сиз мен учун шу қадар қимматлисизки, асти қўяверасиз.

Бундай мақтовни эшитиш ёқимли эди. Лекин мен мавзуни ўзгартдим.

— Менга қаранг, Пуаро — дедим жиддий, — келинг, билиб келган нарсаларингиз ҳақида фикрлашайлик.

— Яхши, — деди Пуаро ва орқасига суяниб кўзларини юмиб олди. — Мен ўз-ўзимга бир нечта савол бериб кўраман.

— Мен ҳам, — дедим, — масалан, лорд Эжуорни ким ўлдирган бўлиши мумкин, дегандай.

Пуаро калласини сарак-сарак қилди.

— Йўқ, бундай деб эмас. Шуюм савол бўлдимми? Сиз учун бу саволни ўзим бериб ҳал қилишим мумкин.

Мен сизнинг ёнингизда олифтагарчилик қилиб юрадиган шерикманми, деган сўз тилимга келди-ю, ўзимни тутдим. Майли, мени жа ўқитмоқчи бўлаётган бўлса, ўқита қолсин, дедим.

— Бошланг, — дедим, — эшитамиз.

Ўзини кўрсатиш учун бу одамга худди шу сўз керак эди. У яна стулга суяниб олди.

— Биринчи саволни муҳокама қилиб бўлдик. Бу нима учун лорд Эжуор ажрашишга розилик билдирди, деган савол эди. Бу савол бўйича калламга баъзи бир фикрлар келган эди. Бу сизга маълум.

Ўз-ўзимга берган иккинчи савол: унинг ажралиш ҳақидаги хатининг натижаси нима бўлди? Лорд Эжуор кимларнинг манфаатини кўзлаб ажрашиш масаласини чўзган?

Учинчи савол: кеча эрталаб кутубхонаси эшиги олдида бизни кузатаётиб лорд Эжуорнинг башараси бужмайиб кетгани нимани англатади? Бу тўғрида сизда жавоб борми, Гастингс?

Мен калламни силкитдим.

— Сизга шундай бўлиб кўрингандек туюлмадимми?

— Туюлди.

— Яхши, демак, бу ҳолат изоҳ талаб қилади.

— Тўртинчи саволим пенснега тааллуқли. Дейн Уилкинсон ҳам, Карлотта Адамс ҳам пенсне тақишмаган. Унда нима учун Карлотта Адамснинг сумкачасидан пенсне чиқди?

Энди бешинчи савол. Дейн Уилкинсоннинг Чизвикдаги зиёфатда бўлган-бўлмаганлигини билиш учун қўнғироқ қилиш кимга керак бўлиб қолибди? Қўнғироқ қилган ким ўзи?

Ечимини топишим учун мен жон куйдириб ҳаракат қилаётган саволлар, дўстим, мана шулар. Шу саволларга аниқ жавоб тошганимдан кейингина мен хотиржам бўламан.

— Лекин бошқа саволлар ҳам бор-ку, — дедим.

— Қанақа саволлар?

— Карлоттани мана бу қаллоблик йўлига бошлаган ким? Кеча соат ўндан кейин у қаерларда бўлган? Олтин қутича совға этган анови «Д» ким ўзи?

— Бу саволлар терговда ўз-ўзидан келиб чиқади, — деди Пуаро. — Буларнинг нозик жиҳатларини аниқлаш қийин. Бизга ҳали номаълум фактлар бордир. Буни истаган вақтимизда аниқлаб олишимиз мумкин. Менинг саволларим, азизим, руҳият билан боғлиқ. Менинг кулранг тўқималаримга дахлдор.

— Пуаро, — дедим умидсизликка тушиб, — бугун кечқурун бир жойга бормоқчи бўлганингиз ҳақида гапиргандек бўлувдингиз.

Пуаро соатига қаради.

— Тўғри, — деди у. — Телефон қиламан. Ҳозир борсам ноқулайлик турдирмасмикан.

У ташқарига чиқиб бир неча дақиқадан кейин қайтиб кирди.

— Кетдик, — деди у. — Ҳаммаси кўнгилдагидек.

— Қаерга борамиз? — деб сўрадим.

— Чизвикка. Сэр Монтегью Корнерникига. Ҳалиги телефон кўнғироғи ҳақида иложи борича кўпроқ нарсани билмоқчиман.

Ўн бешинчи боб

СЭР МОНТЕГЬЮ КОРНЕРНИНГ УЙИДА

Сэр Монтегью Корнернинг Чизвикдаги уйига келганимизда соат кечқурун ўнга яқинлашиб қолган эди. Бизни даҳлизга олиб киришди. Очик эшиқдан ошхонадаги шам ёниб турган каттакон стол кўриниб турарди.

Эшик оғаси бизни кенг зинапоя орқали иккинчи қаватдаги узун хонага олиб чиқди. Хонанинг деразаси дарёга қараган.

Бу хона чироқнинг хира нурида қандайдир қадимги даврларни эслатувчи манзара касб этган эди. Хонанинг бир бурчагида карта ўйнайдиган стол ва унинг атрофида тўрт киши ўтирарди. Улардан бири ўрнидан туриб қаршимизга келаверди.

— Сиз билан танишганимдан хурсандман, мсье Пуаро.

Мен Монтегью Корнерга қизиқсиниб тикилдим. Юз тузилишлари яҳудийларникига ўхшаш, бошига гўё атайлаб меҳр билан ўрнатиб қўйилгандай қоп-қора кўзлари бўртиб чиққан ва олазарак бўлиб ўйнаб турарди. Хатти-ҳаракатлари қандайдир хотиржам эди.

— Сизни мистер ва миссис Уидбернлар билан таништиришга рухсат этинг.

— Биз танишмиз, — деди дарров мисс Уидберн.

— Мистер Росс ҳам.

Росс йигирма икки ёшлардаги малла соч, чиройли йигит эди.

— Ўйинларингизга халақит қилдим. Минг бор узр, — деди Пуаро.

— Ҳечам халақит қилганингиз йўқ. Энди картани суза бошлагандик. Қаҳва ичасизми, мсье Пуаро.

Дўстим қаҳвани рад этди. Лекин эски брендидан тотиб кўрасизми, деган таклифни қабул қилди. Ичкиликни катта-катта бокалларда олиб келишди.

Биз ичкилик ичарканмиз сэр Монтегьюнинг жағи тинмади.

Япон наққошлиги, хитой оқсочлари, форс гиламлари, француз импрессионистлари, замонавий мусиқа-ю, Эйнштейн назарияси ҳақида жавраб турди.

Кейин орқасига суяниб олиб илтифот билан табассум қилиб қўйди. Унинг гапирган гапларидан роҳат олаётганлиги шундоққина билиниб турарди. Нимқоронғида эса, у алвастига ўхшаб кетарди. Бутун хона ноёб санъат асарлари билан тўла.

— Энди, сэр Монтегью, — деди Пуаро. — Мен сизникига қилган ташрифимнинг сабабига ўтаман.

Сэр Монтегью қўлини бургутнинг чангалига ўхшатиб силкиб қўйди.

— Шошилманг, вақтимиз кўп ҳали.

— Бу хонадонда доимо вақтнинг бемалоллигини ҳис қиламиз, — хўрсинди миссис Уидберн, — жуда ғалати.

— Агар менга миллион фунт бергандаям Лондонда яшамаган бўлардим, — деди сэр Монтегью. — Лекин бу ерда эскича муҳит ҳукмрон. Эҳ-ҳе, қанчадан-қанча тиллага тенг вақтларимиз зое кетди-я.

Калламга мабодо, биров сэр Монтегьюга миллион фунт бергудек бўлса, мана бу эски муҳитта тупурган бўларди, деган хаёл келди.

— Умуман олганда, пул нима деган сўз, шуям гап бўлди-ю! — деди миссис Уидберн дабдаба билан.

Мистер Уидберн паришонҳол. Шимининг чўнтагидаги чақаларни шиқирлатиб ўйнади.

— Арчи! — таъна аралаш деди миссис Уидберн.

— Тушунаман, мана шундай қувончли дақиқаларда қотиллик ҳақида сўз очиш ноқулай... — деди Пуаро.

— Ҳечам-да, — деди сэр Монтегью мулозамат билан қўл силкиб. — Баъзан қотиллик ҳам санъат асари ҳисобланади. Изқувар ўз касбининг актери бўлиши керак. Бу гапни полицияга нисбатан ишлатиб бўлмайди, албатта. Бугун бу ерга Скотленд-Ярднинг инспектори ҳам келган эди. Ғалати одам экан. Масалан, умри бино бўлиб Бенвенуто Челлини ҳақида эшитмаган экан.

— У, афтидан, Дейн Уилкинсон ҳақида гаплашиш учун келган бўлса керак? — қизишиб маълум қилди мистер Уидберн.

— Кеча кечқурун Дейннинг бу ерда бўлгани жонига оро кирибди, — деди Пуаро.

— Шундай бўлса керак, — қўшилди сэр Монтегью. — Мен Дейнни театр ишларида бирон-бир ёрдамим тегиб қолар деб уйимга таклиф қилгандим. Афтидан, бошқа томондан унга ёрдамим тегадиганга ўхшаб қолди.

— Дейннинг бахти бор экан, — гапга қўшилди миссис Уидберн. — У лорд Эжуордан қутулишни орзу қилиб юрарди. Кўнглидаги кўксига чиқибди. Энди ёш герцог Мертонскийга турмушга чиқади. Ҳамма шунақа деяпти. Лекин герцогнинг онаси бундан норози.

— У менда жуда яхши таассурот қолдирди, — хайрихоҳлик билан тан олди сэр Монтегью. — У грек санъати ҳақида бир нечта жуда мақбул мулоҳазалар билдирди.

Мен Дейннинг жозибали хиридоқ овози билан «Ҳа», «Йўқ», «Жуда зўр-а, тўғрими?» деганини тасаввур қилиб кулиб қўйдим.

Сэр Монтегью Корнер ўз мулоҳазаларини ўзгаларнинг тили билан эшитишни ёқтирадиган одамлар тоифасига кирарди.

— Эжуор шубҳали шахс эди, — деди Уидберн. — Унинг душманлари кўп эди.

— Унинг гарданига пичоқ санчгани тўғрими, мсье Пуаро? — деб сўради миссис Уидберн.

— Худди шундай, хоним. Бу қотиллик устаси фаранг одам томонидан амалга оширилган, дейиш мумкинки, илмий жиҳатдан асосланган.

— Сўзгаям тўн кийдириб юборасиз-да, мсье Пуаро, — деди сэр Монтегью.

— Энди, — давом этди Пуаро, — сизникига ташрифимнинг сабабини баён қилишга рухсат этинг. Леди Эжуор сизникида зиёфатда ўтирганда уни биров телефонга чақириб қолибди. Мени мана шу телефон қўнғироғи қизиқтиради. Хизматкорингизга шу масала билан боғлиқ бўлган бир нечта савол беришимга рухсат этасизми?

— Албатта, албатта. Росс, тугмачани босинг.

Қўнғироққа жавобан баланд бўйли кекса, кўринишидан руҳонийни эслатадиган бир киши кириб келди.

Сэр Монтегью у нима мақсадда чақирилганини тушунтириб берди. Эшик оғаси Пуарога ўтирилиб унга диққат билан тикилди.

— Қўнғироқ чалинганда телефонга ким келди? — деб сўради Пуаро.

— Мен, сэр. Телефон пастда даҳлизга яқин жойда эди.

— Леди Эжуорни чақириб беришни сўрадим, ё Дейн Уилкинсоними?

— Леди Эжуорни, сэр.

— Аниқ нима деди?

— Мен гўшакни олиб «Алло» дедим. Мендан, «Бу Чизвик 43464»ми деб сўради. Мен, ҳа, дедим. Кейин «Леди Эжуор шу ерда зиёфатдами?» деди. Мен, ҳа, дедим. Ўша овоз «Мен у киши билан гаплашмоқчийдим», деди. Мен хонимнинг олдига бориб уни телефонга таклиф қилдим.

— Кейин-чи?

— Хоним гўшакни олиб «Леди Эжуор эшитади», деди. Кейин хоним мени чақириб, у ёқдаги одам кулиб юборганини айтди-да, гўшакни осиб қўйди, сўнгра биров яна мени чақиртиргудек бўлса, кимлигини сўранг, деб тайинлади. Бошқа ҳеч ким телефон қилмади. Бор гап шу, сэр.

Пуаро қовоғини уйди.

— Мсье Пуаро, сиз қўнғироқни қотилликка алоқаси бор деб ўйлайсизми? — деб сўради миссис Уидберн.

— Айтиш қийин, хоним.

— Баъзан одамлар ҳазил-мазах қилиш учун қўнғироқ қилишаверади. Бунақа ҳолатни кўп бошимдан ўтказганман.

Пуаро яна эшик оғаси билан суҳбатга тушди.

— Қўнғироқ қилган эркак овозимиди ё аёлникимиди?

— Аёл овози эди, сэр.

— Баланд овозми ё паст овозми?

— Паст, лекин аниқ-тиниқ гапирди. Мен балки адаштираётгандирман, назаримда чет эл талаффузи билан гапиргандек бўлди, «Р» ҳарфини нотўғри талаффуз қилди.

— Унда бу шотланд Дональднинг овози бўлиши мумкин, — деди кулиб миссис Уидберн Россга.

Росс ҳам кулиб юборди.

— Айби йўқ, — деди у. — Мен у вақтда столда ўтирган эдим.

Пуаро эшик оғасига миннатдорчилик билдиргандан кейин у чиқиб кетди.

Сэр Монтегью яна нуфузли одам қиёфасига кириб менга меҳмоннавозлик қила бошлади. У қолиб биз билан бирпас бриж ўйнанг, деб таклиф қилди. Мен рад этдим — тикилган пул жуда катта эди. Пуаро ёш Росснинг ўрнини эгаллагандан кейин у ҳам енгил тортди. Росс иккаламиз тўрт ўйинчининг ўйинини томоша қилиб ўтирдик. Оқшом Пуаро билан сэр Монтегьюнинг жуда катта кутуклари билан ниҳоясига етди.

Биз мезбонга миннатдорчилик билдириб хайрлашдик. Росс биз билан кетди. Оқшом жуда кўнгилли ўтди ва биз такси учрагунча пиёда кетишни маъқул кўрдик.

— Анув пакана одам жуда ғалати экан, — деди Пуаро.

— Ўша пакана жуда бой одам, — деди ҳазил аралаш Росс.

— Эҳтимол.

— Афтидан, унинг менга ҳурмати баланд, — деди Росс. — Ҳар ҳолда шундай деб ўйлайман. Бунақа одамларнинг қўллаб-қувватлаши кўп нарсани ҳал қилиб юборади.

— Сиз актёрмисиз, мистер Росс?

Росс, ҳа, деди. Афтидан унинг номини билмаганимиз унга таъсир қилгандек туюлди. Яқинда бир рус пьесасида роль ўйнаб муваффақият қозонган экан.

— Сиз Карлотта Адамсни танирмидингиз? — деб сўради Пуаро.

— Йўқ. Газетадан унинг ўлими ҳақидаги хабарни ўқиб билдим. Қандайдир нашадан катта миқдорда истеъмол қилиб юборганмиш. Қизларнинг мана шунақанги ишлар қилиб юришлари жуда бемаънилиқ.

— Ҳа, қайғули. Жуда истеъдодли қиз эди.

— Шунақа бўлса керак.

Росс ўзини бошқа актёрларга нисбатан беписанд қиёфада тутди. Бу нарса аслида ҳамма актёрларга хос бўлган касал.

— Унинг томошасини кўрганмидингиз? — деб сўрадим.

— Йўқ. У менинг соҳамга кирмайди. Бундай томошалар ҳозир катта муваффақият билан қўйиляпти, лекин эртага ҳамма буни унутиб юборади.

— Мана, такси ҳам келди, — деди Пуаро.

— Мен кетдим, — деди Росс. — Метро билан тўппа-тўғри Хаммерсмитгача бораман. — Кейин у бирдан асабий равишда хахолаб кулиб юборди. — Ғалати нарса-да, — деди у. — Анув кечаги зиёфатни айтяпман.

— Шунақами?

— Ўзи ўн учта эдик. Сўнгги дақиқаларда кимдир ғойиб бўлиб қолди. Буни зиёфат тугагунча сезганимиз йўқ.

— Ким биринчи бўлиб туриб кетди? — деб сўрадим.

У яна асабий ҳолатда кулиб юборди.

— Мен, — деб жавоб берди у.

Ўн олтинчи боб

ЭНГ АСОСИЙСИ — МУНОЗАРА

Уйга келсак, Жеп бизни кутиб ўтирган экан.

— Кейинги ҳаракатни бошлашдан олдин сизлар билан гаплашиб олмоқчи эдим, — деди у.

— Биродар, ишларингиз қандай кетяпти? — деб сўради Пуаро.

— Сизга айтадиган бир-иккита фикрим бор. Мени Пуаро, иккиёқлама леди бўлиш масаласи қизиқтириб қолди. Бунга нима дейсиз? Ким у ўзи?

— Худди шу ҳақда сизга гапириб бермоқчи эдим.

Пуаро, Жепдан Карлотта Адамс деган кимсани эшитганингиз борми, деб сўради.

— Унинг номини эшитганман, лекин нима муносабат билан эшитганимни эслолмайман.

Пуаро тушунтириб берди.

— Э, буми? Ҳалиги тақлидчи-да! Нимага у билан қизиқиб қолдингиз?

Пуаро текшириб аниқлаган ва билган нарсаларимиз ҳақида гапириб берди.

— Назаримда, сиз ҳақ бўлсангиз керак. Кўйлақлар, шляпа, қўлқоплар ва сарғиш парик — буларнинг тагида бир нима бор. Офарин, мсье Пуаро. Боплабсиз. Булар бари албатта шундай бўлган деб ўйлайман. Фаразларингиз назаримда хаёлийроқ. Булар, аслида сал бошқачароқ бўлган бўлиши керак. Карлотта Адамс лорд Эжуорнинг ҳузурига ўз манфаатини кўзлаб кирган бўлиши мумкин, дейлик, товламачилик ниятида. Ахир, у гап пул ҳақида кетяпти деганди-ку, ахир. Иккаласи уришиб қолишгану, ўлдириб қўйган. Тасодифан ўлдириб қўйган, аслида ўлди-

риш нияти бўлмаган. Уйига қайтиб келгандан кейин қилиб қўйган ишининг оқибатини билиб қолиб, қўрққанидан веронал ичиб ўзини-ўзи ўлдирган.

— Сиз ҳамма фактлар шунинг ўзи билангина изоҳланади демоқчимисиз?

— Табиий, ҳали кўп нарсаларнинг тагига етолганимиз йўқ. Лекин бу ҳам ёмон тахмин эмас. Бундан бўлак яна бошқа фикр ҳам бор: бу ерда фирибгарлик билан қотилликнинг умумий ишга мутлақо алоқаси бўлмаслиги мумкин. Шунчаки тўғри келиб қолган.

Пуаронинг бу фикрга қўшилмаслигини яхши билардим. Лекин шунга қарамай у мойиллик билдиргандай: «Эҳтимол», деб қўйди.

— Қандай бўлган бўлиши мумкин? — давом этди Жеп. — Ҳалиги қаллоблик соддаликдай кўриняпти. Лекин кимдир уларнинг суҳбатини эшитиб турган, кейин ундан ўз манфаати йўлида фойдаланиб қолмоқчи бўлган бўлиши мумкин. Қалай, ёмон фикрмас-а? Лекин шахсан менга аввалги фикр тўғридай туюляпти. Мана бу қиз билан лорд Эжуорни боғлаб турган занжирни аниқлаб, тагига етишимиз керак.

Пуаро лорд Эжуорнинг Америкага жўнатган хатини гапириб берган эди, Жеп бу билан ўзим шуғулланаман, деди.

— Барибирам мен қотиллик қилиш учун Карлотта Адамсда мойиллик бор, деб ўйлайман. Бошқа биронта кимсада қотиллик асарини кўрмайпман, — деди инспектор. — Капитан Маршда, тўғри, айблагга асос борга ўхшайди. Қарзга ботган, бунинг устига кеча эрталаб амакиси билан сан-манга борган. Бу ҳақда унинг ўзи гапириб берди. Лекин унинг бошқа баҳонасиям бор. Кеча кечқурун Дортхаймерлар билан театрда борган. Улар Гросвенор-сквердаги бой-бадавлат яхудийлар. Унинг баҳонасини ўзим текшириб чиқдим, ҳаммаси тўғри. Улар билан тушлик қилган, сўнг театрда боришган, кейин уларникига бориб биргалашиб яна кечки таомга ўтиришган.

— Мадемуазел-чи?

— Лорд Эжуорнинг қизини назарда тутяписми? Уям уйда бўлмаган. Қайсидир бир танишиникида тушлик қилган. Булар уни ўзлари билан Оперга олиб боришган, кейин уйига ташлаб кетишган. У Рижент-Гейтга соат ўн биру қирқ бешда келган. Бу уни ҳамма шубҳадан холи қилади. Лорд Эжуорнинг котибаси жуда виждонли аёл. Кейин у ерда эшик оғаси ҳам бор. Уни менга маъқул бўлди, деб айта олмайман. У жуда

эркаклар ёқтирадиган даражада кўркам йигит. Шу йигитдан бироз шубҳам бор, ундан кейин лорд Эжуорнинг хизматига қандай қилиб кириб қолганлиги унчалик аниқмас. Бу ерда қотилликка сабаб бўладиган бирон нима сезмаётган бўлсам ҳам, барибир у билан ўзим шуғулланаман.

— Янги фактлар аниқландими?

— Ҳа. Биринчидан, лорд Эжуорнинг кўча эшиги калити йўқолган экан.

— Бу ғалати.

— Менга бошқа нарса бундан ҳам муҳимроқ кўринади. Лорд Эжуор кеча чек билан пул олган. Кўп эмас — юз рупий. У пулни француз пулида олган, чунки бугун Парижга учиб кетмоқчи бўлган эди. Буни қаранги, пул ҳам йўқолган.

— Ким айтди буни сизга?

— Мисс Кэрол. Пулни чек билан котиба олган экан. Бориб қидирсам пул йўқ, ғойиб бўлибди, деб суҳбат асносида гапириб берди.

— Пуллар кеча қаерда бўлган экан?

— Мисс Кэрол буни айтиб беролмади. Банкнинг конвертида учта ўттизталикини лорд Эжуорнинг қўлига тутқазган экан. Бу пайтда у кутубхонада бўлган ва пулни олиб столнинг устига қўйган экан.

— Бу ҳақда яхшилаб бош қотириш керак. Бу нарса энди ишимизни мураккаблаштириб юборади, албатта.

— Ё бўлмасам, енгиллаштиради...

— Ҳа, жароҳат хусусида. Врачнинг гапига қараганда бу оддий қаламтарош билан етказилган жароҳат экан. Пичоқнинг тиғи бошқача шаклда бўлган экан. Жудаям ўткир.

— Устара эмас эканми?

— Йўқ-йўқ. Тиғ устараникидан ҳам ўткирроқ экан. — Пуаро қовоғини солди. — Янги лорд Эжуор, афтдан, ўзининг ҳазилидан жуда қувониб юрибди, — деди Жеп. — Биз унияма қотилликда айблаётганимизга ишончи комил. Қизиқ.

— Эҳтимол, бу ўйлаб қилинаётган ишдир.

— Менимча, унинг юрагига гулгула тушган. Амакисининг ўлими унинг кўнглидаги иш бўлган. Энди бемалол Рижент-Гейтга кўчиб ўта қолади.

— Бу пайтгача қаерда яшаган экан?

— Мартин-стрит билан Сант-Жорж-роудда. Жа унчалик ёқимли жойлар эмас.

— Гастингс, ёзиб олинг.

Нималигини тушунмасам ҳам ёзиб олдим. Рональд Рижент-Гейтга кўчиб ўтадиган бўлса, унинг аввалги яшаш жойини билишнинг нима қизиғи бор?

— Менимча, барибир қотилликни Адамс амалга оширган, — деди Жеп ўрнидан тураркан. — Уни айблашга аниқ далилимиз йўқ, лекин бу ҳали очилади.

— Сиз яна бир одамдан шубҳа қилишни назардан қочирдингиз, — деди Пуаро.

— Ким экан у?

— Лорд Эжуорнинг бевасига уйланмоқчи бўлаётган жентльмен. Мен герцог Мертонскийни назарда тутяпман.

— Ҳа, ундан ҳам шубҳаланишга асос бор, — деб кулиб юборди Жеп. — Лекин у Парижда-ку.

— Сиз ундан шубҳаланмайсизми?

— Оббо, мсье Пуаро-ей, сиз ўзингиз-чи?

Жеп Пуаронинг гумонидан хахолаб кулганча чиқиб кетди.

Ўн еттинчи боб

ЭШИК ОҒАСИ

Эртаси ҳеч нима қилмадик, Жеп бўлса, қаттиқ ишлади. Чой ичиб ўтирсак, келиб қолди. У ғазабдан кўкариб кетган эди.

— Хато қилиб қўйдим.

— Бўлиши мумкин эмас, биродар, — деди Пуаро.

— Ҳа, худди шундай. Мен анави (ёмон сўкиниб юборди)... Эшик оғасини қочирвордим.

— Ғойиб бўлибдимми?

— Ҳа, қочиб кетибди. Унинг қочиб кетишига қўйиб қўйганим учун уриб бошимни ёргим келяпти.

— Ўзингизни босиб олинг.

— Сизга гапириш осон. Бошқармадан таъзирингизни емагансиз-да. Маълум бўлишича, бу бола полицияда отнинг қашқасидек маълум, уларнинг қўлидан кўп марта қочиб қутулган экан.

Жепнинг жуда руҳи тушиб кетган эди. Пуаро тухуми қистаган товукдай қақиллаб унга тинимсиз кўнгил бера бошлади. Мен бўлсам инглизларга хос назокат билан содалик виски қуйиб, инспекторнинг олдига қўйдим. У вискидан озгина хўплаб жонланди.

— Барибир мен уни ҳозирам қотил ҳисоблай олмайман. Албатта, у эшикка тамба қўйган деб бўлмайди. Биласизми, унинг астар-аврасини ағдариб кўрдим. Назаримда, қандайдир тунги ишратхоналарга алоқаси борга ўхшайди. Нима бўлганда ҳам ўтакетган фирибгарлиги аниқ.

— Лекин бу у қотил деган маънони билдирмайди-ку.

— Албатта. Эҳтимол, у қандайдир ифлос ишларга аралашиб қолган бўлиши мумкин. Йўқ, мен қотиллик Адамснинг қўли билан амалга оширилганига ҳеч қачон бу қадар амин бўлмаган эдим. Гарчанд, ҳозир буни исботлаш учун қўлимда далил бўлмаса-да. Бугун унинг уйини тинтиб қўлга илинадиган бирон нарса тополмадим. У жуда эҳтиёткор бўлган. Уйда биронтаям хатни ушлаб турмаган, фақат ишига алоқадор айрим қорғозлар билан бир нечта шартномалар турибди. Улар ҳам яхшилаб таҳланган ва устига ёзиб қўйилган. Нью-Йоркдаги синглизидан келган иккита хат турибди. Икки-учта қимматбаҳо тошлар, булардан бошқа ҳеч қандай арзигули нарса йўқ. У кундалик тутмаган. Бу қизнинг, дейиш мумкинки, ҳатто шахсий ҳаёти ҳам бўлмаган.

— Ўзиям одамови бўлган, — деди Пуаро ўйланқираб. — Биз учун бу мушкул ҳолат.

— Унинг оқсочи билан суҳбатлашдим. Ундан ҳам тайинли бир гапни англаб бўлмайди. Кейин шляпа магазини бор бўлган бир дутонаси билан кўришган. Гарчанд унинг менга заррачаям фойдаси тегмаган бўлса-да, оқила ва эҳтиёткор одам сифатида таассурот қолдирди. Лекин мени бошқа нарса ҳайрон қолдирапти. У билан таниш бўлган қизларнинг ҳаммаси бир оғиздан: “Жуда қувноқ ва дилкаш эди, лекин биронта эркак билан дўстлашмаган эди”, деб тасдиқлашапти. Бу энди тўғрима. Қизлар ахир эркаклар билан дўстлашиб юришади-ку. Агар ростданам шундай бўлса, бунинг замирида бошқа нарса бўлиши керак. — Жеп тўхтаб нафасини ростлаб олди. Мен унинг стаканини яна тўлдириб қўйдим. — Ташаккур, Гастингс. Билганларим мана шулар. Бундан ташқари, у кечки таомда бирга ўтирган ва рақс тушган ўнлаб йигитлар бор. Лекин бу Адамс уларнинг биронтаси билан дўстлашганлигига далил бўлолмайди. Уларнинг ичида янги лорд Эжуор ҳам, киноактёр Брайн Мартин ва бошқалар ҳам бўлган. Булар ҳақида қатъий бир нима дейиш қийин.

Шундай экан, Пуаро, сизнинг ташқаридан биронтаси аралашмаганмикин, деган фикрингиз асоссиз. Менимча, қотилликни фақат Карлотта Адамснинг ўзи қилган. Энди у билан марҳумнинг шахсий алоқаларига оид маълумотларни аниқ-

лашга киришаман. Алоқа бўлган бўлиши керак. Эҳтимол, Парижгаям боришимга тўғри келар. Олтин қутичада "Париж" деб ёзиб қўйилган. Мисс Кэрроллнинг менга айтиб беришича, лорд Эжуор ўтган йил кузда бир неча бор Парижга бориб келган экан. У ерда аукционда қатнашибди ва бир нечта ноёб нарсаларни сотиб олибди. Ҳа, Парижга бориш шарт, деб ўйлайман. Тергов ҳақидаги ҳисоботни эртага беришим керак. Буни, албатта, кечиктиришлари мумкин. Шундан кейин кундузги кема билан Парижга жўнайман.

— Росаям ғайратга тўласиз-да, Жеп. Сизга ҳавасим келади.

— Сизга дангасалик қилиш бўлса бас. Бир жойда ўтириб олиб хаёлга ботганингиз ботган. Ўзингизнинг таъбирингиз бўйича, миянинг кулранг тўқималарини ишлашга мажбур қиласиз. Бунақаси бўлмайди, мсье Пуаро, воқеаларга қарши бориш, уларни кутиб олиш керак. Бўлмаса, уларнинг ўзи истиқболингизга чиқмайди.

Оқсоч эшикни очди.

— Мистер Брайен Мартин келди, сэр. Бандмисиз ё қабул қиласизми?

— Мен кетдим, мсье Пуаро, — Жеп шундай деб ўрнидан турди. — Назаримда, театр оламининг ҳамма юдузлари маслаҳатларингизга муштоқ, шекилли.

Пуаро елка қисиб қўя қолди, Жеп бўлса кулиб юборди.

— Сиз, мсье Пуаро, миллионер бўлсангиз керак-а? Шунча пулни нима қиласиз? Йиғяпсизми?

— Ҳа, мен тежамкорман. Айтмоқчи, гап пулни қаерда сақлаш ҳақида кетган экан, лорд Эжуор нима қилган экан?

— Ворисликдан ташқари ҳамма мол-мулкни қизига қолдирган. Беш юз фунт мисс Кэрролга ажратилган. Бошқа ҳеч қандай вориси бўлмаган. Оддийгина васиятнома қилган, холос.

— Буни қачон қилган экан?

— Икки йиллар муқаддам, хотини ташлаб кетганда. Айтмоқчи, уни мутлақо васиятномага киритмаган.

— Қасоскор одам экан, — ғўлдираб қўйди Пуаро.

Жеп хушнуд «ҳозирча» деди-ю, чиқиб кетди.

Брайен Мартин кирди. Унинг қандайдир юзлари сўлгин, ўзи суст бўлса-да, яхши кийинган, чиройли кўринарди.

— Қимматбаҳо вақтингизни бекорга олганим учун ўзимни гуноҳкордек ҳисоблаяпман, мсье Пуаро, — деди у узрхоҳлик оҳангида.

— Наҳотки?

— Ҳа, мен анув биз гаплашган леди билан кўришдим. Уни кўндирмоқчи бўлдим, лекин у ҳамма гапни маълум қилиш ҳақидаги таклифимни эшитишним хоҳламади. Демак, ҳозирча бу ишни қўя турамизми, дейман. Сизни безовта қилганим учун узр сўрайман...

— Зарари йўқ, — деди Пуаро, — шундай бўлишини ўзим ҳам билардим.

— Билардингиз? — деб сўради йигит ҳайратланиб.

— Ҳа. Сиз хоним билан гаплашиб кўраман, деганингиздаёқ, нима бўлишини олдиндан гапириб беришим мумкин эди.

— Демак, сизнинг ўзингиз ишлаб чиққан назариянгиз бор экан-да?

— Изқуварларда, мсье Мартин, ҳамма вақт ўз назариялари бўлади. Улардан худди мана шуни талаб қилишади. Мен уни ўзим, албатта назария деб атамаган бўлардим. Бу оддийгина мулоҳаза. Муаммони ечишнинг биринчи босқичи.

— Иккинчи босқичи қандай бўлади?

— Агар менинг ожиз фикрим, ўйлаган ўйим ҳақиқат бўлиб чиқадиган бўлса, кейин нима қилишимни ўзим биламан. Кўриб турганингиздек, бу жуда оддий.

— Мен ўша кичкина назариянгизми, фикр-ўйингизми, шу ҳақда гапириб беришингизни жуда-жуда истардим.

Пуаро калласини сарак-сарак қилди.

— Бу энди ўйиннинг иккинчи қоидаси. Ҳар қандай изқувар ўз сирини ҳаммага ошкор қилавермайди.

— Жиллақурса ишораям қилолмайсизми?

— Йўқ. Шуни айтишим мумкинки, сиз ўшанда тилла тишлар ҳақида гапирганингиздаёқ мен ўз назариямни жамлаб, бир фикрга келиб қўйган эдим.

Брайен Мартин ҳайрон бўлиб унга қаради.

— Сиз мени эсанкиратиб қўйдингиз, — тан олди у.

Пуаро кулиб калласини қимирлатиб қўйди.

— Келинг, мавзуни ўзгартирайлик.

— Ҳа, аввал сизнинг хизмат ҳақингизни... сўрашга рухсат этинг...

Пуаро қатъий қўл силтади.

— Бу ҳақда гаплашмайлик. Сизга ҳеч қандай ёрдамим теккани йўқ.

— Ахир, вақтингизни олдим-ку...

— Агар иш мени қизиқтириб қолса, мен ҳақ олмайман. Сизнинг ишингиз мени жуда ўзига жалб қилиб олган эди.

— Бундан хурсандман, — деди актёр хижолатомуз.

Унинг жуда руҳи чўкиб кетганди.

— Келинг, бошқа бирон-бир нарса ҳақида суҳбатлашайлик, — деб таклиф қилди Пуаро.

— Ҳозиргина мен зинада учрашган скотленд-ярдлик одам ҳақида гаплашамизми?

— Ҳа, у киши инспектор Жеп бўлади.

— Даҳлиз нимқоронғи эди, яхши таний олмадим. Айтмоқчи, мени тўхтатиб Карлотта Адамс ҳақида менга бир нечта савол берди.

— Карлоттани яхши билармидингиз?

— Унчаликмас. Ёшлигимда Америкадалигимда кўрганман. Кейин тасодифан кўришиб қолдигу, бир неча марта учрашдик.

— Сизга ёқармиди?

— Ҳа. У билан тезда тил топишиш мумкин эди.

— Ўзига жалб қила оладиган қиз эди. Мен ҳам шундай деб ўйлайман.

— Уни ўзини ўзи ўлдирган деб ҳисоблашяптими? Инспекторга бирон ёрдамим тегмади. Карлотта «ичимдагини топ» қабалидаги қизлардан эди. Очилиб-ёзилиб гаплашмасди.

— Ўзини ўзи ўлдирмаган деб ҳисоблайман.

— Фикрингизга қўшиламан, бу кўпроқ бахтсиз ҳодисага ўхшайди.

Орага жимлик чўқди. Кейин Пуаро кулиб туриб шундай деди:

— Лорд Эжуорнинг ўлдирилиши жуда галати, а, тўғрими?

— Ҳа. Дейн ўлдирмаганлиги аниқ экан. Энди кимдан шубҳаланишяпти, билмайсизми?

— Ҳар ҳолда, полицияда жиддий шубҳа остига олинганлар бор.

— Шунақами? Кимлар экан?

— Эшик оғаси ғойиб бўлибди. Биласизми, бундай қалтис вазиятда бировнинг қочиб кетиши айбни бўйнига олгандек баҳоланади.

— Эшик оғаси-я? Тўғриси айтсам, нима дейишимниям билмай қолдим.

— Ҳаддан ташқари ёқимтой йигит. Айтмоқчи, сизга ўхшаган. — Пуаро таъзим қилиб қўйди.

Э-ҳа! Эшик оғасининг юзлари менга танишдай кўрингани сабабини энди билдим.

— Мени жуда мақтаб юбордингиз, — деди Мартин кулги аралаш.

— Йўқ, асло. Ахир ҳамма қизларнинг Брайн Мартинга ошиғу беқарор бўлиб юриши бежизми? Наҳотки шунча қизлардан биронтаси қалбингизни ром этмаган бўлса?

— Бунақаси кўп, ўзимам биламан, — деди Мартин шартта ўрнидан тураркан. — Хўш, энди нима қилдик, мсье Пуаро, мен сиздан жудаям миннатдорман. Тинчлигингизни бузганим учун яна бир бор узр сўрашга рухсат этинг.

У бизнинг қўлимизни сиқди. Шундагина унинг ёшига нисбатан катта кўринишини сездим. Бу сафар юзлари жуда сўлғин кўринди.

Мен ўзим табиатан қизиқувчанман. Мартин чиқиб эшик ёпилиши билан сўрадим:

— Пуаро. Унинг сўраган ишини тўхтатишни ростдан ҳам олдиндан билганмидингиз?

— Буни ўзингиз эшитдингиз-ку, Гастингс.

— Унда ўша сиз билан маслаҳатлашмоқчи бўлган сирли қиз ким эканлигини билган бўлишингиз керак-да.

Пуаро кулиб қўйди.

— Дўстим, бу борада ўзимнинг жиддий роям бор. Айтувдим-ку, текширишни тилла тишдан бошладим деб. Агар роям панд бермаса, ўша қиз ким эканлигини биламан. Кейин Мартин мен билан маслаҳатлашиш учун нега рухсат бермаганини ҳам биламан. Буни чуқур ўйлаб тагига етганман. Ўзингиз ҳам сизга худо ато этган ақл-идроқдан тўғри фойдалана олишингиз мумкин. Гоҳо сиз менга мана шу илоҳий неъматдан ғафлат босиб бебаҳра қолаёттандек туюласиз.

Ўн саккизинчи боб

БОШҚА ЭРКАК

Мен на лорд Эжуорнинг ўлими муносабати билан ўтказилган терговни, на Карлотта Адамснинг ўлими сабабларини тасвирлаб ўтирмоқчи эмасман. Лорд Эжуор иши бўйича қўйилган муддат тиббиёт хулосаларидан кейин чўзилди. Унинг ошқозони текширилгач, қотиллик кеч соат ўн билан ўн бир ўртасида содир бўлганлиги аниқланди.

Карлотта Адамсни қотилликда айбловчи биронта далил ҳам юзага қалқиб чиқмади.

Газеталар қочиб кетган эшик оғасининг ташқи қиёфасини тасвирлаб мақолалар эълон қила бошлашди. Жиноятни ўша содир қилган деб ҳамманинг фикри бир жойдан чиқди. Дейн

Уилкинсоннинг уйга келгани ҳақидаги гаплар қип-қизил ёлғон деб тан олишди. Котибанинг бу кўрсатмани тасдиқловчи гаплари ҳеч қаерда тилга олинмади. Газеталарда қотиллик ҳақидаги мақолаларда маълумотлар кам берилди.

Шу билан бирга Жеп ҳам ўз фаолият доирасини жуда кенгайтириб юборди. Шу пайтга келиб Пуаронинг сушт ҳаракати, ишдан ўзини олиб қочишлари менинг жаҳдимни чиқара бошлади. Миямга энди у қариб қолганмикан, деган фикр тез-тез келаверди. Унинг ҳамма важлари менга баҳона бўлиб туюлаверди.

— Менинг ёшимда бекорчи ташвишлардан одам ўзини асраши керак, — дерди у.

— Пуаро, азизим, қариликни бўйинга олиш учун сизга ҳали вақт эрта, — деб эътироз билдирардим.

Мен уни ишга рағбатлантириш кераклигини ҳис қилдим. Кўнглини кўтаришнинг энг мақбули муолажа деган қарорга келдим.

— Ҳозир энг куч-райратга тўлган паллангиз, — дедим, — сиз агар ўзингиз хоҳдасангиз бу ишни бирпасда ҳал қилиб ташлай оласиз.

Пуаро бўлса, бунни юриб эмас уйда ўтириб ҳам қилишни мақбул кўрди.

— Ахир, бунақаси бўлмайди-ку, Пуаро. Биз ҳеч нима қилаётганимиз йўқ. Сизнинг номингиздан ҳамма ишни Жеп амалга оширяпти.

— Бу ҳол мени қониқтиради.

— Мени эса қониқтирмайди. Мен сиз ишлашингизни хоҳлайман.

— Мен ҳалиям ишляпман.

— Нима иш қияпсиз?

— Кутяпман.

— Нимани кутяпсиз, ахир?

— Мени този итим ўлжа олиб келишини, — дея жавоб берди Пуаро кўзлари йилтираб.

— Бу билан нима демоқчи бўляпсиз?

— Жепни назарда тутяпман. Ўзим акиллайдиган бўлсам, итни ушлаб туриб нима қиламан? Жеп ҳирсдек жисмоний қувват билан ҳамма маълумотларни олиб келади. Шубҳам йўқ. Тез орада биз учун зарур бўлган янги-янги маълумотларни келтириб қўлимизга тутқазади.

Жеп аста-секинлик билан маълумотлар йиғайтгани маълум эди. Унинг Парижга қилган сафари муваффақиятли чиқмади. Лекин орадан икки кун ўтиб хурсанд қиёфада кириб келди.

— Ниҳоят биз зарур маълумотларга эга бўлдик, — дея маълум қилди у.

— Табриклайман, биродар. Хўш, нима бўлди?

— Мен қотиллик рўй берган кечаси соат тўққизларда Юстон вокзалининг юкхонасига қандайдир бир малла сочли леди соат тўққизда чамадонча қолдирганини аниқладим. Биз хизматчиларга мисс Адамснинг чамадончасини кўрсатдик. Улар буни таниди. Чамадонча Америкада ишлаб чиқарилган, одатдаги чамадончалардан сал бошқачароқ.

— Эҳ-ҳа, Юстон. Рижент-Гейтга яқин жойдаги катта вокзал у. Албатта, Адамс у ерга борган. Ҳожатхонага кириб ясантусан қилган, кейин чамадончасини ташлаб келган. Чамадончани у ердан қачон олибди?

— Ўн яримда. Хизматкор ўша леди эди деди.

Пуаро бошини силкитди.

— Ундан бошқа яна битта изга тушдим, — деди Жеп. — Леди Карлотта Адамс соат ўн бирда Стренддаги «Лайос-Корнер-Хауз»да бўлганлигини асослайдиган далил бор.

— Қандай қилиб буни қўлга киритдингиз?

— Тасодифан десаям бўлади. Кўзингиз тушган бўлса, газеталарда Карлотта Адамс номи билан бирга ёқут қадалган тилла қутича ҳам тилга олиняпти. Қандайдир ёш репортёр наркотик моддаларни истеъмол қилувчи ёш актрисалар ҳақида мақола эълон қилган. Газеталарнинг якшанба сонларида эълон қилиниб турадиган одатдаги олди-қочди гаплар. Веронал солинган машғум олтин қутича-ю, ёш қизнинг кўнгиллари ийдирадиган қиёфаси, жа таъсирчан-а! Мақола охирида муаллиф хонимнинг ўша оқшомни қаерда ўтказгани, ўзини қандай ҳис қилгани-ю ҳамма-ҳаммасини, қани энди бир кўрсам эди, деб тўлиб-тошиб қалам тебратарди.

«Корнер-Хауз»нинг официанткаси ушбу мақолани ўқибди. У ўша оқшом хизматда бўлган экан. Ледининг қўлида ўшанақа қутича кўрганлигини эслабди. У яна қутичага «К.А.» деб ёзиб қўйилганини ҳам хотирлабди. Официантка ҳатто дугоналарига шунча маълумотларни берганим учун газета менга ҳақ тўлайдими, йўқми деб маслаҳат ҳам солибди.

Ёш журналист бу воқеаларни искаб топгандан кейин бугун кечқурун «Оқшом навоси» газетасида эркатой хонимнинг жигини яна бироз эзиб қўймоқчи бўлибди ҳам. Истеъдодли актриса ҳаётининг сўнгги дақиқаларида. Лекин у «Корнер-Хауз»га келолмабди. Бу билан официанткаларни

дийдиёсини дoston қилиш мумкин бўлган имкониятдан маҳрум қилибди.

— Қандай қилиб сиз бу нарсаларнинг тагига етдингиз?

— «Оқшом наволари» газетаси билан муносабатимиз яхши. Анали суллоҳ журналист мендан ҳадеб маълумот олиш учун ҳол-жонимга қўймаётганидан билиб олдим. Билдим у тўп-тўғри «Корнер-Хауз»га югурдим.

Ҳа, бундай вазиятда худди шундай ҳаракат қилиш керак эди. Менинг Пуарога раҳмим келиб кетди. Жеп маълумотларнинг ишончли манбалардан олган эди, лекин муҳим бўлган нималарнидир унутган бўлиши мумкин. Пуаро янгиликлардан мамнун бўлиб хотиржам ўтирарди.

— Мен қиз билан учрашдим, — деди Жеп. — Бу ерда шубҳага ўрин қолдирадиган ҳеч нима йўқ деб ўйлайман. Тўғри, у Карлотта Адамснинг расмидан танимади. Лекин, ўшанда ледининг юзига мутлақо эътибор қилмаган экан. Қизнинг айтишича, у ёш, келишган, қора сочи ва яхши кийинган экан. Бошида янги фасондаги шляпа. Менимча, аёллар бировга қараганда шляпасига эмас, юзига эътибор қилишса, яхши бўларди.

— Мисс Адамснинг юзини эслаб қолиш қийин, — деди Пуаро. — У жуда тез ўзгартириб туради.

— Гапингиз тўғри бўлса керак. Қиз қора кийинган ва қўлида чамадончаси бор экан, деди. У тухум қуймоқ билан қаҳва келтиришни буюрибди. Лекин официантканинг назарида леди вақтни ўтказишга шошилаётгандек ва кимнидир кутаётгандек туюлибди. Дақиқа сайин соатига қараб қўяркан. Қўлидаги тилла қутичани ҳисоб-китоб қилиш учун олдига келганда сезганмиш. Леди уни сумкачасидан чиқариб, унга бир қарабди-ю, столга қўйибди. Шу онда ўзича ўйга чўмиб мамнун жилмайганмиш. Қутича жуда ёққани учун ҳам эслаб қолганмиш. Кейин у: «Қани энди мендаям худди шунақа ёқут қадалган қутича бўлсайди», деб орзу қилибди.

Ҳисоб-китоб қилгач, мисс Адамс у ерда яна бирмунча вақт ўтирибди. Кейин соатига яна қараб қўйибди-ю, чиқиб кетибди.

Пуаро Жепнинг гапларини қовоғини солиб туриб эшитди.

— Бу мўлжалланган учрашув, — деди у. — Қайсики, келишилган одам келмаган учрашув. Кейин Карлотта Адамс у билан учрашганмикин? Ёки учрашмаганмикин, уйига келиб унга телефон қилмоқчи бўлганмикин? Мана шуни жудаям билгим келяпти.

— Бу, мсье Пуаро, сахна ортидаги сирли одам ҳақидаги назариянгиз. Бу одам — афсона, йўқ. Мен, албатта у бирон кимсани кутмаган деёлмайман. Бу бўлиши мумкин. Амалга оширилган қотилликни босди-босди қилиш, исини чиқармаслик йўлларини келишиб олмоқчи бўлган. Лекин лорд Эжуор билан учрашганда ўзини қўлга ололмай унга пичоқ санчиб юборган. Кейин вокзалга бориб бошқа қиёфага кириб олиш учун ясантусан қилган, чамадончасини олиб учрашувга келган. Ўша одам келмагандан кейин юрагига ғулғула тушган. Ахир ўша оқшом Рижент-Гейтта бормоқчи бўлиб юрганини у билиши мумкин-ку. Унинг Карлоттани сотиб қўйиши тайин. Ана шундан кейин у ўйинни ютқазганини билган ва дори ичиб ўзини ўзи ўлдирган. Энди ҳар ҳолда уни ҳеч ким осилолмайди. Хўш, менимча, ҳаммаси равшан бўлган бўлса керак-а? — Жеп қайсарлик билан билганини тўғри деб маъқулламоқчи бўларди. — Саҳна ортидаги ҳалиги мажҳул одамга қарши бошқа ҳеч қанақа далил бўлиши мумкин эмас. Ҳозирча менда Адамс билан лорд Эжуор орасидаги муносабат ҳақида бирон маълумот йўқ. Буниям топаман. Ҳали вақт кўрсатади. Парижга бориб омадим юришмади. Лекин баъзи бировларга тергов ишларини олиб боргин, деб топшириқ бериб келдим.

Инспектор эшик томон йўналди, кейин ҳазил оҳангида сўради.

— Яна бирон-бир топшириғингиз борми?

Пуаро унга қараб кулиб қўйди.

— Топшириқ-ку, йўғ-а. Лекин таклифим бор. Бир такси топсангиз. Шунақа такси ҳайдовчисини топингки, бир ёки иккита одамни «Ковент-Гарден»дан «Рижент-Гейт»га олиб борсин. Дейлик, қотиллик содир бўлган оқшомдагидек соат ўн-у қирқда.

Жеп хушёр тортди.

— Ҳали шуларниям ўйлаб юрибсизми? — деди у. — Нимаям дердик, топсак топамиз-да. Бунинг яраси енгил, ахир сиз бекорга гапирмайсиз-ку.

Жеп эшиқдан чиқиши билан Пуаро ўрнидан туриб шляпасини тозалай бошлади.

— Савол беришга ошиқманг, дўстим. Яхшиси, озгина бензин топиб келинг. Камзулимга қуймоқ томибди.

Мен бензин олиб келиб бердим.

— Биринчидан, савол бермоқчи эмасман. Ҳаммаси очиқ-равшан. Иккинчидан, сиз ҳаммаси худди шундай бўлган деб ўйлаяпсизми?

— Биродар, мен ҳозир ўзимни тартибга келтиряпман.

Кечирасиз, галстугингиз менга ёқмаяпти.

— Бу жуда яхши галстук, — дедим.

— Балки яхши бўлгандир. Лекин у ўз хизматини ўтаб бўлганига анча вақт ўтган. Илтимос, уни алмаштиринг-да, ўнг қўл энгингизни тозалаб олинг.

— Афтидан, қирол Георгнинг зиёфатига ташриф буюрамиз шекилли, — пичинг қилдим.

— Йўқ, эрталабки газеталар герцог Мертонскийнинг «Мертон-Хауз»га қайтиб келганини хабар қиляпти. Менинг тушунишимча, у инглиз аристократларининг биринчи вакили, шунинг учун унга ҳурмат бажо келтиришим керак.

Пуарода бировдан тап тортиб ўтириш деган хусусият йўқ эди.

— Герцогникига нима учун борамиз?

— У билан гаплашмоқчиман.

Унинг ичидан бошқа гап суғуриб ололмадим.

Костюмим унинг назарига маъқул ҳолатга келганидан кейин биз йўлга тушдик.

«Мертон-Хауз»да уқали бош кийим кийган хизматкор Пуародан таклиф қилинганмисиз, деб сўради. У, йўқ деб жавоб берди. У Пуаронинг ташриф қоғозини олиб ичкарига кириб кетди. Бир оздан кейин қайтиб чиқиб, у бугун эрталаб бировни қабул қилиш учун заррачаям вақти йўқлигини айтиб афсусланди, деди. Пуаро шу заҳоти стулга ўтириб олди.

— Майли, — деди у, — кутаман. Керак бўлса, бир неча соат ҳам кутишим мумкин.

Кўп кутишга тўғри келмади. Афтидан, шилқим меҳмондан тезроқ қутулиш учун бўлса керак, Пуарони герцогнинг олдига киритиб юборишди.

Йигирма етти ёшли герцог Мертонский озгин ва нимжон эди. Чакка сочлари сийрак. Оғзи кичик, лаблари юпқа, бу унинг иродасидан нишон бериб турар, кўзларида қандайдир мужмал хаёлчанлик ифодаси акс этарди. Хонани қолипга тортиб қўйилган қандайдир нозик ишлар безаб турарди. Кенг китоб жавони илоҳиётга оид китоблар билан тўла. Хона герцогнинг хонасидан кўра атторлик билан шуғулланувчи нимжон атторнинг хонасига ўхшаб кетарди. Мен герцог соғлиги мусоида қилмаганлиги боис маълумотни хусусий мактабда эмас, уйда олганлигини билардим. Мана шу нимжон кимса Дейн Уилкинсоннинг ҳуснига мубтало бўлиб қолган. Бу энди нодонлик эди. Қабул, дейиш мумкинки, илтифот юзасидан бўлди.

— Менинг номимни эҳтимол эшитгандирсиз, — деди Пуаро.

— Йўқ. Эшитмаган эканман.

— Мен руҳиятга боғлиқ бўлган жиноятларни очиш билан шуғулланаман.

Герцог индамади. У ёзув столида ўтирар, олдида ёзишга бошлаган мактуби турарди.

— Бизга буюрган ташрифингизнинг сабаби борми? — совуққина қилиб сўради у.

Пуаро унинг қаршисига ўтириб олди.

— Ҳозирги вақтда мен лорд Эжуорнинг ўлими билан боғлиқ бўлган жиноятни текширяпман.

Пуаронинг гапидан заиф герцогнинг қатъиятли юзларида бирон-бир ўзгариш аломати сезилмади.

— Наҳотки? У билан таниш эмасман.

— Лекин сиз унинг рафиқаси — мисс Дейн Уилкинсон билан танишсиз.

— Ҳа.

— Билишимча, у эрининг ўлдирилишидан манфаатдор эди.

— Бу ҳақда менга ҳеч нима маълум эмас.

— Муҳтарам герцог, сиздан бор гапни очиқ-ойдин гапириб беришингизни илтимос қилган бўлардим. Яқин орада Дейн Уилкинсонга уйланмоқчимисиз?

— Агар мен бировга уйланадиган бўлсам бу ҳақда газеталарда эълон берилади. Саволингизни ўринсиз деб ҳисоблайман.

Шундай деб у ўрнидан турди.

— Хайр.

Пуаро ҳам турди. У ноқулай ҳолга тушиб қолди. Кейин тутила-тутила шундай деди.

— Мен кўнглингизга... узр...

— Хайр! — овозини кўтариб қайтарди герцог.

Бу сафар Пуаро енгилди. Биз чиқиб кетдик. Шарманда бўлган эдик.

Пуарога раҳмим келиб кетди. Унинг одатий дадиллиги, ўзига ишониши бу сафар мағлубиятга учраган эди. Герцог Мертонскийга ҳар қандай буюк изқувар ҳам пашшача кўриимас экан.

— Омадимиз юришмади, — дедим унга ҳамдардлик билан. — Нима жин уриб у билан учрашиш кўнглингизга келиб қолди?

— Мен у Дейн Уилкинсон билан ростдан ҳам турмуш қурмоқчими, шуни билгим келувди.

— Ахир, Дейн сизга шундай деб айттанди-ку.

— Ҳм! У шундай деганди. Ўзингиз биласиз-ку уни. У оғзига нима келса валдирайверадиган одамлар тоифасидан. Дейн унга турмушга чиқишга қарор қилиши мумкин, лекин у-чи, бечора, бунга ишониши, бундан шубҳаланмаслиги мумкин.

— Нима бўлди энди, у сизни ёмон ранжитди.

— Ҳа, менга биронта репортерга жавоб бергандай жавоб берди. — Пуаро кулиб қўйди. — Лекин мен барибир муносабатлари қандайлигини яхши билиб олдим.

— Қаердан биласиз? Унинг хулқидан аниқладингизми?

— Ҳечам-да. Хат ёзиб ўтирганини сездингизми?

— Ҳа.

— Полицияда дастлабки ишлаган кезларимда ёзилаётган хатни тепадан туриб ўқиш жуда катта фойда келтиради, деган хулосага келган эдим. У хатида нималар ёзганини айтиб берайми? «Менинг жонгинам, мана бу узоқ ойларни кутиш мен учун нақадар машаққатли. Дейн, менинг асалим, менинг фариштам, мен учун нақадар қадрли эканлигингни билмайсан. Жуда қийналиб кетдинг ўзинг ҳам. Сенинг гўзал қалбинг...»

— Пуаро, — лол бўлиб қолиб уни тўхтатмоқчи бўлдим.

— Давомини ёзишга улгуролмай қолди. «Сенинг гўзал қалбингни танҳо менгина тушуна оламан».

Қотиб қолдим. Пуаро ўз муваффақиятидан худди ёш болаларга ўхшаб қувонарди.

— Пуаро! — деб юбордим. — Бировнинг хатини ўқиш мумкин эмас-ку.

— Бемаъни гапларни гапирманг, Гастингс. Мен қилишим зарур бўлган ишларни тақиқлаш одобдан эмас.

— Ахир бу ўйинбузуқилик-ку.

— Мен ўйин қилмаётганим сизга беш қўлдек аён. Қотиллик — бу жуда жиддий нарса. Умуман, Гастингс, «ўйинбузуқилик» деган гапни бошқа айтманг. Бу ибора ҳозир истеъмолдан чиққан. Бунга ёшлар эшитса, устингиздан кулишади. Айтмоқчи, Гастингс, чиройли қизлар, «ўйинбузуқи», «спорт ўйинларига тўғри келмайди» деганингизни эшитишса, сизни мазах қилишади.

Мен индамадим. Пуаронинг бемулоҳаза гапириши мени ҳайрон қолдирди.

— Ўзингизни бундай тутишингиз тўғри бўлмади, — дедим мен. — Сиз герцогга Дейн Уилкинсоннинг лорд Эжуор ҳақидаги мулоҳазалари юзасидан келганингизни маълум қилганингизда, у сиз билан бошқача оҳангда гаплашган бўларди.

— Мен бундай қилолмасдим. Дейн Уилкинсон менинг мижозим. Мен бегона одам билан мижозимнинг ишларини мушоҳада қилолмайман. Бу ҳақда у билан гаплашиш виждонсизлик бўларди.

— Виждонсизлик?

— Худди шундай.

— Ахир, Дейн унга турмушга чиқмоқчи-ку.

— Бу деган сўз, унинг ўзига хос сирлари бўлмайди, деган маънони билдирмайди. Сизнинг турмуш қуриш ҳақидаги тасаввурларингиз таомилдан чиққан. Йўқ, мен сиз таклиф қилаётган нарсани ҳеч қачон қилолмайман. Мен изқуварнинг виждон амрига қулоқ солишга мажбурман. Изқуварнинг виждон амри — бу жуда жиддий нарса.

— Ҳаётда ҳамма нарсанинг ҳам ўз виждон амри бўлади.

Ўн тўққизинчи боб

АСИЛЗОДА ХОНИМНИНГ ТАШРИФИ

Эртасига эрталаб бизга кутилмаган меҳмон ташриф буюрди. Хонамда ўтиргандим, бирдан кўзлари ҳаяжондан порлаб кетган Пуаро кириб келди.

— Дўстим, бизга бир ғаройиб меҳмон ташриф буюрди.

— Ким экан?

— Герцог Мертонскийнинг беваси Мертонская.

— Бўлиши мумкин эмас! Нима керак экан унга?

— Агар мен билан пастга тушсангиз буни билиб оласиз.

Биз меҳмонхонага тушдик. Герцогиня жуссаси кичик, боқишлари тийрак, қиёфаси ҳукмфармо аёл экан. Эскича фасонда кийинган, лекин шунга қарамай бошидан оёғигача асилзода аёл эканлиги сезилиб турарди. Менда у шафқатсиз аёл тимсолида таассурот қолдирди. Кучли иродага эга эканлиги шундоққина билиниб турарди. Ким билан мулоқотда бўлмасин, ҳаммани ўзига қарам қилиб ола оларди, десам, бунинг ҳайрон қоладиган жойи йўқ.

Герцогиня дастали кўзойнагини кўтариб, аввал менга, кейин Пуарога бошдан-оёқ қараб чиқди. Шундан сўнг буйруқ оҳангида деди:

— Сиз мсье Эркюль Пуаромисиз?

Дўстим таъзим қилиб қўйди.

— Хизматингизга ҳозирман, герцогиня.

Аёл менга қаради.

— Бу менинг ёрдамчим, капитан Гастингс.

Хоним Пуаро кўрсатган стулга ўтирди.

— Мъсе Пуаро, сиз билан нозик бир иш юзасидан маслаҳатлашгани келдим, илтимос, бу гаплар орамизда қолсин.

— Шундоқ бўлади, хоним.

— Сиз ҳақингизда менга леди Ярдли гапириб берган эди. Унинг гапларидан шу нарса аён бўлдики, менга ёрдам бера оладиган яккаю ягона одам сиз экансиз.

— Қўлимдан келганча ҳаракат қиламан, хоним.

Аёл айтайми, айтмайми деб иккиланиб турди, кейин мақсадга ўтиб, бор гапни очиқ-ойдин айтиб қўя қолди. Қизик, бу ҳаракати менга Дейн Уилкинсонни эслатиб юборди.

— Мъсе Пуаро, қандай қилиб бўлмасин, ўғлим анави артист Дейн Уилкинсонга уйланишининг олдини олиш керак.

Пуаро бу гапдан ҳайратда қолган бўлса-да, буни заррачаям билдирмади.

— Хоним, кўнглингизда ғалаён қилган нарсани очиқ-ойдин тушунтириб берсангиз.

— Буни айтиб бера олишим жуда қийин, лекин шуни юрагим сезяптики, уларнинг никоҳдан ўтиши ўғлимга жуда катта бахтсизлик келтиради.

— Шундай деб ўйлайсизми, хоним?

— Бунга ишончим комил. Ўғлимнинг ҳаётдан орзу-умидлари кўп, лекин у ҳаётни тушунмайди, тажрибаси йўқ. Бизнинг доирамиздаги қизлардан биронтаси унинг кўнглига ўтиришмади. Бу қизлар унинг назарида нуқул қуруқ ва енгилтабиатли бўлиб туюлаверади. Бу аёлга келганда... Гап йўқ, гўзал, эркакларни ўзига мафтун қилиб олишга уста. У ўғлимни гўё сеҳрлаб олган. Бу хушторлик ўтиб кетса керак, деб ўйлагандим. Худого шукр, боши очиқ эмас эди. Энди, унинг эри ўлгандан кейин...

Шундай деб аёл жимиб қолди.

— Улар бир неча ойдан кейин турмуш қуришмоқчи. Ўғлимнинг келажаги, бутун ҳаёти ҳал бўлиш арафасида турибди. Буни тўхтатиш керак, мсье Пуаро, — дея аёл гапини узил-кесил тугатди.

Пуаро елка қисиб қўйди.

— Гапингизга қўшиламан, хоним, улар бир-бирига мос эмас. Лекин энди нимаюм қила олардингиз?

— Сиз нимадир қилишингиз керак.

Пуаро калласини сарак-сарак қилиб қўйди.

— Бунинг бирон иложини қилиш қийин бўлса керак, хоним. Назаримда, ўғлингиз бу хоним билан никоҳдан ўтмаслик ҳақидаги ҳар қандай гапни қулоғига олмаса керак. Ундан ташқари, у аёлни ёмонотлиқ қиладиган бирон гапни топиш яна ҳам амримаҳол. Нима десам экан, у жуда эҳтиёткор аёл.

— Буни биламан, — деди герцогиня маъжос тортиб.

— Демак, сиз бу борада баъзи бир маълумотларга эга экансиз-да?

Унинг юзларига қизиллик югурди.

— Мсье Пуаро, ўғлим бу никоҳдан ўтмаслиги учун ҳамма нарсага тайёрман. Қанча пул бўлса, аямайман. Оғзингизга сиққанича айтинг. Лекин никоҳ маросими бўлмаслиги шарт.

Пуаро бошини аста силкиб қўйди.

— Гап пулда эмас. Герцогиня, мен сизга ёрдам беролмайман, буни сизга ҳозиргина тушунтирдим. Агар маслаҳат берсам, ўжарлик қилмай қулоқ соласизми?

— Қандай маслаҳат?

— Ўғлингизга қарши борманг! У ўз ҳаёт йўлини ўзи танлайдиган ёшда. У сиз истаган йўлдан бошқа йўл танлабди. Агар нотўғри йўл бўлса, ўшангаям кўникинг. Мабодо сизнинг кўмагингизга муҳтож бўлиб қолса, қўлингизни чўзинг. Лекин уни ўзингизга қарши қилиб қўйманг.

— Сиз мени тушунишингиз қийин.

Герцогиня кетмоқчи бўлиб ўрнидан турди. Унинг лаблари қалтиради.

— Герцогиня, мен она қалбини жуда яхши тушунаман. Бу гапни бутун масъулиятини бўйнимга олиб айтяпман, чиданг, юрагингизни кенг қилинг. Ҳа, сабр-тоқатли бўлинг, оқсоқнинг охирига қаранг, ичингиздагини сиртингизга чиқарманг. Муаммо ўз-ўзидан ҳал бўлиб кетиши учун имконият бор. Ўғлингизнинг истагига қарши бораверишингиз унинг қайсарлигини баттар оширади, холос.

— Хайр, мсье Пуаро, — деди герцогиня совуққина қилиб, — ниятим амалга ошмади.

— Сизга ёрдам беролмаганимдан мен ҳам афсусдаман, ноқулай аҳволга тушиб қолдим. Кўряпсизми, леди Эжуор ҳам менга маслаҳат солиб ишонч билдирган эди.

— О, тушунаман. — Герцогинянинг овози ханжар санчгандай эшитилди. — Сиз нариги томонда экансиз, билмабман. Шу сабабли эрини ўлдиргани учун қамоққа олинмаган экан-да.

— Узр, герцогиня, нима дедингиз?

— Наздимда, гапимни эшитиларли қилиб айтдим. Нима учун уни шу вақтгача ҳибсга олишмади? У ўша оқшом ўша ерда бўлган.

Унинг хонага қандай кирганини билгансиз. Лекин барибир ҳали қамоққа олинмади! Бизнинг полиция юқоридан пастгача сотиб олинган бўлса керак-да.

Герцогиня қўллари қалтираб шарфини бўйнига ўради. кейин нари-бери бошини силкиб қўйди-ю, тез-тез юриб хонадан чиқиб кетди.

— Шунақаям алвасти бўладими одам деган! — деб юбордим ўзимни тутолмай. — Умуман унга қойил қолдим.

— Чунки ҳамма у хоҳлагандай иш қилишини истайди, демоқчимисиз?

— У фақат ўз ўглининг тақдиридан хавотирда.

— Тўппа-тўғри, шундай бўлган тақдирда ҳам, Гастингс, герцогнинг Дейн Уилкинсон билан турмуш қуришининг нима ёмон жойи бор?

— Дейн уни севади деб ўйламаяпсизми, ишқилиб?

— Севмаса керак. Севмайди десак тўғрироқ бўлади. Лекин Дейнга унинг турмуш тарзи, мавқеи ёқади. У, таъбир жоиз бўлса, ўз ролини ўйнашни давом эттиради. Дейн гўзал, шу билан бирга, хушомадни, ўзгаларнинг иззат-ҳурмат қилишларини ёқтиради. Шундай экан, уларнинг турмуш қуришлари у қадар ҳам фожеали эмас. Герцогнинг дунёқараши ўзининг дунёқарашига мос келгани учун ҳам унинг таклифини рад этмаган. Бундай ҳолда ҳеч ким ҳам зарар кўрмаган бўларди.

— Тўғрику-я, лекин...

— Бир тасаввур қилинг-а, йигит ўзини ниҳоят даражада яхши кўрган қизга уйланыпти. Бу ҳолат оқибатда яхшиликка олиб келадими? Менинг кузатишларим бўйича айтадиган бўлсам, эркак кишининг бахтсизлиги мана шунда, яъни хотини эрини ниҳоятда севишида. Аёл эрини керагидан ортиқча рашк қиладиган қилиқ чиқариб, уни кулгили ҳолатга солиб қўяди, у эри ҳамма вақтини ўзига бағишлашини, бир дақиқа ҳам эътиборидан четда қолдирмаслигини талаб қила бошлайди. Лекин бу йўл ҳамма вақт ҳам яхшиликка олиб келавермайди.

— Пуаро, — дедим ҳазиллашиб, — сиз ўзи шarti кетиб парти қолган чол бўлиб қолибсиз, иккиюзламачилик ҳам эви билан-да.

— Ҳечам-да. Ўзимча мулоҳаза юритдим, холос. Мана, кўриб турганингиздек, мен жонкуяр герцогиня тарафидаман.

Пуаронинг такаббур герцогиняни таърифлаб айтган гапларини эшитиб, ўзимни кулгидан тутиб туролмадим.

Пуаро бўлса, жиддий тортди.

— Кулманг, Гастингс, герцогинянинг ҳамма гаплардан хабар топганини сездингизми? Дейн Уилкинсонни айбловчи хабарларни унга ким етказган бўлиши мумкин? Буни у қаердан билди?

— Дейн герцогга айтган, у бўлса онасига, — тахмин қилдим.

— Ҳа, бўлиши мумкин. Бироқ, менда бир...

Шу он телефон жиринглаб қолди-ю, гўшакни кўтардим.

Мен ора-орада «ҳа» деб туришдан бошқа гап қўша олмадим. Ниҳоят гўшакни қўйиб, Пуарога ўгирилдим.

— Жеп экан. У айтдики, биринчидан, одатдагидай, сизга қойил қолибди. Иккинчидан, Америкадан телеграмма олибди. Учунчидан, ҳайдовчини топибди. Тўртинчидан, сиз бориб, унинг кўрсатмаларини эшитишингиз мумкин экан. Бешинчидан, бу ишнинг ортида қандайдир бошқа одам борлигини тахмин қилганлигингиз билан нақ мўлжалга урганингизни айтиб, яна бир марта сизга тан берди. Жепга бутун ҳузуримизга бутун полиция сотилган деб кетган меҳмон келганини айтиш ёдимдан кўтарилибди.

— Демак, Жеп ахийри ишонч ҳосил қилибди-да, — гўлдиради Пуаро, — қизик. Четдан биров аралашмаганмикин, деган хулосам бошқа хулосага келай деб турган пайтимга тўғри келибди.

— Қанақа хулосага келмоқчи бўлиб турувдингиз?

— Қотиллик, умуман, лорд Эжуор билан боғлиқ бўлмаслиги мумкин, деган хулосага. Бир тасаввур қилиб кўринг-а, бирон кимса Дейн Уилкинсонни шу қадар ёмон кўрадики, қотиллиги учун уни дорда осилиб туришини кўришдан лаззат олади. Бу бир фикр, гоя эди, холос.

Пуаро хўрсиниб қўйиб шундай деди:

— Қани, Гастингс, бориб эшитайлик-чи, Жеп бизларга нималарни сўзлаб бераркин.

Йигирманчи боб ТАКСИ ҲАЙДОВЧИ

Жеп катта ёшли, шоп мўйлов, овози хирилдоқ одамни сўроқ қилиб турган пайтда хонага кириб келдик.

— Мана, сизлар ҳам етиб келдингиз, — деди Жеп, — менимча, ҳаммаси очиқ-равшан бўлди. Бу одамнинг фамилия-

си Жобсон. Йигирма тўққизинчи июнь оқшомда Лонг-Эйкдра иккита одамни машинасига ўтқазган.

— Тўппа-тўғри, — дея тасдиқлади Жобсон хириллаб. — Ўша оқшом жуда ёқимли эди. Ой мўл нур тўкиб турар, ҳамма ёқ саришта. Ёшгина леди билан бир жентльмен метро бекатига яқин жойда мени тўхтатишди.

— Улар ясаниб олишганмиди?

— Ҳа, йигит оқ кўйлақда, леди эса уқа қадалган кўйлак кийиб олган эди. Афтидан, «Ковент-Гарден»дан чиқиб туришганга ўхшарди.

— Соат неча эди?

— Ўн бирлар атрофида.

— Кейин нима бўлди?

— Улар Рижент-Гейт кўчасига олиб боришимни буюришди, лекин уй рақамини борганда айтаминиз дейишди. Тагин машинани тезроқ ҳайдашимни сўрашди. Худди секин ҳайдаш менга ёқадигандай. Манзилга қанча тез олиб борсам, айни муддао, бошқа йўловчини шунча тез оламан-ку, ахир, бу менга фойда бўлади. Лекин улар буни хаёлига ҳам келтиришмасди. Ахир йўлда бирон ҳалокат рўй берса, ўзингиз биласиз-ку, машинани тез ҳайдаганим учун мени жавобгар қилишади.

— Кўп валдирама! — деди Жеп сабри чидамай. — Ўшанда бахтсиз ҳодиса бўлгани йўқ-ку, тўғрими?

— Бўлмади, — ёқинқирамай деди ҳайдовчи, — орадан етти дақиқа ўтиб Рижент-Гейтта етиб келдик. Жентльмен ойнани тақиллатиб тўхташимни буюрди ва мен машинани тўхтатдим. Бу саккиз рақами ёзилган уй эди. Жентльмен билан леди тушишди. Леди йўлнинг нариги томонига ўтиб озгина юриб борди-да, бир уйга кириб кетди. Жентльмен машинанинг олдида қолиб, ледини кузатиб турди. Орадан беш дақиқалар ўтиб, у ўзича бир нима деб минғирлади, — менимча, сўкиниб кўйдиёв. Кейин уям ўша томонга қараб кетди. Мен уларнинг орқасидан қараб қолдим, кира ҳақини бермай кетмасайди деб қўрқдим. У кўчанинг нариги томонидаги уйнинг эшигини очиб ичкари кириб кетди.

— У очик эшикка кирдимми?

— Йўқ, калити бор экан, ўзи очиб кирди.

— Ўша уйнинг рақами неча эди?

— Назаримда, ўн еттинчи эдиёв. Мен машинада уларни кутиб ўтирдим. Орадан беш дақиқа ўтгандан кейин жентльмен

билан леги бирга чиқиб келишди. Улар машинага ўтиришиб, орқага — Оперга олиб бориб ташлашимни буюришди. Театрнинг олдига етиб бормасданоқ тўхтатиб, ҳисоб-китоб қилишди. Тўғри, яхшигина тўлашди.

— Мана бу суратларга қаранг, — деди Жеп, — буларнинг ичида ўша ёш леги борми-йўқми, айтиб беринг.

У ҳайдовчининг олдига ўндан ортиқ расмларни сочиб ташлади.

— Мана у, — деди ишонч билан Жобсон оқшомги кўйлак кийиб олган Жеральдина Маршнинг суратини кўрсатиб.

— Бунга ишончингиз комилми?

— Ҳа, рангпар, қорасочли.

Кейин ҳайдовчига кўлаб эркакларнинг суратлари кўрсатилди. Лекин у Рональд Маршни танимади.

Жобсон кетди, Жеп суратларни столдан сочиб юборди.

— Уни танимаган бўлсаям, ишимиз яхши кетяпти. Рональднинг сурати эски, янгисини тополмадик. Демак, иккитаси ҳақида фикримиз ойдинлашди. Бундай гаплар хаёлингизга келгани жуда омади иш бўлди-да, мсье Пуаро.

Пуаро ўзини хотиржам тутди.

— Жеральдина билан амакиваччаси Оперга тушганини билганимдан кейин улар иккаласи танаффус пайтида учрашиши мумкин-ку, ахир, деган гап лоп этиб хаёлимга келди. Капитан Марш зудлик билан Рижент-Гейтга бориб келамиз, деб туриб олган.

Шериклари театрдан ғойиб бўлишганини сезмай ҳам қолишган. Янги лорд Эжуор диққатини ўзини оқлашга қаратиб гапирган пайтда бу ерда нимадир бор, деб кўнглимга тутиб қўйгандим.

— Сиз жудаям пишиқ одамсиз, — деди юмшоқлик билан Жеп. — Хуллас, сиз ҳақ бўлиб чиқдингиз. — Лекин мана бу хатдан ҳам кўра аниқроқ бирон нима бўлмаса керак. Хатта бир қаранг. Рональд Марш энди қопқонга тушди.

Жеп Пуарога хатни узатди.

— Бу Нью-Йорқдан жўнатилган телеграмма. Божхона Люси Адамс билан боғланибди. У бу хатни опасидан бугун эрталаб олибди. Агар жуда зарурат бўлмаганида, асл матнни бермаган бўларкан. У офицерга хатдан нусха кўчириб бизга юборишига бажонидил рози бўлибди. Мана хат матни. Унда сизда пайдо бўлган шубҳанинг ўринли эканлиги аниқ кўришиб турибди.

Пуаро телеграммани қизиқиб очди. Мен ҳам унинг елкасидан қараб туриб ўқидим.

29 июнь, Лондон, Розедью, Мэншенс, 8, деб санаси, адреси кўрсатилган ва Люси Адамс номига йўлланган хатнинг матни қуйидагича эди. «Меҳрибон сингилчам, сўнгги мактубимни жуда кечикиб йўллаётганим учун мени кечиргин. Бу кунлар жуда банд бўлдим. Жонгинам, бу ерда шундай муваффақият қозоняпманки! «Отелдаги чет элликлар» томошаси энг муваффақиятлиси бўлди. Келаси йили Лондондаги театрда икки ой томоша кўрсатмоқчиман. Шундай ҳаяжонланиб кетяпманки, нима ёзишимни ҳам билмай қолдим. Бунинг сабабини тез орада тушуниб оласан. Аввало, сенга ўз режаларим ҳақида ёзмоқчиман. Мистер Хегсхаймер менга жуда катта ёрдам бериши мумкин бўлган Монтегью Корнер билан бирга нонуштага таклиф қилмоқчи. Кеча кечқурун Дейн Уилкинсон билан учрашдим. Унга менинг дастурим, айниқса, унга қилган тақдидим маъқул тушди. Сўнгги кунларда унинг хулқи ҳақида танишларимдан жуда ёмон гаплар қулоғимга чалинган эди. Энди бу гапларга мутлақо ишонмайман. Биласанми, у ҳақиқатдан ҳам леди Эжуор. Сўнгги вақтларда эри ҳақида унинг қариндоши капитан Маршнинг оғзидан кўпдан-кўп ёмон гапларни эшитдим. Лорд Эжуор уни уйдан ҳайдаб юборибди. У менга ҳамма гапни айтиб берди, ҳатто менинг раҳмим келиб кетди. Унга дастурим жуда ёқиб тушди. Менга ҳатто лорд Эжуорниям алдаб қўйган бўлардингиз, истасангиз гаров ўйнаймизми? — деди. Мен кулиб юбордим, «Қанчага?» — дедим ҳазиллашиб. Азизам Люси, унинг жавоби мени лол қолдирди. «Ўн минг долларга», деди.

«Шунча пулга-я? Нимаям дердим, — дедим. — Мен ҳатто ҳазиллашиб Букингем қироли билан ҳам бас бойлашга тайёрман». Шундан кейин биз бу ишни майда тафсилотларигача маслаҳатлашиб, бир қарорга келдик.

Бу ҳақда келаси ҳафта батафсил ёзаман. Лекин ундоқ бўлса ҳам, бундоқ бўлса ҳам мен ўн минг долларни қўлга киритаман. Люси, бу пул бизга жудаям зарур. Бошқа ёзолмайман — «ўйин»га тайёрланишим керак.

Опанг Карлотта».

Пуаро хатни столга қўйди. Хат уни ҳаяжонга солгани кўришиб турарди.

Жеп бўлса, унга мутлақо бошқача муносабатда бўлди.

— Энди биз Рональд Маршдан бизга керак нарсани олдик, — деди Жеп тантанавор.

— Ҳа, — деди Пуаро.

Унинг овози қандайдир маънос чиқди.

Мен унга синчковлик билан тикилдим.

— Нима бўлди, мсье Пуаро?

— Ҳеч нима, — жавоб берди Пуаро. — Шундоқ ўзимча ўйлаяпман, холос.

Унинг нимадандир норозилиги очиқ-ойдин сезилиб турарди.

— Ҳар ҳолда шунақа бўлиши керак эди, — деб кўйди у ўзига ўзи. — Худди шундоқ, бошқача бўлиши мумкин эмасди.

— Албатта, бу жиноятга қизни шубҳага қўймайдиган биронтаси аралашган деб ўзингиз айтгандингиз-ку.

— Ҳа-ҳа.

— Шундай экан, яна нима демоқчи бўласиз!

Пуаро хўрсиниб кўйди-да, ҳеч нарса демади.

— Қизик одам экансиз. Сизга ҳеч нима ёқмайди. Менимча, Адамсинг сингисига ёзган хати омадимиз кулиб боққанидан дарак бериб турибди-ку.

Пуаро кутилмаганда бу гапга қўшилди.

— Ҳа, мен худди шу қотилни кутмагандим. У ўзича ҳаммасининг эҳтиёт чорасини кўриб кўйдим, деб ўйлаган. Қиз ўзининг бегуноҳлиги шарофати билан уни доғда қолдирган экан. Мурда тилга кирибди. Ҳа, баъзан ўлик ҳам гапирди.

— Мен қотилликни қиз бир ўзи амалга оширганлигига ҳеч қачон ишонмаганман, — манманлик билан деди Жеп.

— Ҳа-ҳа.

— Энди ишга киришишим керак.

— Капитан Маршни қамоққа олмоқчимисиз?

— Нега олмас эканман? Ҳамма далиллар унинг қотиллигини исботлаб турибди.

— Тўғри.

— Бу сизга ёқмади шекилли, мсье Пуаро. Тўғри, сиз оғир, очилиши қийин бўлган ишларни маъқул кўрасиз. Ўзингиз кашф этган назария бўйича жиноятчи аниқланди-ю, бу яна сизни қониқтирмаяпти. Балки, далилларимизнинг бирон ерида ишончсиз жойлари бордир?

Пуаро йўқ дегандай калласини қимирлатди.

— Мисс Марш бунда иштирок этганми йўқми, ҳали аниқ билмайман, — деди Жеп. — Менимча, жиноят содир бўлишидан хабардор бўлган. Бўлмаса капитан Марш уни нега ўзи билан бирга олиб кетди. Гаплашиб кўрайлик-чи, бу ҳақда ўзлари нима дейишаркин?

— Мен ҳам иштирок этсам майлими? — Пуаро деярли ёлворгандай сўради.

— Албатта. Берган ғоянгиз учун сиздан қарздорман.

Жеп телеграммани столга ташлади.

Мен Пуарони четга тортдим.

— Дўстим, нима гап?

— Асабим бузилиб кетди, Гастингс, ҳаммаси менга очиқ-ойдин ва оддийгина бўлиб кўриняпти. Бу ерда қандайдир хатога йўл қўйилганини кўриб турибман, ҳаммаси бир-бири билан боғланиб мен ўйлагандай бир тартибга тушяпти. Барибир дўстим, бу ерда нимадир борга ўхшаяпти, қандайдир бир далил биздан яшириниб қоляпти.

Пуаро юзларида айбдордай бир ифода билан менга қаради.

Мен нима дейишимни билмай қолдим.

Йигирма биринчи боб

РОНАЛЬДНИНГ ҲИКОЯСИ

Мен Пуаронинг нимадан шубҳаланаётганига тушунмадим. Ахир, шундай бўлиши мумкинлигини ўзи башорат қилгандику.

Рижент-Гейтга боргунча у йўл бўйи Жепнинг қутлаши ёқмай, қандайдир тумшайиб ўтирди.

Ниҳоят дўстим бир хўрсинди-ю, фикридан чалғиди.

— Нима бўлмасин барибир, — деди у, — Рональднинг сўзини олиш керак.

— Агар унинг калласи жойида бўлса, ҳеч нима демайди, — деди Жеп. — Дунёда кўп одамлар тилидан илиниб ўзига ўлим ҳукмини чиқаради. Ҳар ҳолда биров биз уларни огоҳлантирганимиз йўқ, деб айтолмайди. Ҳаммаси қонуний, айблари ошкор бўлган сари улар қотиллик борасида шунчалик ёлғон ботқоғига ботиб кетаверади. Улар ҳар қандай ёлғонни ҳам адвокат билан келишиб олишни унутиб қўйишади. — Жеп хўрсинди. — Адвокатлар билан тож соҳиблари полициянинг ашаддий душманларидир. Тож соҳиблари айби билан қанчадан-қанча жиноятчилар қонунга чап бериб кўришибди. Тўғри, адвокатларнинг айби нисбатан кам. Уларга чапдастликлари, ишбилармонликлари учун ҳақ тўлашади.

Рижент-Гейтга келишимиз билан билдикки, ўлжамиз уйда экан. Оила аъзолари нонушта қилаётганлари устидан чиқдик.

Жеп уларга янги лорд Эжуор билан учрашмоқчи эканлигини маълум қилди. Бизни кутубхонага олиб боришди.

Орадан бир дақиқа ўтиб йигит бизга пешвоз чиқди. Унинг чехрасида хиёл табассум ўйнаб турарди. Кейин бизга қараб туриб, лабларини қисиб жиддий тусга кирди.

— Хэлло, инспектор. — деди у, — қандай шамол учирди?

Жеп унга ҳозир гапирадиган гапларингиз ўзингизга қарши далил сифатида маъно касб этиши мумкин, деб чандиб олди.

— Шунақа денг-а! — деди Рональд.

У ўриндиқни яқинроқ суриб ўтириб сигарет қутисини чиқарди.

— Мен бор гапни очик-ойдин айтиб бермоқчиман.

— Хоҳишингиз, милорд.

— Биламан, бу ўта аҳмоқлик. Барибир айтаман, ҳалиги, романларнинг қаҳрамонлари «ҳақиқатдан кўрқишимга сабаб йўқ», деб баландпарвоз гап қилишади-ку, шунга ўхшаб. — Жепнинг юзларидаги қатъийлик ўзгармади. — Мана, ўтириш учун қулай стол ва ўриндиқлар, ёрдамчингиз ўтириб ёзиб олсин, — давом этди йигит. Лорд Эжуорнинг таклифини бажо келтирдим. — Тўғриси айтсам, менинг келтирган далилларим ҳаво шаридек ёрилиб кетди, яъни тутундай тарқаб кетди. Ҳатто Дортхаймерлар ҳам ёрдам беролмади. Сизлар эҳтимол, такси ҳайдовчисини топган бўлсангизлар керак?

— Ўша оқшомда қаерларга бориб келганингиз бизга беш қўлдай аён, — совуқ назар ташлаб унинг гапини маъқуллади Жеп.

— Скотленд-Ярд полициячилари таҳсинга сазовор. Агар мен одам ўлдиришни режалаштирганимда таксида уйнинг олдигача келмаган бўлардим. Бу тўғрида ўйлаб кўрдингизларми? Ҳа, мсье Пуаро бу ҳақда ўйлаган.

— Ҳа, калламга келган эди, — деди Пуаро.

— Режалаштирилган қотилликка бошқача тайёргарлик кўрилади. — давом этди Рональд. — Унда мен мутуз кўзойнак таққан, бурнимнинг остига малла мўйлов ёпиштирган ва машинани қўшни кўчада тўхтатиб, ҳайдовчига жавоб бериб юборган бўлардим. Гарчанд умрим бино бўлиб метрога тушмаган бўлсам-да, метрода келардим. Умуман, адвокатим сабабларнинг мингтасини сизга мендан яхшироқ топиб гапириб бериши мумкин.

Мен сизга тўғри гапни айтиб бермоқчиман. Одамлардан катта қарзим бор бўлиб, уни эртасига тўлашим шарт эди. Амакимдан қарз олмоқчи бўлдим. У мени ёмон кўришини билардим,

шундай бўлса ҳам, нуфузига, насл-пасабига доғ тушишини хоҳламаса керак, деб хомхаёл қилган эканман. Ёши улғу одамлар шундай қилишади. Афсуски, амаким мутлақо замонавий, бунақа нарсаларни хаёлига келтиришдан йироқ ва калондимоғ экан. Оғир вазиятга тушиб қолганимдан кейин амакимнинг қизи билан Оперда учрашишга келишдим. Сўнгги пайтларда у билан жуда кам учрашаётган бўлсам-да, унинг кўнгулчанлигини яхши билардим. Унга аҳволимни гапириб бердим. У ҳолатимни яхши тушуниб, менга онасидан ёдгорлик қолган марваридни беришини айтди. — Йигит жимиб қолди. Афтидан, бу унга қаттиқ таъсир қилган эди. Ё бунга бизни ишонтириш учун атайлаб шундай қилди. — Мен унинг таклифини қабул қилдим. Кейин қора ишда ишлаб бўлса ҳам пул топиб қайтариб олиб бераман, деб қасам ичдим. Марварид Рижент-Гейтдаги уйида экан. Биз уни шу заҳоти олиб келишга отландик.

Биз ҳайдовчидан машинани унинг олдида эмас, йўлнинг қарама-қарши томонида тўхтатишни сўрадик. Жеральдина уйда хизматкордан бўлак ҳеч ким бўлмади. Мисс Кэрол эса ухлаб қолган, лорд Эжуор кутубхонада деб ўйлаган эди.

Шундай қилиб, Жеральдина ўз калити билан эшикни очиб кирди. Мен бўлсам, машинанинг олдида қолиб, биронтаси келиб ё кўриб қолмадим, деб уй томонга қараб турдим. Энди ҳикоямнинг асосий қисмини айтиб бераман, хоҳ ишонинг, хоҳ ишонманг ўзингиз биласиз. Бирдан кўчанинг нариги томонидан бир эркак кўшинининг келаётганига кўзим тушиб қолди. Уни назардан қочирмай кузатиб турдим. Унинг ўн еттинчи уйга кириб кетганини кўриб оғзим очилиб қолди, ҳар ҳолда, менга ўша уйга киргандек бўлди. Менинг ҳайрон қолишимга иккита сабаб бор. Биринчидан, у эшикни ўзидаги калит билан очиб кирди, иккинчидан, кўзимга у машҳур актёрга ўхшаб кетди.

Мен бунга ишонч ҳосил қилиш учун текширмоқчи бўлдим. Чўнтагимда лорд Эжуорнинг уйининг калити бор эди, уни йўқотиб қўйганман деб юривдим. Эрталаб амакимга қайтариб бермоқчи эдим. Орамизда жанжал чиқиб, қайтариб бериш ёдимдан кўтарилибди. Кечқурун кийимимни алмаштираётиб бошқа нарсалар билан бирга оқшомда киядиган костюмнинг чўнтагига солиб қўйгандим.

Ҳайдовчига шу ерда кутиб тур деб кўчани кесиб ўтдим, бориб ўзимдаги калит билан эшикни очиб ичкарига кирдим. Даҳлиз бўм-бўш, ҳеч ким йўқ эди. Кейин аста кутубхонанинг эшигига бориб қулоқ солдим, эҳтимол, ҳалиги одам амаким-

нинг олдига келган бўлса керак, деб ўйладим. Гаплашаётган бўлса, овозлари эшитилади дедим. Эшикнинг олдида бирпас турдим, лекин ҳеч қандай товуш эшитилмади.

Худди шу пайт жуда бемаъни иш қилганимни тушуниб қолдим. Рижент-Гейт кўчаси кечаси жуда хира ёритилади. Ҳалиги одам кўшни уйга кириб кетган бўлиши мумкин-ку ахир, ўзимам қип-қизил аҳмоқман-да. Аҳмоқ бўлмасам бир бегона одамни кузатиб менга нима? Агар шу топда амаким кутубхонасидан чиқиб қолганда ҳолим не кечарди? Жеральдина билан муносабатларимизга рахна тушарди, уни ёмон аҳволга солиб қўйган бўлардим. Бунга қандайдир бир одамнинг юриш-туриши кўзимга ғалати кўрингани сабаб бўларди, холос. Мен кўча эшикка боришим билан Жеральдина қўлида марварид билан зинадан тушиб келди. Мени кўриб жуда ҳайрон бўлди. Уйдан чиқиб унга нима бўлганини тушунтириб бердим.

Биз шоша-пиша орқага — Оперга қайтиб келдик, ичкарига киришимиз билан парда кўтарилиб саҳна очилди. Бизнинг театрдан чиқиб кетганимиз ҳеч кимда шубҳа туғдирмади. Кун жуда иссиқ эди, айрим томошабинлар тоза ҳаво олиш учун ташқарига ҳам чиқиб келишган эди. — Йигит жимиб қолди. — Нима демоқчилигингизни билиб турибман. «Нега бор гапни бошида айтмагандингиз?» демоқчисиз. Бунга: «Бўйнимга қотиллик айби қўйилиши мумкин бўлиб турган бир пайтда қотиллик содир бўлган жойда бўлгандим дейишим мумкинми?» — деб жавоб бераман.

Тўғриси айтсам, кўрқдим. Мабодо, гапларимга ишонишган тақдирда ҳам, барибир бу нарса Жеральдина билан менинг бошимга кўп маломатлар ёғилишига сабаб бўларди. Бизнинг қотилликка ҳеч қандай алоқамиз йўқ, ҳеч нимани кўрганимиз ҳам, эшитганимиз ҳам йўқ. Эҳтимол, бунда Дейн холанинг қўли бўлса. Бу машмашаларга аралашингизга арзийдими? Мен сизга амаким билан бўлган жанжаллар, ўз ишларим ҳақида гапириб бергандим, гапирмаганимда ҳам ковлаб билиб олардингиз. Агар буни яширганимда менга шубҳангиз ортарди, хатти-ҳаракатларимни синчиклаб кузатган бўлардингиз. Қотилликка аралашмаганим ҳақидаги бор гапни айтиб бериб сизни ишонтирдим деган умиддан, бундан кўнглим тўқ. Танаффус пайтида бирга бўлганимиз, театрдан чиқмаганимизни Жеральдинадан сўрасангиз гапларим тўғрилигига амин бўласиз.

— Ёлгон гапиришингизга мисс Марш кўндими?

— Ҳа, ҳеч кимга оғзингдан гулламагин деб огоҳлантирганман. Биров сўраса танаффус пайтида бирга бўлганмиз, фақатгина ташқарига чиқиб келганмиз деб айтгин, дея тайинлаган-

ман. У гапимга рози бўлган, — у яна сукутга чўқди. — Энди бу гапларнинг ҳаммаси қандайдир ёлғонга ўхшаб эшитилипти. Мен сизга бор гапни айтиб бердим, ҳозир сизга марваридни бериб пул олган одамнинг қаерда туришини айтиб беришим мумкин. Ундан ташқари, Жеральдина нима деган бўлсам ҳаммасини тасдиқлаши мумкин.

У ўриндиққа чўкиб Жепга қаради. Жепнинг юзидаги ҳалиги ҳолат ҳалиям ўзгармаган эди.

— Лорд Эжуор, сизнинг фикрингизча, қотилликни Дейн амалга оширганми? — деб сўради у.

— Сиз шундай деб ўйламаяпсизми? Эшик оғасининг гапидан кейинам-а?

— Сизнинг мисс Адамс билан ўйнаган гаровингиз ҳақида нима дея оласиз?

— Мисс Адамс билан гаров ўйнабманми? Карлотта Адамс-ни назарда тутяпсизми?

— Ўша оқшом Карлоттага Дейн Уилкинсон бўлиб томоша кўрсатса, ўн минг доллар таклиф қилганингизни рад этмасангиз керак?

Рональд ҳайратланиб Жепга қаради.

— Ўн минг доллар таклиф қилибманми? Сафсата бу, кимдир каллангизни айлантирибди. Менда бунақа пул йўқ. Наҳотки, у шундай деган бўлса? Эсдан чиқибди ахир, у ўлган-ку!

— Ҳа, — деди хотиржамлик билан Пуаро, — у ўлган.

Рональд бизга бир-бир қараб чиқди. Боя гапираётган пайтда хушчақчақ эди. Энди ранги оқарди, кўзларида кўрқув аломатлари содир бўлди.

— Мен ҳеч нарсани тушуна олмаяпман, — деди у. — Мен сизга бор гапни айтиб бердим. Менга ишонмаяпсизларми?

Шу пайт Пуаро ғалати бир гапни айтиб юборди:

— Йўқ, Мен сизга ишонаман.

Йигирма иккинчи боб

ЭРКЮЛЬ ПУАРОНИНГ ЎЗИНИ ҒАЛАТИ ТУТИШИ

Биз уйга келдик.

— Нима учун сиз... — энди гап бошлаган эдим, Пуаро ишора билан оғзимни ёпти:

— Ёлвораман, Гастингс, фақат ҳозир эмас.

У шундай деб шляпасини бошига бостириб қўйди-ю, тез-тез юриб хонадан чиқиб кетди. Орадан бир соат ўтиб Жеп кириб келди, лекин Пуаро ҳалига довур қайтмаган эди.

— Пакана йўқми? — деди у.

Мен бошимни ирғатдим.

Жеп ўриндиққа чўкиб пешонасини дастрўмол билан артди. Кун жуда қизиб кетганди.

— Унга нима бўлди? — деб сўради Жеп. — Пуаро Рональд Маршга қараб «мен сизга ишонаман» деганда оғзим очилиб қолди. Худди драмалардаги кўнгли бўш актёрга ўхшайди. Уни тушунолмай қолдим. — Унинг фикрига қўшилдим. — Шундай деди-ю, чиқиб кетди, — деди Жеп. — Рональд тўғрисида сизга нима деди.

— Ҳеч нима, — дедим.

— Умуман ҳеч нима демасми?

— Мутлақо. Уни гапга солмоқчи бўлган эдим, қўлини силкиб қўя қолди. Кейин ўз ҳолига қўйиб қўйдим, шляпасини бостириб кийди-ю, қаёққадир чиқиб кетди.

Биз бир-биримизга қараб қолдик. Жеп маъноли қилиб чаккасига бармоғи билан нуқиб қўйди.

— Балки, унинг бир нуқоти камдир.

Мана шу вазиятда ҳатто унинг фикрига қўшилгим ҳам келиб кетди. Жеп илгариям Пуаронинг «бир нуқоти кам»лигига тез-тез шама қилиб турарди. У вақтларда Жеп Пуаро нима хаёлдалигини билмасди. Энди дўстимнинг хатти-ҳаракатидан ўзим ҳам шубҳаланиб қолдим. Унинг эси кирди-чиқди бўлмаган тақдирда ҳам, ҳар ҳолда, асаби ўйнаб кетганди. Ўзи яратган қоидалар тантана қилган бир вазиятда ўша қоидалардан ўзи воз кечиб ўтирибди. Буёғи қандоқ бўлди энди?

— У қадимдан шунақа ғалати, — деди Жеп. — Биламан, у даҳо. Лекин шуниям биламанки, донолик билан нодонлик доимо ёнма-ён юрган, уларнинг ораси бир қарич бўлган. Истаган пайтда улар орасидаги чизик узилаверган. У ҳамма вақт оғир ишларни хуш кўрарди. Енгил ишлар уни қониқтирмасди. Лекин бу нарса уни жонли воқелиқдан узиб қўяди. У ўзи яратган ўйинни ўйнамоқчи бўлади — картабоз қари ледининг карталарни ўзи хоҳлаганича териб чиқишига ўхшаш. Агар кўнглидаги амалга ошмаса фирромликка ўтади. Пуарода бўлса, бунинг акси. Иш енгилгина ҳал этиладиган бўлса, карталарни шундай сузадики, ютуқ қийинчилик билан келиб чиқсин. Мен унинг хатти-ҳаракатларига худди мана шу нуқтаи назар билан қарайман.

Мен эътироз билдира олмадим. Унинг хатти-ҳаракатларини ўзим ҳам тушунтириб бера олмайман. Мен калтабақай дўстимга шу қадар бояланиб қолганманки, унинг ўзини бундай тугишидан хавотир оляпман, холос.

Иккаламиз гамга ботганча маънос ўтиргандик, хонага Пуаро кириб келди. Энди у анча хотиржам кўринарди.

У бошидан шляпасини олиб, кўлидаги асо билан бирга столга қўйди. Кейин одатдаги ўриндиғига чўқди.

— Келганингиз яхши бўлди, Жеп. Ўзим ҳам сиз билан иложи борича тезроқ учрашмоқчи бўлиб турувдим.

Жеп индамай унга тикилди. У бу гапнинг бошланиши эканлигини тушунди. Кейин Пуаронинг нима дейишини кутиб турди.

Дўстим секин, ҳар сўзини салмоқлаб гап бошлади.

— Жеп, гапимга қулоқ солинг. Биз ишда ҳамма соҳа бўйича ноҳақ эканмиз, тан олиш ачинарли, лекин биз хато қилаётган эканмиз.

— Иш тўғрисида ташвиш қилмай қўяқолинг. Ҳаммаси тўғри ҳал қилинган, — деди Жеп.

— Йўқ, бу гапингиз ҳам мени ич-ичимдан ранжитади.

— Ўша йигитчага қайғурмай қўяқолинг, қилғилигига яраша жазосини олади.

— Мен унга эмас, сиздан хавотирдаман.

— Мендан-а? Мендан-ку, умуман хавотир бўлмай қўяқолинг.

— Шундай бўлса ҳам барибир хавотирдаман. Сизни бу йўлга ким бошлаган эди? Эркюль Пуаро. Карлотта Адамсни эътибордан қочирманг, деган мен бўламан. Унинг Америкага хат ёзганини гапириб берган ҳам мен ўзим. Ҳар бир қадамингизни мен йўлга солиб тургандим.

— Сиз бўлмаганингизда барибир ўзим ҳам шу йўлга кирган бўлардим, — совуққина қилиб деди Жеп. — Гапнинг индаллоси шуки, сиз буни мендан оддинроқ илғаб олдингиз, бор гап шу.

— Агар менинг маслаҳатимга кириб обрўйингизни йўқотсангиз, мен ўзимни кечира олмайман.

— Хотиржам бўлинг, бу иш бўйича берган маслаҳатларингизни ҳеч қачон унутмайман. — Жеп шундай деб менга қараб имо қилиб қўйди.

— Гап бунда эмас, — Пуаро сабри чидамай тили билан томоғини такилатиб қўйди, — менга бунақа ишонч керак эмас. Айтиб қўяй, бундан кейин менга ишончингиз бутунлай йўқолади. Сиз ҳам, мен ҳам — Эркюль Пуаро, муваффақиятсизликка ўзимизни руҳан тайёрлайлик, бунинг асосий сабабчиси, мен ўзимман.

Пуаро маъюс тортди. Буни кўриб Жеп хохолаб юборишдан ўзини тўхтата олмади. Пуаронинг ҳамияти лат еди.

— Пуаро, мени кечиринг, — дея Жеп кўзларини артди. — Сиз шу топда момақалдиروقдан юраги ёрилиб кетган ўрдакка ўхшаб кетдингиз. Гапимга қулоқ солинг, бу гапларни қўя турайлик. Бу ишга алоқадор бўлган ҳамма мақтовларниям, таъна-дашномларниям ўз гарданимга оламан. Бу пича шовшувларга сабаб бўлади, сиз ҳақсиз. Мен айблов ҳукмини чиқариш учун қўлимдан келган ҳамма ишни қиламан. Эҳтимол, зўр адвокат топилса жанобни асраб қолиш мумкин, ҳакамларнинг калласига қандай фикрлар келишини ҳеч қачон билиб бўлмайди. Ҳатто айблов ҳукми эълон қилинмаган тақдирда ҳам қанақа одамни қўлга олганимиз ҳаммага маълум бўлади.

Пуаро унга маъюс боқди.

— Сиз калондимоғсиз, ўзингизга доим ортиқча бино қўйиб юрасиз! Ҳеч қачон: «Мана бу иш бундай эмасдур, эҳтимол!» деб ўзингизга савол бериб кўрмайсиз. Бирон нарсадан ҳеч қачон шубҳаланмайсиз. Сиз ҳеч қачон: «Бу иш жуда енгиллик билан очияпти-я!» деб ўйламайсиз.

— Ишончингиз комил бўлсин, мен ундай эмасман. Сиз бўлсангиз, кечирасизу, доим издан чиқиб кетаверасиз. Нега баъзи ишлар енгилгина очилиши мумкин эмас экан. Бунинг нима ёмон жойи бор?

Пуаро унга қараб бир хўрсиниб қўйди-ю, калласини сараксарак қилди.

— Тамом! Сизга бошқа ҳеч нима демайман.

— Унда ўз ишимизга қайтайлик, — деди Жеп. — Нималар қилганимни эшитгингиз келаётгандир?

— Албатта.

— Хўш, гап бундай, Жеральдина Марш билан учрашдим. Унинг гаплари жанобнинг гапларига мутлақо мос келди. Мен улар аввалдан келишиб олишган, деб ўйламайман. Менимча, йигит уни алдаган. Ҳар ҳолда, қиз уни севади. Унинг ҳибсга олинишини жуда юрагига яқин олди.

— Шунақа денг-а? Мисс Кэрролл-чи, у нима деди?

— Жуда ҳайрон бўлди.

— Марварид ҳақидаги гаплар-чи? — деб сўрадим. — Тўғри эканми?

— Тўппа-тўғри. Капитан Марш уни гаровга қўйиб эртаси эрталаб пул олган. Лекин бу асосий гапларга тааллуқли эмас. Назаримда, амакисини ўлдириш фикри унинг калласига қиз билан Оперда учрашган пайтда келган. У қизга қарзи кўпайиб

кеттани ҳақида маъюс тортиб гапириб берган, кейин марварид-га шама қилган. Қиз унинг қармоғига илинади-ю, биргалашиб Рижент-Гейтга йўл олишади. Йигит қизнинг кетидан уйга кириб, кутубхонага йўл олади. Лорд Эжуорни саранжомлаб даҳлизга чиқади. Афтидан, қиз уни уйда кўриб қолишини хоҳламайди. Уни кўчада таксининг олдида кўришини режалаштирган. Эртасига эрталаб марваридни гаровга қўяди. Ахир ўзини боягидай муҳтож одам қиёфасида кўрсатиш керак-ку. Қиз билан театрдан чиқмаганликларини келишиб олган.

— Капитан Марш учун, — деди Пуаро, — Опердан бир ўзи чиқиб кетиши қулайлиги каллангизга келмадими? Ўз калити билан секингина эшикни очиб уйга кириши, амакисини ўлдириб театрға қайтиб келиши мумкин эди-ку. Бунинг ўрнига уйнинг олдида таксини куттириб қўйиши, исталган вақтда сотиб қўйиши мумкин бўлган ва асаблари толиққан бир қизни ўзи билан бирга олиб бориши — бундай даҳмазанинг унга нима кераги бор эди.

Жеп кулиб қўйди.

— Сиз билан мен унинг ўрнида бўлганимизда бундай қилмаган бўлардик. Биз капитан Маршдан кўра ақлироқмиз.

— Бунга ишончим комил эмас. У менда ақлли одам сифатида тасаввур қолдирди.

— Ҳар ҳолда Эркюль Пуародан ақлли бўлмаса керак! Бунга мен ишонаман.

Пуаро унга совуққина назар ташлаб қўйди.

— Агар у айбдор бўлмаса, нима мақсадда мисс Адамсни бу йўлга бошлаганикин? — давом этди Жеп. — Бунинг замирида балки бошқа бир сабаб — ҳақиқий жиноятни яшириш бўлгандир.

— Ана шу ерда сизнинг фикрингизга мутлақо қўшиламан.

— Жиндай бўлса-да, фикримиз бир жойдан чиққанидан хурсандман.

Пуаро Жепга қараб қўйиб сўради:

— Мисс Адамснинг ўлими ҳақида фикрларингиз қалай? Жепни йўтал тутди.

— Мен унинг ўлимини жиноятчи учун қулай шароит яратиб берган тасодиф деб ҳисоблайман. Менимча, капитан Маршнинг Карлотта Адамснинг ўлимига алоқаси йўқ. У қизни кўрқитиб қўйиши ёки пул билан оғзини ёпиб қўйиши мумкин эди.

— Мисс Адамс қўлида айбсизлигини исботловчи далил бўлатуриб, жиноятчининг ўрнига бегуноҳ бир аёлни, яъни миссис Дейн Уилкинсонни дорға торта олмаслиги каллангизга кириб чиқмадими?

— Дейн Уилкинсонни дорга осиша олмасди. Тушлик пайтида Монтегью Корнернинг айтган гаплари керагидан ортиқ ишончли.

— Лекин қотил унинг гапларидан беҳабар эди.

— Сиз, мсье Пуаро, мунозарага ишқибозсиз-да. Шунақамасми? Рональд Маршни бегуноҳ деб ҳисоблаяпсиз. Сиз унинг Рижент-Гейтдаги уйга ўғринча кириб кетган одам ҳақидаги гапига ишонасизми?

Пуаро елка қисди.

— Унинг назарида ўша одам кимлигини биласизми?

— Тахмин қилишим мумкин.

— У бу одам актёр Мартин Брайен деяпти. Бу сизга ёқади-ми? Бу одам ҳатто лорд Эжуор билан таниш ҳам эмас.

— Шундоқ одамнинг қўлида калит билан бу уйга кириши жуда ғалати-ку.

Жеп пўнғиллади.

— Унда мистер Мартин ўша куни Лондонда бўлмаган эди, десам бу сизни ҳайрон қолдириши табиий. У ёш леди билан тушлик қилиб, кечаси ўн иккилар атрофида Лондонга қайтиб келган эди.

— Э-ҳа, шунақа денг? — деди Пуаро. — Йўқ, бу ҳайрон қоларли гап эмас. Ўша ёш хоним ҳам артист эканми?

— Йўқ. Шляпа магазини соҳибаси. Карлотта Адамснинг дугонаси мисс Драйвер. Ишонсангиз унинг кўрсатмаси шубҳадан холи.

— Мен ҳам ундан шубҳаланаётганим йўқ, дўстим.

— Отаҳон, сизни лақиллатишган, — деди Жеп кулимсираб. — Ўн еттинчи уйгайм, қўшни уйгайм бирон жонзот кирмаган. Бундан қандай хулоса чиқариш мумкин? Жаноб — алдаган.

Пуаро афсусланиб калласини қимирлатиб қўйди.

— Унда парижлик «Д» ким бўлади?

Жеп елкасини қисди.

— Бу илгарироқ бўлиб ўтган қандайдир саргузашт билан алоқадордир. Қиз зоти ярим йил илгари берилган совғани бирон-бир жиноят йўлида асраб юриши мумкин эмас.

— Ярим йил, — дея минғирлади Пуаро. Кейин кутилмаганда унинг кўзлари чақнаб кетди. — Ё, худойим-эй, шу қадар анқов бўлмасам!

— Нима гап? — деб сўради Жеп ажабланиб.

— Қулоқ солинг. — Пуаро ўрнидан туриб Жепнинг елкасига шапатилаб қўйди. — Нима учун мисс Адамснинг оқсочи ҳам, мисс Драйвернинг ҳам тилла қутичадан хабари бўлмаган?

— Бу билан нима демоқчи бўляпсиз?

— Тилла қутича янги эди! Мисс Адамс уни яқингинада олган. Париж, ноябрь — тўппа-тўғри. Бу — қутича совға қилинган сана. Совға энди берилган, ноябрда эмас. Қутича эса яқингинада сотиб олинган! Ўтиниб сўрайман сиздан, Жеп буни аниқланг. Афтидан, қутича Парижда сотиб олинган. Агар у бу ердан сотиб олинганда заргар маълум қилган бўларди. Ёлвораман, Жеп, маълумотларни тартибга келтиринг. Анави «Д» дегани нима, ким у, шуни жудаям билгим келяпти.

— Нимаям дердик, текширсак текшираверамиз. Зарари йўқ, — кўнгилчанлик билан деди Жеп. — Мени бу нарса ҳаяжонга солаётгани йўқ. Лекин қўлимдан нима келса, шуни қиламан. Қанча кўп маълумот йиғсак, шунча яхши.

Жеп бизга бошини силкиб, хонадан чиқиб кетди.

Йигирма учинчи боб

ХАТ

— Энди эса, — деди Пуаро, — биз понушта қилиб оламиз. — У тирсагимдан тутиб кулиб қўйди. — Бунга ишонса бўлади. — Тушунтирди у.

Пуаро ўзининг асл ҳолатига келганидан суюниб қўйдим. Назаримда, Жепнинг гаплари уни қониқтирган эди. Қутичани сотиб олган харидорни топиш эҳтимол, ўз нуфузини сақлаб қолишнинг ягона чораси эди.

Биз понушта қилгани кетдик.

Биз тамадди қилаётган столнинг ортида Брайен Мартин билан Женни Драйверни кўриб донг қотиб қолдим. Жеп гапирган гапларни эслаб улар дон олишиб юраркан-да, деган хаёлга бордим.

Женни бизни кўриб қўлини силкиб қўйди. Биз қаҳва ичаётганимизда у ўрнидан туриб столимиздаги бўш стулга келиб ўтирди.

— Сиз билан гаплашсам бўладими, мсье Пуаро.

— Албатта, мадемуазель. Кўрганимдан хурсандман. Мсье Мартин келиб бизга қўшилмайдими?

— Унинг келмаслигини ўзим илтимос қилдим. Гап шундаки, сиз билан Карлотта хусусида гаплашмоқчиман.

— Шундайми, мадемуазель?

— Сиз унинг биронта эркак билан дўстлашган-дўстлашмаганини билмоқчи бўлгандингиз. Шунақамасми?

— Ҳа, шунақа.

— Мен бу ҳақда кўп ўйладим. Ўша суҳбатимизни эслаб шундай хулосага келдимки, у ёқтириб қолганмиди, ё энди ёқтира бошлаганмиди билмадим, бир йигит бор, бу Рональд Марш.

— Нима учун шундай хулосага келдингиз, мадемуазель?

— Биринчидан, Карлотта бир вақтлар омади юришмаган бир йигит ҳақида гапириб берган эди. У ўзини тийиб юрса, жуда яхши одам бўлиши мумкин экану, лекин ўзини ўзи хароб қилган экан. Мен бунақа ҳодисаларни кўп эшитганман! Уларга ишониб қанчадан-қанча қизлар алданган. Карлотта жуда мулоҳазали қиз эди, лекин нодонлик қилган. «Аҳа, — дедим ўзимча, — унга нимадир бўляпти». Менимча, унинг номини тилга олмаса-да, гапирганда нуқул уни назарда тутаётгани сезилиб турарди. Мсье Пуаро, бу ҳақда нима дейсиз?

У менинг дўстимга жиддий тикилди.

— Ўйлашимча, мадемуазель, сиз менга энг қимматли маълумотни берган бўлсангиз керак... Афтидан, сиз ўйлаган жентльмен Рональд Марш ҳозиргина ҳибсга олинганини эшитмаган кўринасиз.

— Демак, мен мулоҳазаларимни баён қилишда кечикибман-да.

— Ҳечдан кўра кеч деган гап бор, — деди Эркюль Пуаро. — Маълумотингиз ҳар ҳолда менга асқотади. Ташаккур сизга, мадемуазель.

Женни ўрндан туриб Мартиннинг олдига қараб кетди.

— Пуаро, бу гап Марш ҳақидаги фикрларингизга раҳна соладиган бўлди.

— Йўқ, Гастингс. Аксинча, уни мустаҳкамлайди.

Женнининг бундай мардона гапирган гапларига қарамасдан Пуаро қаердадир юрагининг ич-ичидан иккиланганига ишончим комил бўлган эди.

Шундан кейин Пуаро бир неча кун лорд Эжуор иши ҳақида лом-мим деб оғиз очмади. Агар бу ҳақда гап очадиган бўлсам мубҳам жавоб билан кифояланиб қўя қоларди. Бошқача айтганда, у қўлини ювиб қўлтиққа урган эди. Унинг ажойиб ва фаройиб калласида қотиллик нуқтаи назаридан пайдо бўлган ғоя, фикрда қандайдир номувофиқлик пайдо бўлса, тан олиш керакки, иши юришмас эди. Бу иш бўйича олиб борган иш таҳлили ишончли, тўғридай бўлиб, қотил Рональд Марш эди.

Лекин Пуаро қотил шу деб ошкора айтолмади. Шундан кейин ишга қизиқишим қолмади, деб муғомбирлик йўлига ўтди.

Менинг фикрим шундай эди. Афтидан, у бунда қандайдир далилларга суянарди. Пуаро юзаки олиб борилаётган суд жараёнларига қизиқмай қўйди. У бошқа ишлар билан банд бўлди. Олдинги бобда унинг тутган йўли ҳақида мен гапирган гаплар бутунлай нотўғри бўлиб чиқди.

Биз нонушта қилиб ўтиргандик. Пуаронинг олдида патнис-да одатдагидай бир ўрам хат турарди. У чаққонлик билан хатларни ажрата бошлади. Бирдан америка лираси ёпиштирилган мактубни олиб хурсандчиликдан қичқириб юборди.

Пуаро уни икки марта ўқиб чиқиб, кейин мендан сўради: — Гастингс, бир ўқиб кўрмайсизми?

Хатни қўлимга олдим. Унда қуйидаги сўзлар ёзилган эди:

«Қимматли мсье Пуаро, сизнинг ёзган илтифотли мактубингизни ўқиб ниҳоятда таъсирландим. Бўлиб ўтган воқеалар мени ҳаяжонга солди. Қаттиқ аламдан юрак-бағрим эзилиб ётган пайтда газеталарда ёзилаётган бўҳтонлар дард устига чипқон бўляпти. Йўқ, мсье Пуаро, опам ҳеч қачон наркотик моддаларни истеъмол қилмаган, бунга ишончим комил. У бундай нарсалардан жуда қўрқарди, буни ўз оғзидан кўп марталаб эшитганман. Агарда опам ўша одамнинг ўлимида жиндай бўлса-да қатнашган бўлса, уни ёмон кўрганидан ёки ёмон ният билан иштирок этмаган, гарчанд хат унинг иштирок этганини тасдиқласа ҳам. Унинг сўнгги мактубидан маҳрум бўлишни истамайман. Мен сизга хатнинг асл нусхасини юборяпман. Хатни менга қайтариб юборишларининг тадоригини кўрасиз деб ишонаман. Агар, ўзингиз айтганингиздек, хат унинг сирли ўлими сабабини очишда сизга ёрдам берадиган бўлса, у қўлингизга тушиши керак.

Сиз хатингизда Карлотта дўстларининг номини тилга олманми, деб сўрабсиз. Ҳа, у кўп одамларнинг номини тилга олган. Лекин биронтасини алоҳида ажратиб кўрсатмаган. Кўпроқ ёшлигидан бирга ўсган Брайен Мартин, Женни Драйвер деган қизни ва капитан Марш деган одамни гапирган.

Сизга бирон нимада ёрдам беришни жуда-жуда истайман. Назаримда, сиз опа-сингил бир-биримизга ҳаддан ташқари суяниб қолганимизни тушунган бўлсангиз керак.

Сизга миннатдорчилик билдириб

Люси Адамс.

P. S. Ҳозиргина хатни сўраб полициядан бир офицер келиб

кетди. Мен унга хатни сизга жўнатиб юборганимни айтдим. Назаримда, уни биринчи бўлиб сиз кўришингиз керакдай туюлди. Скотланд-Ярдга опамнинг қотил эмаслигини исботлайдиган биринчи манба сифатида зарур ҳужжат бўлиб хизмат қилади. Хатни уларга бериб қўярсиз. Илтимос, кейин уни менга қайтариб юборишсин. Ўзингиз тушунасиз-ку, Карлоттанинг менга мурожаат қилган сўнги сўзлари бу».

— Демак, шахсан ўзингиз ҳам унга мактуб жўнатган экансиз-да, — дедим хатни столга қўйиб. — Нега бундай қилдингиз, Пуаро? Карлотта ёзган хатнинг асл нусхаси сизга нима учун керак бўлди?

У чўнтагидан хат варақларини чиқарди.

— Нега хат ёзганимни тушунтириб беришим қийин, Гастингс. Хатнинг асл нусхаси мажҳул, ноаниқ нарсаларга аниқлик киритса керак, деб ўйловдим.

— Тушунмаяпман, ундан нималарни аниқламоқчи бўлдингиз? Бу одатдагидай бир хат.

Пуаро хўрсинди.

— Ҳамма гап шунда-да. Одатий ҳол бўлса, хат бундай ёзилиши мумкин эмас.

— Бўлмаган гап!

— Йўқ, биродар, шунақа! Биласизми, мен йиққан-терган далиллар, фактларни бир ипга териб чиқсам мантиқий бир изчиллик юзага келяпти. Энди мана бу хат келиб қолди. Бу далилларга ёпишмаяпти. Демак, кимдир ноҳақ ёки нотўғри иш қилган бўлиб чиқадими? Яъни ё Эркюль Пуаро, ё хат, шунақами?

— Эркюль Пуаро ноҳақдур, деган гап каллангизга келмадими? — дедим иложи борича мулоимлик билан.

Пуаро таъна аралаш менга назар ташлади.

— Мен хато қилган пайтлар ҳам бўлган. Лекин хатда менадан ўзини олиб қочган жойлар ҳам бор. Мен буни топиб ушлашим керак.

Шундан кейин у лупа билан хатни сингчиклаб текшира бошлади. Хатнинг ҳар бир саҳифасини текшириб бўлиб менга узатиб турди. Мен варақлардан ғайритабиий бирон нима уқмадим. Хат чиройли ҳуснихат билан бир текисда ёзилган эди.

Пуаро хўрсинди.

— Бу ерда ҳеч қандай қалбакилик йўқ... бари битта қўл билан ёзилган. Шундай бўлса ҳам, бари бир айтдим-ку, бундай бўлиши мумкин эмас...

Бирдан у тўхтаб қолди, қўлимдан варақларни юлқиб олиб уларни яна диққат билан текшира бошлади.

Кейин кутилмаганда қичқириб юборди.

Бу пайтда мен деразадан ташқарига қараб турувдим, унинг ҳайқирғини эшитиб тезда ўтирилдим.

Пуаро ҳаяжондан қалтирарди. Кўзлари қоронғидаги мушукнинг кўзларидай ёнарди. У бармоғи билан варақни кўрсатди.

— Кўряпсизми, Гастингс? Мана бунга қаранг! Тезроқ!

Мен стол олдига келдим. У ўртадаги варақлардан бирига бармоғини нуқиб турарди. У ерда ғайритабиий бирон нимани кўрмадим.

— Кўряпсизми, йўқми? Манави варақлар ҳаммасининг чети бир хил. Бу ёғи бошқа варақ. Лекин манавини кўряпсизми? Бир томони нотекис, у юлиб олинган. Энди нимани назарда тутаётганимни тушундингизми? Бу иккинчи варақ. Демак, хатнинг бир варағи ўртадан олиб қўйилган.

Мен, шубҳасиз ноқулай ҳолатга тушиб қолдим.

— Қандай қилиб бундай бўлиши мумкин? Бунда бирон маъно борми?

— Ҳа, ҳа, бор. Ўқиб кўринг, ўзингиз тушуниб оласиз. Бу жуда усталик билан амалга оширилган.

Мен хатга қарадим.

— Энди кўрдингизми? — деди Пуаро. — Хат Карлотта капитан Марш ҳақида ёзаётган жойда узилган. У капитанга ачиғиб «унга менинг дастурим маъқул тушди...» деб ёзади. Кейинги саҳифа «... у дедик...» деган сўз билан бошланади. Лекин, азизим, мана шу икки иборанинг орасидаги бутун бошли бир варақ олиб ташланган. Демак, янги саҳифадаги «у» аввалги саҳифадаги «у» бўлмаслиги мумкин. Аслидаям худди мана шундай. Гаров ўйнаган одам капитан Марш эмас. Диққат қилинг. Шундан кейин унинг исми бирон мартаям тилга олинмайди! Бу жуда варойиб! Қотил қандайдир йўл билан хатни қўлга туширган, қараса, Карлотта уни фош қилиб қўймоқда. Шубҳасиз, уни йўқотмоқчи бўлган, лекин кейин бошқа йўл тутган. Хатнинг ўша варағини ажратиб олиб қолган. Қарабсизки, айб бошқа одамга, янги лорд Эжуорга, яъни ўлдириши учун асоси бор бўлган одамга ёпиштирилган. Эҳ, бу хат қотил учун ҳақиқий совға бўлган. Кейин у хатнинг бир варағини олиб қолиб жўнатиб юборган.

Мен Пуарога ҳайратланиб қарадим. Унинг фикрлари тўғрилигига унчалик ишончим комил эмасди. Чунки ажратиб олинган варақдан Карлоттанинг ўзи фойдаланган бўлиши ҳам мумкин эди. Лекин Пуаро ҳозир шу қадар хурсанд эдики,

унинг қувончини йўққа чиқаришга кўнглим бўлмади. Умуман олганда у ҳақ бўлиб чиқиши ҳам мумкин эди.

Шунга қарамасдан унинг фикрларидаги иккита заиф нуқтани кўрсатишга журъат этдим.

— У одам ким бўлмасин, хатни қандай қилиб қўлга туширган? Мисс Адамс уни сумкачасидан олиб оқсочга берган ва уни жўнатиб юборишини тайинлаган эди-ку.

— Шундай экан, бу борада иккита тахмин бор, ё оқсоч ёлғон гапирган, ё бўлмасам ўша оқшом Карлотта Адамс қотил билан учрашган

Мен бош ирғадим.

— Назаримда, бу тахминлардан иккинчиси ҳақиқатга яқинроқ. Биз ҳали мисс Адамс соат олти билан тўққизлар орасида қаерларда бўлганини билмаймиз-ку. Бу вақтда у қотил билан учрашганига ишончим комил. Балки, иккаласи бирон ерда овқатланган ҳамдир. Кейин унга охирги йўл-йўриқни бергандир. Хатга нима бўлганини ҳали аниқ билмаймиз. Тахмин қилишимиз мумкин, холос. Мисс Адамс уни жўнатмоқчи бўлиб қўлида ушлаб тургандир. Ёки ресторанда стол устига қўйгандир. Қотил адресини кўриб, хавф-хатарни сезиб қолгандир. Эҳтимол, у чаққонлик билан олиб бирон жойда ўқигандир, кейин варақни ажратиб хатни яна жойига қўйиб қўйгандир. Булар барини қандай қилиб амалга оширган, бунинг қизиғи йўқ. Лекин иккита нарса ойдинлашяпти. Карлотта Адамс ўша оқшом қотил билан учрашгани аниқ. Лекин бу учрашув ё лорд Эжуор ўлдирилгандан олдин бўлган, ё кейин. Менинг назаримда, тилла қутичани худди мана шу қотил совға қилган. Эҳтимол, қутича кўнгилхушлик чоғларидан хотира сифатида совға қилинган бўлиши ҳам мумкин. Унда, демак, қотил ўша «Д» бўлиб чиқади.

— Тилла қутичанинг бу ерда нима аҳамияти борлиги менга тушунарсиз.

— Эсингиздами, Гастингс, Карлотта Адамс веронал ичмаган. Бу ҳақда унинг синглиси ҳам ёзган, мен унинг гапига ишонаман. На унинг дўстлари, на оқсоч қутичани тилга олмади. Нима учун энди у ўлгандан кейин қутича чиқиб қолди. Чунки, у веронал ичган эди, деган таассурот қолдириш керак бўлиб қолган. Тағин буни у узоқ вақт — ярим йилдан буён истеъмол қилиб юрганмиш. Карлотта қотиллик амалга оширилгандан кейин қотил билан бир неча дақиқага учрашган, деб тасаввур қилайлик. Улар режалари муваффақиятли бажа-

рилганлигини нишонлаш учун қаҳва ичишган. Қотил қизнинг қаҳвасига эртасига бир умр уйғонмайдиган даражада веронал солиб юборган.

— Даҳшат, — дедим титраб кетиб.

— Ҳа, бу яхши бўлмаган, — деди Пуаро қуруққина.

— Бу ҳақда Жепга маълум қиласизми? — деб сўрадим.

— Ҳозир эмас. Унга нима дея олардим? Оғайнимиз Жеп: «Бўлмаган гап! Қиз оддийгина бир вараққа хат ёзган, холос, шуям гапми», дейди кўяди. — Мен айбдорларча бошимни эгдим. — Шунақа деса, унга нима деб эътироз билдира олардим? Ҳеч нима. Шундай бўлишим мумкин. Шунини яхши биламанки, бу тасодиф бўлмаган. Ҳа, худди шундай. Биз эса, тасодиф эмаслигини асослаб беришимиз керак. — Пуаро гапдан тўхтаб қолди. Унинг чеҳрасида хаёлга берилгандек ҳолат зуҳур этди. — Гастингс, бир тасаввур қилинг-а. Қотил пишиқроқ, ақллироқ бўлганда, маълум бир тартиб асосида иш кўрганда хатни йиртмаган, балки қирқиб олган бўларди. Унда биз ҳеч нимани сезмасдик. Мутлақо ҳеч нимани.

— Демак, у эҳтиётсиз одам бўлган экан-да, — деб кулиб кўйдим.

— Йўқ-йўқ, асло. У шошилган бўлиши мумкин. Эътибор қилинг: варақ йиртиб олинган. — У жим қолиб, кейин шундай деди: — Менимча, ундан ташқари, бошқа нарсаям бор. Бунга, Гастингс, сиз ҳам эътибор берган бўлишингиз керак. Манави «Д» деганнинг кўлида ўзини оқлайдиган жуда асосли далил бўлиши керак.

— Тушунмаяпман, аввал келиб у Рижент-Гейтда лорд Эжуорни, кейин Карлотта Адамсни ўлдирган бўлса, қандай қилиб унинг кўлида ўзини оқлайдиган асосли далил бўлиши мумкин.

— Гапингиз мутлақо тўғри, — деди Пуаро. — Менам худди шуни назарда тутяпман. Унга ўзини оқлаш учун асосли далил керак бўлган ва у бунини ҳозирлаган. Иккинчи бир ўрин: ҳақиқатдан ҳам унинг номи «Д» ҳарфидан бошланадими? Ё бўлмаса, Карлотта Адамсга маълум бўлган тахаллуснинг бош ҳарфими?

Пуаро гапдан тўхтади, кейин хотиржамлик билан шундай деди:

— Қайси эркакнинг отими, тахаллусими «Д» ҳарфи билан бошланадиган бўлса, уни топишимиз шарт, Гастингс. Ҳа-ҳа, уни албатта топишимиз лозим.

Йигирма тўртинчи боб

ПАРИЖДАН КЕЛГАН МУЖДА

Эртасига олдимизга Жеральдина Марш келди.

Пуаро уни қаршилаб стулга ўтқазгунча унинг юзларига диққат билан қараб турдим. У толиққан, ҳорғин, худди тунни бедор ўтқазгандай қовоқлари шишган эди.

— Мен сизни бир кўрмоқчийдим, — деди у, — чунки бу ёрига нима қилишни билмай гарангсиб қолдим. Қаттиқ хаво-тирдаман.

— Шунақами, мадемуазель?

— Ҳибсга олинадиган куни унга нима деганингизни айтиб берди. Гапига қараганда, сиз унга ишонармишсиз. Шу тўғрими, мсье Пуаро.

У Пуаронинг жавобини сабрсизлик билан кутарди.

— Тўғри, мадемуазель, — хотиржамлик билан жавоб берди Пуаро. — Мен амакиваччангиз лорд Эжуорни ўлдирганига ишонмайман.

— Демак, сиз бошқа бир одамдан шубҳаланаётган экансиз-да?

Пуаро калласини қимирлатди.

— Бирон-бир маълумотни билганимда, бажонидил сизга ёрдам берган бўлардим, — деди у ёлворганнамо.

Пуаро ҳали ҳам калласини қимирлатиб турарди.

— Қотилликни ўтай онам қилганига герцогиня Мертонскаянинг ишончи комил, — деди қиз ўйланқираб, кейин Пуарога диққат қилиб тикилди.

— Ўғай онангиз ҳақида нималар дея оласиз?

— Уни яхши билмайман. Дадам уйланганда мен Париждаги пансионатда эдим. Уйга келганимда у ўзини жуда мулойим тутди. Яъни, менинг бор-йўғимни сезмагандек қиёфада бўлди. Менимча, у тентак ва маишатпараст аёл.

Пуаро бошини ирғади.

— Сиз герцогиня Мертонская билан тез-тез кўришиб турасизми?

— Ҳа. У жуда хушдил. Сўнги кунларда бошимга шунча қийинчиликлар тушдики: Рональднинг ҳибсга олиниши, репортерларнинг алмойи-жалмойи саволлари, тарқалган миш-мишлар. Герцогиня жуда ажойиб аёл, ўғлиям жуда мулойим.

— У сизга ёқадими?

— Менимча кўрқоқ. У билан тил топишиш жуда қийин. Лекин онаси у ҳақда кўп гапларни гапириб берди. Энди уни анча билиб олдим.

— Тушунаман. Мадемуазель, менга очиғини айтинг-чи, сиз амакиваччангизни севасизми?

— Рональдними? Ҳа. Сўнгги икки йилда у билан кам кўришдик. Лекин унғача бизнинг уйимизда яшаган. Ҳазилкаш, одамни зериктирмайди. Бизникадай ғурбатга ботган уйда бу нарса жуда кўл келади.

Пуаро унинг гапларига бошини қимирлатиб турди-ю, кейин менинг нуқтаи назарим бўйича шафқатсиз бир саволни берди:

— Унинг осиб ўддирилишини хоҳламаяпсизми?

— Йўқ-йўқ, нималар деяпсиз! — Қиз қалтираб кетди. — Бунақа деманг. Эҳтимол, буни ўгай онам қилган бўлса керак.

— А-ҳа! — деди Пуаро, — капитан Марш таксида қолса бўлди-да, шунақами?

— Нимани назарда тутяпсиз? — деб сўради қиз. — Тушунмаётибман.

— Бир кишининг ортидан уйга кирмаганда-ку, зўр бўларди-я! Айтмоқчи, уйга биров кирганини эшитдингизми?

— Йўқ, ҳеч нима эшитганим йўқ.

— Уйга кирганингиздан кейин нима қилдингиз?

— Юқори қаватдан марваридни олиб тушдим. Бунга бир-мунча вақт кетди. Қимматбаҳо тошлар солинган қутининг калитини тополмай хийла овора бўлдим.

— Юқоридан тушганингизда амакиваччангиз даҳлизда эканми?

— Ҳа, у кутубхонанинг эшиги томонидан келаётган экан.

— Ҳа. — деди Пуаро мулойимлик билан. — Айтганимдай, у афсуски, кўчада турмаган. Шундай бўлганда такси ҳайдовчиси уйга кирмади, деб қасам ичиши мумкин эди.

Қиз бошини қимирлатиб қўйди. Унинг кўзларидан юзларига ёш думалаб тушди. Қиз ўрнидан турди, Пуаро унинг кўлидан ушлади.

— Мен уни сиз учун қутқаришимни истаяпсиз, тўғрими?

— Ҳа, ҳа, ўтинаман сиздан... — У турганча ўзини кўлга олишга интилар, титраб-қақшаб бармоқларини гижимларди.

— Сизга жуда қийин, мадемуазель, буни тушунаман, — деди Пуаро. — Гастингс, мадемуазелни таксига солиб юборолмайсизми?

Мен қиз билан пастта тушиб, уни таксига солиб юбордим.
Қайтиб келсам Пуаро қовоғини уйиб, хонада уёқ-буёққа бориб келарди.

Телефон жиринглаб қолди. Пуаро ғамгин фикрларидан чалғиб, гўшакни кўтарганидан мамнун бўлдим.

— Ким бу? О, Жеп, салом дўстим.

— Нималар деяпти? — дедим телефонга яқинроқ келиб.

Пуаро унинг нима тўғрида гапирётганини эшитиб турди, кейин сўради:

— Ҳа, олиб кетгани ким келибди? Улар билишадими?

Жавоб унинг учун кутилмаган ҳол бўлди. Юзлари ғалати бўлиб буришди.

— Ишончингиз комилми?.. — Йўқ, бу ташвишли, холос. Мен ўз фикрларим, ғояларимни қайта кўриб чиқишим керак... — йўқ барибир мен ўз фикрларимда қоламан. Сиздан илтимос қиламан, ёнидаги Рижент-Гейт, Юстон, Тоттенхем — Кордроуд, балки, Оксфорд-стрит ресторанилари ҳақидаги маълумотларни ҳам тартибга соларсиз... — Ҳа, аёлларни ҳам, эркаларни ҳам. Шу билан ярим кечагача қўшни Стрендни ҳам. Нима?.. Биламан, капитан Марш Дортхаймер билан бирга бўлган. Бундан ташқари, бошқа одамлар ҳам бор. — Мени қайсар дейишингиз яхши эмас. Илтимос, бир ҳожатимни чиқаринг. — У шундай деб гўшакни илиб қўйди.

— Хўш, нима гап? — чидамсизлик билан сўрадим.

— Нима гап деяпсизми, Гастингс? Янгиликдан оғзим очилиб қолди. Анави олтин қутича Париждаги машҳур магазиндан сотиб олинган экан. Хатга «Констанс Акерли» деб имзо чекилган. Табиий, бундай зот мавжуд эмас. Хат қотиллик рўй беришидан икки кун олдин олинган. Унда исми ёзилган, ёқут қадалган, ичида ёзуви билан олтин қутича буюртма берилгани маълум қилинади (хат муаллифи тахмин қилинади). Буюртма тезлик билан бажарилади. Эртасигаёқ олиб кетилади. Бу қотилликдан бир кун олдинги гап.

— Уни ким олиб кетибди? — ҳаяжонланиб сўрадим ҳақиқат юзага чиқишини сезиб.

— Уни бир аёл олиб кетибди, Гастингс.

— Аёл? — дедим ҳайратланиб.

— Худди шундай. Паст бўйли пенсне таққан кекса аёл экан.

Биз ҳайрон бўлиб бир-биримизга тикилиб қолдик.

Йигирма бешинчи боб

НОНУШТА

— Менимча, бу гаплардан бир кун ўтиб Уидберн томонидан «Клериж» ресторанига нонушта қилишга таклиф қилиндик.

Менинг ҳам, Пуаронинг ҳам боришга кўнглимиз чоппади. Чақиравериб ҳол-жонимизга қўймади. Миссис Уидберн ўзини кўрсатишни, мақтанишни яхши кўрарди. Шундай гаплар қилдики, бормасликнинг иложи бўлмади. Кел, бориб қутулиб қўя қолайлик, деган қарорга келдик.

Пуаро Париждан олинган янгиликлардан кейин қандайдир ўйчан, одамлардан ўзини олиб қочадиган бўлиб қолган эди. Ҳамма берган саволларимга бир хил:

— Бу ерда ниманидир тушунмаяпман, — деб қисқа жавоб бериб қўяқоларди.

Бир-икки марта ўзича:

— Пенсне. Париждаги пенсне. Карлотта Адамснинг сумкасидаги пенсне, — деб гўлдираб қўйганини эшитиб қолдим.

Тўғрисиани айтсам, нонуштага таклиф қилинганимиздан суюндим. Бир кўнгил ёзарканмиз-да, деб қўйдим. Бизни Дональд Росс деган йигитча кутиб олди. Нонуштада аёллардан кўра эркаклар кўп бўлди, шунинг учун Дональд Росс билан бир столда ўтириб қолдик.

Бизнинг қаршимизда Дейн Уилкинсон ва у билан ёнма-ён миссис Уидберн билан ёш герцог Мертонский ўтиришди.

Назаримда (албатта бу хаёлим меваси) герцог Мертонский ўзини бироз ноқулай сезгандай бўлди. Чунки бу ердагилар унинг кўнглидаги одамлар эмасди. Чунки у мутаассиб ва ҳаётдан узоқ, одамови бир кимса эди. Унинг шундоқ хушчақчақ, ўйин-кулгини ёқтирадиган Дейн Уилкинсонни севиб қолиши худди табиатнинг аччиқ ҳазилига ўхшарди.

Дейннинг табиат инъом этган шу қадар гўзаллигини, унинг бўғиқроқ, лекин ёқимли овозини эшитиб унга мафтун бўлиб қолганлигига ажабланмаса ҳам бўлади. Лекин вақт ўтган сари энг мукамал гўзалликка ҳам кўникиш мумкин. Агар озгина калла ишлатилса, ҳар қандай кучли муҳаббатни ҳам жиловлаб олса бўлади, деган фикр келди хаёлимга.

Бундай фикрга келишимга Дейн Уилкинсоннинг орзидан чиқиб кетган битта нотўғри сўзи сабаб бўлди.

Кимдир (кимлиги ҳозир эсда йўқ) гап орасида «Парисдаги суд» деб юборди. Дейн шу заҳоти унга дашном бергандай...

«Парижми?»¹ — деди. — Бизнинг замонимизда Парижнинг обрўси тушиб кетган. Энди Лондон ва Нью-Йорк билан ҳисоблашиб иш қилишади».

Баъзан бўлганидек, унинг бу гапи суҳбат давомидаги бир дақиқалик сукунат пайтида эшитилди. Орага ноқулайлик чўқди. Унг томонида ўтирган Дональд Росс нафасини ичига ютди. Миссис Уидберн гапни рус операсига буриб ҳаяжонланиб гапира бошлади. Биргина Дейн Уилкинсон қовун тушириб қўйганини сезмай, эътиборсиз столга қараб ўтираверди.

Мен диққатимни герцогга қаратдим. У қип-қизариб кетган, лабларини жуплаб олганди, назаримда, бу гапни эшитиб сал нари сурилиб ўтиргандек ҳам бўлди.

Шу пайтда унинг тоифасидаги одамларнинг ҳаммаси бундай аёлга уйланиши хунук оқибатларга олиб келишини, яхшилиқ билан тугамаслигини тушунгандай бўлди.

Мен биринчи бўлиб (бундай вақтларда тез-тез бўлиб туради) болаларни эрталабки томошага олиб чиқадиган тўладан келган аёлга гап очдим: «Стоннинг нариги четида ўтирган қипқизил кўйлакли ғалати аёл ким?» деб сўрадим. Унинг синглизиси экан. Мингирлаб нимадир дея узр сўрадим, бу ёнимга ўтирилиб Россга гапирдим. Лекин у ҳам тумсайиб бир нималар деди.

Икки томонимдан ҳам дакки еганимдан кейин Брайен Мартинни кўриб қолдим. Афтидан, у кечикиб келган ва мендан нарироқда қандайдир бир малла соч қиз билан валақлашиб ўтирарди.

Уни анчадан буён кўрмагандим, яхши томонга ўзгарганини кўриб ҳайрон бўлдим. Энди у ҳорғин кўринмас, ҳатто ёшариб кетгандек эди. Ҳадеб кулар ва бу билан қўшнисининг гашига тегарди.

Уларни кузатиб ўтиришдан маҳрум бўлдим. Чунки ён қўшним юмшоқ тортиб қолди. Хайр-эҳсон жамияти учун ўзи ташкил қилган, гўзаллик мавзусини тараннум этувчи болалар спектаклидан узундан-узоқ сахнани ёддан айтиб берди.

Пуаро зиёфатдан вақтли чиқиб кетди, чунки соат икки яримда биттаси билан учрашишга келишиб қўйган эди. У элчининг ғалати вазиятда йўқолиб қолган ботинкаси билан боғлиқ бўлган ишни текшираётган эди. У миссис Уидбернга менинг узримни айтиб қўйинг, деб тайинлаб кетди.

¹ Инглизчада «Парис» ҳам, «Париж» ҳам бир хил талаффуз қилинади.

Мен дугонаси орқали унинг олдига бориш учун пайт пойлаб тургандим, кимдир елкамга туртди.

Бу ёш йигит Росс эди.

— Мсье Пуаро сиз билан бирга келганмиди? У билан гаплашадиган гапим бор эди.

Мен унга Пуаро ҳозиргина чиқиб кетди, деб тушунтирдим. Росс хафадек кўринди. Нимадандир хавотирда эди.

— У билан нима ҳақда гаплашмоқчи эдингиз? — деб сўрадим.

У секингина:

— Ўзимам билмайман, — деди.

Бу ғалати жавоб бўлди. Унга ажабланиб қарадим. Йигит қизариб кетди.

— Биламан, бу эшитган қулоққа жуда ғалати туюлади. Гап шундаки, қандайдир шубҳали нарса содир бўлди. Нималигини ўзим ҳам тушунолмаётиман. Бу тўғрида мсье Пуаро билан маслаҳатлашмоқчи эдим. Нима қилишимни билолмай бошим қотиб қолди...

У ташвишманда кўринди, уни хотиржам қилишга уриндим.

— Пуаро иш юзасидан биров билан учрашгани кетди, — дедим. — У кечқурун соат бешда уйда бўлади. Қўнғироқ қилинг, ёки келинг.

— Раҳмат, шундай қила қоламан. Соат бешда, а?

— Яхшиси, олдинроқ қўнғироқ қилиб билинг.

— Яхши, раҳмат Гастингс.

Унга имлаб қўйиб миссис Уидбернга ўтирилдим. У билан хайрлашиб нари кетган эдим, биров тирсагимдан тутганини сездим.

— Қўлимдан чиқишга уринманг, — қувноқ овоз янгради.

Бу Женни Драйвер эди. У гўзал тортиб кетган эди.

— Хэлло, — дедим, — қаердан пайдо бўлиб қолдингиз?

— Зиёфатда сиздан сал нарида ўтиргандим.

— Сизни сезмабман. Ишларингиз қалай?

— «Шўрва талинкаси» яхши кетяптими?

— Сиз менсимайдиган «шўрва талинкаси», гарчанд тайёрлаш машаққат бўлса-да, ёмон кетаётгани йўқ. Булар қаварик патга ўхшайди.

— Хунукдан-хунук.

— Ҳечам-да. Бекорчи туяқушларни иш билан таъминлаш керак-ку, ахир. — У хандон ташлаб нари кетди. — Хайр. Эртага дам олиш куним. Қишлоққа бориб келмоқчиман.

— Жуда яхши, — маъқуладим. — Лондонда ҳозир ҳаво жуда иссиқ.

Шошилмай истироҳат боғи орқали ёлғиз ўзим кетдим. Уйга соат тўртда етиб келдим. Пуаро ҳали келмаган эди. Орадан йигирма дақиқа ўтгандан кейин у жуда хандон-хушон кириб келди.

— Тушунишимча, жаноб Холмс, — дедим, — элчининг ботинкасини текширган кўринасиз.

— Иш кокаин контрабандаси билан боғлиқ экан. Сўнги соатда гўзаллик салониди бўлдим. У ерда қизғиш сочли бир санам бор экан, кўрганингизда юрагингиздан уриб қоларди.

Пуаро қизғиш соч аёлларга эътиборсиз эмаслигимни яхши биларди. У билан баҳслашиб ўтирмадим.

Телефон жиринглаб қолди.

— Бу Дональд Росс бўлса керак, — дедим телефонга яқинлашар эканман.

— Дональд Россми?

— Ҳа. Биз Чизвикда танишган ёш актёр.

Мен гўшакни кўтардим.

— Хэлло. Капитан Гастингс гапиряпти.

— Сизмисиз, Гастингс? Мсье Пуаро келдими?

— Ҳа, у шу ерда. У билан телефонда гаплашмоқчимисиз ё келасизми?

— Телефонда гаплашсам ҳам бўлаверади.

— Яхши. Гўшакни бераман.

Пуаро гўшакни олди. Унинг ёнида туриб Росснинг гапларини сал-пал эшита олишим мумкин эди.

— Мсье Пуаромисиз? — овоз шоша-пиша, ҳаяжон аралаш эшитила бошлади.

— Ҳа, мен.

— Сизни безовта қилмоқчи эмасдим, секин баъзи нарсалар менга жуда галати туюляпти. Бу лорд Эжуорнинг ўлимига дахлдор.

Пуаро хушёр тортди.

— Балки, бу сизга арзимас бўлиб туюлар...

— Йўқ, йўқ. Барибир гапираверинг.

— Парижнинг эслатилиши мени ҳайрон қолдирди. Биляп-сизми... — Шу пайт узоқдан қўнғироқ овози эшитилди.

— Бир сония кутиб тулинг, — деди Росс.

Гўшакнинг қўйиб қўйилган овози эшитилди.

Кутиб турдик. Пуаронинг қўлида гўшак, мен унинг ёнида турибман.

Орадан икки, уч, тўрт... беш дақиқа ўтди.

Пуаро чидамсизлик билан оғирлигини у оёғидан бу оёғига солар ва ҳадеганда соатига қарарди.

У ричагни босиб телефон станциясига қўнғироқ қилди. Кейин менга ўтирилди.

— Нариги тарафда гўшак кўтарилган, лекин ҳеч ким жавоб бермаяпти. Гастингс, тез бўлинг, телефон дафтарчасидан Росснинг адресини қаранг.

Уйига боришимизга тўғри келади.

Йигирма олтинчи боб

ПАРИЖ

Орадан бир неча дақиқа ўтмаёқ такси ёлладик.

Пуаронинг қиёфаси жиддий тортди.

— Мен чўчиб қолдим, Гастингс, — деди у. — Чўцияпман.

— Назарингизда, мен... — деб гап бошладим, индамай қолдим.

— Биз икки бор зарба берган кимса билан олишмоқдамиз.

Керак бўлса яна зарба беришдан тоймайди. У тулкидай ҳийлакор. Ўз ҳаётини сақлаб қолиш учун жон борича курашади. Росс унга хавф туғдирыпти. Демак, Россни йўлидан олиб ташлашга уринади.

— Наҳотки Росс муҳим бир нарсани сезиб қолган бўлса? — гумонсираб сўрадим. — Ўзиям бунга унчалик ишонч ҳосил қилмагандай кўринганди.

— Демак, у хато қилган. Нима бўлмасин у бизга ниҳоятда зарур бўлган нарсани маълум қилмоқчи бўлган.

— Буни ким билиб қолган бўлиши мумкин?

— У сиз билан «Клериж»да гаплашмоқчи бўлганди. Атрофда одам кўп эди. Эҳтиётсизлик қилинган, ҳа, жуда эҳтиётсизлик қилинган. Эҳ! Нега уни бу ерга олиб кела қолмадингиз-а, Гастингс?

— Калламга келмабди... — деб гап бошлаган эдим, Пуаро қўлини силкиди.

— Ўзингизни айбламанг... Бунақа бўлишини қаердан ҳам билардингиз? Биласизми, Гастингс, қотил йўлбарсдай чаптаст ҳамда шафқатсиз. Эҳ, қачон етиб борарканмиз, намунча имиллаб юрмасак.

Ниҳоят етиб ҳам келдик. Росс Кенсингтонда иккинчи қаватдаги хонадонда турарди. Пастда кўча эшикнинг ёнида артистнинг фамилияси ёзилган лавҳа ўрнатилган. Даҳлиз эшиги очиқ экан. Юқорига қараб узун зинапоя кетган.

— Кириш осон экан. Ҳеч ким сезмади ҳам, — минғирлаб қўйди зинадан кўтариларкан Пуаро.

Юқори қаватга чиқиб Росснинг хонаси олдидаги эшиқда тўхтадик. Ҳамма ёқда ўлик сукунат ҳукмрон. Эшикни итарган эдим очилиб кетди. Ҳайрон бўлдим.

Биз икки томонида эшиги бор торгина даҳлизга кирдик. Эшиклардан бири очиқ, иккинчиси, афтидан, меҳмонхона эшиги эди.

Биз меҳмонхонага кирдик. Ҳеч ким йўқ. Столда телефон, унинг ёнида гўшак ётарди. Меҳмонхонадан қайтиб даҳлизга, кейин иккинчи хонага кирдик. Бу хонадан торгина ошхонага чиқиларди. Россни шу ерда топдик. У студдан ярим қийшайганча столга бошини қўйиб ўтирарди.

Пуаро унга энгашиб қаради.

Кейин қаддини тиклади — унинг ранги бўзариб кетган эди.

— У ўлган. Гарданига пичоқ санчиб ўлдирилган.

Мана бу даҳшатли ҳодиса кўп вақтлар эсимдан чиқмай кўз олдимда гавдаланаверди. Айбдорлик ҳисси вужудимни кемириб юрди.

Пуаро бу даҳшатли ишни очғунимизча мутлақо хотиржам бўлди. Полициянинг келишига ҳам, қўни-қўшнилари сўроқ қилишларга ҳам эътибор бермади, у қандайдир вазияти равишда хотиржам ва қандайдир чуқур фикрларга чўмганча юрди.

— Гастингс, энди биз аттанг дея афсусланиб юриш учун вақтимизни кетказмаслигимиз керак, — деди у. — Бечора йигитча, бизга нимадир демоқчи бўлган экан. Бу биз учун жуда муҳим маълумот бўлиши турган гап, бўлмаса уни ўлдиришмаган бўларди. Энди унинг ким эканлигини ўзимиз тусмоллаб топишимиз керак. Мана бу чигал калавани ечадиган қўлимизда битта калит бор.

— Париж, — дедим.

— Ҳа, Париж, — деди у.

Пуаро ўрнидан туриб хонадан уёқдан-бу ёқда бориб кела бошлади.

— Бу ишда Париж бир неча бор тилга олинган. «Париж» сўзи тилла қутичага ўйиб ёзилган. Париж, ўтган йилнинг ноябрь ойи. Мисс Адамс ўтган йили шу вақтда Парижда бўлган. Росс ҳам ўша ерда бўлган. Балки, Росс мисс Адамснинг Парижда бирортаси билан вазияти ҳолатларда бўлганини кўриб қолганмикин?

— Биз бунинг тагига етолмаймиз, — дедим.

— Йўқ, етамиз. Буни била оламиз! Инсон миясининг имконияти, Гастингс, чексиз бўлади. Бу иш бўйича Париж сўзи нима муносабат билан тилга олинган эди? Анув заргарлик магазинида пенсне таққан аёл қутича олган эди. Эҳтимол, у Росс билан танишдир? Лорд Эжуорни ўлдиришганда герцог Мертонский Парижда бўлган. Париж, Париж, Париж. Лорд Эжуор Парижга кетмоқчи бўлиб отланиб турган эди... Аҳа! Балки, бунинг замирида бирон нима яшириниб тургандир. Эҳтимол, уни Парижга бормаслиги учун ҳам ўлдиришгандир? — Пуаро яна ўтириб қовоғини солиб олди. — Нонушта пайтида нима бўлди? — деб сўради у. — Қандайдир оддий гапми ёки иборами Россга кўп маъноли, ёки илмоқли бўлиб эшитилгандир. Нонушта пайтида Франция ҳақида гап кетдими? Ёки Париж тилга олиндими?

— «Париж» сўзи бошқа муносабатлар билан бир неча бор...

Мен Дейн Уилкинсоннинг суҳбатда қовун тушириб қўйганини айтиб бердим.

— Эҳтимол, у тушунтириш бергандир, — деди Пуаро ўйланқираб. — «Париж» сўзини бирон нима билан солиштириш учун ишлатгандир. Кейин яна нима бўлди? Росс қаёққа қараб турганди? «Париж» сўзи айтилганда у нима деди?

— У шотланд ирим-сиримлари ҳақида гапирди.

— Бу вақтда у қаёққа қараб туриб гапирди.

— Аниқ айтолмайман. Менимча, миссис Уидбернга қараб турган эди.

— Уидбернинг ёнида ким ўтирган эди?

— Герцог Мертонский, кейин Дейн Уилкинсон, унинг ёнида қандайдир бир нотаниш йигитча бор эди.

— Герцог. У герцогга қараб туриб гапирган бўлиши мумкин. Қотиллик рўй берганда унинг Парижда бўлганини ёки ўзининг ўша ерда бўлганман деб ҳисоблашини ёдингиздан чиқарманг. Тасаввур қилайлик. Росс бирдан герцогнинг бу вақтда Парижда бўлмаганлигини эслаб қолгандиру, буни исботлаб бермоқчи бўлган.

— Дўстим Пуаро!

— Сиз ҳам ҳамма қатори буни бемаънилиқ деб ҳисоблайсиз. Қотилликни амалга ошириш учун герцогга сабаб бормиди? Ҳа, бор эди. Фараз қилайлик, у қотилликка қўл урди — о, бу жудаям бемаънилиқ! Бунақа мавқедаги одам-а! Буни биров ўйлаб ҳам кўрмайди. Каттакон отелда бунга сабаб ўйлаб топиш қийин бўлмаса-да, Гастингс. «Париж» сўзи тилга олин-

ганда Росс бирон нима дедими? Қандайдир ҳис-ҳаяжонга берилдимми?

— Менга миқ этмай нафасини ичига ютиб ўтиргандай туюлди.

— Кейин ўзини қандай тутди? Хижолат чеккандай бўлдимми?

— Ҳа, худди шундай бўлди.

— Демак, калласига қандайдир фикр келган. У, уни бемаъни деб ўйлаган. Лекин барибир бу фикри уни тинч қўймаган. Охири мен билан гаплашмоқчи бўлган. Энди гаплашаман деганда мен кетиб қолганман.

— Ишониб менга айтаверганда жуда омади иш бўлардида, — дедим афсусланиб

— Ҳа, дарҳақиқат... у билан гаплашаётган пайтингизда яқинингизда кимлар бор эди?

— Деярли ҳамма меҳмонлар. Улар миссис Уидберн билан хайрлашишаётган эди.

Пуаро яна ўрнидан турди.

— Наҳотки мен қаердадир нотўғри йўл тутган бўлсам? — дея гўлдиради у хонада уёқ-бу ёққа юраркан.

Мен унга ачиниб қарадим. Унинг миясида қандай фикрлар гужрон ўйнаётганини билмасдим. «Писмиқ, ичимдагини топ», деган эди Жеп у ҳақда, Скотланд-ярдик инспекторнинг фикрлари мутлақо тўғри эди. Шунини аниқ билардимки, Пуаронинг фикрлари сочилиб кетган, у буларни бир жойга йиғиштириб ололмас, ўзи билан ўзи ихтилофга киришган эди.

— Ҳар ҳолда, — дедим мен, — бу жиноятни Рональд Маршнинг бўйнига қўйиш мумкин эмас.

— Ҳа, бу борада ютуқ унинг қўлида, — деди лоқайдлик билан Пуаро. — Лекин ҳозир бу нарса бизни қизиқтирмайди.

Бирдан у жойига ўтириб олди.

— Мен мутлақо ноҳақ бўлиб чиқишим мумкин эмас. Гастингс, мен қўйган бешта савол ёдингиздами?

— Нарини-бери эсимда.

— Бу саволлар қуйидагича эди: нима учун лорд Эжуор ажрашиш ҳақидаги фикрини ўзгартирди? У ёзган хат хотинининг қўлига бориб тегмаганини нима билан изоҳлаш мумкин? Кутубхонасидан чиққанимизда нима учун унинг ранги ғазабдан кўкариб кетди? Карлотта Адамснинг сумкачасига пенсне қандай қилиб тушиб қолган? Леди Эжуорга Чизвикка кимдир телефон қилиб шу заҳоти яна гўшакни нима учун илиб қўйган?

— Ҳа, — дедим, — саволларингиз энди эсимга тушди.

— Гастингс, калламда кичкинагина ғоя пайдо бўлган эди. Бу қотилликка раҳбарлик қилган ўша одам ким эди деган ғоя. Бешта саволимдан учтасига жавоб топдим ва бу жавоблар ғояларимга тўғри келади. Лекин иккита саволимга ҳанузгача жавоб топилмади. Бу нимани билдиради, биласизми? Ўша одам ҳақидаги хулосаларимда ёмон адашишман, яъни қотил бошқа одам, ёки бу иккита саволимга жавоб қўл остимда. Бундан қайси бири тўғри? Нима дейсиз, Гастингс?

Пуаро столга келиб қутидаги Америкадан жўнатилган хатни олди. У столга Карлотта Адамснинг хатини ёйиб уни индамай синчиклаб текшира бошлади.

Дақиқалар ўтди. Мен ҳомуза тортиб китоб варақдай бошладим. Хатга тикилиб ўтиришидан бирон нарса топади, деб ўйлаганим йўқ. Чунки хатни узунасиғаям, кўндалангиғаям роса текширганмиз, шуниси аниқ эдики, хатда гап фақат Рональд Марш ҳақидагина кетмаган, кейин ундан бошқа бирон нимани топиш ҳам мумкин эмасди.

Мен аста китоб варақлаб ўтиравердим... Эҳтимол, озгина кўзим кетган бўлса ҳам бордир...

Бирдан Пуаро қичқириб юборди. Чўчиб ўрнимдан ирғиб туриб кетибман.

— Гастингс, Гастингс!

— Ҳа, нима гап! Ўтакамни ёрворай дедингиз-ку!

— Эсингиздами, қотил агар тажрибали бўлиб ишни пухта-пишиқ олиб борганда хат варақларини йиртмаган, аксинча, қирқиб олган бўларди, дегандим.

— Ҳа.

— Мен ноҳақ эканман. Қотилликни амалга оширишда қотил ишни пухта ва пишиқ олиб борган. Мана бу ердан саҳифа йиртиб олинган бўлиши керак, қирқиб олинмаган. Буёққа қаранг.

Мен қарадим.

— Мана, кўряпсизми?

Бошимни қимирлатдим.

— Сиз қотил шошилган демоқчимисиз?

— Шошилганми, йўқми барибир. Наҳотки, кўрмаётган бўлсангиз, дўстим? Саҳифа йиртилган бўлиши керак...

Пуаро аста шундай деб қўйди:

— Аҳмоқ бўлган эканман. Кўр эканман, энди эса... ишимиз бароридан келади.

Орадан бир дақиқалар ўтиб Пуаро сакраб ўрнидан турди. Гап нимадалигининг тагига етмасдан мен ҳам туриб кетдим.

— Такси ушлаймиз. Соат энди тўққиз бўлди. Бораверамиз, ҳали унчалик кеч эмас.

— Қаёққа борамиз?

— Рижент-Гейтга.

Мен йўл бўйи индамай кетишга қарор қилдим. Бирон савол берганимда ҳам Пуаро жавоб бермаслигига кўзим етган эди. У жуда ҳаяжонда эди. Таксига ўтиришимиз билан чидамсизлик билан тиззасига черта бошлади. Пуаро одатдаги хотиржам Пуарога мутлақо ўхшамай қолган эди.

Мен Карлотта Адамснинг синглисига ёзган хатини хотирамда тиклай бошладим. Бу пайтга келиб ўша хатни деярли ёдлаб олган эдим. Пуаронинг хатдан йиртиб олинган варағи ҳақидаги гапларни ўзимча қайта-қайта такрорладим.

Барибир бирон маъно чиқара олмадим. Пуаронинг гаплари менга борган сари маъносиздай бўлиб туқлаверди.

Нима учун ўша саҳифа йиртиб олинishi керак экан? Йўқ, бундан ҳеч нима тушуна олмадим.

Рижент-Гейтдаги уй эшигини бизга янги эшик оғаси очди. Пуаро миссис Кэроллни сўради. Эшик оғаси бизни юқорига олиб чиққунча ўз-ўзимча бир неча бор «грек худоси» қаерга қойиб бўлганикин деб қўйдим. Полиция уни эътибордан соқит қилган эди. Эҳтимол, у ўлиб кетгандир ҳам...

Мисс Кэроллнинг кўриниши бинойидай, ўзи хотиржам, беташвиш. Бу ҳол ҳаёлимни жамлаб олишимга туртки берди. У Пуаронинг келишидан жуда ҳайрон бўлди.

— Ҳалига довур шу ердалигингиздан хурсандман, мадемуазель, — деди Пуаро таъзим бажо келтириб, — бу уйдан кетиб қолган бўлсангиз керак деб қўрққандим.

— Жеральдина кетаман десам эшиттисиям келмаяпти, — деди мисс Кэролл. — Кетмаслигимни ўтиниб сўради. Дарҳақиқат, мана шундай аламли кунларда шўрлик қизга кимдир ёнида ҳамдард бўлиб кўнглини кўтариб туриш керак-ку, ахир. Мен бунинг уддасидан чиқа оламан, мсье Пуаро.

У шундай деб лабини қисди. Мен буни репортерлар билан гаплашавериб гапни қисқа қилишга ўрганиб қолганлигига йўйдим.

— Мадемуазель, ҳамма вақт ташкилотчиликни ўрнига қўйиб келгансиз. Бу боради сизга тан бераман. Бу жуда катта истеъдод саналади. Мадемуазель Марш бу соҳада тажрибасиз.

— У хаёлпараст, — деди мисс Кэрролл. — Бахтига, ишлаб тирикчилик ўтказишдан холи.

— Ҳа, албатта.

— Менимча, бу ерга тажриба ҳақида гаплашиш мақсадида келмаган бўлсангиз керак. Сизга қандай ёрдам бера олишим мумкин, мсье Пуаро?

Пуаро одатда мавзуга узоқдан келиб ёндашишни хоҳларди. Лекин миссис Кэрролл билан бундай гаплашиш мумкин эмасди. У кўзойнагининг ўткир ойнаклари ортидан Пуарога шубҳаланиб тикилди.

— Баъзи бир ҳолатлар бўйича сиздан аниқ маълумотлар олмоқчиёдим. Биламан, мисс Кэрролл, сизнинг хотирангизга суянсам бўлади.

— Унда ёмон котиба бўлган бўлардим, — деди у қатъий.

— Лорд Эжуор ўтган йили ноябрь ойида Парижда бўлганмиди?

— Ҳа.

— Унинг борган пайтини аниқ айтиб бера оласизми?

— Мен ёзувларимни солиштириб чиқишим керак, — у шундай деб стол галадонидан ён дафтарчасини чиқариб варақлай бошлади. Кейин шундай деди: — Лорд Эжуор ўтган йили Парижга учинчи ноябрда кетиб, еттинчи ноябрда қайтиб келган. Ундан ташқари, яна йигирманчи ноябрда кетиб тўртинчи декабрда қайтиб келган. Сизни яна бирон нима қизиқтирадими?

— Ҳа. Нима мақсадда борган эди?

— Биринчи сафар борганида ҳайкалчаларни кўргани борган эди. Уларни сотиб олмоқчи бўлган. Иккинчи сафар борганида, билишимча, бирон мақсади йўқ эди.

— Сафарда мадемуазель Марш отасининг ёнида борганмиди?

— У ҳеч қачон отаси билан бирга юрмаган, мсье Пуаро. Уни олиб юриш лорд Эжуорнинг хаёлига келмаган ҳам. Бу вақтларда у Париждаги пансионда бўлган. Лекин отаси уни бориб кўрганлигига ҳам шубҳам бор.

— Ўзингиз бирга бормаганмисиз?

— Йўқ. — мисс Кэрролл Пуарога қизиқсиниб қараб туриб, кейин: — Нега менга бундай саволларни беряпсиз, мсье Пуаро? — деб сўради.

Дўстим жавоб бериш ўрнига савол ташлади.

— Мисс Марш ўз аммаваччасини жуда севарди, а, тўғрими?

— Албатта. Лекин бу нарсалар нима учун сизни қизиқтириб қолганига тушунмай турибман.

— Мисс Марш яқинда ҳузуримга келган эди, хабарингиз борми?

— Йўқ, — деди мисс Кэрролл ҳайрон бўлиб. — У нима деди?

— У келиб амакиваччасини жуда севишини айтди.

— Унда буни мендан нега сўраб ўтирибсиз?

— Чунки мени сизнинг фикрингиз қизиқтиради.

Мисс Кэрролл жавоб беришдан олдин бирмунча вақт ўйла-ниб турди.

— Менимча, мисс Марш уни жуда севади.

— Ҳозирча лорд Эжуор сизга унчалик ёқмаса керак-а?

— Мен ҳали бундай деганим йўқ. Мени у шунчаки, қизиқтирмайди. Енгил табиат йигит. У билан улфатчилик қилиш ёқимли, албатта. Лекин Жеральдинанинг бир жиддийроқ одам билан мулоқотда бўлишини хоҳлардим.

— Герцог Мертонскийга ўхшаш одам биланми?

— Мен герцогни билмайман. Ҳар ҳолда у ўзига юклатилган бурчга жиддийроқ муносабатда бўлса керак, деб ўйлайман. Ахир у анави аёл — Дейн Уилкинсонга ошиғу беқарор-ку.

— Унинг онаси...

— О, унинг онаси, тўғриси айтишим керак, ўғлини Жеральдинага уйланишини жон-жон деб хоҳларди.

Онасининг қўлидан нимаюм келарди? Ўғил оналари танлаган келинини сира ёқтиришмайди.

— Амакиваччаси Маршни севадими, фикрингиз қалай?

— Ҳозирги вазиятда бунинг аҳамияти йўқ.

— У қамалиб кетади, деган фикрдамисиз?

— Йўқ. Қотилликни у амалга оширмаган деб ўйлайман.

— Лекин, барибир унинг қамалиш эҳтимоли борми? —

Мисс Кэрролл бирон нима деб жавоб бермади. — Вақтингизни олмайман. — Пуаро ўрнидан турди. — Айтмоқчи, сиз Карлотта Адамсни билармидингиз?

— Уни саҳнада кўрганман. Истеъдодли актриса.

— Ҳа. — Пуаро шундай деб фикрга чўмгандай бўлди.

— Э-ҳа! Сал бўлмаса қўлқопни унутай дебман.

Пуаро столдаги қўлқопни оламан деб қўли мисс Кэрроллнинг пенснеси занжирига илиниб қолди-ю уни узиб юборди. Узр сўрагандай бир нима деб минғирлади, пенснени қўлқоп билан бирга олиб, кейин уни эгасига узатди.

— Сизни безовта қилганим учун яна бир бор узр сўрайман, — деди у. — Мен кейинги йилларда лорд Эжуорнинг бировлар билан ораларида ихтилоф чиқиб юрган бўлса, бунинг сабабини билмоқчи бўлиб келгандим. Париж ҳақида савол берганимнинг боиси ҳам шунда. Бунга умид боғлаш қийин албатта. Лекин мадемуазель Маршнинг амакиваччаси жиноят қилмаганига мутлақо ишончи комил. Ҳайрон қоларли даражада ишонади бунга... Яхши ётиб туринг, мадемуазель, безовта қилганим учун минг бор узр.

Биз эшикка келган эдик ҳамки, мисс Кэрролл орқамиздан қичқириб қолди.

— Мсье Пуаро, бу менинг пенснем эмас.

— Нима? — Пуаро унга ҳайрат билан қаради. Кейин унинг юзига табассум югурди. — Ҳа, эсим курсин-а! Менинг пенснем чўнтагимдан тушган экан, сизникига алмашлаб юборибман.

Пенселарни алмаштириб чиқиб кетдик.

— Пуаро, — дедим кўчага чиққанимиздан кейин, — сиз пенсне тақмайсиз-ку ахир.

У чехраси ёришиб менга қаради.

— Ҳаддан зиёд зийрак экансиз! Коса тагидаги ним косани дарров илғаб олдингиз-а.

— Бу Карлотта Адамснинг сумкачасидан чиққан пенснеми?

— Шундай.

— Нима учун уни мисс Кэрроллга тааллуқли бўлиши мумкин деб ўйладингиз.

Пуаро елка қисди.

— Бу ишда пенсне тақадиган ягона одам шу аёл.

— Барибирам бу уники эмас экан-ку, — ўйланқираб дедим.

— Буни унинг ўзи айтяпти.

— Оббо шубҳагўй шайтон-эй.

— Ҳечам-да. Эҳтимол, у тўғриси айтгандир. Бўлмаса, алмаштириб қўйганимни сезмаган бўларди. Буни жуда моҳирлик билан бажардим, дўстим.

Биз дуч келган кўча билан кетавердик. Такси олайлик, десам Пуаро унамади.

— Дўстим, ўйлаб фикрларимни жамлаб олишим керак.

Уни мажбур қилмадим. Оқшом дим, уйга қайтгим келмади.

— Демак, Париж ҳақидаги гапларингиз бир ниқоб экан-да? — қизиқсиниб сўрадим.

— Унчалик эмас.

— Биз ҳали «Д» нинг замиридаги сирни аниқлаганимиз йўқ, — дедим ўйланқираб. — Қизиқ, бу ишда Дональд Россдан бошқа ҳеч кимнинг исмида бунақа ҳарф йўқ. У бўлса, энди ўлган.

Сэр Монтегью Корнернинг зиёфатидан кейин уч киши бўлиб оқшомда гаплашиб қайтганимиз эсимга тушди. Ўшанда яна баъзи бир нарсаларни ҳам эслаб гапиргим келиб қолди.

— Э худойим-эй, Пуаро, — дедим, — ўшанда Росснинг столнинг нариёғида ўн уч рақами ҳақида гапиргани ёдингиздами? Ахир, у биринчи бўлиб турган эди-ку.

Пуаро жавоб бермади. Бидъатларни биров мақтаб ёки оқлаб гапирганда мен доим ноқулай аҳволга тушиб қолардим. Бу сафар ҳам шундай бўлди.

— Бу жуда ғалати, — дедим.

— Нима?

— Мен Росс ва нариги столда бўлган ўн уч рақами ҳақида бўлган гапни айтяпман. Пуаро, бу ҳақда фикрингиз қалай?

Пуаро бирдан хахолаб кулиб юборди. Донг қотиб қолдим. У ҳечам ўзини кулгидан тўхтатолмасди.

— Нимага бунга куляпсиз? — деб сўрадим

— Вай-вай-воей! — кулишдан бўғила бошлади у. — Ҳеч нима. Мен бир пайтлар эшитган топишмоқнинг жавобини топдим. Ҳозир уни сизга айтиб бераман. Қайси ҳайвон икки оёри, қаноти бўлади-ю, ўзи итга ўхшаб акиллайди?

— Товуқ-да, — деб жавоб бердим. — Буни ёшлигимдан биламан.

— Яхши, биларкансиз, Гастингс. Сиз менга «Билмайман», дейишингиз керак эди. Унда мен сизга «бу товуқ», дердим сиз эса, «товуқ акиллайдими», дердингиз. Мен эса «Бу топишмоқни топиш жуда қийин!» деб жавоб берардим. Гастингс, биз «Д» ҳарфини тагига етдик, деб тахмин қиламиз.

— Бориб турган сафсата!

— Ҳа, кўпчилик одамлар учун бу сафсата. Агар буни биронтасидан сўраб кўрганимдами...

Биз катта кинотеатрнинг оддидан ўтиб борардик. Томоша тутаб ундан одамлар чиқа бошлади. Уларга аралашиб кетдик. Беихтиёр уларнинг гаплашган гаплари қулоққа кирарди. Кўпчилик ўз дўстлари, муаммолари ва оқсоч-хизматкорлари ҳақида гаплашарди. Фақат баъзи бировларгина ҳозиргина кўрган кинофильм устида баҳс юритарди.

Бир гуруҳ одам билан Юстан-Роуд кўчасини кесиб ўтдик.

— Менимча, Брайен Мартин зўр актёр, — деди бир қиз. — Мен у иштирак этган биронта кинофильмни қолдирмай-ман.

Анави тепалиқдан ўтиб шаҳарга газетчилардан аввал етиб келганини қара!

Қизнинг шериги бунга унчалик қойил қолмаётган эди.

— Бемаъни саргузашт. Агар уларнинг калласи ишлаб Эллисдан сўрашганда...

Сухбат давомини эшитолмай қолдим. Тротуарга келиб Пуарога қарасам, у тор йўлнинг қоқ ўртасида турибди. Икки томондан унга икки автобус бостириб келяпти. Мен қўлларим билан кўзларимни беркитиб олдим. Тормозларнинг ғийқиллаган, ҳайдовчиларнинг болохонадор қилиб сўкканлари қулоғимга кирди.

Пуаро бўлса, аста қадам ташлаб тротуарга чиқиб келди. У худди шабкўрга ўхшаб қадам ташларди.

— Пуаро! — дедим. — Ақлдан оздингизми?

— Йўқ, дўстим. Калламда бир нарса ярқ этди, бир лаҳза бурун анув ерда.

— Калласида ярқ этган вақтини қара бунинг, — дедим. — Бу ҳаётингизнинг сўнгги дақиқаси бўлиши мумкин эди-ку!

— Бунинг аҳамияти йўқ. Эҳ, дўстим-а, мен кечириб бўлмайдиган кўр ва кар эканман. Энди ҳамма саволларга жавоб топдим, ҳа бештасигаям... Мен уларни кўриб турибман... Бу ёғининг энди яраси енгил, оппа-осон.

Йигирма саккизинчи боб

ПУАРО САВОЛ БЕРАДИ

Уйга кетишимиз ҳам райри табиий бўлди. Пуаро ўз ўйларига шўнғиб кетган. Гоҳо нималардир деб минғирлаб қўяди. Баъзи сўзларини илғаб қоламан. Бир сафар «Шамлар» деб қолди, бошқа сафар «дюзен»га ўхшаш нимадир деди. Агар сезгирроқ бўлганимда унинг гаплари замирида ётган маъноларни уқиб олган бўлардим. Унинг фикрлари аниқ ва равшан эди. Мулоҳазалари, фикрлари калламда аралаш-қуралаш бўлиб кетган эди.

Уйга киришимиз билан Пуаро телефонга ёпишди. У «Савое» отелига қўнғироқ қилиб леди Эжуорни чақириб беришларини сўради.

— Умид қилманг, отахон, тополмайсиз, — дедим.

Кўп марта айтганман, Пуаро, дунёда маълумотлардан жуда кам хабардор бўлган одамлардан бири эди.

— У янги пьесада ўйнаяпти, — дедим. — Ҳали бундан хабарингиз йўқми? Ҳозир атиги соат тўққиз ярим. Ҳали у театрда.

Пуаро менинг танбеҳимга мутлақо эътибор қилмади. Отель хизматчиси мен айтган гапни такрорлади, шекилли.

— Э-ҳа, шунақа денг-а! Унда леди Эжуорнинг оқсочи билан гаплашсам девдим.

Уни леди Эжуорнинг хонасидаги телефон билан борлашди.

— Бу леди Эжуорнинг оқсочими? Сиз билан Пуаро гаплашяпти. Мени эслайсиз-а, тўғрими?.. — Жуда яхши. Биласизми, баъзи бир кўнгилсиз воқеалар содир бўлди. Олдимга бир келиб кетишингизни хоҳловдим

— Ҳа, жуда муҳим. Адресимни ёзиб олинг.

У адресини икки марта такрорлади-да, гўшакни илиб қўйди.

— Нима гап? — деб сўрадим. — Бирон бир муҳим маълумотни қўлга киритдингизми?

— Йўқ, Гастингс, маълумотни унинг ўзи беради.

— Қанақа маълумотни?

— Бир одам ҳақида.

— Дейн Уилкинсон ҳақидами?

— Йўқ, у ҳақдаги зарур маълумотларни яхши биламан.

— Унда ким ҳақида?

Пуаро менга қараб кулиб қўйди, оқсочни кута бошлади. Кейин хонада гивирсиб нималар биландир машғул бўлди.

Орадан ўн дақиқа ўтиб оқсоч кириб қолди. У қора кўзойнак тақиб олган, нимадандир шубҳаланарди.

Пуаро унга пешвоз чиқди.

— Келиб жуда яхши қилдингиз. Мана бу ерга ўтиринг, мадемуазель... Менимча, Эллис бўлсангиз керак?

— Ҳа, сэр, Эллисман.

У Пуаро кўрсатган ерга ўтириб, қўлларини тиззасининг устига қўйди. Унинг қисқа ва қонсиз юзлари хотиржам, юпқа лаблари қисилган эди.

— Аввал, Эллис, шуни айтинг-чи, леди Эжуорга қачондан буён хизмат қиласиз?

— Уч йил бўлди, сэр.

— Демак, бундан чиқди, сиз унинг душманларини яхши билишингиз керак.

Эллиснинг юпқа лаблари янада қисилди.

— Кўпчилик аёллар унга зиён келтиришга интилишади. Ҳа, унга ҳасад қилишади.

— Демак, аёллар уни ёқтиришмас экан-да?

— Ҳа, сэр. У ниҳоятда гўзал. Кейин нима хоҳласа шунга албатта эришади.

— Эркаклар билан муносабати қалай?

Эллис пичинг аралаш кулиб кўйди.

— Эркаклар билан кўнглига нима келса, шуни қилади.

— Гапингизга кўшиламан, — кулиб кўйиб деди Пуаро. — Ҳатто шундай ҳолатлар ҳам бўладики... — У гапдан тўхтади, кейин бошқа оҳангда сўради: — Сиз киноактер Брайен Мартинни биласизми?

— О, ҳа, сэр.

— Адашмасам, бир йиллар чамаси муқаддам мистер Мартин хонимга ошиғу беқарор бўлиб қолган эди, а?

— Бутун вужуди билан, сэр. Нафақат ошиқ бўлиб қолган эди, уни ҳозир ҳам севади.

— Мартин уни ўзига турмушга чиқади, деб ўйлайдими?

— Ҳа. Агар у жанобдан талоқ хатини олганда унга турмушга чиққан бўларди.

— Ундан кейин, билишимча, унинг йўлида герцог Мертонский пайдо бўлди.

— Ҳа. Мертонский Штатлар бўйлаб саёҳатга чиққанда уни бир кўришда мафтун бўлиб қолибди.

— Шундай қилиб, Брайен Мартин имкониятини бой берган-а?

Эллис бош ирғади.

— Тўғри, мистер Мартин кўп пул топади, — тушунтирди Эллис, — лекин герцогнинг мавқеи баланд. Хоним эса, обрў-эътиборли бўлишни хуш кўради. Герцогга турмушга чиқиши билан у мамлакатда биринчи ледилар қаторидан ўрин олади.

Оқсоч бу гапларни шундай мағрурланиб гапирардики, бу ҳол мени ҳам жалб қилиб кўйди.

— Демак, мистер Мартин, гапингизга қараганда, ўйиндан чиқибди. Буни у қандай қабул қилди? Индамадими?

— Қаёқда, газабдан ўзини қўярга жой топаолмай қолди, сэр.

— Шунақа денг-а.

— У хонимга тўппонча ўқталди, тўполон қилди. Ундан ташқари, ичкиликка ружу кўйди.

— Лекин охир-пировардида бунга кўнди.

— Киши кўзига кўнгандай, сэр. Ҳалиям атрофида гирди-капалак. Унинг кўзлари менга ёқмайди. Хонимни ундан ўзингизни эҳтиёт қилинг дейман, у бўлса кулиб қўя қолади. Сўнгги пайтларда уни кам кўрадиган бўлиб қолдик. Энди тинч қўяр, деб умид қиламан.

— Эҳтимол.

Пуаронинг гап оҳангидаги нимадир уни ҳушёр торттирди. Эллис хавотирланиб сўради:

— Сэр, сиз унга бирон хавф таҳдид соляпти деб ўйламаётган бўлсангиз керак?

— Ҳа, — жиддий қилиб деди Пуаро — менимча, у катта хавф остида турган бўлса керак. Бу хатарни у ўзига-ўзи сотиб олди.

Пуаро шундай деб туриб билмасдан стол устидаги гул солинган вазани туртиб юборди. Вазадаги сув Эллиснинг юзларига сачраб кетди. Пуаро илдам бориб сочиқ олиб келди-да, минғиллаб уэр сўраб юзларини артиб олишига кўмаклашди.

Кейин эшикка кузатиб қўйди.

— Хоним келгунча уйга етиб олишга улгурасиз, — деди унга соатига қараб.

— О, бу ҳақда кўнглим тўқ, сэр. Дейн спектаклдан кейин биттаси кечки таомга таклиф қилганини айтган эди. Агар у мени махсус оғоҳлантирмаган бўлса, ҳеч қачон кутиб ўтирмайман.

— Узр, мадемуазель, сал оқсаяпсизми?

— Аҳамияти йўқ, сэр. Бироз оёғим оғриб турибди.

— Сўгал борми? — Унинг гапига чиппа-чин ишонган оҳангда деди Пуаро ва қандайдир янги дорини суртишни тавсия қилди.

Ниҳоят Эллис кетди.

Нима гаплигини билиш учун юрагимни ит таларди.

— Хўш, Пуаро? — деб сўрадим. — Гапиринг ахир!

У менинг бесабрлигимдан кулиб қўйди.

— Дўстим, бугун оқшом бошқа ҳеч нима бўлмайди. Эртага эрталаб бир келиб кет, деб Жепга кўнғироқ қиламиз. Ундан ташқари, Брайен Мартиниям чақирамиз. У бизга баъзи бир қизиқ нарсаларни гапириб берса керак, деб ўйлайман. Кейин унга қарзимни тўлаб қўйишим керак.

— Қарзимни?

Мен унга кўз қири билан қараб қўйдим.

У калласига келган фикрлардан кулиб қўйди.

— Ҳар ҳолда, — дедим, — Брайен Мартин лорд Эжуорни ўлдирганликда айбланмаса керак. Айниқса, ҳозиргина у ҳақдаги гапларни эшитганимиздан кейин. Агар шундай қилинса, Жепга жуда қўл келарди-да. Эрини ўлдириб хотинини бошқа эркакка турмушга чиқишига кўмаклашиш ҳар қандай эркакнинг ҳам ғурурини поймол қилади.

— Жуда чуқур мулоҳаза юритиб юбордингизу!

— Устимдан кулманг, — жаҳл аралаш дедим. — Нима бу, ҳамма вақт одамни майна қиласиз?

— Манави пенсне, дўстим, Эллисники. Уни ташлаб кетибди.

— Бўлмаган гап! Ўзиникини тақиб кетди.

Пуаро хотиржамлик билан калласини қимирлатди.

— Гапингиз нотўғри! Мутлақо нотўғри! У биз Карлотта Адамснинг сумкачасидан топган пенсени тақиб кетди.

Ҳайратдан оғзим очилиб қолди.

Йигирма тўққизинчи боб

ПУАРО ЖАВОБ БЕРАДИ

Эртасига эрталаб инспектор Жепга қўнғироқ қилдим. Унинг овози жуда тушкун эшитилди.

— Бу сизмисиз, капитан Гастингс? Хўш, шамол қаёқдан эсяпти?

Мен унга Пуаронинг илтимосини айтдим.

— Соат ўнбирда келайми? Вақтим бўлади. У Росснинг ўлими ҳақида ишга ёрдам берадиган бирон из топмабдими? Биздаям ҳеч қанақа из йўқ. Ниҳоятда сирли ҳол.

— Менимча, унда сиз учун асқотадиган баъзи нарсалар бор, — дедим гапни чалғитиш учун. — Афтидан, Пуаронинг вақти чоғ.

— Яхши, капитан Гастингс. Бораман.

Кейин Брайен Мартинга қўнғироқ қилиб, Пуаро сизни қизиқтирадиган баъзи нарсаларни аниқлаган бўлса керак, бир келиб кетинг, дедим. У ҳам келишга ваъда берди.

Шундан сўнг Пуаронинг ўзи Женни Драйверга қўнғироқ қилиб бир учрашиб кетишини сўради.

У қиёфасидан жуда хотиржам ва жиддий кўринарди. Мен ундан ҳеч нимани сўрамадим.

Биринчи бўлиб Брайен Мартин етиб келди. Кўриниши жуда аъло, лекин, афтидан, нимадандир безовта эди. Кетидан орқам-орқа Женни Драйвер кириб келди. Улар бир-бирини шу ерда кўриб ҳайрон қолишди.

Пуаро уларни ўриндиқларга ўтқазиб соатига қаради.

— Инспектор Жеп ҳозир келиб қолади.

— Инспектор Жеп-а? — ажабланиб сўради Мартин.

— Ҳа, уни дўст сифатида норасмий равишда бир келиб кетинг дегандим.

— Тушунаман.

Мартин чидолмай қолди. Женни унга тез бир қаради-ю, ўгирилиб олди.

Бир неча дақиқа ўтиб Жеп кириб келди. Афтидан, уни Брайен Мартин билан Женни Драйверларнинг бу ердалиги бирмунча ҳайрон қолдирарди, лекин буни билдирмади. У Пуаро билан саломлашиб одатдагидай ҳазил оҳангида деди:

— Ҳўш, мсье Пуаро, ишлар қалай? Бизга ажойиб воялардан тайёрлаб қўйдингизми?

Пуаро унга қараб кулиб қўйди.

— Йўқ, йўқ, ҳеч қанақа ажойиб воя йўқ. Оддийгина кичик бир ҳодисани айтиб бермоқчиман. Шундай оддий нарсани кўролмаганим, вақтида илғаб ололмаганим учун ўз-ўзимдан уялиб кетяпман. Рухсатингиз билан бу ишни бошдан-оёқ гапириб бермоқчиман.

Жеп хўрсиниб соатига қараб қўйди.

— Агар бу бир соатдан ортиқ вақтни олмаса, — деди.

— Хотиржам бўлинг, — деди Пуаро. — Бир соатгаям бормади. Гапимга қулоқ солинг, лорд Эжуорни, кейин мисс Адамс билан Дональд Россни ким ўлдиргани сизни қизиқтирадими, йўқми?

— Мени, айниқса, сўнгги қотиллик қизиқтиради, — эҳтиёткорлик билан деди Жеп.

— Гапимга қулоқ солсангиз ҳаммасининг қотили ким эканлигини билиб оласиз. Мен айбимга, гуноҳимга иқрор бўлмоқчиман (бунга ўхшашмапти деб қўйдим ўзимча). Мен нақадар кўр ва ношуд эканлигимни кўрсатмоқчиман. Ва, ниҳоят, дўстим Гастингс ҳамда тасодифий йўловчининг танбеҳлари мени тўғри йўлга тушиб олишимга сабаб бўлди.

У гапдан тўхтади, йўталиб олиб кейин устозларнинг насиҳатига ўхшаш оҳанг (мен шундай деб атаган бўлардим)да гапга тушди.

— Гапни узоқдан, «Савое» столидаги зиёфатдан бошлайман. Леди Эжуор ўшанда мендан маслаҳат сўраган эди. Эридан қутулмоқчи бўлиб юрган экан, суҳбат охирида ўйламай-нетмай, бир куни такси билан бораман-да уни ўзим ўлдираман-қўяман, деб юборди. Бу гапни зиёфатга эндигина кириб келган Брайен Мартин ҳам эшитганди.

Пуаро унга ўгирилди.

— Тўғрими, гапим?

— Буни ҳаммамиз эшитгандик. — деди актёр, — Уидбернлар ҳам, Марш, Карлотта ҳам — ҳамма.

— Тўғри, мутлақо тўғри. Бу шунинг учун ҳам хотирамда миҳланиб қолганки, эртасига эрталаб Мартин ҳузуримга келиб ушбу сўзларни яна такрорлаб гапириб берган эди.

— Унчаликмас, — деб юборди актёр жаҳл аралаш. — Мен шунинг учун келгандимки...

Пуаро кўлини кўтариб уни тўхтатди.

— Сиз гўё орқангиздан биров кузатиб юргандай туюлган, лекин аслида ўйлаб топилган саргузаштни гапириб бергани келгандингиз. Бунинг чўпчаклигини ҳатто ёш болаям сезиб оларди. Бу воқеани, эҳтимол, бирон эски фильмдан кўчириб олгандирсиз. Сиз суҳбатлашишга қизнинг розилигини олмоқчи бўлгансиз. Эрақак кишини тилла тишидан таниб қолибсиз ва ҳоказо. Биродар, ҳеч қайси ёш йигит тилла тиш қўйдирмайди. Бизнинг замонамизда айниқса. Америкада йигитлар бундай қилишмайди. Тилла тиш қўйиш тиш қўювчи врачларнинг таомилдан қолган кўҳна санъати ҳисобланади. Гапирган гапларингизнинг ҳаммаси бемаъни эди. Буларни айтиб берганингиздан кейин асосий мақсадга ўтдингиз: яъни менинг юрагимда леди Эжуорга қарши нафрат уруғини қадамоқчи бўлдингиз. Бошқача айтганда, мабодо, у эрини ўлдирадиган бўлса, унга қарши замин ҳозирламоқчи бўлдингиз.

— Нима ҳақда гапирётганингизни тушунмай турибман, — деб минрилади Брайен Мартин. Унинг ранги ўликнинг тусидай оқариб кетган эди.

— Сиз лорд Эжуор ажрашишга рози бўлмаслигига мутлақо ишонган эдингиз. Бироқ мен ўша куни у билан учрашган ва у хотини билан ажрашишга розилик билдирган эди. Шундай қилиб леди Эжуорнинг эрини ўлдириши ҳақидаги хаёл пучга чиқди. Ундан ташқари, лорд Эжуор менга ажрашишга розилик билдириб, хотинига хат жўнатганини ҳам маълум қилди. Лекин леди Эжуор хатни олмаганини айтди. Ё у алдади, ёки хат ёздим деб эри ёлғон гапирди. Ё бўлмасам, хат кимдир томонидан ўғирланган. Лекин ким ўша хатни ўғирлаган?

Шунда мен ўзимга ўзим Мартин ўзини зўрлаб менинг олдимга келди ва узундан-узоқ саргузаштни сўзлаб берди. Буни унга нима мажбур қилди, деб савол бердим. Калламда, мсье леди Эжуорни бутун вужуди билан севиб қолган, деган ғоя пайдо бўлди. Унинг эриям бир актёрга турмушга чиқмоқчи деб гапирган эди. Шундай бўлган деб ҳам тасаввур қилайлик, лекин леди кейин ўз қарорини ўзгартирди. Бу вақтга келиб леди эрининг ажраш ҳақидаги хатини олган. Сизга эмас, бошқа бировга эрга тегишни ихтиёр қилиб қолган. Ана шунинг учун хатни ушлаб қолиш учун сизда ҳамма асос бор эди.

— Мен ҳеч қачон...

— Сизга гапириш навбати келади. Ҳозирча менинг гапларимга қулоқ солиб туринг. Сизни ҳамма аёллар жонидан яхши

кўради, бу борада омадингиз бор ва ҳеч қачон муваффақият-сизликка учрамагансиз. Менимча, леди Эжуор севгингизни рад этгандан кейин шу қадар дарғазаб бўлиб кетгансизки, иложи борича, унга оғирроқ жароҳат етказишга қарор қилгансиз. Бу борада рақибни қотилликда айблаб дорга тортиб ўч олишдан ҳам оғирроқ жазо борми?

— Ё худо! — деб юборди Жеп.

Пуаро унга ўтирилди.

— Ҳа, калламга худди мана шу фикр келди. Бу фикрни бир нечта далиллар асослаб турибди. Карлотта Адамс Брайн Мартин билан ҳам, капитан Марш билан ҳам дўстона алоқада бўлган. Эҳтимол, томоша кўрсатишни Брайн Мартин таклиф қилган бўлиши мумкин. Бунинг учун ўн минг доллар тўлашга рози бўлган, у бой. Бунча пулни Рональд Марш тўлай олмаслигига Карлотта Адамснинг кўзи етган. Унинг молиявий имкониятлари ҳаминқадарлигини билган. Бу борада Брайн Мартин муносиб номзод бўлган.

— Сизга шуни айтиб қўяйки, мен бундай қилмаганман, — деди хириллаб актёр.

— Мисс Адамснинг сингисига ёзган хати телеграф орқали Нью-Йоркдан буёққа жўнатилганда — бай-бай-бай! — жуда кайфиятим тушиб кетди. Шунда бутун тахминларим чиппакка чиқди. Лекин кейинроқ мен яна бир кашфиёт қилдим. Хатнинг асл нусхасини қўлга киритдим. Бундан шуни билиб қолдимки, хатнинг бир варағи йиртиб олинган. Хатнинг олдинги варағи охиридаги «У» деган сўз замирида нафақат капитан Марш, бошқа одамларни ҳам тушуниш мумкин эди.

Ундан бошқа яна битта далил бор. Ҳибсга олинган капитан Марш Рижент-Гейтдаги уйга Брайн Мартин кириб кетганини ўз кўзи билан кўрганини қатъий қилиб айтяпти. Бу кўрсатма айбланувчининг оғзидан айтилаётгани учун унчалик асосга эга бўлмайди. Ундан ташқари, Брайн Мартинда ўзини оқлаш учун асос бор. Ҳа, бу табиий! Буни кутса бўлади. Агар мсье Брайн қотиллик қилган бўлса, ўзини оқлаш учун албатта асоси бўлади-да. Бу асосни битта одам — мисс Драйвер тасдиқлаши мумкин.

— Ҳўш, нима демоқчи бўляпсиз? — деди қиз.

— Ҳеч нима, мадемуазель, — деди табассум қилиб Пуаро. — Фақат ўша куни, сиз мсье Мартин билан нонушта қилиб ўтирганингизда Карлотта Адамс Брайн Мартин эмас, аслида Рональд Марш қизиқтириб қолганди дея ҳадеб мени ишонтиришга уринавердингиз.

— Ҳечам-да, — деди қатъий қилиб актёр.

— Сиз буни сезмаган бўлишингиз мумкин, мсье, — деди хотиржамлик билан Пуаро. — Мен эса, буни бор гап, ҳақиқатда шундай деб ўйлайман. Қизнинг лорд Эжуорга нисбатан бўлган адовати худди шу билан изоҳланади. Ахир сиз рад этилган севгингизни унга айтиб берган эдингиз-ку.

— Ҳа, мен ҳам ичимдаги дардимни кимгадир ёрилишим керак, ахир, у бўлса...

— У эса кишиларга ҳамдард бўлишни ўрнига қўяди. Буни ўзим сезганман. Хўш, кейин нималар бўлди? Рональд Маршни ҳибсга олишади.

Қотилликни леди Эжуорга тўнкаш борасида тузган режангиз унинг сўнги дақиқаларда тушликка борганини кўриб бузилади. Лекин қотилликни бошқа бировга тўнкаш имконияти туғилганидан суюниб кайфиятингиз кўтарилиб кетади. Бу Рональд Марш эди. Кейин нонушта пайтида Дональд Росс Гастингсга нималарнидир шипшиганини эшитиб қоласиз. Шундан кейин сиз ҳалиям хавфдан унчалик холи эмасдай кўринасиз.

— Ёлгон! — қичқириб юборди актёр. — Мен ҳеч нима эшитганим йўқ, ҳеч нима...

Шу он ҳаммаси ошкор бўлди.

— Мутлақо тўғри, — деди Пуаро. — Сиз келиб Эркюль Пуарога, бемаъни саргузаштларингизни айтиб бериб юрагингизни очганингиз учун керагидан ҳам ортиқча таъзирингизни эдингиз деб ўйлайман. — Ҳаммамиз ҳайрон бўлиб қолдик. Пуаро ўйланқираб гапини давом эттирди. — Сезиб турибсизми, мен ўз қилган хатоларимни рўйирост айтиб беряпман. Шундан кейин ўз-ўзимга савол бериб кўрдим. Буни Гастингс яхши билади. Бу саволларнинг учтасига аниқ жавоб топдим. Ким лорд Эжуорнинг хатини тутиб қолган? Бунга жавоб аниқ эди — бу Брайен Мартин эди. Иккинчи савол шундай эди: лорд Эжуорни ажраш учун розилик беришга ва хат ёзишга нима мажбур қилди — у яна бошқасига уйланмоқчи эмасми? Мен, ҳа, у яна уйланмоқчи, мана бу борада қўлимда ҳеч қанақа далил йўқ эди. Эҳтимол у биронтасининг қармоғига илинган бўлса керак деб ўйладим. Лорд Эжуор ғайри табиий дидга эга бўлган инсон эди. Ҳаётида бўлган бирон бир воқеа ёки ҳодиса юзага қалқиб чиқиши мумкин эди. Англия қонунлари бўйича бу ҳол хотинига талоқ хати беришини ман қиларди. Лекин бу нарса матбуотда қаттиқ танқид қилинишига олиб келиши ҳам мумкин эди. Мен ҳақиқатда ҳам худди шундай бўлса керак деб ўйладим. Лорд Эжуорнинг бунақа жанжалга тоби йўқ эди. Шунинг учун

мажбур бўлиб ортга чекинган. Буни биз унинг кутубхонасидан чиқиб кетаётганимизда сезган эдик. Унинг ранги ғазабдан шу қадар кўкариб кетгандики, буни у бизни сезмайди деб ўйлади.

Энди иккита саволим жавобсиз турди. Карлотта Адамснинг сумкачасидаги пенсне кимга тааллуқли эди? Леди Эжуор Чизвикда тушлик қилаётганда нега уни телефонга чақиришди? Бу саволни мистер Мартинга ҳечам боғлай олмай юрдим. Бошим қотганидан мисс Адамснинг синглисига ёзган хатини яна бир марта диққат қилиб ўқиб чиқдим. Ана шунда бу ишга тааллуқли бўлган жуда муҳим далилни қўлга киритдим!

Ўзингиз кўринг. Кўряпсизми, мана бу ерда бир варақ йиртиб олинган. Кўп ҳолларда учраб турадигандек варақ нотекис йиртилган эди, юқориги қаторда яна битта ҳарф бўлганлигини тасаввур қиламиз.

Аҳа! Маълум бўлишича, хатда эркак кишига эмас, аёл кишига мурожат қилиняпти. Демак, бу фирибгарликни Карлоттага аёл киши таклиф қилган бўлиб чиқади.

Ана шундан кейин мен бу ишга алоқаси жуда кам бўлган ҳамма аёлларнинг рўйхатини тузиб чиқдим. Дейн Уилкинсондан ташқари улар тўрт киши эди, яъни, Жеральдина Марш, мисс Кэрролл, мисс Драйвер ва герцогиня Мерстонская.

Бу тўрт аёлнинг ичида менинг эътиборимни тортгани мисс Кэрролл бўлди. У пенсне тақарди, ундан ташқари қотиллик содир бўлганда ўша ерда эди. Ўзининг кўрсатмаларида леди Эжуорга нисбатан ноаниқликка йўл қўйди, ундан ташқари аёл метин иродали бўлиб, бунақа жиноятларни амалга оширишга қобил эди. Ва, ниҳоят, лорд Эжуор билан узоқ вақт бирга ишлаган, уни ўлдириш учун бирон-бир асос бўлиши мумкин деган шубҳага боргандик.

Шу билан Жеральдина Маршни ҳам тамоман четга суриб қўйишим мумкин эмасди. У ўз падарини ёмон кўрар ва бу ҳақда менга ўз оғзидан гапириб берган эди. У асабий, сал нарсага лов этиб ёниб кетадиган қиз эди.

Дейлик, ўша оқшом уйга кириб отасини ўлдиргану, кейин марваридни олиб тушиш учун юқорига кўтарилган. Зинадан тушиб келаётганда даҳлизда Рональд Маршни кўриб қолган. Унинг тушган ҳолатини бир тасаввур қилиб кўринг-а!

Унинг ҳаяжонларини мана шу билан изоҳлаш мумкин. Шу билан унинг қўрқиб кетганлигини қотилликни амакиваччаси амалга оширганига ҳам йўйиш мумкин. Бу ерда яна кичкина бир нуқта бор. Мисс Адамснинг сумкачасидан топилган тилла

кутичада «Д» ҳарфи ўйиб ёзилган. Мен Рональд Марш жиянини Дина деб атаганини ўз қулоғим билан эшитганман. Ундан ташқари, ўтган йили у Парижда бўлган ва у Карлотта Адамс билан учрашгани эҳтимолдан холи эмас.

Балки, сизлар герцогиня Мертонскаяни бу рўйхатга кириштириш жоиз эмас, деб ўйлаётгандирсиз. У билан учрашганимда, шунга амин бўлдимки, ўта мутаассиб аёл экан. Ўз ўғлини жонидан ҳам яхши кўради. Ўғлини йўлдан оздирадиган ҳар қандай аёлни ўйлаб ўтирмай йўқ қилиб ташлаши мумкин. Ниҳоят мисс Женни Драйверга келсак.

— Қотилликка қўл уриш учун менда қандай сабаб бўлиши мумкин экан? — деб сўради у.

— Унчаликмас, мадемуазель. Брайен Мартиннинг яқин дўсти ва фамилиянгизда «Д» ҳарфи бўлишидан бошқа ҳеч қандай сабаб йўқ.

— Бу энди арзимас нарсалар.

— Яна баъзи нарсалар. Бундай жиноятга қўл урадиган бўлсангиз сиз жуда ақл билан иш тутасиз. Бошқа бирон кимса бу қадар омилкорлик билан иш кўра олишига шубҳам бор.

— Давом этинг, — деди қиз уни раъбатлантиргандай оҳангда.

— Мен мсье Мартин қотилликка қўл уриши учун ҳақиқатдан ҳам асос бор-йўқлигини ҳал қилишим керак эди. Бўлмаса, Рональд Марш кўрган ва уйга кириб кетаётган кимса ким эди? Шунда мен баъзи бир нарсаларни эсладим. Рижент-Гейтдаги эшик оғаси мистер Мартинга жуда ўхшаб кетарди. Демак, капитан Марш ўшани кўрган. Мен ўз воямни мана шу асосга қурдим. Эшик оғаси ўша оқшом ўз хўжайини ўлдирилганини кўрган. Олдинда столда конвертда юз фунтга алмаштирилган француз банкноти турибди. У шартта пулни олиб сездирмай ташқарига чиқади, биронта танишиникига яшириб келган. Кейин қайтиб лорд Эжуорнинг калити билан эшикни очиб кирган.

Эртасига эрталаб оқсоч хўжайини ўлдирилганини маълум қилган. Эшик оғаси ўзини шубҳадан холи сезган, чунки қотилликни леди Эжуор амалга оширганлигига ишончи комил бўлган. Банкнот у ўғирлангани маълум бўлганидан олдин алмаштирилган. Бироқ қотиллик содир бўлган пайтда леди Эжуорнинг зиёфатда эканлиги маълум бўлгандан кейин Скотленд-Ярд полициячилари эшик оғасининг ўтмиши билан қизиқиб қолади. Сўнг хизматкор қўрқиб қочиб кетган.

Жеп тўғри дегандек бошини қимирлатиб қўйди.

— Барибир олдимда пенсне масаласи кўндаланг бўлиб

тураверди. Агар у мисс Кэроллга тааллуқли эканлиги маълум бўлганда иш ҳал бўларди. Чунки у лорд Эжуорнинг хатини ушлаб қолган, қотилликни амалга ошириш режаси ишлаб чиқиляётганда пенсне тасодифан Карлотта Адамснинг сумкачасига тушиб қолган бўлиши мумкин эди.

Кейин шу нарса маълум бўлдики, пенсненинг мисс Кэроллга мутлақо алоқаси йўқ экан. Мен руҳим чўкиб Гастингс билан уйга қайтиб келдим. Фикрларимни бир жойга жамлаб олмоқчи бўлдим. Шу пайт мўъжиза рўй берди.

Аввалига Гастингс бўлиб ўтган қандайдир воқеаларни маълум бир тизимга солиб гапириб бера бошлади.

Гап Монтегью Корнер уюштирган зиёфатда ўн уч киши иштирок этгани ва Дональд Росс столдан биринчи бўлиб тургани ҳақида борарди. Менинг хаёлимга бу нотўғри деган элас-элас фикр келди.

У эҳтимол зиёфат тутагандан кейин биринчи бўлиб тургандир. Аслида телефонга чақирганда биринчи бўлиб леди Эжуор турган эди. Шу муносабат билан леди Эжуорнинг болаларга ўхшаб фикр юритишини ифодаляйдиган қандайдир топишмоқ калламга келди. Буни дарров Гастингсга айтдим. Лекин қиролича Викторияни кулдирса бўлади-ю, Гастингсни кулдириш мумкин эмас. Кейин мсье Мартин билан Уилкинсон ўртасидаги муносабат қандай эканлигини менга ким аниқ қилиб айтиб бера олиши мумкин деб ўйлай бошладим. Шу он биз билан кўчани бирга кесиб ўтаётган йўловчилар оддий бир иборани гапириб қолишди (улар ҳозиргина кўриб чиққан фильмларини муҳокама қилиб кетишляётган эди). Улар, жумладан, «Эллис билан шундоққина гаплашиб қўя қолиш керак эди», деб қолишди. Шу он фикрларим тиниқлашди! — Пуаро бизга қараб олди. — Ҳа, ҳа, пенсне, Парижда тилла қутичани олган аёл. Буни олган Дейн Уилкинсоннинг оқсочи Эллис бўлади-да. Мен занжирнинг ҳар бир ҳалқасини улай бошладим: — Шамлар — хира нур — миссис Ван Дюзен. Ана шунда ҳаммаси аниқ-равшан бўлди.

Ўттизинчи боб

ҲИКОЯ

Пуаро бизга қараб олди.

— Энди, дўстларим, — деди у. — Ўша оқшом содир бўлган қотилликларнинг ҳақиқий тафсилотини гапириб беришга рухсат этинг.

Карлотта Адамс ўз хонасидан кеч соат еттида чиқиб кетади-да, такси олиб «Пикадилли-Палас» отелига келади.

— Нима? — деб ҳайқириб юбордим.

— Ҳа, «Пикадилли-Палас» га келади. Кундузиёқ келиб Ван Дюзен фамилияси билан у ердан жой олиб қўйган эди. У катта ойнак қўйилган пенсне ташқи қиёфасини ўзгартириб юборади деб ўйлаганди. Жойни олгандан кейин тунги поезд билан Ливерпулга жўнамоқчиман деб айтиб қўйган ҳам эди. Соат саккиз яримда меҳмонхонадаги унинг хонасига леди Эжуор кириб келади. Бу ерда улар қўйлақларини алмаштиришади. Карлотта Адамс бошига оқ сариқ ясамасоч, эгнига оқ шоҳидан қўйлақ ва устига оқсувсар терисини ёпиб меҳмонхонадан энди Карлотта Адамс эмас, Дейн Уилкинсон бўлиб чиқади, кейин у тўғри Чизвикка қараб йўл олади.

Ҳа, ҳа, худди шундай бўлган. Мен бу уйда бир оқшом бўлган эдим. У ерда таом столи шам билан ёритилган, нури хира, бундан ташқари, ўтирганлардан биронтаси Дейн Уилкинсонни яхши танишмайди. Қарабсизки, энди ҳамма нарса қойилмақом: тилларанг соч, қиёфа нақ ўзи, овоз ҳам ўша-ўша — ҳаммага маълум хиридоқ, о, буни қилиш жуда осон эди. Биронтаси бу қалбакиликни сезиб қолгандек бўлса, бунинг ҳам яраси енгил, олди олинган.

Леди Эжуор бўлса қора ясама сочда. Карлоттанинг қўйлаги ва пеннесида меҳмонхона ҳақини тўлайди. Кейин унинг чамадончасини олиб Юстон вокзалига қараб йўл олади. У ерда ҳожатхонада ясама сочни олиб ташлайди, чамадончани юк сақлаш хонасига топширади.

Рижент-Гейтга жўнашдан олдин Чизвикка телефон қилади ва леди Эжуорни сўрайди. Бу ҳақда у Карлотта билан аввалдан келишиб қўйган бўлади. Бари режадагидек. Ишлар кўнгилдагидек кетаётган бўлса, Карлотта: «Ҳа, бу леди Эжуор», деб жавоб бериши керак бўлади. Ким қўнғироқ қилганини «леди Эжуор» гўё билмагандай бўлиши керак эди. Леди Эжуор ана шундан кейин ишни бошлайди. У тўппа-тўғри Рижент-Гейтга келади, ўзини таништириб, қутубхонага киради-да эрини ўлдиради. Бу биринчи қотиллик. Албатта у мисс Кэрролл зина-пояда туриб уни кўрганини сезмаган эди. У терговда эшик оғасининг берган кўрсатмасига (эшик оғаси уни бирон марта ҳам кўрмаган, ундан ташқари юзининг бир қисмини яшириб турадиган шляпа кийиб олганди) Чизвикдаги зиёфатда ўтирган ўн икки киши қарши кўрсатма беради деб тахмин қилган эди.

Рижент-Гейтдаги уйдан чиқиб у Юстон вокзалига боради ва яна қора ясама сочни кийиб олади. У Карлотта Адамснинг Чизвикдан чиқиб келишини кутади. Улар маълум бир вақтда учрашишни келишиб олишган эди. Шунинг учун ҳам «Корнер-Ҳауз»га кириб кутган ва тез-тез соатига қараб ўтирган эди. Лекин вақт жуда имиллаб ўтарди. Ана шундан кейин у иккинчи қотилликка қўл уриш режасини туза бошлайди. У қўлидаги Карлотта Адамснинг чамадонидаги сумкачасига Париждан буюртма бериб олдирган тилла қутичани солиб қўяди. Ана шу пайтда у Адамснинг синглисига ёзган хатини топиб олган бўлиши эҳтимол. Ҳар ҳолда адресни кўргандан кейин қандайдир хавф туғилиб қолишини сезган. Хатни очиб кўриб шубҳаси тўғрилигига ишонч ҳосил қилади.

Хаёлига биринчи келган нарса, балки, хатни йўқотиш бўлгандир. Лекин кейин ўзи учун янада қулай йўл топган. Яъни хатнинг бир варағини йўқотса, хат Рональд Маршни айблайдиган қуролга айланиши мумкин бўлган. Чунки унда лордни ўлдириш учун ҳақиқий асос бор эди-да. Рональдда ўзини оқлаш учун асос топилган тақдирда ҳам ким бўлмасин айбдор эркак киши бўлиб қоларди. Чунки сўнгги сатрдан келиб чиқадиган маъно аёлга эмас, эркакка қаратилган бўлади. Дейн худди шундай қилди ҳам.

Кейин учрашув дақиқалари етиб келади, ва у «Савое» отели томон йўл олади. У сохта «леди Эжуор»нинг машинасини кўриб қадамини тезлатади. Отелга деярли Карлотта билан олдинма-кейин кириб келади. Оддий қора кўйлак кийиб олган Дейн ҳеч кимга сездирмай юқорига, ўз хонасига кўтарилади. Бу ерда уни Карлотта Адамс кутиб ўтирган эди. Меҳмонхона ходимасига олдинроқ жавоб берилган, у ухлаб қолган бўлса ҳам керак. Иккала аёл яна кийимларини алмаштириб олишади. Кейин леди Эжуор иш муваффақиятли яқунланганини нишонлашни таклиф этган бўлиши эҳтимол.

У ичимликка керагидан ортиқ веронал қўшиб беради ва мақтулни табриклар эртага чек юборишини маълум қилади. Карлотта Адамс шундан кейин уйга қайтиб кетади. Уйда унинг уйқуси келаверади. У дўстларидан бирига — мсье Мартингами ё капитан Маршгами (улар иккаласининг телефон рақамлари «Виктория»дан бошланарди) телефон қила бошлайди. Лекин ниятига етолмайди. Шу оқшом жуда ҳам чарчаган, бунинг устига веронал ўз кучини кўрсатаётган эди. Тўшакка ўзини ташлаб уйқуга кетади-ю, шу-шу ўрнидан турмайди. Ана энди иккинчи қотиллик содир этилди.

Энди содир этилган учинчи қотилликнинг тафсилотига ўтамиз.

Сэр Монтегью биз билан суҳбатда леди Эжуор иккиси ораларида грек санъати ҳақида гап кетганини эслатган эди. Бир қараганда бу ерда шубҳага борадиган ҳеч нима йўқдек кўринади. Бунинг изоҳи кейинроқ маълум бўлади.

Леди иштирок этган «Клериж» отелидаги нонуштада «Парис суди» ҳақида гап кетади. Лекин леди Эжуор «Парис»ни эмас замонавий кийим-кечаклар ва ҳар хил шақилдоқлар макони бўлган Парижни биларди. У гапга араллашиб кўҳна дунё ҳақида ўзининг саводсизлигини намойиш қилиб қолади.

Чизвикдаги тушликда иштирок этган Рональд Росс бу сафар унинг рўпарасида ўтириб қолади. Ўшанда леди Эжуор Гомер, грек тамаддуни ҳақида жуда маъноли гапларни гапирган эди (Карлотта Адамс саводхон, кўп ўқиган ва маданиятли қиз эди). Рональд Росс нима бўлаётганига тушунмай леди Эжуорга тикилиб қолади, кейин бу ўтирган аёл ўша леди Эжуор эмас, бошқа аёл деган фикрга келади. У қаттиқ саросимага тушади-ю, мен билан гаплашмоқчи бўлади. Лекин мен бу вақтда кетиб қолган эдим.

Ўрнимга Гастингс билан гаплашади. Леди Эжуор бу суҳбатни эшитади. У жудаям эси паст аёл эмас, ўзини билдириб кўйганини сезиб қолади. У Гастингснинг, менимча, соат бешларда Пуаро уйда бўлади, деган гапларини ҳам эшитади. Кейин соат тўртү қирқларда Росснинг хонасига кириб боради. Росс эшикни очиб остонада леди Эжуорни кўриб ҳайрон бўлади, бироқ хавфдан шубҳаланиш хаёлига ҳам келмайди. Бунинг устига у ёш, бақувват йигит, аёлдан кўрқармиди. Росс уни етаклаб ошхонага киради. Эҳтимол, йигит студда ўтирганича гўзал санамни кучиб тургандир, леди Эжуор эса, унинг бошларини, бўйнини силаб туриб, зумда аввалги сафаргидай пичоқ санчган. Балки у бир марта қичқиргандир ҳам, кейин тинчиб қолган.

Орага жимлик чўқди. Жеп бўғиқ овозда деди.

— Сиз ҳар учала қотилликни ҳам леди Эжуор амалга оширган демоқчимисиз?

Пуаро калласини қимирлатиб маъқуллади.

— Лекин нега унда эри ажрашишига розилик билдиради?

— Чунки герцог Мертонский англиз католик динининг арбобларидан. У эри тирик бўла туриб ажрашган аёлга уйланишни хаёлига ҳам келтирмаган. Бу йигит ўта мутаассиб. Уни бева аёл қаноатлантиради. Леди Эжуор эримдан ажраламан деб ваъда бергани шубҳасиз. Лекин бу герцогни қаноатлантирмаган.

— Ундай бўлса, нега сизни вакил қилиб лорд Эжуорнинг олдига жўнатди.

— Бунинг сабаби, эрини ўлдиришга ўзида сабаб йўқлигига мени гувоҳ қилиш эди. Ҳа, у мени, Эркюль Пуарони, қўлида ўйнатмоқчи бўлди-я! Ҳа, у бунинг урдасидан чиқди ҳам. Ҳа, унинг мияси яхши ишлайди, болаларча, лекин айёр! У одамларни ҳар мақомга йўрғалатишни яхши билади. Эрининг ажралишга рози бўлиб хат ёзганини эслатганимда ўйин қилиб ҳайрон бўлишини қара-я. У хатни олгани аниқ, лекин хат ҳақида ҳеч нарса билмагандай ўзини тутди. Учта одамни у дунёга жўнатиб виждони қийналганмикин? Қасам ичиб айтаманки, заррача қийналмаган.

— Сизга айтгандим-ку, ахир, ўша деб! — қичқириб юборди Брайн Мартин. — Эрини ўлдирмоқчи бўлиб юрганини билгандим. Лекин бир йўлини топиб сувдан қуруқ чиқиб кетишидан хавфсирардим. У жуда пишиқ. У ҳам бир қалб жароҳатини тортсин. Уни осиб ўлдиришларини истаган бўлардим.

Унинг юзлари ёниб кетди.

— Ҳай, сал секинроқ, секинроқ, — деди Женни Драйвер.

У Мартин билан болани аллалаётгандай оҳангда гаплашарди.

— «Д» ҳарфи ўйилган ва «Париж, ноябрь» деб ёзиб қўйилган тилла қути-чи? — деб сўради Жеп.

— Уни хат ёзиб буюртма берган, олиб келиш учун эса оқсочи Эллисни жўнатган. Табиий, Эллис тугунчани олгану, унинг пулини тўлаган. Ундан ташқари, леди Эжуор, Ван Дюзенга ўхшаб кўриниш учун ундан пенсенени олиб юрган. Кейин пенсени унутиб Карлотта Адамснинг сумкасида қолдириб кетган. Унинг ягона хатоси мана шу бўлган.

Мен кўчанинг ўртасида туриб қолган пайтимда булар бари ярқ этиб миямга келди. Автобус ҳайдовчиси мени шалоқ сўзлар билан сўкиб юборди, лекин бунга аҳамият бермадим. Асосийси — Эллис миямга ёрув нур бўлиб кирди. Эллиснинг пенсенеси. Париждан тилла қутини Эллис олган. Эллиснинг орқасида Дейн Уилкинсон турибди. Дейн ундан пенседан бошқа яна баъзи нарсаларни ҳам олиб турган бўлиши мумкин.

— Нималарни?

— Сўталарни қирқиб турадиган ингичка ўткир пичоқни ҳам.

Мен сесканиб кетдим.

Орага яна жимлик чўқди. Кейин Жеп овозида умидворлик оҳанги билан деди:

— Мсье Пуаро, булар бари тўғрими?

— Тўғри, азизим.

Кейин ўз табиатига хос оҳангда Мартин Брайен гапга тушди.
— Менга қаранг, — деди у тўнғилаб. — Шунақа экан, нега мени бу ерга чақирдингиз? Ахир, ўтакамни ёрвораё деддингиз-ку!

Пуаро унга совуқ қараш қилди.

— Сурбетлигингиз учун бир тузлаб қўяй дедим, мсье! Пуаро билан мушук-сичқон ўйнашга қандай ҳаддингиз сиғди?

Шу он Женни Драйвер хахолаб кулиб юборди. У ўзини сира кулгидан тўхтата олмади.

— Жаззангни торт, Брайен, — деди ниҳоят у, кейин Пуарога ўгирилди. — Қотил Ронни Марш бўлиб чиқмаганидан хурсандман, — деди у. — У менга жуда ёқарди. Шу билан бирга Карлотганинг қотили жазосиз қолмаслиги ҳам мени қувонтиради. Брайен шу ерда экан мен шуни сизга айтиб қўйишим керакки, мсье Пуаро, унга турмушга чиқмоқчиман. Агар мен билан ажрашиб ҳар йили Голливудчасига биттасига уйланишни хаёл қиладиган бўлса, қаттиқ пушаймон бўлади. У бир умр фақат меники бўлиб қолишига ваъда бераман.

Пуаро унга, унинг қизғин малла сочларига, қатъият зуҳур этиб турган иякларига назар ташлади.

Ўттиз биринчи боб ИНСОН ВАСИҚАСИ

Бу суҳбатдан икки кун ўтиб мени кутилмаганда Аргентинага чақириб қолишди. Шундай бўлиб чиқдики, мен кейин Дейн Уилкинсонни ҳечам кўрмадим, фақат газеталарда унинг суди ҳақидаги ахборотларни ўқиб турдим. Кутилмаганда (ҳар ҳолда мен учун кутилмаганда) ҳақиқат юзага қалқиб чиқиб унинг руҳи бутунлай чўкиб кетди. Ҳар томонлама олиб борилган сўроқлар уни таслим қилди.

Юқорида айтганимдай Дейн Уилкинсонни сўнгги бор «Клериж» отелида кўрган эдим. Хаёлимга келтирарканман «Савое»даги хонасида мотам қўйнақларини кийиб кўраётгани, бор вужуди билан ўзини мотамсаро қилиб кўрсатишга уринаётган манзара кўз олдимда гавдаланаверади. Бунда ҳеч қанақа айёрлик йўқ, табиий эди. Унинг тузган режаси амалга ошган, бинобарин, бирон нарсадан шубҳаси, қайғуси йўқ эди. Менимча, учта одамни ўлдириб бўлиб ҳам заррача виждон азобини тортмаётган эди.

Мен қуйида Дейннинг топшириғи билан унинг ўлимидан кейин Пуарога жўнатилган бир ҳужжатни келтириб ўта-

ман. Унда бир инсоннинг маънавий қиёфаси яққол кўзга ташланади. Менимча, бу гўзал ҳамда мутлақо виждонсиз санамга хос ҳужжатдир.

«Муҳтарам мсье Пуаро, мен ҳамма нарсани ўйлаб, бир қарорга келдим, сизга ушбу мактубни ёзишга қарор қилдим. Ўз ишларингиз ҳақида матбуотда баъзан ҳисоб бериб боришингиз менга маълум. Лекин сизга ҳеч қачон жиноятчининг иқрорномасини олиб келиб беришмаган. Мен бунинг қандай бўлганини сиз билиб қўйишингизни жуда-жуда истардим. Мен ҳали ҳам тузган режам жуда пухта эди деган фикрдаман. Агар бу ишга сиз аралашмаганингизда ҳаммаси ҳамирдан қил суғургандек ўтиб кетарди. Мен охири шундай бўлиб чиққанига афсусдаман, лекин шуниям биламанки, сиз бошқача йўл тутолмасдингиз ҳам. Ушбу хат қўлингизга тушгандан кейин уни матбуотда эълон қилишингизга ишонаман. Шундай қиласиз, тўғрими? Мен одамлар мени эслаб юришларини хоҳлайман, назаримда, мен ҳақиқатан ҳам камдан кам учрайдиган табиатга эга бўлган одам эканман. Ҳаммаси мен Мертон билан Америкада учрашиб қолганимдан кейин бошланди. Ўша заҳотиёқ бева бўлсамгина у менга уйланиши мумкинлигини тушундим. Афсуски, у эрдан чиққан аёлга уйлана олмаслигини маълум қилди. Бунга кўндириш учун ҳамма ҳаракатларим зое кетди.

Тезда шуни ҳам тушуниб олдимки, мен бошқа эрга чиқишим учун эрим ўлиши керак экан. Шундан кейин буни қандай қилиб амалга оширишни билолмай гаранг бўлдим. Штатларда бунинг яраси енгил. Кейин Карлотта Адамснинг менга қилган тақлидини кўрдиму, эримни ўлдиришнинг йўлини топгандай бўлдим. Унинг ёрдамида бу ишни осонликча амалга ошириш мумкин эди. Ўша оқшом сизни кўрибоқ, эримнинг ажрашишга розилигини олиш учун сизни юборишни лозим топдим. Ана шунда мен эримни ўлдириш ҳақида гап бошладим. Чунки анчадан буён шунга иқрор бўлганманки, тўғри гапни гапирсанг одамлар гапинга ишонишмайди.

Карлотта Адамс билан иккинчи бор учрашганимда режамни унга таклиф қилдим. Мен унга бу борада ёрдам бергудек бўлса, ўн минг доллар бераман деб гаров боғладим. У гапларимга қизиқиб қолди. Ҳатто ўзи янги фикрларни ҳам таклиф қила бошлади. Биз оқсочларимиз бор жойда кийимларимизни алмаштиролмасдик. Бу унга бўлмағур гапдай бўлиб туюлди. Мен «йўқ» деб туриб олдим. У буни менинг инжиқлигимга йўйди-ю, биз режани отелда амалга оширадиган бўлдик. Мен Эллиснинг пенснесини олволдим.

Кейин тез орада Карлотта Адамсни ҳам йўлдан олиб изни йўқотиш кераклигини тушундим. Унга раҳмим келади. Лекин менга тақлид қилиб масхаралагани дилимни қаттиқ ранжитган эди. Табиатим шундайки, бировлар маълум маънода бўлса ҳам кўнглимни топиб гапирмаса, жаҳлим чиқиб кетади. Ўзим ҳеч қачон истеъмол қилмаган бўлсам ҳам менда веронал бор эди. Калламга ғоят ажойиб фикр келиб қолди. Агар Карлотта Адамс веронал ичиб юради, деган фикр тарқалган бўлганда ҳаммаси жуда енгил ҳал бўларди. Мен Парижга унинг номи ва «Париж, ноябрь» деб ўйиб ёзилган тилла қутича ясаб беришларини буюртма берган эдим. Уни Эллис олиб келган ва ичида, табиийки, нима борлигини у очиб кўрмаган эди.

Ўша оқшом кўнгилдагидай ўтди. Мен Эллиснинг сўгал оладиган пичоқларидан бирини сўраб олдим. Бир вақтлар Сан-Францискода қайсидир врач пичоқни одамнинг қаерига ва қандай санчиш йўллариини ўргатган эди. У одамда бутун асаб толалари бирлашган марказ бўлади, нақ шу ерга пичоқ санчилса, ҳар қандай одам ҳам бир зумда жон таслим қилади деган эди. Мен ундан ўша ер қаерда бўлишини сўрагандим. У эса бу одамнинг қаерида эканлигини бир неча бор аниқ кўрсатган эди. Мен бир кун бориб менга керак бўлиши мумкин деб ўша ерни яхшилаб билиб олгандим. Уни кинога тушганимда асқотади деб ишонтиргандим.

Карлотта Адамс ҳамма нарсани синглисига ёзиб тўғри иш қилмади. Менга ҳеч кимга айтмайман, деб ваъда берганди. Назаримда, мактубдан аёлга тааллуқли жойни олиб ташлаб эркакка тааллуқли жойни қолдирганим жуда ишончли чиқди. Бу топилма билан мағрурлансам бўлади.

Хонамга Скотленд-Ярднинг инспектори келганда ўзимни алам ўтида ёнаётган бева қилиб кўрсатишга уриндим. Ҳатто шундай қилганимдан роҳат ҳам олдим. Ўзимни хатардан мутлақо холи ҳис қилдим, бунинг учун менда ишончли асос ҳам бор эди-да.

Шундан кейин ўзимни жудаям бахтли ҳис қила бошладим. Кампир герцогиня мени жинидан ҳам ёмон кўрарди, лекин Мертоннинг муносабати жуда яхши ва иложи бўлса тезроқ турмуш қуришимиз тарафдори эди. Мана шу орадан ўтган бир неча ҳафта давомида шу қадар бахтли ҳаёт кечирдимки, бутун умрим давомида ҳали бунақаси бўлмаган.

Дональд Росс билан бўлган ҳодисалардан омадим чопмади. У мени қандай қилиб фош қилиб қўлга туширганини ўйлаб ҳали ҳамон тагига етолмайман. Бу Париж эмас, Парис деган ном билан борлиқ эди. Мен ўша Парис дегани ким эканини

барибир билолмадим. Ҳар ҳолда бу эркак кишининг номи бўлса, барибир бемаза ном.

Қизиқ, одамдан омад юз ўгирса, ҳамма иш чаппасига кетаверар экан. Мен Дональд Россни йўлдан олиб ташлашим керак бўлиб қолди. Лекин бу ҳақда ўйлаб ўтириш учун заррачаям вақт қолмаган эди. Шу билан уни ўлдирганимдан кейин ўзимни хавф-хатардан холи сеза бошладим.

Ҳа, Эллис менга уни чақириб сўроқ қилганингизни оқизмай-томизмай гапириб берди. Лекин сизни Брайен Мартин билан муносабатларимиз қизиқтирса керак, деб ўйлагандим. Сизнинг бу иш бўйича махфий бўлиб келаётган бутун сирни ечиб ташлашингиз етти ухлаб тушимга ҳам кирмаган эди. Менинг бутун қилган ишларимни қандайдир ғайри табиий топқирлик билан билиб олгансиз ва фош қилиб ташлагансиз.

Қисматга қарши курашиб бўлмайди. Ахир, бу менинг қисматим эмасмиди?! Қизиқ, сиз қилган ишларингиз учун баъзан ўкиниб қўясизми? Ниҳоят, мен ҳам ўзимга хос йўл билан бахтли бўлмоқчи бўлган эдим. Агар мен хато қилмаганимда, сиз бу ишни ҳеч қачон очолмаган бўлардингиз. Сизнинг бу қадар ақлли, бу қадар топқирлигингиз, ҳар қандай жиноятни адолат билан фош қилиб ташлай оладиган илоҳий қобилиятга эга эканлигингиз хаёлимга кириб чиқмабди.

Қизиғи шундаки, мен суд жараёнида заррачаям ақлдан озганим йўқ. Айтишларича, ҳайратланарли даражада мард эмишман. Ҳозир халойиқнинг ўртасига олиб чиқиб ошишмайди, а, тўғрими? Афсус.

Энди видолашадиган пайт ҳам келди. Қизиқ, эртага олдимга руҳоний келармиш.

Сизнинг кечиримли жиноятчингиз (ахир мен ўз душманларимни кечиршим керак, тўғрими?)

Дейн Уилкинсон.

Р.С. Менинг ҳайкалимни хоним Тюссонинг¹ музейига қўйишармикин»

¹ Машҳур одамларнинг мумдан ясалган ҳайкалини қўядиган Лондондаги музей.

ЧАРЛЬЗ ВИЛЬЯМС
Ажал нафаси
роман



БИРИНЧИ БОБ

Мен қидирган бино шаҳар четида, денгиз соҳилидан унча узоқ бўлмаган жойда эди. Мен бир зум тўхтаб, эълон берилган қогозга қараб олдим у бино томон одимлаб кетдим. Бинода бор-йўғи тўртта хонадон бор эди. Улардан иккитасининг почта қутисида яшовчиларнинг фамилиялари ёзилган, мен қидирган хонадоннинг почта қутисида ҳеч кимнинг фамилияси йўқ эди.

Манзил тўғри кўрсатилган, демак, энди бошқа хонадонлардан қидириш керак. Тусмоллаб бошқа квартиранинг қўнғироқ тутмачасини босдим. Жимжит. Яна босдим. Шу он қаердадир биринчи қаватдан заиф бир товуш қулоғимга чалинди.

Бир дақиқа кутиб туриб, бошқа хонадоннинг тутмачасини босдим. Яна ўша жимжитлик. Сигарета тутатдим, ўгирилиб оқшом ҳароратида ястаниб ётган сокин кўчага назар ташладим.

Ёнимдан бир нечта машина гизиллаб ўтиб кетди. Узоқ-узоқларда денгизда балиқчилар ойнанинг устида юрган пашшага ўхшаб қайиқда ўрмалаб юришарди.

Ўзимча сўкиниб қўйдим. Бошқа хонадонда яшайдиганлар қўшнисининг қаерга кетганлигини билишмасмикин? Таваккалига аввал почта қутисига «Соренсон» деб ёзиб қўйилган тутмачани, жавобни кутмасдан бошқасини босдим. Унга «Жеймс» деб ёзилган эди.

Бутун бинода ўлик сукунат ҳукм сурарди.

Мен елкамни қисиб қўйдим-у, нари кетдим. Энди кетишга чоғланиб, машинага ўтирмоқчи бўлиб турувдим ҳамки, бинонинг орқасидаги боғчага кирадиган баланд ёғоч дарвозага кўзим тушиб қолди. Балки у ерда бирон кимсани топарман? Мен майсазор устидан юриб бориб дарвозани очдим.

— Э-э... кечирасиз! — дедим.

Танаси буғдой ранг бир қиз фақат авратини беркитган ҳолда узун сочиқни тагига солганча қорнини ерга бериб ётарди. Ёнида шишачада офтобда қорайтирадиган мой, майсазор устида очик китоб турибди. Қиз ўгирилиб, қора кўзойнагидан менга қаради.

— Бировни қидиряпсизми? — деб сўради у.

— Ҳа, Винлок деган одамни, — жавоб бердим мен. — Мана шу манзилни айтган эди. Унинг қаердалигидан хабарингиз йўқми?

— Бу ерда яшаётганимга унча кўп бўлгани йўқ, — деб жавоб берди қиз. — Менимча, биринчи қаватнинг қайсидир хонадонда Винлокми, Винчестерми-ей, шунга ўхшаган фамилияли бир одам яшаса керак. Қўнғироқ қилиб кўрмадингизми?

— Қилдим, лекин у ерда ҳеч ким йўққа ўхшайди.

Қиз елкасини қисди.

— Эҳтимол, кўлга чиқиб кетишгандир? Балиқ тутишни яхши кўрса керак-да.

— Катта раҳмат, — шундай деб кетишга чоғланган эдим, унинг менга савол назари билан қараб турганини кўрдим.

Балки, менга шундай туюлгандир. Чунки кўзойнаги шу қадар қора эдики, унинг кўзларини мутлақо кўриб бўлмасди.

— Яхшиси, бирон хат қолдиринг, — таклиф қилди қиз, — эшикка қистириб қўйинг. Менимча, чапдан учинчи унинг эшиги бўлса керак.

— Раҳмат, — дедим, — жуда кеч қолибман-да. Ўзини учрата олмадим. Бу эълон кечаги газетада берилган эди.

— Қанақа эълон экан?

— У минилган машина олмоқчи экан.

— А-ҳа.

Қиз бир ёноғини сочиққа босиб узала тушиб олганча менга тикилиб ётарди. Ички кийимининг юқори қисми остида, сийнабанди елкасида, тутмачаси қадалмаган. Қиз баловатга етган.

— Қўлдан машина сотиб олиш жуда кулгили, — деди у.

— Кўплар шунақа қилади, — дедим. — Бож ҳақи тўланмайди-да.

— Э, шунақа денг. Машина сотмоқчимисиз?

— Ҳа.

Мен ўзимча қиз нимага шама қилаётганини билмоқчи бўлдим. Қўлимдаги сигаретни яна бир марта тортдим-у, ўтирилиб, уни дарвозадан кўчага улоқтирдим.

Қиз бу вақтда сийнабандини кўкрагига босди. У ўз ҳолатини ўзгартирмоқчи бўлди. Лекин тутмаси қадалмаган сийнабанд, гарчанд аҳамиятсиз бўлса-да, ўз вазифасини адо этолмади.

— Илтимос, ўтирилиб туринг, — деди қиз, — бир дақиқага.

— Э-ҳа, кечирасиз.

Мен ўтирилиб дарвоза ташқарисига қараб турдим, лекин хаёлан қизни кўз ўнгимда тасаввур қилардим. У ўттиз ёшларда,

лекин шунга қарамасдан уни балоғатга етган қизлар билан бир ўринга қўйса бўларди.

Кўп ўтмай «бўлди», деди. Ўтирилдим. У оёқларини чалкаш-тирганча сочиқнинг устида ўтириб олган, сийнабандининг тугмалари қадалган эди.

— Машинангиз қанақа? — сўради у.

— «Понтиак». Бор-йўғи йигирма минг километр юрган.

Яна ичимда: «У нима демоқчи» деб сўрадим ўзимдан.

— Қанчага сотмоқчисиз?

— Икки ярим мингга, — жавоб бердим. — Нимаиди? Мана шунақа машина керак одамни биласизми?

— Эҳтимол, — аста жавоб берди у. — Ўзимнинг ҳам сотиб олиш ниятим йўқ эмас.

— Унда омадингиз келибди, — дедим. — Машинам икки рангда — баллонлари оқ, кабина ичи жуда чиройли, радио...

Қиз яна менга ғалати қараш қилиб тикилди.

— Машинангизни ростдан ҳам икки ярим мингга арзийди деб ўйлайсизми? — сўради у.

— Кафолат бераман, — дедим сотувчи қиёфасига кириб.

«Балки ростдан ҳам сотиб олар», деб ўйладим, лекин мен у билан гаплашардим-у унинг гапларимни мутлақо эшитмай, хаёли бошқа ёқда эканини сезиб қолдим.

Қиз кўзойнагини олди-да, ўйланқираб менга бошдан-оёқ қараб чиқди. Унинг бант билан гарданига тугиб қўйган сочларига ўхшаш йирик-йирик қора кўзлари ўзига ишонган, маф-рурлигидан дарак бериб турарди. У испан аёлига ўхшар, лекин офтобда қорайганига қарамай, тирсиллаган баданининг таги оқлиги билиниб турарди.

— Сиз кўзимга танишдай кўриняпсиз, — деди у. — Боядан бери кимлигингизни эслолмай турибман. Сизни қаердадир кўргандайман.

— Хотирангиз яхши экан. Кўргангизга анча вақт бўлган.

Қиз калласини сарак-сарак қилди.

— Унчалик эмас. Тўрт ё беш йил муқаддам.

— Олти йилдан кам эмас.

— Ҳа, энди эсладим. Мен у вақтларда футболга қизиқиб ашаддий мухлис бўлиб қолгандим. Сиз Скарборосиз, тўғрими? Ли Скарборо. Биз севган энг яхши ярим ҳужумчи.

— Сиздан зўр изқувар чиқиши мумкин экан, — дедим.

Сухбат мавзусини машинага бургим келди. Олти йил илгариги футбол хотиралари менга энди қизиқ эмасди.

— Нега энди профессионал футболчи бўлмадингиз?

Қиз сигаретини чуқур тортиб, мендан кўзини узмай қолдиқни гулзорнинг четига улоқтирди.

— Хоҳлагандим, иложи бўлмади.

— Нега энди?

— Тизза суякларим шамоллаб қолди, — сўнг, яна қармоқ ташлаб кўрдим: — Машина нима бўлади? Сиз ростдан ҳам олмоқчимисиз?

— Олиш мўлжалим бор. Сиз уни нега сотмоқчи бўляпсиз?

— Менга пул керак, — жавоб бердим. — Машина кўчада турибди. Хоҳласангиз миниб кўришингиз мумкин.

— Жоним билан, — розилик билдирди қиз, — лекин аввал кийиниб олишим керак.

— Албатта. Сизни машинада кутаман.

— Яхшиси, уйга кириб тулинг. У ер салқин.

— О'кей, — дедим.

Адашибман. Ёнма-ён турганимизда, бўйи баландлигига амин бўлдим. Мен китоб билан офтобда қорайиш учун олиб келинган мойли шишачани олдим.

— Менинг исми шарифим Диана Жеймс, — деди у.

Мен унинг чап қўлига қарайверганимни сезиб, кулиб қўйди.

— Сиз менга машинангизни кўрсатиб қўйсангиз бўлди. Мен турмушга чиқмаганман.

— Назаримда, турмушга чиққансиз.

— Ҳа, чиққанман, лекин футболда сизнинг омадингиз юришмаганидек, менинг ҳам турмушда бахтим чопмади.

Биз бинонинг орқа томонидаги зинадан кўтарилиб ошхонага кирдик. Қиз жавондан бир шиша ичимлик олиб столга қўйди-да, иккита қадаҳ келтирди. Мен қадахларни тўлдирдим, биттасини қизга тутқазиб, меҳмонхонага кирдик. Бу ердан гольф майдончасининг ажойиб манзараси кўзга яққол ташланиб турарди. Қиз қадахдан жиндай ичди-да, столчага қўйди.

— Ўзингизни ўз уйингиздай ҳис қилинг, — деди у. — Жавонда бир нечта журнал бор. Мен ҳозир келаман.

Мен ўтириб хонани томоша қила бошладим. Хона кўримсизгина. Лекин арзон эмас, ҳафтасига юз, юз йигирма беш доллар турса керак, деб чамаладим. Қизик, ўзининг машинаси йўқ, яна минилган машинани олмоқчи.

Столда кичкина сахтиён ётибди. Диана, ё ниҳоятда бой, ё бўлмаса, ҳамма собиқ футболчилар ҳам ҳалол одамлар, деб ўйлайди. Мен елка қисиб қўйиб, қадахни қўлимга олдим. Кейин яна жойига қўйиб, столга назар ташладим.

У ерда сахтиёнгина эмас, калит соладиган тимсоҳ терисидан қилинган филоф ҳам турарди. Калитлардан биттаси «Женерал моторс» автомашинасиники эди. Ким кимни лақиллатмоқчи ўзи?

Кейин, ахир у менга машинам йўқ демади-ку, деб ўйладим. Балки, машинасини сотиб, бошқасини олмоқчидир. Бу ёғи энди унинг иши.

Қиз эғнида енга калта оқ халат, яланг оёқларида тилла суви юритилган шиппак билан кириб келди. У қадахдан бир ҳўплади, кейин сахтиён билан филофни қўлига олди, биз машинани кўргани чиқиб кетдик, қиз ҳайдовчи ўриндиғига ўтирди.

Мен калитни беришга шошилмадим. Қиз мен кутганимдай қилди. Тимсоҳ терисидан қилинган филофни очди, ўз калитини олиб машинани ўт олдирмоқчи бўлди, кейин чўчиб ўзига келди-ю, менга қаради. Мен индамадим. Ўзимча нима учун мен унинг шахсий машинаси борлигини билмаслигим керак экан, деб ҳўйдим.

Биз индамай аввал кўчадан, кейин қирғоқдан юриб кетдик. Қум қаттиқ эди, қиз тезликни оширди.

— Машинанинг юриши яхши, — деди у.

— Машинани зўр ҳайдар экансиз, — дедим, кейин иккита сигарет тутатиб бирини унга узатдим.

— Мистер Скарборо, нима иш қияпсиз? — сўради у йўлдан кўзини узмай.

— Дуч келган ишни, — жавоб бердим. — Ҳар хил ишлар. Сўнги пайтларда деҳқончилик қиялман.

— Айбга буюрманг-у, — деди у, — менимча, ҳозирги пайтда ғирт бекорчисиз. Тўғрими?

— Тўғри. Қурувчилар гуруҳига қўшилиб, Саудия Арабистонига кетиш ниятим бор. Машинамни сотишимнинг сабабларидан бири ҳам шу.

— Қачон?

— Кейинги ойда бўлса керак. Нимайди?

— Э, ўзим шундай. — Қиз бир-икки дақиқа жим турди-да: — Уйланганмисиз? — деб сўради.

— Йўқ.

— Кўп пул жамғаришни хоҳлаяпсизми?

— Ким бунга хоҳламайди?

— Лекин сиз орзуингизни амалга оширишга уриниб кўрдингизми?

— Ҳа. Мен доим лотерея ўйнаб юраман.

— Мистер Скарборо. Мунча тушкунликка тушмасангиз. Ҳали ҳаммаси олдинда. Йигирма саккизга кирдингизми?

— Йигирма тўққизга. Менга қаранг, яхши орзуингиз, киссангизда ўн центингиз бўлса, бир пиёла қаҳва олишингиз мумкин. Бутун умрим бўйи бир ишни қойилмақом қилганман. Бу — ўйин пайтида тўпни ошириб бериш бўлган. Лекин бунинг учун ҳам тиззанг доим бутун бўлиши керак. Энди тўғрисиани айта қолинг, мана шу машина икки ярим мингга арзийдими?

— Машина ёмон эмас.

— Демак, келишибмиз-да?

Диана ўгирилиб менга қаради.

— Эҳтимол, келишармиз ҳам.

У ёғига индамай кетдик.

Биз унинг уйи олдида тўхтадик. Қиз моторни ўчириб калитни олиб филофга солмоқчи бўлганда, индамай унинг қўлини ушладим. У менга қаради-ю, елка қисиб қўйди. Кейин машинадан тушдик.

Мен кўча бўйлаб узоқ-узоқларга тикилдим.

— Машинангиз қанақа?.. «Олдсмобил»ми ё «Кадиллак»ми? — сўрадим ундан.

— У ҳам эмас, бу ҳам эмас. Машинам гаражда турибди.

— Бу нима деганингиз? — зарда аралаш сўрадим. — Вақтни бекорга ўтказгим келмаяпти.

— Сизга, эҳтимол, келишармиз, деб айтдим-ку. Бироз сабр қилинг, ахир.

Диана зинадан юқори кўтарилди бошлади, мен унга эргашдим. У сахтиёенини ва калитлар солинган филофни столга ташлади, кейин пардаларни тушириб қўйди. Хона ним қоронғи ҳолатга кирди. Кўчадаги жазирама иссиқдан кейинги салқинлик танга роҳат бағишларди. Диана ўгирилди, мен уни бағримга тортдим, эҳтирос билан ўпа бошладим. Назаримда, бир қучоқ ўтинни қучоқлагандек бўлдим. Қиз кўзини менга қадаганча тикилиб тураверди. Кейин қучоғимдан бўшалиб, деди:

— Афтидан, «келишармиз» деганимни иккаламиз икки хил маънода тушунганга ўхшаймиз. Иш бўйича менда бир фикр бор. Нега ўтирмаямиз? Ўтириб бамайлихотир гаплашсак.

Мен ўтирдим. У ошхонага чиқиб қўлида ичкилик билан қайтиб кирди-ю, столчанинг нариги томонидаги катта ўриндиққа оёқларини чалиштирганча ўтириб олди. Кейин оғзига сигарета олиб, олов тутишимни кутиб турди.

Мен эътибор қилмадим.

Диана елкасини қисиб қўйди ва столчанинг устидаги чакмоқни олиб, сигаретани тутатди.

— Очигини айтсангиз-чи, ахир. Ниятингиз нима ўзи? — дедим охири.

Диана ўйга ботди.

— Сиз ҳақингизда бир тўхтамга келмоқчиман.

— Нега?

— Ҳозир айтаман. Сизни ўрганиб чиқдим. Сиз ўн саккиз ёшда ўзини паҳлавон санаб юрган қаҳрамон, йигирма тўққизда эса дами чиққан тўпдай ҳеч нарсага ярамай қолган, лекин хийлагина дағал ва ўзбилармон ёшлардан бирисиз. Обрўйингиз борида қилмаган ишингиз, кириб чиқмаган кўчангиз қолмаган, одамлар мистер Скарборо кимлигини унутгандан кейин, ишингиз чаппасига кетган. Агар нотўғри гапирётган бўлсам, ортиқ гапирмаслигим мумкин.

— Гапираверинг. Кейин-чи? — дедим.

— Мен яна бирон нима бўлган бўлса керак, деб ўйлаб келяпман, эсладим. Коллежнинг сўнги йилида ўқиб юрган кезларингизда бир хунук ишга аралашиб қолгандингиз. Сизни ўқишдан ҳайдашга ва турмага тапилашга бир баҳя қолганди ўшанда.

— Машинада ҳалокатга учрагандим.

— Ҳа, гап шундаки, машина ва ундаги аёл ҳам бировга қарашли эди. Аёл уйига бормай, касалхонага тушганди.

— У ердан бирон жойи чандиқсиз чиққан, — дедим.

— Ҳа, ўйлашимча бунга тез орада ишонч ҳосил қилгансиз.

— Ё тавба, футболчи бирон аёл билан дон олишса, осмон узилиб ерга тушибдими?

Диана кулиб юборди.

— Кўнглингизга оғир олманг, мен бировни айблаётганим йўқ. Озгина вашингизга текким келди. Менимча, ҳаммаси тўғри бўлган. Сизга бир ишни таклиф қилмоқчи эдим.

— Мен ўйлагандан ҳам омадироқ иш бўлса керак, чамамда.

— Катта пул тўплаб бой бўлишни орзу қиласизми, деганим эсингиздами? Бундай пул қаерда турганлигини биламан. Унга эга бўлиш учун фақат озгина жасорат керак, холос.

— Бир дақиқа, — гапга қўшилдим. — «Эга бўлиш учун» деганда нимани назарда тутяпсиз? Ўғирлашними?

Диана калласини сарак-сарак қилди.

— Йўқ. Пул ўғирлаб бўлинган. Балки икки бор ўғирлангандир.

Оғзимдаги сигаретни кулдонга қўйдим. Диана диққат билан менга тикилди.

— Гап қанча пул ҳақида кетяпти? — сўрадим.

— Бир юз йигирма минг доллар ҳақида.

ИККИНЧИ БОБ

Хонада сукунат ҳукмрон эди. Мен тишларим орасидан паст хуштак чала бошладим. Диана ҳамон менга тикилиб турарди.

— Хўш, нима дейсиз?

— Ҳозирча бир нарса деёлмайман, — деб жавоб бердим. — Бу ҳақда менга батафсил гапириб беришингиз керак.

— Яхши, — деди у. — Бу ишни бир ўзим эглай олмаганимдан кейин барибир бир одамни жалб қилишга мажбурман. Менимча, сиз бунинг урдасидан чиқасиз. Бу одам зиёли, жасур ва ортидан полиция илашмаслиги учун муқаддам судланмаган бўлиши лозим.

— О'кей, о'кей, — деб юбордим.

Унга қанақа одам кераклигини билиб олгандим. Тағин жиноий иш қилмаган, қиммат тўласа, ҳар қандай қинғир ишга ҳам тайёр одам керак. Пул катта эди, шунинг учун бу ҳақда кўпроқ маълумотларни билиб олгим келди.

Диана менга синовчан назар ташлади.

— Пулни олган одам тақдирланади.

— Пул кимники? — сўрадим. — Қаерда у?

— Уни аниқ билишимиз керак, — жавоб берди у. — Мен ҳали унинг қаердалигини биламан деганим йўқ-ку. Мен билишим мумкин, дедим, холос.

— Барибир, шундай бўлса ҳам қаерда?

Диана қадаҳни лабига олиб бориб, унинг устидан менга тикилди.

— Сиз И.Н. Батлер деган кимсани эшитганмисиз?

— Йўқ. Ким экан у?

— Бир дақиқа.

У туриб ётоқхонага кириб кетди, у ердан икки бўлак газета парчасини олиб чиқиб, менга тутди. Уларнинг биттасида 8 июль деб ёзилган эди. Бу бундан икки ой олдин чиққан газета эди.

«Йўқолган банк ходими қидириляпти.

Маунт-Темплдаги Биринчи миллий банкдан бир юз йигирма минг доллар йўқолгани маълум бўлгандан кейин полиция банкнинг вице-президенти И.Н. Батлерни қидирмоқда».

Мен Дианага ўгирилдим, у табассум қилиб турарди. Давомини ўқидим:

«Хизмат лавозимида йигирма йил ишлаб, шаҳарда юқори нуфузга эга бўлган Батлер шанба куни тўсатдан ғойиб бўлиб қолди. Миссис Батлернинг гапига қараганда, ҳафтанинг сўнгги

куни у Луизиянага балиқ овлагани кетган экан. Лекин ваъда қилганидай, якшанба куни кечқурун уйига қайтиб келмабди. Бугун эрталаб банк очилганда, пул йўқолгани маълум бўлибди».

Мен иккинчи парчани ҳам ўқидим. Парча уч кун кейинги газетадан қирқиб олинган ва унда айтарли янгилик йўқ эди. Фақат бошида Батлернинг машинаси Санпортдан топилгани ва уни бутун Америка бўйлаб қидирилаётгани маълум қилинган эди.

Мен газета парчаларини Дианага узатдим.

— Бу ҳодиса икки ой муқаддам содир бўлган экан, — дедим, — қидирув қандай кетяпти? Уни топишдимиз?

— Йўқ, — деди Диана. — Тополмасаям керак, деб ўйлайман.

— Нима учун?

— Менимча, у Маунт-Темпдаги уйдан ҳеч қаёққа кетмаган. Ҳар ҳолда кетса ҳам тирик кетмаган.

Мен қўлимдаги қадахни аста столга қўйиб, Дианага тикилдим. Авзойидан полициядан кўра, бу ҳақда унинг ўзи кўпроқ нарса билишини уқиб олиш қийин эмасди.

— Нима учун шундай хулосага келдингиз?

— Сизни шу нарса қизиқтирадимиз?

— Эҳтимол. Бу ҳақда кўпроқ маълумотларни билгим келяпти.

— Яхши, — деди у. — Гап бундай. Мен ҳамшираман. Маунт-Темпда саккиз ой мобайнида ишладим. Мен зарба еб, қисман шол бўлиб қолган бир аёлни парвариш қилганман. Аёл шаҳарнинг чеккасида — И.Н. Батлернинг эски русумдаги маҳобатли уйи турган кўчанинг қарама-қаршисида яшаган.

Кейин у жимиб қолди.

— Кейин-чи? — қизиқдим.

— Полиция Санпортда топган машинани мен ўша шанбада кўргандим. Фақат хотини айтгандай, куннинг иккинчи ярмида эмас, балки кечаси. Машинада эри эмас, унинг ўзи ўтирарди.

— Хотиними?

— Ҳа, хотини.

— Шошманг, — дедим, — кечаси деяпсиз. Унда хотини ўтирганини қандай қилиб ажратдингиз?

— Мен бинонинг олдидаги сайхонликда ётиш олдидан сигарета чекиб тургандим. Машина кўзғалиб йўлга чиққанда бошқа машина қаршидан келиб, унинг юзини ёритиб юборди. Аниқ кўрдим. Машинада миссис Батлер ўтирган эди. Ёлғиз ўзи.

— Эҳтимол, у шаҳаргами ё бирон ёққами бориб келгандир. Эри ўша машинада кейинроқ йўлга чиққандир.

Диана бошини силкитди.

— Миссис Батлер машинаси бўлса ҳам ўзининг машинасини минмасди. Машинани Санпортга эри эмас, у ҳайдаб кетди, қасам ичишим мумкин.

— Нега бу қадар ишонч билан гапиряпсиз?

— Ўзингиз ўйлаб кўринг, — ҳаяжонланиб жавоб берди Диана. — У ўлган бўлиши аниқ. Бошқача бўлиши мумкин эмас. Тирик бўлганда алақачон дараги чиқарди. Мистер Батлер келишган, баланд қоматли йигит бўлиб, одамлар ичида алоҳида ажралиб турарди. Шундай одамни топиша олмаслигига наҳотки кўзингиз етса? Яна. Агар эркак киши мана шундай вазиятда йўқолиб қоладиган бўлса, юздан тўқсон тўққиз ҳолатда бунга аёл аралашган бўлади. Тасаввур қилайлик, миссис Батлер эрининг билдирмай ғойиб бўлмоқчилигини сезиб қолди. Унинг ёнида катта миқдорда пул ва ўйнаши ҳам бор. Мана бундай ҳолатда аёлнинг гурури топталади. Хўш, энди аёл нима қилиши керак? Тайёргарлик кўриши учун эрига ёрдамлашиб юбориши керакми? Дастрўмолларини керакли миқдорда чамадонга жойлаши учун қарашиб юборсинми?

— Билмайман, — дедим мен. — Хўш, нима қилиб қўйди у ўшанда?

Диана елкасини қисди.

— Кимнинг қўли қотилликка қодирлигини билиб бўларканми? Бундай ҳолатда ҳар ким вазиятдан келиб чиқиб ҳаракат қилади. Лекин бу аёл ҳақида битта ҳақиқатни аниқ айта оламан. Бу жуда ғалати, мен шунча вақтдан буён кўрган аёлларнинг ичида энг гўзали шу эди. Юзлари оқишдан келган, буғдой ранг, йирик-йирик бўта кўзлари хумор боқарди ва бир боқишда ҳар қандай одамни сеҳрлаб қўярди. У қўлдан-қўлга ўтиб юрадиган учига чиққан фоҳиша эди. Отаси эски бойлардан бўлган. Мана шу дабдабали уй уники эди. Бунинг устига, ичганда ҳам меъёрни билмасди.

— Аёл ҳақида ҳаддан ташқари кўп маълумотларни билиб юбормаганмикинсиз?

— Унинг ичишини назарда тутяпсизми? Бу ҳаммаси беш қўлдай маълум.

— Хуллас, — дедим мен. — Батлерни хотини ўлдирган демоқчимисиз? Нима, пул ҳали ҳам ўша уйдаими?

— Аниқ ўша ерда.

— Полиция уйни тинтув қилмадими?

— Тинтув қилишди, наридан-бери. Улар пулни олиб қочиб кетган деган хулосага келишди.

— Мақсадингиз нима эканлигини тушуниб турибман, — дедим мен. — Лекин бу ерда яна бир ғалати жой бор. Гапингизга қараганда, Батлер балаид бўйли ва бақувват одам бўлган экан. Агар аёл уни ўлдирган бўлса, мурдани нима қилган? Ахир уни экспертиза идорасида рўйхатдан ўтказиб, бирон ёққа обориб ташламагандир.

Диана бошини силкитди.

— Буни билмайман ва бу тасаввуримга ҳам сизмайди. Эҳтимол, бирон шериги ёнида бўлган бўлиши мумкин. Ахир эрининг машинасини Санпортга обориб ташлагандан кейин Маунт-Темплега қайтиб келиши керак эди-ку. Автобусда қайтиши ғирт аҳмоқлик бўларди, чунки у одамларнинг кўзига ташланмаслиги керак эди. Ҳамма бу ишни бир ўзи қилмаган, шериги бўлган деяпти.

— Афтидан, сиз миссис Батлерни жудаям ҳурмат қиладиганга ўхшайсиз, — дедим. — Оғзингиздан чиққан гапларга қараб хулоса чиқарадиган бўлсам, у ичкиликбоз, қотил, бузуқи бир аёл. Нима, у сизнинг арпангизни хом ўрдими?

— Бунинг аҳамияти йўқ. Ҳозир асосий масала бу ерда пул. Пул қаердалигини билишимиз мумкин.

— Бунинг учун, сизнингча, нима қилишимиз керак бўлади?

— Уйни қидириш. Зарур бўлса, уйни ағдар-тўнтар қилиб, ғиштларигача қўпориб ташлашимиз керак. Пулни топмагунча қўймаслигимиз лозим.

— Бу вақтда аёл уйда бўладими? Бу ҳақда фикрингиз қалай?

— Йўқ, — деб жавоб берди у. — Шунинг учун биргалашиб ҳаракат қилишимиз керак. Ҳозир аёл шу ерда, шаҳарда. Тарихчиларнинг қандайдир съездида қатнашяпти. Керак бўлса, мен уни бир неча кун спиртли ичимликка бўктираман. Бу вақт ичида сиз уйни бузиб ташлаб, ғиштини қайта териб чиқишга ҳам улгурасиз.

— Нимани қидиряпсиз ўзи, ана шу овсарними? — сўрадим. — Иш кўнгилдагидай чиқмай, чаппасига кетадиган бўлса, сизга бало ҳам урмайди. Кўргандан мен онамни кўраман.

— Ҳеч нима бўлмайди. Уй катта сайхонликда, атрофи дарахтлар ва тўсиқлар билан ўралган. Унинг биттагина оқсочи бор, бека уйда йўғида у ҳам бу ерда бўлмайди. Деразаларга парда осилган. Ҳеч ким сезмайди. Музлатгичда озиқ-овқат мўл. Худди ўзингизнинг уйингиздай ўрнашиб олишингиз мумкин. Хўш, нима дейсиз?

— Пулнинг чўғига қараганда, таваккал қилса бўлади. Лекин бари сиз айтгандай, яъни иш хамирдан қил суғургандай осон битишига кўнглим чопмаяпти. Аёл эрининг машинасини ҳайдаб кетгани исботланмаган. Эҳтимол, полицияни чалғитиш учун эри билан бамаслаҳат машинани Санпортга ҳайдаб кетгану эри қандайдир бошқа йўл билан шаҳарни тарк этгандир.

Диана бошини чайқатди.

— Йўқ. Сизни ишонтириб айтаманки, у ўлган. Уни хотини ўлдирган, пул бўлса, ҳали ҳам уйида турибди.

— Шунчалик ишонч билан гапираётганингизга ҳайронман.

— Менга ишонмаяпсизми? — деди у. — Ёрдам бергингиз келмаяптими?

— Жуда ҳам хаёлпараст экансиз, — дедим.

— Сиз бойиб қолиш имкониятини қўлдан чиқаряпсиз.

Мен елка қисдим.

— Бунга шубҳам бор.

Мен Дианани яна ўзимга жалб қилмоқчи бўлдим, лекин кўринишидан кайфияти йўқ эди. Шундан кейин:

— Эҳтимол, сизга телефон қиларман, — дедим.

Шундай деб, чиқиб кетдим. Хонадан чиқиб, яна Винлокнинг эшигидаги тугмачани босдим. Лекин у ҳали ҳам қайтиб келмаган эди.

Машинага ўтириб, соатга қарадим. Олтига яқинлашиб қолибди. Бутун кун бекор ўтди. Уйга қайтиб келиб, почта қутисини очдим. Ўзимча ижара ҳақини яна неча кун тўлай оларканман деб қўйдим. Ижара хонам йўлақларига қалин гилам тўшалган янги қурилган ойнаванд уйда бўлиб, у менинг кармонимга тўғри келмас эди. Мен уни биржа далоли ишига ўтганимда банд қилган эдим. Ойига минг доллардан даромад қиламан-у, ижара ҳақини тўлашга қийналмайман деб ҳисоб қилгандим. Бу май ойида эди. Ҳозир август, энди тушуниб етдимки, умидларим пучга чиқибди.

Меҳмонхонада ўтириб, почтани кўздан кечира бошладим. Ҳаммаси ҳисоб-китоб қоғозлари. Фақат атир ҳиди анқиб турган қоғозга ёзилган бир хат эътиборимни тортди. Қайси қиз экан хат муаллифи деб эслашга уриниб кўрдим, лекин эслолмадим. Кейин бошқа ҳисоб-китоб қоғозларини титкилашга тушдим. Тикувчи сўнги ва ундан кейинги ойда ҳам тўлашим керак бўлган 225 долларни жуда одоб билан эслатган эди. Ҳисоб-китоб варақлари ичида машинам учун ҳам тўлашим керак бўл-

ган сумма иккинчи бор эслатилган эди. Бошқа ҳисоб-китобларга ҳам назар ташладим: хонадонга, электрга, газга. Банкдаги ҳисоб варағимда эса бор-йўғи 170 доллар қолган эди.

Бирон нима ичай деб ошхонага кирдим. Қўлимга шишани олишим билан иштаҳам йўқолди. Шишани қайта жавонга тикдим. Мен ўзи умуман жуда кам ичаман. Бояги ичган жиндай бурбоннинг қўланса таъми оғзимдан ҳали ҳам кетмаган эди. Диана Жеймсни ўйлай бошладим, унинг сочиқнинг устида қандай ётиб қораяётгани кўз олдимга келди. Жин урсин шу аёлларни. Шу деб бир кунимнинг тенг ярми бекор кетди-я. Машинамни ҳам сотолмадим, қизни ҳам ўзимга оғдиrolмадим. "Иш ҳам бўлмади, ишқ ҳам бўлмади", деб қўйдим ўзимча алам билан.

Эҳтимол, хато қилаётгандирман, балки 170 доллардан кўпроқ пулга эга бўларман? Мен банкдан келган сўнгги хабарни қўлимга олдим.

Саудия Арабистони, унинг қирқ даражали иссиғи, қум, шамоллар ҳақида ўйлай бошладим. У ерда икки йил чидай олармиканман?

Чидай оламанми, йўқми, энди бунинг аҳамияти йўқ, бошқа иложим қолмаган. Нимадир қилиш керак. Йил сайин даромадим камайиб кетяпти. Оғзимга сигарета сукдим. Қўлимга чақмоқ олдим-у, уни яна қайта столга қўйдим. Бир юз йигирма мингнинг ярми...

Елкамни қисиб қўйдим. Ҳаммаси ойнадек равшан. Диана Жеймс ўз хаёлининг қурбони. Бунга ўзини ишонтириб олган. Иккинчи жиҳатдан, у менга анойи бир тентак хаёлпарастдек туюлгани ҳам йўқ.

Битта нарсани сира тушунолмаёпман: нима учун у бунчалик ишонч билан гапиряпти? Агар менга бор гапни айтиб берган бўлса, унда тўғри, воқеалар ривожини бошқача бўлиши мумкин эмас. Полиция нега уни тополмаганикин? Бу ерда нимадир бор. Баланд бўйли, келишган йигитни топиш унчалик ҳам қийин эмас-ку. Менинг жиноятчиларни қидириб топиш ишларига унчалик тишим ўтмайди, лекин, назаримда, ёлғончини, фирибгарни топиш, уларни ушлаш бу соҳа ходимлари учун унчалик қийин эмас. Уларнинг қўлларида расми бор, ҳамма хатти-ҳаракатларини, қилиқларини беш кўлдай билишади. Машинасини тўрт мингли аҳолиси бор қишлоқчага қўйибди-ю, ерга кириб кетганини ҳам, осмонга чиқиб кетганини ҳам ҳеч ким билмаса. Бўлиши мумкин, лекин бундай... йўқ...

Бу фикрлар шу қадар содда ва бемаъни эдики, бу ҳақда бош қотириб ўтиришга ҳам арзимасди. Бироқ пул ҳам шу қадар кўп эдики, уни ҳеч калламдан чиқара олмасдим. Уйдан чикдим. Машинамга ўтириб, «Санпорт ситиян» газетасининг тахламасини варақлаш учун кутубхонага йўл олдим. Аввал 1 августдан кейинги сонларини варақлашга тушдим. Кейин ундан олдинги ойлар сонларини кўра бошладим. 24 июнь сониди қуйидаги маълумотга кўзим тушди:

«Ҳалига довр мистер Батлернинг изи топилмади».

«Полиция деярли икки ой қидирув давомида мистер Батлер ишини ниҳоясига етказа олмади. Маунт-Темпдаги Биринчи миллий банкнинг вице-президенти ҳам, 120 минг доллар ҳам изсиз ғойиб бўлди. Батлернинг машинаси 11 июлда қирғоқ-бўйи кўчадан топилгандан буён...»

Ҳа, мақолада бирон-бир янгилик йўқ, унинг ҳали ўлик-тириги номаълум эди.

Ирғиб ўрнимдан туриб кетдим. Мени хавотирга солган нарсани энди тушундим. Мен қуйидаги сатрларга назар ташладим: «...қирғоқбўйи кўча...» Э, гап бу ёқда экан-да!

Диана кўрсатган газета парчаларида худди мана шу кўча тилга олинган эди. Бу эсимда қолмабди. Лекин шунча вақтдан бери нимадир вужудимни кемириб юрган эди. Газеталарни тез-тез варақлай бошладим: 14 июль, 13 июль... Мана, 11 июль, бир нарса бўлиши керак. Ҳа, шундай бўлиб чиқди:

«Йўқолган машина бугун эрталаб денгиз соҳилига яқин Дювал хиёбонидаги 220-уй яқинидан топилди».

Биринчи марта ўқиганимда кўрсатилган манзилга эътибор қилмаган эдим. Винлокнинг берган эълонида худди мана шу ер кўрсатилган эди.

Батлернинг ўлганини Диана нима учун аниқ билгани менга энди маълум бўлди.

УЧИНЧИ БОБ

Кўғирчоқ тугмасини босганимда эшикни Диананинг ўзи очди. Биз меҳмонхонага киргунимизга қадар бир-биримизга бир оғиз ҳам сўз қотмадик. У ўтган сафаргидай столчанинг нариги чеккасига ўтириб олди-ю, менга истеҳзоли назар ташлаб, совуққина кулиб қўйди.

— Қайтиб келишингизни билгандим.

— Нега менга бор гапни гапириб бермагандингиз?

Диана сигарета тутатди, кейин ўйланқираб менга қараб қўйди.

— Очигини айтиб қўя қолай: агар ўзингиз ўйлаб, гапнинг тагига етолмайдиган бўлсангиз, демак, сиз бу ишга ярамайсиз. Бу сизга болаларнинг бекинмачоғи эмас. Ниҳоятда хавфли иш.

— Бир нарса менга ҳали ҳам равшан эмас, — дедим. — Уни хотини ўлдириб, машинасини сизнинг уйингиз олдига ташлаб кетганига нега бунчалик ишончингиз комил? Бу ишни биронта бошқа одам қилиши мумкин эмасмиди? Батлер сиз билан қочиб кетмоқчи бўлганини билган одам демоқчиман.

— Бу ақлга сизмайдиган гап. Бундан ташқари, хотинидан бошқа ҳеч ким бунга ҳаракат қилмаслиги ва ўзини хавфхатарга қўйиши мумкин эмас эди.

— Бор гапни энди очиқ-ойдин гапириб беринг, десам бунга нима дейсиз?

— Бунинг учун сиз аввал ўз қарорингизни маълум қилишингиз керак, — деди Диана совуққина қилиб. — Менга шерик бўласизми, йўқми?

— Шерикчилик қилмасам қайтиб келармидим?

— Қонунга хилоф иш қиласизми?

— Бу ҳақда ўйлаб кўрдим. Бунча пулга эга бўлган одам қонунни ўйламайди. Чунки уни ўзи бузиб турибди. Шунинг учун эрми, хотинми полицияга мурожаат қилолмайди. Ўз виждонини поклаш учун олтмиш минг долларга жуда кўп уйқу дориси сотиб олиши мумкин.

Диана қошини чимирди.

— Нега олтмиш минг оламан деб ўйлаяпсиз? Мен сизга учдан бирини бераман.

— Бу ҳақда гап бўлиши мумкин эмас. Ё ярми, ё бўлмаса — гап тамом.

— Жуда уятсиз экансиз...

— Нега уятсиз бўларканман? Мен аждарнинг комига кетаяпман, у ерда бутун уйни титкилаб чиқишим керак. Сизга бало ҳам урмайди.

— Яхши, хўп, — рози бўлди Диана. — Хотиржам бўлинг. Айтдим-қўйдим-да. Розиман, ярмини оласиз.

— Гап бундоғ бўпти. Қани, энди бир бошдан гапириб беринг-чи.

— Яхши, — деди у. — Унинг ўлганига бунчалик ишонч ҳосил қилганимга энди ишонасиз. У ўлган бўлиши керак, Батлер мана шу ерга келиши керак эди. Батлер аҳмоқ эмас. У бирон жойда яшириниб турсак, ниятига етишини яхши биларди. Биз иккимиз аниқ режа ишлаб чиққандик. Мўлжалимизни амалга оширишдан икки ой олдин мана шу хонадонни ижарага

олгандим. У пулни олиб тўппа-тўғри шу ерга келиши ва мен уни икки ой шу ерда яшириб туришим керак эди. Шов-шув йўқолиб излар босилгандан кейин афт-ангоримизни бир оз ўзгартириб, машинада гарбий соҳилга кетишни мўлжаллаб қўйган эдик. У Сан-Францискода номини ўзгартириб, янгидан ҳаёт бошламоқчи эди. Унинг машинасини шу ерга қўйиб кетиш жуда ажойиб ғоя эди. Энди гапларимга ишондингизми?

— Ҳа, ишондим. Фақат битта нарсага, пул Маунт-Темплда-лигига унчалик ишонгим келмай турибди. Ахир Батлерни бошқа биронта одам ўлдириб, пулни олиб кетган бўлиши мумкин-ку.

— Бундай бўлиши мумкин эмас. Буни ҳеч ким билмаган. Фақат хотини биларди. Уни охириги марта кўрганимда хотинининг ўзидан шубҳаланаётганини, назарида гўё орқасидан изқувар қўйгандек туюлаётганини гапириб берган эди.

— У билан қачон танишгансизлар? Сиз ростдан ҳам Маунт-Темплда ҳамшира бўлиб ишлаганмисиз?

— Ҳа. Ўтган кузда. У ишни тўғрилагунча шу шаҳарда яшаб туришим керак эди, мана ҳозир ҳам, тўрт ой бўлди, шу ерда яшаб турибман.

— Сизни жуда севиб қолганмиди?

— Ҳа, шунақа бўлса керак, деб ўйлайман.

— Сиз-чи? Сизга унинг пули керакмиди, ўзими?

— Табиий, у ҳам, бу ҳам. Биз бир-биримизни хоҳлардик. Шу билан бирга пулдор бўлишни ҳам. Сиз нима деб ўйлагандингиз? Тристан билан Изолда дебми?

— Энди хушторингиз у дунёга кетгандан кейин пулига эга бўлмоқчи бўлдингизми? Жилла бўлмаса, ярмига, — аниқлик киритдим.

— Тушундим. Яна нимани сўрамоқчисиз? Нима, у деб мен ўзимни ўлдиришим керакмиди?

— Яхши фикр. Рухсатингиз билан эътироз билдирмайман. Маунт-Темплгача масофа икки юз километр атрофида, — дедим. Енгил машинада тўрт соатлик йўл.

Диана бошини қимирлатди.

— Сиз автобусда боришингиз керак.

— Нима учун?

— Ўзингиз ўйлаб кўринг. Сиз ўша уйда икки ёки уч кун бўлишингиз керак бўлади. Машинани қаерга қўясиз? Уйнинг олдидами?

— Шаҳарнинг бирон жойига қўйиб қўйишим мумкин.

— Мумкин эмас. Одамларнинг кўзига ташланиб қолади. Полиция ҳам уни эътиборга олиб қўйиши мумкин, ким билади ҳали нима гап-сўз бўлишини.

Диана ҳақ эди. Бошқа шаҳарнинг рақами ёзилган машина бир жойда узоқ туриб қолса, ҳамманинг эътиборини жалб қилиши мумкин. Бундан ташқари, автобусда кетиш ҳам анча мақбул эди.

— У ёққа бориб яна орқага қайтиб келганимни ҳеч ким кўрмаслиги ва ҳеч ким мени таниб қолмаслиги керак. Шунинг учун автобусда бормайман.

— Тўппа-тўғри, — деди Диана. — Автобусда борсангиз эҳтиётсизлик қилиб қўйган бўлардик. Яхшиси, сизни ўзим элиб қўйсам маъқул бўлса керак, менимча.

— Тўғри, — розилик билдирдим. — Мени уйнинг орқасига, қоронғи бир ерга туширасиз-да, қайтиб кетиб миссис Батлер билан шуғулланасиз. Бугун сешанба. Агар уй сиз айтгандек катта бўлса, унинг ичида икки кун бўлишим керак. Демак, мен сизни жума куни кечаси соат иккида уйнинг орқасида кутаман, сиз мени олиб кетасиз. Шунда биз ё пулни қўлга киритамиз, ё бўлмаса пул у ерда йўқлигига ишонч ҳосил қиламиз.

— Бўпти, келишдик.

Диана ўриндиққа ястаниб ўтириб олди-ю, ишонқирамай менга тикилди.

— Яна бир гап, мабодо бошқа хаёлга борган бўлсангиз, — деди у. — Агар мени у ерда бўлмайди деб пулни олиб жуфтакни ростлаб қолмоқчи бўлсангиз, ўйламанг узоққа бораман деб. Полицияга қўнғироқ қилиниши билан бирпасда қўлга тушасиз.

Диана ростдан ҳам ҳамма нарсани режалаб қўйган эди.

— Қайси эркак сиздай гўзал санамни ташлаб кетади? — дедим.

— Шунча пул турганда-я? Яхшиси, бунга уринманг.

— Қўрқманг, — хотиржам қилдим уни, — шундай қалтис ишга қўл урдикми, сизни ҳам огоҳлантириб қўйишим керак. Мен ҳам сизни адаб кетишингизни маслаҳат бермаган бўлардим.

Соатга қарадим. Учдан ўн дақиқа ўтибди.

Биз Санпортдан ярим тунда йўлга тушдик. Йўлга чиқишдан олдин машинамни гаражга қўйдим. Ўзим учун чўнтак фонари, бир неча захира батарея, елимли тасма, бир неча қути сигарета дегандек керакли нарсаларни сотиб олдим.

Диана машинани тез ҳайдади. Йўлнинг каттагина қисмини соатига юз километр тезликда босиб ўтдик. Йўлда машина

ҳаракати кам эди. Қандайдир қишлоққа етиб келганимизда у тезликни пасайтириб, олтмиш километрга туширди.

— Кейинги қишлоқ бизники, — деди у, — 50 километр қолди.

— Сиз орқага қайтганингизда тонг ёришиб қолади, — дедим.

— Бунинг аҳамияти йўқ. Санпортда мени ҳеч ким танимайди. Миссис Батлер тушгача ўрнадан туриши дарғумон.

— Эҳтимол, уни полиция назорат қилаётгандир? Балки улар қайтиб келиб, хотини билан учрашади деб ўйлашаётгандир?

— Ўйлашса ўйлашаверсин, — деди Диана. — Улар ахир ҳеч нимани билишмайди-ку. Ли, сигаретдан беринг.

Унга сигарета бердим, олов тутиб, ўзим ҳам чеқдим.

— Нимадандир юрагим ғаш, — дедим. — Эҳтимол, пулнинг кўпгина қисми қимматли қовозлардан иборатдир. Уни қандай пулга айлантирамиз?

— Йўқ, — эътироз билдирди у. — у фақат долларни олган, банкка кўп пул топширилган кунни танлаганди.

— Пул ҳам салмоқли бўлса керак. Ўзингиз уйнинг қаерларини қидирган бўлардингиз?

— Бу эски уй, — жавоб берди Диана. — Жуда эски ва жуда маҳобатли. Сиз ишни полдан бошлаб аста-секин пастта тушиб бораверишингиз керак, деб ўйлайман. Эътиборингизни асосан уйнинг қаери тузатилган, таъмирлангандек кўринган жойларига қаратишингиз лозим. Шу билан бирга мой суртилган дераза раҳлари, эшикнинг кесакилари ҳам назарингиздан четда қолмасин. Аёлнинг ниҳоятда айёрлигини ёддан чиқарманг. Пул эски латта-путталарга ўралган ва бирон қути ёки ахлат челақчасида ётган бўлиши ҳам мумкин. Вақтингизни аяманг. Полиция билан тўқнаш келишдан эқтиёт бўлинг.

— Таваккал иш қилгим йўқ, — дедим. — Шунинг учун сиз у билан ажрашганингиздан кейин Маунт-Темплга қайтиб кетмаганмикан, деб шубҳага борадиган бўлсангиз, буни менга қандай қилиб маълум қилишингиз ҳақида ўйлаб турибман. Агар шундай бўлса, телефон қилиб...

— Ахир сиз ким кўнғироқ қилаётганини билмасдан туриб гўшакни кўтара олмайсиз-ку.

— Гапимнинг охиригача қулоқ солинг, — дедим. — Тўғри, мен кимлигини билмасдан туриб гўшакни кўтара олмайман. Бу ёғини эшитинг: кечасими, кундузими ҳар бир соатнинг аниқ бошланиши олдидан кўнғироқ қилинг. Мен гўшакни кўтар-

майман, сиз чорак соат ўтиб яна қўнғироқ қилинг, мен тасодифий қўнғироқ бўлса керак деб жавоб бермайман. Агар яна роса ўн беш дақиқа ўтиб қўнғироқ қилсангиз, бу сиз эканлигингизга ишонч ҳосил қиламану, гўшакни кўтараман. Сиз оддийгина қилиб, қалай, миссис Батлернинг аҳволи яхшими деб сўрайсиз. Мен «ҳа» деб жавоб бераману гўшакни қўяман.

Бир дақиқа ўйлаб туриб фикримдан қайтдим.

— Йўқ, умуман ҳеч нима демайман. Ўн беш дақиқа оралаб уч марта қилинган телефон қўнғироғининг ўзи кифоя қилади. Учинчи қўнғироқдан кейин мен яширинаман.

— Ёмон эмас, — деди у. — Каллангиз ишлабди. Қизиқ, сиз кўп жиҳатдан Батлерга ўхшаб кетяпсиз.

— У қидирмасдир-ов.

— Нима учун?

— Чунки у ўлган.

Иккимиз ҳам жимиб қолдик. Орадан бир неча дақиқа ўтиб, у:

— Ҳозир етиб келамиз. Чап томондан биринчи уй уники, — деди.

Мен атрофга назар ташладим. Чор атроф қоп-қоронғи. Анча наридаги қорайиб турган қуюқ дарахтлар орасида бинонинг тарҳи аранг кўзга ташланиб турарди. Биз ўнгга қайрилиб, паст бўйли дарахтчалардан иборат вилланинг олдидан чиқдик. Уч уй нарида чироқ билан ёритилган чорраҳа бор эди. Диана машинани чапга буриб, бир неча юз метр юргандан кейин яна четга бурди.

— Биз бинонинг орқасидан чиқдик, — маълум қилди у. — Уй симли тўр билан ўралган ва атрофи толгулдан баланд тўсиқ қилинган. Лекин дарвозаси очиқ бўлса керак. Очиб бўлмаса, ундан ошиб ўтишингиз ёки айланиб ўтиб, бинонинг марказий кириш жойи рўпарасидаги дарвозадан киришингиз мумкин. Омад ёр бўлсин.

— Келишув ёдингизда бўлса керак деб ўйлайман, — дедим, — Пайшанба куни кечаси иккилар атрофида ўла жойда.

Диана машинани тўхтатди, мен машинадан тушиб, эшикни ёпдим. У хайр деган маънода қўлини силкитиб қўйди-ю, машинани елдириб кетди. Ёлғиз қолдим.

Муқолишдан ўтгандан кейин машина ортидаги қизил чироқ гойиб бўлди. Мен кўзим қоронғиликка ўргансин деган ўйда йўлакка чиқиб тўхтаб турдим. Осмонда ой йўқ. Тун иссиқ ва сокин. Қаердадир ит акиллади. Энди қоп-қора тўсиқнинг тарҳи аниқ кўрина бошлади. Мен тўсиқнинг шохларидан юзимни

пана қилиб, қўлимни тўсиққа тегиздим. Кейин дарвозани топиш умидида тўсиқ бўйлаб юриб кетдим.

Машинадан чиқаётганимда соат неча бўлганини кўриб олмабман. Лекин икки соатлардан кейин тонг ёриша бошласа керак. Бу вақтда мен уйнинг ичига кириб олган бўлишим шарт.

Йигирма, ўттиз қадамлар тўғри юриб бордим. Дарвоза кўринмади. Муюлишга бориб, бошқа томонга қараб кетаётганимни сезиб қолдим. Қўлимни тўсиққа тегизганча орқага қайтдим. Толгулнинг бўйи баланд, салкам икки метрлар чамаси. Толгул қалин ўтказилган, эни тўрт метрлар келарди.

Нихоят дарвозага етиб келдим. Қўл тегиши билан ғичирлаб кетди. Дарвоза тутқичини пайпаслаб топиб итарган эдим, аста-секин очила бошлади.

Кенг сайхонлик ортида бино қорайиб турарди. Уй жуда маҳобатли, ертўласи бор, афтидан, икки қаватли эди. Ўнг томонда бир нарса қорайиб турибди. Бу гараж бўлса керак.

Мен ўсиб кетган толгул шохлари орасидан тиқилиб ўтиб, ҳамма деразаларни кўздан кечира бошладим. Ҳеч қаерда чироқ кўринмасди. Ўт-ўланларни босиб, орқа пешайвонга ўтдим. Бирдан ярим гектардан кам бўлмаган дарахтзор, майсазор боғ ҳам борлигини мутлақо ўйлаб кўрмаганимиз калламга урилди. Агар пул боғнинг бирон ерига кўмиб қўйилган бўлса, уни икки дунёдаям тополмаймиз. Энди пул уйнинг ичида деган умиддан бошқа илинж қолмади.

Мен уйнинг орқа девори бўйлаб пешайвон атрофида айлана бошладим. Қоронғида ертўланинг икки деразаси кўзга аранг ташланарди. Деразалар деярли ер билан баробар, қисман тўсиқ билан ўралган эди.

Биринчи деразага яқин келиб, чўнтак фонари билан ёритдим. Ўраб қўйилган сим панжара билан деразани қурум босиб кетган. Шундай бўлса ҳам илгакни ахтариб топдим. Илгак туширилган, иккинчи дераза ҳам шундай. Демак, деразалар қулфлоглиқ.

Мен тўхтаб, ўйлаб олдим. Чап томондаги дераза буталар билан яхши беркитилган. Унинг олдида тиззалаб ўтириб олдим-да, фонар билан сим панжарали ромдаги илгакни ёритдим. Кейин очқич билан илгакни итариб, панжарали ромни кўтардим.

Чўнтагимдан ғалтакка ўралган елимли лентани олиб, ойнанинг икки тарафига бурчакма-бурчак қилиб, ёпиштириб қўл бола отверка билан ойнани синдирдим.

Ёпишқоқ лента ойнани ерга туширмай ушлаб қолди. Очқични ичкари тиқиб, шпингалетни кўтарган эдим, дераза

осонгина очила бошлади.

Деразани очиб ичкари кирдимү панжарани тушириб, деразани ёпдим, кейин дарҳол атрофга кўз югуртирдим. Ертўла кенг, ўртасида печка турибди. Деворнинг қарама-қарши томонида кўмир солинган яшиклар ва бир нечта чамадон турарди. Уларнинг атрофида бир тўда газета ва журналлар уйилиб ётарди. Чироқ нури эшикка тушди, бориб очдим. Ертўланинг бу қисми кирхона экан. Девор олдида кир машина турарди.

Пулни бу ердан қидиришдан маъно йўқ эди. Ҳаммадан бурун бутун уйни айланиб чиқишим ва режа тузишим, ундан олдин уйда хизматкор бор-йўқлигига ишонч ҳосил қилишим керак. Диана Жеймс хизматкор уйда бўлмади, деган эди, мабодо у адашган бўлса-чи, унда тузоққа у эмас, мен тушаман.

Жойимга қайтиб келиб, юқорига чиқадиган зинани қидира бошладим. Уни топдимү чўчиб тушиб жойимда қотиб қолдим.

Чўнтак фонаримни ўчирдим, нафасимни ичимга ютиб, қулоқ сола бошладим. Сукунат кўйида юрагимнинг уришию алақаердан элас-элас мусиқа овози эшитилиб турарди. Сочларим тикка бўлиб кетди. Ҳайҳотдай бўм-бўш уйда кечаси соат тўртда мусиқа чалиниши валати. Бир дақиқа қулоқ солиб турдим-да, фонарни ёқиб зинадан кўтарила бошладим. Юқорида эшик бор эди. Очиб киришим билан ошхонага чиқдим.

Ахлат қутиси ортида дераза бор экан, парда тортилган. Мен қаерга кирсам хавотирланмай бемалол юришим учун, аввало, дераза пардаларига эътибор қилардим. Ахлат қутиси ёнидаги эшик, чамаси орқа пешайвонга, плита ёнидаги эшик эса, афтидан, ошхонага олиб чиқса керак. Ошхонанинг бошқа томонида яна бир эшик бор, бу хизматкор турадиган хона бўлса керак. Ҳар эҳтимолга қарши биров борми-йўқми, бир назар ташлаб қўйиш лозим.

Оёқ учида юриб эшикка келдим. Эшик тутқичидан ушлаб, фонаримни ўчирдим. Кейин секин, ҳа, жуда секин тутқични тортиб эшикни очдим. Хонада жимлик ҳукмрон эди. Мен қимирламай, нафасимни ичимга ютиб қулоқ солиб турдим. Ҳа, бу хизматкорнинг хонаси бўлиши керак. Мен фонарни ёқиб, қўлларим қалтираганча полга тўғриладим. Бирон бақир-чақир-чақир бўлса, бир зумда сукунатни бузиб юбориши мумкин. Баданимдан совуқ тер чиқиб кетди. Фонарни аста кўтариб, пол бўйлаб айлантира бошладим, унинг нури каравот оёқларига тушди. Юқори кўтардим. Ҳартугул каравотда ҳеч ким йўқ эди. Енгил тортиб, чуқур нафас олдим.

Эшикни ёпиб, ўчоқбоши орқали ошхонага ўтдим. Бу ердаги деразага ҳам парда тортилган эди. Стол билан жавон кўҳна ва оғир дарахтдан ясалган. Ойнаванд жавонда жуда чиройли безатилган қадимий кумуш сервис турибди. Бу ота-боболар даврида катта бойлик саналган бўлса керак. Мен фонаримни ёқиб, ошхонани айланиб чиқдим. Миссис Батлернинг ичкиликка ружу қўйгани ажабланарли ҳол эмас. Бунга ўхшаган ҳайҳотдай кошонада истиқомат қилган ҳар қандай одам ҳам ўзини ичкиликдан тийиб туrolмаган бўларди. Меҳмонхона кенг, ошхонага ўхшаш, асбоб-анжомлар яратилган, саранжом-саришта. Столлар билан жавонлар қизил дарахт ва ёнғоқдан ясалган, бахмал пардалар қизғиш, диван ва ўриндиқларнинг айримларига каштан рангли духоба, айримларига қора тери қопланган. Девор ёқалаб қўйилган жавонга китоблар терилган.

Мен фонарим нуруни аста-секин тўғрилаб, қатор-қатор турган китобларга назар ташладим. Қомуснинг жилдлари ағдартўнтар бўлиб ётарди. Уларнинг орасига бошқа китоблар аралашиб кетган.

Вужудимни ғалати ҳиссиёт чулғаб олди. Мен хонага яна бир бор назар ташладим. У ердаги бошқа ҳамма жиҳозлар батартиб турибди. Мен диваннинг олдида тиззалаганча унинг гижимланган айрим жойларини кўздан кечира бошладим. Лекин бу ҳеч нарсага далил бўлолмасди. Эҳтимол, буни хизматкор хонани тозалаётганида қилгандир.

Мен диванни бир чеккасидан кўтариб, девордан нари сурдим. Ана шу пайт диванга қопланган газлама ўткир пичоқми, устара биланми узунасига кесилганини кўриб қолдим. Ёстиқларни ағдариб кўрдим. Улар ҳам, ўриндиқлар ҳам тагидан кесилган эди. Дастлаб ваҳимага тушдим. Кейин ўзимни қўлга олдим, ўтириб сигарет тутатдим. Буларни ким қирққаникин? Йўқ, ундан ҳам аҳамиятлироғи, истаган нарсасини топганикин? Афтидан, тополмаганга ўхшайди.

Лекин тополмаган бўлса, ўзи қаерда? Нега қидиришни давом эттирмаган? Бундан бошқа фикр ҳам келиб чиқади: демак, кимдир уйни тинтув қилган экан, биз ҳақ эканмиз-да.

Афтидан, мистер Батлер пулни олиб қочмоқчи бўлганда эрини миссис Батлернинг ўзи ўлдирган деб шубҳага борган фақат битта биз эмас эканмиз-да.

Нима қилсам экан? Ишни бошламасдан тугатиб қўя қолсам-микин? Йўқ, нима бўлса бўлар! Ишни тўхтатмасдан уйни қидириш керак. Умуман, бу ерга нима учун келганман? Жума куни саҳаргача вақтим бор. Эҳтимол, бошқа одам ҳеч нима

тополмагандир. Мен ўрнимдан туриб сигаретни кулдонга босиб ўчирдим. Пул ҳақидаги фикрлар менга тинчлик бермаётган эди.

Мен меҳмонхонанинг қарама-қарши томонидаги эшикдан чиқишим билан бир томони кўча эшикка, қарши тарафи зинапояга олиб борадиган йўлакчада бўлиб қолдим. Зинапоя билан юқорига кўтарилдим.

Юқорига чиқиб, у ёқ-бу ёққа назар ташладим-у, фонарни ўчириб қотиб қолдим. Йўлакдаги бир эпик очик, у ердан паст мусиқа товуши эшитилиб турибди. Аслида-ку, жуфтакни ростлашга шошилишим керак эди-я, лекин мусиқа овози мени гўё сеҳрлаб қўйгандек бўлди. Мен чурқ этмай туравердим. Тушиб турган ёруғлик электр нури десак, жуда хира, ундан ташқари нари-бери липиллаб турибди. Гугурт чақилганмикин? Бировлар уйни ёқиб юбормоқчи бўлаётганмикин? Йўқ, бундай бўлиши мумкин эмас. Чунки аланга бўлса ёруғ бўлиши керак эди. Кутиб турдим. Ёруғлик ўзгармади. Шундан кейин унинг нима эканлигини аниқ билдим. Бу — шам эди.

Бу ёғи қандай бўлди энди! Чўнтак фонари нархи 49 цент бўлиб турганда ҳеч ким қўлида шам кўтариб юрмаса керак. Шу ҳақда ўйлаб тургандим, хонанинг ичида аранг шипиллаган товуш қулоғимга кирди.

Худди шу пайт мана бу овоз грампластинка нинасининг куй бошлангунча айланадиган товушсиз овози эканини англаб етдим. Кейин юракни жунбишга келтирадиган менга номаълум майин куй жуда секин ва сокин тарала бошлади.

Шу дақиқада энг оқилона иш — тезроқ қочиб қолиш бўларди. Бундай пайтларда табиатан мулоҳаза қилиб ўтирмасдим. Лекин нима бўлмасин, хонага мўралагим келди. Бунинг учун эшик томон уч ё тўрт қадам ташланса кифоя, йўлакка ташланган гиламча оёқ товушларини ютади.

Эпик олдига келиб, тўхтаб қолдим. Энди хатар аниқ бўлиб қолди. Агар хонадаги одам эшик томон ўтирилса, мени кўриб қолиши мумкин. Сокин таралаётган мусиқадан бўлак ҳеч қандай товуш эшитилмаётган эди. Аввалига қандайдир диний маросимда иштирок этаётгандай ёқимсиз туйғу кўнглимга келди. Аста-секин тушундим. Бу ётоқхона эди. Патефон полда, унинг ёнида эса, кичкина кумуш ранг шам ёниб турарди. Гиламда пластинкалар сочилиб ётибди. Уларнинг орасидаги паст юмшоқ курсида узун ҳаворанг халатда бир қиз ўтирарди. Қиз мусиқа мақомига мослаб тебраниб-тебраниб қўярди. Шам ёруғида ён томондан қараб, қалин қоп-қора сочларини аниқ кўрдим. Қиз ҳаддан ташқари гўзал ва ғирт маст эди.

Мен эшик олдида қаққайиб турганча ғазаб билан Диана Жеймснинг найрангини ўйлай бошладим. Миссис Батлер Санпортга кетмаган эди.

ТҮРТИНЧИ БОБ

Ё Диана мени алдаган, ё булар бари тасодиф. У бор гапни очик-ойдин гапириб бермай, бошиданоқ алдаган эди. Эҳтимол, бу сафар ҳам алдагандир.

Балки бундай бўлиб чиқишини ўзиям билмагандир. Миссис Батлер билдирмай, дейлик, уйига жўнаб қолганмикин. Шундай бўлиши мумкин. Биз пулга эга бўлмоқчи эдик, бунинг учун уйни қидириш керак. Агар миссис Батлернинг уйда бўлишини билганда уйни титкилаш учун мени бу ерга олиб келиб ташлашида ҳеч қандай маъно бўлмайди.

Бунақамасмикин?

Нима бўлганда ҳам энди биз пулни топиш умидидан воз кечишимиз керак бўлади. Энди мен тонг отмасдан бу ердан жуфтакни ростлашим керак. Боққа чиқиб олсам бўлди, у ёғининг дарди енгил. Шаҳарга боришим ва яқин орада юрадиган автобус билан Санпортга етиб олишим мумкин. Шундан кейин у ҳақдаги хулосамни Дианага айтиб бера оламан.

Жойимда туравердим. Ўзимни мағлуб ҳисоблашим юракка қандайдир оғир бота бошлади. Гўё пулни қўлга киритганману, охирги дақиқаларда оғзимдаги ошни олдириб қўйгандекман. Мана бу аёлни жавонга беркитиб қўйиб, тонг отгунча пулни қидирсаммикин?

— Йўқ, бу хатарли, хизматқорми ё бошқа бировми келиб қолиши мумкин. Мени ушлаб олишади. Бу фикрни шу заҳоти калламдан чиқариб ташлаб, жойимда қаққайиб туравердим.

Миссис Батлернинг қўлидан ҳеч нарса келмайди ҳозир. Фирт маст, унга барибир. Мен ярми ичилган ва ёнида қадаҳ турган шишага назар ташладим. Миссис Батлер шовқин кўтармас, ичиб олиб ҳар хил ёмон қилиқлар қиладиган аёлларга ўхшамасди. Уларнинг акси эди. Ўтирган жойида бемаза ҳаракатлар қилмас, ёқимтойлик билан аста қимирлаб қўярди.

Мусиқа тинди. Пластинка бир неча марта айланди, кейин аппарат ўз-ўзидан тўхтади. Хонага ўлик сукунат чўқди. У янги пластинка қўймади. Ўтирган жойида салгина чайқаларкан, гўё бир нимани аста хиргойи қиялпими ё дуо ўқиялпими,

лабларининг қимирлаётганини кўриб қолдим. Кейин у секин ўрнидан турди, ёнидаги узун ором курсига ўтирди, сўнг қўлларини икки ёққа чўзиб ётиб олди.

Мен ўгирилдим. Жўнаб қолиш пайти келди. Бирдан зина-поянинг ғирчилаётганини эшитиб, жойимда қотиб қолдим. Кимдир зинадан юқорига кўтарилиб келарди.

Йўлакка яна бир хонанинг эшигидан чиқса бўларди. Лекин у ёпиқ эди. Уни очиш учун вақт йўқ ва бу ҳақда ўйлаб ўтиришнинг ҳам ўрни эмасди. Ўзимни ичкарига урдим, миссис Батлернинг устидан энгашиб шамни ўчирдим. Оромкурси жойлаб қўйиладиган жавоннинг эшиги ярим очиқ турган экан, хонани пайпаслаб бориб жавоннинг эшигини очдим, ўзимни унинг ичига урдим. Кейин эшикни ярим очиб қўйдим. Бошимга атир ҳиди анқиб турган кўйлақлар тегиб турибди. Жавоннинг ичи иссиқ ва дим эди.

Йўлакка оёқ товушларини ютадиган қалин гиламча тўшалган. Мен сал очиқ эшикнинг ёриғидан бир кўзим билан қараб, ким келишини кутиб турдим. Эшикдан хона деворларига ёруф ўрмалади. Нур ойнага, кейин ундан нарига кетди. Пастга қадалиб пластинкалар уюмини, шишадаги вискини, кейин чалқанча ётган ёш аёлнинг танасини ёритди. Эркак киши қўлидаги фонар ёруғини ўчирмай, хонага кириб келди. Мен бу ўлик сукунатда мени сезиб қолмасин дея нафасимни ичимга ютиб турдим.

Эркак энгашди, афтидан, фонарини у қўлидан бу қўлига олди. Нега бундай қилганини кейин билдим. Фонарнинг ёруғи бир лаҳза аёлнинг чаккасига тўғриланган тўппончани ёритиб юборди. Бу энди чидаб бўлмайдиган ҳолат эди. Бир зум ҳам ўйлаб ўтирмай, жавондан чиқдим-у, ўзимни унинг устига отдим. Мен ташланганимда у ўгирилиб олган, иккаламиз гиламнинг устида айқаш-уйқаш бўлиб кетдик. Мен унинг қўллари бор кучи билан мени бўғаётганини сезиб қолдим. Фонар ўчди. Хона қоп-қоронғи, мен тўппонча қаердалигини билмасдим.

Ундан қутулиш учун тиззам билан қорнига ниқтаб итариб юбордим. Рақибим қўлини қўйворди ва шу заҳоти башарамга мушт туширди. Каллам бурилиб, гаңдираклаб кетдим. Мен ҳам бемўлжал мушт туширган эдим, тегмади. Унинг полда ўрмалаб кетаётганини сезиб қолдим. Кейин туриб, ўзини эшикка отди. Гурсиллаб эшикнинг кесакисига урилди-ю, йўлакка қочиб чиқди.

Мен ҳам ўрнимдан туриб, чўнтак фонаримни олдим. У ё уйдан чиқиб қочиб кетди, ё қаердадир беркиниб олган. Энди

ким тирик қолишини тўппонча ҳал қилади. Фонаримни ёқиб, полни қидира бошладим. Тўппонча синиб, парча-парча бўлиб ётган пластинкалар орасида ётарди. Уни олиб, фонарим билан бирга чўнтагимга солдим. Ана шунда мадорим қуриб, кучим қолмаётганини сездим. Сал ўзимга келиб олиш учун полга ўтирдим.

Бир оздан кейин ўрнимдан турдим. Фурсатни фанимат билиб, қочиб қолиш керак. Яна фонарни ёқиб, аёлнинг юзига қарадим. Олишаётган чоғимизда уни каравотдан иргитиб юборган эканмиз. Қиз ерда қўлини чўзиб боши устига қўйганча гиламда ётарди. Хонадаги кўнгилсиз ҳолатни кўриб, эрталаб роса боши қотса керак.

Кейин агар уни шу аҳволда ташлаб кетсам қиз, умуман, уйронмаслигини англаб етдим. Чунки ҳалиги йигит қайтиб келади-да, уни ўлдириб кетади. Менинг кетишимни қаердадир кутиб туради, унга халақит қилган нарсани йўлидан олиб ташлайди. Ухлаб ётганда хоҳлаган усули билан ўлдириши мумкин. Бу муаммо туғдирмайди.

Нима қилсам экан?

Аёлни бамайлихотир саранжомлашларига бефарқ қараб туролмаган бўлсам, энди унинг ҳимоячиси ролини ўйнашим керакми? Бу хавфли. Агар шу ерда қолиб, унинг уйғонишини кутиб ўтирсам, мени бир зумда ҳибсга олишлари мумкин. Ана унда полицияга нима сабабдан шундай ҳодиса юз берганини батафсил гапириб беришим керак бўлади. Полициядагилар «қулфбузар аёлнинг ҳаётини асраб қоляпти! Эй Жо, яқинроқ келиб, бунинг гапларини бир эшитиб кўр!» дея роса устимдан кулишлари мумкин.

Шундан кейин даҳшатли бир фикр вужудимни қамраб олди. Дейлик, эрталабми, кечроқми унинг мурдасини топишади. Бирон кимса бу ерда мендан бошқа жонзот бўлмаганини ҳеч қачон билмайди. Фақат биттагина одам мен бўлганимни жуда яхши билади — бу Диана Жеймс. Бу ерга мени ўша ташлаб кетган. Агар бирон жойда оғзидан гуллаб қўйса борми, шундай қийноқнинг тагида қолиб кетаманки, нақ дўзахнинг ўзи деяверинг.

Нимадир қилиш керак. Вақтим жуда оз. Қоронғида ўтириб олганча роса бош қотира бошладим. Охири ярқ этиб миямга бир фикр келди. Омадни қўлдан чиқармаслик керак. Бир ашаддий фирибгар ҳақиқатнинг ўн фоизинигина айтиб, мени шунча лақиллатган экан, энди ўзининг усулини ўзига қўллайман.

Ҳаммамиз пул учун ўзимизни ўтта ҳам, чўққа ҳам уряпмиз. Пул шу ердами, шу ерда эмасми, буни аниқ биладиган яккаю ягона одам — бу миссис Батлер. Бу жумбоқни ечиш калити унинг қўлида. Энди пул шу уйда сақланаётганлигига шубҳам қолмади. Пулнинг қаерда бўлгани ёки қаердалигини фақат угина билади.

Демак, миссис Батлерни маҳкам ушлаш керак. Агар у шу ерда қолса, уни ўлдиришлари аниқ, бу ердан олиб кетсам-чи, гапиришга мажбур қиламан.

У билан хотиржам гаплашиш учун қаерга олиб кетишни яхши билардим. Агар узоқ вақт бирга бўлсам ва тўғри саволларни берсам, пул қаердалигини, албатта, айтиб беради. Агар эрининг ўлимига аралашмаган бўлса, менга одам ўғирлаш айбини қўйиб, ҳибсга олишлари мумкин. Мана бундай таваккалчиликка борса бўлади. Мен хаёлан автомобиль йўллари харитасини кўз оддимга келтирдим. Менга керак бўладиган жой бу ердан саксон километрдан узоқ бўлмаган ерда эди.

Кейин нима қилиш кераклиги ҳақида режа туза бошладим. Уни ўзим билан олиб кетайми? Лекин қандай қилиб олиб кетаман? Машинам йўқ бўлса бу ерда. Елкага бир қоп ун ўнгаргандай кўтариб бутун шаҳар бўйлаб кезиб юришим керакми? Аста сўкиниб қўйдим. Яна бир бошдан ўйлай бошладим. Шошма! Ахир, машинаси бўлиши мумкин-ку. Санпортдан машина миниб келган.

Агар гаражга бориб машина бор-йўқлигини текширадиган бўлсам, бир ўзини ёлғиз қолдиришим керак. Лекин ҳалиги йигит бу ердан чиқиб кетган-кетмаганимни аниқ билмай қайтиб келиши даргумон. Мен зинадан пастга тушиб, пешайвонга олиб чиқадиган эшикни қулфладим. Кейин чўнтак фонаримни ўчириб, ташқарига чиқдим. Бир неча сония ўтмай, кўзим қоронғиликка ўрганди. Ҳалиги она сути оғзидан кетмаган аблаҳ миямни пачақлаши ҳеч гапмас. Уйнинг бурчагида қорайиб турган гаражга бир қараб олиб, аста-секин одимлай бошладим. Каттакон дарвоза қулфловлиқ эди. Гаражни айланиб ўтиб, кичкина эшикчага кўзим тушди. Тутқичдан итарган эдим, эшик очилди. Гаражнинг ичига кириб эшикни ёпдим-у, чўнтак фонаримни ёқдим. Фонар нури «Қадилак»ка тушди. Асбоб-анжомлар осиб қўйиладиган тахтачани ёритдим. У ерда машинанинг калити йўқ эди. Калитни йигирма хонали бинонинг ичини қидиришдан бошқа илож йўқ эди. Соатга қарадим, тўртдан йигирма дақиқа ўтибди. Калитни топган тақдиримда ҳам режани амалга оширишим амри маҳол эди.

Мен аёл қиёфасига киролмайман-у, масчитларнинг хатти-ҳаракатини жуда яхши биламан. Бу нарса ҳозир қўл келди. Мен миссис Батлернинг кўча эшиқдан кириб, столда бир шиша виски турган ошхонага киргунгача бўлган ҳолатини хаёлимда тикладим. У ерда, ошхона эшиги олдидаги столда унинг сумкаси, сумка ичида эса бир шода калит турарди.

Мен сумкани ўша ерда қолдириб, югуриб юқорига чиқдим. Аёлни кўтариб энди чиқмоқчи бўлиб турувдим, бир нарса эсимга тушиб қолди. Уни диванга ётқизиб, фонаримни ёқиб шишани қидира бошладим. Ҳалиги тўполонда бир чеккага учиб кетибди. Хайрият, оғзи ёпиқ экан, ичидаги виски тўкилмабди, ярим литрли шиша яримлаб қолган экан. Уни костюмимнинг чўнтагига тикдим у аёлни кўтардим. У ҳали ҳам ғирт маст эди. Ўзига келгунча анча-мунча йўл босиб қўйиш мумкин. Ошхонадан сумкани олволдим.

Миссис Батлери машинанинг орқа ўриқдигига ётқиздим, чўнтак фонаримни ёқиб, унинг сумкасидан калитларни олдим. Гараждан чиқиб, эшикка калит солдим. Биринчи калитнинг ўзиёқ қулфга тушди. Дарвозани очиб қўйиб, машинага миндим, аёлнинг сумкасидан калитни олиб, машинани юрғиздим-да, уй йўлагига олиб келдим. Йўлакка сепилган оқ қум тўппа-тўғри кўча дарвозасигача олиб борарди. Мен машинани орқаси билан кўчагача ҳайдаб чиқдим, кейин ўттиз метрлар аста юриб, кейин тезликни оширдим.

«Қулфбузар, — дедим ўзимча, — машина ва одам ўғриси. У ёғи-чи? Тамаъгирликми? Пул талаб қилишми?» Лекин мен ҳаммасини аниқ ҳисоб-китоб қилиб қўйгандим. Бор гапни тўппа-тўғри айтиб берадиган бўлсам, ҳар қандай ҳолатда ҳам менга ҳеч нима бўлмайди, ўйиндан чиқиб кетишим мумкин. Бутун пойга мана шу бир юз йигирма минг доллар устида кетяшти, тез орада аниқ бўлади. Балки, биринчи бўлиб ўзим етиб келарман. Мен Диана олиб келган катта йўл билан борарканман, бурилиш қаерда экан деб ўйлаб кетардим. Афтидан, навбатдаги шаҳарча ўн беш километр берида бўлса керак. Гарчи бу ерларда кўп марта бўлган бўлсам ҳам, ҳар сафар қарама-қарши томонга қараб кетиб қолардим. Эҳтиёт бўлиш керак.

Орқани кўрсатадиган кўзгуга кетимиздан келаётган машина чироғи тушди. Мен шу заҳоти орқага қарадим. Эҳтимол, ўзи келаётган машинадир, саҳар бўлишига қарамасдан шосседа машина фарасининг масофаси ўзгармас, машина менинг тезлигимда келарди.

Ҳалиги йигитнинг машинаси бор бўлиб, орқамиздан таъқиб қилиб келаётган бўлса-чи? Мен газни босиб, тезликни бир юз ўн бешгача оширдим. Анча вақтгача бундан камай-тирмадим. Энди орқадаги машинани қўйиб, бутун диққатни йўлга қаратиш керак бўлди. Бурилишдан кейин йўл пастлаб кетди. Ойнадан қарагандим, кетимиздан келаётган машина бироз орқада қолибди, бу мени хавотирга сола бошлади. Эҳтимол, полициядир, юрагимга гулгула тушди. Йўқ, бунақага ўхшамайди, биров мени қувиб ўтгани йўқ. Бироқ бизни таъқиб қилаётганига ҳам кўзим етмади. Барибир, бош йўлдан машинани сездирмай четга бургим келди.

Шаҳарчадан ўтганимиздан кейин қанча километр юрганимизни билгим келди. Орқамиздан келаётган машина бирмунча вақт кўринмади. Тез юриб, бурилишни ўтказиб юборишдан хавфсирадим. Ўн тўрт, ўн олти километрлар юрдим. Наҳотки, яна ўтиб кетган бўлсам?

Бурилиш олдида магазин билан бензоколонка кўринди. Машинага тормоз бериб, бурилдим. Асфальт йўлдан четга бурилганимда машинага йўл четидаги қумлар сачраб урилди. Мен тормозни босиб, машинани тўхтатдим ва фарани ўчирдим. Эҳтимол, ўша йигитнинг исми Жо ва у улгуржи савдо дўконида ишласа керак, деб ўйладим.

Мен яна фарани ёқиб, соатга қарадим у йўлга тушдим. Соат бешдан ошибди. Яна ўттиз километрлар чамаси йўл юришим керак бўлади. Тонг отгунча тураржой биноларини ортда қолдиргим келди. Агар тез юрсам, улгураман.

Уч километрлардан кейин қалин ўрмонни кесиб ўтадиган йўлга бурилдим. Энди бу манзара менга таниш, бу ерларга гоҳида Вил Ливингстон, баъзан бирор қиз билан ёки ёлғиз ўзим тез-тез келиб турардим. Биз келаётган ҳужра Вилники эди.

Биз у билан коллежда бирга ўқиганмиз. Унга отасидан катта микдорда пул, икки минг гектар ер мерос қолган эди. У ерларда ботқоқликлар, чашмалар ва каттагина бир кўл ҳам бор эди. Кўлнинг қирғоғида эса мудофаа истехкоми қурилган эди. Вил бутун ёзни Европада ўтказди, мен эса истехкомнинг калити қаердалигини жуда яхши билардим. Орадан бир неча дақиқа ўтиб, тиканли сим чатилган дарвоза кўзга ташланди. Мен машинадан тушиб, дарвозани очдим ва машинани ичкарига олиб кириб, дарвозани ёпдим. Энди бу ёғига қумли тепаликларни ошиб ўтиб, кўлга олиб тушадиган ўнқир-чўнқир хусусий йўл билан ўн икки километр юриш керак. Кўл эса,

қуёш нурида пўлатдай ярқираб турар, теп-текис, ўрмоннинг тепасида эса парча-парча булутлар сузиб юрарди. Ниҳоятда гўзал манзара. Бирдан шу ерда машинадан тушиб, балиқ овлагим келиб кетди. Кейин бу фикрни миямдан нари сурдим.

Ўтлоқдан ва кичкина ёроқ кўприқдан ўтиб, машинани тўхтатдим ва пастга тушдим. Калит кўприк остидаги миҳда осилиб турибди.

Истеҳком кўл четидаги баланд-баланд дарахтлар орасида худди ташлаб кетилган қишлоқ уйларига ўхшаб турарди. Дарахтларнинг ости ҳали ёришмаган. Мен машинани пешайвон ёнида тўхтатдим-у, фарани ўчирмадим.

Тонгги сукунатда қулфнинг қаттиқ шарақлаб очилган овози эшитилди. Эшикни очиб ичкари кирдим, керосин чироқни ёқдим. Бу уй хийлагина катта бўлиб, девор четида ошхона столи, идиш-товоқ қўядиган жавон ва олдинда диван билан бир нечта стул турарди. Ўнгдаги эшиқдан балиқчилик лашлушлари, овчилик асбоблари ва моторли қайиқнинг қисмлари ва бошқа ҳар хил нарсалар турадиган омборхонага чиқиларди.

Чапдаги эшик берк эди. Эшикни очиб, қўлимда чироқ билан ичкари кирдим. Бу ётоқхона эди. У ерда иккита узун юмшоқ курси ва олд томондаги девор ёнида бир кишилик каравот турарди. Каравотга ҳарбийлар аёли ёпилганди. Мен чироқни кичкина столчага қўйдим-да, машинага қайтиб чиқдим.

Аёлни уйга олиб кириб, каравотга ётқиздим. Чироқ нурида кўзимга ранги ўчгандек кўринди, сочлари эса ёстиқ устига сочилиб кетди. Унинг ёши камида ўттизларда эди, ҳали ҳам фирт маст. ўзини билмас эди. Шу ёшга келиб қанча аёлни кўрган бўлсам, ҳали бунақа гўзалини учратмаганман.

Ақлни лол қилар даражада офатижон эди у. Мен елкамни қисиб қўйиб, чироқни қўлга олдим. Умуман олганда, менга у ким бўлибди, икки туғиб бир қолганиммидики, ачиниб ўтираман.

Мен ўчоқни ёқдим, кейин бориб қудуқдан икки пақир сув олиб келдим. Бу вақтда тонг отиб қолди, эски уйнинг мўрисидадан очиқ осмонга кўкиш тутун ўрлай бошлади. Чиқиб, уйнинг бошқа томонидаги саройга машинани тиқиб, қулфлаб қўйдим. Кейин егуликка нималар қолганикин деб қарай бошладим.

Омборхонада бир нечта банка консерва бор экан, идиш-товоқ жавондан ун ва бошқа баъзи бир нарсаларни топдим. Қаҳва қутисини очиб, човгумга бир дамлам солдим, сув қуйиб, ўт ёқдим, кейин тарашанинг чирсиллаб ёнишини томоша қилиб ўтирдим. Шу он бирдан итдай чарчаганимни ҳис қилдим.

Тўғри-да, мана шундай оғир тунни ўтказиб чарчаш унчалик ажабланарли бўлмаса керак. Юзимни силаб, соқолим ўсиб кетганини сездим. Орқа деворда осилиб турган ойнак олдига бориб қарасам, башарам ўғри, саёқ одамларга ўхшаб қолибди.

Омборхонага кириб, соқол оладиган асбобларни қидириб топдим. У ерда устара ва бир нечта писка бор бўлиб, кўпиртирадиган махсус совун йўқ экан. Юзимни сув билан ишқалаб, соқолимни олдим, кўйлагимни кийиб, бўйинбоғни тақдим. Шундан кейин сал одамбашара бўлдим.

Бу вақтда қаҳва қайнаб, ёқимли ҳид тарала бошлади. Бир пиёла қуйиб, сигарета тутатдим. Ташқарида қуёш чиққан эди. Кечадан буён бўлиб ўтган ҳодисаларнинг ҳаммаси гўё тушда кўргандек бир-бир кўз олдимдан ўта бошлади.

Боз устига мен қонунни бузган ҳодисалар энди қизиқ туюлмаётган эди. Бошқа нарса — мени бирон нима қилиб топиб олишлари-ю, ўлдириб юборишлари мумкинлиги ташвишга солаётган эди. Лекин энди бу ҳам қўрқинчли кўринмаётганди.

Мен пул ҳақида, пул бўлганда ҳам мўмай пул ҳақида ўйлай бошладим. Шундоққина қўлни чўзиб, уни олиш қолганди, холос. Ҳа, миссис Батлер пул қаердалигини аниқ билади, мен эса, уни гапиришга мажбур қилишим шарт. У бошқа хонадаги каравотда ётар, фақат орадан икки соат ўтгандан кейингина сал қимирлаб қўйди, афтидан, уйронибди. Энди ўзимни қўлга олишим керак. Ҳамма нарса бу ёғи қаңдай кетишига боғлиқ. Мен қўлимга вискили стакан олиб ётоқхонага кирдим.

БЕШИНЧИ БОБ

Кирсам, миссис Батлер каравотда бошини чангаллаб ўтирарди. Мен биринчи бор унинг кўзларини кўриб, Диана Жеймс кўзлари мастона хумор боқади деганда гапининг замирида нималар ётганини энди тушуниб етдим.

Аёл менга тикилди.

— Салом, — дедим ва пиёлага хийла кўпроқ виски қуйиб узатдим.

— Кимсиз? — деди у ёқ-бу ёққа аланглаб. — Бу ерга қандай келиб қолдим?

— Аввал бир қултум бошоғриқ қилинг, — дедим. — Ё кўнглингиз қаҳва тусаяптими?

Мен унинг нимани хоҳлаётганини жуда яхши билардим, қаҳвани одоб юзасидан таклиф қилдим.

Пиёлани қўлига олди. Мен шишанинг оғзига тиқинни тиқдим-у, нариги хонага олиб чиқиб кетдим, кейин аёлнинг олди-га қўлимда совуқ сув, сочиқ ва сумкасини олиб, қайтиб кирдим. Буларни столга қўйиб, уни каравотига яқин сурдим. У буларга қайрилиб ҳам қарамади.

— Саволимга жавоб берсангиз-чи, ахир, — талаб қилди у. — Мана бу каталакка қандай қилиб келиб қолдим?

— О! — дедим. — Эслолмаяпсизми?

— Мутлақо. Ундан ташқари, сизни ҳеч қачон кўрмаганман. Кимсиз ўзи?

— Ҳозир айтиб бераман. Унгача сал ўзингизни тартибга келтириб олмайсизми?

Мен кирювгични сувга ҳўллаб узатдим. У билан юзларини артди, сочиқ тутдим. Кейин сумкасидан тароқ топиб бердим-да, қандай таранишини кузатиб турдим. Кундузги ёруғда қарасам, унинг сочи қора эмас, балки қизғиш экан.

— Қаҳвага қалайсиз? — деб сўрадим.

У ўрнидан туриб эрталаб кийиладиган ҳаво ранг халатини қўли билан текислади. Мен кўзим билан эшикка имо қилдим. Унинг кетидан мен ҳам нариги хонага йўналдим. У мен кўрсатган стулга ўтирди. Қаҳва қуйдим. Сигарета бериб, олов тутдим. Кейин рўпарасига келиб стулга ўтирдим-да, елкасига қўлимни қўйдим.

У менга қайрилиб ҳам қарамади.

— Энди, марҳамат қилиб, бу ерга қандай қилиб келиб қолганимни гапириб беринг, — саволини такрорлади.

Мен қовоғимни солдим.

— Ҳеч нимани эслолмаяпсизми?

— Ҳеч нимани.

— Мен келгунимча ҳам нима бўлгани эсингизда йўқми?

— Нима демоқчи бўлаётганингизни умуман тушунолмаяпман, — жавоб берди аёл. — Э, худойим-ей, айтсангиз-чи ахир, кимсиз ўзи?

— Бартон, — деб ёлғон гапирдим. — «Глоб» суғурта компаниясидан Жон Бартонман. Хўш, энди эсладингизми? Мен, тўғриси айтсам, ўзимизнинг Канзас Ситидаги корхонамизда ишлайман, мен илгари Санпортга яқин жойда ишлаганим ва бу атрофни яхши билганим боис, бу ишни менга топширишди.

Бу гап билан чўпчакларимни давом эттирмақчи бўлдим. Ҳали у батамом ўзига келмаган, шундай бўлса ҳам оқни қорадан ажрата оладиган ва мен «Глоб» суғурта компаниясининг ходими Бартон эканимнинг фаҳмига етадиган ҳолатда эди.

«Мен сизга ҳужжатларимни кўрсатдим. Сиз эса буни эслаб қоладиган даражада эмасдингиз, фирт маст эдингиз», деб ишонтиришим керак.

Лекин аёл барибир ишонмади.

— Бунақа суғурта компанияси борлигини эшитмаганман, — деди у. — Сизни бўлса, умримда кўрмаганман. Гувоҳномангиз борми, кўрсата оласизми?

Сурбетлик билан ёлгонни қалаштириб ташлайвердим. Ма-бодо ёлгонларим фош бўлиб қоладиган бўлса, бир мирилик одам бўламан.

— Албатта, — деб жавоб бердим.

Ўзимни гувоҳнома қидираётгандай қилиб кўрсатдим. Кармонимни очиб қоғозларни титкилай бошладим. Кейин дуч келган қоғозни узатдим-да, дарров сўрадим:

— Сиз жилла қурса қиёфаси, кўриниши қандайлигини эслаб қолдингизми? Новчами, паканами, семизми, ё ориқми?

Аёл ҳайрат билан менга тикилиб туриб сўради:

— Кимни айтяпсиз?

— Ўша сизни ўлдирмоқчи бўлган эркакни-да. Мен келишимдан сал илгари.

Шу гапнинг ўзи етарли бўлди.

У кўзларини катта-катта очиб менга қаради. Унинг кўзларида қўрқув аломати зоҳир бўлиб, аломат бир зумда йўқолганини сездим.

— Мени-я? Ўлдирмоқчи бўлдимиз?

— Қоп-қоронғи эди, — дедим. — Сизга ташланишдан олдин ўзича бир нималар деб гўлдиради. Унинг овозини эслаб қолодингизми?

— Нима тўғрида гапирётганингизни тушунолмаётибман, — гапимни бўлди у.

Савол беришни тўхтатмай кармонимни ёпдим.

— Сиз уйингизда пластинка қўйиб эшитиб ўтиргандингиз. Уйингиз олдидаги майсада сизни топганимда қўлингизда пластинка бор эди. Менимча, қўлингизда нима борлигини англаб етмадингиз, лекин уни менга бермадингиз. Маҳкам сиқиб ушлаб олгандингиз. Алжираб гапирардингиз, аввал сўзларингиздан ҳеч нимани тушунмадим.

Аёл бошини сарак-сарак қилди.

— Ҳеч нимани эслолмайман, — деди у. — Яхлиси, бир бошдан гапириб беринг.

— Хўп бўлади.

Мен сигарета тутатдим.

— Аслида сиз билан гаплашмоқчи бўлиб келувдим. Сан-портдаги идорамиз изга тушган ва буни менга топширган эди. Бу ҳақда кейинроқ гапириб бераман. Мен ярим кечада автобусда Санпортга келиб тушдим-у, меҳмонхонадан сизга қўнғироқ қилдим. Телефон рақамингиз банд бўлди. Бир оздан кейин яна телефон қилдим. Яна банд эди. Шундан кейин такси ёллаб уйингизга келдим. Машина фарасининг ёруғида сизни уйнинг йўлагига кўриб қолдим. Сиз кўча эшигидан чиқиб, гараж томон чошиб кетдингиз. Мен машинадан тушдим, югуриб бориб сизни ушладим ва майсага ўтқаздим. Бир қўлингизда сумка, бир қўлингизда пластинка, қўрқувдан дағ-дағ қалтирадингиз. Хонамда шам ёруғида пластинка қўйиб ўтиргандим, бирдан орқамга ўтирилсам бир эркак турибди, дея бор овоз билан ҳарсиллаб узук-юлуқ гапирардингиз. Мен ўзингизни босиб олишни, кейин нима бўлганини бир четдан батафсил гапириб беришингизни сўрадим. Сиз бўлсангиз нуқул битта гапни: бир эркак орқамдан келди-ю, қўлида бир нима билан менга ташланди, деявердингиз.

Афтидан сиз ундан қандай қилиб қутулишни билмасдингиз. Мен уйга кирайлик-чи, деб таклиф қилганимда қўрқувдан яна дағ-дағ қалтирадингиз. Уйга кириш учун сизни ҳечам кўнди-ролмадим. Фақат машинага ўтириб, қаёққа бўлса шу ёққа қочишга интилардингиз. Мен қўшниларни уйғотиб юборасиз деб қўрқдим. Ниҳоят, бирга машинага ўтирдигу, шундан кейин нима қилишимни, қаёққа олиб кетишимни тасаввуримга сиғди-ролмадим. Шаҳар меҳмонхонасига жойлай олмайман, чунки у ерда сизни кўпчилик танийди. Тезда ухлаб қолдингиз, миямга ярқ этиб бир фикр келди ва сизни бу ерга олиб келдим. Мана шу жой бир овчилик клубига қарашли уй. Мен Санпортда ишлаётганимда унга аъзо бўлиб қўйган эдим. Йилнинг шу фаслида бу ерда ҳеч ким бўлмаслигини яхши билардим. Вазиятдан қутулиш учун энг қулай жой деб шу ерни танладим. Бу ерда ўзингизни босиб олиб, ҳамма гаплар ҳақида хотиржам келишиб оламиз.

Қани энди ўша эркак ҳақида жиндай бўлсаям бирон нима-ни эслаганингизда, жуда омади иш бўларди-я! У сизни ўлдир-моқчи бўлди, у бу қабиҳ ниятини амалга ошириш учун бошқа уринмайди деб ҳеч ким кафолат беролмайди.

Аёл бир оз жим турди, кейин менга тикилиб туриб сўради:

— Мен билан нима ҳақда гаплашмоқчийдингиз?

— Эрингиз ҳақида.

— А-ҳа, — хўрсинди у. — Афтидан, сиз менга яна ҳар хил саволларни бермоқчига ўхшайсиз. Бу ҳақда жавоб беравериб...

Чуқур нафас олдим. Иш олға босаётгандек эди.

— Бу гаплар сизга нақадар кўнгилсиз эканлигини жуда яхши биламан. Савол бериб жонингизни ҳиқилдорингизга келтириш менга ҳам ноқулай. Лекин шунга мажбурман. Шундай бўлса ҳам менинг мақсадим полицияникидан мутлақо бошқача. Полиция эрингизни қидиряпти.

— Сиз бу иш билан шуғуланмайсизми?

Мен ўйланқираб чекаётган сигаретамга тикилдим.

— Йўлига шуғулланамиз.

— Буни қандай тушуниш мумкин?

— Миссис Батлер, сиз билан очиқ гаплаша қолай. Менинг мақсадим пулни топиш. Қандай йўл билан топилади, унинг аҳамияти йўқ. Банк суғурта қилинган, агар пул топилмаса, ўша суммани банкка биз тўлашимиз шарт. Бу иш бўйича бизни қизиқтираётган нарса — мана шу.

— Сизга жоним билан ёрдам берган бўлардим. Балки, сиз ишонмасиз, лекин мен полицияга нима деган бўлсам, ўшани қайтараман.

Мен индамай кутиб турдим.

Аёл яна хўрсиниб қўйди.

— Бўпти. Эрим банкдан уйга қайтиб келгандан кейин Луизианадаги қайсидир бир кўлда балиқ овлайман ва якшанба куни кечқурун келаман деб айтди. Қўлида пул ҳам, шунча кўп пул солинган нарса ҳам йўқ эди. Агар у ростдан ҳам пулни олган бўлса, эҳтимол, машинада қолдиргандир. Уйдан, одатда, балиқ тутадиган лаш-лушларини ва қармоқларини олди. Қўлида ҳеч қанақа чамадон йўқ эди. Якшанба куни кечқурун қайтиб келмаганда, албатта, хавотир бўлдим, лекин яна бирон кун дам олмоқчи бўлгандир-да, деб ўзимни юпатдим. Душанба куни эрталаб банк директори келиб менга...

Аёл қўлларига тикилиб, гапдан тўхтаб қолди.

— Эрингиз нега бундай қилганини, бундай хатти-ҳаракати замирида нималар ётганини ўйлаб кўрмадингизми?

У бир оздан кейин жавоб берди:

— Йўқ.

Мен қовоғимни солиб, сигаретимга қараб турдим-да, кейин бирдан бошимни кўтариб, унга тик қарадим.

— Биз бу ҳолатнинг тагига етганмиз, дедим, — сизга айтишга истиҳола қилиб турувдим. Жуда кўнгилсиз гап. Барибир бу ҳақда сизга очиқ-ойдин айтишга мажбурман.

— Нима гап экан?

— У бошқа бир аёл билан қочиб кетмоқчи бўлган.

— Ёлгон!..

— Афсуски, миссис Батлер, буни сизга гапириб беришимга тўғри келади. Буни Санпортдаги ходимимиз аниқлабди. Аёлнинг оти Диана Жеймс экан, ҳар ҳолда у ўзини шундай деб атабди. Унинг уйи Санпортда, эрингиз уникига бормоқчи, у эса эрингизни яширмоқчи бўлган экан.

— Ишонмайман.

— Бунга шак-шубҳа йўқ.

— Унда мен билан гаплашиб ўтириб вақтингизни бекорга ўтказаяпсиз, — деди у. — Агар шу гап рост бўлса, демак, эримни биладиган яккаю ягона одам мана шу Диана Жеймс.

— Йўқ, — деб эътироз билдирдим. — Бу иш сиз айтгандек у қадар жўн эмас. У эрингизни бекорга кутибди. Келмаган. Бунга жуда даҳшатли нарса сабаб бўлган.

Аёл олазарак бўлиб менга қаради.

— Қандай?

— Миссис Батлер, сизга ич-ичимдан ачинаман, лекин эрингиз ўша шанба куни ўлдирилган.

Аёл ўрнидан турмоқчи эди, бўшашиб оёқлари измига бўйсунмади. Мен уни бошқа хонага олиб чиқиб каравотга ётқиздим. Бир оз муддат ўтиб кўзини очди, лекин қимирламай шифтга қараб ётарди.

Мен қайтиб келиб, стаканга озгина виски қуйиб узатдим.

— Ичинг, — дея стаканни тутдим. — Бир оз енгил тортасиз.

У ўрнидан туриб, ўтириб юзига тушган сочларини орқасига олиб ташлади. Кейин вискини ичди-ю, қалтираб кетди.

— Сиз буни тасаввур қилишингиз керак эди, — дедим. — Умуман олганда, унинг ғойиб бўлганига орадан икки ой ўтди, полиция бўлса, бутун штатлар бўйлаб қидириб юрибди.

— Эҳтимол, шундайдир, — фикримга қўшилди у. — Мен бу ҳақда умуман эслагим ҳам, ўйлагим ҳам келмайди.

Мен стулга ўтириб, сигарет тутатиб узатдим. У олиб бир тортди-ю, сигаретани унутди.

— Энди сиз воқеалар ривожини бошқа томонга бурилиб кетганини тушунишингиз керак. Полиция энди эрингиз эмас, унинг қотилини излаяпти. Аниқроғи, улар қидиришни Диана Жеймс ҳақидаги гапни билгандан кейин бошлайди. Мен бўлсам пулни қидиряман. Сиз билан нима учун гаплашмоқчи бўлганим энди сизга равшан бўлгандир? Эҳтимол, бу борада менга сиз ёрдам бера оларсиз?

— Қандай қилиб?

— Дейлик, илгари сизга аҳамиятсиз бўлган айрим нарса-

лар энди ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлганини. Эҳтимол, бирон кимса эрингизнинг ниятини билишга интилгандир. Дейлик, Диана Жеймс ҳақида билган одам. Ундан рашк қилган кимса. Менимча, у биронтаси билан юрган бўлса, бошқаси билан ҳам дон олишиб юриши эҳтимолдан холи эмас деб ўйлайман.

— Менга маълум бўлишича, унинг бошқа хотини ҳам бор эди, — деди у. — Хўп. Давом этинг, давом этинг.

— Ишонинг менга, миссис Батлер, — бунинг менга заррача дахли йўқ. Менга пулни топиш топширилган. Полиция қотилни топиш ва суд учун далил-исботларни йиғиш билан овора.

Мен бир оз тўхтаб яна давом этдим.

— Ишнинг бу жиҳати мени қизиқтирмайди. Биз ўз ишимиз билан шуғулланамиз. Эрингизни пул учун ўлдиришганларига ишонмайман. Бунинг асл сабаби рашк, пул бу ерда ҳеч қандай аҳамиятга эга эмас. Бу ҳол мени мутлақо қизиқтирмайди. Биз пулни топишимиз керак, пул қўлимизга тушган заҳоти биз учун иш ниҳоясига етади. Тушунаяпсизми буни?

— Агар тополмасангиз-чи?

— Унда биз зарур чораларни кўришга мажбур бўламиз ва охир-оқибатда энг ёмон одамлар қаторига кириб қоламиз.

Аёл бошини ирғади.

— Сизларга одамларнинг ҳис-туйғуси бегона экан.

— Мен сизга бошида айтдим-ку, бу менинг хизмат вази-фам. Мен ишдан бошқа вақтларда ўз туйғуларимга эрк бераман.

Аёл индамай диққат билан менга тикилиб тураверди.

Мен эгилиб, унинг қўлларини ушладим.

— Келинг, мақсадга кўчайлик. Агар эрингиз ўлдирилмаган бўлса, топиш унча қийинчилик туғдирмаган бўларди. Агар рашкчи аёл ақдини еб қўйиб, уни ўлдирмаганда, биз пулни алақачон топган бўлардик. Ҳеч қандай сабабсиз ишни бир ўзи шу қадар мураккаблаштириб юборган, оқибатда пулдан ўзиям фойдалана олмайди. Ўша аёл кимлигининг тагига етганимдан кейин бошига қиёмат кунини соламан. Агар эси борида калласини ишлатиб этагини ёпса, бу азоблардан қутулиб қолиши мумкин. Бунинг йўли осонлигини энди тушунгандирсиз?

—Ҳа, — деб жавоб берди у. — Бунинг йўли жуда осон экан.

Миссис Батлер хандон ташлаб кулди, кейин башарамга тарсаки тортиб юборди.

ОЛТИНЧИ БОБ

— Шунақа, — деди у, — сизнинг саволларингизга мана шундай йўл билан жавоб бердим. Жавоб қайтармайсизми сиз ҳам? Нимани пишириб қўйганди сизга менинг уйимда?

Мен эсанкираб қолдим. Унинг шапалоғисиз ҳам ҳолатимни сақлаб, ўзимни йўқотмай туришим ниҳоятда мушкул эди.

— Сизга берадиган жавобим мана шу.

Унинг сурмаранг феруза кўзларида саросимадан асар ҳам йўқ эди.

— Бу гапларни қўя турайлик. Сизнинг гапингиз бўйича қўлимда граммпластинка, майса узра гўё югуриб кетганмишман. Бунақа ёлғонни қаердан ўйлаб топдингиз? Буни бир нарса билан изоҳлаш мумкин: сиз менинг ётоқхонамга чиққансиз, пластинка қўйиб ўтирганимни кўргансиз.

— Менга ишонмайсизми?

— Йўқ, албатта. Мен нима бўлганини аниқ биламан. Ухлаб қолгандим. Агар алдаяпти деб ўйласангиз, мен эшитган пластинка қанақалигини ҳатто аниқ айтиб бера оламан. Бу Генделнинг «Сув мусиқаси» эди. Тўғрими?

— Мен қаердан билай.

— Ҳа, ҳақсиз, қаердан ҳам билардингиз! Қани, энди тўғриси айтинг-чи, кимсиз ўзи, сизга мендан нима керак? Устаси фаранг тамагирлик қўлингиздан келмас экан.

Аста-секин ўзимга кела бошладим.

— Такаббурлик сизга ярашмас экан. Машинангизни бировнинг эмас, Диана Жеймснинг эшиги олдидан топилганига полиция қизиқиб қолса, нима деб жавоб берасиз?

— Шунақа эканми? — деди у.

— Бу сизга беш қўлдек аён.

Аёл бошини қимирлатди.

— Йўқ. Бу ерда, менимча, тўқилган қандайдир сир бор. Шундаймасми?

Қизиқ, мен унинг гапига ишондим. Жилла қурса, сўнгги гапида мантиқ бор эди.

— Аста-секин тушуниб боряпман, — деди у паға-паға таралаётган сигарета тутуни орасидан ўйланқираб менга боқаркан. — Дугонажоним мисс Жеймснинг ишлари қалай экан? Ўйлашимча, соғ-омон юрган бўлса керак?

— Диана ҳам сизни яхши кўрса керак.

Миссис Батлер кулиб юборди.

— Биз иккимиз бир-биримизни «жуда яхши» кўраимиз.

Мебелларимни тилка-пора қилиб ташлаётган одамларини юборишни бас қилса яхши бўларди.

Тилиб ташланган ёстиқ билан диванлар хаёлимга келди.

— Сиз ўйлайсизки...

— Фақат мен унинг биринчи жазманиман деб хаёл қилманг. Мисс Жеймснинг биринчи жазманиман деб ўйлаш бориб турган лақмалик бўларди.

Мен индамадим. Миямда гужгон ўйнаётган фикрларимни бир жойга тўплаб олишим керак эди. Демак, уйини кимдир биров титкилаганини яхши билади, лекин бу ҳақда бирон жойга хабар қилишга, яъни бировга айтишга ҳайиққан. Демак, мен адашмабман. Бу унинг ҳам қаңдайдир шалтоғи борлигига ишора эди. Шунинг учун мени бирон нимада айблай олмайди.

У менга масхараомуз қаради.

— Демак, сиз уйимни қидирмоқчи бўлгансиз. Нимага қидирмадингиз? Сизга халақит қилолмасдим, маст уйқуда ётгандим.

— Менга халақит қилди, — жавоб бердим.

— Ким?

— Сизни ўлдирмоқчи бўлган ўша киши.

— Э худойим, ашулани бошидан бошладингизми?

— Энди гапимга қулоқ солинг.

Мен воқеа аслида қандай бўлган бўлса, тўғрисиани гапириб бердим.

— Гапимга ишонади деб хомтама бўляпсизми? — сўради у.

— Сизни ишонтиришга уринмайман, бунга мажбур ҳам қилолмайман, — деб жавоб бердим. — Агар сиз...

Гапдан тўхтаб қолдим. Шу он ёғоч кўприқдан ўтган машинанинг овозини эшитиб қолдик. Машина уйга келиб пешайвон яқинида тўхтади. Тормознинг гийқиллаган овози қулоғимга кирди.

Афсус дегандай бошимни қимирлатиб қўйдим, миссис Батлерга қимирламай каравотда ўтира туринг, деб ишора қилдим, кейин қўшни хонага чиқдим. Чўнтагида тўппонча турган костюмим хонанинг нариги чеккасидаги стулга илиб қўйилганди. Эшикнинг ёнидан ўтаётиб, кўз қири билан келган машинага назар ташладим. Унинг ичида бир қиз ўтирарди. Аста чиқиб, машинани айланиб ўтдим-да, ҳайдовчи ўриндиғига яқинлашдим. Қиз табассум қилиб қўйди. У жуда латофатли, фариштадай маъсум бўлишига қарамай, кўзлари совуқ боқарди.

— Салом, — деди қиз аста, — Жуда хунук иш бўлди-да, афтидан, адашиб бошқа жойга келиб қолганга ўхшайман.

— Тўғри, — дедим.

Бу ер энг яқин йўлдан ўн икки километр, катта тош йўлдан эса ўттиз километр нарида эди.

— Қаерга бормоқчи эдингиз?

— Бир чайлага, — деб жавоб берди қиз ва яна одамни беҳузур қилувчи ширин табассум ҳада қилиб қўйди. — Гиллепси деган одамникига. Менга йўлни тўғри кўрсатиб беришган эди. Лекин тасодифан адашиб қолдим. Жуда бемаъни иш бўлди-да. Энди қаерга боришни билмай турибман.

Эҳтимол, шундайдир, лекин бидирлаб гапириши-ю, ширин табассуми олма-кесак тераётган кўзларига сира мос келмас эди. Бу гўзал хоним бирон нарса қидиргандай, нуқул атрофга алангларди.

— Радиодан таралаётган мусиқа тўхтаб, суҳандоннинг гапи эшитила бошлади. Энди унинг гаплари қулоғимга кирмасди.

— Дарвоза орқали ўтиб кетишингизни сизга яхшилаб тушунтиришмаганмиди? — деб сўрадим.

— Ҳа, дарвоқе, дарвоза орқали эди. Бошлиғимиз мистер Кремир мистер Гиллепси ошхона плитаси сотиб олганда навбатдаги бадални тўламаганини билиб қолди. У плитани машинасига ортибди-ю, жўнаб қолибди.

Мистер Кремернинг уйи дарвозадан ўтгандан кейин яна икки километр юриш керак дегани аниқ эсимда. Сиз мистер Гиллепси эмасмисиз? Йўқ, унинг кўриниши мутлақо бошқача эди.

— Йўқ, менинг фамилиям Гревс, — деб жавоб бердим. — Бу ерга балиқ овлагани келганман.

— Ростдан-а? — деб сўради у менинг оқ кўйлагим билан галстугимга қараб қўяр экан, — Мана шу кийимда балиқ овламоқчимисиз? Менинг акам балиқ овига чиққанида одмироқ кийимларини кийиб оларди...

— Мен ҳозир келиб турибман, — тушунтирдим. — Беш дақиқа бўлди.

Унинг гаплари тўла ишончли эди. Эҳтимол, ростдан ҳам Гиллепсини қидириб келиб адашиб қолгандир. Лекин унинг кўзлари-чи.

Назаримда айиқнинг темирдай панжалари умуртқамдан юқорига силаб келиб, икки елкам орасида тўхтагандай бўлди. Бу суҳандоннинг овози эди. У Батлернинг фамилиясини айтиб гапира бошлади.

— Бир ўзингиз балиқ тутмоқчимисиз? — деб сўради гўзал қиз.

Мен машинанинг ёнида кунгайда туриб, ҳам радионинг овозини эшитар, ҳам манави манжалақининг гапига жавоб берардим. Шу билан бирга бу қиз ростдан ҳам анқовми ёки бир нимани билиб олмоқчими, бу ҳақда ҳам бир қарорга келишим ва ниҳоят радиодан берилаётган эшиттиришга қизиқиш қолганимни сездирмаслигим керак эди.

«Саккизинчи июнда ғойиб бўлган банк хизматчисининг йигирма уч ёшли беваси Маделина Батлер...»

Бева... демак, улар мурдани топишибди-да.

«Ўзининг ҳаворанг «Кадиллак»ида яширингани эҳтимол тутилаётган миссис Батлер...»

— Бу ерда машина кўрмаяпман-ку, — деди гўзал хоним. — Қандай қилиб келдингиз?

«... қотиллик муносабати билан қидириляпти. Қидирув бутун Штатлар бўйича эълон қилинган, миссис Батлернинг шахси, машина рақами эълон қилинган...»

— «Жип»да келганман, — жавоб бердим. — Саройда турибди.

«... Кеча кечқурун мурда топилди, лекин ўғирланган пул йўқ. Полиция аниқ биладики, яшириниб юрган миссис Батлер...»

Эҳтимол, ўша одам буни эшитган ва миссис Батлерни ҳибсга олишларини билган. У бунинг олдини олмоқчи бўлган, лекин ҳалиям шу аҳдидан қайтмаган. Гўзал хоним, демак, йўлдан адашмагани аниқ. Уни иложи борича тезроқ жўнатиб юбориш керак.

— ... бир қултум сув беринг, — қиз шундай деб кулиб қўйди.

У уйга кириб текшириб кўрмоқчи бўлди. Мен ҳам кулиб қўйдим.

— Хўп бўлади, асал қиз. Сувни нима қиласиз? Вискига қалайсиз?

Шундай деб ойнага эгилиб, кўйлагининг этагини кўтардим.

— Афтидан, тиззангизда чумоли юрганга ўхшайди, — дея яланғоч сонини силаб қўйдим. — Юринг уйга, асал қиз, бир маишат қилайлик.

Унинг оғзидан чиққан «вой» деган сўз шундай совуқ, тўппонча ўқидай қаттиқ эшитилди. Зудлик билан унинг машинани юрғизиб, жуфтакни ростлашдан бошқа иложи қолмаган эди. Шундай қилди ҳам.

Мен чуқур нафас олиб узоқлашиб кетаётган машинанинг орқасидан қараб қолдим. Қиз сайхонликдан ўтиб, ўрмонда

кўздан ғойиб бўлди. Кейин тепаликка кўтарилишида машинани иккинчи тезликка олгани эшитилди. У тўхтагани йўқ, аста-секин машинанинг ҳам овози тинди.

Эҳтимол, эркак киши ўрмон ичида қаердадир қўлида тўппонча билан биқиниб тургандир, эҳтимол, шаҳарда қолиб қизни текшириш учун бу ерга юборгандир. Буни билиш жуда осон: бунинг учун жойимдан қимирламаслигим ва отилган ўқ калламни тешиб ўтишини кутиб туришим керак. Зудлик билан уйга кирдим.

Маделина Батлер ётоқхонадан чиқиб, шиша турган столнинг олдига келди. Кейин ўтирилиб менга қаради.

— Радиони эшитдингизми? — деб сўрадим. У бошини чайқади.

— Кеча эшитишим керак эди!

— Яхшиси, ўтиринг. Столнинг нариги четига. Кўчадан биров кўрмасин. Озгина отиб олинг. Асқотади.

Батлер ўтириб:

— Нима бўлди? — деб сўради.

— Эрингизнинг мурдасини топишибди. Полиция энди сизни қидираётганмиш.

У озгина виски қўйди, кейин табассум билан менга қаради.

— Муаммо туғдириб, ундан роҳатланишни яхши кўрар экансиз, тўғрими?

— Кўнглингизда мени алдаяпти деб ўйлаяпсизми?

— Албатта. Машинада келган ким, сизга қандай янгиликларни олиб келди? Шеригингизми?

Мен студда сайхонликка қараб ўтириб олдим.

— Менга қаранг, мушкул аҳволга тушиб қолибсиз. Ҳеч ким менга янгилик олиб келгани йўқ. Радио орқали эълон қилди. Машинада радио бор экан. Эшитиб қолдим. Полиция сизни қотиллик муносабати билан қидиряпти. Полициягина эмас, машинада келган қиз ҳам излаяпти.

Мен унга бор гапни очик-ойдин баён қилдим.

Маделина гапларимни зерикиб турган қиёфада тинглади. Аҳамият қилган нарсаси шу бўлдики, сумкачасидан ойнак ва бўёқ чиқариб, лабларини бўяди. Мен уни кузатиб турдим. У ўзига етганча калондимоғ ва такаббур эди. Агар бир зум ундан кўзни олиб яна қаралса, одам боласининг бу қадар гўзал бўлиши мумкинлигига ақл бовар қилмасди. Ҳа, худо уни шу қадар гўзал бир хилқат қилиб яратган эди.

— Мен тайёр, — деди у, — энди шаҳарга қайтишимиз мумкин.

— Менга ҳалиям ишонмаяписизми?

У дастрўмолчаси билан лабларини артиб қўйиб, ойнакка қаради, кейин менга ўгирилиб кулиб қўйди.

— Сиз жуда устаси фаранг экансиз. Ўзингиз тан олиб айтганингиздек, қулфбузар, ёлғончи, каззоб ва фирибгарсиз. Менга дўқ қилишга уриниб кўрдингиз. Ҳамма соҳа бўйича истеъдодингизга қойил қолса бўлади. Лекин гапингизга ишонтириш учун таклиф қилаётган нарсангиз, содда қилиб айтсам, мени таҳқирлашдан бошқа нарса эмас. Тўғримасми?

Мен эгилиб унинг қўлини ушладим.

— Мен сизни ўғирлаб келдим — буни унутибсиз.

— Шундай экан, нега полициянинг қўлига топширгингиз келмаяпти?

— Ортиқча солиққа торттиргим йўқ, холос.

— Нималигини мен айтиб бераман сизга. Мени полиция қўлига топширолмайсиз. Мени ўз ҳолимга қўйинг, — деди у.

Кенг англи халатининг ичига қўлимни тикдим-да, иккинчи қўлини ҳам маҳкам ушладим.

— Менга пул керак, унинг қаердалигини фақат сиз биласиз. Жонингиздан умидингиз бўлса, яхшилаб ўйлаб кўринг. Нариги дунёда сизга пул керак бўлмайди. Фақат менгина сизни ҳимоя қила олишим мумкин.

— Ҳимоя? Кимдан? — деди у истеъзо билан.

Мен афсус дегандай бошимни қимирлатиб, сигарет олиш учун уни қўйиб юбордим.

— Машинангизда радио борми?

— Бор. Нимайди?

— Унда мен рост гапираётибманми, ёлғонми, дарров билиб олиш мумкин. Янгиликни ҳар соатда такрорлаб туради. Эшитишимиз мумкин.

— Эҳтимол, гапирган бўлсаям керак. Бориб радиони бурайчи. — деди у.

Маделина сумкасини олиб, эшикка йўналди. Мен унинг нима қилмоқчи бўлаётганини дарров сезиб, орқасидан югурдим. Эшикка чиққанимда, у кўчада туриб калитни топиш учун сумкасини титкиларкан, машинани қидириб атрофга алангларди.

— Шошманг! — қичқирдим мен.

У менга эътибор қилгани ҳам йўқ. Ўгирилиб омборхонага қаради. Омборхона томон бир қадам қўйиши билан, худди бўрон учириб юборгандай, қўлидан сумка учиб кетди. Маделина чўчиб, ўзидан икки метрлар наридаги пешайвонга учиб

тушган сумкасига қараб қолди. Биз уйнинг деворига нимадир бир нарса қарсиллаб урилганини эшитдик.

Маделина турган жойида тош қотиб қолди. Бу бешотар милтиқнинг ўқи эканлигини, отаётган одам сайхоннинг нариги томонида икки юз метрлар чамаси узоқликдаги ўрмон ёқасидан отаётганини дарров фаҳмладиму пешайвондан сакраб тушиб, унинг олдига югурдим. Маделинани маҳкам ушлаб, пешайвонга тортиб кетдим. Зинагача тўрт-беш қадамлар бор эди. Уни пешайвонга судраб чиқдим, кейин қоқила-сурила уйга кириб, ўзимизни ерга ташладик. Шу он столдаги қаҳва пиёласи чил-чил бўлиб, парчалари устимиздан оша полга тўкилди.

Мен Маделинани даҳлиздан нарига тортдим, кейин оёғим билан итариб, эшикни ёпдим. Эшик ёпилиши билан ўқ келиб эшикни тешиб ўтди-ю, миҳда турган товага тегди. Това полга учиб тушди.

Кейин орага жимлик чўқди. Фақат Маделинанинг ҳарсиллаб нафас олишлари эшитиларди. Биз полда ётардик, юзларимиз деярли ёнма-ён эди. Унинг кўзларида қўрқув аломати кўринди. Энди бу кўзлар совуқ ва негадир ўйчан эди.

— Далиллар сизга етарли бўлса керак энди? — деб тиззалаб ўтирдим.

У ҳам ўтирмоқчи бўлди. Юзлари дағаллашиб кетган, ўқ ялаб ўтган бўйнидан қон сизарди.

— Жойингиздан қимирламанг, — дедим.

Дераза томонга эмаклаб бордим. Чўккалаб дераза ромининг тешигидан ташқарига қарадим. Қуёш мўл нур тўкиб турган сайхонликда ҳеч ким кўринмасди. Лекин бировнинг сайхонлик ортидаги ўрмон четида бешотарини тўғрилаб, пистирмада пойлаб тургани аниқ эди.

Балки, яқин келишга юраги дов бермаётгандир. У ҳеч бўлмаганда энди қоронғи тушгунча кутади.

ЕТТИНЧИ БОБ

— Лаънати иблис, — деди Маделина.

У ўрнидан қўзғалиб, олдинги ва орқадаги деразанинг ўртасига туриб олди. Мен индамай бир сакраб унинг белидан ушладим ва биз баравар ерга қулаб тушдик. Йиқилаётиб, елкам билан тушдим. Шу он иккала дераза ўқ зарбидан парча-парча бўлиб кетди. Майдаланган ойна бўлаклари жангирлаб ерга сочилиб кетди.

— Бу ёғи қандай бўлди? — сўради у. — Ақлингиз жойида-ми?

Маделена ёнимда ётар, мен гўзал жононни бағримга олгандай, уни қучоқлаб олган эдим. Мен бир қўлимни бўшатиб, кўриб қўйсин дегандек халатидан ойна парчасини олиб кўрсатдим-да, ташқарига отиб юбордим. У кўзларини катта-катта очиб ойна учиб кетган томонга қараб қолди.

— Эҳ! — деб юборди Маделена.

— Агар яна ўққа нишон бўлишни хоҳлаётган бўлсангиз, аввал менга пулни қаерга яширганингизни айтиб қўйинг, — илтимос қилдим. — Энди у сизга керак бўлмайди.

— Энди нима қиламиз? — сўради у.

— Яна бир бемаъни ҳаракат қилмайдиган бўлсангиз, бу ердан эсон-омон чиқишнинг йўли ўз қўлимизда. Жойингиздан қимирламай ўтира оласизми?

— Ҳа.

— Яхши.

Мен ўрмалаб бориб, иккала деразанинг ўртасида ўрнимдан турдим. Лип этиб ётоқхонага кирдим у каравотдан иккита адёлни олдим. Бирини ётоқхонанинг деразасига осдим, иккинчисини олиб орқа деразанинг олдида турдим.

— Юзингизни бирон нима билан тўсиб туринг, ҳозир ойна парчалари сачрайди, — дедим.

Маделена юзини қўллари билан тўсди. Мен адёлни деразанинг устига таппадим. Адёл эски парданинг учли карнизига илиниб осилиб қолди. Олдинги деразанинг ойналари яна ўқдан чил-чил синди. Адёл қимирлаб кетди-ю, лекин карниздан узилиб тушмади. Унинг бир жойи тешилиб қолди.

Мен дарров атрофга қараб чиқдим. Орқа эшик қулфлов, деразага парда тутилган. Омборхонанинг деразаси ҳам, ташқаридан эшиги ҳам йўқ. Энди у уйнинг ичига қаролмайди, ҳарҳолда ўзимча шундай деб тахмин қилдим. Мен олд деразага ҳам парда илишим мумкин эди. Лекин бир томондан ташқарига қараб туриш учун жой қолдирдим. Уйнинг ичида ҳеч нимани кўрмай, ҳаммаёқни беркитиб ўтиришни лозим топмадим.

— Энди турсам бўладими? — деб сўради у.

— Йўқ. Ўтираверинг.

Унга қараб, миямга бир фикр келди.

— Халатингизни ечинг, — дедим.

— Бундан бошқа бирон дурустроқ нарса ўйлаб тополмадингизми?

— Халатингизнинг ичида ҳам кийимингиз бўлса керак!

— Ҳа. Ич кўйлагим бор.

— Унда халатни ечиб, менга ташланг.

У елкасини қисиб кўйди-ю, халатини ечди. Ичкўйлаги кўк, энглари узун ва кенг экан. Маделина халатини менга қараб отди. Мен одд деразага эмаклаб бордим, халатни олиб, чўққайиб дераза устидаги карнизга ташладим. Халат илинмай ерга тушди. Олиб яна отдим, бу сафар илиниб қолди. Энди ўқ отилмади. Мен нари кетдим. Халат жуда юпқа, унинг орқасидан сайхонликни бемалол кўриш мумкин эди. У ерда ҳеч қандай одам шарпаси кўринмади.

— Бўлди, — дедим. — Энди бизни ҳеч ким кўролмади.

Маделина ўрнидан турди.

— Энди нима қилмоқчисиз?

— Билмайман.

Мен костюмимнинг олдига бордим. Чўнтагидан тўппончани олиб ўқдонини кўрдим, иккита ўқ қолибди.

— Энди бу ерда қолишимиз мумкин эмас, — деди Маделина.

— Нима қилиш керак демоқчисиз?

Мен тўппонча тепкисини қайтариб, белимга қистирдим. Шимимнинг чўнтагидан сигарета қутисини олдим, бўшаб қолибди. Костюмимнинг чўнтагидан бошқасини олишга тўғри келди. Очиб, Маделинага тутдим. Биз столга ўтирдик. Ўтирган жойимдан сайхонлик бемалол кўриниб турарди. Мен Маделинага сездирмай қараб кўйиб ўйлаб кетдим. Оғир ҳолатга тушиб қолгандик, лекин калламда аста-секин бир фикр туғила бошлади. Ҳамма иш пулга, пул Маделинадами, йўқми шунга борлиқ бўлиб қолган эди. Мен эса, ундалигига юз фоиз ишончим комил эди. Бу ерда Батлерни ким ўлдирганлигини ўйлаб бош қотиришдан маъни йўқ, ҳалиги гўзал хонимми, ўқ узаётган одамми ёки иккаласи биргалашиб ўлдирганми — бунинг аҳамияти йўқ эди. Калламга келган бу ажойиб фикрдан шу нарса аниқ бўла бошладикки, ким унинг эрини ўлдирганлигидан қатъи назар, пул Маделинада қолган.

— Омадингиз юришиб турибди, — дедим. — Ҳамма сизга қараб интиляпти: анави ташқаридаги йигиту юзлаб полициячилар. — Орқага суяниб оғзимдан тутун чиқардим. — Шунча хушторлари бор бўлган аёлга бир нимани таклиф қилсам бемаънилиқ бўлмасмикин, деб ўйлаб қолдим.

— Нимани таклиф қилмоқчисиз?

— Йўқ, бундан фойда йўқ, — давом этдим. — Агар сизда пул бўлмаса, бундан мутлақо маъни йўқ.

Маделина бошини қимирлатди.

— Ҳадеб пул ҳақида гапираверишни бас қилинг. Мен ўша Диана Жеймсга бир цент бергандан кўра, дўзахга тушганимни маъқул кўришимни тушунмаслигингиз кўриниб турибди.

Мен сигаретани қўйиб, Маделинага диққат билан тикилдим. Аёл зоти ҳар қанча тежамкор бўлганда ҳам гап унинг ҳаёти, ўлими тўғрисида кетганда тўғри фикр юритишига умид боғлаш қийин.

— Қўйинг, ўша Диана Жеймсни оғзингизга олманг, — дедим. — У ўйиндан чиққан.

— Бу билан нима демоқчисиз?

— Бор гапни айтдим-да. У бошиданоқ мени алдаган эди. Сизни Санпортда, бориб бемалол уйини тинтиб чиқишингиз мумкин деганди. Мени тутиб олишлари мумкинлиги парвойига ҳам келмаган.

— Бу ҳали ҳаммасимас, — деди Маделина. — Менимча, бошингизга қандай кўргиликлар тушишини билмагансиз деб ўйлайман. Бир тасаввур қилинг. Дейлик, мен сизни тўсатдан кўриб қолдим. Сиз кўрққанингиздан мени ўлдириб қўйишингиз ҳам мумкин эди. Шундай фожиа содир бўлиши мумкин эмасмиди, ахир?

Мен ўйланиб қолдим. Албатта. Мен бу қадар жиноятга қўл урадиган аблаҳ эмасман, лекин Диана Жеймс шунақа бўлиб чиқишига умид боғлаган.

— Хуллас, тушунарлими? — дедим. — Дугонажонингиз мисс Жеймс рўйхатдан ўчирилади.

— Шундай, — совуқдонлик билан деди Маделина. — Энди менга хайрихоҳ бўлмоқчимисиз?

— Ҳа, — деб жавоб бердим.

— Жуда таъсирланиб кетдим-да.

— Туйғуларингизни бошқа сафарга асраб қўйинг. Пул сиздами?

— Эҳтимол, — жавоб берди у.

— Қаерда у?

— Мен «эҳтимол» дедим, холос.

— Бу гап етарли эмас, — эътироз билдирдим, — очирини айтинг.

— Нега? Сиз менга кераксиз, мен сизга эмас.

— Қандай вазиятга тушиб қолганингизни ҳали ҳам англаб етмабсиз деб ўйлаяпман. Қоронғи тушиши билан мен бу ердан жуфтакни ростлайман, ҳалиги биродарингиз келиб биқинингиздан дарча очиб қўйишига ҳеч ким тўсқиник қилолмайди.

Сиз эса бир юз йигирма минг долларга эга бўлган мурдага айланасиз-қўясиз.

Маделина хаёлга чўмиб, тўғрига қараб турарди.

— Менга нимани таклиф қилмоқчисиз?

— Аввало, пул сиздами, йўқми — шуни аниқлаб олмоқчиман.

— Менда.

— Алдамаяпсизми?

Маделина менга совуқ боқди.

— Сизга шуни маълум қилишим мумкинки, пул менда.

Мен сигарета тортиб, унга шубҳа билан қарадим. Гапиришга шошилмадим. Озгина эзишнинг ҳам зиёни йўқ.

— Сиз тушган ҳолат ҳавас қиларли даражада эмас, — дедим ниҳоят. — Ҳар қанақасига қараб айтиш мумкинки, сиз деярли мурдасиз. Агар сизни мана бу йигит отиб ўлдирмаган тақдирда ҳам полиция қотилликда айблаб ҳибсга олади. Гўзаллигингиз боис шикоят қилсангиз, суд маслаҳатчилари жонингизга оро кириб, электр столида қатл қилинишингиздан асраб қолишлари мумкин. Сизни умрбод қамоққа ҳукм қилишлари турган гап, лекин бунинг ҳам жилла суюнадиган жойи йўқ. Ёлғиз ўзингиз қутулиб кетиш учун ҳеч қанақа имконият йўқ. Яшириниш учун на машина, кийиниш учун на кўйлак бор. Агар мен ёрдам берадиган бўлсам, тирик қолиш учун имконият яратилади. Тамоман деёлмайман, ҳарҳолда мингдан бир бўлса ҳам имконият туғилади.

Менинг таклифим қуйидагича: биз Диана Жеймс эрингиз билан нима қилишга аҳдлашган бўлса, худди шундай қиламиз. Сизни бу ердан олиб чиқиб кетаман-да, шов-шувлар босилгунча яшириб қўяман. Сиз сочингизни маллами, сариқми рангга бўяйсиз. Кейин ғарбий соҳилларгами ё бошқа бирон ёққа олиб бориб ташлайман. Шундай бўлишига, албатта, аниқ кафолат беролмайман, лекин уриниб кўраман.

Маделина аста бошини қимирлатди.

— Бунинг эвазига нимани талаб қиласиз?

— Каттароқ пулга эга бўлишни. Дейлик, бир юз йигирма минг доллар.

У менга тикилди.

— Сиздан ҳамма нарсани кутгандим-у, лекин бу қадар виждонингизни ютишингизни кутмагандим.

— Бу пулга жуда осонлик билан эга бўляпти деб ўйлаяпсизми? Ҳаётимни гаровга қўйиб, қандай жиноятга қўл ураётганимни ўйлаб кўринг. Сизни қутқаришга киришганимдан

бошлаб жиноятчилар қаторига қўшиламан. Бунга эса, катта пул эвазига қўл ураман.

— Демак, сиз мендан ҳамма пулни тортиб олмоқчи бўляпсиз.

— Худди шундай. Агар яқин фурсатларда биронтаси бундан қулайроқ таклиф билан мурожаат қиладиган бўлса...

— Мен ниманинг ҳисобига кун кўраман?

— Ҳамма қатори, бошқалар қандай яшаяпти? Иш қидириб топишингиз мумкин.

— Қанақа иш? Умримда ҳеч қачон ишламаганман.

— Мен қаердан билай? Мен иш билан таъминловчи одам эмасман. Розимисиз, йўқми?

Маделина бир оз ўйлаб турди-да, кейин елка қисди.

— Яхши. Лекин пулни олганингиздан кейин мени ўз хоҳишимга ташлаб кетмаслигингизга қандай кафолат бор? Сизнинг бир сўзли йигитлигингизга ишонсам бўладими?

— Бошқа иложингиз ҳам йўқ.

— Келажагимиз жуда фаровон экан.

— Хўш, пул қаерда? — дея мийиғимда кулиб қўйдим.

— Менинг ягона имтиёзим ҳам мана шунда, — кулимсираб жавоб берди у. — Пулга эга бўлиш учун сиз жилла курса ваъдангизнинг бир қисмини бажаришингизга тўғри келади.

— Пул қаерда?

— Санпортдаги учта банкнинг пўлат сандиғида.

— Банкнинг пўлат сандиғида?

Мен унга тикилдим.

— Э, худойим, у ердан қандай қилиб оласиз? Штатнинг ҳамма полициячилари сизни қидириб юришган бўлса!

— Табиий, пулар менинг ҳақиқий номимга қўйилмаган.

— Э-ҳа, шунақа денг, калитлар қаерда?

— Уйда.

— Ўзингизнинг уйингиздами?

У масхараомуз кулиб қўйиб, бошини қимирлатди.

— Бу агар шу ердан эсон-омон чиқиб кетишнинг иложи топиладиган бўлса, қайта қопқонга тушдик, деган сўз-ку!

— Ҳм, — деди у. — Бу хамирдан қил суғургандек осон битадиган иш эмас. Худди шунинг учун сизга ўхшаш жасур ёрдамчи керак. Шундай катта пул учун таваккал қилишингизга тўғри келади.

Қуёш кўтарилди, хонанинг ичи исиб кетди. Мен жим ўтирганча ўйлашга тушдим. Охири ўрнимдан туриб, у ёқ-бу ёққа юра бошладим. Лекин бир зум ҳам деразадан кўз узмадим.

Бир амаллаб бу ердан чиқиб кетишнинг иложини қилиш керак эди. Бунинг учун бизга машина керак. Маделинанинг «Кадиллак»идан фойдалана олмаймиз. Лекин нариги томонда бошқа машина, йигитнинг ҳам машинаси турган бўлиши керак. Лекин унинг қўлида бешотари ҳам бор-да.

— Эҳтимол, у кетиб қолгандир? — тахмин қилди Маделина.

У ҳали ҳам столда ўтирар, ора-сира виски ҳўплаб қўярди.

— Кетмаганлиги аниқ, — деб жавоб бердим. — У кутиб ўтирибди. Уйдан чиқишимиз билан бизни отиб ташлайди.

— Орқа эшиқдан чиқиб яёв жўнасақ қаердан билади?

— Сизнинг мана бу кийимингиз билан узоққа боролмас-лигимизни жуда яхши билади. Агарда милтиқ билан пойлаб турмаган тақдирда ҳам «Кадиллак»ингиздан фойдалана олмаймиз.

У ўзига яна виски қуйди. Шиша деярли бўшаб қолган эди. Стаканни кўтариб шишага қараб қўйди.

— Энди буюғи сизнинг муаммоингиз.

У пешайвоннинг олд томонида тураркан, бу ҳам кулгили, ҳам қайғули ҳолатнинг гўё ўзига дахли йўқдай фаҳмлар, ҳатто озгина зерика бошлаган ҳам эди.

Кун қаттиқ исиб, дим бўлиб кетди. Кўйлагим этимга ёпиша бошлади. Жаҳлим чиқиб, шишага қарадим.

— Бас қилинг энди буни.

Маделина кўз қири билан менга қаради.

— Яхшиси, ўз қилишингиз лозим бўлган ишни амалга оширишни ўйланг.

Мен унинг олдига келдим-да, ичкўйлакнинг четидан тортиб стулдан турғиздим.

— Бу ҳақда аввал сиз бош қотирсангиз яхши бўларди. Агар бу ердан чиқиб кетсак, мен икки ой полициядан яшириниб юришимга тўғри келади. Бу жуда қийин иш. Агар ҳадеб ича-верадиған бўлсангиз сиз билан бирга меням расвойим чиқади. Менга ортиқча ташвишнинг кераги йўқ. Бас қилинг виски ичишни.

Мадалена менга хира пашшага қарагандай қараб қўйди.

— Бўлдими? — деди у. — Унда дастпанжангизни олинг елкамдан.

— Буни унутманг, — шундай деб, эслатиб стулга қайта ўтқаздим.

— Бу бало-қазодан қандай қутулиб кетишимиз борасида бирон мўлжалингиз бордир?

— Шу ҳақда ўйлаяпман. Ҳарҳолда овозингизни ўчириб турсангиз яхши бўларди.

— Жоҳил.

— Ким у, ташқаридаги йигит?

— Қаердан билай. Ўзини таништирмаган.

— Йиғиштиринг майнавозчиликни. Ким у?

— Ростдан ҳам билмайман, бу билан ишингиз бўлмасин.

— Жазманингизми?

— Намунча менга ёпишиб олдингиз?

— Батлэрни ким ўддирган? Икковингизми?

Маделина бўшлиққа тикилганча индамай қолди.

Бу аёл билан икки ой бўлсам — роса томоша бўларкан-да. Қани, кўрайлик-чи, ким олдин ақдан озаркан.

САККИЗИНЧИ БОБ

Деразанинг олдига келиб ташқарига қарадим. Ойнаси синган деразанинг тўртбурчакли кўзидан қараганда, тўғрида ўша йигит яшириниб ўтирган бўлиши керак. Бу ердан туриб у уйни ҳам, йўлни ҳам назорат қилиши мумкин. Мен тепаликка қараб ўнг тарафда қўққайиб турган баланд дарахтни кўрдим. Афтидан, уни яшин урган бўлса керак. Мен ўшани мўлжалга олдим.

— Нима қилмоқчисиз? — сўради Маделина.

— Сиз учун машина топиш тадоригини кўрмоқчиман, — деб жавоб бериб, оқ кўйлагимни ечдим.

Оқ кўйлақда мени кўриб қолиши осон. Омборхонадан битта кўк кўйлақ топиб кийиб олдим, кейин тўппончани белимга қистирдим.

Бу пайтларда Маделина мени тинимсиз кузатиб турди. Столда турган шишани олиб, қолган вискини полга тўкиб ташладим.

— Жуда бўлмаганда ҳозир ҳушёр туришингиз керак, — дедим. — Гапимга қулоқ солинг. У фақат битта сабаб билан сизни отиб ташлаш учун бу ерга келмаган. Йигит менинг шу ердалигимни ва қўлимда тўппонча борлигини яхши билади. Бу унинг тўппончаси. Гапларимни эшитяпсизми?

Маделина индамай бошини қимирлатди.

— Ҳозир мен ташқарига чиқаман-да, яшириниб орқасидан боришга уриниб кўраман. Ҳозир орқа эшиқдан чиқаман, у мени кўрмаса керак. Хавф шундаки, мени кўриб қолиши ҳам мумкин. Лекин мақсади сизни ўлдириш бўлгани учун мени отмайди. Ўзини мени кўрмаганга солиши ҳам мумкин. Кетишим билан сизни отиб ташлайди. Олдинги эшик қулф. Мен

чиқиб кетишим билан орқадан тамбалаб қўйинг. Йўқ, яхшиси, омборхонада ўтира туринг, у ерда дераза йўқ. Унинг пешайвонга ёки деразага чиққанини сезсангиз, бор овозингиз билан қичқиринг. Омборхонада эшикни маҳкам беркитиб олинг. Агар тутун ҳидини сезсангиз ҳам иложи борица қаттиқроқ қичқиринг.

— Тутун деяпсизми?

— У уйни ёқиб юборишга уриниши мумкин.

Афтидан, бу гаплар Маделинани унчалик чўчитгани йўқ.

— О'кей, — деди у. — Менга шунча ғамхўрлик қилганингиз учун катта раҳмат. Кўнглимни эритиб юбордингиз.

Эшикни очиб ташқарига чиқдим. Ҳеч нима бўлмади. Пешайвондан сакраб тушдим у энгашганча, кўл қирғоғидаги бутазор томон илдам жўнадим. Бел мушакларим музлаб, қотиб қолди. Назаримда биров мени милтиқ билан мўлжалга олиб турганга ўхшарди.

Мен бутазорга етиб бордим у яшириниб олдим. Юзларимнинг атрофимни чивинлар ўраб олган, бурунларимгача тап тортмай қўнарди. Аксиргим келиб қолди, бир амаллаб бурнимни ишқаб босдим. Калламни аста буриб, қирғоқ бўйлаб ўрмон четини назардан ўтказиб бошладим. Ҳеч ким кўринмади. Ўгирилиб, кўлга қарадим. Кўл қуёш нурида ойнадай ялтирарди. Узоқда бир қайиқчи гавдасини бир эгиб, бир кўтариб эшкак эшаркан, зилол сув юзи жимирлаб кетарди. Нариги қирғоқда дарахтлар қорайиб кўринарди. Манзара нақ спорт анжомлари тайёрлайдиган фирманинг эълон тақвимига ўхшарди.

Буталар орасидан кўл қирғоғи бўйлаб кетдим. Ўнг томон билан ўрмалаб қайиқлар боғлаб қўйилган яккачўп кўприкка келдим. Энди омборхонанинг орқа томонида эдим. Йўлимда катта ғўла учраб қолди, уни айланиб ўтдим. Сукунатда дарахтдан қуриган шох қарсиллаб узилиб тушди. Ерга ётиб, қотиб қолдим. Ҳаммаёқ жимжит. Орадан уч-тўрт дақиқа ўтди. Яна ўрмалаб кетдим.

Нам тупроқ қўлларимга, тиззаларимга ёпишар, юзларимдан шовиллаб тер оқарди. Орқамга қараб қўйдим. Уй билан омборхона дарахтлар орасида жойиб бўлган. Лекин ёғоч кўприк кўриниб турарди. Мен улардан юз метрлар чамаси нарига ўрмалаб бордим. Яна шунча йўл боссам, йигитнинг орқа томонидан чиқаман. Ўрнимдан туриб кўлимни артдим. Кўл ёқасидаги ёйсимон ўрмон бўйлаб юриб кетдим. Орадан бир неча дақиқа ўтиб, тепаликнинг тагига етиб келдим. Ер майда қум, айрим жойлар игнабаргли арча билан қопланган, қадам товушларим эшитилмайди.

Тепаликнинг устига чиққанимда, чап тарафда бошини яшин урган баланд дарахтни кўрдим. Яна юз метрлар юриб, мўлжални тўғри олишим учун ўша дарахт билан кўлга қараб олдим. Дарахтлар орасидан биз қўнган уйнинг томи кўриниб турарди. Тўқсон градус бурилиб, биров кўриб қолса дарров яшириниб олиш учун аста-секин қадам ташлаб юра бошладим.

Кейин бир арчанинг остига чўнқайиб ўтирдим. Энди рақиб менинг пастимда бўлиши керак. Ҳа, қаердадир пастда у милтигини тўғрилаб, уйни кузатиб турибди. Мен қимир этмай буталар ва дарахтлар орасини диққат қилиб кузатарканман, қўлларимга ёпишган лойларни сидириб ташлай бошладим. Зарур бўлиб қолса осонгина оламан деб ёнимдаги тўппончани ушлаб кўрдим.

Кўзим ҳеч нимани илғамади. Биронта хатти-ҳаракату бирон кийимнинг рангини кўрмадим. Йигит пастликда беркиниб олган бўлиши керак эди. Мен ўн метрлар чамаси нарида қалин буталарни кўриб ўша томонга ўрмалаб кетдим. У ерда беш дақиқалар туриб атрофни яхшилаб кузатдим. Рақибимдан ҳеч қанақа из топилмади.

Яна олға ўрмалаб кетдим. Энди сайхонликнинг чети кўринди. У ёғига бориш мумкин эмасди. Агар сайхонлик бўйлаб юрадиган бўлсам, нақ уларнинг рўпарасидан чиқиб қолишим аниқ, бу — тамом деган сўз. Мен ерга ётганча теварак-атрофни аста кузата бошладим.

Кутилмаганда уни кўриб қолдим. Аввал мендан ўн беш метрлар нарида ботинка, буталарнинг эгилган шохлари орасида шим кўринди. Кейин иккинчи оёқ ҳам. Бу ерда худди тепаликдаги сингари майда дарахтлар, буталар жуда қалин эди. Агар ўнг томонимга яна озгина силжисам, уни яққол кўришим мумкин.

Мен чуқур нафас олдим. Худди темир занжир кўкрагимни қисаётгандай бўлди. Энди бир-икки дақиқадан кейин иккимиздан биттамити тирик қоламиз. Мен уни тўппонча билан дағдаға қилиб кўрқитишим ҳам мумкин. Лекин у кўрқмасачи? Умуман, жон аччиғида кўзига ҳеч нарса кўринмаслиги мумкин-ку, ахир.

Мен олишмаслигим ҳам мумкин. Лекин шу он Санпортдаги учта пўлат сандиқ эсимга тушди. Йўқ. Энди орқага чекиниш мумкин эмас. Бир бошга — бир ўлим. Ёнбағир бўйлаб ўрмалай бошладим.

Унинг иккала оёғини аниқ кўрдим, улар қимирламасди. Кейин бор гавдаси билан яққол кўринди. Шиша нишонли

милтиқ ёнидаги кичкина бутада осифлиқ турибди, ўзи эса уйни синчиклаб кузатарди. Мен бута шохларини шитирлатмасликка ҳаракат қилдим. Озгина шитир-шитир ҳам уни чўчитиб юбориши тайин.

Масофа уч метрлар қолганда тиззалаб туриб бориб тўппончани унинг гарданига тирадим. Кейин:

— Ҳов йигит! Қани, милтиққа қўлингни чўзмай, менга ўгирил-чи! — дедим.

У ўгирилиб, милтиққа ёпишди.

— Овора бўласан, қимирлама, — дедим.

У менга ўгирилиб, ғазаб билан тикилиб қолди, чунки мен қараб турмасдим. Оёғи мен томонда, қорни билан ерга ётиб олган, қўлидан ҳеч нима келмасди.

— Ўқни суғур милтиқдан! — буюрдим. — Ортиқча ҳаракат қилма! Отиб юбор уни нарига.

Бутун диққат-эътиборим унга қаратилган, орқамда шитирлаган овозни эшитиб ўгирилганимда кеч бўлганди. Бошимга урилган тўқмоқ сирғалиб қўлимга тегди. Бошимда қаттиқ оғриқ турди. Қўлимни зўр-базўр қимирлата олдим.

Йигит ирғиб туриб менга бешотар милтиқни тўғриламоқчи бўлди. Мен оғриб турган қўлим билан бир шохни, иккинчи қўлим билан қизни ушлаб туриб, худди бир тугунни улоқтиргандай, уни йигит томон қаттиқ итариб юбордим. Қиз бориб унга урилди-ю, иккаласи бешотар устига йиқилиб тушди. Мен эгилиб қўлимдан учиб кетган тўппончани олдим.

Бу ўша париваш малласоч жонон эди. Унинг кўзи ўт бўлиб ёнар, питирлаб оёқ-қўлларини силкитиб ўтириб олишга ҳаракат қиларди. Сочларига арчанинг игналари илиниб қолган, тилиниб кетган тиззасидан қон оқарди.

Уларга яқин келдим. Қиз ўтириб олди, милтиқ оёғининг остидаги қумда ётарди. Қизни нари итариб, оёғим билан бешотарни ўзимга томон суриб олдим, ичидаги ўқларни олиб ташладим-да, ўзини дарахтга уриб синдирдим, қўндоқ нарига учиб тушди. Милтиқнинг шиша нишони синиб, чил-чил бўлди.

— Машина қаерда? — сўрадим мен.

Назаримда, қорни очиб қуддираётган бўлса керак. Буни ваҳшиёна ёниб турган кўзларидан, лабларини силаб қўйганда қалтираётган қўлларидан билиб олса бўларди.

— Кимсиз? — деб сўради у. — Сизга нима керак?

— Машина. Назаримда, тушунарли қилиб айтдим чоғи.

Иккаласи ҳам ғалати, бир-бирига ўхшаш, тикилиб қараб ишонч ҳосил қилдимки, улар опа-ука экан.

Йигит балаңд бўйли, ёш кўринар, афтидан, йигирма бир ё йигирма икки ёшдан ортиқ эмас, гарчи бунга ўхшамаса ҳам. Икковининг сочлари малла, юзлари ўхшаш. Кўринишлари жуда ёқимли бўлгани билан ҳаддан ташқари хавфли одамлар эди.

— Бу ердан тирик кетолмайсиз, — деди йигит. — Мен уни ҳам, сизни ҳам ўлдираман.

Унга тўппончамни тўғриладим.

— Туринглар.

У менга қараб аста-секин ўрнидан турди. Қиз жойидан қимирламади.

Мен қизнинг кўлидан ушлаб, турғазиб қўйдим. Қип-қизил тирноқларининг учи башарамга яқинлаб кела бошлади. Бир уриб, кўлини туширдим. У гандираклаб укасига ёпишиб қолди.

— Агар хонимча ўз оёқлари билан юришни хоҳламасалар, уни кўтариб олинг, — дедим.

Йигит алам билан тўппончамга қараб қўйди.

— Қаёққа?

— Йўлга. Айтдим-ку, сизга, менга машина керак, деб.

Қиз жирканиб, укасига қараб қўйди.

— Сен шу аблаҳдан кўрқяпсанми?

— Кўлимдан нима ҳам келарди? — деди у. — Тўппончаси бор.

— Бас қилинг, — буюрдим. — Бошқа сафар жанжаллаша-сизлар.

— Миссис Бетлерни нима қилмоқчисиз? — сўради қиз.

— Қиз қилиб оламан. Жуда яхши кўриб қолдим.

— Кимнинг кўлига тушганингизни билмаслигингиз кўри-ниб турибди. Уни қотилликда айблаб қидириб юришибди. У ўз эрини ўлдирган.

— Бу ёғидан ташвиш тортмай қўя қолинг, — дедим. — Овозларингизни ўчириб, машина томон бошланг.

Қиз менга қиё боқмай алам билан олдинга индамай кетар-ди. Тепанинг устига етмай машина кўринди. У буталар орасида турарди. Бу қиз миниб келган ўша машина эди.

— Калит кимда? — дедим.

Қиз менга вазаб билан индамай тикилиб турди. Унинг қў-лида сумкаси йўқ, демак, калит ҳам йўқ эди. Мен укасига қарадим.

— Хўш, калит қаерда? Имилламанг!

Йигит чўнтагидан калитни чиқарди.

— Мен билан бирга борасизлар. Хонимча ўртамизга ўти-риб олади.

Биз машинага ўтирдик, йигит машинани ҳайдаб, йўлга олиб чиқди.

— Тепалиқдан тушиб, машинани анув уй томонга ҳайданг, — буюрдим. — Бирон дарахтга бориб ураман деб хомхаёл қилманг, мен тирик қоламан, сиз иккалангиз ҳалок бўласиз.

— Ҳароми, — деди қиз.

Мен унинг чиройли оёқларига шапатилаб қўйдим.

— Хонимча, Гиллеспини нима бўлди? Топдингизми?

ТЎҚҚИЗИНЧИ БОБ

Уйнинг олдига келиб тўхтадик.

— Чиқинглар, — деб буюрдим.

Зинапоя билан пешайвонга кўтарилдик. Маделина Батлер тамбани олаётган овозини эшитдим, келаётганимизни деразадан туриб кўрган бўлса керак. Эшик очилди, уйга аввал қиз, унинг кетидан укаси, охирида мен кирдим. Эътиборни сусайтириб қўйибман. Сал бўлмаса ниятларига етарди.

Йигит бақариб ўзини ичкари урди. Қиз бўлса мени ташқарида қолдириб, эшикни ёпиб олишига бир баҳя қолди. Сўнги дақиқада оёғимни ичкари қўйиб эшикка тирадим, хонага кириб олдим. Хонимча гандираклаб бориб йиқилиб тушди. Унга қоқилиб кетиб мен ҳам йиқилаёзим.

Йигит Маделинага ёпишиб кетди. Иккаласи ерга ағанаб тушишди. Йигит уни икки қўли билан ҳиқилдоғидан ушлаб бўға бошлади. Маделина индамай қаршилиқ кўрсатар, йигит эса ваҳшиёна қичқирарди.

Мен тўппончамни чиқариб йигитни турғазиб қўйдим. У Маделинага ёпишиб олганди, башарасига тарсаки тортиб юбордим. Йигит калласини олиб қочиб, Маделинани қўйиб юборди-да, менга тикилди. Мен унга яна тарсаки тортдим. Бу сафар ўзимнинг қўлим оғриб қолди. Йигит ўрнидан туриб қаёққа йиқилишни билмай гандираклай бошлади. Ушлаб олиб яна устма-уст мушт туширдим.

Маделина ўрнидан турди. Унинг сочлари тўзиб кетган, кўзлари ўтдай ёнарди. Кейин олдимга келиб тўппончани олиш учун ёнимни титкилай бошлади. Ниятини сезиб нари итардим.

— Ақдингизни йиғиб олинг, — дедим. — Ўтиринг.

Афтидан, у гапимни эшитмади. Шундан кейин қўлидан ушлаб стол ёнида турган стулга куч билан ўтқаздим. Икки опа-ука рўдайиб турар, укаси йўталар, қиз бўлса, ранги доқадай оқариб кетган, кўзлари ёнарди.

— Сизлар ҳам ҳув анув ерга ўтиринглар, — уйнинг нариги бурчагини кўрсатдим. — Сизларни уриб қўлимни майиб қилиш ниятим йўқ. Энди тўппончани ишга соламан.

Йигитнинг лаблари қалтирар, кўзларидан ёш оқарди.

— Ўлдираман уни, — тақрорлади. — Ўлдираман.

— Ўпкангизни босиб олинг, — деб дўқ урдим ва стулга ўтиришини буюрдим.

Улар ўтиришди.

Ўзим эса, улар билан Маделина ўртасига стул қўйиб ўтириб олдим.

Ўзимни сал орқага ташлаб, тўппончани тиззамга қўйдим-да, сигарет тутатдим.

Бир зум хонага нафас олса эшитиладиган даражада жимлик чўқди. Кейин сукунатни хонимчанинг овози бузди.

У стол четини шундай куч билан чангаллаб олдики, тирноқлари теккан жойнинг атрофи оқариб қолди. Бўйин томирлари ирғиб кетган, овози ўтдай вишиллаб чиқарди. Унинг гапирган гапларидан биттаси менга янгилик бўлди.

Хонимча тинимсиз бидирларди. Маделина унга ҳам қизиқсиниб, ҳам бир уюм ахлатга қарагандай жирканиб қарарди. У нафас олиш учун гапларини тутатгандан кейин Маделина:

— Сиз исқирт, митти қаламушсиз, — деди.

Хонимча энди гапирмас, индамай менга тикилиб турарди, кейин мандан:

— Буни нима қилмоқчисиз? — деб сўради.

Мен индамадим.

— Менга тўппончангизни беринг, — ялинди у. — Фақат беш сониягина. Мана бу фирибгарни отиб ташлай. Кейин қайтариб бераман. Мени ўлдиришингиз ё полиция қўлига топширишингиз мумкин, илтимос қиламан, уни отиб ташлашимга рухсат беринг.

— Ўзингизни босиб олинг, — дедим, — бўлмаса қорнингиз оғриб қолади.

— Уни нима қилмоқчисиз?

Маделина Батлер сигарет чекар ва тутун орасидан бизга назар ташлаб турарди. Йигит эса, бошини қуйи солганча индамай ўтирарди.

— Бу аёл сизга қанча тўлайди?

— Ким айтди сизга уни менга пул беради деб?

— Албатта, тўлайди. Бўлмаса, шу аёл деб шунча азоб чекмаган бўлардингиз.

— Унга кўнглим борлиги учун олиб юрибман.

— Қанча беради?

— Етар, — дедим мен. — Бунинг баҳосини барибир англаб етолмайсиз.

Хонимча укасига ўтирилди.

— Эшитаялсанми, Жек? Мана бу ифлос фоҳиша гапларимизни ҳатто эшитмаяптиям. Шунча вақтдан буён гапиравериб жағимиз оғриб кетди, унинг бўлса парвойигаям келмаяпти.

— Бас қилинг! — овозимни кўтардим.

— У сени аҳмоқ қилган, бундан кейин ҳам аҳмоқ қилаверади, сен бўлсанг ҳеч вақосиз икки кўлингни бурнингга тиқиб қолаверасан.

— Жағингни ёп!

Лекин хонимча гапдан тўхтамади.

— Нима учун ақлинг борида этагингни ёпмаялсан, нималар бўлганини нега тушунмаялсан? Наҳотки шунча гаплардан кейин ҳам уни чин дилдан яхши кўрсанг! Бу ифлос жонингга тегмадими?

Башарасига тарсаки тортиб юборардим-у, у гапдан тўхтади. Хонада яна шундай сукунат содир бўлдики, ташқаридаги кушларнинг қанот қоққан овозини эшитиш мумкин эди.

Соатга қарадим. Бирдан ўтибди. Оқшом чўкиши билан йўлга тушишимиз мумкин эди. Демак, мана бу уч кимса олишиб кетмаслигини пойлаб, яна олти соатлар чамаси ўтиришим керак.

Мен чарчадим. Ўттиз соат кўзимни юммадим. Яна олдинда бутун бир кеча-кундуз бор. Мен қўлга тушмасдан Маунт-Темплга қайтиб, уйга кира олармиканмиз ёки йўқми деб ўйлай бошладим. Кўчада бегона машинада сезиб қолиб тўхтатишлари даргумон. Лекин уйга кириш — бу бошқа масала. Эҳтимол, уйни кузатаётган бўлишлари ҳам мумкин.

Ўрнимдан туриб, омборхона эшигига ишора қилдим.

— Бу ёққа юринглар, — деб буюрдим.

Опа-ука ёнимдан ўтишаркан, бир нимани кутган катта мушуклардай кўзларини менга қадашди. Улар яшикка ўтиришди, мен олдиларида туриб уларга қарадим.

— Шу ерда ўтирсангиз, сизларга балоям урмайди. Кетаётганимизда овоз бераман. Агар омборхонадан чиқиб яна миссис Батлерга ҳужум қилсангиз, жонингиздан умидингизни узаверинг. Энди қараб ўтирмайман. Сизлардан бошқа ҳам ишларим кўп.

— Сизнинг ўрнингизда мен бўлганимда пулга сотилмаган бўлардим.

— Нима учун?

— Сиз унга эга бўлмайсиз.

— Бу ёғини менга қўйиб бер.

Хонимча ўйланқираб менга қаради, кейин тўсатдан кулиб юборди. Бу заҳарханда кулги эди.

— Гапларимни ёдингизда тутинг. Ким билан ош-қатиқ бўлаётганингизни ҳали англаб етмагансиз, шекилли. Хаёлимга бир кулгили фикр келиб қолди. Жуда кулгили.

— Қанақа фикр экан?

— Бу ердан чиқиб кета оласизми-йўқми, бунинг аҳамияти йўқ. Барибир бирингиз бирингизни ўлдирасиз.

Мен индамай омборхона эшигини ёпдим. Кейин стулга ўтириб сигарета тутатдим. Маделина ҳам ўтирди.

— Ётиб, озгина мизғиб олсангиз бўларди, — дедим.

— Ҳозир кун жуда иссиқ, — эътироз билдирди у.

— Ўзингиз биласиз. Лекин бутун кечаси ухлашингизга кўзим етмаяпти.

Маделина эътиборсизлик билан кулиб қўйди.

— Орқага қайтиб кетишдан чўчимаяпсизми? — сўради.

— Йўқ, — дедим. — Ўша ерга борамиз.

— Сиз учун аҳамиятли нарса пул экан-да?

— Билмайман, — дедим. — Киссамда бир чақа ҳам йўқ.

— Пул қўлга киритилгандан кейин бахтли бўлсангиз керак деб ўйлайман. Дарвоқе, сиз ўзи аслида кимсиз, исмингиз нима, ҳалига довури миқ этиб оғиз очмадингиз.

— Дарҳақиқат, — қўшилдим унга. — Бу ҳақда гапиришни умуман, эрдан чиқариб қўйибман.

Вақт жуда секинлик билан ўта бошлади. Уй қизиб кетган.

Ўтирган жойимда кўзим кетиб қолибди. Кўзимни очсам, омборхона эшиги қия очик. У ердан хонимча мўралаб турарди.

— Йўқолинг, — деган эдим, эшик шартта ёпилди.

Мисс Батлер уйнинг атрофини сал бўлса ҳам кузатиб турди. Мабодо йўлга чиқишга уринсак, эҳтимол, бизни ҳибсга олишар ё отиб ташлашар деган хавотирда эдим.

Ниҳоят қуёш ботиб, кўчага қоронғи туша бошлади. Мен ўрнимдан турдим. Маделина қўлидаги сигаретани кукун тўла кулдонга ташлаб, менга қаради.

— Халатингизни кийинг, — дедим. — Йўлга тушиш вақти келди.

— Нима қилишимни ҳам билмай қолдим, — деди у.

Калламга бир фикр келди.

— Нима дейсиз, манави хонимчанинг қўйлаги сизга тўғри келармикан?

— Билмадим. Лекин мен унинг кўйлагига оёғимниям артмайман.

— Яхши, — дедим. — Бир гап-да, энди. Агар уйга киролсак, боргандан кейин кийиниб оласиз.

Мен омборхонага келиб эшикни очдим.

— Вақт бўлди, — дедим.

Улар чиқишди. Мен олд эшикни очиб, Маделинани чиқардим. Чиққанимиздан кейин калитни унга бердим-да, эшикни қулфлашни буюрдим. Эшик қулфлангандан кейин калитни олиб, хонимча билан Жекка имо қилдим.

— Ҳозирча шу ерда тура турасизлар. Биз жўнаб кетгандан кейин бошингиз оққан томонга кетаверасиз. Қўрқмасангиз, калитсиз юрғиза олсангиз, анави «Кадилак»дан фойдаланишингиз мумкин.

— Ҳали сиз билан ҳисоб-китоб қиламиз, — дўқ қилди Жек. — Сизларни топиб оламан.

— Телефон дафтарчасидан топишингиз мумкин мени, — деб Маделинани машинага ўтқаздим.

Кўл қирғоғидаги ёроч кўприқдан ўтаётиб эшикнинг калитини машина ойнасидан сувга ташлаб юбордим. Кўзгудан орқага қараб хавотир бўларли нарсани сезмадим. Дарахтларнинг остига қоронғи тушиб қолибди.

Чироқни ёқиб, ўрмондан ўтиб кетдик.

Олдинда магазинлар ва бензин қуйиш шоҳобчасининг чироқлари кўрина бошлади.

— Ҳозир катта йўлга чиқамиз. Эҳтимол, бизга полиция патрулининг машиналари йўлиқар. Лекин улар бизга эътибор қилишмайди. Қўрқманг, кўчадан кўринмайсиз.

— Мендан хавотир олмасангиз ҳам бўлаверади, — жавоб берди Маделина.

Йўл четидаги бутазорлар ичига «Кадилак»нинг калитини отиб юбордим. Орадан бир-икки дақиқа ўтиб, катта йўлга бурилдик. Бу ёғига юрагимга ғулғула туша бошлади.

Машинани жуда эҳтиётлик билан ҳайдаб борардим. Тезликни соатига етмиш ё саксон километрдан оширмасдим. Йўлимизда учраган биринчи шаҳарга етганда айланиб ўтиш учун машинани катта йўлдан ёмон ёритилган кўчага бурдим. Бир оз ўтиб у ёқ-бу ёққа икки марта буриб, яна катта йўлга чиқиб олдим. Энди секин, соатига 50 километрдан ҳайдай бошладим.

Маделинанинг ғойиб бўлганини полиция илғаганига 12 соат бўлди. Маделина уйига яна қайтиб келадиган аҳмоқ эмас деб

ҳеч ким кутмаган эди. Лекин барибир уйни жуда бўлмаганда йўлига бўлса ҳам битта ёки бир нечта одам кузатиб турган бўлиши керак. Қизиқ, лекин у қаерда турганикин? Уйнинг олдидами ё орқасидами? Балки ичидадир.

Машина моторининг товуши эшитилмасин, фаранинг ёруғи тушмасин деб машинани уйдан анча нарида тўхтатсак ҳам бўлади. Лекин қочишга тўғри келиб қолса, жуда узоққа қўйиш ҳам хавфли эди.

— Уйингизга олиб борадиган кўча ортада қолди ё бундан бошқа кўча ҳам борми? — деб сўрадим.

— Ҳа, бор, — жавоб берди у. — Кўрсатаман. У кўча ёритилмаган, чала қурилган иморатлардан иборат.

Маделина мана шу уйда катта бўлган эди. Мен у ўз уйига сўнгги бор қадам қўяётиб, нималарни ҳис қиларкин деб ўз-ўзимга савол бера бошладим. Агар ишимиз бароридан келса, бу уйни умрбод кўрмайди. Юрагида қандайдир туйғу сезармикин? Ахир эрининг мурдаси топилгани ҳақидаги хабар унчалик ҳам таъсир қилмади-ку.

— Эрингизнинг мурдасини қаердан топишлари мумкин эди? — Қизиқсиндим мен.

— Бу менга қоронғу.

— Билмайсизми ҳали? — ишонқирамай сўрадим.

— Қаердан биламан?

У бунга мутлақо эътибор қилмади.

— Ахир буни радиодан эшитган сиз, мен эмас-ку.

Нима дейишимни билмай қолдим. Унинг гапларига ишонишимга тўғри келди. Бу ишончли эшитиларди, ундан ташқари энди алдашдан маъни йўқ эди. Ҳатто у машинаси Диана Жеймснинг уйи олдидан топилганидан ҳам беҳабар эди. Калламда ғалати фикр ғужғон ўйнай бошлади. Ростданам эрини ўзи ўлдирганмикин? Ахир у менга 120 минг доллар бериш эвазига полициядан яширишим кераклигини тан олди-ку. Бошқа сабаб бўлганда бундай қилармиди?

— Мен сизчалик айёр эмас эканман, — дедим.

— Ростдан-а?

У сигарет тутатди, гугурт чўпининг ёриғи бир зум жозибали, лекин димоғдор чехрасини ёритиб юборди.

— Умуман айёрликни ўрнига қўёлмас экансиз. Лекин мен ҳам ноҳақлик қилмоқчи эмасман. Шу даврга қадар ўз ишингизни ўринлатиб бажардингиз. Фақат бир-иккита хатоликка йўл қўйдингиз.

— Қанақа хатолар экан?

— Биринчиси, анавиларнинг иккаласини ҳам гумдон қилишингиз керак эди. Улар сизнинг қанақалигингизни тасвирлаб бериши мумкин. Иккинчиси, уйга киришимиз мумкин бўлган калитни отиб юбордингиз. У машинанинг калити билан бирга эди.

— Энди бизга калитнинг ҳожати йўқ, — дедим. — Уйга ертўланинг деразасидан тушишимиз мумкин. Бошқа хатога келганда, улар полицияга мурожаат қилишдан кўрқишади.

— Ҳа, тўғри, лекин уларни полиция тутиб олса-чи?

— Бунга биз тайёр туришимиз керак.

— Бунинг ҳечам ҳожати йўқ.

— Эҳтимол. Лекин бу ишга қўл урган эканмиз, демак, уни қандай амалга оширишни ўзимга қўйиб беринг.

Маделина индамади.

Ҳар бир қадамимиз хатарли, лекин энди орқага қайтиш учун кеч эди.

ЎНИНЧИ БОБ

Биз Маделинанинг уйига яқинлашиб қолдик.

— Секинроқ ҳайданг, — деди у. — Ҳозир ўнг тарафда қабристон келади. Қабристондан ўтиб, чапга бурилинг.

Шу заҳоти чирмовуқлар билан ўралган қабристонга кўзим тушди. Орқамиздан иккита машина етиб келди. Мен машинани тезлатиб, илгарилаб кетдим.

— Энди чапга бурилинг, — деди Маделина.

Бурилдим. Йўлга шағал тўкилган. Лекин йўлнинг чап томони бўйлаб сайхонлик кетган эди. Биз чироқлар ёритиб турган бир уйдан ўтдик. Кўчага бир ит чопиб чиқиб, ўчакишиб акиллаганча орқамиздан югурди. Асабим қўзий бошлади.

Нима жин уриб қайтиб келиб юрибмиз ўзи? Маделинани полиция қидириб юрган бўлса. Бизни тутиб олишса, нима бўлади? Эҳтимол, яшириниб ҳам олармиз, лекин бунинг фойдаси йўқ-ку. Полиция шаҳарнинг мана шу чеккасидаги кўчани ўраб олади-ю, қопқонга тушамиз-қўямиз. Лекин бошқа иложимиз ҳам йўқ — пўлат сандиқларнинг калитини олишимиз шарт, тамом-вассалом.

Туйқусдан калламга бир фикр келиб қолди.

— Ёнингизда пулингиз кўпми? Ё ҳамма пулингиз уйда қолганми? — деб сўрадим.

— Ҳа, — деб жавоб берди у, — сумкамда минг доллар бор.

— Жуда яхши, — дедим.

Нега бунчалик кўп пулни ёнида олиб юрганини сўраб ўтирмадим. Бунинг сабаби аниқ эди. У қачонлардир яшириниб юришини олдиндан сезган эди.

Мен ўнга бурилиб, икки четига дарахт экилган кўчадан юқорилаб кетдим. Машинани аста ҳайдар эканман, ҳамма нарсани мўлжалга олиб борардим. Эҳтимол, қочишимга тўғри келар. Йўлнинг бу ёғида уйлар йўқ, йўл ҳам ёритилмаган. Йўлни мушук кесиб ўтди.

— Кўчани юқори волти сим кесиб ўтган ердан кейинги уй меники.

Мен машинани тўхтатиб, озгина орқага юрғиздим-да, йўл четидаги шохлари эгилиб турган дарахт остида тўхтатдим, мотор билан фарани ўчирдим. Кейин кўзимиз қоронғиликка ўргансин деб машинанинг ичида бир муддат ўтирдик.

Эшикни аста очиб, ташқари чиқдик. Авваллари, футбол ўйинларидан олдин бўлганидек, ўзимни беҳузур сезиб, ҳарсиллаб тез-тез нафас ола бошладим. Тун дим. Ҳаво ғуборли эди.

Уйга яқин келганда мен яна оқ кўйлакни кийиб олдим. Лекин костюмнинг остида кўйлак кўринмасди. Чўнтагимда тўппонча билан фонар турарди. Мен Маделинага қарадим. Унинг кийими кўзга ташланмас, фақат оёғидаги уй шиппагининг жияғи қоронғида яққол кўриниб турарди.

— Кетдик, — деб шивирладим.

Симёғочлари қорайиб кўриниб турган юқори кучланишли сим бўйлаб, қуриб битказилмаган уйларни ёқалаб ўтдик.

Орадан бир-икки дақиқа ўтиб, Маделинанинг уйи орқасидан ўтадиган кўчадан чиқдик. Биронта ҳам машина кўзга ташланмади.

Маделина енгимдан тортди.

— Уй нарироқда.

Биз йўлақдан чиқиб, кўча бўйлаб қия юра бошладик. Қаерга келиб қолганимизни энди англаб етдим. Толгул экилиб тўсиқ қилинган ерга келиб қолибмиз. Мен дарвозани очдим, ичкари кириб, толгуллар орасида тўхтадик.

— Мени шу ерда кутиб туринг, — деб шивирладим, — қарай-чи, бирон ерда машина турмаганмикин.

Маделина бошини қимирлатди, мен сайхонлик бўйлаб уй томон кетдим. Бурчакка, буталар ёнига келиб тўхтадим. Уй йўлагига олиб борадиган хиёбонни кўздан кечирдим. Машина кўринмади.

Мен товуш чиқармай уйни айланиб ўтиб, олд томонга келдим. Бу ерда ҳам машина йўқ эди. Ҳамма ерда ўлик сукунат

хукмрон, фақат сайхонликнинг нариги томонидан элас-элас мусиқа товуши келарди. Бу қарши томондаги уйда қўйилаётган радионинг овози бўлса керак.

Бир дақиқа қимир этмай ўйга толдим. Балки улар кўчада машинада ўтириб йўлакни қўриқлашаётгандир. Ё бўлмасам, биронтаси унинг ичида ўтирганмикин? Биз буни ҳам эътибордан соқит қилишимиз керакмас.

Мен ўгирилиб, аста орқа пешайвоннинг ёнидан ўтдим. Толгул тўсиғига яқин келганимда Маделинанинг шиппагидаги жиякни кўриб қолдим. У сайхонликдан уйга қараб борарди. Бирдан қоронғилик бағрига синггандай, ҳаммаси бир зумда кўздан йўқолди.

Юрагим қинидан чиқиб кетай деб гурсиллаб урарди, жойимда қимирламай тураверардим. Кимдир орага қўшилган эди. Бўлиши мумкин эмас: ахир сайхонликда ҳеч ким йўқ эди-ку. Кейин яна унинг шиппагини кўриб қолдим, жувон ўша жойида турарди. Мен бирон кимса бормикин деб кўзимни қоронғиликка қададим. Лекин ҳеч ким кўринмади. Кейин оқ доғлар яна кўздан ғойиб бўлди. Кимдир биров орамизда юрарди.

Маделинани огоҳлантириш учун имкониятим йўқ эди. Бирдан қоч у ердан деб қичқиргим келди, лекин орадаги кимса унинг шиппагини кўриб қолиши мумкин эди. Бундан ташқари, у одам орқасида мен турганимни билмасди. Лабларим қуриб, асабларим ўйнай бошлади.

Мен иккисиниям ташлаб икки ҳатлаб дарвозадан ўтиб қочишим ва ундан кейин машинага етиб олишим ҳам мумкин эди.

Лекин кетишга журъат қилолмадим. Мақсадимга етишга бир баҳя қолганда ҳамма нарсадан воз кечишим мумкин эмасди. Кейин нафасимни ютиб, аста-аста яқинлашиб бора бошладим.

Ҳаммаси ана шундан кейин бошланди. Маделина мени кўрдими ё шитирлаган товушни эшитдими, ё қандайдир ички туйғу билан биров борлигини сездими:

— Мен шу ерданман, — деб шивирлади.

Шу он бирдан кучли нур юзига тушиб, гавдасининг белидан юқорисини ёритиб юборди. У мендан худди ёритилган ҳайкал мисол тўрт метрлар нарида турарди. Мен чўнтагимдан тўппончамни чиқариб нотаниш кимсага ташландим. У ўзининг чўнтак фонари ёруғида аниқ кўришиб турарди. Мен тўппончам билан бошига қулочкашлаб солдим.

— Миссис Батлер, жойингизда қимирламай туринг, — дедим. — Сиз...

Нотаниш кимса ингради. Қўллари қалтираб, фонарини ўтлар устига ташлаб юборди. Кейин гандираклаб қулаб тушди. Югуриб бориб фонарни ўчирдим. Яна худди кўмир шахтасида тургандай зимистон оғушида қолдик.

Вужудимни кўрқув қамраб олди. Эҳтимол, уни жон-жаҳдим билан урган бўлсам керак. Қон томирини ушлаб кўрдим, қўлларим қалтирар, томири ураётганини яхши сезолмадим. Кейин қўлимни кўкрагига қўйдим, нафас олиши меъериди эди.

Маделина менга энгашиди.

— Мен буни сиз деб ўйлабман, — шивирлади у.

Индамадим. Энди уни нима қилиш керак? У ҳушидан кетган, лекин ҳадемай ҳушига келиб қолиши мумкин. Бу ерда қолдириб унинг ичига кириш, ўзини ўзи чоҳга ташлашдай бир гап. Маделинанинг бир ўзини уйга жўнатиб, ўзим буни қўриқлаб туришимдан бошқа илож йўқ. Лекин уйда яна биттаси турган бўлса-чи?

Вақт зик. Тезроқ нимадир қилиш керак.

Мен энгашиб, унинг тўппончасини филофидан суғуриб олдим-да, чакалак бўлиб ўсиб ётган толгуллар орасига отиб юбордим. Тўппончасини суғураётганимда қандайдир шиқирлаган овоз қулоғимга кирди, пайпаслаб қўлим белида осилиб турган темирга тегиб кетди. Қарасам, қўл кишани. Ечиб олдим.

— Шу ерда тура туринг, — шивирладим Маделинага.

Номаълум кимсани судраб толгул тўсиғи олдига олиб бордим. Кейин ерга ўтқаздим. Энгашиб қўлларини орқасига қилдим-да, шиқирлатиб кишани солдим. Чўнтагимдан дастрўмолимни олиб оғзига тикдим. Уриниб оғзидан рўмолчани чиқариб юбормасин деб галстугимни ечдим-да, бошини энгаги билан маҳкам ўраб боғлаб қўйдим. Эркак ҳалигача ҳушига келмаган эди. Қулоқ солсам, бир текисда хотиржам нафас оларди.

Маделинанинг олдига қайтиб келиб, шивирладим:

— Бу ердан иложи борича тезроқ йўқолишимиз керак. Кийиниб ўтиришга вақтингиз йўқ. Зарур нарсалардан айримларини чамадонга солиб олинг.

Маделина бошини ирғади.

Мен ертўлага келиб сим тўрғи, кейин деразани очиб, ичкари кирдим. Сўнгра Маделинанинг киришига ёрдамлашдим. Биз қоп-қоронғи ертўлага тушиб, жим қулоқ сола бошладик. Ертўла иссиқ ва дим эди, ўзимизнинг нафас олишимиздан бўлак ҳеч нима эшитилмасди.

— Пўлат сандиқларнинг калити қаерда? — шивирлаб сўрадим.

— Ошхонада.

— Кетдик.

Чўнтак фонаримни ёқиб, зинапоя томон юриб кетдик. Мен ўзимни қопқонга тушган сичқондай ҳис қилар эдим. Ошхонага кирдик. Фонарни ёқиб, қулоқ сола бошладим. Сукунат. Оёғимнинг учида юриб, бошқа бир эшикнинг олдига бордим. Бирон нима кўзга ташланадими деб мўралаб, зимистон ошхонага тикилдим. Ҳеч нарса кўринмади.

Яна фонарни ёқдим.

— Қаерда? — деб сўрадим.

Маделина тирсагимдан тутиб, фонар ёруғида оқ жавон ортидаги жойни кўрсатди. У ерда миҳда ипга тизилган бир уюм калит осиглиқ турарди, унда автомашинанинг захира калити, ертўла ва чамадонларнинг калитлари ҳам бор бўлиб, улардан кўп йиллар фойдаланилмагани кўриниб турарди. Маделина бориб калитлар ичидан учтасини ажратиб олди-да, қолганини яна жойига осиб қўйди. Бу учта калитни кафтида очиқ ушлаганча менга бир муддат заҳархандалик билан совуқ назар ташлаб турди, кейин сумкасига солди.

Мен уни қўлидан ушлаб, ошхонадан йўлакка олиб чиқдим. Кичик йўлақдан зинага келиб, қўлига чўнтак фонарини бериб:

— Шошилинг, — дедим. — Чамадонга бир нечта туфли ва кўйлагингизни солиб, тезда қайтиб чиқинг. Зудлик билан кетишимиз керак бу ердан.

Маделина фонар билан зинадан кўтарилаётганда орқасидан кузатиб турдим. Юқорига чиқиб бурчак томонга бурилди-ю, чироқ нури йўқолди. Вақт ўтиб боряпти. Дақиқалар биринкетин ўтиб борарди. Ниҳоят, юқорида ёруғ кўриниб, Маделина зинадан тушиб кела бошлади. Энди оёғига кўча туфлисини кийиб олган, қўлида чамадонча. Мен уни қўлтиғидан тутдим, ошхонадан ертўлага тушдик. Унинг пошналари бетон полда тақилларди. Ертўланинг дераза томонига қараб юра бошладик.

Деразанинг олдига келган ҳам эдикки, у ерда кўрган нарсамдан эгим жимирлашиб кетди. Унинг қўлидан фонарни юлқиб олиб, ўчирдим. Қичқириб юбормасин деб бир қўлим билан жувоннинг оғзини ёпдим. Мен Маделинани деразага қараб, титраб кетганини сездим.

Ташқарида дераза олдига чўнтак фонари ёниб турарди.

Нур ертўланинг биринчи деразасига тўғриланган эди. Кейин чироқ нури сим тўрнинг ифлос ва ис босган ойналаридан

юриб ўтиб, орқамиздаги деворга қадалиб туриб қолди. Маделина сал бошини ўгирди. Мен ҳам унинг оғзини юмиб турганча буни кўрдим. Нур жойини ўзгартириб, биздан икки метр наридаги полга тушди. Кейин йўқолди.

Этикиб нафас ола бошладим. Кейин уни қўлидан ушлаб, уйнинг ўртасидаги печнинг ёнига олиб келдим. Биз бирон ниманинг ортига яширинишимиз керак эди. Шу он фонар мен ойнасини синдирган деразани ёритди. Маделинани тортиб, печнинг орқасига ўтдим-у, эҳтиёткорлик билан бурчакдан қараб кузата бошладим. Нур ҳаммаёқни айланиб чиқа бошлади, кейин синган ойнанинг олдига келиб тўхтаб қолди. Мен Маделинанинг қўлини сиқдим. Агар у полиция бўлса, албатта, пастга тушади. Юлинган лентанинг ўрнини кўриб, бу ердан кимдир уйга кирганини сезади.

Симтўр, ундан кейин дераза очилди.

Биз қимирламай турардик. Фонар нури ертўланинг ичида айлана бошлади. Агар шу он қочиб қолсак, бизни сезади. У одам сакраб ертўлага тушган эди ҳамки, мувозанатини йўқотиб ағдарилиб кетди, чироқни ҳам ўчириб юборди. Мен бақа бўлиб қолдим: чироқ ёруғида кўзимга баланд пошнали туфли, нейлон пайпоқ кийган оёқлар кўринди. Полициячилар ҳеч қачон бунақа кийим киймасди.

Маделина Батлер титраб кетганини сезиб қолдим. Кейин у менга қаттиқроқ ёпишиб олди. Калламда юзлаб фикрлар ғужғон ўйнарди-ю, лекин аниқ бир тўхтама келолмасдим.

Нима гаплигини тушуниб етганимда кеч бўлган эди.

Диана Жеймс ўрнидан туриб, фонарини қўлига олди. Тўсатдан Маделина мени қўйвордию печнинг ортидан чиқди. Мен уни тўхтатмоқчи бўлиб уриндим, лекин бу ҳаракатларнинг бари кутилмаганда ва тез содир бўлди. У чироқни олиб, Диананинг юзига қаратди.

— Ҳа, бу ўша, Синтия, — деди у, — Синтия, сени шу ёққача келадиган аҳмоқ деб сираям ўйламагандим.

Синтия? Лекин бу тўғрида ўйлаб ўтириш учун заррачаям вақтим йўқ эди. Бир зум унга қарай олдим, холос. Диана ўткир чироқ нурида қадини ростлади. Унинг кўзлари катта-катта очилган, ўзи кўрқиб кетган эди. Гўё бир нима демоқчидай кўринди, лекин бир ориз ҳам гапиришга улгура олмади.

Шу он костюмимнинг чўнтаги бўш эканини, Маделина бекорга пинжимга тиқилмаганини сезиб қолдим. Улгурмаслигимни билсам ҳам унга ташландим. Маделина ўқ узди. Ўқ

овози ҳатто аёллар пошнасининг овози ҳам қулоқни тешадиган мўъжаз бетон деворли хонада кучли акс садо берди. Унинг қўлидан ушлагунимча аёл иккинчи марта ўқ узишга улгурди. Қарсиллаган овоздан қулоғим тешилаётган деди.

Диана Жеймс гандираклар кетиб кўкрагини чангаллади-ю, ерга қулаб тушди.

Бизни яна сукунат қамраб олди. Назаримда, сукунат ҳаво-сиз кенгликда қулоғимда гувиллагандек бўлди. Мен Маделина-ни маҳкам ушлаб олдим.

— Сиз... — шундай дедим-у, бошқа калима тилимга келмади.

Мен донг қотиб қолган эдим. Ўзимга келиб, уни дераза томон судрай бошладим.

— Мана тўппончангиз, — деди у.

Тўппончани нега қўлимга олганимни билмайман. Отиб юбордим, унинг деворга қарсиллаб урилиб ерга тушган овози қулоғимга кирди.

— Деразадан ташқарига чиқинг.

Маделина чўнтак фонаримни олиб ғойиб бўлди. Атроф зимистон. Қўлимни чўзгандим, ҳеч нимага илинмади. Бирдан чўнтагимда иккинчи фонар борлиги эсимга тушди. Олиб ёқмоқчи бўлгандим, шу он калам ишлаб қолди. Энди бу ердан чиқиб, шаҳарда ҳеч кимнинг кўзига ташланмай қутулиб кетишнинг мингдан битта имконияти бор. Агар ҳозир чироқ-ни ёқсам, бу имкониятдан ҳам маҳрум бўлишим тайин эди.

Пайпаслаб, деразани топдим. Эҳтимол, Маделина чиқиб кетгандир. Бирдан орқамдан ёруғ тушди. Ўгирилиб қарасам, Маделина.

— Ўчиринг чироқни!

Шу он нима қилмоқчи бўлаётганини сезиб қолдим. Бу энди бориб турган ақлсизлик эди.

Ёруғлик чироқдан тушмаётган эди. У кўмир солинган яшик ёнида турган бир уюм газета ва журналларни гугурт чақиб ёндираётган эди. Гижимланиб ётган газета лов этиб ёнди. Ўзимни ўша ёққа отдим. Маделина иккинчи газетани олиб парча-парча қилди-да, ёнаётган оловга ташлади. Мен уни итариб юбориб, оловни ўчира бошладим, лекин энди ўчиришнинг иложи йўқ эди.

Олов авж олиб шифтнинг ёғочларини ялай бошлади. Ўзимни орқага олдим.

— Ташқарига чиқинг! — дея қичқирдим унга.

Маделина ўзини дераза томонга урди. Орқасидан чиқдим.

Бирдан бир нимага қоқилиб кетдим. Қарасам, Маделинанинг чамадончаси. Чамадончани кўтарганча орқасидан югурдим. Келиб, Маделинанинг деразадан чиқиб кетишига кўмаклашдим, изидан чамандончасини улоқтирдим. Кейин Диана Жеймснинг олдига келиб, чўккаладим, қўлини кўксига қўйдим. Ҳаётдан асар йўқ. У ўлган эди.

Мен деразадан чиқдим, иккаламиз кўкатлар устидан югуриб кетдик. Атроф сукунат, бирон-бир товуш эшитилмасди... Дарвозага келиб орқага ўтирилдим. Ертўланинг деразасидан олов тилларини чиқариб-чиқариб қўярди.

ЎН БИРИНЧИ БОБ

Биз дарвозадан чиқиб, пастликка қараб югуриб кетдик. Юқори волтли электр симидан бурилганимизда шаҳарнинг қаеридадир сирена овозини эшитдик. Эҳтимол, биронта одам ўқ овозини эшитиб, полицияга хабар бергандир. Маделина ҳарсиллаб нафас оларди. У қоронғида қоқилиб йиқилди. Жаҳл билан кўлидан ушлаб турғаздим. Нега ҳам дунёга келган экан бу манжалақи, ёруғ дунёга келмасдан ўлиб кетса бўлмас эканми, деб қўйдим ичимда. Бутун ишнинг пачавасини чиқарди. Нима учун у билан ош-қатиқ бўлиб юрибман, ўзим ҳам тушунмасдим.

Шохлари қалин ўсиб ётган дарахт тагида қолдирилган машина томон апил-тапил келарканман, чўнтагимдан қалитни олишга улгурдим. Етиб келиб, чамадонни машинанинг юк-хонасига ташладиму, моторни юрғиздим. Шу вақт Маделина нариги томондан келиб машинага ўтирди. Эшик очилганда машина ичидаги митти чироқ ёниб, ёпилганда ўчди. Мана шу қисқа муддат ичида шундай даҳшатли воқеалар содир бўлдики, асти қўяверасиз.

Кўлида сумкачаси йўқ, уйда қолдирган бўлиши керак. Биз қияликдан тушаётганимизда машинанинг филдираклари шағални гичирлатди. Мен бутун диққат-эътиборимни муюлишга қаратдим. Ҳа, у сумкачани олмаган. Ҳаёлим сумкада. Сўнгги дақиқаларда ён кўчани кўриб қолдим машинани бурдим. Машина сурилиб, шағал яна гичирлаб кетди. Бир амаллаб рулни тўғрилаб олдим.

Катта тош йўлга етиб келдик. Биронта ҳам машина кўзга ташланмасди. Мен тормоз бермасдан машинани катта йўлга бурдим. Нақ қопағон итдай жаҳлим чиққан эди.

Маделина Диана Жеймсни ўлдириб, полицияни изимизга туширади энди. Бир соат ичида ҳамма катта йўллар берки-

тилади. Унинг битта аҳмоқона қилиғи деб калитдан айрилдик, мен бўлсам жонимни жабборга бериб қўлга киритишим керак бўлган пулдан маҳрум бўлдим. Олов ичида қолиб куйиб қораяётган калитларни ўйлардим. Энди бизда жилла қурса минг доллар ҳам йўқ. Ҳа, ҳеч вақо йўқ. Бутун мамлакат бўйлаб бизни полиция қидириб юрибди, бизда эса бирон жойда ҳеч бўлмаганда бир ҳафта яшириниб ётиш учун маблағ йўқ.

Маделина халатининг кўкрак чўнтагидан сигарета чиқариб чекди-да, ўриндиққа суяниб олди.

— Назаримда, нимадандир жаҳлингиз чиқаётганга ўхшайди, — деди.

— Аблаҳ экансиз!

— Мафтункор хонимингизга атаб ёққан гулханим сизга ёқмади дейман? — сўради у. — Мен роса ҳузур қилдим-да, лағча чўғ бўлди-да ўзиям.

— Сиз... сиз...

Индамадим, ўзимни қўлга олдим. Гапиришдан маъни йўқ эди. Энди ҳаммаси тутади, энди ортга қайтариб бўлмайди. Мен орқада қолиб бораётган йўлдан кўзимни узмас, бизни таъқиб қилишяптими-йўқми деб вақти-вақти билан орқа кўзгуга қараб қўярдим. Қаерда тўхтасак маъқул бўларкан? Навбатдаги шаҳарга кириш олдиданми? Ё ундан кейинми?

— Қаттиқ жаҳлингиз чиқдимми?

— Нима қилиб қўйганингизни ҳали ҳам тушуниб етмадингиз шекилли, — жавоб бердим. — Энди қаерда кетаётганимизни полицияга телефон қилиб қўя қолсангиз ҳам бўлаверади. Полициянинг чангалидан қутулиш учун миллиондан бир имконият қолди, холос. Ундан ташқари, уйда бирон нимани унутиб қолдирдингиз, шекилли.

— Э-ҳа, гап бу ёқа денг, — масхараомуз кулиб қўйди у. — Шунинг учун вазабингизни сочаётган экансиз-да? Калитларни назарда тутаяпсизми?

— Сумкангизни қаерда қолдирганингизнинг энди аҳамияти йўқ.

— Қаерда қолдирибман? — сўради у. — Сумка чамадонда турибди.

Бирдан ўзимни ёмон сеза бошладим. Мен чамадонни ертўлада қоқилиб кетганим учунгина ердан кўтариб олганимни эсладим. Бир оздан кейин яна — бу сафар бошқача оҳангда гапга тушдим.

— Яхши, — дедим, — қандай мушкул аҳволга тушиб қолганимизни тушуниб етмадингизми? Ҳозир уйингиз атрофини

полиция машиналари ўраб олган. Ҳар бир машинада радиозатгич бор. Маунт-Темплдан ташқарига тўртта тош йўл чиқади. Полиция бу йўللارни тўсиб қўяди-ю, биз навбатдаги шаҳарга ўтолмаймиз.

— Тўғри, — гапимга қўшилди у. — Биз кейинги шаҳарга бормаймиз. Бу ердан ўн километрлар нарида бурилиш бор. Ўнг томон билан қишлоқ йўли тушган. Шу йўл билан ўн беш километрлар юрсак, жануб томонга олиб кетадиган қишлоқ йўли келади.

— Бу йўл билан жанубга бориш учун қанча юришимиз лозим бўлади?

— Буни аниқ айтилмайман. Лекин у ёқда катта йўлга чиқмасдан юз элик километрдан кам бўлмаган масофани ўтишимиз мумкин бўлган ҳар хил қишлоқ йўллари бор. Бу йўлларнинг ҳаммасига полиция соқчиларини қўйишдан маъни йўқ.

Полиция таъқибидан қутулиб қолишимиз учун яккаю ягона имконият мана шу эди.

Яна жиндай умид туғилди. Мен газни босдим. Мана шу ўн километр масофа жуда узундай туюлиб кетди. Ён томонга бурилиб, олдинда бир машинанинг орқа чироқларига кўзим тушди. Тезликни пасайтирдим, уни қувиб ўтгим келмади, балки полиция машинасидир.

— Ҳозир биз ўша мен айтган йўлга келамиз, — деди Маделина.

— Кўзгудан орқага қарадим. Узоқда машина келарди. Навбатдаги бурилишдан кейин йўл кўрсаткич лавҳасига кўзим тушди. Қишлоқ йўлига қандай бурилганимни ҳеч ким кўрмади. Мен енгил нафас олдим, бир дақиқа қўрқувни унутдим. Яна вужудимни хавотир, қўрқув чулғаб олди. Бу қўрқув мени бундан буён ҳеч қачон тарк этмаса ҳам керак.

Одам ўлдирган Маделина, лекин мен ҳам жиноятга баробар шерик бўлиб қолдим. Диана Жеймсни отганда ишгирок этдим. Отганда ҳам менинг тўппончамдан отди. Кейин унинг яшири-нишига ёрдам бердим. Агар бизни ҳибсга олиб суд қилишса, кўрсатмаларимнинг неча пуллик қиммати бўларди. Судялар бизга яхшилаб қараб олишади-да, суд залидан чиқмасданок мени айбдор деб қарор чиқаришади. Мен ўзимни итдай толиққан ҳис қила бошладим.

Йўл тор экан, шағал тўкилган, кўпдан-кўп пахта майдонларини айланиб ўтарди. Икки-уч километр юриб, бир тепаликка кўтарилдик-да, қалин ўрмон устидан чиқиб қолдик. Яқин атрофда биронта хонадон кўринмади. Машинани тўхтатдим.

— Бу ёғига сиз ҳайданг, — дедим.

Мен машинадан тушиб, айланиб ўтдим. Рулга Маделина ўтирди.

— Нима қилмоқчисиз? — деб сўради.

— Йўл харитасига қарамоқчиман. Агар топилса.

Маделина машинани ҳайдаб кетди. Чўнтак фонаримни ёқиб, майда-чуйда қўйиладиган қутини титкиладим. Ҳар хил лаш-лушлар ичидан автомобиллар йўл харитасини топиб олдим. Ундан Маунт-Темплини қарадим. Уч юз километрлар наридаги кўрфаз бўйида Санпорт турарди. Мен катта йўл бўйлаб қўлимни юритдим, кейин ингичка чизиқча орқали биз турган жойни топдим. Бу йўл 65 километрлардан кейин шимол-жануб автострадаси билан кесишарди. Кейин Маделина айтган йўлни қидира бошладим. У биз кетаётган йўлдан ўн беш километр наридан жануб томонга бўлинар ва шимолдан ғарб томонга қараб кетарди. Агар шу йўл билан ғарбга қараб йигирма беш километр юрилса, жануб томонга кетадиган бошқа бир йўлга чиқиш мумкин эди. Мен қишлоқ йўллари ифода-ланган майда чизиқлар устидан бармоғимни юрита бошладим. Биз автострадани ўтиб, деярли икки юз эллик километрлар юришимиз мумкин эди. Кейин шаҳарга олиб кирадиган камида учта йўлдан бирига тушардик. Мана бу йўлларга полиция постини қўйиш ақлга тўғри келмасди.

Мен бензин милига қарадим. Бак яримлаб қолибди. Етиб қолишим мумкин, лекин қишлоқ йўлларининг биронтасида бензин тугаб қолгудек бўлса, иложсиз ҳолатга тушиб қолишимиз аниқ эди. Яна йўл харитасига қарадим. Жануб томонга кетаверишда юз эллик километрдан кейин бир шаҳарча бор экан. Ўша ерда бакни тўлдириб олармиз, деб ўйладим.

Сигарета чекиб туриб кабинанинг хира чироғида Маделинага назар ташладим. Бу аёл мен учун жуда сирли эди. Бошқа бир аёлни у дунёга жўнатганига ҳали ярим соат ҳам ўтгани йўқ. Ҳа, у ўз эрини ҳам ўлдирган, шу билан бирга бир умр яшаб ўтган уйини ҳам тап тортмай кўз ўнгимда ёндириб юборди. Полиция уни қидириб, ҳаммаёқни ағдар-тўнтар қилиб юборяпти, у бўлса ҳеч нима бўлмагандай хотиржам, ҳатто дугонасиникига карта ўйнагани кетаётгандай бамайлихотир ўтирибди. Лекин чеҳрасидан бирон ниманинг аломати сезилмас, худди қўғирчоқдай эди. У ҳаддан ташқари мағрур ва калондимоғ. У ҳақда ким нималарни ўйляяпти — парвойи фалак, худди ҳаммасига тупургандек эди. Ҳар ҳолда бу борада иккаламиз бир хил вазиятда эдик. Унинг кимлигига, калондимоғлигига мен ҳам тупурдим.

— Хўш, энди кўнглингиз жойига тушдими? — деди у бир оздан кейин.

Бу гапни менга хиёл ҳамдардлик билдиргандай бўлиб гапирди. Лекин парво қилмадим. Тез орада биз айри йўлга етиб келдик-у, у рулни чапга бурди. Йўл сахро бўйлаб қиялаб кетган, аҳоли кам жойлашган бўлиб, биронта ҳам машина учратмадик.

— Йўлдан сал четга чиқишимиз мумкин бўлган жойни қараб боринг, — дедим. — Кийиниб олишингиз керак.

— О'кей.

Маделина машинани секинлатди. Орадан бир неча дақиқа ўтгандан кейин ўрмон ичига элтувчи тармоқ йўл кўринди. Маделина машинани ўша ёққа буриб, йўлдан кўришмайдиган жойга олиб борди-да, тўхтади.

Мен машинанинг калитини суғуриб олиб, чўнтагимга солдим. У буни сезиб, кулиб қўйди:

— Менга ишонмайсизми?

— Наҳотки мени шу даражада пандавақи деб ўйласангиз? — Чамадонга имо қилиб: — Машинанинг ичида кийиниб олинг. Кийиниб олганингиздан кейин чақирарсиз, — дедим.

Мен йўлга чиқиб, сигарета чекдим. Осмонда булутлар пайдо бўлган, зимистон ва атроф сокин. Тирик жондан асар йўқ. Иккимиз ёлғиз эдик.

Ростдан ҳам ёлғизмидик?

Катта йўлдан қоронғи тунда бизни қидириб полиция машиналари у ёқ-бу ёққа физ-физ учарди. Биз эркин эмасдик. Полициячилар ҳамма ёқда таъқиб қилиб юришарди.

Мен ўгирилиб, машинанинг қизил чироқларига қарадим. Биз анави изқуварларнинг таъқибидан қочиб қутулишимиз амри маҳол. Чунки бизни ушлаш учун уларнинг қўлида ҳамма асос бор. Фақат иккита нарсани: биринчиси, машинанинг қанақалигини ва менинг кимлигим ва қанақалигимни билишмасди. Қанийди, шу топда анув хонимча билан Жекни топишларига тўсқинлик қилолсам. Роса омади иш бўларди-я.

Сигаретани чекиб бўлиб, қолдиқни қоронғилик қаърига отиб юбордим. Маделина секин овоз берди, машинага қайтиб келдим. У эшикни очиб, ички чироқни ёқди. Машинага ўтирганимда қўлида кўзгу, лабини бўярди.

Эгнида калта камзул ва узун енгининг учи манжетли, кўзларидай қоп-қора кофта. Қўллари ниҳоятда нозик ва чиройли эди. Ойна билан лаббўёғини сумкачасига солиб, менга қаради.

— Энди қалайман?

— Жуда зўр, — дедим. — Айниқса, ҳозиргина бошқа бир аёлни отиб ўлдирган аёлларга ўхшаган.

— Сўзларни ўз ўрнига қўйиб ишлата олмас экансиз, — деди. — «Йўқ қилган» ёки «орадан олиб ташлаган» деса бўлмайдими?

— Ҳа-ҳа, тўғри, жаноби олиялари, кечирасиз. Ҳозир эса сумкачангизни очинг-да, учта калитни олиб менга узатинг.

— Нега? Ахир менсиз ҳеч нарса қилолмайсиз-ку.

— Биламан буни. Лекин яшириниб олганимиздан кейин энди бундан буён унинг ёрдамига муҳтож эмасман, деган хулосага келишингиз мумкин. Ундан ташқари, мен вақти-вақти билан бир оз мизғиб олишимга тўғри келади, кейин сизни ҳар сафар ҳожатхонага обориб-опкелишга ҳам тоқатим йўқ. Шунинг учун эҳтиёт юзасидан калитлар менда тургани маъқул.

Маделина истехзо билан кулиб юборди-ю, сумкачадан калитни олиб менга узатди.

— Шундай бўлгани яхши, — дедим ва калитларни киссамга солиб қўйдим.

Соат мили тўққиздан йигирма дақиқа ўтди. Мен рулга ўтириб, машинани ҳайдаб йўлга олиб чиқдим. Анҳор узра қурилган узун ёғоч кўприқдан ўтдик. Бу ёғига аста юриб кета-вердик. Йўлда жуда кўп машиналарга дуч келдик. Лекин соатига олтмиш километрдан ортиқ юролмасдим.

— Умуман, биз қаёққа кетяпмиз, ўзи? Аниқроқ билгим келяпти.

— Санпортга. Деви-авеню. 38/27 га. Ажралиб кетсак, ҳар эҳтимолга қарши билиб қўйинг. Менинг хонадоним учинчи қаватда, 303.

— Рақами 303. Дэви-авеню, 38/27, — тақрорлади Маделина. — Осонгина эса қоладиган рақам экан.

— Фамилиям Скарборо. Ли Скарборо.

— Тўғриси шуми? Ё бу яна тахаллусми?

— Бу ҳақиқий исмим.

— Хўш, — деди у. — Яна мени бошқа баъзи бир нарсалар қизиқтиряпти. Агар Санпортга эсон-омон етиб олсак, ундан кейин нима қиламиз?

— Сизни уйга обориб қўйганимдан кейин машинани аэропортнинг машина турадиган жойига қўяман. Шаҳарга автобусда қайтиб келаман.

— Бу кўзга ташланмайдими? — сўради Маделина. — Агар ростдан ҳам бирон ёққа учиб кетадиган бўлсак, машинани аэропортга қўйишимиз мутлақо мумкин эмас.

— Тўғри. Лекин биз тузиб қўйган режани ҳеч ким билмайди-ку. Ундан ташқари, бу машинадан биз фойдаланганимиз бировга маълум эмас. Агар биров бунинг тагига етган тақдирда ҳам сиз узоқдаги Санпортдасиз. У ерда хонадан чиқмай ётишингиз керак бўлади.

— Пулни пўлат сандиқдан қандай қилиб оламиз?

— Излар босилгунга қадар туришимиз керак. Пўлат сандиқларни қанча вақтга ижарага олгансиз?

— Бир йилга.

— Агар у ёққа бир марта кирсак, ҳеч қанақа муаммо туғилмайди. Сиз менинг уйимда бир ой ёки ундан ҳам кўпроқ турасиз. Ташқи қиёфангизни ўзгартириш учун нима лозим бўлса, шуни қиламиз. Балки сочингизни сариққа бўярмиз. Сизга одмигина кўйлак сотиб олиб келаман. Бунинг битта нозик жойи бор. Пўлат сандиқларни ижарага олганингизда тез-тез бориб турармидингиз?

— Пўлат сандиқлар учта банкда, — жавоб берди у. — Ҳар қайсисига бир мартадан борганман.

— Жуда яхши. У ерда энди қандай қиёфада эканлигингизни ҳеч ким эслай олмайди.

— Агар мана шу уйингизда бир ой туриб ақлдан озмасам ва пулни қўлга киритиш шарафига муяссар бўлсак, ундан кейин нима қиламиз?

— Бу ҳақда сизга гапириб берганман, — деб жавоб бердим. — Кейин мен сизни жанубий қирғоқларга элиб ташлайман. Дейлик, Сан-Францискога. Машинада. Сиз Сузи Мембли номида социал таъминот карточкаси билан рўзгор юритасиз ва ўзингизга иш қидирасиз. Агар ичкиликни ташлаб, тилингизни тийиб юрсангиз, сизни ҳеч ким тутолмайди.

— Ким бўлиб ишлайман? Официантками?

— Нима қипти? Қайси ишда ишланганг, офатижон гўзаллигингиз туфайли бир ишда узоқ қололмайсиз. Кўп эркалар ўзида ишлатишни хошлашади.

— Хушомадингиз учун раҳмат. Сиз буларнинг қаторига кирмайсизми?

— Мен учун сиз нархингиз 120 минг доллар бўлган ҳамкорсиз. Мен сал ёқимлироқ аёл билан дўст бўлишни ёқтираман. Қайсики, тап тортмай тирик одамни отиб ташлай олмайдиган.

—Тўғри. Сизнинг бемаза дидингиз менга аён. Масалан, Диана Жеймсга ўхшаганларни ёқтирадиган.

Диана Жеймснинг чўчиб кетиб, йиқилиб тушганини эсладим.

— Нега сиз уни Синтия деб атадингиз? — сўрадим.

— Чунки унинг ҳақиқий исми Синтия Кеннон.

— Нега ўз исмини ўзгартирган?

— Нега жиноятчилар бундай қилишади?

— Мен уни ҳамшира деб ўйловдим.

— Ҳар хил касблари ичида шунақаси ҳам бордир.

Мен елка қисдим.

— Бунинг менга аҳамияти йўқ. Батлерни қачон, қаерда, нима сабабдан ўлдирганингиз мени қизиқтирмайди. Шу билан бирга, Диана Жеймсни нима сабабдан отиб ташлаганингиз, унинг нима сабабдан исмини ўзгартиргани-ю, асли исми нима эканлиги менга аҳамиятсиз.

— Бу энди бошқа гап, — сўз қотди Маделина.

— Гапимни тугатиб олай. Мени фақат 120 минг доллар қизиқтиради. Агар бу пуллар сиз айтган ҳалиги учта пўлат сандиқда бўлмаса ёки пулни олиб жуфтакни ростлаб қолишни хаёл қилаётган бўлсангиз, билиб қўйинг, бунинг оқибати жуда ёмон бўлади.

— Хавотир бўлманг. Ҳаммаси кўнгилдагидек бўлади.

— Бу сизга ҳам яхши бўлади, деб ўйлайман, — деб қўйдим.

ЎН ИККИНЧИ БОБ

Мен радиони қўйдим. Бир оз ўтиб янгиликларни эшиттира бошлади. Лекин Батлер ҳақида ҳеч қандай маълумот бермади. Радиони ўчириб, диққат-эътиборимни йўлга қаратдим. Шимолдан ғарбга қараб кетган қишлоқлараро йўлга чиққанимиздан кейин ўннга бурилиб, атрофга қарадим. Тез орада жануб томонга бурилишимиз керак. Соатта қарадим, ўн бирга яқинлаб қолибди. Бир нечта коттежларнинг ёнидан ўтиб кетдик. Деразалари қоп-қоронғи. Бензин милига қараб, асабим бузила бошлади. Ёқилғи мен кутганимдан ҳам кўпроқ сарф бўлибди. Картада белгиланган шаҳарчага ҳали ўн беш километр бор. Агар у ерга жуда кечикиб етиб борадиган бўлсак, ҳамма бензин қуйиш шохобчалари ёпилиб қолади.

Вақт тез ўтяпти, бензин кўрсаткичи ҳам пасайиб боряпти. Шаҳарнинг илк чироқлари кўзга чалинганда соат ўнта кам ўн икки бўлган, бензин кўрсаткичи эса, нолга тушиб қолган эди.

— Кўзга ташланмаслик учун эгилиб олинг, — дедим.

— Бензин олмайсизми? — сўради Маделина.

— Аввал сизни бирон жойга яшириб келишим керак.

Маделина пастга эгилиб олди. Мен бўлсам машинани тўх-

татмасдан кетарканман ёқилғи қуйиш шохобчасимикан деб олазарак бўлиб борардим. Агар шохобча бўлмаса ишимиз чатоқ эди. Шаҳарча битта узун кўчадан иборат бўлиб, кўчанинг ҳар икки чеккасига қатор уйлар қурилган. Қаҳвахонанинг олдида бир қанча машина турарди. Кўчанинг охирида бурчақда бензин қуйиш шохобчаси бор эди.

Шохобча ҳали очик экан.

Оқ коржома кийган ёнилғи қуёвчи ёнидан ўтиб кетганимизда, у орқамиздан қараб қолди. Бунақа кичкина шаҳарчага келиб қолган ҳар қандай бегона машина дарров кўзга ташланади-да. Мен шаҳар четидаги якка-ёлғиз турган қоп-қоронғи уйлардан ўтиб кетдим. Ишқилиб, орқага қайтиб келгунча бензин етсин-да, деб ўйлардим. Шаҳарнинг чироқлари кўздан йўқолганда машинани бурдим. Ёғоч кўприқдан ўтиб, йўл четидаги толнинг тагида машинани тўхтатдим.

— Мана шу ерда кутиб туриш, — дедим. — Бир неча дақиқада қайтиб келаман. Мен келаётганимга кўзингиз етганда йўлга чиқинг. Тўхташимдан олдин фарани ёқиб ўчираман.

— О'кей, — деб Маделина машинадан тушди.

Биронта машина кўзга кўринмади. Машинани орқага буриб жўнаб кетдим. Ёқилғи қуйиш шохобчасининг олдига келиб тўхтадим. Қорачадан келган ёш ёнилғи қуёвчи йигит олдимга келди.

— Тўлдирайми? — деб сўради кулимсираб, кейин қизиқсиниб бошдан-оёғимга қараб чиқди.

У машинам яқингинада ёнидан ўтиб кетганини билган эди.

— Ҳа, — дедим. — Бак бўш. Хайрият, шаҳардан чиқаверишда кўриб қолдим.

У бензобакнинг тешикчасига трубка тикди. Колонка автоматлаштирилган, ўзи тўхтатаркан. Йигит бензин қуйилгунча капотни кўтариб машинанинг мойини, сувини текширди. Олд ойнани артди. Хонасида радио овози эшитилди. Бу жуда галати, худди диспетчер билан такси ҳайдовчи гаплашаётгандай янгради. Овоз гоҳ эшитилар, гоҳ ўчиб қоларди. Нима деяётганини тушуна олмадим.

Йигит машинанинг рақам белгисига қараб имо қилди-ю:

— Бугун кечаси сизлар томонда роса тўполон бўлади, — деб қўйди.

Мен ютиниб қўйдим.

— Бу билан нима демоқчи бўляпсиз?

— Ҳалиги, миссис Батлерни айтаяпман. Сиз у билан таниш эмасмисиз?

— Йўқ, — дедим. — Нега бундай деб ўйлаясиз?

— Шундай ўзим. Сиз ўша томонлардан экансиз. Шу аёл деб Штатнинг ярим одами оёққа турган. Уни бутун полиция қидиряпти. Шундай бўлса ҳам уйига келибди. Полиция шундай деб ҳисобляпти. Ундан кейин уни қандайдир бир эркак олиб юрганга ўхшайди. Улар шерифнинг ёрдамчисини роса уришибди. Ҳушидан кетказиб, уни ўзининг кишани билан кишанлашибди, кейин уйга ўт қўйиб кетишибди.

— Радиодан шунақа деб хабар тарқатилдими? — деб сўрадим. — Бунақа гапларни эшитганим йўқ.

У кулиб қўйиб, идорасидаги радиого ишора қилди.

— Полиция радиоси. Тўғри, уни қўйиб эшитишга рухсат беришмайди. Лекин бу ер автострада, ҳеч ким бунга эътибор бермайди.

— Ёнида эркак одам бор эди, деяпсизми? — сўрадим.

— Ҳа, шунақага ўхшайди. Кимдир шерифнинг ёрдамчисини шунақанги қаттиқ урибдики, тирик қолиши даргумон. Бош суяги синибди, ҳалигача ҳушига келмаган.

Мен ўтирилиб сигарета тутатдим.

— Ёмон иш бўлибди-да, — деб минғирладим.

— Ҳа. Айтинг-айтинг у тузалиб кетсин-да. Айтишларига қараганда, ўқ овози эшитилганмиш.

— Ҳа, айтганингиздек, бутун кечаси роса ур-тўполон бўлади.

— У ёқда алақачон бошланган чоғи? Катта йўлда ҳамма машиналарни тўхтатишяпти. Йўллар беркилган. Эркакнинг кўриниши қандайлигини ҳеч ким билмайди. Лекин аёлни аниқ тасвирлаб беришяпти. Гўзал жонон эмиш. Уни кўрмаганмисиз?

— Бунақа аёл борлигини ҳатто эшитмаганман ҳам, — деб жавоб бердим.

— Мен билсангиз керак деб ўйлабман, сиз ахир ўша томонлардансиз-ку.

Шу галини яна бир қайтарса, портлаб кетишим ҳеч гапмас.

— Мен унақанги оқсуяклар тоифасидан эмасман, — дедим. — Менинг кичкинагина тахта заводим бор, банк эгалари билан ош-қатиқ эмасман. Қанча беришим керак?

— Тўрт ярим доллар, — деб жавоб берди йигит.

Мен ҳамёнимдан беш доллар олиб узатарканман, калитлар жойида турибдими деб ушлаб қўйдим.

— Бўпти, — дедим-да, машинани ҳайдаб жўнадим.

Йигитнинг орқамдан кузатиб турганини сездим.

Бурилишда чироқлар кўздан йўқолгандан кейин олдинда кўприк кўринди. Биронтаям машина кўзга ташланмади. Мен фарани ўчириб ёқдим-у, машинани тўхтатдим.

Маделина қоронғилик ичидан чиқиб машинага ўтирди. У эшикни ёпиб улгурмасданоқ газни босдим. Спидометрнинг мили энг юқорига чиқиб кетди. Санпортгача бўлган икки юз элик километрлик йўлнинг дастлабки босқичида бизга омад боқиб турган эди.

Барибир оптимизда Диана Жеймснинг мурдаси қолган. Бунинг устига яна калла суяги синган шерифнинг ёрдамчиси вафот этгудек бўлса борми, полициячининг қотили деган тавқи лаънат бўйнимга осиларди. Унда бу айбларнинг чангалидан қутулиб қолишим даргумон. Бунинг учун дунё жуда тор.

Ҳозир кўзлаган манзилимизга етиб келамиз. Чорраҳада сариқ чироқ ёнди. Соатга қарадим. Соат уч, деярли тонг отиб қолибди. Шаҳарнинг уйроқ қисмига киришдан олдин машинани соҳилга томон олиб борадиган йўлга бурдим. Иссиқ, ҳаво одам зоти чидаб бўлмайдиган даражада дим эди. Йўлда машиналар кўп учрамади. Юк машинаси тўхтаб, бир киши қатлам-қатлам рўзномаларни тушира бошлади.

Газета сотиб олиш учун заррача ҳам вақтим йўқ эди. Аввал Маделинани уйимга элтишим, кейин машинани кўзлаган жойга обориб ташлашим керак.

— Бир неча бино қолди, — маълум қилдим унга.

— Худоба шукур, — деб қўйди у. — Ўлгудай чарчадим. Жиндай ичишим керак. Уйингизда бўлса керак деб ўйлайман?

— Бор, — дедим. — Лекин айтган гапларимни эсдан чиқарманг.

— Эҳ, — асабийлашиб деди у. — Бу қадар тентак бўлаверманг.

Машинани икки томонига хурмо экилган кенг йўлга бурдим. Мен яшайдиган кўп хонадонли бино икки уй нарида эди. Уйнинг олдидан машинани секин ҳайдаб ўтарканман, кираверишдаги ойнаванд катта эшикка назар ташлаб қўйдим. У ерда ҳеч ким йўқ эди. Саҳармардондан бу ерда бировни учратиш эҳтимоли жуда камдан-кам бўладиган ҳодиса эди.

Машина қўядиган жойга бориш учун яна бир уйни ўтиш керак. Бориб машинадан тушдик. Ҳеч ким кўринмади. Мен чамадонни кўтариб олдим.

— Ҳар эҳтимолга қарши биров учраб қоладиган бўлса, юзингизни яширишга ҳаракат қилинг, — дедим. — Сумкангизга қарайсизми ё бошқа бирон нарса қиласизми, ўзингиз

биласиз. Уй юз хонадонли. Бу уйда яшовчиларнинг ўнчаси бир-бирини танийди, холос. Шунинг учун ўзингизни бамай-лихотир, табиий тутаверинг.

— Яхши, — мутлақо хотиржамлик билан жавоб берди Маделина.

Кўча эшикдан ичкари кирдик. Пошналаримиз тош терилган полда тақиллай бошлади. Даҳлизда ҳеч ким йўқ. Лифтнинг эшиклари очиқ эди. Лифт бўлмасига кириб тутмачани босдим. Учинчи қаватнинг йўлагига биров кўринмади. 303-эшик. Чўнтагимдан калитни олиб, аста эшикни очдим, ўзимизни ичкарига урдик.

Эшикни ёпиб қулфлаганимдан кейин шунча вақтдан буён вужудимни эзиб келган ҳаяжон, руҳий таранглик бир зумда ғойиб бўлди. Биз беҳавотир жойда эдик, энди кўзга кўринмас эдик. Полиция машиналарининг чийиллашларидан бизни энди мана шу эшик тўсиб турарди.

Мен стол чироғини ёқдим. Пардалар туширилган. Маделина вазминлик билан хонага кўз югуртириб чиқди, кейин менга ўгирилиб табассум қилиб қўйди.

— Шинамгина хона экан, — деди. — Энди ичкилик қўйиб berasизми?

— Бошқа гапингиз йўқми?

У елкасини қисди.

— Агар бирон нима дейишимни хоҳлаётган бўлсангиз, марҳамат, эшитинг. Эсон-омон бу ерга етиб келганимиздан бошим кўкка етди. Жуда устаси фаранг одам экансиз, қимматли мистер Скарборо. Ҳа, устаси фаранг.

— Раҳмат.

— Қўрқув нима эканлигини умуман билмайсизми? — Унинг катта-катта кўзлари менга маъносиз тикилди.

— Мен буни ҳар ҳолда сездирмасликни маъқул кўраман, — деб жавоб берди у ва қўшиб қўйди: — Илтимос, менга бурбон ароғидан қуйинг, оддий сув билан бўлса ҳам майли.

«Агар муз солинган сув бўлса шу топда жонини ҳам беришга тайёр», — деб ўйладим.

Мен чап томондаги эшикни кўрсатдим.

— Ванна шу ёқда, — маълум қилиб қўйдим. — Нарёғи ётоқхона. Ўнгда ошхона.

Маделина қошини кўтарди.

— Ётоқхона? Сиз қаерда ётасиз?

Бу энди унинг ўзининг гапи эди. Мен уни ётоқхонага жойлашни мўлжаллаб қўйгандим. Буни ўзиям шундоқ бўлиши керак албатта, деб ҳисобларди.

— Мен эшигингизнинг остонасида бирон ўғри-пўғри кир-масин тагин деб кўз қулоқ бўлиб ётаман.

— Жуда меҳрибон экансиз, — деди у. — Ойдинлик кирит-моқчи эдим, холос.

— Жуда яхши. Сизнинг жонингизга тегмоқчи эмасман. Айтдим-ку ахир, муносабатларимиз фақат иш юзасидан бўлиши керак. Ундан ташқари, сизга ҳозир ҳис-туйғу деган нарса мутлақо бегона. Шундаймасми? — қўшиб қўйдим ва ошхонага кириб кетдим.

У ерда жавондан ичкилик олдим, икки қадахга қўйиб сув аралаштирдим, ўзимга, албатта, кучсизроқ қилдим. Кейин бирон егулик бормикан деб музлатгичга қарадим. У ерда алми-соқдан қолган жиндай пишлоқ бор экан. Мен аэропортда тамадди қиларман, у-чи? Э, менга деса очдан ўлмайдим!

Хонага ичкилик олиб кирдим. Маделина оёқларини чалиштириб ўтирарди. Қора камзули тиззасигача туширилган. Оёқлари узун ва жуда чиройли эди.

Бир қултум ютиб, соатга қарадим. Машинани обориб ташлаб, ҳали одамлар турмасдан қайтиб келиш керак.

Мен анчадан бери калламда айланиб юрган бир саволни бердим:

— Сизнингча, Диана Жеймс уйингизда нимани топмоқчи бўлган?

— Наҳотки бу тушунарли бўлмаса? У ҳам сизга ўхшаб пул қидирган. У мени қочиб кетди деб рўзномадан ўқиган ё радиодан эшитган. Ўзича пулни олишга улгурмаган бўлиши керак, деб хомхаёл қилган. Шунинг учун таваккал қилиб келган.

— Эҳтимол, — фикрига қўшилдим. — Лекин нима учун уни отиб ташладингиз? Ёки бунинг учун бошқа бирон сабаб ҳам бормиди?

— Шунинг учун отдимки, у менинг уйимга шум қадамини қўйиб, оиламни хонавайрон қилди, — жавоб берди Маделина. — У, албатта, шундоқ қилишим мумкинлигини яхши биларди, лекин ўша куни мени уйда йўқ деб билган.

Мен фонар ёруғида Диананинг қўрқувдан кўзлари катта-катта очилиб кетганини эсладим. Маделина уни Синтия деб атади. Диана шу ондаёқ ажали етганини билган эди.

— Унда нега уйингизни ёқиб юбордингиз? — қизикдим.

— Бу менинг уйим эди, — хотиржамлик билан жавоб берди у. — У бобомнинг уйи бўлган, отамга бобомдан мерос қолган. Менинг эса ака-ука, опа-сингилларим, бунинг устига болам

ҳам йўқ. Шундай бўлгандан кейин ўз уйимни ёқиб юборишимга ҳеч ким қаршилиқ қилолмайди.

— Суғурта компаниясидан бўлак.

— Нега қаршилиқ қиларкан суғурта компанияси? — сўради бамайлихотир. — Улар суғурта пулини тўлашмайди. Ҳеч кимга тўлай олмайди ҳам...

Мен ўйлаб қолдим. Кейин бу билан нима демоқчи бўлганини англаб етдим. У энди ҳаётда Маделина Батлер деган аёл йўқ, у ўлган демоқчи бўлган экан.

ЎН УЧИНЧИ БОБ

Аэропортгача 25 километр эди. Ичкилик бир неча дақиқа руҳимни кўтарди. Бироқ унинг таъсири йўқолгандан кейин яна чарчоқ зўрайди. Катта йўлда машина камқатнов бўлгани яхши бўлди, бирпасда етиб олдим.

Каттакон машина қўйиш жойига кириб бордим. Қоронғи, одам камқатнов эди. Машинадан чиқишдан олдин рулни, у ёқ-бу ёқни дастрўмолчам билан артдим. Кейин чиқиб, эшикни ёпиб, тутқичини тозаладим.

Шу етарли эди. Энди ҳеч ким бизни мана шу машинага алоқаси бор деб айблай олмайди. Агар хонимча билан укаси полицияга хабар бермаса. Лекин улар ҳам миқ этиб оғиз очишолмайди. Чунки ўзларининг ҳам орқасида шалтоғи борда. Агар полиция биз фойдаланганимизнинг исини сезса, машина нега бу ерга келиб қолганини билолмайди. Билган тақдирда ҳам ё полицияни чалғитиш учун қўйилган, ё бўлмаса улар самолётда бирон ёққа учиб кетишган, деган қарорга келади.

Мен қатор қилиб қўйилган машиналар ёнидан ўтиб, бош бинога келдим. Кутиш залида бир нечтагина одам ўтирарди. Радио Америка аэролиниясига йўловчиларни таклиф қила бошлади. Соатга қарадим, беш дақиқа кам тўрт. Ҳали вақт бор. Столда эрталабки газеталар ётарди. Мен биттасини олишим билан кўринарли жойдаги расмга кўзим тушди. Биринчи саҳифада Маделина Батлернинг расми босилган. У расмда ҳам ҳаётдагидай калондимов, виқор билан боқиб турар, тагига «қидириляпти», деб ёзиб қўйилган эди.

Мен ўн цент ташладиму, битта газетани буклаб қаҳвахонага кирдим. Пештахтанинг охирига бориб ўтириб официанткага қарамай:

— Иссиқ вафли билан қаҳва! — дедим.

Маделинани қидиришаётгани мен учун янгилик эмасди, лекин ҳалиги полициячининг аҳволи қалай экан? Шунга қизиқдим.

Газетани олдимга ёздим. Асабим бузилиб, бутун вужудим шу даражада қалтираётган эдики, ҳарфлар кўз олдимда жимирлаб кетаверди.

Кимдир менга нимадир деди. Ўтирилдим. Официантка экан.

— Нима? — дедим.

— Қаҳвани ҳозир берайми?

— Ҳа.

Официантка кетди. Яна газетага тикилиб, сарлавҳаларни тез-тез кўздан кечира бошладим. Суратнинг остида шундай сўзлар ёзилган эди: «Полиция офицерининг ҳаёти хавф остида».

Демак, ҳали у ўлмабди. Бироқ бу анча олдин берилган маълумот эди.

«Шефлик вазифасини бошқарувчи йигирма тўққиз ёшли Карл Л. Мадденга ўтган кечаси номаълум кимса тўсатдан ҳужум қилди. У ҳозир оғир ҳолатда Маунт-Темпл касалхонасида ётибди.

Ҳалиям ҳушига келмаган Мадден шаҳар чеккасидаги Маделина Батлернинг уйини қўриқлаётган эди. У ваҳшиёна ҳужумдан кейин бир соат ўтиб топилди. Буни ўқ овозини эшитган қўшни аёл полицияга маълум қилган. Шу заҳоти патруль машинаси жўнатилган. Полициячилар Батлернинг уйи ёнидаги майдонга етиб келганда, уйнинг ертўласи алангаланиб ёнаётгани устидан чиқишди. Олов шу даражада авж олиб кетган эдики, орадан бир неча дақиқа ўтиб уни ўчиришнинг иложи бўлмади қолди.

Мадден толгул буталари орасида қўллари ўзининг кишани билан кишанланган ҳолда ётарди. Уни зудлик билан касалхонага олиб келишди. Врачлар мияси чайқалгани ва бош суяги синганини аниқлашди.

Мадденнинг бошига қаттиқ нарса, масалан, ингичка қувур ёки тўппонча билан уришган. Қурол топилмаган.

Полиция Мадденни миссис Батлер урган эмас, деб ҳисоблайди. Зарбанинг кучли ва қаттиқлигидан у баланг бўйли, бақувват эркак киши томонидан берилган, деб тахмин қилиш мумкин. Полиция жиноятда бутун штат бўйича қидирилаётган миссис Батлернинг қўли бор, деб ўйлаяпти. Миссис Батлер илгарироқ эрининг ўлимида айбдор деб қидирилаётган эди. Уйга ўт кетгани ҳақидаги хабар етиб келиши билан Маунт-Темплдан чиқиб кетадиган ҳамма йўллар беркитилди. Полиция

миссис Батлер шаҳардан чиқиб кетишга ҳали улгурмаган деб ҳисоблайди...»

Мен бошимни кўтардим.

— Нима?

Яна официантка келган экан.

— Мана қаҳвангиз.

— Э-ҳа, раҳмат.

— Қўлингиздаги газета ҳар куни чиқади, — маълум қилди у.

— Ҳали буни ўқимаганмидингиз?

— Мен ҳозиргина Жанубий Африкадан келиб турибман.

— О!

У газетага қаради.

— Жуда офатижон-а, тўғрими?

— Ким?

— Миссис Батлер. Бу унинг расми. Эрини ўлдириб, эски чуқурга ташлаб кетибди. Нега бундай қилганикин, нима дейсиз?

— Эҳтимол, қаттиқ хуррак отса керак, — дедим.

Жуда боладим. Йигирма тўрт соатдан бери Сиам эгизаклари мисол унинг ёнида бўлсам-у, манави қаҳвахона официанткиси менга эрининг мурдаси қаердан топилганини айтиб ўтирса.

— Йўқ, — давом этди официантка. — Мен сизга тўғриси айтиб бераман. У хотинига хиёнат қилган. Ҳамма эркак бир гўр. Ҳаммаси ҳам ярамас.

— Унда, — дедим, — мени отиш керак экан. Лекин қўлингиздан бир пиёла иссиқ қаҳва ича олармиканман?

У кетди. Қанийди энди оёғини синдирибми ё бошқа бирон нарса бўлибми, турқини кўрсатмаса. Мен у фикримни бўлганда газетадан бошимни кўтарган жойни жонсарақ бўлиб қидира бошладим. Саҳифанинг пастки бурчагида шундай сўзлар ёзилган эди:

«Батлер, давоми 4-саҳифада».

Мен тоқатсизлик билан варақлаб, давомини топдим. У ерда шундай маълумот бериларди:

«Полиция шу вақтгача уйга ўт қўйилиши ва қўшни аёл эшитган ўқ овозининг сабабини аниқлагани йўқ. Ҳозирча бу муаммо. Мадденнинг олдидан топилган тўппончадан ўқ узилмаган. Умидимиз жабрланувчи ўзига келса, кўрганларини айтиб бериши ва сирли ҳодисага ойдинлик киритиши мумкин.

Миссис Батлер Маунт-Темплдаги миллий банкнинг вице-президенти бўлмиш эрининг жасади топилган кундан буён

қидирилмоқда. Унинг жасади Маунт-Темпддан йигирма беш километр шарқ томондаги Кристалл-Спрингс кўли олдида жойлашган ўзларининг ёзги чорбоялари яқинидаги эски чуқурчадан топилган. Полиция ўша атрофда ўйнаб юрган иккита болакайнинг кўрсатмаси бўйича бориб, ғойиб бўлган банк эгасининг жасадини топишга муваффақ бўлган. Қидирув у 120 минг долларни олиб ғойиб бўлган 8 июнда эълон қилинган.

Мурдада пул йўқлиги маълум бўлган».

Газетани йиғиштирдим. Официантка иссиқ вафли олиб келиб нимадир деб гўлдиради-ю, кетди. Ҳеч нарса тушунмадим.

Демак, бундан бир неча соат муқаддам у тирик бўлган. Йигит киши-ку, ўзига келса керак. Йигирма тўққиз ёшда бош суяги синса, тузалиб кетиши мумкин.

Мен ўзимни қўлга олишга уриндим. Полициячидан кўрқадиган жойим йўқ. Уни умуман билмайман, ҳатто кўрганим ҳам йўқ. Мабодо ҳозир ёнимга келиб ўтиргудек бўлса, уни танимаган ҳам бўлардим. Ҳар куни оламдан ўтадиган минглаб одамлар каби унинг қиёфаси мен учун номаълум эди. Газеталар мана шундай шов-шувли ҳодисаларга росаям саҳифа ажратишаётган эди. Одамлар автомобиль ҳалокатида ҳалок бўляпти, биров маст бўлиб ваннада сувга бўкиб ўляпти. Бировлар шоҳ томирини кесиб, бошқалари саратондан ўляпти. Ўқувчи буларни кўздан кечирадиди, кейин варақлаб кулги саҳифасига ўзини уради.

Лекин менинг вазиятим бошқаларникидан мутлақо ўзгача эди.

Мени пулни қўлга киритганимдан кейин ҳам бу ҳодисага чек қўйилмаслиги ҳақидаги фикр ўртарди. Энди бу нарса бир умр бўйнимда тавқи лаънат бўлиб қолади.

Бу худди ботқоққа ўхшарди. Қимирлаган саринг унинг қаърига кириб кетаверасан. Ҳаммаси оддий бир нарсадан бошланди-я... Мен бор-йўғи бўм-бўш бир уйни тинтишим, бошқа ҳеч нарса қилмаслигим керак эди, холос. Пулни топганимда бой бўлиб қолардим. Тополмасам, умримдан икки кунини хайф кетказган бўлардим, шу холос. Булар бари кўзимга хамирдан қил суғургандай оппа-осон бўлиб кўринибди.

Энди бўлса, Диана Жеймс ўлдирилган, полициячининг боши ёрилган, касалхонада ётибди. Агар у ўлиб қоладиган бўлса, демак, мен қотили бўламан.

Иссиқ вафли егим келган эди, уни ейишим шарт. Агар қолдириб кетсам, бу официантканинг назаридан четда қолмайди, мени яхши эслаб қолади.

«Ҳа, танийман, албатга, балаңд бўйли, қовоғи солиқ, малла соч йигит. Нимадандир ташвишманд кўринган эди. Ўзиниям бошқача тутди», дейиши аниқ.

Вафлини апил-тапил еб, ташқари чиқдим. Аэропорт олдидаги шаҳарга олиб борадиган автобусга ўтирдим. Автобус менинг уйимдан беш уй беридаги денгиз бўйи меҳмонхонаси олдида тўхтади. Автобусдан тушдим. Меҳмонхона олдидаги киоскадан эрталабки газеталарни олдим. Лекин уларда Батлер иши бўйича ҳеч қандай янги маълумот йўқ эди.

Мен йўл бўйлаб пастга қараб кетдим. Ҳаво тоза ва жуда ёқимли эди. Ўз уйим томонга бурилиб қарасам, шарқ томондан осмон бўзариб келарди. Мени ҳеч ким сезмади. Лифтни маъқул кўрмай зинадан кўтарилла бошладим. Меҳмонхонада чироқ ёниқ, лекин Маделина йўқ эди.

Девор ёнида турган столчадаги шиша бўш. Ҳа, у яна уч пиёла ичибди. Эҳтимол, у жудаям чарчаган ва шу сабабли шишани бўшатгандир, деган хаёлга бордим. Чап томондаги эшик ёпиқ. Демак, у тўшакка кириб ухлаб қолган.

Мен меҳмонхонанинг ўртасида туриб ўйланиб қолдим. Ростдан ҳам ухлаб ётганмикин? Ундан ҳар балони кутиш мумкин. Диана Жеймсни шартта отиб ташлади-я. Шундай гўзал аёлдан бу қадар қабиҳликни кутиш мумкиними? Балки, Маделина беркиниб олгандир. Сумкасида минг доллари бор. Макрда ҳам, қаҳр-ғазабда ҳам унинг олдига тушадигани йўқ. Пўлат сандиқлардаги пулни менинг қўлимга топширмаслик учун ғазабланиб кетганидан калласига, бу ёғини энди ўзим эплайман деган фикр келиб қолиши ҳеч гапмас.

Мен қалин гилам устидан юриб бориб аста эшикни ушладим. Ваннанинг эшиги очиқ, ётоқхонанинг эшиги эса, берк. Аста дастакни ушлаб тортдим, ичкаридан қулфланган. Демак, у ётоқхонада экан.

Қайтиб келиб, диванга ўтирдим. Ҳамёнимдан учта калитни чиқариб, столчанинг ойнаси устига ташладим-у, уларга тикилиб ўтирдим.

Бир зум ҳамма қийинчиликлар ёддан кўтарилди, қандай ғаройиб дақиқалар-а. Анча-мунча ишларни амалга оширдим. Энди озгина сабр қилиш керак. Пул Маделина қўйган жойда турган бўлиши аниқ, чунки ундан бошқа ҳеч ким теголмайди ҳам, ололмайди ҳам. У бўлса, менинг қўлимда. Уйғонганидан кейин сумкасидаги минг долларни ҳам оламан. Бунга аллақачондан буён ўйлаб юрибман. Пул бўлмагандан кейин ҳеч қаёққа кетолмайди.

Мен қилган ишларни биронта тирик жон билмайди. Маделина билади, лекин у ошкор қилишга қўрқади. Мен билан боғланадиган ҳеч қанақа из йўқ. Мен эсам эҳтиёт бўлишим керак. Пулларни бекорга исроф қилмаслигим лозим. Шунда мени ҳеч ким тутолмайди. Бу пуллардан бир доллар бўлса ҳам сарфлашим учун ҳали анча-мунча кутишим керак.

Ҳали баъзи бир масалаларни ҳал қилиб олишим керак бўлади. Булар устида бош қотира бошладим. Маделина билан Калифорния томонга йўлга чиққанимизда, пулни нима қилармиз? Машинага минганимизда қочиб кетмасин деб ҳамма вақт ундан кўз-қулоқ бўлиб юришим керак бўлади. Камида беш кун йўл юришимиз лозим. Билиб бўладими, Нью-Мексикадагими ё Аризонадагими саҳронинг бирон ерида мени отиб ўлдириб ташлаб кетиши мумкин.

Лекин бунинг битта иложи бор. Пулни шу ерда қолдириш керак. Банкдан иккита пўлат сандиқни ижарага олиб, қайтиб келгунимча пулни ўша ерга қўйишим лозим. Самолётда қайтиб келсам, бунга бир кун вақт кетади, холос.

Чарчадим. Калитларни олиб, яна ҳаменимга солиб қўйдим. Кейин чироқни ўчириб, диванга ёнбошладим. Парданинг орасидан ғира-шира ёруғ тушиб турарди. Кўзим илиниб, бошим ён томонга қийшайиб қолганда тонг отган эди.

Туш кўрибман, тушимда узундан-узок йўлда кетаётганмишман. Кечасимиш, ҳар икки уйнинг бирида чироқ ёниб турганмиш. Орқамда узок-узокларда оёқ товушлари эшитилибди; мени биров таъқиб қилиб келаётганмиш-у, мен уни кўрмасмишман. Олдимда ва орқамда сўнгсиз саҳро йўли пайдо бўлибди. Чопармишман. Бир зум тўхтаганимда орқамдан бировнинг югуриб келаётган оёқ товушлари қулоғимга кирибди. Унинг яқинлашганини сезибман-у, ўзини кўрмасмишман.

Ҳамма ёғимни тер босиб, қалтираб уйғондим. Хона ёруғ, парда орасидан қуёш тушиб турибди. Маделина эғнида ҳаворанг халат, қаршимда ўриндиқда ўтирарди. У кулиб юборди.

— Уйқунгизда роса алаҳлаб гапирдингиз, — деди у.

ЎН ТЎРТИНЧИ БОБ

Мен кўзимни ишқалаб туриб ўтирдим. Ҳали уйқум ўчмаган эди. Лекин олдимизда узундан-узун саҳроли йўлни кўриб турардим. Тушим ҳали калламдан чиққани йўқ.

— Соат неча ҳозир? — деб сўрадим.

Маделина соатига қаради.

— Үндан ошди.

— Анча бўлдими турганингизга?

— Бир соатча, — жавоб берди у. — Ёмон туш кўрдингизми?

— Йўк, — дедим.

Мен ўрнидан туриб ошхонага чиқдим, кейин қаҳва қайната бошладим. У бундан бир соатлар олдин уйғонган, бу ишларни унинг ўзи ҳам бажарса бўларди. Бир умр хизматини бошқа бировлар қилиб юрган одамнинг калласига бу фикр келармиди?

Меҳмонхонага қайтиб кирдим.

— Агар қийин бўлмаса, илтимос, қаҳва қайнагандан кейин олиб қўйинг, — дедим.

— Сиз бирон ёққа кетяпсизми? — деб сўради.

— Соқолимни олиб, душга тушаман.

Маделина оғринқираб менга қараб қўйди.

— Балки сизга ёрдамим тегиб қолар?

Унга ўтирилдим. Агар биз бу ерда бир ойми, ундан кўпроқми турадиган бўлсак, бошиданоқ муносабатларимизга аниқлик киритиб олишимиз керак.

— Қуйидаги нарсаларни эътиборга олиб қўйишингизни истардим, — гап бошладим. — Мен сизни полициядан яшириб юрибман. Агар сизни ҳибсга олишадиган бўлса, ҳаётингизнинг қирқ йилини пол ювиш билан ҳамда эркакшода аёллар билан муносабатда бўлиб ўтказасиз. Сизнинг калондиморлигингиз, менсимай гапиришингиз менга ёқмаяпти. Эсингизда бўлсин, сизни тиззалатиб қўйиш-у, юмшоқ жойингизга тарсаки тушириш қўлимдан келади.

Маделина менга хотиржамлик билан қаради.

— Наҳотки мени сиздан кўрқади, деб ўйласангиз?

Мен уни халати билан чангаллаб азот кўтардим.

— Балки сизни мана шу ёқимли кийимингиз билан ярим соат совуқ душ тагига қўйсаммикан?

У менга масхараомуз кулиб қўйиб деди:

— Ихтиёрингиз. Балки бундан олдин радио орқали қандай хабарлар тарқатишганини билиб қўйиш қизиқарлироқдир?

— Радиодан?

Унга ўтирилдим. Мен ухлаб ётганимда радиони эшитиш мумкин эмас эди. Радио мен чўзилган дарича ёнидаги столда эди. Дарҳақиқат, у ерда кўринмади.

— Нимани эшитдингиз?

— Ростдан ҳам билдингиз келяптими?

— Нимани гапирмоқчисиз?

— Сиз тўппонча билан урган шерифнинг ёрдамчиси ўлик билан тирик орасида ётганини. Бунга нима дейсиз? Полициядан ким кимни яшириб юрибди?

Бу гапни ундан кутгандим, шунинг учун у хоҳлагандек аҳамият бермадим. Эсанкираб қолганим йўқ, аксинча, уни маҳкам қисганча туравердим.

— Хўш, нима бўпти. Биринчидан, у ҳали ўлгани йўқ. Иккинчидан, бу нарса ҳеч нимани ўзгартиролмади. Ва ниҳоят, полиция мени эмас, сизни қидиряпти.

— Йўқ, азизим, — эътироз билдирди Маделина. — Биз иккаловимизни. Сизнинг ҳам аҳволингиз мушкул. Наҳотки сиз мени қўрқитиб ақлли иш қиляпман, деб ўйлаётган бўлсангиз?

Мен уни юмшоқ курсига ташладим.

— Яхши. Лекин шуни унутмангки, биз иккаламиз ҳам битта қайиқдамиз. Агар биронтамизни ҳибсга олишса, албатта, иккинчимиз ҳам қўлга тушамиз. Шунинг учун ўзингизни ҳар ёққа ташламай, менинг айтганимни қилинг. Энди тушунгандирсиз?

— Назаримда, иккаламиз бир-биримизни мутлақо тушуниб олдик.

Мен душга тушиб соқолимни олдим, калта иштонда ётоқхонага кирдим. Шкафдан юпқа шимим, спортча кўйлагимни олиб кийдим. Кейин ҳамёнимни шимимнинг чўнтагига тикдим.

У ҳатто ётган ўрнини ҳам йиғиштирмабди. Нима ишим бор, ўзи билади, ётадиган у. Сумкаси пардоз столчанинг устида ётарди. Очиб ҳамёнини олдим. Унинг ичида йигирма битта эликталик доллар бор экан. Кўтариб меҳмонхонага кирдим. У қаҳва ичиб ўтирарди. Қўлимдаги пулни кўриб эътиборсизлик билан менга қаради.

— Мана шу пулларимни ҳам тортиб олмоқчимисиз? Мени бир чақасиз қолдирмоқчимисиз?

— Хогиржам бўлинг, — жавоб бердим. — Бу пулларни каллангизга бу ердан қуён бўлиш хаёли келиб қолмасин деган ўйда эҳтиёткорлик юзасидан олиб кўйдим. Ундан ташқари, тамадди қилиш учун бирон нима олиш ҳам керак. Калифорнияга борганда қолганини қайтиб бераман.

— Қандай олийжаноблик-а, — у елкасини қисиб, ўгирилиб олди.

— Мен тушиб, тезда егулик бирон нима олиб чиқаман, — дедим.

Кўчага чиқиб муюлишдаги мўъжазгина озиқ-овқат дўконидан нон, бир неча тухум, яхна гўшт ва қаҳва олдим. Кундузги газеталар ҳали чиқмабди.

Қайтиб келганимда радио яна меҳмонхонанинг ўртасида турар, Маделина ерга ўтириб олганча мусиқа тингларди. Вужудим қалтираб кетди. Икки кун аввал кечаси илк бор кўрганимда ҳам худди шундай ҳолатда ўтирган эди.

Ўшандан бери йиллар эмас, атиги бир неча кун ўтди. Ҳали олдинда бутун бошли бир ой бор-а.

- Радионгизнинг овози жуда ёмон эшитилар экан.
- Ёқмаса, эшитманг, — дедим. — Қорнингиз очдимми?
- Нима олиб келдингиз?
- Нон билан яхна гўшт.
- Майли, есак ей қолайлик.

Биз индамай ошхонага кирдик, миқ этмай ўтирдик, ебичиб яна меҳмонхонага қайтиб кирдик. Радио ҳалиям қўйиғлик эди. Мен бирон янгилик бериб қолармикан деб мурватни у ёқ-бу ёққа сурдим, янгилик берилаётган бирон канал йўқ эди. Соат ўн бирга яқинлашиб қолган, эртанги газеталар ҳам келган бўлиши керак. Кейин эрталаб соат 10.00 да радиодан қандай янгиликлар берилганини эсладим.

У юмшоқ курсига ўтирди, сигарет чекиб ястаниб одди-ю:

— Нимага у ёқдан-бу ёққа юраверасиз? Мана бу деворлар билан пол товуш ўтказмайдими? — деди.

Мен ўтириб, ўзимни қўлга олишга уриндим.

— Ҳа, — жавоб бердим, — қўшниларнинг гаплари эшитилмайди. Лекин сиз эҳтиёткорлик юзасидан уй шиппагида юришингиз керак. Кейин радиони ҳам қаттиқ қўйманг.

— Уйни йиғиштирадиган хизматкорингиз йўқми? Бирон таси келиб ток ҳисоблагични ёзиб кетмайдими?

— Йўқ, — деб жавоб бердим. — Бир хизматкор аёл бор эди, ҳафтада бир марта келиб, уйни йиғиштириб кетарди, бир ой бўлди, бўшаган. Газ билан сув ҳисоблагичлар ертўлада. Почтачини ҳисобга олмаганда хавфсирайдиган нарса йўқ. Сиз эшикка ҳам чиқмаслигингиз, телефон гўшагини ҳам кўтармаслигингиз керак. Бу ердалигингизни ҳеч ким сезмаслиги лозим.

Маделина аста кулиб қўйди.

— Мен ростданам сизга миннатдорлигимни изҳор қилиб қўйишим керак. Ҳар ҳолда ҳаммаси яхшилиқ билан тугайди, деб умид қиламан. Узоқ бўламанми сизникида, бу ҳақда нима дейсиз?

— Ҳаммаси, ҳалиги йигит тузалиб кетадими, йўқми, шунга боғлиқ, — деб жавоб бердим. — Сизни қидириш, албатта, давом этаверади. Гап-сўзлар бориб-бориб босилади, ахир ҳамма полициячилар ҳам сизнинг кўринишингизни эслаб қолмайди-ку. Агар анави полициячи ўлиб қоладиган бўлса, шўримиз қуриди деяверинг. Унда полициячини ўлдирган икки одам қидирилади.

— Агар у ўладиган бўлса, — хотиржам қўшиб қўйди Маделина, — унда уни ўлдирган мен эмас, сиз бўлиб чиқасиз.

— Бу ҳақда гап бўлиши мумкин эмас. У ерда мен бўлганимни ҳеч ким билмайди. Полициячилар менинг кимлигимни ҳам, ташқи кўринишимни ҳам, бу ишга алоқадорманми, йўқми, бунни билишмайди. Мени тутишлари учун аввал сизни қўлга туширишлари керак бўлади. Улар сизни қидиришяпти. Уларнинг қўлида кимлигингиз ҳақида аниқ маълумотлар ва расмингиз бор. Бу билан боғлиқ бўлган ҳали олдимизда кўп муаммолар кўндаланг бўлиб турибди. Яхшиси, буларни қандоқ ҳал қилишимиз кераклиги ҳақида бош қотиришимиз керак. Туринг ўрнингиздан.

Маделина менга савол назари билан қараб қўйди.

— Ўрнингиздан туришингиз керак, — мажбурладим. — Энди орқага ўтирилинг. Иложи борича секинлик билан. Баъзи нарсаларни чамалаб кўришим керак.

Маделина елкасини қисиб қўйиб, амримга бўйсунди.

— О'кей.

Мен сигарета тутатдим. Қилмоқчи бўлган ишим жуда оддий. Нимадан бошласам экан? Эракак-ку мўйлов қўйиши ёки уни олиб ташлаши ёки бурнини синдириб қўйиши...

— Бўйингиз жуда новча, — дедим. — Лекин бунинг аҳамияти йўқ. Дунёда дароз аёллар кўп. Кўп-ку, лекин бундай гўзаллари кам.

Жувон истехзо билан кулиб қўйди.

— Миннатдорман.

— Бу хушомад эмас, — дедим. — Ўзингизча хурсанд бўлмай қўя қолинг. Майна қилаётганим ҳам йўқ. Агар қиёфанингизни ўзгартира олмасам, иш тамом деяверинг. Ўйлаб кўрайчи. Бировлар қиёфасини ўзгартира олиши, бировлар ўзгартира олмаслиги мумкин. Сочингизнинг рангини, соч турмагингизни ўзгартиришимиз мумкин. Лекин бунинг ўзи етарли эмас. Кўзойнак тақиб олишингиз ҳам мумкин. Лекин бу дарров кўзга ташланади. Пардоз-андоз қилиб, оғзингизни кенгайтиришингиз мумкин, бироқ бу ҳам камлик қилади.

Мен хаёлга толиб, бир оз сукут сақладим. Маделина бир нима демоқчи бўлган эди, гапини бўлдим.

— Аввало, менинг гапларимни эшитинг, кейин истаганча гапираверинг. Биз баджаҳл ва калондимоғ қиёфангизни ўзгартиролмаимиз. Лекин сизни бошқа оддий, кўча аёлларига ўхшатиб қўйсақ, нима дейсиз? Сочларингизни сариқ ёки оч сариқ ранга бўяб қўйсақ. Бунинг учун сочингизни қисқа қилиб қирқиш ва бошингиздан пастга туширмай, жингалак-жингалак қилиб қўйиш керак бўлади. Анча-мунча пардоз буюмларини ишлатишингиз ҳам керак. Қошингизни ингичка қилиб терасиз. Лабларингизни сал-пал тўррилайсиз. Сийнабанд тақасизми?

Маделина менга тикилди.

— Бир оз қуюшқондан чиқиб кетдингиз чоғи...

— Саволимга жавоб беринг. Сийнабанд тутасизми-йўқми?

— Фақат кўчалик ва оқшомлик қўйлақларимни кийганим-да.

— Яхши. Кўкракларингиз қандай? Улар табиийми?

— Бунақа уятсиз гапларни умрим бино бўлиб эшитмаганман...

— Танбеҳ беришни бас қилинг деяпман, — дедим. — Нимага ишора қилаётганимни тушунишингиз керак, ахир. Сиз олийжаноб миссис Батлердан одатдаги енгил табиат аёлга айланишингиз керак. Қоматингизни кўтариб, юришингизни ўзгартиришингиз лозим бўлади. Кўйлагингиз белингизни сиқиб, солланиб юришга мослашасиз. Терингиз қанақа? Тезда қораядими?

— Ҳа, лекин қоратўр бўлишдан ўзимни асраб юраман.

— Энди бундай бўлмайди. Кварцли лампа оламан. Йўқ, бу ҳам бўлмайди. Ёзда денгиз бўйига келган ҳар бир одам магазиндан кварц лампа сотиб олади. Кварц лампа деса ўлиб бўлишади. Шошманг, меҳмонхонанинг деразаси ғарбга қараган. Агар туш пайти пардани кўтариб қўйса, уйга қуёш тушади. Кўчанинг нариги тарафидаги уйлар паст бўлгани сабабли ётганингизда сизни ҳеч ким кўрмайди. Демак, қорайиш учун мой сотиб оламиз. — Ўрнимдан туриб, сотиб олинадиган нарсаларни ёзиш учун қалам билан қоғоз олдим. — Ҳўш, яна нима оламиз?

— Қайчингиз борми?

— Йўқ, — деб ёзиб олдим-да, давом этдим. — Сочни олти ойгача жингалак қиладиган асбоблар, қуёшдан тўсадиган кўзойнак, сочни бўяшга нима оламиз?

— Тасаввур қилолмайман.

— Яхши ёрдамчи эмас экансиз. Ўзим топаман. Сизга яна нима керак бўлади?

— Фақат сигарета. Яна бир шиша бурбон ароғи.

— Бошқа маст бўлмайсизми?

— Бунақа одатим йўқ.

— Яхши.

Ўрнимдан турдим. Эшиккача бориб, тўхтадим ва орқамга ўтирилдим.

— Қайси банклардан пўлат сандиқларни ижарага олгансиз? Маделина ўйлаб ўтирмай жавоб берди:

— Кредит тижорат, Учинчи Миллий ва "Соҳилбўйи" банкларидан.

— Қайси фамилия билан?

— Ҳар хил, — жавоб берди у. — Ҳар бир банкда бошқа фамилия билан.

Маделина ўзини орқага ташлаб кулиб юборди.

— Буни аниқлаш фикри каллангизга кечроқ келди, фақат бу маълумотлар сизга энди асқотадимиз-йўқми, билмайман.

— Буни билиб олиш ниятим бўлмаган. Сиз анча фаросатли аёлсиз, бундай вазиятларда алдаш яхши оқибатларга олиб келмаслигини жуда яхши фаҳмлайсиз. Ўша фамилияларни менга айтиб қўйинг.

— Миссис Жеймс Р. Хатс, миссис Луцилла Мэннинг ва миссис Гарри Л. Картерс.

Маделина буларни бир хил оҳангда тугилмасдан айтди, кейин бирдан қўлидаги сигаретага тикилганча қовоғини уйиб жимиб қолди.

— Кейин-чи?

— Нима кейин?

— Назаримда, яна бир нималар демоқчи бўлиб турувдингиз.

— Йўқ, — деб жавоб берди у ва ўйланқираб тўғрига тикилиб тураверди. — Бошқа ҳеч нима демоқчи эмасдим. Исм ва фамилиялар мана шулар.

— О'кей, — дедим. — Мен тезда қайтиб келаман.

Лифтдан пастга тушарканман, нима мени бунчалик ташвишга солганини ўйлай бошладим. Энди ростдан ҳам ҳеч нарса бўлмасмикин? Агар анови шерифнинг ёрдамчиси ўлса, бизни ҳеч ким қўлга туширолмайди. Улар топиши мумкин бўлган ягона из Маделинага олиб келади, у бўлса, ишончли жойга яшириб қўйилган. Пуллар эса, жойида, мени кутиб ётибди.

Унда нимадан юрагимга ғулғула тушди?

Бунга аниқ бир сабаб йўқ. Бу ғулғула фақат Маделинанинг булар барини енгил, ҳеч нима бўлмагандай ўзини тутишидан тушди. Афтидан, бунча пулни индамай бериб юбориш, назаримда, унинг учун арзимаган бир нарса бўлса керак.

ЎН БЕШИНЧИ БОБ

Мен шаҳарга автобусда бориб, гараждан машинамни олдим. Бу вақтда кундузги рўзномалар ҳам сотувга чиқиб қолди. Уларда шерифнинг ёрдамчиси ҳамон ҳушсиз ётгани, аҳволи ўзгармаганидан бошқа ҳеч қандай янгилик ёзилмаган эди. Полиция бутун штат бўйлаб Маделина Батлери астойдил қидираётгани хабар қилинарди.

Мен дорихона олдида тўхтадим, кириб аёллар пардоз-андози бўлимига ўтдим.

— Сизга нима харид қилишингизга ёрдам беришим мумкин? — деди бир қиз мулойимлик билан.

— Менга аёлларнинг сочини олти ойгача бузилмай турадиган жингалак қилиш керак. Кейин яна баъзи нарсаларни сотиб олмоқчи эдим. Соч бўйайдиган, номи ёдимдан кўтарилибди.

— Лондотонми?

— Эсимда йўқ. Хотинимнинг сочи қора. Шу бўёқни суртса очикроқ бўларди. Худди асал рангида.

Қиз уч-тўртта бўёқнинг номини айтди.

— Ҳа-ҳа, шу, — дедим учинчи бўёқни айтиб. — Ҳар эҳтимолга қарши чекни бериб қўйинг, тагин адашиб бошқа бўлса, кейин алмаштириб кетарман.

Харид қилган нарсаларимни машинага элтиб қўйдим-у, ундан қандай фойдаланиш йўларини ўқиб чиқдим. Ҳали яна бўёқ суртилгандан кейин ювиб артиб ташлаш учун пахта ва шампун ҳам олишим керак эди. Буларни бошқа дорихонадан топдим, у ердан қора кўзойнак билан баданни қорайтирадиган бир шиша мой ҳам сотиб олдим.

Энди сигарета билан виски олиш қолди. Мен харид қилган вино дўконининг ёнида озиқ-овқат дўкони ҳам бор эди. У ердан пиширилган товуқ билан бир шиша сут олдим. Дўкон эгаси харидларимни халтага солиб берди.

Соат бир яримларда уйга қайтиб келдим. Меҳмонхонадаги пардалар кўтарилган, Маделина бўлса, гиламда узала тушганча қуёшда товланиб ётарди. Эрталабки халатини ечиб ташлаган, пижамасини шимариб олган эди. Мен сумкадан қорайиш учун суртиладиган мойли шишани чиқардим.

— Мана, — дедим. — Буни суртиб ётинг.

Маделина ўрнидан туриб ўтирди. Бўйинини чўзиб менга қаради.

— Баданим жигарранг бўлишини ёқтирмайман, — деди у.

— Олифтагарчилик қилманг, — дедим.

— Ҳа, сиз ҳақсиз.

Шишани очиб, юз-кўзларига мой суртди.

— Виски олдингизми?

— Ҳа. Ҳозир қадаҳ олиб келаман.

— Ташаккур.

У яна чўзилиб ётиб, кўзларини юмди. Гиламнинг ранги униққан бўлиб, унда жувоннинг узун қора сочлари товланиб турарди.

Мен сумкани очиб, харид қилган нарсаларимни чиқара бошладим. Виски шишасини очиб, қолган нарсаларни музлатгичга тикдим. Кейин вискидан яхшигина қўйиб, озгина совуқ сув аралаштирдим. Ахир булар бари унинг пулига харид қилинганди-да. Мен қадаҳни олиб меҳмонхонага кирдим.

— Қачондан буён қуёшда ётибсиз?

— Ўн беш дақиқача бўлди.

— Унда туриг, бўлмаса баданингиз куяди.

Маделина туриб ўтирди. Унга қадаҳ тутиб, пардаларни туширдим.

Маделина бир қултум ютиб, менга қаради-да, кулиб қўйди.

— Сиз-чи, ичмайсизми? — деб сўради.

— Ичгим келмаяпти.

— Сиз, умуман ичмайсизми?

— Аҳён-аҳёнда.

У қадаҳни кўтарди.

— Ундай бўлса, мистер Скарборонинг соғлиғи учун.

— Назаримда, ўзингизни анча яхши ҳис қилаётганга ўхшайсиз.

— О, ҳа, — жавоб берди у. — Ҳаммаси аъло даражада. Мен сизнинг ажойиб ғоянгизни кўп ўйладим. Қанча кўп ўйласам, менга шунча ёқаверди. Буни амалга ошириш мумкин экан. Маделина Батлер бошқа қиёфага киргандан кейин ҳеч қандай изқувар уни туюлмади.

— Буни жуда осонлик билан амалга ошириш мумкин деб ўйламаётганингизга ишонаман.

— Йўқ, албатта. Лекин бунинг уддасидан чиқамиз.

— Қачон бошлаймиз?

— Ҳозирок, — дедим. — Лекин аввал виски ичмоқчий-дингиз шекилли.

— Уни сиз менинг сочимни бўяётганингизда ичмоқчиман,
— табассум қилди у. — Бу нарса менга далда беради.

— Ҳа, шундоқ бўлиши керак, — қўшилдим унинг фикрига.
Газеталарни ерга ёйиб, устига стул қўйдим.

— Ўтиринг.

У хурсанд бўлиб ўтирди. Радиодан мусиқа таралиб турибди.

— Мен йўғимда бирон-бир янги хабар эшитдингизми?

Маделина менга тикилди.

— Ҳа. Бу ҳақда газеталарда ёзишибдими?

— Нима деди? — сўрадим. — Худо ҳаққи, нима гап?

— Шерифнинг ёрдамчиси софаяётганмиш. Афтидан, тузалиб кетса керак.

Тиззаларим қалтирай бошлади. Маделинанинг сочини кесишним қўйиб, сигарета тутатдим. Бу юк елкадан тушиб энгил нафас ола бошлаганимдагина унинг нақадар оғир бўлганлигини тушундим. Демак, мен полициячини ўлдирмабман. Агар мени ушлаб олишган тақдирда ҳам полициячининг бошига урганликда айблашади. Тўғри, ҳали Диана Жеймс ҳам бор. Лекин уни мен эмас, Маделина Батлер ўлдирган. Диана Жеймс эса полициячи эмас эди.

— У ҳали ҳам ҳушига келмабдими? — сўрадим.

— Ҳа. Лекин врачлар тез орада ўзига келади дейишаётганмиш.

— Бу ерда битта қалтис жой бор, — дедим. — У сизни таниши мумкин.

— Тўғри, — деди у бепарволик билан. — Буни биламан. Лекин улар бусиз ҳам мени у ерда бўлганимга ишонч ҳосил қилишган. Агар у буни тасдиқласа, ишнинг моҳияти ўзгармайди.

Шу онда калламда нимадир аниқ бўлиши керак эди-ю, лекин нималигини билолмадим. Шерифнинг ёрдамчиси ҳақидаги янгилик Маделинани нега бунча қувонтириб юборганини билиб олишим учун калламни уриб ёришим керак эди.

— Қани, бошланг, Пигмалион, — деди Маделина. — Мени Сузи Мамблига айлантиришингизни зориқиб кутаяпман-ку.

У стулга тўғриланиб ўтираркан, менга тикилиб қаради. Чўнтагимдан қайчини чиқардим. Ваннахонага кириб, сочиқ билан тароқни олиб чиқиб, сочиқни унинг елкасига ташладим.

— Маҳкам ушланг, — дедим.

Жувон сочиқни бўйнига ўради.

— Мени бадбашара қилиб қўясиз, шекилли, — деди у. Майли, зарари йўқ. Асосийси, ишга киришдик. Сочларимни

қирқинг, уларни бўяб олти ойлик жингалак қилиб қўйинг. Мўлжалдагидек офтобда қорайиб олганимдан кейин сартарош-хонага бориб, соч турмакларимни сал тартибга келтириб олишим мумкин. Мен Марказий Америкада бўлдим, деб у ердаги божхона сартарошларининг уқувсизлигидан шикоят қиламан.

— Яхши фикр, — дедим.

Унинг сочини тараб туриб, ўртасидан бир тутамини ажратиб олдим-да шартта қирқдим. Бир оздан кейин орқага бир неча қадам ташлаб, қилган ишларимга назар солдим.

Маделина бадбашара ҳолатга келган, сочлари каллаклаб ташланганга ўхшарди.

— Бир ўзимни кўриб қўяй-чи, — деди-да, бориб ваннахонадаги кўзгуга қаради.

Мен жаҳли чиқиб кетса керак, деб ўйлагандим. Лекин бир хўрсинди-ю, калласини қимирлатиб қўя қолди.

— Менга қаранг, агар сиз сартарош бўлишни орзу қилаётган бўлсангиз...

— Шошилманг, мен ҳали тугатганим йўқ.

— Сиз биз ўйлагандек қилмаётганингизни билиясизми? — деди у. — Сочни тўғрисига кесмаслигингиз керак. Тароқни қияроқ ушлаб, сочни тароқнинг тишлари орасидан ўтказиб қирқишингиз лозим.

Мен унинг маслаҳатларига қулоқ солиб, аста-секин сочининг нотекис жойларини тўғриладим. Барибир ишни тугатганимдан кейин унинг боши куйдирилган каллага ўхшаб қолган эди.

— Даҳшат, — дедим. — Лекин бунинг ҳам ўзига хос яхши томонлари бор. Энди сиз, расмда кўрсатилган миссис Батлерга мутлақо ўхшамайсиз.

Мен чиқиб, соч бўёғини олиб келиб, қўлига тутқаздим.

— Кўрамыз, қандай қилиб малла сочли аёлга айланаркансиз.

У сочини бўяб бўлгунча гиламга тўкилган сочларни йиғиб, газетага ўрадим, олиб чиқиб, ахлат қувурига ташладим.

Биз энди Маделина Батлерни йўқ қилган эдик. Бу менинг ғоям бўйича бўлди ва мен бунинг учун барча зарур нарсаларни олиб келгандим. Ҳозирги қилаётган иши, у қиладиган ишнинг бир қисми, холос. Агар бунинг уддасидан чиқса, полиция излаётган Маделина Батлер бу дунёда мавжуд бўлмайди.

Соат икки ярим. Мен радиони қўйиб, янгиликларни эълон қиладиган тўлқинни топдим, лекин Маделина ёки шерифнинг ёрдамчиси ҳақида ҳеч қандай янгилик берилмади. Маделина

мени алдамаганмикин деган хаёлга бордим. Агар алдаган бўлса, оқшомги газеталарда эълон қилинади-ку.

У ваннадан чиқди. Сочларини шампунда ювиб сочиқ билан артибди. Сочлари чигал бўлиб, ҳар томонга тарвақайлаб ётарди.

Лекин ранги ўша-ўша.

— Сочингиз илгари қандоқ бўлса шундоқ, ўзгармаган-ку, — дедим.

— Чунки ҳали ҳўл. Қуриганда кўраммиз.

Маделина пардани кўтарди, гиламга ўтириб олиб, сочларини арта бошлади. Орадан бир неча дақиқа ўтиб, сочиқни отиб юборди-да, сочларини бармоқлари билан тарай бошлади.

— Тагин жиндай ичсам майлими? — минғирлади менга қараб.

— Сиз бу таомга тўймайдингизми? — сўрадим.

— Жуда лаззатли таом-да, тушмагур.

Мен ошхонага кириб, пиёлага виски қуйиб чиқдим. Қўлимдан пиёлани оларкан, ярим юмуқ киприклари орасидан менга ширин миннатдорчилик билдириб қўйди.

— Раҳмат, азизим.

У гулираънога ўхшар, ўзи ҳам офатижон, айниқса, чолвор кийганда янада гўзал тортиб кетарди.

— Сузига ўхшашга ҳаракат қиляпсизми? — сўрадим.

— Ҳа, — жавоб берди у. — Қалай, ўхшаяпманми?

— Ёмонмас. Агар ўзингизни унга ўхшаб тутсангиз яхши бўларди.

— Бу билан нима демоқчисиз?

Мен энгашиб, унинг бошини силадим.

— Гап шундаки, ҳақиқатан Сузига ўхшашингизни тўшақда синаб кўриш керак. Ўшанда мен бажонидил бу иш билан шуғулланган бўлардим.

Унинг кўзлари совуқ йилтираб кетди.

— Мана бунақанги бемаза гапларингиз одамнинг кўнглини қолдиради. Балки, қўлингизни оларсиз?

— Сиз ўйнаётган ролингиздан чиқиб кетяпсиз. Бу Сузи эмас.

Мен қўлимни олмадим, аксинча, пастроғини силай бошладим.

— Йўқ, — деди у. — Мана бу энди Сузи, — шундай деб, у менга шапалоқ тортиб юборди.

Мен унинг қўлидан маҳкам ушлаб олдим.

— Бунақа ҳаракат қилишга одатланманг, — огоҳлантирдим, — акс ҳолда мен жуда ёмон одамга айланиб қолишим мумкин.

Унинг кўзларида қўрқувдан асар ҳам йўқ эди.

— Тўғриси айтиб қўя қолай. Баъзан ўзингизни зиёли одамдай жуда мулойим кўрсатасиз, баъзан эса одамгарчиликка тўғри келмайдиган қилиқлар чиқариб қўясиз.

— Бундан давлат жиноятчисидай хулоса чиқарманг. — Эътироз билдирдим. — Бу асосий нарса эмас. Мана шу ерда узоқ вақт бирга қолишимизга тўғри келар экан, гоҳида жиндай хурсандчилик қилиб вақтимизни ўтказсак, ёмон бўлмасди деб ўйлайман. Аслида бу шарт ҳам эмас. Бу ерда асосий нарса — пул.

— Сиз ҳис-туйғудан маҳрум одам экансиз.

Мен ўрнимдан турдим.

— Хоним, мен вояга етган жойда 120 минг доллар ҳар қандай ҳис-туйғудан баланд турарди.

Маделина индамади. Мен эшикка бориб, столдан машинанинг калитини олиб давом этдим: — Ундан ташқари, ҳис-туйғулар ҳақида гапириш сизга муносибмас.

— Бу билан нима демоқчисиз?

— Иккита одамни у дунёга жўнатгансиз демоқчиман. Уларни ўлдирган мен эмас, сиз.

— Ҳа, тўғри, — деди у. — Жирканиш ҳам туйғу бўлади.

— Тўғри, — қўшилдим. — Лекин унчалик фойдали туйғу эмас.

Мен пастга тушиб, машинага ўтирдим-у, шаҳарга жўнаб кетдим. Йўлда газета сотиб олдим, ресторанга кириб, қаҳва буюрдим.

Газетадаги: «Шерифнинг ёрдамчиси софая бошлади», деган сарлавҳага кўзим тушди.

Докторларнинг гапига қараганда, оғир дамлар ўтиб кетганмиш, энди бемор тез орада ҳушига келармиш. Мақолада Маделина Батлернинг тавсифи ва Батлер ўғирлаган пулнинг қаерларда бўлиши мумкинлиги ҳақидаги аҳмоқона тахминлардан бўлак ҳеч қанақа янгилик йўқ эди. Уларнинг гапларига қараганда, Маделина полиция ўраб олган ҳалқадан чиқиб кетиши мутлақо мумкин эмас экан, у мана шу ҳалқанинг ичида бирон жойда яшириниб ётганмиш ва уни тез орада қўлга туширармиш. Унинг ташқи қиёфаси ҳаммага беш қўлдай маълуммиш. Қидирувда «Кадиллак» машинасига катта эътибор қаратилган эди. Буни ўйлаб, мийиғимда кулиб қўйдим-да, қаҳвани хўпладим.

Диана Жеймсни, афтидан, ҳали тонишмаганга ўхшайди. Бунга ажабланмаса ҳам бўлади. Унинг жасади ертўлада қолган.

Унинг устидан бутун бошли уй ёниб тушган. Бу ўтган кечаси бўлган. Куйиндиларни олиб, ҳали унгача етиб боришмаган.

Кўчага чиқдим. Кун иссиқ ва дим. Момақалди роқ бўлиб, ёмғир ёғадиганга ўхшайди. Момақалди роқнинг гулдирашлари кўча шовқинларини босиб кетяпти. Мен беихтиёр кўча кеза бошладим. Бирдан бурчақда мармар устунли бинонинг пештоқини кўриб қолдим. Қарасам, "Соҳилбўйи" банки.

Бу менинг хаёлимни олиб қочди. Муюлишда турардим. Светофорнинг чироғи ўзгарганда одамларга йўл бердим.

Пул худди шу банкда турибди. Қачон эгаси келиб олишини кутиб ётибди. Мен ўзимча хаёлан тасаввур қила бошладим: ҳозир мана шу ердаги йўғон думалоқ эшиклар ортида йўлак бор, бу йўлак орқали ер остидаги катта хонага тушилади. У ерда асаларининг инига ўхшаш пастдан тепагача тегиб тахланган пўлат сандиқлар бор. Ана шу пўлат сандиқларнинг биридаги елимлаб ёпиштирилган бандеролларга пул солинган. Худди ана шу пўлат сандиқнинг калити менинг киссамда.

Икки уй нарида, кўчанинг нариги тарафида учинчи миллий банк биноси турибди. Уни мен шу турган жойимдаёқ кўрдим. Чап томонда эса учта бино ўтиб, жануб тарафда тижорат кредит банки бор. Бу пулларни йигирма дақиқа нари-берисида олиб чиқиш мумкин. Бунинг учун зинапоядан пўлат сандиқлар сақланадиган хонага тушиш ва қоғозга қўл қўйиб, калитларни топшириш керак, холос.

Ўткинчилар туртиб-суртиб ўтиб кета бошлашди. Ҳамма қаёққади шошиларди. Иккита қиз менга суйкалиб ўтди. Бир-бирига қараб қўйиб, менга тикилди-ю, масхараомуз бир-бирига:

— Манави нусханинг қоққан қозикдек қаққайиб туришини қаранг, — деди.

Улар ғойиб бўлгандан кейин ўзимга келдим. Ёмғир ёғ бошлади. Кўчани кесиб ўтиб, пешайвоннинг тагида туриб олдим.

Ёмғир шаррос қуйди. Агар ҳозир машинамга борадиган бўлсам, шалаббо ҳўл бўламан. Мен турган пешайвон кино-театрнинг эшиги устини ёпиб турарди. Қандай кино кетаётганига қизиқмай, билет олдим.

Кинодан чиққанимда ёмғир тинган, қоронғи тушиб қолган эди. Электр нури кўча юзини ялтиратар, ўткинчи машиналарнинг гилдираклари намликдан вишиларди.

Бир болакай оқшомги газеталарни сотиб юрибди. Мен газета сотиб олдим. Бирдан кўзим катта-катта ҳарфларда ёзилган қуйидаги сарлавҳага тушди.

«Батлернинг ўлдирилиши ҳақида бир йигит кўрсатма берди».

Машинага бориш учун тўртта уйни ўтиш керак. Мана бу бир неча юз метр масофани югуриб ўтишдан ўзимни зўрға тўхтатиб қолдим.

ЎН ОЛТИНЧИ БОБ

Йигитча кўрсатма берган эди. Маделина Батлернинг иши нима бўлади энди?

Мени ҳайратга солган нарса бу эмас. Агар улар йигитча билан унинг опасини қўлга туширишган бўлишса, улар менинг ташқи қиёфамни тасвирлаб беришлари мумкин эди.

Мен зинадан югуриб чиқдим-у, хонага отилиб кирдим. Меҳмонхонада чироқ ёниқ, лекин у ерда Маделина йўқ эди. Ваннахонада сув шалоплаётгани қулоғимга кирди. Диванга ўтириб газетани очдим. Лабимга сигарета қистирибман-у, ёндиришни ҳам унутибман.

«Маунт-Темпл. 6 август. Батлернинг ўлими ҳақида шов-шувли маълумот топилди. Полициянинг билдиришича, йигирма икки ёшли Жек Финлей қўлга олинди. Йигит узоқ сўроқ қилинган, тушдан кейин икки ой муқаддам ғойиб бўлган банк хизматчисининг ўлимида иштирок этганлигига иқрор бўлибди. Марҳумнинг мурдаси сешанба куни топилибди.

Финлей жиноятни содир қилишда марҳумнинг гўзал бева-си Маделина Батлер иштирок этганлигини йиғлаб туриб гапириб берибди».

Мен озгина тўхтаб, сигаретани тутатиб олдим. Ҳаммаси қандай гумон қилган бўлсам худди шундай бўлиб чиқди. Финлей унинг шериги экан.

Мен мақоланинг давомини тез-тез ўқиб чиқдим.

«Финлей Маунт-Темплдан саксон километр нарида бир қишлоқ йўлида қўлга олинди.

Уни миссис Батлернинг машинасини қидириб юрган патруль полицияси ушлаган. Финлей билан унинг йигирма етти ёшли опаси Чарисса патруль машинани кўриб, қочишга уринишибди, аввалига қотилликка алоқадор эканликларини инкор этишибди.

Бироқ кейинроқ бошқа полиция патрули булар иккаласи юрган йўлга яқин жойдаги истехкомда миссис Батлернинг машинасини топгандан сўнг уларга қотилликка алоқадор деб айб қўйишибди.

Уларнинг кўрсатмалари бўйича, миссис Батлер билан унинг номаълум шериги бўлган бир эркак киши буларнинг машинасини миниб ғойиб бўлишибди. Полиция радио орқали берилган маълумотга асосланиб, номаълум эркакнинг ташқи қиёфаси ҳақида аниқ бир фикрга келган».

Ўрнимдан туриб газетани ташладим-у, бўшлиққа тикилдим. Шундай бўлишига қарамасдан, ҳали ҳаммаси қўлдан бой берилган эмасди. Менинг кимлигимни биладиган яккаю ягона одам Диана Жеймс, лекин у ўлган. Яна газетани қўлга олмоқчи эдим, шу он Маделина чиқиб келди. Унинг эгнида калта энгли камзул ва нимча, оёғида нейлон пайпоқ ва шиппак. У радио қулоғини бураб, ўтирди.

Тиззамда турган газетани кўриб, сўради:

— Бирон қизиқроқ нарса борми?

— Ҳа, бор деса ҳам бўлади.

Газетани олдига ташладим:

— Ўзингиз ўқиб кўринг.

У газетани олиб, сарлавҳасига кўз югуртирди.

— О!

— Менга қаранг, — дедим. — Ўйнашингизни қўлга олишибди. «О» дейишдан бошқа гапингиз йўқми?

Маделина елка учирди.

— Сизни бундан кўркувга тушмаганим ажаблантиряптими? Ахир у мени ўлдирмоқчи бўлганди-ку. Ундан ташқари, ҳеч қачон у менинг ўйнашим бўлган эмас.

— Сизни-я? Унда бу ишга қандай қилиб аралашиб қолди, тушунсам ўлай.

— У Синтия Кеннонни севарди. Ёки сиз билганингиздай, Диана Жеймсни.

— Диана Жеймсни-я? Унда бу...

Маделина кулиб юборди.

— Тушунмаяпсизми? Севги ёш танламайди.

— Қўйинг бу гапларни.

Бошим айланиб кетгандек бўлди.

— Менинг саволимга жавоб беринг. Газетани менга узатинг, давомини ўзим ўқиб бераман. Мана бу машмашаларни мендан бошқа миллионлаб одамлар яхши билади.

— Яхши, — деди ниҳоят жувон. — Сизга ҳаммасини гапириб бераман.

Шу пайт радиодан шовқинли жаз янграб қолди. Маделина чўчиб тушиб, радио қулоғини бошқа тўлқинга буради.

Энди мунгли мусиқа янграй бошлади. Кейин жувон шиппагини ечиб ташлади-да, оёқларини чалиштирди, сигарета тутатиб, қулайроқ ўтириб олди.

— Яхши мусиқа, тўғрими? Ё сиз бундай вақтларда Дебюссини ёқтирасизми?

— Йўқ, — дедим. — Батлерни ким ўлдирган? Финлейми ё сизми?

У мусиқага қулоқ тутиб туриб:

— Мен, — деб жавоб берди.

Маделина мутлақо хотиржам эди. Унинг руҳидан ҳеч қандай ҳиссиёт: на афсусланиш, на ғазаб асоратини сезиб бўларди. Батлер ўлдирилган, уни ўз хотини ўлдирган, тамом-вассалом.

— Нима учун ўлдирдингиз уни? — сўрадим мен. — Пул дебми?

— Йўқ. Ундан жирканардим. Синтия Кеннондан ҳам. Унинг ҳақиқий исмини айтиб гапирсам эътироз билдирмасангиз керак?

Мен оз-оздан нима бўлганини тушуна бошладим.

— Демак, гапингизга қараганда, бу ерда пулнинг аҳамияти бўлмаган? Лекин сиз уни барибир олиб қолгансиз-ку?

Маделина масхараомуз кулиб қўйди.

— Сизнинг фикри ёдингиз фақат пулда. Дунёда пулдан бошқа нарсалар ҳам борлигига аҳамият бермаяпсиз. Мен бу ерда пул ҳеч қандай роль ўйнамаган демоқчи эмасман. Лекин мен фақат ва фақатгина улардан нафратланганим учун ўлдирдим, пул эса, ўлдиришимнинг сабабларидан бири бўлган, холос. Аслини олганда, у пулни банкдан эмас, мендан олган эди.

Маделинага тикилдим:

— Сиздан-а?

— Худди шундай. Улар иккаласи ҳам ўтакетган разил одамлар эди. Эрим менинг пулларимга фоҳиша ўйнаши билан айш-ишрат қилиб яшамоқчи бўлган. Ёмонмас-а, тўғрими?

Мен бош ирғадим.

— Ақлимга сиғиролмаяпман, ўлай агар. Ҳеч нима тушунганим йўқ. Бир тарафдан Финлей Диана Жеймсни севарди деяпсиз, иккинчи тарафдан, Батлер менинг пулимни ўғирлади деяпсиз, бу қанақаси? Ё сиз ақлдан озгансиз, ё мен. Газетада ёзишларига қараганда, Батлер пулни банкдан ўғирлаган.

Маделина сигаретани чуқур тортди-ю, тутунни чиқариб, унинг буралишига тикилиб қолди.

— Газетада ёзилгани мутлақо тўғри. Мен буни сизга тушунтиришга уриниб кўраман. Банкка бобомнинг бобоси томонидан асос солинган.

— Э-ҳа, шунақа денг, — дедим. — Энди тушуна бошладим. Банк сизники экан-да.

— Йўқ, — кулиб юборди у. — Мен бобомнинг бобоси томонидан асос солинган дедим, холос. Лекин унинг авлодлари, банкдаги пулга пул қўшишдан кўра, ундаги пулни совуришга устаси фаранг бўлишган экан. Банк бировларнинг қўлига ўтиб кетганига анча вақтлар бўлган. Лекин менинг отам вафотидан олдин 120 минг доллардан кўпроқ маблағга эга бўлган. Ана шу маблағнинг бир қисми менга мерос сифатида ўтган. Энди тушунгандирсиз? Эримнинг чиройидан бошқа ҳеч вақоси йўқ эди. Биз, банкдаги маблағнинг бир қисмига эга бўлганимиз боис, банкнинг вице-президенти бўлиб ишларди. У Синтия Кеннон билан қочиб кетишни режалаштиргандан кейин банкдаги пулни олволган. Пулни ҳужжатлар асосида олиши мумкин эмасди, шунинг учун ўғирлаганди. Агар уни тутишмаганда, пулни суғурта компанияси тўламаганда, банк бизга қарашли бўлган маблағни бекор қиларди-да, шу билан йўқотилган пулнинг ўрни қопланган бўларди. Шу билан ҳаммаси тугарди, излар босилиб кетарди. Мендан бўлак ҳеч ким бу ерда куйиб қолмасди. — Маделина гапдан тўхтаб, совуққина кулиб қўйди. — Эримнинг эса, бу нарса хаёлига ҳам келмасди.

Қўлимдаги сигаретани ҳам унутиб қўйибман, ёниб тугаб, қўлимни куйдирганда ўзимга келдим. Уни кулдонга босиб, Маделинага қарадим.

— Унинг ниятини билиб олганингиздан кейин нега бу ҳақда ўша куни оқшомдаёқ полицияга хабар бермадингиз? Ундан пулни тортиб олишиб, ўзини қамаб қўйишарди-ку.

— Тўғри, — жавоб берди у. — Шундай қилсам ҳам бўларди. Пичоқ бориб суякка қадалган эди. У билан ҳисоб-китоб қилгим келди. Синтия Кеннон унинг биринчи ўйнаши эмас. Ундан олдин банкда ишлайдиган Чарисса Финлей, ундан ҳам олдин бошқалар унинг қўлидан чиққан. Шу пайтгача бутун кирдикорларини чидам билан кечириб келдим. Лекин охирида менинг пулимни олиб, ўзининг фоҳишаси билан қочиб кетмоқчи бўлганлигини сезганимдан кейин мен ҳам уларни ўлдиришга қарор қилдим. Инсон ҳаётда яшашдан умиди узилгандан кейин у ҳеч нимадан кўрқмайди.

— Мен ҳали ҳам, — дедим, — бу ерда Чарисса Финлейнинг укасининг нима дахли борлигига тушунмай турибман.

— Бу сал мураккаб, — тушунтирди Маделина. — Унинг аҳволи қандайдир фожиалироқ, лекин аслида у фирт тентак. Афтидан, у манави ўзидан катта иккала аёл жиноятга қўл уради-да, пул ўзимга қолади деб ўйлаган бўлса керак.

— Барибир тушунмаяпман, — такрорладим.

Маделина кулиб юборди.

— Кечирасиз, мен яна пулдан бошқа ҳеч нарса қизиқтирмайдиган одам билан гаплашаётганимни унутиб қўйибман. Синтия Кеннон, — давом этди у. — Ҳамшира бўлиб ишлашини, етти-саккиз ойдан буён бир шол аёлни парвариш қилаётганини айтган бўлиши керак. Бу аёл Чарисса ва Жекларнинг онаси. Шундан кейин Жек Синтияни бутун вужуди билан севиб қолган. Ўзидан ўн ёш кичик бўлган йигитчага у ўзини бағишлаган-бағишламаганини билмайман-у, лекин у билан кўп вақт ишқий муносабатда бўлмагани тайин. Афтидан, йигитча унинг асабига теккан бўлса керак. Ҳар ҳолда менинг эрим билан танишгандан кейин тезда у билан алоқани узган. Мен бу ҳақда Синтия Маунт-Темпли ташлаб, Санпортга келгандаёқ билган эдим. Бир куни шанбада, эрим гўё узоққа балиқ тутгани кетганда уйимга кечқурун Жек Финлей кириб келди. У мутлақо ўзини йўқотиб қўйган эди. Нега келиб ўзининг ҳасратларини менга ёзди, билмайман, афтидан, уларни менга дoston қилиб эримни Синтиядан ажратиб олишимни айтмоқчи бўлган. Тез орада билдимки, йигитча қаттиқ руҳий азобда. У ҳафтанинг охирида кўп марталаб эримни кузатибди. Ҳатто бир сафар, уларни отелда тутиб олиб, отиб ташлашига бир баҳя қолибди.

У қўлида тўппонча билан хонага кириб борибди. Сўнгги дақиқада эшикнинг олдида ўзини тутиб қолганмиш. Унга раҳмим келиб кетди. Сен Синтия Кеннон каби бир фоҳиша деб ёш умрингни хазон қилишинг ақддан эмас деб тушунтиришга ҳаракат қилдим. Лекин гапларим у қулоғидан кириб, бу қулоғидан чиқиб кетди. Бунақа қайсар одамлар билан гаплашиб ўтиришнинг фойдаси йўқ. У эримни ўлдиришга қарор қилган эди.

— Энди сал-пал тагига етяпман, — дедим. — У йигит сиз истаган шерик бўлган экан-да. Энди унинг юрагига озгина ўт ёқишингиз қолган эди.

Маделина бошини силкитди.

— Йўқ. Айтдим-ку сизга, озгина унинг ақлини киргизиб қўймоқчи бўлган эдим. Кейин тез орада сезиб қолдимки, у билан офатижон опаси менинг пайимга тушишган экан.

— Кечирасиз, очикроқ қилиб гапириб берсангиз.

У қўлидаги тутаган сигаретадан янгисини ёндириб олди. Радиодан ҳамон мунгли куй таралиб турарди. Бу ҳолат вазиятга қандайдир мос эмасди: Маделина хотиржам, куйнинг сеҳрига маҳлиё бўлганича ўйга ботиб ўтирганича қотиллик ҳақида сўзларди.

— Мен сизга иш чигаллашиб кетди дегандим, — деди у. — Аввалига иш йигитчанинг тийиқсиз рашки билан тугаса керак, деб ўйлагандим. Лекин унинг менга берган танбеҳи ўйлантриб қўйди. Орқасидан кузатиб юрганда Синтия исми билан фамилиясини ўзгартирганини сезиб қолибди. У ҳайрон бўлибди, лекин вужудини қоплаган ҳаяжон таъсирида бунинг сабабини билмаган. Мен эса, бунинг аксича, ўйлаб, ўз кузатишларимни олиб бордим. Синтия ҳақиқатдан ўз фамилиясини ўзгартирган эди. Лекин кейин жуда катта аҳамиятга молик бўлган бошқа бир нарсани билиб қолдим. Эрим Санпортда учрашиб юрганда Синтиянинг уйига кирмаган. У анча-мунча кийим-кечак сотиб олиб, Синтияга бериб юборган. Миямда аста-секин уларнинг ниятлари ойдинлаша бошлади. Бу вақтда Жек Финлейда ҳам ғалати бир ўзгариш юз берди. Эрим унинг ҳаётини издан чиқаргани, Синтиянинг ва менинг турмушларимизни бузгани ҳақидаги ёзғиришлари энди нотабиий эшитила бошлади. У ўта рашкчи бўлиб кўринарди, лекин назаримда ўзини қўлга ола билган ва ниманидир кутаётгандай бўлиб туюлаверди.

Шундай вазиятда икки ой ўтди, шундан кейин мен нима содир бўлганлигини англаб ета бошладим. Жек опаси Чариссага дардини ёради. У укасидан кўра фаросатлироқ эди. Синтия нимага номини ўзгартирганлигини тушуниб етади. Кейин уларнинг ғазаблари менинг эримга нисбатан катта куч билан баттар аланга олади.

Мен сизга эримнинг Чарисса билан ҳам дон олишганини айтиб бергандим. Чарисса ўша банкда ишларди. Энди бунинг аҳамияти йўқ, — Маделина бир оз тўхтаб, менга қаради. Кейин: — Энди ҳаммаси сизга аён бўлгандир? — деб сўради.

— Сал-пал.

У бош силкиб қўйиб, давом этди:

— Мен Жекнинг ўзини гўё мени аҳмоқ қилгандай тутишига қўйиб бердим. У мени эрингиз иккаламизнинг ҳам ҳаётимизни хароб қилди, бу дунёда бирдан-бир мақсадим энди фақат ўч олиш, деб ишонтирарди. Эрим алақандай сабаб билан ҳафтанинг охирида уйдан чиқиб кетганда, Жек тоқатим тоқ бўлди, энди чидолмайман дерди-ю, лекин ҳеч нима қилмасди.

Кейин ўша машғум шанба ҳам етиб келди. Эрим туш пайтида банкдан қайтиб келиб, балиқ овига кетмоқчи эканлигини маълум қилди. У кемпингда керак бўладиган ашёларни машинада қолдириб, душга тушиб, кийиниб олиш учун юқорига кўтарилди. Мен эсам, одатдагидай, пастга тушдим-да, машинасини титкиладим. Пулни топдим. Пул портфелга солинган бўлиб аёлга ўраб ташланган эди. Бир ой бадалида ўз-ўзимдан кўнглимга келиб юрган шубҳаларим асослими, йўқми, бунга қандай далил бор деб ўйлаб юргандим. Мана энди, портфелни очиб, пулни кўрганимдан кейин шубҳаларим тўғри эканлигига амин бўлдим, энди ишни кечиктириш керак эмас эди.

Вақт зиқ эди. Портфелдаги пулни олиб, тезда ертўлага яширдим. Эрим портфели билан банкдан чиқиб кетганини Чарисса укасига телефонда айтади-ю, Жек зудлик билан бизникига келади — буни билардим. Жек ҳақиқатан ҳам бир зумда уйимизга орқа эшикдан кириб келди ва ўз ролини аъло даражада адо этди. Рангида ранг қолмаган, опшоқ, кўзлари телбанамо катта-катта очилган. Келди-ю, эрингиз яна балиқ овига кетмоқчилигини айтдим, деб сўради. Мен, ҳа, дедим. У, етар энди, ортиқ чидолмайман, бирон нима қилишимиз керак, деди. Шундай деб юрагимга қутқу сола бошлади. Худди шу онда зинадан эрим тушиб келаверди. Мен Жекнинг чўнтагидан тўппончасини тортиб олдим-да, эрим эшикка яқин келганда отиб ташладим.

Маделина жимиб қолди. У бошим узра узоқ-узоқларга тикилди. Унинг чеҳрасида ҳеч қандай ҳис-ҳаяжон акс этмади.

— Демак, Финлей мурдани унинг машинасида олиб кетган экан-да? — деб сўрадим.

У бошини қимирлатди.

— Ҳа. У ҳайратланарли даражада хотиржам ва чаққонлик билан ҳаракат қилди. Афтидан, ўзича ҳамма нарсани пухта режалаштиргандек эди. Бу жуда тез аён бўлди. Хизматкор уйда йўқ эди, чунки ҳар шанба куни у дам оларди. Биз энди фақат қоронғи тушишини кутишимиз керак эди, холос.

— Машинадан пул топилмаганини билишгандан кейин нима бўлди?

— Якшанба куни кечқурун улар уйимга келишди. Мен ўзимни улар нима дейишаётганини тушунмаётгандай тутдим. Улар банкда пул йўқолгани душанба куни маълум бўлишини билишарди. Ўзимни гўлликка солиб, қанақа пул ҳақида гапира-япсизлар, менинг эрим ўзи билан бунча пулни олиб юролмайди, дедим.

Улар мени ўлдирамиз деб қўрқитмоқчи бўлишди, лекин ўлдиришса, пулни ҳеч қачон топиша олмаслигини билишарди. Бундан ташқари, полицияга маълум қиламиз деб ҳам қўрқита олишмасди, чунки мени шу ишга мажбур қилган уларнинг ўзлари эди-да.

Мен пулни гулзорга кўмиб қўйдим-да, полиция уйни роса тинтиб мени кузатиб, охири ўз ҳолимга қўйишларигача кутиб юрдим. Кейин пулни олиб, учта пўлат сандиққа жойладим.

— Демак, машинани Диана Жеймснинг уйи олдига ташлаб кетган Финлей экан-да? Диана буни сиз қилдингиз деб ўйлаган экан.

Маделина аста кулиб қўйди.

— Синтия унчалик фаросатли эмасди. Лекин мени бу қадар анойи деб ўйлашига ҳам ишонмасдим.

Мен бир оз ўйга толдим. Тарозининг қайси палласига солиб қараманг, жуда пухта ўйлаб қилинган иш эди. Маделина ҳаммасини дорда қолдирганди.

«Мендан бошқаларни», дея кулимсираб қўйдим ичимда. Энди 120 минг доллар учта банкнинг пўлат сандиғида ётибди. Пўлат сандиқларнинг калити эса, менинг киссамда.

— Жуда тадбирли аёл экансиз, — дедим. — Энди иш ниҳоясига етибди.

Мен пастга тушиб, муюлишгача бордим. Эрталабки газеталар чиқибди. Биттасини сотиб олдим. Кўзимга шундай сарлавҳа чалинди.

«МИССИС БАТЛЕР ЎЛГАН. УНИНГ НОМАЪЛУМ ШЕРИГИ ҚИДИРИЛМОҚДА».

ЎН ЕТТИНЧИ БОБ

Қўлимда газета, чироқ тагида хомуш турарканман, гўё атрофимдаги ҳамма нарса ағдарилиб тушаётганга ўхшарди.

Кимдир нимадир деди.

— Нима? — дедиму қўлимдаги газетани қўлтиғимга тикдим.

Ярим миллион нусхада чоп этиладиган ушбу газета куёш нуридай бутун штат бўйича тарқалади-ю, биров кўриб қолмасин дегандай уни яширишимни қаранг. «Шериги қидириляпти». Йўлга тушдим. «Чопмаслигим керак, — деб ўйладим. — Бошқалар эътиборини тортмай, аста юришим лозим».

— Ҳой! Қайтимингизни олинг. Мистер, олинг пулингизни.

Бу газета сотувчи боланинг овози эди. Нега энди эликдан ошган эркакларни шундай деб аташаркин-а?

— Э-ҳа. Раҳмат.

Мен пулни чўнтагимга солдим.

Чироқ тагида кўп туриб бўлмайди. Манави киши мени маст ёки телба деб ўйлади, шекилли, тикилиб қаради.

Кулги овози қулоғимга чалинди. Маделинани полициядан яширганим учун 120 минг доллар тўлаши керак, лекин уни энди полиция қидирмайди. У ўлган. Полиция мени қидиряпти.

Нимадир қилиш керак. Газетани ташлаб юборсаммикин? Менга маст деб тикилиб турган манави кишининг кўз ўнгида-я?

Машинамга лоқайдлик билан кўз ташладим. Ёнгинамда турибди. Машинага ўтирдим-у, дуч келган тарафга йўл олдим.

Чорраҳага етганда ўннга бурилиб, соҳил тарафга қайдадим. Тезда кўзим машина қўядиган жойга тушди. Бориб машинани ўша ерга қўйдим. Ҳали кун ёруғ эди. Машинада яна жиндай ўқисам бўларди.

Лекин газетани ёзмаёқ уни ўқишимнинг ҳожати йўқлигини тушундим. Ҳаммаси равшан эди. Шунга қарамасдан барибир ўқидим.

Вазият мен ўйлагандан ҳам баттар эди. Шубҳаларим бекорга эмаслиги маълум бўлди. Лекин гап фақат бундагина эмасди. Улар Диана Жеймснинг мурдасини топишибди. Шерифнинг ёрдамчиси эса ниҳоят ўзига келибди.

«Ҳа, бу аёл миссис Батлернинг ўзгинаси эди, — дебди у. — Мен унинг юзини чироқ билан ёритиб кўрдим. Худди шу пайтда бир йигит орқамдан келиб бошимга зарб билан туширди».

Бу икки аёл бир-бирига унчалик ўхшамасди. Лекин уларнинг бўйлари барабар, иккаласи ҳам қорасоч, ёшлари, қиёфалари ҳам бир хил эди. Агар тиш докторига мурожаат қилишса, бу борада унинг ёрдам бериши амри маҳол. Лекин бунга эҳтиёж қолмаганди. Шерифнинг ёрдамчиси уни яхшилаб кўриб олган. У уйдан чиқмаётган, аксинча, уйга кираётган эди. Ўқ овози эса уни уриб йиқитгандан кейин эшитилган. Диана Жеймс у ҳушсиз ётганда орқа ҳовлидан кириб келган. Биронта одам унинг бу ерда бўлишини тахмин қилмаган, чунки унинг бу шаҳардан кетганига олти ой бўлган эди. Шу пайтгача ишни пухта қилдим. Энди, Маделина яшириниб оладиган бўлса, мени шу заҳоти тутишади, ундан кейин ҳаммаси тамом.

Ўзимни ёмон ҳис эта бошладим, пешонамдан совуқ тер чиқиб кетди. Барибир ўзимни зўрлаб бўлса ҳам давомини ўқидим. У ёғида менинг қиёфам тасвирланарди. Тасвирлаганда

ҳам жуда қойилмақом эди. Қиёфамдаги бирон-бир белги малласоч хонимнинг эътиборидан четда қолмаганди.

Мен сўнги сатрларни ўқидим:

«Унинг башараси менга танишдек туюлди, — дерди Чарисса Финлей, — қаердадир ўзиними, расминими кўргандекман».

Кўлларим қалтираб, сигарета тутатдим. У менинг шўримни қуритиши мумкин. Қиз ҳар дақиқада эслаб қолиши эҳтимолдан холи эмас. Буни мен полиция эшигимни тақиллатиб келган-дагина билишим мумкин.

Ўзимни қўлга олишга уриндим. Эҳтимол, ҳали бирон иложи бордир. Балки, эслолмас. Ҳали эслолмаган экан, бу ҳақда ўйлаган сари, ишончи орта боради. Беш йил муқаддам спорт газетасининг бир саҳифасида суратим босилган. Ўшандан кейин газетада юзлаб футболчининг расми босилиб чиқди. Фурсатни қўлдан бермаслигим, таслим бўлмаслигим керак. Лаънати, шундоққина қўлимга тушиб турувди-я. Энди шунча бойликни қўлдан чиқариб юбориш ҳақида ўйлаганимда, нафасим бўғилиб, қорнимда оғриқ туряпти. Яна бир неча кун кутиб туриш керак. Энди уни қидиришмаяпти. Унга бир нечта кўйлак сотиб олиш, сочларини бошқача қилиб тараш керак. Ишни тезлаштириш учун бирон сабаб ўйлаб топишим лозим. Икки-уч кун газетани Маделинанинг қўлига бермаслик керак.

Юзларим буришиб кетди. Радио-чи?

Исталган пайтда янгиликларда айтиб қолиши мумкин. Буни ўйламаганимни қара-я? Ахир, ҳамма нарсани ҳам олдиндан назарда тутиб бўлмайди-ку. Моторни юргизиб, машинани учириб кетдим. Дастлабки муъолишдаёқ газетани ойнадан улоқтириб юбордим. Иккинчи чорраҳада машинани буриб, уйга шошилдим.

Менимча, Маделина бу гаплардан хабардор бўлса ҳам керак. Йўғимда кундузги эшиттиришда радиодан берилган бўлиши мумкин. Буни қандай қилиб билсам экан? Лекин у билса ҳам айтмаслиги аниқ.

Йўқ, айтиши керак. Ахир мен унинг сумкасидан олган учта калит менда-ку. Буларсиз у пулларни ололмайди. Ундан ташқари, яна баъзи нарсалар ҳам бор эди.

Унинг тириклигини биладиган яккаю ягона одам мен эдим.

Эҳтимол, мени ўз йўлидан олиб ташлаш учун бирон ҳийла топиб ҳам қўйгандир.

Унинг калласига ҳар қандай фикр келиши мумкин.

Уйимнинг олдига яқин ерда машинани қўйдим-да, уйга шошилдим. Зиналардан деярли югуриб чиқдим. Меҳмонхонада

ҳеч ким йўқ. Радио ўчирилган. Уйга кириб эшикни кулфладиму, энгил нафас олдим. Шу пайтгача сукунатдан бунчалик ором олмаган эдим.

У ёқ-бу ёққа аланглаб, Маделина қаерда экан деб ўйладим. Ҳозироқ бир нарса ўйлаб топиш керак. У ухлашга ётгунча кутиб туриб бўлмайди. Шу билан бирга таваккал қилиб ҳам бўлмайди. Тўсатдан кириб ниятимни сезиб қолиши мумкин. Шу он ваннахонада сув шалоплаётганини эшитдим.

Йўлакнинг эшигига келдим. Эшик очиқ. Ваннахонанинг эшиги эса ёпиқ. Маделинанинг секин хиргойи қилаётганини эшитдим.

— Ваннадамисиз? — деб сўрадим.

— Ҳа, нимайди? — деган жавоб эшитилди.

Ваннахонанинг эшиги қия очилиб Маделина мўралади. Елкасида сочиқ, сочларидан сув томчилаб турарди. Сочининг ранги ўзгаргани энди билинди, у оч сарғиш рангга кирибди.

— Бугун радиони эшитдингизми, йўқми, деб сўрамоқчи эдим.

Унинг юзларидан бирон маънони уқиб олиш амри маҳол эди. Калласини сарак-сарак қилди:

— Нимайди?

— Шерифнинг ёрдамчиси ҳушига келибди, — деб жавоб бердим-у, оғзимга сигарета тикдим. — Улар Диана Жеймснинг жасадини топишибди.

— Шунақа денг-а? Ҳа, буни кутса бўларди.

— Ҳа, — фикрига қўшилдим. — Кулгили жойи шундаки, аввалига улар буни сизнинг жасадингиз деб ўйлашибди.

— Ростдан-а? — сўради у. — Лекин биз иккаламиз умуман бир-биримизга ўхшамаймиз-ку. У... — Маделина бироз тўхтаб ўйланқираб турди-да. — Ҳа, бўлиши мумкин. Бу олов...

Унинг ўзини тута билиш қобилиятига қойил қолмасдан иложим йўқ эди. Агар муғамбирлик қилаётган бўлса, буни жуда қойилмақом қилиб ўринлатаётган эди.

— Тўғри. — дедим, — ўша шерифнинг ёрдамчиси сизни таниган ва бошқа кимдир ўқ овозини эшитибди. Шунинг учун мурдани топишганда уни сиз деб ўйлашибди. Кейин унинг қўлидаги соатда номи ўйиб ёзилганини кўришибди.

— О! — ҳаяжонланиб кетди Маделина.

Бунинг шу сўзиданоқ кўп маънони уқиб олиш мумкин эди. Бундан ҳамма гапингизга ишондим ёки радио орқали берилган ахборотдан бор гапни билиб олдим, деган маъно ҳам чиқарди, бу билан менинг устимдан ичида кулаётган эди.

— Илтимос, газетани ташлаб кетинг, — илтимос қилди у.
— Чўмилиб бўлганимдан кейин ўқиб чиқаман.

— Эсдан чиқиб, бир жойда қолдириб келибман, — дедим.
— Лекин бундан бошқа тилга оладиган янгилик йўқ.

Маделина елкасини қисиб қўйди-да, эшикни ёпиб олди.

У ерда яна бир неча дақиқа бўлса керак. Бу қулай пайтдан фойдаланиб қолиш керак. Ошхонага кириб, столдан пичоқни олдим. Кейин ётоқхонанинг столида турган радиоприёмникнинг вилкасини розеткадан суғурдим. Сўнг тезда радионинг орқасини очиб, ичидаги симни қирқдим. Унинг орқасини яна ёпиб қўйдим. Вилкани розеткага тиқиб, радиони жойига тўғрилаб қўйдим. Пичоқни эса, ошхонага обориб ташладим.

Орадан ўн дақиқалар ўтиб Маделина бошини сочиқ билан ўраб олганча лабида сигарета билан ваннахонадан чиқиб келди.

— Сал оро берганимдан кейин сочларим жудаям хунук бўлиб кўринмаса керак, — деди у. — Ранг яхши чиқди. Кўрдингизми?

— Ҳа, — дедим.

— Қизик. Одам боласининг ташқи қиёфаси ўзгариши қанчалик катта аҳамиятга эга экан-а. Мен ўзимни мутлақо бошқа одам ҳис қиляпман. Гўё Маделина Батлер энди йўқ, у ўлгандек.

Ажаб, бу билан у нима демоқчи бўляпти? Эҳтимол, бирон нимани назарда тутмаётгандир-у, шу билан бирга менга босим ўтказмоқчи бўлаётган бўлиши ҳам мумкин. Бир нарса кундай равшан: бу аёл ниҳоят даражада хавфли. Бирга бўлган шу қисқа вақтимизда бунга ишонч ҳосил қилиб бўлдим.

— Хуллас, энди биз нимани истаган бўлсак, шунга эришдик, — дедим. У ўтирди, стулга суяниб олди-да, приёмникнинг мурватини буради. — Қани, қандай янгиликлар бор экан, эшитиб кўрайлик-чи.

Радио қизиб кетди-ю, бирдан ундан тутун чиқа бошлади.

— Ҳой! — деб юбордим. — Ўчиринг! Бу лаънати ёниб кетяпти.

У радиони ўчириб, ҳайрон бўлиб менга қаради.

— Қизик бўлди-ку, — деди жувон. — Яқингинада яхши ишлаб туравди.

— Қисқа тутатиш рўй берган бўлса керак. Эртага устахонага обориб тузаттираман.

— Тузатишга кўп вақт кетадимми?

— Икки-уч кун кетса керак.

— Шунча кун-а?

— Уни тузатгунча прокатга биттасини олиб туролмай-сизми? Ё янгисини сотиб олинг.

— Нега энди? — дедим. — Наҳотки радиосиз икки кун чидаб туrolмасангиз?

— Гап шундаки, — жавоб берди у. — Мен радиосиз ўзимни мутлақо яккаланиб қолгандай сезаман. У ёқда нималар бўлаётганидан беҳабар қоламан.

— У ёқдаги ҳамма гапни ўзим сизга етказиб тураман. Газеталардан ўқиб, билиб турасиз.

Шундай бўлгач, керакли маълумотлар қўлига тушмасликнинг олдини ўзим олиб тураман.

Яна уни гапга солиб, бирон нарсадан хабардор эканлигини билмоқчи бўлдим, лекин қиёфасидан ҳеч нарсани англаб бўлмасди. Мен унинг гўзал, лекин сирли чеҳрасини ёмон кўриб кета бошладим. Ундан бирон маънони мутлақо англаб бўлмас эди. Эҳтимол, ичида менинг устимдан кулаётгандир. Қулай пайтни топиб, мени ўлдирмоқчи бўлаётгандир ҳам.

Агар нияти шундай бўлса, уклашимни кутади. Агар ўлдирадиган бўлса, осонгина ниятига эришиши мумкин. Чўнтагимда пуллар сақланаётган пўлат сандиқларнинг калити турибди. Мен бўлсам, унинг ҳамон тириклигини биладиган яккаю ягона гувоҳман. Мени ўлдириб юбориб, пулни олиш қолади, холос. Кейин хотиржам бўлиб олиб, тўрт томони қибла, самолётга ўтириб, хоҳлаган жойига бемалол кетаверарди.

Одам бунақа хаёлларга бораверса, ақдан озиши ҳеч гапмас.

Полиция уни мени ўлдирган деб ҳисоблайди. Аслида эса, Маделина мени гумдон қилиб, бир юз йигирма минг доллар билан ройиб бўлади, уни ҳеч ким қидирмайди.

Маделина Батлери ҳеч ким қидирмайди. Чунки у ўлган. Сузи Мемблини эса биров билмайди, чунки у мана шу хонадонда дунёга келган, унинг борлигига бирон кимса шубҳаланмайди ҳам.

Энг асосийси — унинг ўзи бу ҳақда билармикан?

Ўзини бундай ўзгартириш фикри, эҳтимол, унинг калласига подвалда Диана Жеймсининг юзига чироқ тутган онда келгандир. Эҳтимол, ўшанда дақиқанинг қандайдир бир сониясида, кўп нарсалар унга аниқ-равшан бўлгандир.

Лекин ўша вақтда ҳаммасини енгиб, фолиб бўлиб чиқаман деб ўйлаганмикин? Диана Жеймсининг қўлидаги соатда номи ўйиб ёзилганини билганмиди? Буни қаердан биларди у? Ҳар эҳтимолга қарши мен бу омилларнинг ҳаммасини эътиборга олиб қўйишим керак. Маделинанинг қўлидан ҳамма иш келади. Балки ҳамма нарсани майда-чуйдаларигача эсида олиб қолгандир ва улардан хулоса чиқариб олгандир. У газетанинг йўқолиши-ю, радионинг тўсатдан бузилиб қолиши сабабини жуда яхши билади.

Энди у бор гапни мендан олдинроқ билган бўлиши эҳти-моли қолди. Агар шундай бўлса, тамом.

Худди шу нарса миямдан узоқ вақт кетмади. Агар у бу борада бирон нимани билган бўлса, уни кўздан қочирмас-лигим, агар билмаган бўлса, билдирмасликка ҳаракат қилишим керак. Маделина мана шу хонада икки ё уч кун, ҳатто ундан ҳам кўпроқ туриб газета кўрмаслиги керак. Ҳар ҳолда, шов-шув босилгунча.

Бу мен пулни олиб яширинишим учун яна кутишим керак деган сўз эди. Бу кутиш соатлари яна қанчага чўзилади? Чарис-са Финлей менинг ким бўлганимни ҳар дақиқада эслаб қолиши мумкин.

Буни эслаб, этим жимирлашиб кетди. Агар мен соатлаб эшик тақиллашини кутиб ўтираверадиган бўлсам, буни кўта-ролмаيمان, ақлдан озишим турган гап. Исми шарифим теле-фон дафтарчасида ёзилган. Полиция тўғри келади-да, ҳибсга олади-қўяди.

Улар Чариссани роса айлантиришади. «Уни қаерда кўрган-сиз? Қайси расмда? Яхшилаб ўйлаб кўринг. Эҳтимол газетада кўргандирсиз? Масалан, қачон? Эслашга урининг. Баланд бўй-ли, бақувват йигитмиди? Эҳтимол, боксчидир», деб ҳол-жонига қўйишмайди. Унга бир нечта боксчиларнинг суратларини кўрсатишади. «Эҳтимол, у футболчидир», дейишади.

Биз энди кутолмаймиз. Бу ердан кетиш керак. Иложи бўлса, эртага эрталабданок у билан банкка бориш шарт. Мен қора кўзойнак тақиб оламан-да, машинада ўтираман, у бўлса, бориб пулни олиб чиқади.

Жойимда ўтиролмай қолдим. Ўрнимдан туриб, икки қадах-га ичкилик қуйдим. Унга режани ўзгартирдим, дейман. Ўзимни шундай тутайки, Маделина зоҳиримдан ҳеч нимани сезмасин.

Хонага кириб, қадахнинг бирини унга тутдим. Унга нима дейишимни хотиримда жамлаган эдим ҳамки, у менга ўйлан-қираб қаради, кейин қовоғини уйиб деди:

— Биласизми, сиз яқинда пўлат сандиқларни қандай исму шариф билан ижарага олгансиз деб сўрагандингиз?

Мен қадахни энди бўшатмоқчи бўлиб кўтарганимда унинг овозидаги қандайдир оҳангдан сергак тортдим.

— Ҳа, — дедим. — Нимайди?

У бир оз тўхтаб, кейин жавоб берди:

— Нима дейишимни ҳам билмай қолдим. Анча вақтдан буён ўйлаб юрибман. Қанча ўйласам, шунча чалкашиб кетяп-ман. Албатта, ўша номлар, исми шарифларни ёзиб олгандим...

— Бу билан нима демоқчи бўляпсиз? — деб сўрадим.

— Исмү шарифларни мен...

— Фақат уларни унутиб қўйибман деб мени ишонтиришга уринманг, — огоҳлантирдим. — Яқингинада жуда ҳам яхши эслагандингиз.

Маделина бошини қимирлатди.

— Йўқ, йўқ, гап бунда эмас. Исмү шарифлар ҳаммаси эсимда. Учта банкда учта исмү шариф ёзилган. Ҳозир қайси банкда қайси исмү шариф ёзилгани ёдимда йўқ.

Маделина, афтидан, хаёлимдан кечган нарсаларни уққанга ўхшарди. Қадаҳни қўлимда тутганча унга тикилиб қолдим.

ЎН САККИЗИНЧИ БОБ

Нимани ният қилганикин? Қўрқиб кетдим, буни билганим йўқ, шу топда биладиган ҳолда ҳам эмасдим.

Эҳтимол, радиони эпитгандир. Ўзимни йўқотиб, эсанкираб қолиш даражасига етказиб, ташлаб қочишимни хоҳлаганмикин? Лекин бундан унга нима манфаат бор? Калитни олиб қочиб кетадиган бўлсам пулни ололмайди-ку. У бу қадар аҳмоқ эмас.

Балки, ўзини ҳеч нарсадан беҳабардек тутиб, менинг роса азобланишимни ва қийнала-қийнала ухлаб қолганимда бир ёқди қилишни хоҳлаётгандир. Шундай бўлса ҳам кўп кутишимиз мумкин эмаслигини, полиция изимизга тушиб, менга қўшиб уни ҳам тутиб олишини яхши биларди. Узоқ кутиш менга ўхшаб унга ҳам хатарли эди. Йўқ. Бу ҳол мендан ҳам унга хавфлироқ. Чунки полиция ҳали унинг тирик эканлигини аниқлайди, кейин мени эмас, уни қотилликда айблайди.

Эҳтимол, у буни яхши билар, лекин ўзини ниҳоятда хотиржам тутарди, худди мана шу хотиржамлик билан таваккал қилишга жазм қилган эди. Балки, хавотир ва қўрқув аралаш асабий таранглиқдан кўчага чиқишга юраги бетламаётгандир. Пўлат сандиқнинг калитини беринг, пулни шу ерга олиб келаман деса, кўна қоладиган аҳмоқ деб ҳисоблаётганмикин мени?

Иккита нарсага ишончим комил эди.

Биринчиси, исмү шарифларни мутлақо чалкаштириб юбормаган. Иккинчидан, ҳар қандай ҳолатда ҳам ўзимнинг ташвишга тушиб қолганимни сездирмаслигим керак.

Вискидан бир қултум ютдим.

— Энди менга диққат билан қулоқ солинг, — дедим. — Агар мени лақиллатаётган бўлсангиз, нима бўлишини огоҳлантиргандим. Эсингиздами? Нимани мўлжаллаяпсиз?

— Нимани бўларди? — деди аччиқланиб жувон. — Эслашга ҳаракат қиляпман. Бир неча соатдан бери бошимни қотириб ўтирибман.

— Яна қанча вақт бош қотирмоқчисиз?

— Қаёқдан билай?

Мен сигарета тутатдим.

— Бунинг иккита йўли бўлиши мумкин, — дедим. — Биринчиси, башарани кўкартириш. Бўйнингизни чангаллаб, юзингиз кўкариб кеттунча бўғаман. Кейин эслаб гапиришингиз учун сал бўшатиб ҳаво юттираман. Бу кислороддан душ бериб, мияни жойига келтирадиган ўзига хос усул.

— Ҳақиқатан ҳам яхши усул экан, — совуққонлик билан деди у. — Демак, мен банкка тўппа-тўғри кириб бориб, фалон одам банкингиздаги пўлат сандиқни ижарага олганми, деб сўрашим керак. Шундайми? Банкда бунақа маълумотлар берилмаслигини яхши биласиз-ку.

Мен бош ирғаб, маъқулладим.

— Албатта, сиз буни қандай амалга ошириш кераклигини мендан кам билмайсиз. Сиз Учинчи миллий банкка телефон қилиб, мен миссис Гарри Карстерсман, ёдимдан кўтарилибди, банкингиздан ижарага олган пўлат сандиқнинг ижара муддати қачонгача эди, текшириб кўрсангиз, деб илтимос қиласиз. Улар текшириб кўришади-да ё июль ойигача деб айтади, ё бунақа одамнинг банкимиздан пўлат сандиқ ижарага олгани ҳақида бизда маълумот йўқ, деб жавоб беришади. Шундан кейин узр сўрайсиз ва эрим бошқа банкдаги пўлат сандиқни ижарага олибди, дейсиз. Кейин бошқа банкка қўнғироқ қилиб, мана шундай савол-жавоб қиласиз.

Маделина маъқуллади.

— Тушундим. Агар миссис Карстерснинг омади чопса, ҳаммаси кўнғилдагидек бўлади. Шундан кейин бошқа банкка қўнғироқ қилиб, миссис Хэтс ёзган миссис Мэнни сўрайман. Жавоб қандай бўлишидан қатъи назар биз ҳаммасини билиб оламиз. Дейлик, миссис Карстерснинг омади юришмади, иккинчи банкдан ҳам шунга ўхшаган жавобни эшитдик. Унда бу одам Учинчи Миллий банкдаги сандиқни ижарага олганлигини билиб оламиз. Лекин кейинги икки банкдан қайси исм шарифлар ижара қилинганлигини билмаймиз. Демак, банклар билан савол-жавоб қилишни давом эттираемиз. Хуллас, банкларга жудаям кўп қўнғироқ қилиб юбормаяпмизми? Банклардан ижарага олинган пўлат сандиқлар сохта исм-шарифлар номидан ижарага олинганлигини унутманг, мен

уларга ташқи қиёфамни, шахсимни ўзгартирганман, чунки мени полиция ҳамма жойда қидириб юрибди, ҳамма газеталарда расмим эълон қилинган, деб айтолмайман-ку. Мен банкка келишда эътиборни тортадиган ҳар қандай ҳолатдан нари юришим керак.

Ҳа, у тўғри гапираётган эди. У ҳамма вақт ҳақ бўлиб чиқарди. Ахир уни ростдан ҳам полиция қидираётган эди-да.

— Тўғри, — дедим. — Ўзингиз ўйлаб кўринг. Сизда биттага қарши иккита имкониятингиз бор. Шулардан Карстерс исму шарифига қилган иккита кўнғироғингиздан биттаси омадди бўлиши мумкин. Наҳотки, сиз бир уриниб кўришни ҳам истамаётган бўлсангиз? Ундай бўладиган бўлса, сизнинг мутлақо имкониятингиз қолмайди.

— Ҳадеб мени кўрқитаверишни бас қилинг.

Мен дивандан туриб унинг олдига яқинлашдим. У бошини кўтарди. Кўзларимиз тўқнашди.

— Мана шу пулни деб жонимни жабборга бериб кўп хатарли ишларга қўл урдим. Энди ишнинг барбод бўлишига йўл қўймайман, — дедим. — Менга бунақа ҳазил кетмайди.

Мен унинг бўйнидан бўғдим. У қаршилиқ қилиш бефойдалигини билиб, индамай турди. Унинг кўзлари менга совуқ ва нафрат билан боқарди.

Уни шунчаки кўрқитиб қўймоқчи бўлган эдим, лекин ўзимни қўлга ололмай қолдим. Бу алвастининг бурнимдан ип ўтказиб юришига йўл қўёлмасдим.

Хона кўз олдимда айлана бошлади. Маделинани ёмон кўрардим, уни ўлдиргим келди. Қўлим қалтирарди, унинг хириллаётгани қулоғимга кирди.

Сўнги дақиқада ҳушимни йиғиб олдим. Идроким вақтида қўлимни унинг бўйнидан олишимга мажбур қилди. Ўрнимдан турдим-да, қўлларимнинг қалтироғини босишга ҳаракат қилдим.

Э худо, менга нима бўляпти? Ақлдан озишимга бир баҳя қолди, сал бўлмаса бўғиб ўлдириб қўярдим. Агар қўлга туширишса мени бир нарса сақлаб қолиши мумкин. Бу ҳам бўлса, Маделинанинг тириклиги. Агар уни ўлдириб қўйсам, пулни тушимда ҳам кўрмайман.

Кўрқиб кетганимни унинг ўзи ҳам сезган бўлиши керак. Ўгирилиб, сигарета тутатдим. Маделина туриб ўтирди.

Мен ўзимни қўлга олдим.

— Энди эслагандирсиз? — сўрадим.

Маделина оғир-оғир нафас олар, жим эди.

— Бу сизнинг савол бериш учун ишлатадиган яккаю ягона усулингизми? — деб сўради у ниҳоят.

— Шундай бўлса керак, — жавоб бердим. — Ўйлаб кўринг. Эҳтимол, энди эслagan бўлсангиз керак.

— Мен ҳали ўйлашим керак. Нега бунчалик шошқалоқлик қиляпмиз. Ҳали олдимизда бир ой бор-ку, тўғрими?

Фикримдан қайтдим. Полициянинг бурни тагида ўтириб-миз. Бу ерда туришим менга жуда хавфли.

— Демак, суратларим ҳамма газеталарда босилиб турганига қарамай кўчада юришим керак экан-да? Сиз эсингизни еб қўймадингизми?

— Мен сизга бу ердан тезроқ жуфтакни ростлаб қолиш ҳақида гапиряпман, холос.

— Унда сизга орадаги келишувимизни эслатиб қўйишим керак, мистер Скарборо, — деди Маделина хотиржамлик билан. — Сиз мени бу ерда камида бир ой яшириб ўтиришингиз керак эди.

— Қулоқ солинг, — дедим дағдаға билан. — Сизга айтдим-ку...

У яна мени қайсарлик билан ақддан озиш даражасига келтирмоқчимми? Бирдан анув хонимчанинг: «Пул сизга тегмайди. Ким билан иш тутаётганингизни ҳалигача билмабсиз, шекилли. Бу иш бирингиз бирингизни ўлдириш билан ниҳоясига етади», деган гаплари ёдимга тушди.

Яхшиси, ҳозироқ ўрнимдан туриб уйдан чиқиб кетсам-микан, бўлмаса уни ўлдириб қўяман, деб қўйдим.

Лекин қаёққа бораман? Штатдаги ҳамма полициячилар қандайлигимни, бутун қиёфамни жуда яхши билишади, ҳам-малари искович итдай изғиб юришибди.

Шу ерда қолиб, Маделинанинг менга совуқ, сирли ва масха-раомуз назар ташлаб туришини кўз олдимга келтириб ўтириш-дан бошқа иложим йўқ эди.

Ҳа, Чарисса Финлей мени қаерда кўрганини эслайди-ю, полиция қачон эшик тақиллатишини дақиқа сайин кутиб ўтиришим керак энди. Бундан ташқари, манави алвасти очиш-ни истамаётган учта пўлат сандиқдаги пул дасталарини ўйлай-ўйлай оз-оздан ақддан озиб ўтиришим ҳам зарур эди.

Батамом ақддан озмаслик учун яна қанча чидаркинман?

Орадан бир оз вақт ўтгандан кейин Маделина ухлагани ётоқхонага кириб кетди.

Мен қаҳва қайнатарканман, китоб жавонидаги электр соати миллари қандай сурилаётганини кузатиб турдим. Кулдон

тўлиб кетган, хонада кўкимтир тутун буралиб-буралиб айланарди.

Асабларим роса таранглашгунча жим ўтирдим-да, кейин ўрнимдан туриб, хонада у ёқдан-бу, ёққа юра бошладим. Шаҳарда қаердадир полиция машиналарининг сирена чалиб ўтганини уч ё тўрт марта эшитдим. Бу машиналар менинг олдимга келаётганда сирена чалмаслигини билсам ҳам ҳар сафар унинг овозини эшитганимда нафасимни ичимга ютиб турдим. Улар аста келишади. Баъзи бирлари кўча ва орқа эшикда туриб олишиб, кейин эшикни тақиллатишади.

Энг даҳшатлиси — лифт. У хонамнинг эшиги олдидан атиги бир неча қадам нарида. Лифт бизнинг қаватда тўхтаб, унинг эшиги очилиб-ёпилиб турганини эшитаман. Бир маҳал қарасам, бутун диққатим билан лифтнинг ҳаракатига қулоқ соляпман. Мен ўтирганча нафасимни ичимга ютиб турдим. Ҳақиқатда лифт тўхтаб эшиги ёпилди. Бутун диққатимни қадам товушларини эшитишга жамладим.

Лекин қадам товушлари эшитилмади: йўлакка қалин гилам пойандоз ташлаб қўйилган. Орага сукунат чўқди. Бу менга кучли ҳайқириқдай таъсир қилди.

Улар қай томонга қараб кетишди экан?

Кутиб, қадамни санаб турдим.

Кўп қадам ташлашдимми? Ўн иккитами ўн бештами? Нафасимни ютиб, эшикнинг тақиллашини кутарканман, юрагим бир нимадан қаттиқ сиқа бошлади. Асабларим эса унга сайин таранглашарди. Ўн. Ўн беш... ўн тўрт... ўн етти... Йигирма...

Қадамлар бошқа тарафга ўтиб кетди.

Ўзимни ёмон сеза бошладим, пешонамдан совуқ тер чиқди. Сигарета қўлимни куйдирди. Ниҳоят бир оз ўзимга келдим. Кейин яна қулоқ сола бошладим.

Тонг отди. Бугун жума. Бугун охирги имконият, кейин душанбагача кутишга тўғри келади. Ёз ойларида банклар шанба куни ишламайди.

Маделина ётоқхонадан нимча ва калта камзулда чиқиб келди. Сарғиш сочлари тарам-тарам бўлиб, елкасида ёйилиб ётарди.

— Ҳаво жуда яхши, тўғрими? — кулимсиради у.

— Ҳа, — дедим. — Жудаям яхши, исму шарифлар нима бўлди?

— Юзларим озгина қорайибди, сездингизми?

Мен унга тикилиб қарадим.

— Юзингизни қўя тулинг!

У қошини чимирди.

— Афтидан, кайфиятингиз яхшига ўхшамаяпти. Уйқуга тўймадингизми?

— Уйқуга яхшигина тўйдим, — жавоб бердим. — Аввал саволимга жавоб беринг. Исмү шарифлар нима бўлди?

— Жаҳлингиз чиқмасдан олдин менга бир пиёла қаҳва берарсиз балки?

У ошхонага кириб, бир пиёла қора қаҳвага виски қуйиб ичиб олди.

Мен унинг рўпарасига ўтирдим.

— Банкка қўнғироқ қиласизми? — деб сўрадим.

— Агар бошқа иложимиз бўлмаса. Аввал мен яхшилаб ўйлаб олишим керак.

— Қанча кўп ўйласангиз, шунча чалкашиб кетишингизни билишингиз керак.

Маделина бош силкиди.

— Йўқ. Исмү шарифларни алифбо бўйича ёзганимни эсладим. Карстерс, Мэннинг, Хэтс. Энди банкнинг номларини қандай ёзганимни эслашим керак. Мен кирганимдаги тартибда турибдимикин? Гоҳо ўша ёзувни хаёлимда жонлантиряпман.

— Қаерда у? — деб сўрадим.

Маделина елка қисди.

— Уйда қолибди. Олиш эсимдан чиқибди.

— Эсимдан чиқибди?

— Камчиликсиз одам йўқ, — деди у. — Ҳатто буюк мистер Скарборо ҳам кеча сотиб олган газетасини эсдан чиқариб қолдирган.

Яна пичинг. У ҳаммасини яхши билади, фақат менинг устимдан куляпти, холос.

Стул устидан унга энгашдим.

— Томоша кўрсатишни бас қилинг. Сиз мени майна қиялпсиз.

— Ҳечам-да. Буни роппа-роса бир ойдан кейин, албатта, эслайман.

Мен ғазаб билан унга тикилдим. Башарасига тарсаки тортиб юбормоқчи ҳам бўлдим. Лекин ўзимни қўлга олиб, ўрнимдан турдим.

— Менимча, — деди у, — бугун сиз радиони устага олиб бормоқчи эдингиз шекилли?

Мен радиони кўтариб, уйдан чиқиб кетдим. Баъзан одам тушида минглаб томошабинларнинг олдига саҳнада яланғоч чиққанини бирдан сезиб қолади. Кўчага чиққанимда мен ҳам

худди шундай ҳолга тушган эдим. Менинг аҳволим фақатгина яланғоч эмас, ҳатто терим ҳам шилиб олингандай эди.

Машина томон ўзимни югуриб кетишдан зўрға тийиб, аста одимлаб кетдим. Машинага ўтирганимдан кейингина сал асабларим бўшашди.

Муюлишда бир киши газета сотарди. Тўхтаб, сигнал бердим, юзимни бурмай, беш цент узатдим. Машина ойнасидан менга газета тутқазди. Ҳозир уни ўқийдиган вақт эмас. Шаҳардан чиқиб, денгиз соҳили томон кетдим. Қуёш мўл нур сочиб турган ажойиб кун. Қирғоқдан сув сачраб турибди.

Йўлда машина кам учради. Машинани йўлдан буриб дўнгликлар орасида тўхтатдим. Ўша ерда худди кўзимга соат механизми ўрнатилган бомбадек кўринган газетани очдим.

Саҳифаларни варақлай бошладим.

Шундай сарлавҳага кўзим тушди:

«Сирли қотил қидирилмоқда».

Мақолада Чарисса Филей берган кўрсатмалардан бошқа деярли биронта янги гап йўқ эди. Миссис Батлер билан менинг уйига қайтиб келганмишмиз, пулни олгандан кейин уни ўлдирганмишман-у, изни йўқотиш учун уйга ўт қўйиб юборганмишман.

Уларнинг шундай ўйлашлари аниқ.

У ёқ-бу ёққа қараб олдим. Ҳеч ким кўринмади.

Машинадан чиқиб, радиони қўлимга олдим-у, дўнгликлар орасига кириб кетдим. Кейин радиони буталарнинг ичига улоқтириб юбордим.

— Эй, мистер! — деган янгроқ овоз қулоғимга кирди. — Нега радиони ташлаб юбордингиз?

Ўгирилиб қарадим. Буталар орасидан қўлида пневматик милтиқ ушлаган ўн-ўн икки ёшли бола чиқиб келди.

У радионинг олдига келиб, уни ердан олди.

Мен гарангсиб қолдим. Қаердан пайдо бўлди бу тирранча? Кейин буталар ичида мендан ўн метрлар нарида яна бир болакай пайдо бўлди. Унинг ҳам қўлида пневматик милтиқ бор эди.

— Ҳов, Эдди! — деб қичқирди биринчи бола. — Буни қара, радио. Манави киши ташлаб юборди.

— Мистер, олсак майлими?

Мен титраб-қақшаб нима деб жавоб беришимни тасаввур қилдим. Сўзларим томоғимда тиқилиб қолди. Шунақа ҳам аҳмоқлик бўладими!

— Бузилган, — дедим охири. — Ишламайди.

— Нега тузатишга бермадингиз!

— Нима ишларинг бор? Жўналаринг, тирранчалар.
Қарасам, бақиряпман. Ўгирилдим-у, машина тарафга кетдим.

Уйга тезроқ етиб олиш учун ошиқаётган ва газни кўпроқ босишга иштиёқ зўраяётган бўлса-да, шаҳарни эҳтиёткорлик билан аста босиб ўтдим. Миямда битта фикр — тезроқ уйга кирсам-у, беркиниб олсам.

Уйга кириб, эшикни ёпиб, ўзимни қопқонга тушгандай ҳис қилдим. Қўрққанимдан бужмайиб кетдим. Улар шу ерга келишади-ю, мени олиб кетишади, деб ўйладим.

Уйда Маделина ёлғиз ўтирарди.

ЎН ТЎҚҚИЗИНЧИ БОБ

Жума...

Кун тиккага келгунча Маделинани кузатиб, лифтнинг шовқинига ва йўлақдаги оёқ товушларига қулоқ тутиб ўтирдим. Маделина чолворини шимарганча қорайиш учун юзига мой сурган, гиламда офтобда тобланиб ётарди. Орадан бирмунча вақт ўтгандан кейин ўрнидан турди, узун пошнали туфлисини кийиб, Сузи Мамблининг юришини машқ қила бошлади. У олдимда думбасини диркилатиб, анчагача у ёқдан-бу ёққа юрди.

Маделина тўхтаб, сигарета тутатди.

— Қалай бўляпти, ўхшайманми? — сўради у.

— Жуда зўр. Туғма истеъдод бор экан сизда.

— Сузи Мамбли ҳақида берган маслаҳатингиз жуда зўр бўлди. Мен сизга ёқишга ҳаракат қилишим керак. Борган сари ролга кириб боряпман. Мен энди Мамблига ўхшамоқчи эмасман, аксинча, Мамблининг тайёр ўзи бўлдим-қўйдим.

— Жуда яхши, жуда яхши, — дедим. — Сиз Сузи Мамблининг ўзисиз. Лекин сиздан ўтиниб сўрайман: банк билан исму шарифларни эсдан чиқарманг.

— Э-ҳа, — кулимсираб деди у. — Вақти келганда, албатта, эслайман. Агар бир ё икки ҳафта ичида эслолмасам, банкка қўнғироқ қиламан.

Бир ё икки ҳафтадан кейин! У бир ҳафтанинг ичида мени адои тамом қилади.

Маделина яна олдинга, орқага юра бошлагандан кейин ўзимни зўрлаб, кўзимни бошқа ёққа олдим. Мана шу ҳаракатнинг ўзиёқ мени ақдан оздириши мумкин.

Вақт ўтяпти, кун жудаям чўзилиб кетди.

Мен оғзимда таъм сезмай қолгунимча қаҳва ичиб, сигарета чеқдим. Уйқуни кўзимдан қочириш учун ҳамма чироқларни ёқиб душга тушдим. Асабим қўзиб, лифтнинг шовқинига қулоқ тута бошладим. Қачонгача чидарканман? Ҳар дақиқада полиция менинг кимлигимни таниб қолиши, исталган дақиқада келиб эшикни тақиллатиши мумкин? Яна қанча вақт тетик, ухламай юришим мумкин. Кўзим уйқута кетиши билан у мени ўлдиради. Эшикни қулфлаб олиб, ваннада ерда ухлаб олса бўлади, лекин унда Маделина кўнглимга келган гапни тушуниб қолади. Нега энди буларнинг барига нуқта қўя олмаслигим керак? Гўшакни кўтариб, Маделина Батлер фалон жойда турибди, десам-чи? Шундан кейин яшириниб олсам бўлади. Уни қўлга туширишгандан кейин мени қидирмай қўяди.

Кейин яна банкдаги пул эсимга тушди-ю, бундай иш қилишга қудратим етмаслигини тушундим. Ҳали у мени охиригача жонимдан тўйдиргани йўқ. Ҳа, мендан осонликча қутула олмайди. Пул меники бўлади, мен унга эгалик қилишим керак.

Бундоқ қарасам, бу гапларни ёлғиз ўзим хонада овоз чиқариб гапираётган эканман. Ўтириб кўзим илинибди. Озгина товущдан ҳам чўчиб уйғониб кетар ва юрагим гурсиллаб урарди. Аъзойи баданимни совуқ тер босди.

Шанба...

Пастга тушдим, машинага ўтириб, дуч келган томонга мақсадсиз аста юриб, бир жойдан газета сотиб олдим. Полиция Финлейнинг машинасини аэропортдан топибди.

«СИРЛИ ҚОТИЛ ШАҲАРДА ҚИДИРИЛЯПТИ»

Чарисса Финлей ҳалигача менинг фамилиямни эслолмапти. Уларнинг ихтиёрида энди фақатгина менинг таърифим қолган эди. Лекин улар борган сари менга яқинлашиб келишмоқда, ҳалқа торайиб бормоқда эди. Ақлдан озишимга ҳам бир бахя қолган.

«Йўқ. Бунга нуқта қўйиш керак. Уни ҳали йўқ қилиш қудратига эгаман».

Маделина ўзини хотиржам кўрсатгани билан шуни аниқ билардимки, у ҳам ичидан ҳаяжонда эди. Полиция мени излаётганини билар, агар улар мени тутишса, ўзи ҳам қўлга тушишини тушунарди. Унинг тошдан ҳам қаттиқ юрагида нималар яшириниб ётгани фақат худога аён. Лекин биронта инсон зоти мана бундай оғир юкни кўтара олмайди ва охир-оқибат таслим бўлади. Озгина қолди, унинг мени ўлдиришига йўл қўймаслигим

ва ўзимни ҳам ақддан оздирмаслигим керак, шу билан бирга уни ҳам ўлдириб қўймаслигим шарт. Агар шундай қилолсам, Маделинанинг тоқати тоқ бўлиб мендан олдин таслим бўлади ва қайси банкка қайси исму шариф ёзилганини айтиб беради.

Мен уни кузата бошладим. Башарасидан унинг таслим бўлиш нияти йўқлигини сезиб бўлмасди. Мутлақо. У қуёшда чўзилиб ётганча алақандай куйни хиргойи қиларди. Сузига ўхшаб гапиришга ўрганган. Ўз ролини зўр артистдай ўрнига қўярди. У ноз билан гапирадиган, ёқимли қиёфага кирган ва мутлақо асабийлашмасди.

Банкдаги пўлат сандиқларни, ўзи айтгандек, бир йилга ижарага олган.

Маделина ётоқхонага киргандан бирмунча кейин ухлаб қолибман. Қачон ва қанча ухлаганимни билмайман. Лифтга қулоғимни динг қилиб ўтирганимни эслайман, қарасам, диванчада ухлаб ётибман. Қандайдир ёқимсиз шовқиндан уйғониб кетдим. Бошимни кўтариб қаёқда ётганимни билолмай хонага эсанкираб қараб чиқдим.

Кейин Маделинага кўзим тушди. Яланғоч баданига эрталабки халатни кийиб олган, қўлида қайчи. У оёқ яланг эди. Эҳтиёткорлик билан бир неча майда қадам ташлаб, менинг ўзига қараб турганимни сизди-да, кулимсиради.

— О, ноз уйқуларини бузибман-да? Афсус.

Мен гўё қотиб қолгандек бир оғиз ҳам гапира олмадим. Қўлидаги қайчини кўрганимни билди-да, қўлини кўтариб сочини силаб қўйди. Кейин:

— Сал-пал сочларимни тартибга келтириб қўйиб, жиндай ичмоқчи бўлган эдим. Ошхонага чиқиб, бир пиёла қуйиб оламан.

Мен туриб ўтирдим, нима дейишимни билмай, узун қайчининг ўткир тияларига тикилиб қолдим.

Маделина хонага кириб келди, қаршимда ўтириб, юмшоқ курсига суялди.

— Ростданам, сизни уйғотиб юборганимдан афсусдаман, — деди. — Энди уйғонишга уйғондингиз, келинг, чекишиб, бирпас валақлашиб ўтираминиз.

Мен жувоннинг башарасига ҳадиксираб қарадим. У сигарета тутатди-ю, чордана қуриб ўтириб олди. Юпқа халати остида ҳеч қандай кийими йўқлиги уни хижолатга қўймаётган эди.

— Жуда шинам хона, тўғрими? — деди у секин.

Мен галварс уни таслим бўлди, деб юрибман-а. Юрагимнинг туб-тубида гўё бир нарса ёрилгандай туюлиб кетди.

Тишимнинг такиллаб кетиши эшитилмасин, деб қимир этмай ўтирардим.

У қўлидаги қайчини ўйнай бошлади. Тирноқларини тўғри-ламоқчи бўлгандай қайчини очиб узун ялтироқ тиғларини бармоғининг учларига тўғрилади. Кейин табассум қилиб менга қаради.

— Бу ер шундай тинч, осойиштаки. Мен жон деб бир умр шу ерда қолган бўлардим. Сиз мана бу шеърни эшитганмисиз? — Қайчининг учлари ялтираб кетди:

*Ором бахш этиб нозик мусиқа таралар,
Қизил гул барглари ерга тўкилганда.
Тунги туман қудуқларга чўкканда
Қоп-қора чўққиларни беркитар...*

У жим бўлиб қолди.

— У ёғими? Хотиржам кўрилган тушлар ҳақида, тўғри-масми? Э-ҳе, — Маделина ўйланқираб менга қаради. Сигарета тутуни буралиб-буралиб юқорига ўрларди:

*Тафаккурни ўраб олар мусиқа,
Ҳорғин киприклар чарчоқ кўзлар узра чўкканда.
Мусиқа бизларга ширин уйқу улашади.*

— Яхши-а, тўғрими?

Секин-аста портлаш даражасига келаётганимни ҳис қила бошладим, лекин ўзимни қўлга ола билдим.

Унинг қўлидаги қайчидан кўркмаётган эдим. Мени Маделинанинг инсон боласига хос бўлмаган кучли ирода эгаси эканлиги, унинг букилмас, енгилмас қудрати ҳайратда қолдирган эди. Бунга қарши менда ҳеч қандай қурол йўқ эди.

Бутун вужудимни ўрнимдан туриб қочиб қолиш ёки қўлидаги қайчини тортиб олиб, томоғига тираб, сўйиб ташлаш мумкин эканлигини синаб кўришдек майл чулғаб олди.

Қаршимда чуқур жарлик пайдо бўлди, яна бир қадам ташласам жаҳаннамга кетаман.

Маделина ўрнидан турди.

— Афтидан, чарчаганга ўхшайсиз. Бошқа сизга халақит қилмайман, — деди у. — Бориб ухлай.

У одамни қанчалик сиқиб сувини олиш йўлларини мукам-мал ўрганган эди.

Якшанба...

Бугун эрталабдан бошланиб то оқшом чўкканда тугайдиган ғайри оддий кун эди. Бунақа кун энди бошқа бўлмайди. Бугунги кун қачон портлашини кутиб ўтадиган сўнгсиз дақиқалардан иборат эди. Бу тўпга қўйилган пилта, ёниб тугаши билан портлайди, унинг тугашига атиги бир сантиметрча қолган.

Ярим кечага борганда бошқа мадорим қолмаганлигига кўзим етди. Ташқарига чиқишим керак бўлиб қолди. Пастга тушиб машинага ўтирдим-у, аста соҳил томон ҳайдаб кетдим. Бориб дўнгликлар орасида машинани тўхтатдим.

Атроф қоп-қоронғи. Муздек ел эсиб турибди. Машинадан тушиб беш қадам нари кетдим-да, бир дўнгликка ўтирдим. Ўтирдим-у, ҳушимдан кетдим. Билганим шу бўлдики, атрофимда ҳар хил от ўйинлар бўляпти, ўзим бўлсам, қўлида боғлам-боғлам пул ушлаган, лекин қовоғидан қор ёғиб турган сариқ сочли қизларнинг ўртасидаман. Кейин кўз олдимни қора парда қоплаб олди.

Бирдан ҳушимга келиб, атрофга алангладим. Кўзимга нур тушиб, мендан бир неча метр нарида қоронғиликда машина тўхтади.

Чўнтак фонари ёнди. Эшиги очиқ "Понтиак"нинг олдида нур чайқала бошлади. Мен нафасимни ичимга ютиб ётиб олдим.

Нур ер устида у ёқдан-бу ёққа югура бошлади. Машинадан тушган одам кўрдик, машинада ҳеч ким йўқ. Кейин фонарини ўчирди. Машинанинг эшиги очилиб ёпилди. Мен қимирламадим. Қутулишнинг мутлақо иложи йўқ. Эҳтимол, мени қоронғиликда пайқамас.

Яна чўнтак фонари ёнди. Нур чап томонимдан сирғалиб ўтиб кетди. Бу сафар юзимни ёритди. Ўткир нурдан кўзларим қамашиб кетди...

— Бу ерда нима қилиб ётибсиз? — деб сўради эркак киши.
— Мазангиз йўқми ё мастмисиз? Ҳов!

Ўрнимдан ирғиб турдим-да, унга ташландим. Тўппончасини чиқаришгаям улгуролмади. Мўлжаллаб туриб башарасига мушт туширдим. У ҳам мени урди. Қум устида ёқалашиб кетдик. Ёқасидан бўғиб туриб яна урдим. У бу сафар бир қалтиради-ю, чалқанча тушиб қимирламай қолди.

Унинг чўнтак фонарини олиб юзини ёритдим. У ҳушдан кетган эди. Мен машинасининг олдида бордим-да, калитини олиб, қоронғиликка улоқтириб юбордим.

Фонар билан йўлни ёритиб машинага бордим, ҳайдаб кетдим.

Ундан-ку, қочиб қутулдим-а, лекин бу ёғига вақтим озгина қолганди. Энди бу ҳодиса шаҳарда ҳамманинг оғзига тушади.

Қирғоқ бўйлаб борарканман, ҳушимга келдим. Фикрларим ҳам тиниклаша бошлади. Ҳали пулни қўлга киритишдан умидимни узганим йўқ. Мен Маделинани тиз чўктириб энгишим керак.

Эрталаб соат бешга яқин машинамни уйимдан унча узоқ бўлмаган ён томондаги кўчага қўйдим. Шарқдан осмон қизариб кела бошлади. Уйга кирганимни ҳеч ким сезгани йўқ. Зинадан юқорига чолиб чиқдим. Бу сўнгги кун эди. Бир неча соатдан кейин биз яширинишимиз керак бўлади.

«Йўқ, — деб ўйладим. — Мен яширинишим керак».

Маделина ётоқхонада эди. Мен оловга қаҳва қўйиб, ваннахонага кирдим. Қайноқ душга тушдим, кейин ўзимга келиш учун устимдан муздек сув қуйдим. Бу вақтда қаҳва ҳам қайнади. Икки пиёла вискини тез-тез ичиб, устидан қайноқ қаҳва ҳўпландим. Кейин сигарета чекиб, Маделинани кута бошладим. Уни уйғотишдан маъни йўқ. Чунки банклар эрталаб соат ўндан очилади.

Соат саккизларда унинг туриб, ваннага кириб кетганини эшитдим. Орадан бир неча дақиқа ўтиб, эғнида калта нимча кийганча чиқиб келди.

— Салом, — деди у ёқимли овозда. — Уйқута тўйдингизми? Ўрнимдан туриб унинг олдига бордим.

— Исму шарифлар масаласи қандоқ бўлди? — деб сўрадим. — Эслай олдингизми?

У масхараомуз кулиб қўйди.

— Унчалик ишончим комил эмас...

Унинг елкасидан тутиб силкитдим.

— Хўш, қанақа экан...

— Намунча шошасиз? Ҳали олдимизда бир ой вақт борку.

Мен индамай орқамга ўтирилдим. Бориб, ўзим билан унга бир пиёладан қаҳва қуйдим. Ўтирдик.

Мен оғзимга сигарета олиб, унга олов тутдим.

— Яхши, — дедим кескин оҳангда. — Бошланг. Нимани хоҳлаяпсиз?

У қошини чимирди.

— Нимани назарда тутаяпсиз?

— Бунни жуда яхши биласиз, — деб жавоб бердим. — Мен энгилдим. Бошқа иложим йўқ. Бу ердан зудлик билан кетишимиз керак. Мени полиция қидиряпти.

Мен сигарета тутатиб, гугурт чўпини кулдонга ташладим. Кейин яна Маделинага юзландим.

— Сиз полиция сизни эмас, мени қидиришаётганини яхши биласиз, шундай эмасми?

У бош ирғади.

— Шундай деб ўйлагандим.

— О'кей. Бунга сиздан кўра кўпроқ менинг асабим чидар деб ўйлагандим, бошқа чидолмайман, тоқатим қолмади. Бундан икки соат муқаддам денгиз бўйида қўлга тушаёздим. Етар энди. Бу ердан туёқни шиқиллатишимиз керак.

— Шунақами? — деди у аста, кейин қўшиб қўйди: — Сўзингизни бўлган бўлсам, узр. Назаримда, сиз яна нимадир демоқчи бўлаётгандай эдингиз, тўғрими?

— Яхши, — дедим жаҳл билан. — Қанчасини хоҳлайсиз? Ярми етадими? Бундан ортиғи ортиқ. Унутманг, калитлар менда. Ё ярмини оласиз, ё ҳеч нима.

Маделина ўзини сал орқага олиб, кулиб қўйди.

— Менимча, жуда яхши таклиф. Лекин сиз мен учун бу ишнинг бошқа томони ҳам борлигини ўйлаб кўрганингиз йўқми? Эслаб кўринг. Мен шунга ишора қиляпман.

— Қайси томонига?

— Мени анойи деб ўйламанг. Шу гапни олдинроқ айтганингизда, шунча руҳий азобларга дучор бўлмаган бўлардингиз.

— Афсус, — дедим ўзимни унга ишонгандек кўрсатиб. — Бу менинг хатойим. Ярмига розимисиз?

У пиёласини силаб, бир оз ўйлаб турди, кейин шундай деб жавоб берди:

— Ҳа. Жанубий соҳилларга етиб борганда, ажраб кетишни хоҳласак.

Мен унга ажабланиб қарадим.

— Бу билан нима демоқчи бўласиз?

Маделина бошини кўтарди. Унинг боқишлари Маделина Батлерга қараганда кўпроқ Сузига ўхшаб кетарди.

— Бундай қилиш менга жуда оғир. Сиз мени жуда тўғри тушунибсиз. Эҳтимол, у ерда ажрашгимиз келмай қолар.

— Қизик, — дедим аста. — Мен ҳам худди шу ҳақда ўйлагандим.

Унинг лабларида юракни жиз эттирадиган ёқимли табассум ўйнади.

— Агар бошқа одам қиёфасига кирадиган бўлсанг, зоҳиран эмас, ботинан ҳам киришинг керак бўларкан. Мен сизга энди Сузи Мамбли ролини ўйнаётганим йўқ деб айтгандим-ку. Мен

Сузи бўлдим ва бу борган сари менга ёқмоқда. Сўнгги кунларда мен унинг табиатидаги жуда ажойиб хислатларни кашф этдим. Менимча, буни сиз ҳам пайқаган бўлсангиз керак.

ЙИГИРМАНЧИ БОБ

Мен турмоқчи бўлган эдим, имо қилиб қайта ўтиришга мажбур қилди.

— Ли, шошилманг. Шунинг унутмангки, Сузининг табиатида менинг ўтмишдаги феъл-атворимдан ҳеч вақо йўқ. Сузи ўзгаришни тўхтатиши керак бу ёғига. Гапимни тушундингизми?

У гапдан тўхтаб қолди. Кейин мен гапирмасимдан олдин қўшиб қўйди:

— Энди бу ҳақдаги гапларни бас қилайлик. Ҳали олдинда қиладиган ишимиз бир талай.

Биз меҳмонхонага кириб кичик диванга ўтирдик. Маделина жуда ҳаяжонда эди. Мен учала калитни олиб, стол устидаги ойнага қўйдим. У калитларни ушлаб бирин-кетин менга узатди.

— Миссис Гоарри Л. Карстерс, — деди у. — Учинчи Миллий банк. Миссис Жеймс Р. Хетс — кредит компанияси. Мисс Луцилла Мэннинг «Соҳилбўйи» банки.

Пулни олишга келганда Маделина ҳаммасини рисоладагидек яхши эслади. Мен яна калитларни олиб, ҳамёнимга солиб қўйдим.

Маделина соатига қаради.

— Чораккам тўққиз бўлибди. Банк соат ўнда очилади. Мен сочларимни тўғрилашим ва ундан ташқари бир-иккита кўйлак ҳам сотиб олишим керак.

Мен портлаб кетдим.

— Ҳеч қачон! Улар менинг шаҳардалигимни билишади. Ҳар бир дақиқа кечикишимиз биз учун жуда хатарли...

У гапимни бўлди.

— Уйда ўтирсангиз, бунинг хатарли жойи йўқ. Бунақа алвасти аҳволимда банкка боришим мумкин эмас. Сизга, эҳтимол, жуда чиройли кўринаётгандирман. Лекин мени кўчада кўрган ҳар бир аёл сочини этиқдўз кесибди дейиши тайин. Кейин, мана бу костюм ҳам ундан баттар. Худди олабўжига ўхшайман. Бундай ҳолда таваккал қилишимиз мумкин эмас, асло. Мен одамларнинг эътиборини жалб қилмаслигим керак. Биронта ҳам одам боласи мени шу аҳволда банкдаги пўлат сандиқни ижарага олганимга ишонмайди.

Ҳеч нарса деёлмай қолдим, у тўғри гапираётган эди. Соат ўн иккидан кечикмай қайтиб келишга ваъда берди. Шу бор-йўғи икки соат вақт деб жанжаллашиб ўтириш ўринсиз эди.

Маделина ўтириб, ҳар хил гўзаллик салонларига қўнғироқ қила бошлади. Охири биттаси келаверинг деди. Мен унга ҳамёнимдаги пулдан 200 доллар бердим. У телефон билан такси чақирди-да, ташқарига йўналди. Эшикка борганда менга ўтирилди, яна чиройли бир табассум ҳадя қилиб, чиқиб кетди.

— Қизиқ. — деди у. — Шу эшиқдан Маделина Батлер бўлиб кириб келгандим. Энди эса Сузи Мамбли бўлиб чиқиб кетяпман. Яхши кайфият билан чиқиб кетишимни хоҳлама-япсизми?

Тилагини бажо келтирдим. Лабларини менинг лабларимга босганда, мен энди ҳақиқий Сузини ҳис қилдим.

У бир лаҳза бағримга кирди.

— Энди орамиздаги ҳамма тўсиқ олиб ташланди, — деди-да, чиқиб кетди.

Мен асабийлашиб, сигарета кетидан сигарета чекар ва тинимсиз хонада у ёқдан бу ёққа юрардим. Дам сайин лифтга қулоқ тутаман, тўхтаганда даҳшатга тушаман. Шаҳарда юришимни эсласам, асабларим қақшарди. Шаҳарнинг ҳамма кўчаларида полиция изғиб юрибди. Уларнинг кўзига тушмасликнинг бирдан-бир йўли машинанинг ичида ўтириш эди. Тўғри, машинам қанақалигини яхши билишади, лекин полициячилар унинг рақамини билишмайди. Машинанинг ичида ўтирган одамнинг афзаллиги шунда эдики, унинг бўйини ҳеч ким билолмасди. Полиция аниқлаб олиши мумкин бўлган асосий нарса, бўйимнинг новчалиги эди.

Мен яна бир бошидан тушиб ўйлай бошладим. Маделинага пулни олибоқ автострада томонга жўнаймиз деб айтдим. Лекин сўнгги дақиқаларда нималардир хаёлимга келиб, уйимга кирамизу, у ердан ёлғиз ўзим чиқиб кетаман деб қўйдим.

Кейин ўз-ўзимга, наҳотки у мени Сузи Мамблининг тузоғига илинадиган лақма деб ўйлаган бўлса, деб савол бера бошладим. Ахир банкдаги пулни қўлга киритгандан кейин Маделина Батлер ўлмаганлигини, у тириклигини биладиган яккаю ягона одам фақатгина мен эканлигим унга аниқ-равшан бўлиши керак-ку.

Мен столга ўтириб, полицияга хат ёза бошладим. Уни конвертга солиб, костюмимнинг кўкрак чўнтагига жойладим. Шаҳардан чиққанзимиздан кейин конвертни шаҳар ташқарисидаги биронта почта қутисига ташлаб кетаман. Хат камида ўн

икки соатлардан кейин полиция қўлига тушишига ишончим комил эди. Бошқа шаҳарда ташлаб, хат уларнинг қўлига бир кун кейин тушгандан кўра, мана шуниси маъқул эди. Шунда полиция қайси томонга қараб кетганимни билолмай қолади.

Ўн икки соат етарли.

Ҳамёнимда бир юз йигирма минг турса, полиция қотилликда айблаб мени қидирмаётган бўлса — мен истаган нарса худди мана шу ўн икки соатнинг ўзи-ку. Бу вақт ичида истаган жойимга етиб ола оламан.

Мен уйимга қайтиб келганимизда унинг эски кийимларига қўшиб ҳамма янги кийимларини ахлат қутисига ташлаб юборишим керак. Кейин уйдан чиқиб кетаман. Маделина қип-яланғоч уйдан кўчага чиқиб кетолмаса керак. Полиция фақатгина уни олиб кетгани келади.

Албатта, у қаттиқ жанжал кўтаради, менинг белгиларимни полицияга айтиб беради, мана булар унга ёрдам бериши амри маҳол. Агар мени тутиб олишадиган бўлса, ҳамма айбни қўйишлари мумкин-у, лекин қотилликда айблай олмайди.

Асабларим ниҳоят даражада таранглашиб кетди. Жойимда хотиржам ўтиролмай қолдим. Мана, ниҳоят соат эрталабки ўн бир. Ўн бирдан чорак ўтди. Соатга қарамасликка ҳаракат қилдим. Назаримда соат миллари юрмаётгандай, тўхтаб қолгандай эди. Ҳар сафар лифтнинг овозини эшитганимда эшикнинг тақиллашини кутиб, қотиб қолардим. Кейин эшик тақиллаб қолса, бориб очишга мадорим етармикин, деб ўз-ўзимдан сўраб қўярдим.

Ўнта кам ўн иккида Маделина қайтиб келди, зўр-базўр бориб эшикни очдим.

Сочини қойилмақом қилиб қўйишибди. Ранги малла, ялтирарди. Қўлидаги қутида шляпа ва учта тутунча бор эди. У ҳаяжонланар, хурсанд ва бахтиёр кўринарди.

— Шошманг, аввал кийиниб ўзимни сал-пал тартибга келтириб олай, — деди у.

— Шошил, худо ҳаққи тез бўл.

У ётоқхонага кириб кетди. Кутиб ўтирарканман, қорнимда қандайдир тошлар бир-бирига урилиб қулдираётганга ўхшарди. Сўнгги дақиқаларда чидаб бўлмай қолди.

Ўн дақиқалардан кейин у чиқиб, ёнимдан ўтиб кетди, хонанинг ўртасига келиб менга ўтирилди-ю, ҳайкалдай қотиб турди.

У ҳақиқий Сузи Мамблининг ўзи бўлган-қўйган эди, катта шляпа чаккасига ёпиштириб қўйилгандай бошига қия қўнди-

рилган. Оғзи қулорига. Қисқа англи ёзги гулдор кўйлаги баданига ёпишиб турарди. Оёғидаги пошнаси саккиз сантиметрли оқ туфли тасмалар билан ўралган. Оёқларидаги юпқа нейлон пайпоқ худди кўз-кўз қилиш учун кийилгандай эди. Қўлларидаги узун-узун оқ қўлқопнинг тагидан қорайган қўллари сезилиб турарди.

— Хўш, — деди у жилва қилиб, — ижодинг ўзингга маъқулми?

— Эсим оғиб қолай деди, — жавоб бердим мен. — Бу ҳақда кейинроқ эсимга сол. Ҳозир эса жўнашимиз керак.

— О'кей, — деди у ва менга қараб қўйди. — Ли, соқолингни олмабсан-ку!

Мутлақо унутибман. Одатда душга тушганимдан кейин соқолимни олардим. Бу сафар шошилинчда эрдан чиқибди.

— Э-ҳа. Ростдан-а, — дедим. — Ҳозир соқол олишга вақт йўқ.

Юзимни қўлларим билан силаб кўриб, уч кундан буён соқол олмаганим эсимга тушди.

Сўкина-сўкина ваннахонага кирдим, галстугим билан кўйлагимни ечиб ташладим. Соқол олаётганимда Маделина ётоқхонани тозалар эди.

Ваннахонадан чиққанимда у мени кутиб ўтирарди.

— Пулни солиш учун яна бирон нима олишим керак, — деди у. — Пул жуда кўп.

— Йўлда бирон ерда тўхтаб, портфел ола қолармиз, — дедим. — Йўқ, шошмай тур. Чамадонингда нима бор?

— Э-ҳа. Бунга ўйламабман. Ичи кенг, кўп нарса сиғади. Эски кийимларимни, барибир, олмаيمان.

У ётоқхонага кириб, чамадонини кўтариб чиқди.

Мен костюмимни стулнинг ёнбошидан олиб кийдим. Энди кетишга тайёр бўлган эдик.

— Кетдик, — дедим.

Кўчага чиқиб машинамга яқинлаша бошлаганимизда эгим жимирлашиб кетди. Ўзимни қўлга олишга уриндим. Машинага ўтирдик. Мен қора кўзойнак олиб, кўзимга тақдим.

Аста юриб бордик. Қатнов авжида, кун иссиқ, костюмда дарров терлаб кетдим. Светофорларда эҳтиёт бўлдим. Шу билан бошқа машиналарни ҳам назардан қочирмадим. Бирон машинага машинамни уриб олишим ўлим билан тенг деган сўз. Бир сафар патруль машина бизга етиб олди ва бирмунча вақт ёнма-ён ҳам юрди. Асабим бузила бошлади, лекин полиция машинаси бизга эътибор бермади. Навбатдаги чорраҳада чалга бурилиб кетди.

Энди биз шаҳарда қатор-қатор бўлиб кетаётган машиналарнинг ўртасида эдик. Мен «Соҳилбўйи» банки ва Миллий банк жойлашган Эвелон-стрит кўчасига — чап томонга бурила олмадим. Узоқдан айланиб келишга тўғри келди.

Эвелон-стрит кўчасидан биринчи бор юрганимда машина тўхташ мумкин бўлган жой қаердалигини кўрганим йўқ. Бўш жойни «Соҳилбўйи» банки яқинидан топдим.

Тўхтаб, иккита калитни чиқариб, Маделинага бердим.

— Шу ерда кутиб тураман, — дедим. — «Соҳилбўйи» банкида ишни битказганингдан кейин Учинчи Миллий банкка ўт. Кейин қайтиб келиб ҳув анави муюлишга келиб тур. У ердан чапга қайрилиб кетишим осон. Сени кўришим биланоқ олдинга етиб бораман. Машинага чиқасан-у, Кредит компанияси банки томон жўнаймиз.

У менга кўзини қисиб, кулиб қўйди.

— Сузининг юришини бир томоша қил, — деди у.

Маделина хотиржам эди. Машинадан чиқиб, мўъжазгина чамадончасини қўлига олди.

Мен кетидан қараб қолдим. У орқамдаги кўчадан ўтиб, банк зиналаридан кўтарилиб кетди.

Кутган сари асабим бузила бошлади. Бир жойда ўтириш ниҳоятда азоб эди. Мен сигарета кетидан сигарета чекар ва ҳар бирини икки марта тортиб, ойнадан ташлаб юборардим. Кўчадагилар менга қарамасин деб энгашиб машинанинг у ёқ-бу ёғини титкилаган бўлардим.

Худди ўлжа қидирган ақуладай полиция машинаси ёнимдан секин юриб ўтиб кетди-ю, кўздан йўқолди. Мен энгил нафас олдим.

Кун иссиқ эди. Ўзимча числони ҳисобляяпман деб ниманидир санардим. Лекин нимани санаётганимни аниқ билмасдим. Кейин хаёлан Маделинанинг шу онда қаердалигини тасаввур қила бошладим. Ҳозир қаердайкин у?

У банкнинг ичига кириши, кейин зина орқали пастга тушиши, сўнг катта пўлат эшиқдан ўтиши керак. Карточкага қўл қўйиши, кейин калитни навбатчига бериши лозим. Улар ялтироқ металл билан жило берилган йўлак орқали асалари уясига ўхшаш пўлат сандиқлар орасига кириб боришади. У ерда бир бурчакдан ўзига қарашли пўлат сандиқни топиб очади, пулни олиб, чамадонга жойлайди. Хотиржам бўлиб, омбордан чиқади.

Кейин зина орқали юқорига кўтарилади, банк биносидан ўтиб, кўча эшик орқали тротуарга тушади.

Мен орқа кўзгуга қарадим.

У банкдан чиқди, зинадан тушиб орқамдаги кўчадан бедана юриш қилиб йўлка бўйлаб кела бошлади. Ёнимдан ўтиб кетаётганда менга ўтирилди-ю, табассум қилиб қўйди, ҳатто кўзини қисиб қўйгандек ҳам туюлди.

Мен яна кута бошладим. Машина кўядиган майдон тепасидаги соатга қараб-қараб кўярдим. Орадан ярим соат ўтди. Маделинадан беш цент тўлаб қўйишини илтимос қилишим керак, бўлмаса машинадан чиқиб ўзим бориб тўлаб келишимга тўғри келади.

Беш центлик чақа ёнимда йўқ эди.

У кўчани кесиб ўтиш жойига борганда соат мили уч дақиқани кўрсатиб турарди. У муюлишда тўхтаб, менинг келишимни кута бошлади.

Мен машинани ҳайдаб, олдига бордим, ўтириб олиши учун эшикни очдим. Тердан кўйлагим ҳўл бўлиб кетган, қўлларим қалтирарди.

— Хўш, олдингми? — деб сўрадим. — Бари силлиқ ўтди-ми? Қийинчилик бўлмадими?

— Ҳеч қанақа қийинчилик бўлгани йўқ. Кейинги светофорда тўхташинг учун секинроқ ҳайдаб бор. Сенга ҳозир бир ажойиботни кўрсатмоқчиман.

Қизил чироқ ёнди. Машинани тўхтатдим.

— Қани, кўрсат, — дедим. Томоғим чангак бўла бошлади. — Кўрсат!

Тиззасининг устида чамадон турарди. У қулфни очди-ю, кулимсираб менга қаради.

— Мана.

У чамадон қопқоғини озгина кўтарди. Мен унинг ичига кўз югуртирдим-у, бутун борлиқни, бутун дард-аламларимни бир зумда унутгандай бўлдим. Бу жуда ғалати эди. Йигирматалик, элликталик, юзталик бандероль қилиб боғланган қалин тахлам пулларни кўриб кўзим қамашиб кетди.

У ерга шунақанги қўл солгим келиб кетдики...

— Шошма, — деб шивирлади Маделина.

У чамадонга оқ қўлқоп кийган қўлини тикиб бандеролни бузди, кейин ўрам-ўрам қилинган пулларни тахлай бошлади. Бу ишни жуда нозиклик билан, алоҳида меҳр-муҳаббат билан қиларди.

Мен эсанкираб қолганимдан машина рулига ёпишдим.

У чамадон қопқоғини ёпди. Чўнтагимдан учинчи калитни олиб узатдим. Биз ҳали ҳам кўк чироқ ёнишини кутиб, светофор олдида турардик. Маделина калитни сумкага солгандан кейин қўлини қисиб қўйдим. У ҳам бунга жавобан қўлимни қисиб қўйди.

— Ҳаммаси кўнгилдагидек бўлгандан кейин, — деб шивирладим. — Уйимга қайтиб борамиз. Атиги бир неча дақиқага. Сузи бунга қарши эмасми?

У менга ўтирилди, кейин ғалати қараш қилиб тикилди.

— Йўқ, — деди у овози қалтираб, — Мен қарши эмасман. Муҳаббат тангриси Зухрога қуллуқ қилгани борамиз. Ахир у Галатеяга ҳаёт инъом этган-ку, шундай эмасми?

Бу гаплар жуда ажойиб, жуда ёқимли эди. Омад кулиб боққани ҳақидаги фикрлар мени шу қадар чулғаб олган эдики, светофор ёниб йўл очилганини ҳам ўтказиб юборибман.

Маделина ҳаётдаги ҳамма нарсага этак силкиб тупурди. Эҳтимол, ўйлаб кўриб менга ҳам тупургандир.

Энди очкўз Сузини сўнги бор ер билан яксон қилишим учун уйга қайтиб борамиз. Бу ҳали ҳаммаси эмас. Энг зўри бу ёқда: мен уни қип-яланғоч қилиб ечинтираман, кейин кийимларини ахлат қувурига ташлаб юбораман. Шундан кейин бир юз йигирма минг долларни оламану, ҳеч ким билан бўлашмай, жуфтакни ростлайман.

Орқамизда сигнал чала бошлашди. Ширин хаёлим тарқаб, ўзимга келдим.

Кредит компаниясининг тижорат банки кўчанинг яна машинани буришим мумкин бўлмаган томонда эди. Айланиб келишга тўғри келди.

Бу сафар омадим чопди. Машина қўйиш манзили кириш устунлари мрамор билан безатилган маҳобатли банкдан ўн беш метрлар чамаси нарида эди. Бориб машинани қўйдим. Маделина мени қўли билан туртиб қўйиб, машинадан тушди.

Мен ўтирилиб, унинг аста бедана юриш қилиб банк эшигига яқинлашаётганини кузатиб турдим. Кейин банкка кириб кетди.

Энди бир неча дақиқа кутиш қолганди, холос.

Сигарета чекишга уриниб кўрдим. Қўлим қалтирарди, ёнимдан бир полициячи мотоциклда ўтиб кетди. Елкамдан муз босгандай бўлди. У менга қарамай тўғри кетди. Енгил нафас олдим.

Мен кўзгуни орқага ўтирилмасдан банк эшиги кўринадиган қилиб тўғрилаб қўйдим. Қалтировимни тўхтатиш учун қўлимни ўриндиққа маҳкам босдим. Мен пулни, пардаси туширилган ётоқхонамни, Сузини ўйлардим. Вужудимдаги зўриқишни босиш мақсадида фикримни сонларга жалб қилиб санай бошладим. Банкка кириб кетганига қанча бўлдикин? Эсимда йўқ. Вақт тўхтаб қолгандек, борлиқ нафас олмаётгандек туюлиб кетди.

Кейин Маделина кўринди. У банкдан чиқди-ю, зинадан тушиб машина томон кела бошлади. Мен хайрият деб чуқур нафас олдим.

Иш тамом бўлди. Энди мен ўз уйим томонга озгина юришим керак, холос. Машинани юргизиб, эшигини очиш учун кўлимни узатдим. Маделина менинг кўзимга қаради-ю, кулиб юборди.

У тўхтамади.

Сумкани ушлаган кўлининг учта бармоғини «хайр» дегандай сал силкитиб қўйиб, машинанинг ёнидан ўтиб кетди.

Аблаҳ!

Мен машинанинг эшигини ушлаганча кўрққанимдан қотиб қолдим. Бошим айлана бошлади. Ичимда бир нима узилгандай бўлди. Назаримда, ўз овозимни ўзим узоқлардан эшитаётгандай эдим.

Маделина бўлса, бедана юриш қилиб кўчадан аста-секин юриб борарди.

Нима қилишимни билмай қолдим, мен гайри шуурий ҳаракат қила бошладим. Рулни буриб йўлга тушдим. Бир машина қийқиртириб тормоз қилди. Ҳайдовчи бошини ойнадан чиқариб менга бақирди. Мен унга эътибор қилмай, машиналарни оралаб олға ўтиб олдим.

Ҳаммаси хаёлда, худди ёмон туш кўраётгандай эдим. Қандайдир бир эркак менга қаради. Башарамни кўрмасин деб энгашиб олдим.

Машинам илгарилаб борар, ортимда сигнал чалишарди. Чорраҳага келганимда қизил чироқ ёниб қолди. Машинани тўхтатдим. Машиналар орасида кўк чироқ ёнишини кутиб турдим. Мен лабимни қимирлатиб: «Бу ёққа кел, бу ёққа кел», дердим. У бўлса бошқа томонга қарарди.

Светофор чирогини ўзгартирди. У йўлқадан чиқди. Мен чорраҳани кесиб ўтдим. Шунда у орқага қайтиб, йўлакка чиқди-да, ўнг томондан кесиб ўтган йўл билан кетди. Мен узоққа кетиб қолгандим ва орқага бурилишим мумкин эмас эди. Лекин мен бурилдим.

Бирдан бошим айланиб кетди. Кўз ўнгим қоронғилашди, худди ўзимни гирдобга тушгандай сеза бошладим. Чап қанот билан чорраҳада турган машинага урилдим. Ҳуштак овози эшитилди. Машинани тўхтатмадим. Кейин бориб, пиёдалар йўлида турган бошқа бир машинага урилдим.

Ҳамма ёқни ҳуштак овозлари босиб кетди. Қарама-қарши муюлишдан тўғри менга қараб полициячи келаверди. Мен газ

бериб, чап томондаги машинани туртиб юбордим. Иккала кўча ҳам тўхтаб қолган машинага тўлиб кетди. Кўча бўйлаб аста-секин қадам ташлаб узоқлашиб бораётган Маделинага кўзим тушди.

Машинага тормоз бердим-да, ирғиб тушдим. Иккита полициячи менга қараб кела бошлади. Мен урган ҳар иккала машинадан эркак кишилар тушишди. Яна ҳуштак чалинди. Мен сакраб тротуарга чиқиб олдим. Мени ўраб олиб ушламоқчи бўлишарди.

Лекин кўз олдимда фақат Маделина турарди. Чор атрофимда дарғазаб оломон, кўча бўйлаб эса, пулни кўтарганча Маделина Батлер борарди. Агар кўздан ғойиб бўлса, мени осишлари тайин. Мен у тарафга қўлимни чўзганча ўзимни йўқотиб бақира бошладим:

— Маделина Батлер! Ҳув анави Маделина Батлер!

Ҳеч ким гапимга қулоқ солмади. Бирон кимса унга эътибор ҳам қилмади.

Наҳотки ҳеч ким кўрмаган бўлса?

Мени ушлаб олишди. Қўлимни қайиришди, кимдир бўғди. Ҳамма мени сўкарди. Сирена овози эшитилиб сал нарида машина тўхтади. Ҳамма нарса кўз ўнгимда қориша бошлади. Одамларнинг қиёфалари гира-шира кўринарди. Мен талпиниб, уларга мушт туширардим, улар кўздан йўқолар, ўрнига бошқа қиёфалар пайдо бўлар, булар эса кўпайгандан-кўпайиб борарди.

Мен куч билан тротуар бўйлаб олдинга юришга интилдим. Ана Маделина, ёнгинамда, тилларанг жингалак сочлари қуёшда товланмоқда, қўлида бир юз йигирма минг доллар солинган сумкача.

Менинг бошимга мушт туширишди, мен тиззалаб қолдим. Тўхтаб қолган машиналарнинг орасига йиқилдим. Кейин уларнинг орасидан ўрмалай бошладим.

— Ушланглар уни! — қичқирдим. — Ушланглар! Маделина Батлерни ушланглар!

Мени яна ўраб олиб, маҳкам ушлашди. Ҳар томондан мушт ёғилиб кетди, лекин мен оғриқни сезмас ва бир амаллаб Маделинанинг орқасидан ўрмалашга ҳаракат қилардим.

Ниҳоят, йўлакка чиқиб олганимда у майда қадам ташлаб яқинимга келди. Мени айланиб ўтаркан, ўгирилиб бир қараб қўйди. Унинг қарашида совуқ бир калондимоғлик ва нафрат зухур этиб турарди. Кейин яна ўша юришда узоқлаб кетди.

Башарамдан қон оқа бошлади. Сўнгги бор қулашимдан олдин уни яна бир бор кўриб қолдим.

У энди муюлишга етиб олган эди. Алвидо, дегандай думбаларини диркиллатганча ғойиб бўлди.

ЙИГИРМА БИРИНЧИ БОБ

Мен ақлдан озганим йўқ. Мен ҳам сизларга ўхшаш бинойидай одамман, ишонаверинг.

Тасаввур қилинг-а: Маделина Батлер ҳали тирик. Тушуняпсизми? Тирик, қаҳ-қаҳлаб кулиб юрибди. У эркинликда.

Шу билан бирга қўлида бир юз йигирма минг доллари ҳам бор.

Бу пулларни ундан тортиб олиш учун беш киши уринди. Улардан иккитаси нариги дунёга кетди. Иккитаси турмада. Мен эсам панжара ортида ўтирибман.

Улар ҳар дақиқада уни топиши мумкин, у тирик деб ишонтирадиган бўлсам, калласини қимирлатиб қўя қолишади.

Чунки у сочини малла қилиб олган, бошқа ўйлаб топган сохта исму шариф билан яшаяпти. Кўринишидан енгилтабиат қизга ўхшайди, юриши, қилиқлари ҳам шунга мос. Лекин у Маделина Батлер.

Мени ҳибсга олишгандан кейин йигирма тўрт соат сўроқ қилишди. Мен чироқда, ёруғ нур остида, улар эса ярим қоронғиликда ўтиришди.

Аэродром, вокзаллар, автобус йўлларини ўраб олинглар, қочиб кетмасин деганимга қарамай пулни қаерга беркитдинг, деб менга тинимсиз саволлар беришди. Охири мен ёруғ нур остида студда ўтирганимча ухлаб қолдим.

Бу вақтда, албатта, Маделина узоқ-узоқларга кетиб қолган. Лекин уни ўлдирмаганимни исботлаб бера олармидим. Мутлақо йўқ.

Ниҳоят, менга адвокат олишга рухсат беришди. Мен бу воқеаларни бир неча бор такрор-такрор айтиб бераверганимдан кейин охири ишонтирдим. Адвокатнинг илтимоси билан полициячилар уйимни тинтув қилишди. Тахминимча, эрталабки халати, чолвори, шиппаги ва шунга ўхшаш майдачуйда арзон-гаров нарсалари уйда қолган бўлиши керак эди. Буларни қайси магазинлардан сотиб олинганини аниқлаш ҳам мумкин эди. Мазкур лаш-лушлар Маделина Батлер менинг уйимда ҳақиқатан ҳам яшаганига далил бўлиб хизмат қиларди.

Охири шундай бўлиб чиқдики, улар уйимдан ҳеч вақо топиша олмади.

Ҳеч нима. На чолвор, на шляпа қутиси, на шиппак ва на янги кўйлак ўрамаси, ҳеч нима йўқ эди. Ҳатто на лаббўёғи қолган, на сигарета қолдиғи. Виски шишаларида ва пиёлаларда бармоқ излари ҳам топилмади. Ёстиқларда лаб бўёғининг излари дейсизми, сочни олти ойлик жингалак қиладиган асбоб ва соч бўёғининг қолдиғи дейсизми, булардан асар ҳам йўқ эди.

Кейин улар бу хонадонда ҳеч ким яшамаган деган хулосага келишди.

Аста-секин менга ҳамма нарса равшанлаша борди.

У мени ҳибсга олишгандан кейин уйимга кира олиши мумкин эмасди, чунки калит йўқ эди. Назаримда, буларнинг ҳаммасини уйдан чиқишимиздан олдин, мен соқолимни қиришга кириб кетганимда амалга оширган. Ҳамма ёқни яхшилаб артиб-тозалаб бўлиб, барча кийим-кечак ва ашқол-дашқолларни ахлат қувурига ташлаб юборган.

У мен қилмоқчи бўлган ҳамма ишни бажарган. Фақат отни мендан олдин қамчилаб қолган.

Костюмимнинг чўнтагидаги хатни ҳам ўқиган. Улар мендан ўзингиз Маделина Батлерни уйингизда яшириб ўтирсангиз-у, яна уни қаердан топишимиз ҳақида полицияга хат ёзсангиз, буни қандай тушуниш мумкин, деб сўрашди.

Мен буни уларга тушунтиришга ҳаракат қилдим. Лекин пул ҳақидаги саволлар жонимни ҳиқилдоғимга келтириб юборди.

Худди ана шу нарса сабабли адвокатим қанчалик талаб қилмасин, полициянинг Диана Жеймснинг жасадини олиб текширишига монелик қилди.

Тўғри, бугина эмас, бунга бошқа сабаблар ҳам бор эди.

Шундай бўлиб чиқдики, полициячи Маделина Батлернинг юзини фонар билан ёритиб турганда мен бошига урганимдан кейин уни ҳеч ким кўрмаган эди. Чарисса Финлейларнинг биз машинага ўтириб блокгауздан ўтганимиздан кейин бир-биримизни ўлдиришимизга ишончлари комил эди. Кичик шаҳардаги бензин қуйиш шохобчасида турган йигит ёнғин бўлгандан тўрт соат кейин ўтган машинада бир ўзим бўлганлигимни маълум қилди.

Кўча ҳаракатини тартибга солиб турадиган икки полициячи бўлса, мени етти кишилашиб базўр қўлга олишганини айтишди. Тротуарда Маделина Батлер кетаётган эди, деб роса уринганимни хаёлпарастликнинг салбий оқибати сифатида асаблар зўриқиб кўзга кўринганликка йўйишди.

Йигирмата гувоҳдан кўрсатма олишди. Ҳаммаси бир овоздан Маделина Батлерга ўхшаган аёлни кўрмадик, деб айтишди.

Саккиз киши, ростдан ҳам малла сочли дидсиз кийинган, бошида катта шляпаси бўлган бир аёлни кўрдик, лекин уни ким Маделина Батлер деса, ақддан озибди, дейишди.

Мен радиони ташлаган пайтда кўрган болаларни сўроқ қилишди. Улар ҳам таъмирга беришганини айтишди. Уста, кимдир ичини пичоқ билан кавлабди, дебди. Уста бу гапни қасам ичиб тасдиқлабди.

Улар айбдорлик туйғуси мени ақддан оздирган деган қарорга келишди. Мен ўлдирган аёл ҳақида ҳар куни маълумот бериб турганлиги учун радионинг симларини пичоқ билан қирқиб ташлаганмишман. Мен ўлдирган аёл худди уйимда тургандек кўринавергани сабабли қирғоққа бориб ухлаганмишман. Ҳар бир аёл Маделина Батлерга ўхшаб кўринавергани сабабли шаҳарга чиққанмишман.

Ҳар ҳолда бу тахминлар ҳал қилувчи роль ўйнамади. Энг асосийси пул ҳақидаги машмаша бўлди. Бу полициячилар менинг уйимга келгандан кейин қалқиб юзага чиқди. Мен нимани гапирган бўлсам, улар бошларини аттанг дегандай сарак-сарак қилиб қўйишар, ё бўлмаса, умуман эшитишмасди. Лекин мен ўн беш мартача Маделина Батлернинг банкка қандай кириб, қандай чиқиб кетганини такрорлайверганимдан кейин буни ҳам текшириб кўрмоқчи бўлишди.

Улар мени бу нарса ҳам олдингиларига ўхшаган ёлғон бўлиб чиқса, шу билан ишни тўхтатамиз, деб огоҳлантириб қўйишди. Менинг айтганларимни текширавериш ҳам уларнинг жонларига теккан эди. Мен енгил нафас олдим. Мана энди ақддан озмаганим ўз исботини топадиган бўлди, деб қувондим.

Улар ҳар учала банкнинг хизматчиларини сўроқ қилишди.

На миссис Гарри А. Карстрес, на миссис Жеймс Р. Хэтс, на миссис Луцила Мэнларнинг биронтаси банк пўлат сандиғини ижарага олмаган экан. Улар ҳатто бунақа номларни эшитмаган ҳам экан.

Мен тасвишлаб берган аёлга ўхшаш биронта ҳам хотин ўша куни пўлат сандиқдан ҳеч нима олмабди.

Аксинча, миссис Маделина Батлер ўзи асос солган тарихий жамият банкидаги пўлат сандиқлардан кўп йиллардан буён фойдаланаркан. Уларда ҳар хил ҳужжатлар ва оилавий қоғозларни сақларкан.

Менга бу ҳақда маълум қилишганда, қоровулни чақиришга мажбур бўлдим.

Мана шу бир юз йигирма минг доллар тўрт кечаю тўрт кундуз менинг уйимда турганлиги эсимга тушса, ҳатто ҳозир ҳам бақириб қичқираман, хохолаб куламан. Бу пуллар ё чамадончанинг ичида, ё тўшакнинг тагида турган экан.

У бу пулларни ҳамма вақт ўзи билан олиб юрган экан. Радиодан берилган маълумотни эса ҳақиқатан ҳам эшитмаган; полиция сени эмас, мени қидиряпти деб унга менинг ўзим айтганман. У афтидан, буни фаҳмлаб етган, лекин айтиб таваккал қилгиси келмаган-да, аввалига ҳақиқий Сузи Мамбли бўлишга, кейин эса яшириниб олишга қарор қилган.

Ё бўлмаса...

Шулар эсимга тушса, кечалари додлаб уйғониб кетаман. Эҳтимол, менга нисбатан бундай қилмоқчи бўлмагандир ҳам. Эҳтимол, мен билан ростдан ҳам узоқ-узоқларга кетмоқчи, ҳаётини бошқатдан бошламоқчи ҳам бўлгандир. Мен омадимни, бахтимни шу ерда бой бермадиммикан? Бунинг учун унинг пўлат сандиқлар ҳақидаги ёлғонларини билмаслигим, бир ёқадан бош чиқаришим, полицияга хат ёзмаслигим керак эди. Балки, шунинг учун ҳам ўзини пўлат сандиқлардан пул олаётгандай қилиб кўрсатгандир.

Ўзингиз ўйлаб кўринг. Мен буни идрок қилолмасдим ва идрок қилолмадим ҳам. Ундан ташқари, мен соқолимни олишга кириб кетганимда чўнтагимдаги полицияга ёзган хатимни олиб ўқиган ва буткул фикри ўзгариб, ўч олиш ва мени бутунлай янчиб ташлаш фикрига тушган бўлиши мумкин.

Охирида менга кўрсатган ўйинлари шундан далолат бериб турибди. Биринчи «Соҳилбўйи» банкида муюлишда бу ёқдан кириб нариги ён эшиқдан чиқиб кетиши ва яшириниб олиши ҳам мумкин эди-ку. Бу унинг учун жуда осон ва бехатар эди. Ҳа, у полицияга ёзган хатимни ўқиган. Ана шундан кейин пулни кўрсатиб, ўйин қилди. Ўшанда Сузи Мамбли қиёфасида ўзини менга боғланиб қолгандай яқин олди, зерикмай, мен ҳақимда яхши хаёл суриб ўтирсин, деб шундай қилди.

Нима учун кечалари уйғониб кетишим сабабларини энди тушунгандирсиз? Ҳар куни уни тушимда кўраман.

Мана, мен Маделинанинг сўнгги банкдан чиқишини машинада кутиб ўтирибман. Ана у, банкдан чиқиб бедана юриш қилиб тротуардан келяпти, сочлари тилларанг, қуёшда товланади, ана мафтункор табассум билан ёзги енгил кўйлақда думбаларини диркилатиб келяпти. Мен эсам бир неча дақиқадан кейин уйимга кириб борамиз, деб ўйлайман.

Пардалар туширилган, хона ним қоронғи, каравот ёнида ерда чамадон очик, ичида бир юз йигирма минг доллар. Қалин қоғозларга ўралганча турибди. Ён томонда эса, шоша-пиша ечиб отиб ташланган нейлон пайпоқлар...

Кейин Маделина чап қўлининг учта бармоғини силкитади. Сўнгра ёнимдан ўтиб, кўча бўйлаб кетаверади-да, кўздан ғойиб бўлади. Мен бўлсам, шаҳарнинг қоқ ўртасида машинада сонсиз машиналар орасида қисилган кўйи қолавераман, икки юзтача полициячи мени тутмоқчи бўлади. Шу он бақириб уйғониб кетаман.

Менинг ўрнимда бўлганингизда сиз ҳам худди шундай аҳволга тушишингиз тайин.

МУНДАРИЖА

3

Агата Кристи

ЛОРД ЭЖОУРНИНГ ЁЛИМИ

175

Чарльз Вильямс

АЖАЛ НАФАСИ

Адабий-бадiiй нашр

«ЖАҲОН АДАБИЁТИ» КУТУБХОНАСИ

Агата Кристи
ЛОРД ЭЖУОРНИНГ ЎЛИМИ

Роман

Чарльз Вильямс
АЖАЛ НАФАСИ

Роман

Қайта нашр

Муҳаррир *М. Аҳмедова*

Рассом *Ю. Габзалилов*

Бадiiй муҳаррир *Ҳ. Меҳмонов*

Техник муҳаррирлар *У. Ким, Л. Хижова*

Мусаҳҳихлар *Н. Умарова, М. Исҳоқов*

Компьютерда тайёрловчи *Ф. Чанишева*

Нашриёт лицензияси АИ №158, 14.08.09. Босишга 2014 йил 14 февралда
руҳсат этилди. Қороз бичими 60 × 90^{1/4}. Газетная пухляя қорози.

Baltica Uz гарнитурасида офсет босма усулида босилди.

Шартли босма табоғи 20,0. Нашр табоғи 18,82.

Адади 2000 нуска. Буюртма №14-31.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг

«O'zbekiston» нашриёт-матбаа ижодий уйи.

100129, Тошкент, Навоий, 30.

Телефон: (371) 244-87-55, 244-87-20


Факс: (371) 244-37-81, 244-38-10.

e-mail: uzbekistan@iptd-uzbekistan.uz

www.iptd-uzbekistan.uz



АГАТА КРИСТИ
Лорд Эжуорнинг
ўлими



ЧАРЛЬЗ ВИЛЬЯМС
Ажал нафаси

“O‘ZBEKISTON”

ISBN 978-9943-01-557-9



9 789943 015579